

Теодор Драйзер
Дженни Герхардт



I БОБ

1880 йил кузининг субҳидамларидан бирида ёши ўтинқираган бир аёл ўн саккизга кирган қизи билан Колумбус шаҳридаги (Огайо штати) манаман деган меҳмонхонага бош суқди-да, нозирга яқинлашиб, бу ерда бирорта иш топилармикин, деб сўради. Аёл тўладан келган бўлса ҳам камқувват кўринар, ўзини камтарин ва одми тутарди. Очиқ чеҳрали, бардошли ва мулойимгина боқаётган кўзларида андуҳ кўлкаси ботин эди — буни ожиз, мусибат адойи тамом қилган кишининг башарасига ачиниб тикилган одамгина пайқай оларди. Ҳозирда онасидан кейинроқда туриб, теварак-атрофга ясама бепарволик билан назар ташлаётган қизининг тортинчоқлиги ва уятчанлиги қайдан пайдо бўлганини тушуниш ҳам қийин эмасди. Бу қизнинг табиатидаги онасидан ўтган тасаввур, туғма сезгирлик ва мурғаклигига қарамай ажиб ақл соҳибасига хос бўлган мутаассирлик отасидан ўтган жиддият ва вазминликка омихта эди. Аёлларни бу ерга муҳтожлик етаклаб келганди. Улар азбаройи қашшоқлик тимсолидек туюлганларидан ҳатто нозирнинг ҳам юраги эзилиб кетди.

— Қанақа иш қидиряпсизлар?— деб сўради нозир.

— Балки бирор жойни йиғиштириб ё тозалаб бериш керакдир,— она ботинмайроқ жавоб қилди.— Пол ювиш ҳам қўлимдан келади.

Қиз шунда қунишиб қўйди. У ишлагиси келмаганидан эмас, балки йўқчиликдан қора ишга ҳам розиликлари шундоққина билиниб турганидан эзилиб кетганди. Нозир, эркакларга хос бир тарзда, чиройли қизнинг эзилаётганидан таъсирланди.

— Бирпасгина сабр қилинг,— нозир шундай деди-да, идорага кириб, катта хизматчи аёлни чақирди.

Меҳмонхонада чиндан ҳам иш бор экан. Бу ерда фаррош аёл ишдан бўшаб кетганидан асосий зина билан кираверишқаровсиз ётарди.

— Ёнидаги қизими?— деб сўради катта хизматчи узоқдан она-болага қараб.

— Менимча, шунақа.

— На чора, бугунданоқ ишга тушаверишсин. Қиз онасига қарашса керак-а?

— Катта хизматчи аёл билан гаплашинг,— деди жойига қайтиб келган нозир мулойимлик билан.— Мана буёққа ўтинг,— у ён томондаги эшикни кўрсатди.— Ўша ерда келишиб оласизлар.

Бу манзарани касби ойнасоз бўлган Уильям Герхардт ва унинг оиласи бошига тушган беҳисоб бахтсизлик ва муваффақиятсизликларнинг фожиавий якуни деса бўларди. Бу одам ишсиз қолганидан (камбағал меҳнаткашлар тақдирнинг бунақа ҳунарларини яхши билишади) эндиликда ҳар тонгни жонсараклик билан кутар, янги кун ўзига, хотинига ва олтита боласига нима олиб келишини билмас, чунки буларнинг нону насибаси тасодифнинг мурувватига боғлиқ эди. Герхардтнинг ўзи ётиб қолганди. Тўнғич ўғли Себастьян ёки ўртоқлари айтганларидай Басс шу ердаги вагонсозлик устахонасида шогирд бўлиб ишлар, ҳафтасига фақат тўрт доллар оларди. Бош қизи Женевьева ўн саккизга кирганига қарамай шу пайтгача қўлида бирор ҳунари йўқ эди. Герхардтнинг бошқа болалари ҳам бор, улар — ўн тўрт яшар Жорж, ўн иккига кирган Марта, ўн ёшли Уильям ва саккиз яшар Вероника эдилар. Улар ишлашга ҳали ёшлик қилганларидан ҳаммаларини боқиш зарур эди. Герхардтга қарашли уй оиланинг ягона мулки ва таянчи бўлиб, у ҳам олти юз долларга гаровга қўйилганди. Герхардт бу пулни йиққан-терганларини уй олишга сарфлаб, бола-чақам бемалол турсин, деб ёнига уч хонаю бир айвон солмоқчи бўлганида олганди. Гаров пулидан тўла узилишга яна бир неча йил бор эди. Бироқ аҳволлари ночорлашиб қолганидан асосий қарзни тўлаш учун жамғарилган озгина маблағ ҳам, йиллик процентлар ҳисобига тўланадиган бадал ҳам киришиб кетди. Герхардтнинг қўлидан эндиликда ҳеч нарса келмас, аҳволи жуда танглигини ҳам тушунарди. Доктор ҳақию гаров пулининг тўланмаган процентлари ҳисобидан бўғиб турар, қассоб билан булкачидан қарздор бўлиб қолганини эса айтмаса ҳам бўларди. Улар Герхардтнинг ўта инсофли одамлигига ишонганларидан қўлларидан келганча насияга нарса беришарди. Буларнинг бари Герхардтни қийнар ва азоб берар, дардини енгиб олишига тўсқинлик қилганиқилганди.

Миссис Герхардт журъатсизликдан мутлақо йироқ аёл эди. У мижозлар топишга муваффақ бўлганда уларнинг кир-чирларини ювиб турар, бошқа пайтларда болаларининг кийимларини тикиб-чатар, уларни мактабга отлантирар, овқат қилар, ҳаста эрига қарар ва йиғлаган пайтлари ҳам бўларди. Кўпинча бирорта янги баққоллик дўконини қидириб топар (ҳар сафаргиси уйидан тобора олисроқ бўларди), аввалига нақд пул тўлаб нарса олар, кейин насия қилишга ўтарди. Бошқа баққоллар соддадил валинеъматга шилшитиб қўймагунларича шу аҳвол давом этаверарди. Жўхори ҳаммасидан ҳам арзон эди. Миссис Герхардт қозонни тўлдириб жўхори пиширар, салкам ягона саналган бу таом нақ бир ҳафтага етарди. Зотора унидан қилинган бўтқа ҳам йўқдан кўра яхшироқ бўлиб, унга жиндай ёғ тушса борми, салкам базм бўларди ҳисоби. Герхардтлар хонадонида қовурилган картошка зўр таом саналар, қаҳва аҳён-аҳёнда насиб қиларди. Кўмирни яқинроқдаги темир йўл депосининг кесишган йўллари бўйлаб челак ва саватда териб келишарди. Ўтинни ҳам яқинроқдаги ёғоч омборларидан шу йўл билан топиб келишарди. Улар шу тариқа бир амаллаб кун кечиришар, оталари тузалиб кетиши ва ойна заводида яна иш бошлашидан деярли ҳар соат умидвор эдилар. Бироқ қиш яқинлашиб келар, Герхардт эса тобора умидсизликка тушарди.

— Бу аҳволдан тезроқ қутулмасам бўлмайди,— деб қўярди бу қайсар немис дам-бадам. Унинг жарангсиз овози юрагини кемираётган ташвишларни ифодалашга ожизлик қиларди.

Бу мусибатлар етмагандай, кенжатой Вероникага қизамиқ чиқиб, бир неча кунгача ол кетди-ол қўйди бўлиб ётди. Онаси ҳамма ишни ташлаб қўйди, боласи ёнидан жилмай ибодат қилаверди. Доктор Элуонгер раҳмдиллик қилиб, ҳар куни касалдан хабар олиб турди. Лютеранлар руҳонийси, пастор Вундт муқаддас черков номидан тасалли бериб кетарди. Икковлари ҳам хонадонга тунд мунофиқлик руҳидан бўлак нарсани олиб киришмасди. Бош-

дан-оёқ қора кийинган бу одамлар яратган эгамнинг вакиллари эдилар-да. Миссис Герхардт, қизчамдан айриляпман, деган хаёлда дарди дунёси қоронғи ҳолда қизининг ёнида мижжа қоқмай ўтирарди. Уч кундан кейин хавф ўтиб кетди, бироқ хонадонда бир тишлам нон йўқ эди. Себастьяннинг маоши дори-дармонга кетди. Фақат кўмиргина текинга тушарди, лекин болаларни деподан бир неча марта қувиб солишди. Миссис Герхардт иш қидириб борса бўладиган жойларни бирма-бир хаёлидан ўтказди-да, иши ўнгидан келишига сира умид қилмаган ҳолда меҳмонхонага йўл олди. Мана, мўъжиза рўй бериб, омади келиб турибди-да.

— Қанча тўлашимизни хоҳлайсиз?— сўради катта хизматчи.

Миссис Герхардт, буни сўраб ўтиришади, деб сира ҳам ўйламаганди. Муҳтожлик эса унга дадиллик берди.

— Кунига бир доллар унча кўплик қилмасмикин?

— Маъқул,— деди катта хизматчи.— Ҳафтада тахминан уч кунлик иш йиғилиб қолади. Ҳар куни тушдан кейин келсанглар бемалол эплайсизлар.

— Раҳмат сизга,— деди миссис Герхардт.— Бугундан бошлайверсак бўладими?

— Ҳа. Юринглар, челак билан латталар қаердалигини кўрсатаман.

Она-бола ногаҳон иш бошлашган мусофирхона ўша пайтлар учун ҳам, Колумбус шаҳри учун ҳам ниҳоятда ажиб бир даргоҳ саналарди. Колумбус — штатнинг пойтахти бўлиб, эллик минг аҳолиси бор эди. Бунинг устига бу ерда ҳамиша мусофирлар кўп бўлар, шу важдан ҳам шаҳарда меҳмонхоналар ва мусофирхоналар кўпайиши лозим эди. Бу ҳолдан жуда ўринли фойдаланилар, шаҳарликларнинг ўзлари ҳар ҳолда ғурур билан шундай ўйлашарди. Колумбуснинг марказий майдонида беш қаватли баҳайбат бино қад кўтарган, шунингдек, штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси ва энг йирик магазинлар ҳам шу ерда эди. Меҳмонхонанинг кенг-кўлам вестибюли—кираверишни яқинда қайтадан таъмирдан чиқарилганди. Саҳни ва деворларнинг мармар қопламаси қотириб артиб-тозаланганидан кўз нурини олгудек ялтирарди. Юқорига панжараси ёнғоқ дарахтидан қилинган ва пояндоз гиламни маҳкам тутадиган мис чивиқлари бўлган ажойиб зина олиб чиқарди. Вестибюлнинг бир чеккасидаги пештахта анча-мунча жойни эгаллаган бўлиб, унда газета ва сигаралар сотиларди. Зина тагидаги пештахта ортида меҳмонхона ходими навбатчилик қиларди, меҳмонхона маъмурияти жойлашган хона ҳам шу ерда эди. Ҳамма жойга ёғочнинг аъло навлари ишлатилган ва ўша даврнинг янгилиги бўлган газ чироқлар ўрнатилганди. Вестибюлнинг охирида сартарошхона жойлашган, эшик ортидан креслолар, соч-соқол оладиган ялтироқ асбоблар кўзга ташланиб турарди. Меҳмонхона олдида доимо иккита ёки учта омнибус кўринар, улар поездлар жадвалига монанд ҳолда келиб-кетиб туришарди.

Штатнинг энг йирик сиёсий ва жамоат арбоблари ана шу карвонсаройга тушишарди. Бир қанча губернаторлар навбатма-навбат уни ўзларига қароргоҳ қилишганди. Қўшма штатлар конгрессининг икки сенатори иш билан Колумбусга келганларида албатта шу меҳмонхонадаги энг аъло хоналарда туришарди. Меҳмонхона эгаси булардан бири бўлган сенатор Брэндерни ўзининг доимий истиқоматчиси ҳисоблар, нега деганда, бу кекса бўйдоқнинг Колумбусда ана шу меҳмонхонадан бўлак бошпанаси йўқ эди. Меҳмонхонанинг бошқа, камроқ турадиган истиқоматчилари орасида конгресс ва штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси аъзолари, шунингдек, ғайрирасмий сиёсатчилар, коммерсантлар, адвокатлар, врачлар, хуллас ҳар қанақанги одамлар бор эди. Бу қурама оломон келиб-кетиб турар, меҳмонхонадаги ҳаёт турлича ва ғертарадду кечарди.

Она-бола тақдир тақозоси билан бу ярқироқ даргоҳга кириб қолганларидан юракларида юрак қолмаганди. Улар у-бу нарсаларга қўл теккизишга аранг ботинишарди. Она-бола супуришлари лозим бўлган кенг-кўлам, қизил гилам тўшалган коридор кўзларига саройдай улуғвор кўринарди. Улар тик қарашга ҳам журъат этолмас, шивирлаб гаплашишар эди. Ажойиб зинани ювиб, мис чивиқлар билан панжарани артиб-суртишга келганда икковлари ҳам юрак ютишга мажбур бўлишди: она — тортинчоқлигини енгди, қиз эса барчанинг кўзи олдида шундай иш қилаётганидан юзини сидириб ташлади. Улардан пастда улкан вестибюль ястаниб ётар, у ерда дам олиб, чекишиб ўтирганлар, кириб-чиқаётганларнинг ҳаммаси она-болани кўриши мумкин эди.

— Бу ер жуда чиройлиг-а, тўғрими?— Женевьева шивирлаб гапирса ҳам, овозининг жарангидан чўчиб тушди.

— Ҳа,— деб қўйди тиз чўккан ҳолда нўноқлик билан латтани зўр бериб сиқаётган онаси.

— Бу ерда туришга жуда кўп пул керак бўлар дейман!

— Ҳа,— деди онаси.— Манави, бурчак-бурчак жойларни артиш эсингдан чиқмасин. Қара, қанча жойни артмай кетибсан.

Онасининг дашномидан ранжинқираган Женни ишга қаттиқ берилиб, ён-верига аланглашга ҳам ботинолмай, бор кучи билан артиб-суртишга тушди.

Она-бола астойдил, қўлларини аямай, соат бешгача ишлашди. Ташқарига қоронғи тушганидан вестибюль чарогон эди. Улар зинани ювиб бўлишаёзган, энг пастдаги бир неча пиллапоя қолганди холос.

Шу пайтда дам-бадам очилиб турганидан ташқаридан совуқ ҳавони киритаётган икки тавақали катта эшик очилиб, баланд бўйли, ёши ўтинқираган, бошига цилиндр, эгнига эса ҳарбийча бичимдаги кенг плаш кийган бир киши кириб келди. У одам меҳмонхонадаги башанг оломон орасида ажралиб турар, унинг нозик одамлиги аппа-аён эди. Ўзи қорачадан келган, кўриниши жиддий, бироқ очиқ ва ёқимли эди. Қуюқ қора қошлари тагидаги кўзлари чарақлаб турарди. У йўлидан тўхтамай, пештахтадаги ходим тайёр қилиб турган калитини олди-да, зинадан кўтарила бошлади.

У латта ушлаган кекса аёл ёнидан эҳтиётқорлик билан айланиб ўтибгина қолмай, гўё: «Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетаман», дегандай мурувватпарварона қўл силкиди.

Ўшал дақиқада аёлнинг қизи қаддини ўнглаган эди, ҳалиги киши билан юзма-юз тўқнашиб қолди. Йўлини тўсиб қўйганидан қўрқиб кетгани қизнинг кўзларидан шундоққина сезилиб турарди.

Ҳалиги киши мулойим жилмайди-да, таъзим қилди.

— Беҳуда безовта бўлдингиз,— деди у.

Женни бунга жавобан жилмая олдигина, холос.

Ҳалиги киши зинадан пича кўтарилиб, бенхтиёр ўгирилиб қараган эди, қиз жуда ҳам чиройли кўриниб кетди. Қизнинг кенг, силлиқ пешонаси, фарқи текис очиб тараган ва ўрилган сочи, мовий кўзларию юзининг ажиб кўриниши назаридан четда қолмади. Ҳатто қизнинг чиройли лаблари, болалардай кулча юзи ва ёшлик, соғломлик, орзу-умид — ёши ўтиб қолган одам бениҳоя баланд қадрлайдиган барча нарсаларнинг мужассами бўлган адл, келишган қадди-қоматига ҳавас-ла кўз югуртиришга ҳам улгурди. Кейин қиз томонга бошқа қарамаса ҳамки, унинг ажаб сиймосини дил кўзгусида сақлаган ҳолда, виқор билан йўлида давом этди. Бу муҳтарам зот сенатор Жорж Сильвестр Брэндер эди.

— Ҳозир тепага чиқиб кетган одам жуда келишган экан-а, тўғрими?— деб сўради Женни пичадан кейин.

— Ҳа,— тасдиқлади онаси.

— Унинг тилла дастали ҳассаси бор экан.

— Бировларга қараш керак эмас,— деди она насиҳатомуз ҳолда.— Яхши эмас.

— Мен унга қараганим йўқ,— Женни соддадиллик билан эътироз билдирди.— Ўзи менга таъзим қилди.

— Бировларга қарашнинг ҳожати йўқ,— деди она.— Бу уларга эҳтимол ёқмас.

Женни яна индамасдан ишга киришди, бироқ бу ажойиб меҳмонхона ҳамон кўзни қамаштирганқамаштирганди. У теварак-атрофдаги ғовур-ғувурга, одамларнинг хушчақчақ бир шовқинига айланиб кетаётган гаплари ва ҳандаларига беихтиёр қулоқ соларди. Биринчи қаватнинг бир учида ресторан бор эди. У ердан идиш-товоқларнинг жаранги келаётганидан кечки тамаддига дастурхон ёзилаётганини англаш мушкул эмасди. Меҳмонхонанинг бошқа бир чеккасида кимдир рояль чаларди. Хуллас ҳар бир нарсада кечки тамадди арафасида бўладиган одатдаги қувноқ, ҳаловатбахш бир кайфият сезилиб турарди. Мана шу нарса бечора қиз юрагини умид билан тепишга мажбур қиларди. Нега деганда қиз ёш, муҳтожлик юки эса унинг ёш қалбини ҳали-ҳозирча эзиб ташлашга улгурганича йўқ эди. У ҳаммаёқни яхшилаб ювиб, тозалашда давом этаркан, гоҳо ёнгинасида ишлаётган, мулойим кўзлари тевараги-ни ажин босган, лаблари кундалик беҳисоб ташвишларни унсиз такрорлаётган, толиққан онасини унутарди. Шунда қиз теварак-атрофидаги нарсалар нақадар сеҳрли эканини ўйлар ва ана шу ҳашамату шодонликдан озгинаси ўзига ҳам насиб бўлишини истарди.

Соат олти яримда катта хизматчи аёл она-болани эслаб, уларга жавоб бергани келди. Зина супуриб-сидириб бўлинганди. Она-бола шунда енгил тин олишди-да, челак билан латталарни жойига қўйиб, уйларига ошиқишди. Она ахири иш топганларидан терисига сигмасди.

Улар улкан, чиройли бинолар ёнидан ўтиб боришарди. Женни меҳмонхонада бошқача ва янгича нарсаларни кўриб тўлқинланганидан яна ғалати бўла бошлади.

— Бой бўлиш яхши-я, тўғрими?— деди у.

— Ҳа,— жавоб қилди эс-ҳуши хаста Вероникада бўлган онаси.

— Уларнинг ошхонаси каттаконлигини кўрдингми?

— Ҳа.

Она-бола энди хароб, кўримсиз уйлар ёнидан ўтиб боришар, кузги япроқлар оёқ остида заиф шитирларди.

— Қани энди биз ҳам бой бўлсак,— Женни ўзича ғўлдирагандай бўлди.

— Нима қилишимни билмайман,— онаси чуқур уҳ

тортиб, бўйнига олди.— Уйда бирон егулик нарса бўлмаса керак.

— Мистер Бауменнинг дўкончига яна бир марта кира қолайлик!— Женни ойисининг овозидаги умидсизликдан ўзилганидан унга жуда раҳми келди.

— У бизга ҳалиям ишонади дейсанми?

— Унга, иш топдик, деймиз. Ўзим айтаман.

— Яхши,— онаси ночор кўнди.

Она-бола уйларидан икки квартал берида мўъжазгина, чироғи хирагина баққолчилик дўконига бош тиқишди. Миссис Герхардт оғиз очмоқчи бўлувди. Женни эпчиллик қилди:

— Бизга бугун қарзга озгина нон билан ёғ бериб турасизми? «Колумбус-Хауз»дан иш топдик, шанбада албатта узамиз.

— Ҳа,— қўшимча қилди миссис Герхардт,— энди мен ишлиман.

Бу онладагилар бошларига мусибат тушмасидан ва касалликка чалинмасларидан илгари ҳам Бауменнинг дўконидан доимо нарса олиб туришарди. Баққол шунинг учун ҳам она-бола тўғри айтишаётганини билиб турарди.

— У ерда анчадан буён ишлаяпсизларми?— деб сўради у.

— Бугун биринчи кун.

— Сиз мени биласиз, миссис Герхардт,—деди баққол.— Сизга йўқ дейишни истамасдим. Мистер Герхардт ишончли одам, лекин мен ҳам бадавлат эмасман. Ҳозир замон оғир,— қўшимча қилди у,— менинг ҳам бола-чақам бор.

— Ҳа, тушунаман,— деб қўйди оҳиста миссис Герхардт.

Миссис Герхардт ишлайверганидан қизариб кетган қўлларини эскирган рўмоли остига яшириб, безовта ҳолда сиққани-сиққанди, Женни эса ёнида дамини чиқармай турарди.

— Майли,— деди ниҳоят Баумен.— Бу сафарча ҳам қарзга бераман. Шанба куни қурбиларинг етганича тўларсизлар.

Баққол буларга нон билан ёғ ўраб, Женнига узатаркан, кулимсираб деди:

— Қўлларингизга яна пул тушганда бошқа ёққа оғиб кетарсизлар дейман.

— Бўлмаган гап,— миссис Герхардт эътироз билдирди, бунақа қилмаслигимизни ўзингиз ҳам биласиз-ку.

Миссис Герхардтнинг ҳозирда баққолга узундан-узоқ тушунтириб ўтиришга ҳоли ҳам йўқ эди.

Она-бола муюлишдан ўтиб, икки томонига хароб уйчалар тушган қоронғи кўчадан кетиша бошлашди.

— Болалар кўмир олиб келишганмикин-а, қани энди билолсам,— деди она ҳорғин, уйларига бир неча қадам қолганда.

— Ташвишланма,— деди Женни.— Олиб келишолмаган бўлса бориб ўзим опкеламан.

— Битта амаки бизни ҳайдаб юборди,— ойиси кўмирни сўраганида Жорж саломлашишга ҳам улгурмай тўкиб-солди.— Шунда ҳам озгина олиб келдим,— қўшимча қилди у.— Платформадан ташладим.

Миссис Герхардт жилмайди, Женни эса қаттиқ кулиб юборди.

— Вероника қалай?— сўради у.

— Ухлаётганга ўхшайди,— деди отаси.— Унга соат бешда яна дори ичирдим.

Она кечликка ғарибона тамадди ҳозирлади-да, хаста қизчасининг ёнига ўтирди. У ҳар галгидай тун бўйи мижжа қоқмай чиқиш тараддудида эди.

Себастьян кечки овқат пайтида битта амалий гапни ўртага ташлаганди, ҳаммалари бунга эътибор беришди. Чунки Себастьян ишнинг кўзини билар, тирикчилик масалаларида бошқалардан кўра тажрибалироқ эди. У вагонсозлик устахоналарида бор-йўғи шогирд бўлиб ишлар, ҳеч қанақа маълумот олмаган, чунки унга лютеранлар динининг ақидаларидан бўлак нарсани ўргатишмаганди, булар эса унинг дидига сира-сира ўтиришмасди. Шунга қарамай Себастьян ҳақиқий америкаликлар сингари ғайрат ва шижоатга тўла йигит эди. Бўйдор, паҳлавонсифат ва ёшига яраша бақувват бўлиб, шаҳарлик йигитларнинг сараси эди. Унинг, муваффақият қозонмоқчи бўлсанг лалайма, бунинг учун дунёда пешқадам бўлган сирти силлиқларга иложи борича яқинлашишинг ёки, жилла қурса, улар билан ўзингни яқин кўрсатишинг керак, деган ҳаётий фалсафаси бор эди.

Басс ана шунинг учун ҳам «Колумбус-Хауз» атрофида ўралашиб юришни ёқтирарди. Унга мазкур меҳмонхона бу оламдаги казо-казолар маконидай туюларди. Пул тўплаб, устига дурустроқ костюм битганидан кечқурунлари шаҳар марказига борадиган ва ошналари билан меҳмонхона олдида соатлаб ўралашадиган бўлди. Пошналарини тақиллатиб юриб, бир жуфти беш центлик сигара чекар ва бойваччалардай қизларга кўз ташларди. Бу ерда бошқа йигитлар — меҳмонхонага соқол олдиргани ёки бир қадаҳгина виски ичгани кирадиган шаҳарлик олифталар ва бекор-

чилар ҳам бўлиб туришарди. Бассинг ҳаваси келар ва уларга тақлид қилишга уринарди. Бу ерда одамнинг аввало кийинишига қараб баҳо беришарди. Одамлар яхши кийиниб юришса, бармоқларида узук, галстукларида тўғнағич кўрикса бас, улар нимаики қилишмасин яхшига ўтишаверарди. Бассинг уларга ўхшагиси келар, шунинг учун ҳам вақтини беҳуда ва бемаъни ўтказиш бобидаги тажрибаси тезкорлик билан ортиб борарди.

— Меҳмонхонада турганларнинг кийимларини ювиб турсанг бўлмайдими?— деди у Женнига, синглисидан ўша кунги воқеаларни эшитгандан кейин. — Бу зинапоя ювишдан дурустроқ-ку.

— Бу қанақа бўлади? — сўради Женни.

— Нозирга тўғридан-тўғри айтавер.

Бу маслаҳат Женнига жуда оқилона туюлди.

— Мабодо меҳмонхона олдида мени кўриб қолсанг, тағин гаплашиб ўтирмагин, — икковлари қолганларида Басс уни огоҳлантирди. — Мени танимайдигандай бўлавер.

— Нимага? — Женни соддадиллик билан сўради.

— Нимагалигини ўзинг жуда яхши биласан, — деди акаси. У, кўринишларинг жуда хароб, сендақа жигарлардан одам шарманда бўлади, деб кўп марта гапирганди.— Мабодо тўқнашиб қолсак ўтиб кетавер, вассалом. Эшитяпсанми?

— Яхши, — Женни калта жавоб қилди. Басс атиги бир ёшгина катта бўлса ҳам, Женни доимо унинг айтганини қиларди.

Эртасига она-бола меҳмонхонага кетишаётганларида Женни акасининг маслаҳатидан сўз очди.

— Басс меҳмонхонада турганларнинг кийимларини ювиб турсанглар бўлади, деяпти.

Кечаси билан, супуриб-сидиришдан ҳафтасига тушадиган уч доллар устига қандай қилиб яна қўшимча пул топса бўларкин, деб ўйлайвериб қийналиб чиққан миссис Герхардт Бассинг гапини маъқуллади.

— Тўғри гап, — деди у. — Мен нозирдан сўраб кўраман.

Бироқ улар меҳмонхонага келганларида бунга қулай фурсат ҳадеганда топилавермади. Фақат кечга яқин тақдир кулиб боққандай бўлди: катта хизматчи аёл нозир пештахтаси олдидаги полни ювишни буюрди. Чамаси мартабали шахс бўлган нозирнинг она-болага яхшилик қилгиси келгани аён эди. Яхши, меҳрибон она билан унинг кўҳликкина қизи нозирга хуш келиб қолганди. Шу важдан ҳам нозир миссис Герхардт кунбўйи калласида айланиб

юрган нарсани юрак ютиб сўрашга ботинганида илтифот ила қулоқ солди.

— Меҳмонхонада турганлардан битта-яримтаси кийимини ювдиришга рози бўлармикин-а? — деди миссис Герхардт. — Бошим осмонга етарди-да...

Нозир унга қараркан, бу ғамнок чеҳрадан чорасиз муҳтожлик аломатларини ўқиди яна бир бор.

— Кўрамиз, — нозир шундай жавоб қиларкан, ўша дамнинг ўзида сенатор Брэндер билан генерал Гопкинсни хаёлидан ўтказди. Уларнинг икковлари ҳам меҳрибон одамлар ва бу бечора аёлга жон-жон деб ёрдам беришади.— Тепага, сенатор Брэндернинг хонасига чиқинг. Йигирма иккинчи хона. Мана, — нозир хона рақамини қоғозга ёзиб берди, — бориб, мен юборганимни айтинг.

Миссис Герхардт қоғозни қўли қалтираб олди. Сўз *билан айтолмаган миннатдорчилиги кўзларидан билиниб* турарди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, — деди нозир аёлнинг ҳаяжонланаётганини сезиб. — Ҳозироқ боринг. Хонасида ўтирибди.

Миссис Герхардт йигирма иккинчи хонанинг эшигини оҳиста ва эҳтиром билан тақиллатди. Женни эса ёнида унсиз турарди.

Бир дақиқадан сўнг эшик очилиб, чароғон хонанинг эшигида сенатор кўринди. У башанг смокингда бўлганидан илк марта кўрганларидан ҳам ёш кўринарди.

— Хизмат, хоним? — деб сўради у миссис Герхардтдан. У икковларини ҳам дарҳол таниганди.

Она бутунлай довдираб қолганидан тезда жавоб беролмади.

— Биз... нарсаларингизни ювиб берсак бўлармикин, деб сўрамоқчийдик.

— Ювиб берайлик дейсизми? — Сенатор бениҳоя жарангдор овозда сўради. — Нарсаларимни ювишми? Қани, киринглар. Ҳозир кўрамиз-да.

У такаллуф билан ўзини четга олиб, она-болани ичкарига киритди-да, эшикни ёпди.

— Ҳозир кўрамиз-да, — деди у яна ёнғоқ дарахтидан ясалган баҳайбат шифонернинг тортмаларини бирин-кетин очаркан.

Женни хонани қизиқиш билан кўздан кечирди. У хонадаги камин ва пардоз столчасида турган бир олам майда-чуйда безаклару чиройли буюмларни шу чоққача кўрмаганди. Юмшоқ кресло ва унинг ёнида кўк соявонли чироқ турар, полда қалин юмшоқ гилам, у ер-бу ерларга ташлаб

қўйилган бир неча гиламчалар бор эди, хуллас, ҳар бир нарса бойлик ва ҳашаматдан дарак берарди!

— Ўтиринглар, мана стуллар, — сенатор илтифот билан шундай дея қўшни хонага ўтди.

Вужудларини сенаторга нисбатан ҳуркак бир эҳтиром қамраб олган она-бола ҳурмат сақлаб ўтиришмади, сенатор эса нарсаларни қидириб бўлганидан кейин таклифини такрорлади. Она-бола хижолатда, ўнғайсизланиб ўтиришди.

— Бу қизингизми? — сенатор миссис Герхардтга шундай деркан, Женнига кулиб қўйди.

— Шундай, сэр,— жавоб қилди она.— Бу катта қизим.

— Эрингиз барҳаётми? — сўради сенатор шундан кейин.— Исми-шарифингиз нима? Қаерда турасиз?

Миссис Герхардт ҳамма саволларга бажонидил жавоб берди.

— Болаларингиз нечта? —давом этди сенатор.

— Олтита, — Жавоб қилди миссис Герхардт.

—Оилангиз кичкина эмас экан, нима ҳам дердик. Сиз мамлакат олдидаги бурчингизни бажаргансиз. Бунга шак-шубҳа йўқ.

—Ҳа, сэр,—жавоб қилди миссис Герхардт унинг эътиборидан тўлқинланиб.

— Буни катта қизим дедингизми?

— Шундай, сэр.

— Эрингиз нима иш қилади?

— У шишасоз. Ҳозир касал.

Сенатор билан миссис Герхардт гурунглашишар, Женни эса қулоқ солар, йирик мовий кўзлари ҳайрат ва қизиқиш билан боқарди. Сенатор ҳар гал Женнига қараганида қизнинг соддадил, маъсума нигоҳига дуч келиб, ажойиб табассумини кўраркан, ундан кўзини узишга қийналарди.

— Ҳа, — деди у ачиниб, — буларнинг бари афсусланарли. Мени унча-мунча нарсаларим йиғилиб қолибди, шуни ювиб берсанглар дейман. Келаси ҳафтада яна бўлса керак.

Сенатор нарсаларини чоғроққина ва чиройли халтага жойлади.

— Қайси куни олиб келайлик? — сўради миссис Герхардт.

— Бари бир, — жавоб қилди сенатор. — Келаси ҳафта, хоҳлаган кунингизда.

Миссис Герхардт оҳиста миннатдорчилик билдирди-да, ўрнидан турди.

— Гап бундай, — сенатор олдинга ўтиб, буларга эшик очди.— Дарҳол олиб кела қолинглар.

— Хўп бўлади, сэр, — деди миссис Герхардт. — Раҳмат сизга.

Она-бола кетишди, сенатор эса яна мутолаага тушди. Бироқ негадир жуда фаромуш бўла бошлади.

— Афсус, — деди у китобни ёпаркан. — Бу одамларда кишини жуда таъсирлантирувчи нимадир бор.

Миссис Герхардт қизи билан яна тунд ва қоронғи кўчалардан кетарди. Ногаҳон ишлари ўнгидан келганидан руҳлари жуда баланд эди.

—Хонаси жуда ажойиб экан-а, тўғрими?—шивирлади Женни.

— Ҳа, — жавоб қилди онаси. — Ўзиям ажойиб одам экан.

— У сенатор-а, шундайми? — давом этди қизи.

— Ҳа.

— Машҳур бўлиш одамга ёқса керак, — деб қўйди қизи оҳиста.

II БОБ

Женниинг маънавий оламини қандай тасвирласам экан? Муҳтожлик сенаторнинг нарсаларини ювишда онасига қарашишга, кир кийимларни олиб, топ-тоза қилиб элтиб беришга мажбур этган бу камбағал қизнинг табиати нақадар майинлигини, ундаги назокатни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шундай нодир, ўзига хос табиатли қизлар бўладики, улар ҳеч нимани билмай дунёга келадилар ва ҳеч нимани тушунолмаганларича дунёни тарк этадилар. Ҳаёт охирги дақиқагача уларга бениҳоя гўзал, чинакам мўъжизалар юрти бўлиб туюлаверади. Улар ҳайратомуз ҳолда бу юртни айланолсалар борми, бамисоли жаннатда юришгандай бўларди. Улар кўз очиб теваракларида ўзларига хуш келган мукаммал оламни — дарахтларни, гулларни, товушлар ва ранглар дунёсини кўрган бўладилар. Бу — уларнинг энг қимматбаҳо мероси, энг яхши бойлигидир. Мабодо битта-яримта: «Бу меники», деб уларни тўхтатиб қолмаса борми, бахтиёрликдан юз-кўзлари кулганича бу заминда тинимсиз кезишган, шунда айтган қўшиқларини бир куймас-бир кун бутун олам эшитган бўларди. Бу эзгулик қўшиғидир.

Бироқ реал олам катакларига тиқиб қўйилган бу одамлар унга бегонадирлар. Такаббурлик ва очкўзликнинг бу

олами идеалистга, орзумандга ола қарайди. Мабодо орзуманд сузиб бораётган булутдан кўзини узолмай қолса, қуруқ экансан, деб ўпкаланишади ундан. Мабодо у қалбини қувонтирадиган шамол хонишларини тинглаб қолса, бу орада теварагидагилар мол-мулкини талон-тарож қилишга ошиқишади. Мабодо жонсиз деб аталмиш олам майин ва мафтункор овозлари ила уни сеҳрлаб қўйгудай бўлса, булар на жонсизу на идроксиз бўлолмайдигандай туюлса борми, орзуманд табиат тўлқинларида маҳв бўлади. Ҳақиқий олам доимо бундай одамларни очкўз панжалари билан исканжага олади. Ҳаёт худди шунақа одамларни ўзининг итоатгўй қулларига айлантиради.

Женни ҳам бу кўримсиз оламда худди шундай эди. Болалигиданоқ ҳар бир қадамини яхшилик ва назокат билан босганди. Себастьян йиқилиб, у ер-бу ерини яра-чақа қилиб олганида Женни акасидан хавотири ва қўрқувини енгиб, ўрнидан турғизиб, ойиси ёнига олиб борарди. Жорж қорним оч, деб хархаша қилганида ўзининг бурда нонини берарди. Укалари ва сингилларини соатларча аллалаб ўтирар, айни пайтда нималарнидир орзу қилиб ўзича ғингилларди. Йўлга кириши биланоқ онасига қараша бошлади. Женни идиш-товоқ ювар, супуриб-сидирар, дўконга югурар ва укаларини боқарди. Гарчанд Женни кўпинча қисмати аччиқлигини ўйлаб қолса ҳамки, бирорта одам унинг зорланганини эшитмаган. У кўп қизчаларнинг анча яйраб ва масза қилиб яшаётганларини биларди-ю, аммо уларга ҳавас қилишни хаёлига келтирмасди. Ичида эзилса ҳам, бари бир ашуласини айтаверарди. Ҳаво очиқ кунларида ошхона деразасидан кўчага қараган пайтларида ташқарига, кўм-кўк майсазорларга чиққиси келарди. Табиат гўзаллиги унинг чизиқлари ва ранглари, нур ва соялари қизчани гўзал қўшиқдай ҳаяжонлантирарди. Гоҳида Женни Жорж билан укаларини ёнғоқзорга олиб кетарди. Соя-салқин бу гўшада ариқча жилдираб оқар, олисда эса далалар ястаниб ётарди. У ҳиссиётларини шоирлардай сўз билан ифодалашни билмаса ҳам, бу гўзалликларнинг баридан ҳаяжонланар ва ҳар бир товуш, ҳар бир шабада эпкинидан қувонарди.

Ёз маликалари бўлган ўрмон мусичаларининг оҳиста, мулойим «ку-ку» лашлари олисдан эшитилганида Женни бошини бир томонга қийнайтирганича қулоқ солар ва нафосатга тўлиқ бу товушлар бамисоли кумуш томчилардай тўппа-тўғри юрагига тегарди.

Қуёш роса қиздириб, майсалар узра соя ва жимжимадор нақшлар қўнганида Женни уларга тўймай тикилар,

7620

офтоб роса ярқираётган жойларга боргиси келаверар ва сеҳрланганича сирли туюлган ўрмон ичкарисига тобора кириб кетаверарди.

Женни рангларнинг бор гўзалликларини ҳис қиларди. Кун ботиш пайтидаги осмонни қоплайдиган ажиб шафақ уни беҳад қувонтирар ва завқлантирарди.

— Қани энди шу булутлар билан бирга сузиб кетсанг,— деди бир куни у худди боладай.

У табиат ёввойи узум зангларида ясаб қўйган арғимчоқни топиб олиб, энди Марта ва Жорж билан бирга уча бошлади.

— Ҳа, қани энди шунақа қайиқ бўлса, — деди Жорж.

Женни бошини кўтариб, кумушранг денгиздаги алвон оролдай туюлган олисдаги булутга қаради.

— Қани энди одамлар мана шу оролда туришса,— деди у.

Женни хаёлан ўша ерда бўлиб, ҳаво сўқмоқларида енгил чопиб борарди.

— Қара, асалари, — деди Жорж ён томондан учиб ўтаётган асаларини кўрсатиб.

— Ҳа, — деб қўйди Женни орзуманд ҳолда, — уйига шошилянти.

— Ҳамма нарсани уйи бўладими? — сўради Марта.

— Деярли ҳамма нарсани.

— Қушларниямми?

— Ҳа, — деди Женни бу фикрнинг нафосатини бутун вужуди билан сезаркан, — қушларнинг ҳам уйи бўлади.

— Асаларилариямми? — деди Марта бўш келмай.

— Ҳа, асаларилариям.

— Кучукларни-чи? — сўради Жорж яқинроқдаги йўлда ёлғиз сандироқлаб юрган итни кўриб.

— Ҳа, албатта, — деди Женни. — Кучукларнинг уйи бўлишини билмайсанми?

— Чивинларни-чи?— деди кечки салқинда ғувиллашаётган чивинлар тўдасини кўриб қолган укаси суриштиришни қўймай.

— Ҳа,— деди Женни бунга ўзи ҳам ярим-ёрти ишониб.— Қулоқ солинглар!

— Ўҳў! — хитоб қилди Жорж ишонқирамай. — Уларнинг уйи қанақа бўлишини бир кўрсам бўларди-да.

— Қулоқ солинглар! — Женни гапини кескин такрорлади-да, жим бўлинглар дегандай қўлини кўтарди.

Оқшом оҳанги умри тугаётган кун узра бамисоли дуодай тараладиган сокин нарса эди. Олисдан оҳиста тортиб келаётган товушлар оқшом ҳавосида сокин сузар ва

табиатнинг ўзи ҳам Женни билан бирга қулоқ солиб жимиб қолгандай эди. Женнидан бир неча қадам нарида қизил тўш тоғчумчуқ дик-дик сакрарди. Асаларилар визиллар, қаердадир қўнғироқ жингиллар, шохларнинг шубҳали шитирлаши олмахон ёнғоқни мўлжаллаб бораётганидан дарак берарди. Женни қўлини туширишни унутганича, оқшомги чўзиқ оҳанглар осмонга сингиб кетгуни ва вужуди лиммо-лим тўлгунича қулоқ солиб турди. Шундан кейин ўрнидан қўзгалди.

— О! — Женни шундай деб юборди-да, азбаройи завқланиб кетганидан қўлларини маҳкам қисди. Кўзларида эса ёш кўринарди. Уни ҳаяжонга солган ажиб денгиз қирғоқларига уриларди. Женнининг қалби ана шундай ҳолатда эди.

III БОБ

Сенатор Жорж Сильвестр Брэндер ажойиб одам эди. У сиёсат бобида устаси фаранг бўлиш билан бирга сезгир халқ вакили ҳам эди. Жанубдаги Огайо штатида дунёга келган, ўша ерда улғайиб (Нью-Йоркдаги Колумбия университетида икки йил ҳуқуқни ўрганганини ҳисобга олмаганда), маълумотни ҳам ўша ерда олганди. У ҳуқуқшуносликни ўз штатидаги ҳар қандай одамдан ёмон билмасди, бироқ мазкур жабҳада адвокатлик соҳасида зўр муваффақият қозонмоқлик учун зарур бўладиган қунт-ла шуғулланмаганди сира. Топиш-тутиши ёмон эмасди, мабодо виждонига терс иш тутгудай бўлса борми, анча-мунча нарса ишлаб олишнинг кўп марта фурсати ҳам келганди, аммо у бунга қобил эмасди. Бироқ қанчалар ҳалол ва ўзига маҳкам бўлмасин, гоҳида бирорта ошнаси илтимос қилиб қолса йўқ деёлмасди. Яқинда охирги президент сайловида, у ҳукмронлик қилишга мутлақо лаёқати йўқ кишининг номзодини қувватлаган, буни Брэндернинг ўзи яхши биларди.

Бир неча марта шубҳали одамларни, икки ёки уч марта бетамизлиги ошкора сезилиб турган кишиларни ҳукумат лавозимларига тайинлаганида ҳам худди шундай айб қилганди. У виждони қийнай бошлаганда: «Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан», деган севимли мақоли билан ўзини юпатарди. Гоҳи пайтларда мунгли ҳаёлларга берилганича креслосида узоқ ўтириб қолар, сўнгра қўзғаларкан, гуноҳкорона илжайиб, бу сўзларни яна такрорларди. Виждони уни сира тинч қўймас, юраги эса ҳар ҳолда виждонига ҳамоҳанг урарди.

Колумбус шаҳри ҳам таркибига кирган округдан штат конгрессига уч марта ва Қўшма Штатлар сенатига икки марта сайланган бу одам шу пайтгача уйланмаганди. Ёшлигида бир қизни жиддий севиб қолган. Илло севгисининг охири никоҳга бориб тақалмаган экан, бунда Брэндернинг гуноҳи йўқ эди. Кўнглига ёққан хоним кутишни истамаган, Брэндер эса рўзғорни тебратадиган мавқега эга бўлмоқ учун кўп ҳаракат қилиши лозим эди.

Бўйдор, келишган, кенг елкали Брэндер бир кўришдаёқ одамларда ҳурмат уйғотарди. Талай аччиқ-чучукни тотган, бошидан кўп нарсалар ўтган бу одамнинг фаросатли кишиларда эҳтиром уйғотадиган нимасидир бор эди. Ўзи кўнгилчан ва илтифотли киши сифатида танилган, сенатдаги ҳамкасабалари эса, осмондаги юлдузни олиб беролмайди-ю, лекин жуда ёқимтой одам, деган фикрда эдилар.

Сенатор Брэндер ўшанда Колумбусга зил кетган сиёсий обрўсини мустаҳкамлаш мақсадида келганди. Конгрессга бўлган кейинги сайловда сенатор партиясининг омади келмади. Ўзи етарлича овозга эга бўлиб, яна қайтадан сайланса бўларди, бироқ бунинг учун анча-мунча сиёсий чаққонлик зарур эди. Ундан бошқа шуҳратпарастлар ҳам бор эди-да, ахир. Бемалол олти-етти номзод топилар, уларнинг ҳар бири Брэндернинг ўрнини жон-жон деб эгаллардилар. Брэндер ҳозирда ўзидан нималар талаб қилинишини жуда яхши тушунарди. Рақиблари уни осонликча енгишолмайди, мабодо енгганларида ҳам, дерди ўзича Брэндер, президент чет элдаги бирорта дипломатик мартабани топширса керак, албатта.

Ҳа, сенатор Брэндерни тўла маънода иши юришган одам деса бўларди, бироқ шунга қарамай назарида ўзига нимадир етишмаётгандай сезарди. Кўнгли тилаган ишларни бажаришга улгурганича йўқ-да. Мана эллик иккига кирди, мўътабар, ҳурматли ва таниқли арбоб сифатида шаънига доғ тушмади, бироқ битта боши иккита бўлмади. У беихтиёр равишда ёнида ўзини азиз биладиган бирорта одами йўқлигини қайта-қайта ўйларди. Гоҳо хонаси кўзига жуда ҳувиллаган кўринар, шундай пайтларда ўзидан-ўзи нафратланарди.

«Эллик йил-а! — бот-бот кўнглидан ўтказарди у. — Елғиз, бутунлай ёлғизман...»

Брэндер хонасида ўлтирган ўшал шанба оқшомида эшиги оҳиста тиқиллади. Бу пайтда у дунёдаги ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўткинчи нарсалиги ва шу нуқтаи назардан ўзининг сиёсий фаолияти ҳам самарасиз эканлиги борасида мушоҳада юритарди.

«Бирорта мавқени эгаллаш учун қанчалик уринамиз,— дерди у ичида. — Орадан бир неча йил ўтади-ю, мен учун барининг аҳамияти камая бораверади».

У қўзғалиб, эшик очаркан, Женнини кўрди. Женни онасига, тезкорлигимиз билан сенаторни ҳайрон қолдирамиз, деб буюмларни душанбани кутмай элтиб беришни таклиф қилганди.

— Киринг, — сенатор шундай дея Женнига илгариги сафаргидай йўл берди.

Женни ичкарига кираркан, буюмларни жуда тез эплабсизлар, деган мақтов кутди, сенатор эса буни ҳатто пайқамади ҳам.

— Хўш, ойимқиз, — деди у, — аҳволларингиз қалай?

— Жуда яхши, — жавоб қилди Женни. — Ойим билан душанбани кутиб ўтирмай, нарсаларингизни бугун келтириб бера қолайлик дедик.

— О, бу менга бари бир, — деди Брэндер бепарво. — Анави ерга, стулга қўя қолинг.

Женни ҳақини олишни ҳам ўйламай, кетмоқчи бўлувди, сенатор тўхтатиб қолди уни.

— Ойингиз яхши юрибдиларми? — хушфеъллик билан сўради сенатор.

— Яхшилар, — Женни шунчаки жавоб қилди.

— Синглингиз-чи? Тузукми?

— Доктор тузук деяпти, — жавоб берди Женни.

— Ўтиринг, — сенатор гапида давом этди. — Сиз билан суҳбатлашмоқчиман.

Қиз ёнида турган стулга чўка қолди. Сенатор сал томоқ қириб олди-да, гапида давом этди:

— Синглингиз нима билан оғрувди?

— Қизамиқ чиққан, — тушунтирди Женни. — Биз тузалмаса керак деган хаёлга ҳам борувдик.

Сенатор қизнинг гапини тингларкан, синчиклаб чеҳрасига тикилар, шунда у бениҳоя ажибдай туюларди. Қизнинг кийими хароб, унинг мавқеи баландлигига ҳаваси келяпти. Сенатор бадавлатлиги ва ҳашаматда яшаётганидан уялиб кетди. Тақдир шунчалар осмонга кўтариб қўйган бўлса на чора!

— Синглингиз тузалиб қолганига хурсандман, — деди сенатор мулойим. — Отангиз нечадалар?

— Эллик еттида.

— Тузалаяптиларми?

— Ҳа, сэр, ўрнидан туряпти-ю, ҳозирча уйдан чиқаётгани йўқ.

— Ойингиз касбини шишасоз деганди шекилли?

— Ҳа, сэр.

Брэндер маҳаллий шишасозлик саноати тангликни бошидан кечираётганини биларди. Бу охирги сиёсий кампаниянинг оқибатларидан бири эди. Герхардтларнинг аҳволи чиндан ҳам жуда оғир бўлса керак.

— Ука ва сингилларингизни ҳаммалари мактабга боришадими?

— Ҳ-ҳа, сэр,— Женни тутилиб жавоб берди. Укаларидан бирининг оёқ кийими титилиб кетганидан мактабга боролмаслигини айтишга уяларди. У ҳозирда тили ёлғонга борганидан хижолат тортарди.

Сенатор бир дақиқа ўйга ботди: сўнгра қизни ортиқча тутиб туришга баҳонаси йўқлигига ақли етди-да, ўрнидан туриб, унга яқин келди. Қармонидан бир неча қоғоз пул чиқарди-да, биттасини Женнига узатди.

— Мана, олинг, — деди у. — Ойингизга беринг, ўз билгича ишлатаверсин.

Женни саросимада пулни олди. Сенатор қанча берганийкин, деб кўриш хаёлига ҳам келмади. Бу ажойиб одамнинг ҳузурида, ҳашамат масканида гангиб қолганидан нима қилаётганини ҳам яхши билмасди.

— Раҳмат, — деди у. — Қайси куни нарсангизга келишимизни айтасизми?

— Ҳа, ҳа, — жавоб қилди у. — Душанба кунлари келинглар. Душанбада кечқурун.

Женни хонадан чиққанидан кейин сенатор ўйчан ҳолда эшикни ёпди. Унинг бу одамларга қизиқиши бошқача эди. Шубҳасизки, камбағаллик билан гўзаллик бирлашиб кетган, одам бунга лоқайд қараши мушкул. У креслога ўтириб, Женни келиши баҳонасида ширин хаёлларга берилди. Бу оилага қарашса бўлмасмикин?

— Улар қаерда туришини билиш керак, — сенатор ахири шунга жазм этди.

Женни кейинги ҳафталарда сенаторнинг кирини олиб кетгани мунтазам қатнаб турди. Сенатор Брэндернинг унга қизиқиши тобора ортди ва кўп ўтмай Женнидаги тортинчоқлик ҳам ўнғайсизликни бартараф қилишга мувафақ бўлди. Қисман, гаплашганида қизни оддийгина Женни деб атай бошлагани ҳам иш берди. Бу ҳол Женни учинчи бор келгандан бошланди ва шундан кейин сенатор деярли ихтиёрсиз равишда кўпроқ қизнинг исмини айтиб муомала қила бошлади.

Сенатор қизга нисбатан оталарча муносабатда бўляпти, дейиш қийин эди, чунки Брэндернинг бу нарса қўлидан келмасди. Бироқ у Женни билан гаплашганида ўзини не-

гадир жуда навқирон сезар ва кўпинча ёшлигимни ҳали йўқотмаганимни наҳотки сезмаса, деб ўзига-ўзи савол берарди.

Женнини бу одамнинг бадавлат ва дабдабали яшаши, — гарчанд қиз буни тўла тушуниб етмаса-да, — Брэндернинг ўзи мафтун этганди. Бунақа сержозиба одамни умри бино бўлиб учратмаганди. Брэндерга қарашли нарсаларнинг бари гўзал, қилган ишларининг бари олижаноб, демак, ҳурматга лойиқ эди. Женнига қаёқдандир (эҳтимол немис ота-боболаридандир) буларнинг барини тушуниш ва қадрлаш қобилияти ўтганди. Худди мана шу одамдай яшаш лозим. Женнига айниқса бу одамнинг олижаноблиги ёқарди.

Женни сенаторга ҳавас қилишни қисман онасидан ўрганганди. Онасида эса ҳиссиёт идрокдан устун турарди. Женни унга ўн доллар олиб келганида миссис Герхардтнинг юраги қоқ ёрилгундай бўлди.

— Буни қанчалигини кўчада кўрдим, холос, — деди Женни. — У, ойингга бер, деганди.

Миссис Герхардт пулни олиб, кафтида авайлаб тутаркан, сенаторни — унинг келишган қадди-басти ва илтифотли муомаласини аниқ кўз олдига келтирди.

— Қандай одам-а! — деди у. — Сахийлигини қаранг-а!

Миссис Герхардт ўшал оқшом ва эртасига афсоналардагидай бадавлат сенаторни, унинг бениҳоя яхши ва олижаноблигини гапиришдан бўшамади. Кир ювишга келганда эса сенаторнинг буюмларини ишқалайвериб илма-тешик қилиб юборишига сал қолди, у ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам камдек туюлди назарида. Эри эса ҳеч нарсани билмаслиги керак эди. У ўлгудай тўғри одам бўлганидан, ҳар қанча қийналмасин, хотини ўзи ишлаб топмаган пулни олишга кўндириши осон эмасди. Миссис Герхардт шу сабабдан унга ҳеч нима демади-да, кутилмаган бу бойликни сезмай қўя қолсин, деб пулга ими-жимида нон билан гўшт ола бошлади.

Онасининг сенаторни кўкка кўтариши Женнига ҳам ўтганди, шунинг учун ҳам бениҳоя миннатдор қиз Брэндер билан тортинмай ва бемалол гаплаша бошлади. Улар жуда қалинлашиб кетишди, Брэндер бир кун Женнига пардоз столида турган сурат қўядиган кичкина чарм рамка ёқиб қолганини сезиб, бу нарсани тақдим қилди. Женни ҳар сафар келганида сенатор бирор баҳона топиб пича ушлаб қоларди. У кўп ўтмай бу ёшгина, ювош қиз муҳтожликда яшаётганидан ғоятда эзилганини ва камбағаллигидан уялаётганини тушуниб олди. Сенатор бундан росмана

таъсирланар ва қизнинг эскирган кўйлагию мазаси кетган пойабзалига қараркан, ўзига-ўзи, нафсониятига тегмай қандай қилиб қарашсам бўларкин, дерди.

У кўпинча бирор куни кечқурун қизнинг кетидан бориб, оиласи қандай шароитда яшаётганини кўришни хаёл қиларди. Ўзи кимсан, Қўшма Штатлар сенатининг аъзоси, бу одамлар эса шаҳарнинг бирорта хароб чеккасида яшашса керак. Шу сабаб сенатор бу фикрни хаёлидан чиқариб ташлади — оқиллик вақтинча устун келиб, ўйлаган режасини кетга сурди.

Сенатор Брэндер декабрнинг бошида уч ҳафтага Вашингтонга қайтди ва миссис Герхардт билан Женни кунлардан бирида унинг кетиб қолганини билиб ҳайрон бўлишди. Сенатор она-болага хизматлари учун ҳафтасига камида икки, гоҳида беш доллар ҳам тўларди. Сенатор кетса бу оиланинг даромадига катта путур етказишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса бордир. Бошқа иложи бўлмаганидан кейин оила бир амаллаб қозонини қайнатиб турди. Герхардтнинг ўзи ҳам анча тузук бўлиб қолганди. У анча-мунча фабрикаларни айланиб иш тополмади, шундан кейин қўлига арра билан айри олиб, ўймакорлик юриб, одамларга ўтин қилиб беришга киришди. Иш кўп эмасди, аммо Герхардт ўзини аямай, амал-тақал билан ҳафтасига икки, гоҳида эса уч доллар топиб турарди. Бу пул хотинининг топгани ва Себастьян келтириб турган маош билан фақат нонга етарди холос.

Рождество байрами яқинлашаётганидан Герхардтларга муҳтожликнинг алами жуда ўтарди. Немислар рождество байрамини жуда дабдабали ўтказишни яхши кўришади. Ўша кунлари ота-оналар иложи борича ўзларини кўрсатадилар. Улар болалар қувончини бағоят қадрлайдилар ва кичкинтойларнинг яйраб-яшнашлари, ўйинчоқлар ўйнашларига ҳаракат қиладилар. Герхардт кенжатойи Вероникани совғалар билан хурсанд қилиб, кўнглини кўтаришни жуда ҳам истарди. Нега деганда бола бечора қанча оғриб ётди! Болаларининг ҳар бирига биттадан пойабзал, ўғилларига қишки қалпоқ, қизларига чиройли кўйлак олиб берсам, дерди. Болалар бултур рождество байрамида ўйинчоқлар ва ширинликлар олишганди. Герхардт рождество байрамининг қорли тонги отганида дастурхонда болалар хуш кўрадиган нарсалар бўлмаслигини ўйлаб изтиробга тушарди.

Миссис Герхардтга келганда эса, унинг не кўйларга тушаётганини тасвирлагандан кўра тасаввур қилган осонроқ. Буларнинг барини ўйлаб жуда эзилар, тобора яқин-

лашаётган байрам куни ҳақида эри билан гаплашишга ҳам мажоли йўқ эди. Бир тонна кўмир сотиб олиб, бечора Жоржни ҳар куни кўмир омборига қатнашдан қутқариш мақсадида пул тежаб, уч доллар йиғиб қўйганди. Мана энди шу пулни рождество совғаларига сарфламоқчи бўлди. Герхардт ота ҳам байрамга атаб ўзича икки доллар жамғарган ва қийналиб қолганда бериб, хотинимни оз бўлса ҳам тинчлатиб, суюнтираман, деган ниятда эди.

Байрам арафасида бу йиғилган арзимас беш доллар юқ ҳам бўлмади. Шаҳарда байрам тараддуди бошланганди. Баққолчилик дўконлари найзабарглар билан безатилганди. Ўйинчоқлар ва қандолатлар сотиладиган магазинлардан кўз қамашарди. Бу ерда Санта-Клаус — қорбобонинг бисотидан жой олишга арзийдиган ҳамма нарса бор эди. Ота-оналар ҳам, болалар ҳам улардан кўз узишолмас, бирлари қўли қисқаликларидан эзилиб қарашса, бирлари бениҳоя завқ ва бу хазиналарни қўлга киритиш истаги билан боқардилар.

Герхардт болалари олдида кўп марта:

— Бу йил Қорбобо жуда камбағал. У кўп совға олиб келолмайди, — деганди.

Бироқ энг камбағал болани ҳам бунга ишонтириб бўлмайди. Герхардт, шундай деб огоҳлантиришига қарамай, ҳар сафар байрам яқинлашаётганини эшитганида болаларининг кўзи ёниб кетишини кўрарди.

Рождество байрами сешанбага тўғри келди. Байрам арафасида, душанбада ўқиш бўлмади. Миссис Герхардт меҳмонхонага кетатуриб Жоржга эртасига ҳам етадиган қилиб кўпроқ кўмир келтиришни тайинлади. Жорж ўша заҳотининг ўзида иккита синглисини ёнига олиб депога жўнади. Бироқ кўмирнинг таги камлигидан саватларини тўлдиргунларича анча-мунча вақт кетди ва кечқурунга бориб озгина нарсалик бўлишди.

— Кўмирга бордингми? — Миссис Герхардт меҳмонхонадан келибоқ шу гапни айтди

— Бордим, — жавоб қилди Жорж.

— Эртага етадими?

— Менимча етади.

— Юр, бориб кўрай-чи.

Миссис Герхардт чироқни олди-да, икковлари кўмир тўкилган омборга чиқишди.

— О, худойим! — хитоб қилди миссис Герхардт. — Бу жуда оз-ку! Ҳозироқ бориб, яна олиб кел.

— Ҳо-о, — деди Жорж лабини чўччайтириб. — Мен бордим-ку, энди Басс борсин.

Басс ишдан роппа-роса олтидан чорак ўтганда келиб, шаҳарга бормоқчи бўлиб, ювиниб-кийинаётган эди.

— Йўқ, — деди миссис Герхардт. — Басс кун бўйи ишлади. Унинг боришинг керак.

— Боргим келмаяпти, — тўнғиллади Жорж.

— Жуда яхши, — деди миссис Герхардт. — Мабодо эртага ёқадиган нарсамиз бўлмаса нима қиламиз?

Она-бола ичкарига қайтиб киришди, бироқ бу гап Жоржнинг нафсониятига текканидан энди у тинчгина кетолмасди.

— Басс, сен ҳам юр, — деди у остонадаёқ акасига.

— Қаёққа ўзи?

— Кўмирга.

— Ана холос, — жавоб қилди Басс. — Мени ким деб ўйлаяпсан?

— Бўлмаса мен ҳам бормайман, — Жорж ўжарлик билан бош чайқади.

— Нимага бугун кўмир термадинг? — деб сўради акаси кескин. — Кун бўйи бўш эдинг-ку.

— Э-э, тердим, — деди Жорж. — Кўмир ўзи жудаям оз. Йўқ бўлса қаердан оламан?

— Яхши термагансан, дурустроқ ҳаракат қилиш керак эди.

— Нима гап ўзи? — сўради дўконга кириб сал тутилиб қолган ва ичкарига қадам қўйиши биланоқ Жоржнинг шумшайиб ва ғимирайиб турганини кўрган Женни.

— Басснинг мен билан кўмирга боргиси келмаяпти.

— Ўзинг кундузи ҳеч нима термовдингми?

— Тердим, ойим кам деяпти.

— Мен бораман сен билан, — деди Женни. — Биз билан борасанми, Басс?

— Йўқ, — деди навқирон олифта совуққина қилиб. У галстук боғлаётганида халақит беришаётганига жаҳли чиқаётганди.

— У ерда кўмирнинг ўзи йўқ, — деди Жорж. — Мен борганимда кўмирли платформа йўқ эди.

— Бўлгандир-э! — хитоб қилди Басс.

— Йўқ эди, — такрорлади Жорж.

— Тортишмай қўя қол, — деди Женни. — Саватни ол, кетдик, бўлмаса кечикамиз.

Опаларини жуда яхши кўришадиган бошқа болалар ҳам бирга боришмоқчи бўлишди. Вероника саватчани, Марта билан Уильям челакни, Жорж кийим солинадиган катта саватни олди. Буни Женни икковлари тўлдиришиб, бирга кўтариб келишлари лозим эди. Шунда синглисининг

аҳволни яхшилашга ҳозирлиги таъсир қилган ва ҳамон унга нисбатан акалик меҳри сақланиб қолган Басс таклиф қилди:

— Гап шундай, Жен. Сен кичкинтойлар билан Саккизинчи кўчага бориб, платформа олдида кутиб тур. Мен ҳам ўша ёққа бораман. Яқинлашганимда бирорталарингг ҳам мени танишларингни билдирманглар. «Мистер, марҳамат, бизга озроқ кўмир тушириб берсангиз!» денглар, холос. Мен платформага чиқиб, керагича ташлайман. Тушундиларингми?

— Яхши, — деди Женни жуда хурсанд бўлиб.

Улар қор қўйнидаги зулматга чиқиб, темир йўлга жўнашди. Кўчани товар станциясининг кенг темир излари кесиб ўтган жойида яқиндагина келган кўмирли платформа турарди. Болалар ўзларини вагонлардан бирининг панасига олишди. Улар акаларини кутиб турганларида Вашингтондан тезюрар поезд келди. Бу узундан-узун поезднинг сўнгги намунадаги бир неча ухлаб кетадиган вагонлари бор эди. Вагонларнинг деразаларидаги катта ойналалари ярқирар, улар ортида юмшоқ креслоларда ўтиришган йўловчилар кўзга ташланарди. Поезд ёвгиналаридан гувиллаб ўтганида болалар беихтиёр ўзларини орқага олишди.

— Узунлигини қара-я! — деди Жорж.

— Қани энди шунақа поездда кондуктор бўлсам! — Уильям хўрсиниб қўйди.

Женни эса индамади, бироқ олис саёҳатлар, ҳашаматларни ўйларкан, бошқалардан кўпроқ ҳаяжонланарди. Бой одамларнинг ҳаёти жуда гўзал бўлса керак-а!

Олисда Себастьян кўринди. У шиддат билан дадил одимлар ва ўз қадрини сезадиган одамлиги сезилиб турарди. Бениҳоя қайсар ва дадил бўлганидан мабодо болалар ўргатганларига амал қилишмаса борми, уларга кўмаклашишни ўйламай ҳам ўтиб кетаверши турган гап эди.

Марта ҳар бир ишга жиддий қарайдиган бўлганидан акаси айтганидай: «Мистер, бизга озгина кўмир ташлаб юборинг!» — деб чийиллади.

Себастьян таққа тўхтаб, уларга худди бегонага қарагандай тикилди-да: «На чора, майли!» деганича платформага чиқди. У бағоят эпчиллик билан ҳамма саватлар тўладиган кўмир ташлаб берди. Кейин, гўё ўзига номуносиб кишилар даврасида ушланиб қолишни истамагандай темир йўлдан ўтиб, ғойиб бўлди.

Болалар қайтишда яна битта жентльменни учратишди. Бу киши бошига цилиндр, устига зўр плаш кийганди.

Женни уни дарҳол таниди. У ҳозиргина Вашингтондан қайтган ва байрамда кўнгил очаман, деб ўйламаган сенатор Брэндернинг ўзгинаси эди. У ҳозиргина болаларнинг кўзини ўйнатган тезюрар поездда келган, оёғининг чигилини ёзмоқчи бўлиб, кичкина саквояжини кўтарганича меҳмонхонага кетаётганди. Шунда у Женнини кўриб қолгандай бўлди.

— Сизмисиз, Женни? — у яхшироқ кўриш учун қадамини секинлатди.

Женни сенаторни ундан олдинроқ таниганидан: «Вой, бу мистер Брэндер-ку!» — деди-ю, саватининг боғичини кўйиб, укаларига, кўмирни уйга элтишларини айтди-да, ўзи қарши томонга чопди.

Сенатор Брэндер унинг кетидан бориб, икки-уч марта: «Женни, Женни!» — деб чақирса ҳам, уринишлари беҳуда кетди. У қизга етиб олишдан умидини узиб, нега қочишга мажбур бўлганини бирдан фаҳмларкан, уялтиргиси келмай орқасига бурилди-да, болалар кетидан юрди. Шунда, бу қизни ҳар сафар кўрганидай, яна бир бор у билан ўзи орасида катта фарқ борлигини сезди. Мана ўзи — сенатор, бу болалар эса темир йўлда кўмир териб юришибди. Эртанги байрам буларга қанақа қувонч бағишлайди. Брэндер ачиниб, яхши ният билан болалар изидан бораркан, улар харобгина уйга кириб кетишганини кўрди. Сенатор кўчани кесиб ўтди-да, ўзини қор босган дарахтлар панасига олди. Уйнинг ҳовлига қараган деразаларидан сарғимтир шуъла тушиб турарди. Ҳаммаёқни қор босганди. Омборхонадан болалар овози келарди. Шунда Брэндернинг миссис Герхардтга кўзи тушгандай бўлди. Пичадан кейин кимдир ён томондаги эшикдан сирғалиб ўтгандай туюлди. Сенатор уни таниди. Юраги уриб кетди-да, ҳаяжонини босишга уриниб, лабини тишлади. Кейин шартта орқасига бурилиб, нари кета бошлади.

Шаҳардаги энг катта баққоллардан бўлган Мэннинг деган киши Брэндернинг яқин тарафдори бўлиб, сенатор билан танишлигидан ғурурланиб юрарди. Сенатор Брэндер шу оқшом ўшанинг уйига йўл оларкан, баққолни бошигача ишга кўмилган ҳолда учратди.

— Мэннинг,— деди у,— бугуноқ менинг бир топширигимни бажаролмайсизми?

— Бўлмаса-чи, сенатор, албатта! — деди баққол. — Қачон қайтдингиз? Сизни кўрганимдан жуда хурсандман. Хизматингизга тайёрман.

— Саккиз кишилик — ота-она ва олти боладан иборат оилага байрам совғалари учун лозим бўлган нарсалардан

танланг: арча, озиқ-овқат, ўйинчоқлар... хуллас, ўзингиз тушунасиз...

— Албатта, албатта, сенатор.

— Харажатнинг юзига қараманг. Ҳаммасини мўл-кўл қилиб жўнатинг. Сизга тураржойларини ёзиб бераман. — Сенатор шундан кейин қўйин дафтарчасини чиқарди.

— Ҳаммасини бажонидил бажараман, сенатор, — гапида давом этди Мэннинг. — Бажонидил. Сиз доимо олижанобсиз.

— Яхши, яхши, Мэннинг, — деди сенатор ўзининг давлат арбоби эканлигини унутмаслик учун шунчаки қовоғини солиб. — Барини зумда жўнатинг-да, ҳисобни менга юборинг.

— Бош устига, терисига сиғмай кетган савдогарнинг *шундан бошқа сўзга тили келмади.*

Сенатор кўчага чиқди, эр-хотин Герхардтлар эсига тушди-да, пойабзал ва тайёр кийимлар магазинига кирди. Нечанчи размердаги ва қанақа номерли буюмлар зарурлигини билмаганидан алмаштирса бўладиган қилиб буюртма берди. Шуни ҳам битиргандан кейин меҳмонхонага қайтди.

«Кўмир териб юришибди-я... — сенатор қайта-қайта ўйларди. — Шунчалик эътиборсиз эканман-а. Энди уларни сира унутмаслигим керак».

IV БОБ

Женни сенаторни кўрганида ўзини хароб сезганидан қочиб кетганди. Сенатор у ҳақда яхши фикрда эди, мана энди уни бундай тубан машғулот устида кўриб қолди, қиз ана шундан ор қиларди. Женни соддадиллигига бориб, сенатор ўзимга эмас, бошқа бирор нарсамга қизиқаяпти, деб ўйларди.

Уйга қайтиб келганида укалари унинг қочиб кетганини гапириб ўтиришарди.

— Сенга нима бўлди ўзи?—деди Жорж опаси ичкарига кирганида.

— Ҳеч нима, — деди Женни ва шу заҳотиёқ ойисига тушунтирди.— Мистер Брэндер ўтиб кетаётган экан, бизни кўриб қолди.

— Шунақа дегин? — миссис Герхардт ҳайқириб юбораёзди. — Демак, қайтиб келибди-да. Сен нимага қочдинг, эси паст?

— Мени кўрмай қўяқолсин, дедим-да.

— Эҳтимол сени таниёлмагандир ҳам, — деди ойиси юраги ўвишиб.

— Йўғ-э, таниди, — шивирлади Женни. — Мени уч марта чақирди.

Миссис Герхардт бош чайқади.

— Нима бўлди? — мистер Герхардт ота-боланинг гапларини эшитиб нариги хонадан чиқиб келди.

— Ҳеч нима, — деди хотини. У сенатор яхшилик қилаётганини эрига тушунтиришни хоҳламасди. — Кўмир олиб келишаётганида қандайдир бир одам Женнини бошқа биттаси билан адаштирибди.

Ўшал оқшомнинг ўзида, хуфтон палласида сенатор буюрган рождество совғалари ҳам келиб қолиб, хонадондагиларнинг юраклари қоқ ёрилаёзди. Баққолчилик магазинининг *соябон араваси эшиклари олдида тўхтаб,* барваста дастёр пакетларни ичкарига олиб кира бошлаганида, эр-хотин ўз кўзларига ишонишмади. Дастёрни, алашяпсиз, деб ишонтиришолмагандан кейин қувона-қувона совғаларни кўришга тушишди.

— Сира хавотир олманглар, — деди дастёр ишонч билан. — Мен нима қилаётганимни биламан. Фамилиянгиз Герхардт, тўғрими? Демак, булар сизларники бўлади.

Миссис Герхардт жойида ўтиролмай, ҳаяжонлаганича қўлларини *бир-бирига ишқалаб:*

— Хўш, бу ажойиб эмасми!— деганидеганди.

Герхардт эса номаълум валинеъматнинг *саҳийлигини* ўйлаганида кўзига ёш келди, буни ўзи кўп йил хизматини қилган ва муомаласи яхши бўлган йирик фабрикантнинг яхшилигига йўярди. Миссис Герхардт кутилмаган бу хурсандчиликнинг ҳақиқий сабабчисини билиб турганидан ўлгудай хурсанд бўлса ҳам дамини чиқармасди. Женни эса бу кимнинг иши эканлигини зумда фаҳмлаганди.

Рождественинг эртаси куни Брэндер меҳмонхонада миссис Герхардтни кўрди. Женни уй ишларига қараб қолганди.

— Аҳволингиз яхшими, миссис Герхардт? — деди сенатор қўл чўзаркан, мулойим ҳолда. — Байрамни яхши ўтказдингларми?

Шўрлик миссис Герхардт сенаторнинг қўлларини тортинчоқлик билан қисаркан, кўзлари зумда ёшга тўлди.

— Бўлди, бўлди, — деди сенатор миссис Герхардтнинг елкасига қоқиб. — Йиғламанг. Мендан ювишга оладиган нарсаларингизни унутманг.

— Унутмайман, сэр! — деди миссис Герхардт. У яна

нимадир демоқчи бўлди, бироқ сенатор нари кетиб қолганди.

Мистер Герхардт энди меҳмонхонада турадиган ажойиб сенаторнинг серилтифотлигию кийимларини ювдиришга анча-мунча пул тўлаши ҳақида доимо эшитиб турарди. Бу соддадил заҳматкаш мистер Брэндернинг жуда яхши ва энг олижаноб инсонлигига лаққа ишонди-қўйди.

Женнининг ўзи ҳам шундай ўйлар ва сенаторга қойил бўлиб юрарди.

Женни тобора очилиб, кўркамлашиб бораётганидан ёнидан ўтган кимса бир қарамай ножи йўқ эди. У бўйдор, қадди-қомати келишган эди. Устига узун кўйлак кийиб, аъёнлардай ясан-тусан қилса борми, сенатордай салобатли кишига муносиб жуфт бўла оларди. Ажойиб кўзлари ниҳоятда тиниқ, ранги ҳам жойида, оппоқ тишлари бир текисда эди. Бунинг устига ақлли, сезгир ва жуда кузатувчан эди. У фақат тарбия ва ўзининг тобелиги, бировга қарамлигини сезадиган одамга етишмайдиган дадилликка муҳтож эди. Бировларнинг нарсаларини ювиш, ўшаларни элтиб бериш ва озни аъло кўриш зарурати қизнинг қўл-оёғини боғлаб қўйганди.

Женни эндиликда меҳмонхонага ҳафтада икки марта келиб турарди. Сенатор унга яхши ва ширин муомала қилар, Женни ҳам яхши гапини аямасди. Брэндер Женнига, ука ва сингилларига кичикроқ совғалар бериб турар, доимо бемалол ва самимий гаплашарди, шу боисдан пировардида жуда яқин бўлиб қолишди, қиз сенаторни катта одам эмас, балки олижаноб дўст ўрнида кўра бошлади. Бир куни Брэндер Женнидан, ўқишга майлингиз қалай, деб сўраб қолди. У, қиз яхши мактаб кўрса янада очилиб кетади, деган нарсани хаёлидан ўтказганди. Ниҳоят бир куни кечқурун у Женнини ёнига чақирди:

— Буёққа келинг-чи, яқинроқ, Женни.

Қиз яқин келганида Брэндер бирдан қўлидан ушлади.

— Қани, Женни, — деди сенатор қизнинг кўзларига хушчақчақ ва синовчан тикилиб, — мен ҳақимда қанақа фикрдасиз?

— Билмайман, — деди Женни уялганидан кўзини четга олиб қочиб. — Нимага сўраяпсиз?

— Йўқ, биласиз, — эътироз билдирди сенатор. — Мен ҳақимда қандайдир фикрингиз бор. Ўшанинг қанақалигини айтинг.

— Ҳеч қанақа фикрим йўқ, — қиз соддадиллик билан жавоб қилди.

— Унақамас, бор, — такрорлади сенатор. Қизнинг жавоб беришдан ошкора бўйин товлаётгани сенаторни завқлантирар ва қизиқишини оширарди. — Мен ҳақимда бирор нарсани ўйлашингиз керак-ку, ахир. Хўш, ўша нима?

— Сиз, ёқаманми-йўқми, деб сўраяпсиз, шундаймми? — Женни келишган сенаторни янада улуғвор кўрсатиб турган оқ оралаган қалин сочлари тепасидан боқаркан, очиқчасига сўраб қўя қолди.

— Ҳа, — жавоб қилди сенатор бир оз бўшашиб.

Женни ноз-карашмани эплолмасди.

— Ҳа, менга ёқасиз, албатта, — деди Женни чиройли жилмайиб.

— Мен ҳақимда бундан бошқа нарсани ўйламаганмисиз?

— Менимча, сиз жуда сахий одамсиз, — жавоб қилди Женни баттар тортиниб. У қўлини сенатор ҳалиям ушлаб турганини эндигина сезганди.

— Ҳаммаси шуми? — сўради сенатор.

— Бу камми ҳали? — Женни шундай деркан, кипригларини титраб кетди.

Сенатор Женнига тикилди, шунда қиз ҳам хушчақчақ, дўстона, тикка боққан эди, уни чуқур ҳаяжон босди. У қизнинг чеҳрасини унсиз ўрганарди. Қиз эса, бу синовчан нигоҳнинг замирида нима ётганига унчалар тушунмаса ҳам, четга ўгирилиб, қунишди.

— Хўш, менимча, сиз ажойиб қизсиз, — деди сенатор пировардида. — Айтинг-чи, мен сизга ёқимтой одам бўлиб туюлмаяпманми?

— Туюлаяпсиз, — Женни тутилмай жавоб берди.

Сенатор кресло суянчиғига ўзини ташлаб, бу гап жуда қизиқ чиққанидан кулиб юборди. Женни ҳам сенаторга қизиқиш билан қараркан, жилмайди.

— Нимага кулаяпсиз? — сўради Женни.

— Гапингизга-да. Кулишим керак бўлмасаям куляпман. Сиз мени зиғирча ҳам қадрламайсиз. Сизга мутлақо ёқмасам ҳам керак.

— Йўқ, ёқасиз, — деди Женни жиддий. — Сиз жуда яхшисиз.

Женнининг тўғри гапираётгани кўзларидан билиниб турарди.

— Хў-ўш, — сенатор шундай дея қизни багрига секингина тортиб, ёноғидан ўпди.

Женни «вой» дея ҳайрат ва қўрқувдан қаддини ростлади.

Бу икковларининг муносабатларидаги янги бир нарса эди. Женни билан давлат кишиси ўртасидаги тафовут бир лаҳзада йўқолди-қолди. Женни сенатордаги илгари ўзи сезмаган жиҳатларни пайқаганди. У зумда Женнига ёш кўринди-қўйди. Энди сенатор Женнини аёлдай кўради, уни севиб қолган. Женни буёғига нима қилишни, ўзини қандай тутишни билмасди.

— Сизни қўрқитиб юбордимми? — деди Брэндер.

Женни ўзи ҳурмат қилишга ўрганиб қолган бу одамга қаради-да, жилмайиб:

— Ҳа, қўрқитиб юбордингиз, — деди холос.

— Менга жуда ҳам ёққанингиздан шундай бўлди.

Женни бир дақиқа ўйлаб турди-да:

— Кетишим керак, — деди.

— Ана холос, — деди Брэндер ноилгандай, — наҳотки шуни деб қочиб кетсангиз?

— Йўқ, — Женни негадир ўзини кўрнамак сезди, — кетмасам бўлмайди. Уйдагилар хавотир олишади.

— Мендан хафамасмисиз?

— Йўқ, — деди қиз жиндай нозланиб. Сенатор илгари унинг сира ҳам бунақа қилганини кўрмаганди.

Женни сенаторни ўзига мафтун қилиб олганини сезарди, бу эса жуда бошқача, ажойиб ҳол бўлганидан икковлари ҳам негадир ҳижил эдилар.

— Нимаики бўлмасин, сиз энди меникисиз, — деди сенатор ўрнидан қўзғалиб. — Бундан буён сизга қараши. тураман.

Женнига бу гап ёқарди. «У мўъжизалар ҳам ярата олади, — дерди ичида, — ҳақиқий сеҳргарнинг ўзи!» Қиз уёқ-буёғига аланглади, бундан буён янгича, ғаройиб ҳаёт бошланажагини ўйларкан, суюнганидан боши гир-гир айланди. Сенатор айтмоқчи бўлган гапларнинг ҳаммасига тўла тушуниб етмаганди-да. У яхши ва олижаноб бўлса ажаб эмас, ажойиб нарсалар совға қилади. Бахтли бўлади, албатта. Женни ҳозирги аҳволи беўхшовлигини пайқамаган ва сезмаган ҳолда сенаторнинг ич кийимлари солинган тугунни қўлига олди. Бу эса сенаторга қаттиқ калтак бўлди.

«У ҳамманинг ич кийимини ташиб юрмаслиги керак»,— деб ўйлади ичида сенатор. Женнига меҳри товланиб, унга ич-ичидан ачиниб кетди. У қизнинг юзини бу сафар меҳрибон ҳомийдек кафтлари орасига олди.

— Ҳечқиси йўқ, қизча, — деди у. — Бу ишларни умрбод қилмайсиз. Мен бирор йўлини топаман.

Шундан кейин буларнинг муносабатлари янада яхшиланди ва қуюқлашди. Женни яна келганида сенатор креслосининг бандига ўтқизди-да, ота-онасининг аҳволи, ўзининг истак-орзуларини батафсил суриштирди. Сенатор қиз баъзи саволларига четлаб жавоб бераётганини, айниқса отасининг иши қанақалигини айтмаётганини пайқаб қолди. У отаси уйма-уй юриб, ўтин арралашини гапиришга уяларди. Брэндер бунда жиддийроқ гап борлигини гумон қилди-да, яқин орада Женнининг уйига бориб, тагига етмоқчи бўлди.

Брэндер қўли бўш дастлабки субҳидамдаёқ шундай қилди ҳам. Бу конгрессда қаттиқ олишув бошланиб, Брэндер мағбулиятга учраганидан уч кун олдин бўлганди. Қолган уч кун ичида бирор нарса қилишининг иложи йўқ эди. Хуллас, Брэндер асони қўлга олди-да, Герхардтларнинг уйига қараб юрди. Ярим соатлардан кейин уларнинг эшигини қатъият билан тақиллатиб турарди.

Эшикни миссис Герхардт очди.

— Салом! — сенатор хушчақчақ ҳолда деди-да, миссис Герхардт саросимага тушганини сезиб қўшимча қилди: — Кирсам бўладими?

Бу меҳрибон аёл ажойиб меҳмонни кўрганида жуда довдираб қолди. Қўлини эски, серямоқ пешбандига оҳиста артди-да, ахири:

— Ҳа, ҳа, марҳамат, киринг,— дея жавоб қилди.

Брэндер миссис Герхардтни хижолатга қўйганига ачинди.

— Безовта бўлманг, миссис Герхардт,— деди у.— Шунчаки ўтиб кетаётиб бир кирай дедим. Эрингиз тузукмилар?

— Раҳмат, соппа-соғ,—жавоб қилди миссис Герхардт.— Ишга кетувди.

— Демак, иш топибди-да?

— Ҳа, сэр,— деди миссис Герхард. У ҳам қизига ўхшаб мистер Герхардтнинг иши қанақалигини айтишга ботинолмади.

— Болаларингиз ҳам соғ-омон, мактабга қатнашаётгандир дейман?

— Ҳа,— жавоб қилди миссис Герхардт.

У пешбандини ечиб, хижолатда пайпаслаб ўтирарди.

— Бу яхши. Женни қаерда?

Женни бу пайтда кийимларга дазмол босаётганди. У меҳмоннинг овозини эшитиб, дазмолни ташлаб, ётоққа қочди-да, уёқ-буёғига қарай бошлади. У, уйда йўқ, деган гапни айтиб, қочиб қолишимга имкон бериш ойимнинг ақлига келмайди, деб қўрққанди.

— Уйда, — деди миссис Герхардт. — Ҳозир чақираман уни.

— Нега мени уйда дединг? — Женни ойисидан секингина ўпкаланди.

— Иложим қанча?

Она-бола сенаторнинг ёнига чиқишга ботинишолмас, у эса бу пайтда хонани кўздан кечирарди. Сенатор бундай муносиб одамлар муҳтожликда яшашларидан эзилар, уларга қарашгиси келарди.

— Эртангиз хайрли бўлсин, — деди у Женни ниҳоят юрак ютиб хонага кирганида. — Аҳволингиз яхшими?

Женни унга яқинлашди-да, қизариб қўл узатди. Сенаторнинг келганидан, азбаройи ҳаяжонга тушганидан тили калимага келмасди.

— Уйларингни бир кўрай деб киргандим, — деди сенатор.— Уйингиз ёмон эмас. Хоналарингиз нечта?

— Бешта, — жавоб қилди Женни. — Ҳаммаёгимиз очиқ-чочиқ ётибди, кечирасиз. Эрталабдан бери дазмол қилаётувдик, шунга ҳаммаёқ остин-устун.

— Тушунаман, — деди Брэндер мулойим қилиб. — Мени наҳотки буни тушунмайди деб ўйласангиз, Женни? Мендан уялиш керак эмас.

У ҳар гал Женни ҳузурига борганидагидек хотиржам ва дўстона гапираркан, бунинг Женнини ўзига келиб олишига ёрдами тегди.

— Мабодо яна бирор кун кириб ўтсам хижолат бўлманглар. Сизлардан хабар олиб тураман. Мен отангизни кўрсам девдим.

— Шунақа денг, — деди Женни. — Уйда йўқ эди-ку.

Булар гаплашиб турганларида Герхардт арра ва айрилари билан кўча эшикдан кириб келаверди. Брэндер уни кўрган заҳотиёқ қизига ўхшашлигидан танди.

— Ана, адашмасам, отангиз ҳам келдилар, — деди у.

— Ростданми? — Женни деразадан ташқарига қаради. Герхардт хаёллари билан банд бўлганидан дераза олдидан қарамай ўтди. Айрисини деворга тираб, аррасини михга илиб, ичкарига кириб келди.

— Онаси! — у немисчалаб чақирди, хотини кўринмагандан кейин эса эшикка яқин келиб, емакхонага мўралади.

Брэндер ўрнидан туриб, кўришгани қўлини чўзди. Буклайган ва қотмадан келган немис яқинлашиб, нотаниш меҳмоннинг қўлини сиқаркан, синовчан тикилди.

— Бу менинг отам, мистер Брэндер, — деди Женни. Сенаторга бўлган меҳри шу топда тортинчоқлигидан устун

келганди. — Дада, бу киши меҳмонхонада турадиган мистер Брэндер бўладилар.

— Исми-шарифларини нима дединг? — Қайтариб сўради Герхардт қизига ўгирилиб.

— Брэндер, — деди сенатор.

— Э-ҳа! — Герхардт немислиги сезиладиган талаффузда гапирди. — Касалдан қулоғим оғирроқ бўлиб турдим. Хотиним сизни гапирувди.

— Кириб сизлар билан танишмоқчи бўлдим, — деди сенатор. — Хонадонингиз катталигини кўриб турибман.

— Ҳа, — деди оила бошлиғи. Ишга киядиган эски коржомаси эгнидалиги эсига тушиб қолиб, тезроқ кетмоқчи бўлди. — Олти бола, ҳаммасиям оёққа босиб кетган эмас. Манави катта қизим.

Шу пайт хонага хотини кириб келганди, Герхардт фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди.

— Мени кечирасиз, борай. Аррам синиб қолиб, ишни ташлаб келувдим.

— Бемалол, — деди Брэндер такаллуф билан. У отасидан гап очилганда Женнининг нимага индамаслигини зумда тушунди. Брэндер қиз ҳеч нимани яширмасликка ботинишини маъқул кўрган бўларди, албатта.

— Гап шундай, миссис Герхардт, — деди у бека қаддини ғоз тутганича стулга чўкканидан кейин. — Бундан буён мени бегона санамасликларингизни истардим. Менга аҳволингиздан батафсил гапириб берсангиз дейман. Женни ҳар доим ҳам гапиравермайди.

Женни унсиз жилмайди. Миссис Герхардт безовта ҳолда қўлини сиқарди.

— Яхши, — миссис Герхардт тортиниб, миннатдорона жавоб қилди.

Улар яна пича гурунглашганларидан кейин сенатор қўзғалди.

— Эрингизга айтинг, — деди сенатор, — душанба куни меҳмонхонага борсин. Унга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

— Раҳмат сизга, — миссис Герхардт хижолатда ғўлдиради.

— Энди кетмасам бўлмайди, — қўшимча қилди Брэндер.— Эрингизга, боргин, дейиш эсингиздан чиқмасин.

— О, албатта боради!

Брэндер чап қўлига қўлқопини кийиб, ўнг қўлини Женнига узатди.

— Сизнинг энг яхши хазинангиз мана шу, миссис Гер-

хардт, — деди у. — Мен уни сиздан тортиб олиш ниятидаман.

— Усиз куним қандай ўтишини ҳам билмай қолдим,— жавоб қилди онаси.

Сенатор бош иргаб хайрлашди-да, чиқиб кетди. Унинг уйга қандай кирганини кўрган беш-олтита қўни-қўшнилар дераза эшиклари ва парда ортидан сенаторни қизиқиш билан кузатишарди.

Ҳаммани: «Бу ким бўлдийкин?» — деган савол қизиқтирарди.

— Менга берган нарсасини кўргин, — деди соддадил она қизига меҳмон кетидан эшик ёпилиши биланоқ.

Бу ўн долларлик пул эди. Брэндер хайрлашаётиб уни миссис Герхардтнинг қўлига секингина қистирганди.

УБОБ

Женни ўзини сенатор олдида бағоят бурчли ҳисоблар ва мутлақо табиий, унинг ўзига ва оиласига қилаётган яхшилигини юксак қадрларди. Сенатор шу ерлик фабрикантнинг номига хат ёзиб, отасига берган эди, у Герхардтни ишга олди. Бу иш жуда ваҳимали эмас — бор-йўғи тунги қоровуллик бўлса ҳам Герхардт яна ишга тушган, шунинг учун ҳам миннатдорчилигининг чеки йўқ эди. Бу сенатор қандай меҳрибон ва сезгир одам-а, бунақалар оламда бошқа топилмайди!

Миссис Герхардт ҳам сенаторнинг хаёлидан кўтарилмаганди. Брэндер бир сафар унга кўйлак юборди, бошқа гал рўмол жўнатди. Сенатор бу яхшиликларни бир чеккаси қарашиб туришни истаганидан, бир чеккаси кўнгли шуни тусаганидан қиларди. Миссис Герхардт эса буларнинг барини сенаторнинг яхшилигига йўярди, холос.

Женни бўлса... Брэндер бор ҳунарини ишга солиб, унинг ишончини қозонишга ҳаракат қиларди. Пировардида Женнининг сенаторга муносабати шунақанги мураккаблашиб кетдики, бунинг қанақалигига тушуниб олишнинг ўзи ҳам ҳазил бўлмай қолди. Ёш ва ҳали ҳеч нимани кўрмаган Женни эса жуда содда ва бепарволигидан, одамлар нима дейишаркин, деган нарсани бир лаҳза ҳам хаёлига келтирмасди. Брэндер қизнинг туғма тортинчоқлигини енгиб, меҳр билан ўпган ўша эсда қоларли ва бахтли кундан бошлаб икковлари янги ҳаётга қадам қўйишганди. Женни сенаторни дўст деб билар, сенатор ўзини одми ва бемалол тутиб, одатдаги босиқлигидан кутула боргани сари қиз уни яхшироқ тушунарди. Улар яйраб кулишар, валақлашар, сенатор ёшлик ва саодатнинг чароғон оламига яна қайтганидан чинакамига ҳузур қиларди.

Шунга қарамай гоҳи-гоҳида, тўғри иш қилмаяпман, деган ўйдан безовта бўлар, бу нарса хаёлидан сира ҳам нари кетмасди. Кирчи хотиннинг қизи билан муносабатда ҳаддидан ошаётганини бугун-эрта бошқалар пайқашади. Женни сенаторнинг ич кийимларига келгани ёки тайёрини келтирганида хонасида ўн беш-йигирма минут, гоҳида эса бир соат ҳам ушланиб қолиши катта хизматчининг назаридан четда қолмаган бўлса керак, албатта. Брэндер бу нарса меҳмонхонадаги бошқа хизматчиларнинг ҳам қулоғига етиши, миш-мишлар шаҳарга ҳам ёйилиши мумкинлигини ва бунинг охири яхши чиқмаслигини тушунарди. Бироқ бундай мулоҳазалар ҳам эсини йиғиб олишга мажбур қилолмасди. Ў дам, Женнига ёмонлик қилаётганим йўқ-ку, деб ўзини тинчитар, дам ўзига-ўзи, кўнгил қўйган ягона одамимдан қандай маҳрум бўлай, дерди. Виждонан айтганда, Женнига яхшилик тиламаяптими, ахир?

Брэндер ҳар сафар шуларни ўйларкан, Женнидан кечолмайман деган фикрга келарди. Унинг бундан оладиган маънавий завқи қиздан воз кечганда тортадиган аламидан кам эмас-ку. Бу дунёда беш кунлиги борми-йўқми. Ҳаётда истаган нарсангга етишолмай ўтиб кетсанг алам қилади-да.

Сенатор бир оқшом Женнини қаттиқ бағрига босди. Бошқа сафар тиззасига ўтқазди-да, Вашингтонда кечган кунларидан ҳикоя қила бошлади. Брэндер энди Женни келганида эркаламасдан ва ўпмасдан сира кеткизмасди. Шунга қарамай буларнинг бари заиф, мужмал уринишлар эди. Брэндер қизни қаттиқ ҳуркитиб юборишни истамасди.

Женни эса соддадил қиз бўлганидан буларнинг баридан завқланарди. Ҳаётда жуда кўп янги, ажойиб воқеалар содир бўлаётганди. У содда, ҳали ҳеч нарсани кўрмаганидан бениҳоя сезгир эди. Ҳали ишқ-муҳаббат нималигини билмаса ҳамки, машҳур одам унга ўзини яқин тутаётганидан қувонишга ақли-фаросати етарди.

Женни бир куни кечқурун сенаторнинг креслоси ёнида турганида унинг сочини силади, пешонасидан суриб қўйди-да, эрмакка чўнтагидан соатини олди. Унинг ажиб соддадиллиги сенаторни завқлантириб юборди.

— Соатингиз бўлишини хоҳлармидингиз? — сўради у.

— Бўлмасам-чи, — деди Женни хўрсиниб.

Брэндер эртасига заргарлик магазинига кириб, миллари чиройли тилла соат олди.

— Женни,— деди у қиз янаги сафар келганида,— сиз-

га бир нимани кўрсатмоқчиман. Қаранг, соатим неча бўлганикин?

Женни сенаторнинг жилети чўнтагидан соатини оларкан, кўзлари чақчайиб кетди.

— Бу сизнинг соатингиз эмас-ку! — хитоб қилди у ҳайрон қолиб.

— Ҳа, — деди сенатор қиз ҳайратга тушганидан завқланиб, — у сизнинг соатингиз.

— Меники! — хитоб қилди Женни. — Меники-я! Қандай яхши.

— Сизга ёқаяптими? — сўради Брэндер.

Брэндер жуда хурсанд ва қизнинг завқланганидан маст эди. Женнининг чеҳраси ёришиб, кўзлари чақнарди.

— Бу сизнинг соатингиз, — деди у. — Тақиб юринг-у, бироқ йўқотиб қўйманг.

— Қандай яхшисиз-а! — деди Женни.

— Йўқ, — Брэндер эътироз билдирди-да, қизнинг белидан қучиб, бунинг эвазига қанақа илтифот кўриши мумкинлигини ўйлаб қолди. Шундан кейин Женнини оҳиста ўзига тортган эди, у бўйнидан қучоқлаб, миннатдор ҳолда юзини юзига босди. Сенаторни ҳозирги дамда ҳеч бир нарса бундан ортиқ хурсанд қилолмасди. У шундай ҳузурни кўп йиллардан бери орзу қилиб келарди-да.

Конгресдаги ўрин учун бўлган қаттиқ курашлар туфайли бу роҳатларга вақтинча чек қўйилди. Сенатор Брэндер рақибларининг ҳаммасига жавобан ҳаёт-мамот жангига киришди. У ўзига ҳамиша яхши муносабатда бўлиб келган қудратли темир йўл компанияси шундоқ ҳам хатарли рақибини зимдан жуда-жуда қувватлаётганини эшитиб таажжубда қолди. Бу хиёнат уни довдиратиб қўйди, энди азбаройи тутаққанидан газабини кимга сочишини билмасди. У гарчи ўзини тақдир зарбаларига парво қилмаётгандай кўрсатса ҳам, қалби жароҳатли эди. У кўпдан бери, жуда кўпдан бери... мағлубият нималигини билмасди-да.

Женни ўша кунлари эркакларнинг беқарорлиги нима эканлигини билди. У Брэндерни икки ҳафта кўрмади, кейин, бир куни оқшомда ўз партиясининг шу ерлик лидери билан суҳбати жуда ланж кечган сенатор қизни совуқдан-совуқ қарши олди. Эшикни тақиллатганида сенатор қия очди-да, деярли ўшқириб:

— Бугун кир-чир билан шуғулланишга вақтим йўқ. Эртага келинг, — деди.

Женни бунақа совуқ муомаладан боши қотиб, алам қилганича кетди. Нималарни ўйлашни ҳам билмасди. Сенатор бир лаҳзанинг ўзида Женни етишолмайдиган юксакликка чиқиб олган, уни энди безовта ҳам қилиб бўлмасди. Агар шуни хаёл қилган бўлса, Женнини дўстона муомаласидан маҳрум этиши ҳам мумкин. Бироқ нега энди...

Сенатор орадан бир ёки икки кун ўтгандан кейин сал пушаймон ҳам бўлди, бироқ ишни тўғрилай олмади. Қири мутлақо расмий ҳолда олиниб, яна ўзига топширилди, у бошигача ишга шўнғиганича, то алам қиларли мағлубиятга учрамагунича ҳеч нарсани хаёлига келтирмади. Рақиби унга нисбатан иккита кўп овоз олганди. Брэндер ишнинг кети бунақа бўлганидан жуда эзилди ва изтироб чекди. Энди у нима ҳам қила оларди?

Женни уни худди шундай алфозда кўрди. Ўзи эса хушчақчақлик, умид ва ҳаёт завқининг бамисоли мужассами эди. Брэндер ҳар хил хаёлларга бораверіб адойи тамом бўлганидан қиз билан шунчаки кўнгил ёзиш учун гаплашди. Бироқ ўзи ҳам сезмаган ҳолда ғубори тарқаб, кўп ўтмай тишининг оқини кўрсата бошлаганини пайқади.

— Эҳ, Женни,— деди у худди гўдакка гапиргандай,— сизнинг бахтингиз ёшлигингиз-да. Ҳаётдаги энг яхши, энг қимматли нарса ана шу.

— Ростми?

— Ҳа, фақат сиз буни ҳали тушунмайсиз. Буни одам доимо анча кеч тушуна бошлайди.

«Мен бу қизни севаман, — деди сенатор ўшал оқшом ўзига-ўзи. — Ундан айрилишни сира ҳам истамайман».

Бироқ тақдир сенаторга яна битта зарба ҳозирлаётганди. Меҳмонхонада, юмшоқроқ қилиб айтганда, Женнининг оёқ олиши бошқачароқ, деган гап-сўзлар бўла бошлади. Кирчи хотиннинг қизи ўз мавқеига тўғри келмайдиган ясан-тусан қила бошлайди-ю, бошқаларнинг назаридан қочиб қутулармиди. Меҳмонхонадагилар Женнининг қўлида тилла соат кўришди. Катта хизматчи аёл меҳмонхонадаги гапларни қизнинг онасига етказди.

— Сиз билан гаплашмоқчиман, — деди у миссис Герхардтга. — Қизингизни энди кир кийимларга юборманг, меҳмонхонада ҳар хил гаплар юрибди.

Миссис Герхардт азбаройи гангиб қолиб, хафа бўлганидан бирорта сўз ҳам айтолмади. Женни онасига ҳеч нима айтмаган бўлса ҳам, миссис Герхардт жиддий гаплашишга арзийдиган бирор кори ҳол бўлганига ишонмасди. Сенатор Женнига соат олиб берганини эшитганида хурсанд бўлганидан ўзини қўярга жой тополмаганди. Шунда бунинг учун қизнинг шаънига доғ тушажаги хаёлига ҳам келмаганди.

Миссис Герхардт уйига жуда бўшашиб қайтди-да, бўлган гапни Женнига айтди. Женни эса айб иш қилганини бўйнига олмади. Бу ишларга мен бутунлай бошқача қарайман, деди. Бироқ ўзининг сенатор билан учрашувларини батафсил айтиб бермади.

—Бунақа миш-мишлар тарқалгани қандай даҳшат-а!— деди онаси. — Унинг хонасида кўпроқ қолиб кетишларинг ростми?

— Билмайман, — Женнининг виждони гарчи қисман бўлса-да, ҳақиқатни эътироз этишга қистарди, — бўлса бордир.

— У сенга бўлмағур нарсалардан сира гапирдими?

— Йўқ, — жавоб қилди Женни. У Брэндер билан муносабатида ёмонроқ бирорта нарса бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Онаси Женнидан яна бир оз суриштирганида борми, кўпроқ нарсани билиб олган бўларди. Бироқ ўзининг тинчини кўзлаганидан гапни калтароқ қилишдан хурсанд эди. Одамлар яхши одамга туҳмат қилишади, буни у билади. Женни салгина тентаклик қилган-да. Одамлар доим миш-мишларни тарқатиш пайида бўлишади. Тирикчилик бўлса тошдан қаттиқ, қайси камбағал қиз ўзини Женнидан бошқача тута оларди? Миссис Герхардт шуларни ўйларкан хўрлиги келди.

Пировардида сенаторнинг кирини олгани ўзи борадиган бўлди.

Шундай қилиб, келаси душанбада унинг эшигини ўзи тақиллатди. Женнини кўришга муштоқ бўлиб ўтирган сенатор Брэндер онаси келганини кўриб ажабланди ва ҳафсаласи пир бўлди.

— Женнига нима бўлди? — деб сўради у.

Миссис Герхардт, сенатор ўзгаришни сезмаса керак ёки жилла бўлмаганда индамайди, деб умид қилганди. Шунинг учун ҳам нима жавоб қилишни билмади. У сенаторга соддагина ва ожизона қаради-да:

— Женни бугун келолмади, — деди.

— У касал-пасалмасми ишқилиб?

— Йўқ.

— Буни эшитишдан хурсандман, — деди сенатор итоат билан. — Ўзингиз яхшимисиз?

Миссис Герхардт сенаторнинг илтифотли саволларига жавоб бериб хайрлашди. Сенатор у кетгандан кейин ўзига-ўзи, нима бўлдийкин-а, деб савол бериб, ўйга толди. Бунақа нарсалар хаёлини банд қилаётгани ўзига ҳам ғалати туюларди.

Бироқ шанба куни миссис Герхардт яна кийимларини олиб келганида сенатор нимадир бўлганини сезди.

— Нима гап ўзи, миссис Герхардт? — деб сўради у. — Қизингизга бирор нарса бўлдими?

— Йўқ, сэр, — жавоб қилди миссис Герхардт ёлғон гапиришдан жуда довдираб.

— Бўлмаса кийимларни нега у олиб келмаяпти?

— Мен... мен...—миссис Герхардт ҳаяжонланганидан тутилиб қолди. — У... уни ҳар хил гап-сўзлар қилишди... — деди у баъзўр.

— Ким гап-сўз қилди?

— Шу ердагилар, меҳмонхонадагилар.

— «Шу ердагилар» деганингиз кимлар? — сенаторнинг овозидан жаҳли чиққани сезиларди.

— Катта хизматчи аёл.

— Э, катта хизматчими! — хитоб қилди у. — Хўш, у нима деяпти?

Она катта хизматчи билан ўртада бўлган гапни айтиб берди.

— Шунақа денг! — сенатор гупуриб кетди. — Менинг ишларимга аралашадиган бўптими? Одамлар нега ўзларини тиёлмайдилар, мени тинч қўймайдилар, шуни билсам бўлармикин. Қизингиз билан танишлигимнинг сира хавфли жойи йўқ, миссис Герхардт. Унга ҳеч қанақа ёмонлик қилмайман. Қиз бола бирор нарсадан шубҳа қилишмасин деб меҳмонхонага келолмаса-я, қандай уят ва шармандалик, — қўшимча қилди у. — Мен бу гапнинг тагига етаман ҳали.

— Мени бунда қўли бор деб ўйламасангиз бўлди,—деди миссис Герхардт узрли оҳангда. — Мен Женнини яхши кўришлигингизни биламан, унга ёмонлик тиламайсиз. Унга ҳам, ҳаммамизга ҳам шунча яхшилик қилдингиз, мистер Брэндер, уни бу ерга юбормаётганим учун уяляпман.

— Ҳечқиси йўқ, миссис Герхардт, — деди сенатор хотиржам ҳолда. — Сиз тўғри иш қилгансиз. Сизни сира ҳам айбламайман. Бироқ меҳмонхонада шунақа миш-мишлар юргани қонимни қайнатяпти. Кўрамиз, бу ерда айбдор кимикин.

Миссис Герхардт ҳаяжонланганидан рангида ранг қолмади. У, ўзимизга кўп яхшилик қилган одамни таҳқирладим-а, деб қўрқарди. Қани энди унга бу миш-мишлар ўзидан чиқмаётганини айтиб, тушунтиролса, токи у бу гаплар унинг ўзидан чиққан деб ўйламаса. Миссис Герхардт жаҳжалдан шунчалик қўрқарди.

— Мен яхшироқ бўлсин девдим-да, — миссис Герхардтнинг тилига ахири шу келди.

— Сиз тамомила ҳақсиз, — жавоб қилди сенатор. — Мен Женнини жуда ҳам севаман. Бу ерга келганида жуда қувонаман. Мен унга яхшилик тилайман, эҳтимол бу ерга келмагани, жилла бўлмаса бир оз кўринмай тургани маъқулдир.

Сенатор ўшал оқшом яна креслосида нималар бўлганини ўйлаб ўтирарди. Шунда унга Женни ўзи илгари ўйлаганидан ҳам қадрлироқ экани маълум бўлди. Эндиликда, сенатор қизни хонасида кўришдан умидини узган бир пайтда Женнининг бир нафасга келиб-кетганлари қанчалар аҳамиятли бўлганини тушуна бошлади. У ҳаммасини батафсил хаёлидан ўтказаркан, меҳмонхонада миш-мишлардан қутулишнинг иложи йўқлигини дарҳол пайқади ва қизни чиндан ҳам ноқулай аҳволда қолдирибман деган хулосага келди.

«Буни йиғиштирмасам бўлмайдиганга ўхшайди, — деди у ичида. — Жуда ақлимни йўқотиб қўйибман ўзи».

Брэндер шундай фикрга келганидан кейин Вашингтонга жўнаб, сенаторлик ваколати тугагунича ўша ерда турди. Сўнгра Колумбусга қайтиб, президентнинг дўстлик юзасидан чет элдаги бирорта маъсул лавозимни топширишини кута бошлади. Бироқ Женнини унутолмади. У Женнидан қанчалар олисда яшамасин, уни тобора кўргиси келаверди. Брэндер яна эски маконига ўрнашиб олганидан кейин ажойиб субҳидамлардан бирида асосини қўлга олиб, ўзига яхши таниш йўлдан одимлади. Герхардтларнинг уйига етганида кирмоқчи бўлиб, эшикни тақиллатди. Шунда уни миссис Герхардт билан қизи ҳайратда ва хурсандчиликларидан огизлари қулоқларига етгудай ҳолда кутиб олишди. Сенатор сафарда эдим деб гўлдирагандай бўлди-да, гўё атайин шунинг учун келгандай, нарсаларини ювдирмоқчилигини эслатди. Шундан кейин, бир неча дақиқа Женни икковлари холи қолганларида, дадил ишга ўтди.

— Эртага кечқурун мен билан извошда сайр қилишни истайсизми? — деб сўради сенатор.

— Истайман,— жавоб қилди Женни. Сенаторнинг бу таклифи унинг учун янгилик ва қизиқарли эди.

Брэндер Женнини яна кўраётганидан худди боладай суюниб, илжайганича қизнинг ёногини сийпалаб қўйди. Женни кундан-кунга очилиб кетаётганга ўхшарди. Оппоқ пешбанд тутиб, битта, йўғон қилиб ўрилган сочини бошига ўраб олган қиз шунақанги кўзга яқин кўринардики, унга қарамасликнинг иложи йўқ эди.

Брэндер миссис Герхардтнинг қайтиб киришини куга турди-да, кейин ўрнидан турди. Бу ерда қолишининг энди ҳожати йўқ эди.

— Эртага кечқурун қизингиз билан айланмоқчиман, — деди у. — У билан келажагини гаплашмоқчиман.

— На чора, — деди она.

Миссис Герхардт назарида бунда бирор ножўя нарса йўқ эди. Улар қўл сиқишиб хайрлашишди.

— Бу одамнинг юраги олтин-да, — деб қўйди миссис Герхардт. — Сени тўғрингда доим яхши гапларни гапиради, тўғрими? У ўқиб олишингга ёрдамлашади. Бу билан ҳар қанча ғурурлансанг бўлади.

— Ғурурланяпман ҳам, — Женни чин кўнгилдан бўйнига ола қолди.

— Буни отангга айтиш-айтмасликни ҳам билмайман, — деди миссис Герхардт. — У кечқурунлари уйдан чиқишингни ёқтирмайди.

Она-бола ахири буни отага айтмайдиган бўлишди. У тушунмаслиги мумкин.

Брэндер эртасига олиб кетгани кирганида Женни тап-тайёр эди. Уйни кичикроқ чироқ хира ёритаётганига қарамай сенатор қизнинг сайр учун махсус кийинганини, устида энг яхши кўйлаги эканлигини пайқади. Эгнида энсизгина тўр манжетли, дазмолланган, қотириб оҳорланган баланд ёқали, оч-пушти чит кўйлаги гўзал қоматини янада сарвқад қилиб кўрсатарди. Женнининг қўлқопи ҳам, тақинчоқлари ҳам, дурустроқ жилети ҳам йўқлигига қарамай, дид билан ўралган сочи кўркам бошини энг зўр шляпадан ҳам аълороқ безаб турар, тошиб чиққан жингалак сочлари ҳуснига ҳусн қўшарди. Брэндер унга жакетингизни кийиб олинг, деганида Женни бир лаҳза иккиланди-да, сўнгра нариги хонага ўтиб, онасининг жундан тикилган бўзранг одми мурсагини кўтариб чиқди. Брэндер шунда жуда эзилиб кетди. У қиз бечоранинг умуман жакети йўқлигини ва оқшомни ўшасиз ўтказмоқчилигини тушунди.

«Кечқурун совқатса ҳам нолимасди, албатта», деб қўйди сенатор ичида.

Брэндер Женнига қараркан, ўйчан ҳолда бошини чайқаб қўйди. Шундан кейин йўлга тушишди. Брэндер шу заҳотининг ўзида ҳамма нарсани унутди. У энди бир нарсани — ёнида Женни борлигини ўйларди, холос. Женни бамисоли гўдакдай берилиб, эмин-эркин, уёқ-буёқдан валақлаб бораркан, сенаторнинг кўзига бениҳоя мафтункор кўринарди.

— Менга қаранг, Женни, — деди сенатор. Қиз бу пайт

чиқаётган ойнинг заиф ёғдусида сал олтинранг туюлган дарахтларни кўз узолмай томоша қилаётганди. — Сиз ажойиб қизсиз. Жиндай ўқисангиз борми, шеър ҳам ёзардингиз, бунга ишончим комил.

— Буни эплайди деб ўйлайсизми? — Женни соддадиллик билан сўради.

— Ўйлайсизми дейсизми, қизалоқ?—деди сенатор қизнинг қўлтиғидан олиб. — Ўйлайсизми? Ўйлаш уёқда турсин, ишончим комил! Сиз дунёдаги энг орзугўй қизсиз. Сиз шоир бўлишингиз мумкин, албатта. Сизнинг ҳаётингиз шоирона. Сизнинг ўзингиз — шеъриятсиз, азизим. Шеър ёза оласизми, ё йўқми, бу унчалар муҳим эмас.

Женнини бошқа бирорта ҳам нарса ана шу мақтовчалик таъсирлантира олмасди. Сенатор доимо ажойиб нарсаларни гапиради-да. Женнини шу чоққача ҳеч ким сенатор севгисининг ярмича ҳам севиб, қадрламаган бўлса керак. Унинг нақадар саховатли эканини айтмайсизми! Ҳамма шунақа дейди. Ҳатто отаси ҳам.

Улар извошда тобора нари кетишарди. Брэндер кейин, гўё нимanидир эслагандай, тўсатдан деди:

— Қизиқ, соат неча бўлганикин. Қайтсак ҳам бўлар дейман. Соатингиз ўзингиздами?

Женни, сенатор соатдан гапириб қолса нима қиламан, деб жуда қўрқиб юрганидан чўчиб тушди. Брэндер қайтганидан бери ана шу дақиқага навбат етишини муқаррар равишда кутиб юрганди.

Сенатор йўқлигида уйдагилар пулга жуда зориқиб қолишди. Шунда Женни соатини гаровга қўйишга мажбур бўлди. Мартанинг усти-боши бир аҳволдалигидан мактабга боролмай қолганди. Шунинг учун ҳам кўп гаплардан кейин соатнинг баҳридан ўтишга келишишганди.

Басс соатни яқинроқда турадиган судхўрга олиб борди ва анча тортишувдан кейин ўн долларга гаровга топширди. Миссис Герхардт бу пулни болаларига сарфлаганидан кейин кўнгли жойига тушди. Энди Мартанинг усти-бошига одам қараса бўларди. Женни буларнинг баридан хурсанд эди, албатта.

Ҳозир эса сенатор ўзининг совғасидан гапириб қолганида Женнига интиқом пайти келгандай туюлди. Унинг вужудини титроқ босди, бу эса сенаторнинг назаридан қочиб қутулолмади.

— Сизга нима бўлди, Женни? — сенатор мулойимлик билан сўради. — Нимага сизни бунчалар титроқ босди?

— Ҳечқиси йўқ, — жавоб қилди у.

— Соатингиз йўқми ёнингизда?

Женни ёлғон гапиришга илож тополмай имиллаб қолди. Ўртага ўнғайсиз жимлик чўкди. Шундан кейин Женни:

— Йўқ, сэр, — деди.

Овозидан йиғлаётгани сезиларди.

Брэндер ўша заҳотининг ўзида соат қўлдан кетганини сезиб, қийин-қистовга олганди, Женни ҳаммасини айтиб берди.

— Хафа бўлманг, азизим, — деди сенатор. — Сиз дунёдаги энг яхши қизсиз. Мен соатингизни олиб бераман. Бундан кейин эса бирор нарса зарур бўлса, албатта олдимга келинг. Эшитяпсизми? Албатта, бунга ваъда беринг. Агар шаҳарда бўлмасам, дарҳол ёзиб юборинг менга. Мен энди сизни ҳеч қачон кўздан қочирмайман. Сизда доимо адресим бўлади. Бир оғиз хабар қилсангиз бас, ёрдам қўлимни чўзаман. Эшитяпсизми?

— Ҳа, — деди Женни.

— Ваъда берасиз-а, шундайми?

— Ҳа, — жавоб қилди қиз.

Икковлари бир дақиқа жим қолишди.

— Женни, — деди сенатор ниҳоят. У баҳор оқшомига ўхшаган бу ажиб кеча таъсирида ўз ҳаяжонини босолмай қолганди. — Мен сизсиз яшаёлмаслигимга ишондим. Энди мени ташлаб қўймасликка рози бўлармидингиз?

Женни сенатор нима демоқчилигини тушунмай, четга қаради.

— Билмайман, — мужмал жавоб қилди у.

— Бўлмаса, буни ўйлаб кўринг, — деди Брэндер юмшоққина қилиб. — Мен жиддий айтяпман. Менга тегиб, ўқигани бир неча йилга жўнаб кетишга розимисиз?

— Кетиб, мактабга кираманми?

— Ҳа, турмуш қурганимиздан кейин.

— Розиман, ҳа... — жавоб қилди Женни.

Женни онасини ўйларди. Эҳтимол шу иши билан уйдагиларга фойдаси тегар.

Брэндер қизнинг юзига тикилгани ўгирилди. Анча-мунча ёруғ эди. Кун чиқар томондаги дарахтлар узра ой кўтарилган ва унинг нурида беҳисоб юлдузлар бўзариб кўринарди.

— Наҳотки менга нисбатан бефарқ бўлсангиз, Женни?— деб сўради Брэндер.

— Йўқ!

— Кирларимни олиб кетгани келмай қўйдингиз-ку, — сенатор аламли нолиди.

Бу гап Женнига таъсир қилди.

— Айб менда эмас, — жавоб қилди у. — Нима ҳам қила оламан. Ойим, шундай қилишимиз яхши, дейди.

— Ойингиз ҳақ, — маъқуллади Брэндер. — Хафа бўлманг. Шунчаки ҳазиллашдим. Иложи бўлса жон-жон деб келардингиз-а, тўғрими?

— Ҳа, — қиз соддадиллик билан жавоб берди.

Брэндер Женнининг қўлини олиб, меҳр билан қисган эди, қиз сенаторнинг сўзларидан баттар эриб кетди. У сенаторни маҳкам қучоқлади.

— Сиз жуда яхшисиз, — деди Женни бамисоли сенаторнинг қизидай ийиб кетиб.

— Женни, қизалоғим,— Брэндер жуда ҳаяжонда эди,— сиз учун ҳамма нарсага тайёрман!

VI БОБ

Бу бахтиқаро оиланинг бошлиғи Уильям Герхардт саксониялик бўлиб, тенги йўқ одам эди. У ўн саккиз яшар йигитлигидаёқ умумий ҳарбий хизмат ҳақидаги қонуннинг ноҳақлигидан дарғазаб бўлиб Парижга қочганди. У ердан эса жаннатмакон ўлка ҳисобланган ана шу Америкага келиб қолди.

Уильям Герхардт бу ерга қадам босганида олдинига Нью-Йоркдан Филадельфияга борди, кейин Ғарб томон олислайверди. Бир оз вақт Пенсильваниядаги турли ойна заводларида ишлади. Ана шу янги дунёнинг гўзал қишлоқларидан бирида кўнгил орзуси бўлган умр йўлдошини топиб олди. У миллати немис америкалик андишаликкина қиз эди. Уильям у билан Янгстаунга, сўнгра Колумбусга кўчиб ўтди. У Хеммонд деган шишасоз фабрикантнинг кетидан қолмас, унинг ишлари эса дам юришар, дам орқага кетарди.

Герхардт ҳалол одам бўлиб, одамлар тўғрилигини қадрлашларидан хурсанд эди.

— Уильям, — дерди унга хўжайини кўпинча, — доим қўлимда ишласанг дейман, чунки сенга ишонаман.

Герхардтга мана шу мақтовнинг ўзи олтиндан қиммат турарди.

Герхардтнинг ҳалоллиги диний эътиқоди сингари болалигидаёқ қон-қонига, жисми-жисмига сингиб кетганди. Бу хусусда у сира бош қотириб кўрмаганди. Диёнатли немис ҳунармандлари бўлмиш отаси билан бобоси бировнинг бир чақасига хиёнат қилишмаганди, ана шу саркашона ҳалоллик унга ҳам ўтганди.

Уильям Герхардт ҳақиқий лютеранлардан эди. Черковга қатнашни канда қилмас ва уйдаги ҳамма урф-одатларни бажармай қўймасди. Бу ҳол кўп йиллардан бери давом этиб келаётганидан Герхардтнинг қарашлари ҳам, эътиқодлари ҳам мустаҳкам эди. Отасининг уйида ҳамма руҳоний буларнинг азиз меҳмони бўлиб қоларди.

Колумбус шаҳридаги лютеранлар раҳнамоси бўлган мистер Вундт ҳақиқий ва ашаддий христиан бўлиш билан бирга ашаддий мутаассиб ҳам эди. У рақс тушган, карта ўйнаган ёки театрга борган қавмдошларини ўз жонларига жабр қиладилар деб ҳисоблар ва сира ҳам иккиланмасдан, томоғи йиртилгудай бўлиб, панду насиҳатларимга юрмаганлар албатта дўзахга тушадилар, дерди. Ичиш, ҳатто озгина бўлса ҳам, унингча гуноҳ эди. Чекишга келганда эса... унинг ўзи ҳам чекарди. Ҳар бир христиан турмуш қургунича йўлдан озмаслиги ва кейинчалик ҳам покизаликни қўлдан бермаслиги лозим эди. Ўзининг иффатини сақлай олмаган қиз ва қизининг гуноҳкор бўлишига йўл қўйган ота-оналарга нажот йўли берк, дерди у. Улар дўзахга тушадилар. Бундай жазога мустаҳиқ бўлмаслик учун эзгулик йўлидан озманглар, чунки яратган эгамнинг ғазаби гуноҳкорни бир балога гирифтор қилмоғи муқаррардир.

Герхардт, хотини ва Женни мистер Вундт талқинидаги черков ақидаларига сўзсиз амал қилишарди. Лекин Женни амалда буларнинг барини номигагина бажарарди. Дин ҳозирча унга кучли таъсир ўтказганича йўқ эди. Одам жаннат борлигидан хурсанд бўлади-ю, дўзахни эшитганида чўчийди. Йигитлар билан қизлар ўзларини яхши тутишлари ва ота-оналарининг айтганларини қилишлари лозим. Женни бошқа масалаларда дин нима буюришини яхши билмасди.

Черков минбаридан туриб айтилган ҳар бир калом айни ҳақиқат эканлигига Герхардт отанинг имони комил эди. Нариги дунё унга аппа-аниқ бордай туюларди.

Йиллар эса ўтар, ҳаёт тобора мубҳам ва мураккаблашиб борар, Герхардт ҳам ҳамма саволларига жавоб топиладиган диний ақидаларга маҳкам ёпишиб олганди. О, Герхардт етарлича ҳалол ва матонатли бўла олганида борми, яратган эгам, ундан сира ҳам юз ўгирмасди-я! Гер-

хардт фақат ўзи учун эмас, балки хотини ва болалари учун ҳам ўлиб-тириларди. Бир кунмас-бир кун улар учун ҳам жавоб беришга тўғри келади-да, ахир. Боқий ҳаёт тартибларини уларга тушунтиришда нўноқлик ва бўшанглик қилаётгани ҳаммаларини балога дучор этмасмикин? Герхардт дўзах азобларини хаёлан кўз олдига келтирар, мени ва яқинларимни маҳшар куни нималар кутаётибдийкин, деб сўрарди ўз-ўзидан.

Герхардт динни бунчалар маҳкам тутганидан болаларига ҳам қаттиққўл эди. Ёшларининг ўйин-кулгиларию қийшанглашларига тоби йўқ эди. Унинг ўзига қўйиб берса борми, Женни муҳаббат деган нарсанинг кўчасидан ўтмаган бўларди. Мабодо шаҳарнинг бирор жойида йигитлар билан танишиб, улар Женнига гирдикапалак бўлишганида ҳам отаси уларни уйга йўлатмасди. У ўзи ҳам бир вақтлар ёш бўлганини унутган, ҳозир эса бутун эс-ҳуши қизини асрашда эди. Шунинг учун ҳам сенатор Женни балоғатга етиб танишган биринчи одам эди.

Брэндер оиланинг ишига дастлаб аралаша бошлаганида мистер Герхардтнинг нима яхшию нима ёмонлиги борасидаги тасаввури омонат экани маълум бўлиб қолди. У сенатор Брэндерга қай жиҳатдан ёндашишни билмасди. Брэндер Герхардтнинг чиройликкина қизини айлантириш пайига тушган оддий хушторлардан эмасди-да. Сенаторнинг Герхардтлар хонадони ҳаётига аралашуви ўзига хос бир тарзда, айни пайтда, яхши ниятда қилинаётган эдиким, токи бирорталари эс-ҳушларини йиғиштириб олгунича Брэндер хонадон ҳаётида ҳал қилгувчи ўринни эгаллади-олди. Герхардтнинг ўзи ҳам чалғиб қолди. У сенатордай одамдан ўзи ва оиласи учун эҳтиром ва нафдан бўлак нарса кутмаганидан Брэндернинг ёрдамларию мададларидан бехавотир эди. Дарвоқе, хотини ҳам ўша ажойиб рождество байрамигача ва ундан кейин сенатордан олинган совғалар ҳақида лом-мим демаганди.

Бироқ Герхардт бир куни эрталаб тунги қоровулликдан уйига қайтаётганида қўшниси Отто Уивер учраб қолди.

— Герхардт, — деди у, — сен билан гаплашмоқчиман. Сенга дўстлигимдан эшитганларимни айтиб бермоқчиман. Гап бундай, қўни-қўшнилар қизингни олдига келиб турадиган одам ҳақида кўп валақлашяпти.

— Қизимнинг олдига дейсанми? — қўшнисининг кутилмаган ҳамласи Герхардтни довдиратиб, ҳамиятига ҳам тегди. — Кимни айтяпсан? Мен қизимнинг олдига келиб турадиган ҳеч қанақа одамни билмайман.

— Билмайсанми? — Уивер ҳам суҳбатдошидай ҳайрон бўлиб сўради. — Каттароқ одам, сочи оқаринқираган. Гоҳида қўлида асо билан юради, наҳотки уни билмасанг?

Герхардт ташвишли қиёфада зўр бериб эслашга тиришди.

— Уни сенатор бўлган дейишади, — Уивер бўшашиброқ давом этди. — Аниғини билмайман.

— Э, у сенатор Брэндер, — Герхардтнинг сал кўнгли жойига тушди. — Ҳа, у гоҳида кириб туради. Тўғри. Хўш, нима бўпти?

— Ҳеч нима, — жавоб қилди қўшни, — фақат одамларнинг миш-мишини айтаман-да. Билсанг, унинг ёши ўтиброқ қолган. Қизинг эса гоҳо у билан айланиб келади. Одамлар буни кўришган, шуни-чун ҳозир ҳар хил гаплар юрибди. Буни сен ҳам билиб қўйсанг бўларди, деб ўйловдим-да.

Бу даҳшатли сўзлар Герхардтни бир ёқлик қилаёзди. Тўғри, одамлар бунақа нарсани бекорга гапиришмайди, Женни билан онасининг гуноҳлари катта. Герхардт шунга қарамай қизининг ёнини олди.

— У оиламизнинг дўсти, — деди Герхардт хижолат тортиб. — Одамлар ўзлари билмаган нарсани бекорга валақлашишади-да ўзи. Менинг қизим ҳеч қанақа ёмон иш қилгани йўқ.

— Буниси тушунарли. Буни ёмон жойи йўқ, — деди Уивер. — Қўшнилар кўпинча беҳуда валақлашади. Сен билан биз эски дўстмиз, шуни-чун билиб қўйсанг бўларди девдим-да...

Герхардт бир дақиқа қимир этмай, ўзини очиб қолди. Ҳозирги дамда у бирор нарса қилишга ожиз эди. Одамлар сенга ғаразгўй бўлишса қанчалар даҳшат. Улар сен ҳақингда яхши гапириб, ёнингни олишлари қанчалар муҳим. У, Герхардт, одоб-ахлоқ қоидаларидан чиқмай келарди-ку! Одамлар бунга қаноат қилиб, уни тинч қўйишса бўлмайдими?

— Айтганинг учун раҳмат,— ғўлдиради Герхардт уйига қараб юраркан. — Буни ўйлаб кўраман. Саломат бўл.

Герхардт қулай фурсат келиши биланоқ хотинидан суриштирди.

— Сенатор Брэндер нимага Женнига келиб юрибди? — деб сўради у немисчалаб. — Қўшнилар висир-висир қилишяпти.

— Буни ҳеч қанақа ножўя жойи йўқ, — миссис Герхардт ҳам немисчалаб жавоб қилди. Бу саволдан у гангиб қолганди. — У икки ёки уч марта келувди, холос.

— Менга буни айтмовдинг-ку, — Герхардт хотини қизининг бу ишини кўра-била туриб бекитганидан жаҳли чиқди.

— Ҳа, айтмовдим, — жавоб қилди миссис Герхардт бутунлай довдираб. — У икки марта келувди, холос.

— Холос!— Герхардт ғирт немисча одатича ўшқирди.— Холос эмиш! Ҳамма қўни-қўшниларнинг оғзида шу гап. Бу қанақаси бўлди, қани айт?

— У икки марта келувди, холос, — миссис Герхардт ноилож қолда гапини такрорлади.

— Ҳозир кўчада Универ ёнимга келиб, ҳамма қўни-қўшнилар қизим юрган одам ҳақида валақлашаётганини айтди, — Герхардт гапида давом этди.—Мен бўлсам ҳеч нима билмайман. Аҳмоқдай қотиб қолдим, нима дейишимни ҳам билмайман. Бу қанақаси ўзи? Мени у нима деб ўйлайди?

— Буни ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ,— эътироз билдирди миссис Герхардт.— Женни икки марта у билан айланиб келди. Сенаторнинг ўзи бу ерга, уйимизга кириб келди. Хўш, нима бўпти, нимани валақлашяпти? Наҳотки қиз бечора бир айланиб ҳам келолмаса?

— У ёши ўтиб қолган одам-ку, ахир. — Герхардт қўшниси Универнинг гапини айтиб эътироз билдирди.—У таниқли одам, мавқеи баланд. Нимага Женнидай қизга келиб юрибди?

— Билмадим, — деди миссис Герхардт ўзини оқлаб. — У бизникига келади. Мен у ҳақда бирор ёмон нарса билмайман. Қандай қилиб унга келма, дея оламан?

Мистер Герхардт шундан кейин жим қолди. У сенаторни фақат яхши томонлангина биларди. Чиндан ҳам бунинг нимаси қўрқинчли?

— Қўшнилар доим фисқи-фасодни пайидан бўлишади. Улар гап тополмаганларидан мана энди Женнини чалпишяпти. Унинг яхши қизлигини ўзинг биласан. Нимага улар бунақа нарсаларни гапиришади-я? — меҳрибон онанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Ҳамма гапинг тўғри, — тўнғиллади Герхардт, — лекин унинг бу ерга келиб, ёшгина қизни айлантириб келишининг ҳожати йўқ. Ҳатто унинг хаёлида ёмон фикр бўлмаган тақдирда ҳам бу иш ярамайди.

Шу дақиқада Женни кириб келди. У ўзи билан синглисига ётоқ вазифасини ўтайдиган хонадан ота-онасининг гапларини эшитган ва бу ўзига алоқадорлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. У кириб келганида онаси қизарган кўзларини қизидан яшириш учун тескари қараб, печенье тайёрлаётган столи узра эгилди.

— Нима бўлди?— сўради Женни ота-онасининг жим қолишлари чўзилаётганидан хавотирга тушиб.

— Ҳеч нима, — кескин жавоб қилди отаси.

Онаси ҳатто ўгирилиб қарамади ҳам, лекин унинг қимир этмай турганининг ўзидаям бир гап бор эди. Женни унга яқин бораркан, йиғлаганини зумда сезди.

— Нима бўлди? — дея такрорлади қиз ҳайрон бўлиб отасига қараганча.

Герхардт индамади, қизининг хотиржам кўриниши қўрқувини тарқатиб юборганди.

— Нима бўлди? — Женни отасига мулойимлик билан тиқилинч қилди.

— Э, қўни-қўшниларимизнинг қилмишлари-да,— деди миссис Герхардт хўрсиниб қўйиб. — Улар доим билмаган нарсаларини ғийбат қилишади.

— Яна мени гапиришибдими? — сўради Женни қизаринқираб.

— Мана кўрдингларми, — деди мистер Герхардт бўшлиққа қараб, — гап нимадалигини ўзи ҳам билади. Бу ерга келиб туришини менга нимага айтмадинглар? Ҳамма қўшниларнинг оғзида шу гап-у, мен бўлсам шу бугунгача ҳеч нимани билмасам. Бу қанақаси ўзи?

— Э, бари бир эмасми, — деб юборди Женни ойисига юраги ачишиб.

— Бари бир дейсанми? — Женни гарчи инглизчалаб жавоб қилса ҳам Герхардт немисчалаб ўшқирди. — Одамлар мени кўчада тўхтатишиб гапириб беришса ҳам бари бирми? Бунақа нарсаларни гапиришга уялсанг бўларди. Мен Брэндерни доим яхши одам, деб юргандим, энди бўлса, ўзларинг ҳеч нима демай, қўшнилар ҳар хил гапларни валдирашаётган экан, нима деб ўйлашниям билмай қолдим. Наҳотки ўз уйимда нималар бўлаётганини қўшнилардан билишим керак?

Она-боладан садо чиқмади. Женни, ростдан жиддий хато қилганга ўхшаймиз, деб ўйлай бошлаганди энди.

— Мен сираям яширадиган иш қилганим йўқ, — деди у. — Бир марта мени извошда айлантириб келди, холос, бор гап шу.

— Шундайми, лекин буни менга айтмовдинг-ку,—жавоб қилди отаси.

— Кечқурунлари уйдан чиқишимни ёқтирмаслигингни биламан, шунинг учун айтмовдим. Бунда яширадиган нарсанинг ўзи йўқ.

— У кечқурун сени ҳеч қаёққа олиб бормаслиги керак эди, — деб қўйди Герхардт одамлар бир нима дейишлари-

дан ҳамон хавотирга тушиб. — Нима керак унга? Нимага буёққа келади? У қартайиб қолган. Сендай ёш нарса у билан алоқа қилмаслиги керак.

— Унинг ҳеч нимаси керак эмас, менга ёрдам бермоқчи, холос, — ғўлдиради Женни. — У менга уйланмоқчи.

— Уйланмоқчи? Ҳали шундайми? Бўлмаса нега буни менга айтмади? — хитоб қилди Герхардт. — Бу ишнинг ўзим тагига етаман. У қизимнинг бошини айлантиришини ва бутун қўшнилар висир-висир қилишларини хоҳламайман. Қолаверса у жуда қари. Унга худди шундай дейман. У яхши қизнинг шаънига доғ туширмаслиги керак. Энди буёққа қадам қўймасин.

Герхардтнинг дўқидан Женни билан онасининг ўтакалари ёрилди. Наҳотки у Брэндерга, бу ерга энди келма деса? Бунинг оқибати нима бўлади? Брэндернинг олдида нима деган одам бўлишади?

Брэндер эса Герхардт ишдалигида яна келди. Шунда она-бола, ишқилиб буни Герхардт эшитиб қолмасин-да, деб не кўйларга тушишмади дейсиз. Сенатор бир неча кундан кейин яна кириб, Женни билан айлангани кетди. Женнининг ўзи ҳам, онаси ҳам буни Герхардтга айтишмади. Бироқ кўп ўтмай сир ошкор бўлиб қолди.

— Женни ўша одам билан яна айланиб келдими? — сўради Герхардт эртаси куни хотинидан.

— У кеча кирувди, — жавоб қилди хотини талмовсираб.

— Женни унга, бошқа кирманг дедими?

— Билмадим. Айтмаган бўлса керак.

— Бўпти, бунга ўзим чек қўйишга ҳаракат қиламан.— Герхардт шартта кесди.—У билан ўзим гаплашаман. Яна бир қорасини кўрсатсин-чи.

Герхардт шундан кейин кечқурунлари ишдан уч марта жавоб сўраб, ҳар сафар меҳмон келмаганмикин деб уйини яхшилаб кузатиб юрди. Брэндер эса тўртинчи куни келди-да, бениҳоя ҳаяжонда бўлган Женнини олиб, айлангани кетди. У отасидан, бирор кориҳол бўлишидан қўрқар, бироқ нима қилишини билмасди.

Герхардт бу пайтда уйига яқинлаб келган ва қизи чиқиб кетаётганини кўрганди. Унга шунинг ўзи етарли эди.

— Женни қаерда?— деди у хотинини қийин-қистовга олиб.

— Қаёққадир чиқди, — жавоб қилди хотини.

— Қаёққа чиққанини биламан, — деди Герхардт. — Кўрдим. Қани, икковлари қайтиб келишсин-чи. Улар билан гаплашиб қўяман.

У бемалол ўтириб, немисча газетани ўқишга тушди. Хо-

тинига зимдан қараб-қараб қўярди. Ниҳоят кўча эшик тарақлаб, ичкарининг эшиги очилди. Герхардт шунда ўрнидан қўзғалди.

— Қаердайдинг? — у қизига немисчалаб ўшқирди.

Брэндер бунақа бўлишини сира кутмаганидан изтиробда ва ўнғайсиз ҳолда қолди. Женни ерга кириб кетай деди. Ошхонада эса онасининг бўлари бўлаётганди.

— Айлангани чиқувдим, — жавоб қилди Женни ўлганинг кунидан.

— Кечқурунлари чиқмагин деб айтувдим-ку? — деди Герхардт Брэндерга заррача ҳам эътибор қилмай.

Женни қизариб кетганидан оғиз очишга ҳам ҳоли келмасди.

— Нима гап ўзи? — деди Брэндер кескинроқ қилиб. — Нега унга бунақа муомала қиляпсиз?

— У қош қорайгандан кейин уйдан чиқмаслиги керак,— Герхардт кўрс жавоб қилди.— Буни унга кўп марта айтганман. Ўзингизни ҳам бу ерга келишингизнинг ҳожати йўқ.

— Нимага энди, — чертиб сўради сенатор бир оз жимликдан кейин. — Ғалати бўлди-ю. Қизингиз нима ёмонлик қилди?

— Нима қилди дейсизми? — Герхардт бақириб берди. У дақиқа сайин гупириб бораётганидан инглизча сўзларни тиниқ айтолмасди. — Уйда ўтириши керак бўлганида кечаси кўчама-кўча сакиллашининг кераги йўқ. Қизим кечқурунлар отаси тенги одам билан чиқиб кетишини хоҳламайман. Мақсадингиз нима? У ҳали бола-ку.

— Мақсадинг нима дейсизми? — деди сенатор обрўни қўлдан бермай оғир вазиятдан қутулиш учун. — Ниятим у билан суҳбатлашиш албатта. Женни эси кирган қиз, мени зериктирмайди. Мабодо розн бўлса унга уйланмоқчиман.

— Мен бўлсам бу ердан кетиб, бошқа келмасангиз дейман, — жавоб қилди Герхардт чегарадан чиқиб ва оталик жаҳолати тутиб. — Сизни энди уйимда кўришни истамайман. Шунча мусибатим етмай, қизимни тортиб олиб, покиза номини булғаш камлик қилиб турувди ўзи.

— Бу билан нима демоқчилигингизни тушунтириб беринг, — сенатор қаддини ростлади. — Мен уяладиган бирор иш қилганим йўқ. Менинг айбим билан қизингиз гуноҳ-пуноҳга ботмади. Мени нимада айблаётганингизни билиб олсам дегандим.

— Мен демоқчиманки... — Герхардт гупуриб турганидан бир нарсани ҳадеб қайтараверди. — Мен... мен ҳамма

қўшнилар кечқурунлари мен йўқлигимда буёққа келиб турганингизни, қизимни извошда айлантиришингизни, у билан сайр қилишингизни гапиришаяпти. Мен ана шуни айтмоқчиман. Сизнинг ниятингиз тўғри бўлганида фарзандингиз тенги келадиган қиз бола билан уймалашиб юрмасдингиз, демоқчиман. Одамлар менинг кўзимни очиб қўйишди, кимлигингизни билиб олдим. Бу ердан кетинг-да, қизимни тинч қўйинг.

— Одамлар-а!— такрорлади сенатор.— Улар билан ишим йўқ. Мен қизингизни яхши кўраман, шунинг учун ҳам олдига келиб тураман. Унга уйланиш ниятидаман, мабодо қўшниларингиз валдирашмоқчи бўлишса, валдирашаверсин. Бу (ҳатто ниятларимни билмай туриб ҳам) мени ҳақорат қилишингиз мумкин деган гап эмас.

Женнининг бу машмашадан ўтакаси ёрилиб, емакхонанинг эшигига тисарилди. Онаси унга яқинлашди.

— Сизлар йўғингизда отанг келиб қолди, — деди она ҳаяжонланганидан нафаси тиқилиб. — Энди нима қиламиз?

Икковлари жамики аёл зоти одатича бир-бирларини қучоқлаб, оҳиста йиғлашарди. Иккала эркак эса ҳамон тортишишарди.

— Э, шундаймн ҳали! — хитоб қилди Герхардт. — Уйланмоқчимилар!

— Ҳа,— жавоб қилди сенатор,— худди шундай. Қизингиз ўн саккизга кирган, нима қилса ихтиёри ўзида. Сиз мени ҳақорат қилдингиз ва қизингиз туйғусини тепкиладингиз. Гап шу, иш шу билан тугамайди, буни билиб қўйинг. Мабодо мени қўшниларингиз валдираётган гаплардан бўлак бирор нарсада айбламоқчи бўлсангиз бемалол айта қолинг.

Сенатор Брэндер мистер Герхардт қаршисида ҳақгўйлик ва бенуқсонликнинг улуғвор мужассамидай қад кериб турарди. У овозини баландлатмади, қўлини пахса қилмади, бироқ қаттиқ қимтилган лабларида қатъият ва кучли ирода ўзини кўрсатиб турарди.

— Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришни истамайман,— деди Герхардт. У сал гангиган бўлса ҳам, заррача чўчимаганди.— Қиз меники. Кечқурунлари айланадими ё сизга турмушга чиқадими — буни мен ҳал қиламан. Мен сиздақа сиёсатвозларни биламан. Танишганимизда сизни дуруст одам деб ўйловдим, қизимга қилаётган муомалангизни кўрганимдан кейин рухсорингизга тоқатим қолмади. Бу ердан кетинг; вассалом. Менга бундан бошқа нарса керак эмас.

— Уйингизда айтишиб қолганимдан жуда таассуфдаман, миссис Герхардт, — деди сенатор Брэндер дарғазаб отадан юз буриб. — Эрингизнинг келишимга тоби йўқлиги хаёлимга ҳам келмабди. Ҳар ҳолда бу бизга тўғаноқ бўлолмайди. Хафа бўлманг, аҳвол туюлаётганидай ёмон эмас.

Герхардт сенатор пинагини бузмаётганидан лолу ҳайрон эди.

— Мен кетяпман, — Брэндер яна мистер Герхардтга қараб гапида давом этди, — бироқ индамай кетаверади, деб ўйламанг. Бугун сиз катта хато қилдингиз. Буни тушуниб оларсиз деган умиддаман. Тунингиз хайрли бўлсин.

У енгил таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Герхардт кетидан эшикни қарсиллатиб ёпди.

— Энди ундан қутулгандирмиз дейман, — деди у. — Бутун оламга гап-сўз бўлиб, кечқурунлари кўчада санғиб юришни кўрсатиб қўяман сенга.

Бу ҳақда бошқа бир оғиз айтилмаган бўлса ҳам, уйдагиларнинг кейинги кунларда товушлари чиқмаётганидан ҳаммалари изтиробда эканликларини тушуниш қийин эмасди. Герхардт қовоғи очилмай, ишга сенатор жойлаб қўйганлигини ўйларкан, бунинг баҳридан ўтмоқчи бўлди. Уйимда сенаторнинг кирини ювганларингни кўрмай деди у, мабодо меҳмонхонадаги ишни миссис Герхардтнинг ўзи топганига ишончи комил бўлмаганида, буни ҳам тақиқлаши тайин эди. Бу ишнинг охири ҳар ҳолда яхши бўлмади. Хотини меҳмонхонага оёқ босмаганида бунақа миш-мишлар ҳам бўлмасди.

Сенатор ҳам бўлган воқеадан жуда хафа эди. Одамларнинг миш-мишлари доимо хунук нарса, бироқ унинг мавқеидаги одамнинг бунақанги ғийбатларнинг қаҳрамони бўлиб қолиши мутлақо ярамайдиган гап. Брэндер нима қилишни билмасди, то бир қарорга келгунича орадан бир неча кун ўтиб кетди. Шундан кейин уни Вашингтонга чақириб қолишди ва у Женни билан учрашолмай жўнаб кетди.

Герхардтлар эса илгаригидай қўл учида бир амаллаб кун кечиришарди. Уларнинг суроблари жуда тўғриланиб қолганига қарамай Герхардт, шаънимга гап тегмаса бўлгани, деб тишини-тишига қўярди. Бироқ баққолга илгаригидай пул тўлаш керак эди. Болаларнинг кийими тез ишдан чиқиб борарди. Энди ҳамма нарсани қисиб-қимтиб ишлатишга ва Герхардт узмоқчи бўлган эски қарзларини тўлашни тўхтатиб туришга тўғри келди.

Гаровга олинган маблағнинг йиллик процентини тў-

лайдиган кун ҳам келди. Шундан кейин иккала бақкол Герхардтни кўчада кўриб қолиб, қарзини қачон узишини сўрашди. Герхардт уларга сира ҳам иккиланмасдан кармони чатоқлигини тушунтирди ва астойдил ҳаракат қилиб, уларни тинчитажагини дилидан чиқариб айтди. Шунга қарамай, Герхардтнинг пешонаси шўрлигидан машқи жуда паст эди. Иш пайтларида худога, ўзинг раҳм қил, деб ялинар, кундузлари эса ухлаб дам олиш ўрнига шаҳар айланиб дурустроқ иш ахтарар, дуч келган юмушдан бош тортмасди. У кўпинча гулпушталарнинг ўтини ўришга ёлланарди.

Миссис Герхардт унга оғир иш қилмагин деб ялинса ҳам, бошқа чорам йўқ, деб жавоб қиларди у.

— Одамлар мени кўчада ушлаб, қарзингни уз деб туришганда, дам олишга вақтим бўларканми.

Оилани аҳволи жуда танг эди.

Себастьяннинг қамоққа тушиши бу мусибатларнинг якуни бўлди. У илгаригидай бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб, кўмир ўмариб юриб, ахири қўлга тушиб қолганди. Бир куни кечқурун Женни билан кичкина укаларига кўмир ташлаб бергани платформага чиққанида темир йўл полициясининг агенти ушлаб олди. Кейинги икки йил давомида темир йўлда кўмирни талон-торож қилиш давом этиб келарди, бироқ у оз-моздан ўғирланаётганидан маъмурият бунга панжа орасидан қараб келарди. Бироқ кўмир жўнатувчиларнинг мижозлари Пенсильваниядаги кўмир конларидан Кливленд, Цинциннати, Чикаго ва бошқа шаҳарларга жўнатилаётган составлардан йўлда минглаб фунт кўмир йўқолаётганидан нолиб қолганларидан кейин бу иш изқуварларга топширилди. Темир йўлда Герхардтлардан бошқаларнинг болалари ҳам ғивирлашарди. Колумбусдаги кўпчиликнинг иши муттасил кўмир ўмариш бўлса ҳам, келиб-келиб Себастьян қўлга тушган ва бутун шаҳарликларнинг эсини жойига келтириб қўйиш учун у жазоланиши лозим эди.

— Қани, пастга туш-чи, — деди қоронғиликдан лоп этиб чиқиб қолган изқувар.

Женни билан майда болалар челак ва саватларини ташлаганларича тирақайлаб қочишди. Себастьян ҳам олдинига ерга сакраб, қочмоқчи бўлди-ю, бироқ изқувар пальтосининг баридан маҳкам ушлаб олганди.

— Тўхта! — деб бақирди у. — Менга худди сен керак эдинг!

— Қўйвор! — Себастьян ҳам кўчанинг ўртасидан юраётган йигитлардан бўлганидан ўшқирди. Довюрак ва

қатъиятли йигит бу ишнинг кети чатоқ бўлишини яхши биларди.

— Қўйвор деяпман сенга, — Себастьян яна шундай деб юлқинган эди, изқуварни ағдариб юборишига сал қолди.

— Қани, пастга туш-чи, — изқувар кимлигини кўрсатиб қўйиш учун Себастьянни қаҳру ғазаб билан тортди.

Себастьян сакраб тушиб, рақибини бир солганди, у гандираклаб кетди. Олишув бошланди, бироқ шу ердан ўтиб бораётган бир ишчи изқуварга мададга келди. Икковлашиб Себастьянни станцияга судраб бориб, темир йўл полициясига топширишди. Себастьяннинг пальтоси йиртилган, юзи ва қўллари тимдаланган, кўзининг таги моматалоқ эди. Себастьянни шу аҳволда эрталабгача қамаб қўйишди.

Болалар уйга югургилаб келишди. Улар акаларига нима бўлганини билмаганларидан жўяли бирор нарса айтишолмади. Соат тўққиз, кейин ўн бўлиб, Себастьян ҳамон келавермаганидан кейин миссис Герхардт баттар хавотирга тушиб, эсидан оғаёзди. Ўғли кўпинча уйга ўн иккида ва бирда келса ҳам бу оқшом даҳшатли бирор нарса бўлганини сезиб турарди. Соат бир яримга занг урганида ҳам Себастьяндан дарак бўлмагач онанизор йиғлашга тушди.

— Бориб отангга айтиб қўйиш керак, — деди у. — Себастьян қамалиб қолганга ўхшайди.

Женни хабар бергани бормоқчи бўлди. Бирга борсин деб тошдай қотиб ётган Жоржни уйғотишди.

— Нима гап? — деди Герхардт болаларини кўриб ҳайрон бўлиб,

— Басс ҳалигача уйга келгани йўқ. — Женни шундан кейин оқшом кўмирга борганларида ишлари ўнгидан келмаганини айтиб берди.

Герхардт ўша заҳотиёқ ишини йиғиштириб, болалари билан ташқарига чиқди-да, турмага йўл олди. Нима воқеа бўлганига ақли етиб турганидан юраги увишарди.

— Фақат шунисн етмай турувди! — дея такрорларди у кафти билан терлаган пешонасини бесўнақай артаркан, хавотирга тушиб.

Участкада навбатчи сержант Басс қамоққа олинганини қисқача тушунтирди.

— Себастьян Герхардтми?— у рўйхатга кўз югуртираркан қайтариб сўради. — Ҳа, шунақа одам бор. Кўмир ўғирлаган ва полицияга қаршилик кўрсатган. У сизнинг ўғлингизми?

— Ach Gott!— деди Герхардт.— О, худойим!— деди у истиробда қўлларини буйдалаб.

— Уни кўрмоқчимисиз?— сўради сержант.

— Ҳа, ҳа, — жавоб қилди ота.

— Буёққа олиб чиқ, Фред,— деди сержант қоровул чолга. — Боласини кўра қолсин.

Қўшни хонада турган Герхардт усти-боши дабдала ва калтакланган Себастьян кириб келаётганини кўрганида бўшашиб кетиб, йиғлаб юборди. Унинг тили сўзга келмасди.

— Йиғлама, дада, — деди Себастьян мардликни қўлдан бермай. — Иложини қилолмадим. Майли, ҳечқиси йўқ. Эрталаб чиқариб юборишади.

Герхардтни ғам адойи тамом қилганидан аъзойи бадани қалт-қалт қиларди.

— Йиғлама, — ўзини аранг босиб турган Себастьян гапида давом этди.— Менга ҳеч нима бўлмайди. Йиғидан нима фойда?

— Биламан, биламан, — деди чол изтиробда, — бироқ ўзимни босолмаяпман. Бу ҳаммаси менинг айбим, шу ишни қилишингга йўл бердим.

— Йўқ, йўқ, — эътироз билдирди Себастьян, — бунга сенинг дахлинг йўқ. Ойим биладими?

— Ҳа, билади. Женни билан Жорж ҳозиргина келиб айтишди менга. Мен ҳозиргина билдим...

Герхардт яна йиглаб юборди.

— Бўлди, бунақа эзилаверма, — деди Себастьян. Ўшал дақиқада Себастьяннинг табиатидаги энг яхши томони — одамгарчилиги ўзини кўрсатди. — Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ишингга боравер, хафа бўлма. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Нимага кўзингнинг таги кўкарди? — сўради отаси йиғидан қизарган кўзларини ўғлидан узмай.

— Э, мени ушлаб олган йигит билан жиндай ғижиллашувдик, — жавоб берди Себастьян жилмайишга уриниб.— Қочиб қоламан девдим-да.

— Бу ишни бекор қилибсан, Себастьян, — деди Герхардт. — Сенга жуда жабр бўлиши мумкин. Ишингни қачон кўришаркан?

— Эртага эрталаб, дейишди, — жавоб қилди Басс. — Соат тўққизда.

Герхардт ўғлининг ёнида яна бир оз бўлди. Бассни ота-онаси кафилга олиши мумкинлиги ё мумкинмаслиги, солинадиган жарима ва турмада ётиш хавфи борлигидан гаплашишди-ю, лекин бир тўхтамга келишолмади. Ниҳоят Басс отасини кетишга кўндирди, бироқ хайрлашаётганларида Герхардт бўлганича бўлди. Уни гам букиб қўйганидан аранг олиб чиқишди.

«Иш расво, — деди Басс ўзига-ўзи камерага кирганида, отасини ўйларкан. — Ойимга ҳам бир бало бўлади энди...»

Басс ойисини ўйларкан ниҳоятда ҳаяжонга тушди.

«Эҳ, афсуски ўша зормандани бир урганда ағдара олмадим-да, — дерди у ичида. — Мен аҳмоқ қочиб қололмаганимни кўрмайсизми».

VII БОБ

Герхардтнинг боши қотди. У кечаси иккидан эрталабки тўққизгача кимдан ёрдам сўраш мумкинлигини билолмади. Хотини билан маслаҳатлашгани уйига кирди-ю, кейин иш жойига қайтди. Ёрдам қилишга кўнадиган фақат битта одам эсига келди. У ҳам бўлса шишасоз фабрикант Хеммонд эди. Бироқ Хеммонд ҳозир шаҳарда эмасди. Дарвоқе, Герхардт буни билмасди ҳам.

Соат тўққизга судга Герхардтнинг ўзи борди. Уйда оиланинг бошқа аъзолари судга бормасин деган фикрга келишилганди. Миссис Герхардтни эри ҳамма нарсадан хабардор қиладиган, қайтиб келибоқ барини айтиб берадиган бўлди.

Судда Себастьян анча кутиброқ қолди, чунки ундан олдин бир неча кишининг иши кўрилиши керак эди. Ниҳоят Себастьянни чақиришди-да, ёғоч тўсиқ олдига ҳайдаб келишди.

— Кўмир ўғирлаган, жаноби олийлари, полициячига қаршилик кўрсатган, — деб тушунтирди Себастьянни қамоққа олган полициячи.

Судья Себастьянга диққат билан қаради. Йигитнинг тирналган ва мушт тушган башарасини кўргандан кейин энсаси қотди.

— Хўш, йигит, — деди у, — ўзингизни оқлаш учун нима дея оласиз? Кўзингизнинг таги нимага кўкарди?

Себастьян судьяга бир қаради-ю, индамади.

— Уни мен қўлга туширдим, — деди изқувар. — Компаниямизга қарашли платформада кўриб қолдим. Қочмоқчи бўлди, маҳкам ушлаб қолсам, менга ташланди. Манави одам гувоҳ, — изқувар шундан кейин Себастьянни ушлашга кўмаклашган ишчини кўрсатди.

— Сизни шу урдими? — судья изқуварнинг даҳани шишганини кўриб сўради.

— Ҳа, сэр, — изқувар ўчи олинажагидан хурсанд ҳолда жавоб қилди.

— Ижозатингиз билан, — Герхардт олдинроққа эгилиб, гап қистирди, — у менинг ўғлим. Кўмирга юборишган экан. У...

— Биз қарши эмасмиз, йўлда тўкилган кўмирни териб олишаверсин,— изқувар Герхардтнинг гапини бўлди.— Бу эса платформадан шерикларига кўмир ташлаётувди. Шерикларн эса олтита эди.

— Платформадан кўмир ўмармасдан кун кўришга қурбларинг етмайдими-а? — судья шундай деди-ю, ота ёки ўғил жавоб беришга улгурмаслариданоқ қўшимча қилди:— Нима иш қиласиз?

— Вагонларни тузатаман, — деди Себастьян.

— Сиз-чи? — судья Герхардтга ўгирилди.

— Миллернинг мебель фабрикасида тунги қоровулман.

— Ҳм, — деди судья Себастьяннинг ҳамон ўшшайиб ва тикка қараб турганини сезиб. — Гап шундай, бу йигит зиммасидан кўмир ўғирлашдек айбни олиб ташласа бўлади, бироқ унинг қўли жуда югурик экан. Колумбусда бусиз ҳам муштлашувлар етарли. Ўн доллар.

— Ижозатингиз билан... — Герхардт оғиз очувди, суд пристави уни туртиб юборди.

— Бошқа ҳеч нима эшитишни истамайман, — деди судья. — Қайсарлигини қаранг-а. Кимнинг навбати?

Герхардт музтар бўлса ҳам, ишнинг кети баттарроқ тугамаганидан ҳар қалай мамнун ҳолда ўғлининг ёнига борди. Пулни бир амаллаб топарман, дерди у ичида. Яқин борганида ўғли унга ачиниб қаради.

— Ҳаммаси жойида, — Басс отасини тинчитишга уринди. — Фақат мени бир оғиз бўлса ҳам гапиртирмади-да.

— Ҳайриятки, кўпроқ жарима солмади, — деди отаси ташвишланиб. — Энди пул топиш ҳаракатига тушамиз.

Герхардт шундан кейин уйига бориб, хавотир олиб ўтиришган хотини билан болаларига ҳукмни айтди. Миссис Герхардтнинг рангида ранг қолмади, шундай бўлса ҳам ҳайтовур енгил тортди. Нега деганда, ўн долларни бир амаллаб топса бўлади. Женни отасининг гапларини бақрайганича тинглар, оғзини ҳам юмолмасди. Бу воқеа уни жуда ҳам ларзага солганди. Бечора Басс! У доимо хушчақчақ ва оққўнгил эди-я. Қамалиб қолгани қанчалар даҳшат!

Герхардт Хеммонднинг ҳашаматли уйига боришга ошиқди, бироқ фабрикант шаҳарда эмасди. Шундан кейин озроқ танишлиги бўлган Женкинс деган адвокат эсига тушиб, идорасига борди, бироқ уни ҳам тополмади. Герхардтнинг баққол ва кўмирчилардан яна бир неча таниши бўлса ҳам, улардан қарздор эди. Пастор Вундт қарз бериб туриши мумкин эди, бироқ шундай одамга бориб, бор гапни айтишга Герхардтнинг бети чидамади. У икки-уч танишига ялиниб кўрди, бироқ улар Герхардтнинг кутилмаган ва ғалати илтимосини эшитиб, сидиққина рад этишди. Герхардт соат тўртда ҳориб-чарчаб ва бир ҳолатда қайтиб келди.

— Нима қилишимни ҳам билмайман, — деди у тарвузи қўлтиғидан тушиб. — Ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман.

Женни Брэндерни хаёлига келтирди, бироқ аҳволлари оғир бўлишига қарамай, бориб ундан ёрдам сўрашга ботиполмасди. Отасининг гаплари ва сенаторни қаттиқ койиганини унутмаганди. Соатини иккинчи марта гаровга қўйишган, пул топишнинг бошқа йўлини эса билмасди.

Оилавий кенгаш ўн яримгача чўзилса ҳам бирор чора топилмади. Миссис Герхардт ердан кўзини узмай, ҳадеб қўлини эзғиларди. Эри эса хаёлчан ҳолда оқ оралаган сариқ сочларини кафти билан силарди.

— Бари бефойда, — деди у пировардида. — Ҳеч чорасини тополмаяпман.

— Бориб ёт, Женни,— деди онаси юраги ачишиб.— Бошқаларингам ухлат. Бу ерда ўтиришларингдан фойда йўқ. Балки ўзим бирор иложини қиларман. Ҳаммаларинг бориб ётинглар.

Женни ўзининг хонасига кетди, бироқ кўнглига уйқу сиғмасди. Отаси сенатор билан ғижиллашиб қолганидан кейин кўп ўтмай газетада сенатор Вашингтонга кетганлигини ўқиганди. Қайтиб келгани эса матбуотда хабар қилинмаганди. Шунга қарамай, у қайтиб келган бўлса ҳам ажаб эмас. Женни хаёлга ботганича кўримсиз столчадаги кичкина энсиз кўзгу қаршисида туриб қолди. Вероника эса аллақачон ётиб қолганди. Женни ниҳоят қатъий бир қарорга келди. У сенатор Брэндернинг олдига боради. Агар у шу ерда бўлса Бассни чиқариб беради. Бунисн турган гап. Нега Брэндернинг ҳузурига бормас экан — сенатор уни севади-ку, ахир. Менга турмушга чиққин, деб неча марта илтимос қилди. Бориб ёрдам сўраса бир нима бўладими?

Женни бир нафас иккиланиб турди, кейин Вероника бир текисда ухлаётганини кўриб, жакети билан шляпасини кийди-да, емакхонада битта-яримта йўқмикин, деб эшикни аста очиб кўрди.

Уйда тиқ этган товуш эшитилмас, фақат ошхонада Герхардт тебратма стулда чайқалиб ўтирарди. Ҳамма хоналар зим-зиё, биргина Женнининг хонасида кичкина чироқ

ёнар, ошхона эшигининг тагидан ҳам сарғиш шуъла кўзга ташланарди. Женни чироқни пуфлаб ўчирди, сўнгра зипиллаганча, шарпа чиқармай ташқари эшик ёнига бориб, уни очди-ю, тун қўйнига кирди-қолди.

Кўкда ой тилими ярқирар, баҳор яқинлашиб келаётганидан ҳавода унинг нафаси сезиларди. У пайтларда эгма чироқлар ҳали ихтиро қилинмаганидан Женни қоронғи кўчалардан шоша-пиша борар ва бундай тентакликка ботинганидан юраги тўхтаб қолгудай бўларди. Сенатор уни қандай қаршиларкин? Хаёлига нима келаркин? Женни ҳар хил шубҳаларга бориб тўхтади ва туриб қолди. Кейин турма камерасида ётган Басс эсига тушди-да, яна шошилди.

«Колумбус-Хауз» шундай қурилган эдики, аёл киши хоҳлаган пайтида хонимларга мўлжалланган алоҳида йўлдан хоҳлаган қаватига кўтарила оларди. Бу меҳмонхонада ички тартиблар йўқ деб бўлмасди, албатта, бироқ ўша пайтлардаги кўп меҳмонхоналардагидай бу тартибларга амал қилинишини кузатиш етарли даражада қаттиқ эмасди. Орқа эшикдан хоҳлаган одам вестибюлга кира олар, бу ерда у нозирнинг назарига тушарди. Шунинг учун ҳам ким кириб-чиқаётгани билан ундан бўлак одамнинг унчалик иши бўлмасди.

Женни меҳмонхонага яқинлашганида теварак-атроф зим-зиё бўлиб, фақат кираверишгина хира ёришиб турарди. Сенаторнинг хонасига етиш учун иккинчи қаватнинг коридоридан бир оз юриш лозим эди. Женни иккинчи қаватга югурди. У ҳаяжонланганидан ранги қув ўчган, кўнглидан ҳозирда нималар кечаётгани бошқа бирор жойдан сезилмасди. Қиз таниш эшикка етганида тўхтади. У Брэндер йўқ бўлса керак, деб қўрқар, шу ерда бўлса-я, деган фикрдан эса юраги орзиқиб кетарди. Эшик тепасидаги ойнаванд дарчадан ёруғ тушаётганини кўргандан кейин Женни ўзини аранг қўлга олди-да, эшикни тақиллатди. Эшик ортидан йўтал ва қадам товуши эшитилди.

Брэндер эшикни очаркан, бениҳоя ҳайратланди.

— Э, бу Женни-ку! — деб юборди у. — Мана бунисі қойил! Сизни ўйлаб ўтиргандим-да ўзиям. Қиринг, кириng...

Брэндер Женнини маҳкам бағрига босди.

— Мен сизни бориб кўрмоқчийдим. Ўртадаги дили хираликни қандай йўқотсам экан, деб роса бошим қотди. Мана ўзингиз келиб қолдингиз. Нима, бирон гап бўлдими?

Брэндер бир қадам чекиниб, Женнининг паришон чеҳрасига боқди. Қизнинг рухсори унга ҳозиргина узилган-у, ҳали шабнами кўтарилмаган гулсафсарнинг гўзаллигини эслатди.

Шунда сенаторнинг вужуди илиқ ҳисларга лиммо-лим тўлди.

— Сизга илтимосим бор, — деди Женни ўзини аранг қўлга олиб. — Акам турмада ётибди. Биз ўн доллар жарима тўлашимиз керак, мен бошқа қаёққа боришниям билмай қолдим.

— Бечора қизалоғим-эй, — деди Брэндер Женнининг совқотган қўлини силаб. — Яна қаёққа ҳам борардингиз? Доим менга айтаверинг, девдим-ку! Сиз учун доимо ҳамма нарсага тайёрлигимни наҳотки билмасангиз, Женни?

— Биламан, — деди Женни зўрга, нафаси сиқилиб.

— Гап шундай, энди ҳеч ниманинг ташвишини тортманг. *Сизни тақдир қачон беозор қўяркин-а, бечорагинам?* Акангиз қандай қилиб қамалиб қолди?

— Уни платформадан кўмир ташлаётганида ушлаб олишди.

— Э! — деди Брэндер юрак-бағри ўртаниб.

Бу йигитни амалда ҳаётнинг ўзи мажбур қилган нарса учун қамаб, жарима тўлашга ҳукм қилишибди. Мана энди бу қиз жаримага зарур бўлган ўн доллар учун ялиниб келибди. Ўн доллар қиз учун катта пул, ўзи учун эса арзимас нарса.

— Акангизга эзилаверманг. Ҳаммасини тўғрилайман, — деди сенатор шоша-пиша. — Ярим соатдан кейин чиқади. Мен келгунимча шу ерда дам олиб, ўтириб туринг.

Сенатор Женнига катта чироқ олдидаги креслони кўрсатди-да, хонадан шошилинч чиқиб кетди.

Брэндер музофот қамоқхонасини бошқарувчи шерифни таниди. Себастьянга жарима солган судьяни ҳам биларди. Сенатор судьяга йигитнинг келажагини расво қилмаслик учун жазони олиб ташлаш илтимос қилинган хатни ёзиб, меҳмонхона дастёридан уйига бериб юборишига беш минут кетди. Ўзи эса ўн минут деганда қамоқхонага етиб бориб, дўстини Себастьянни чиқариб юборишга кўндирди.

— Мана пул, — деди Брэндер. — Жарима бекор қилинса, буни менга қайтарарсиз. Энди йигитни чиқариб юборинг.

Шериф бажонидил рози бўлди. Ўша заҳотининг ўзида буйруғи бажарилишини кузатгани пастга тушиб кетди. Басс нима гаплигига тушунмай қамоқдан қутулди. Унга ҳеч нимани тушунтиришмади ҳам.

— Ҳаммаси жойида, — деди қамоқхона назоратчиси, —

Сен озодсан. Уйингга чоп. Энди кўзингни очиб юр, бунақа ишда қўлга туша кўрма.

Басс ҳайрон бўлганича уйига жўнади, сенатор эса меҳмонхонага қайтди. Унинг хаёли буёғига нима қилсам экан, деган ўй билан банд эди. Аҳвол нозик кўринади. Турган гапки, Женни отасига билдирмай келган. Бундан бўлак иложи бўлмаган. Мана ҳозир уни хонасида кутиб ўтирибди.

Ҳар бир одамнинг ҳаётида оғир дақиқалар бўлади. Бунда одам бурч ва адолатга жиддий амал қилиш билан шу таомилдан сал четга чиқиб, бахтиёр бўлиш ўртасида иккиланиб туради. Шундай пайтда керакли билан кераксиз иш ўртасидаги тафовут доимо ҳам унчалар аниқ бўлавермайди. Брэндер ҳатто Женнига уйланиши ҳам отасининг бемаъни қайсарлиги туфайли осонликча кўчмаслигини тушунарди. Жамоатчилик фикри, деган бошқа тўсиқ ҳам бор. Борингки, Брэндер Женнига уйланди ҳам. Хўш, бунга одамлар нима дийишаркин? Женни жуда нозиктаъб, севгининг қадрига етадиган қиз. Брэндер буни биларди. Унда қандайдир шоироналик, қандайдир руҳий назокат бордирким, буни кўпчилик тушунавермайди. Брэндернинг ўзи ҳам бунинг нималигини чуқур тушунмасди, бироқ қизнинг маънавий олами бойлигига ҳам ақли етарди. Бу эса, гарчи Женни ҳали ақлан камолга етмаган ва ҳаётий тажрибаси кам бўлса-да, Брэндернинг ўрнидаги бошқа ҳар қандай одамнинг ҳам ақл-ҳушини оларди. Брэндер Женнини хаёлан кўз олдига келтираркан: «Ажойиб қиз»,— деб қўярди ичида.

Брэндер буёғи нима бўлишини ўйлай-ўйлай ётоғига қайтиб келди. Ичкарига кирганида қизнинг гўзаллиги ва ўткир жозибасидан яна лол қолди. Қиз соявонли чироқ нурида сенаторга бу оламда бўлмайдиган бир мўъжизадай туюларди.

— Гап шундай, — деди сенатор ўзини хотиржам тутишга уриниб. — Мен акангизнинг ишини тўғриладим. У озод қилинди.

Женни ўрнидан турди.

У чапак чалиб, «оҳ» деб юборди-да, Брэндер томонга бир қадам ташлади. Азбаройи миннатдорлигидан кўзлари жиққа ёш эди.

Брэндер Женнининг кўзидаги ёшни кўриб, унга жуда яқин борди.

— Худо ҳаққи, йиғламанг, Женни,— деди у.— Сиз фариштасиз! Сиз—эзгулпкининг ўзгинасисиз! Буни қаранг-а, шунча азият чекибсиз-у, мана энди йиғлаяпсиз!

Брэндер қизни ўзига тортди. Шунда унинг ҳар маҳалги эҳтиёткорлиги панд берди. У биргина нарса — шу пайтгача орзу қилиб юрган нарсаси рўёбга чиқаётганини сезарди. Мана энди, шунча кўргиликлардан кейин қисмат унга ўзи бениҳоя ташна бўлган нарсани — муҳаббатни, севикли дилдорни армуғон этяпти. Брэндер қизни бағрига босганича ўпгандан-ўпаверди.

Инглиз ёзувчиси Жефрис, баркамол қиз юз эллик йилда бир марта дунёга келади, деганди. «Бу хазинани замин ва ҳавонинг барча сеҳрлари бирлашиб вужудга келтиради. Юз эллик йилдан бери буғдойзорлар узра эсаётган жануб шамоли ҳам, беданинг хушбўй кокилию хандон гул узра бўй чўзиб, печакгулларни яшириб, асаларларнинг йўлини тўсган ўтларнинг бўйи ҳам, жонли деворлар бўлган атиргул туплари ҳам, навқирон учқат, олтинранг пайкалдаги ям-яшил бўтакўзлар ва кўм-кўк арчаларнинг кўлкалари ҳам шу қаторда туради. Икки чеккасида гулсафсарлар қуёшга бўй чўзиб ўсаётган шўх ирмоқнинг бор кўркамлиги ҳам, баҳайбат ўрмонларнинг ҳокимона гўзаллиги ҳам, зира ва эрк нафаси уфуриб турган олисдаги тепаликлар ҳам—буларнинг ҳамма-ҳаммаси юз йиллар мобайнида яна ва яна такрорланаверади.

Лолақизғалдоқлар, чучмомалар, бинафшалар; алвон баҳор билан олтин куз; қуёш ёғдуси, шаррос ёмғирлар ва шабнамли субҳидамлар; бедор кечалар... бетиним айланаётган фалак гардиши юз йиллар давомида яна ва яна такрорланаверади. Бу биров эплолмайдиган, ҳали ёзилмаган йилномадир. Бундан юз йил муқаддам барқ урган гул ҳақида ким ҳам ҳикоя қила олади? Қалдирғочлар уяларига юз бор қайтиб келадилар, юз бор! Баркамол қиз ўзини кўрсатади-ю, бутун олам, гўё йўқолиб кетган гулларга талпингандай, унга интилади. Ўн етти яшар қизнинг малоҳатида асрларнинг сеҳри мужассамдир. Ана шунинг учун ҳам унинг жўшқин эҳтиросида мунг пинҳондир».

Юз марта қайтадан очилган ўрмон чучмомаларининг гўзаллигини тушуниб, қадрлаган бўлсангиз; гуллар, мусиқа, қизғиш субҳидамлар ва шафақлар бирор кун юрагингизни гупиллатиб юборган бўлса; мана шу оний гўзаллик ўткинчи бўлса-ю, тириклигингизда сизга насиб этса, уни рад этармидингиз?

VIII БОБ

Гоҳо ҳаётимизда рўй берадиган зодиран ва ботинан ўзгаришларнинг аҳамияти ҳар маҳал ҳам бизга зумда аён

бўлавермайди. Биз гангиб, юрак олдириб қўямиз, кейин эса гўё олдинги ҳолатимизга қайтамиз, бироқ ўзгариш аллақачон рўй берган бўлади. Биз энди ҳеч қачон ва ҳеч ерда илгаригидек бўлолмаймиз. Женни акасини қутқариш истагида кечаси сенатор ҳузурига борганида кутилмаган ишлар бўлгани устида бош қотираркан, ўйлаб ўйига етолмасди. Брэндер билан янгича муносабатлари ижтимоий ва физиологик маънода қандай ўзгаришларга сабабчи бўлишини аниқроқ тасаввур қилолмасди. Ҳатто шароит жуда яхши бўлган тақдирда ҳам оналик оддий аёлни қанчалар довдиратиб қўйишига ақли етмасди. Буни ўйлаганида тажжубга тушар, қизиқсинар, шубҳаси ортар, айни вақтда эса жуда бахтиёр ва хотиржам эди. Брэндер яхши одам, энди у қизга аввалгидан ҳам яқинроқ бўлиб қолди. Уни яхши кўради. Икковларининг янгича муносабатлари Женнининг жамиятдаги мавқеини ҳам ўзгартирмай қўймайди. Женнининг ҳаёти энди бутунлай ўзгаради, ҳозирданоқ шундай деса ҳам бўлаверади. Зотан Брэндер Женнини умрбод севишига қайта-қайта ишонтирарди.

— Сенга ҳеч нимадан хавотир олма деяпман-ку, Женни,—дерди сенатор қиз кетиш тараддудига тушганида.— Эҳтирос мендан кучлилик қилди, бироқ сени оламан. Уйингга боргин-да, бировга оғиз очмагин. Акангни пишитиб қўй; барини сир тут, сенга уйланаману бу ердан олиб кетаман. Бу ишни ҳозироқ қилолмайман. Бу ерда шундай қилгим келмаяпти. Вашингтонга бораман-да, сени чақираман. Мана (у кармонини олди-да, бор пули — юз долларни чиқарди) буни ол. Эртага сенга яна юбораман. Энди менинг қайлиғимсан, шуни эсингда тут. Сен — меникисан.

Брэндер Женнини меҳр билан қучди.

Женни тун зулматига чиқди. Брэндер сўзининг устидан чиқишига шак-шубҳа қилмаса бўлади. Женни янгича, зўр ҳаётини кўз олдига келтирарди. Брэндер уни олади, албатта. Буни қаранг-а! У Вашингтонга, олисдаги нотаниш шаҳарга боради. Отаси билан онаси эса энди унчалар кўп тер тўкишмайди. Басс, Марта-чи... У яқинларига қанчалар фойдаси тегишини ўйларкан, севинчдан терисига сиғмасди.

Женни бир квартал ўтиб, қадамини секинлатди, шунда унга Брэндер етиб олди. У Женнини уйигача кузатиб бориб, кўча эшик олдида тўхтади. Женни эса теварак-атрофига эҳтиёткорона кўз ташлади-да, лип этиб зинага чиқиб, эшик бандидан тортди. Эшик қулф эмасди. Женни севгилисига ҳаммаси жойида, дегандай бир дақиқа ҳаяллаб турди-да, ичкарига кирди. Уй тинч эди. Женни хонасига

кирганида Верониканинг бир текисда нафас олиб ухлаётгани қулоғига чалинди. Шундан кейин унсиз ҳолда Басс билан Жорж ётишган хонага ўтди. Басс каравотда ўзини ухлаганга солиб ётарди. Бироқ Женни кириб келганида:

— Сенмисан, Женни? — деб шивирлади.

— Менман.

— Қаердайдинг?

— Менга қара, — шивирлади Женни, — ойим билан дадамни кўрдингми?

— Ҳа.

— Улар уйдан чиққанимни билишадими?

— Ойим билади. Ойим менга, қаердалигини суриштирма, деди. Қаердайдинг?

— Сени чиқариб беришни илтимос қилгани сенатор Брэндерга борувдим.

— Э, ҳали шундай дегин. Нимага чиқариб юборишаётганларини менга айтишмовди.

— Бировга оғиз оча кўрма, — деди Женни илтижоли оҳангда. — Битта-яримта билишини хоҳламайман. Дадамнинг унга тоби йўқлигини биласан-ку.

— Майли, — деди Басс.

Шундай бўлса ҳам у собиқ сенаторнинг нима қилганини, қандай хаёлга борганини ва Женнининг у билан қандай гаплашганини билгиси келарди. Женни ҳаммасини қисқача гапириб турганда эшик ортидан ойисининг қадам товуши эшитилди.

— Женни, — ойиси шивирлаб чақирди.

Женни ойисининг ёнига чиқди.

— Оҳ, нимага бординг-а?

— Бошқа илож қолмади, ойи. Бирор нарса қилишим керак эди-ку.

— Нега у ерда шунча узоқ қолиб кетдинг?

— Унинг гаплашгиси келиб қолди, — Женни талмовсираб жавоб қилди.

Она қизига хавотирли ва ташвишли қаради.

— Оҳ, шунчалар қўрқдимки, асти қўяверасан. Отанг хонангга қирмоқчи бўлувди, ухлаб ётибди дедим унга. Ташқари эшикни қулфлаб келувди, бориб яна очиб қўйдим. Басс келганидан кейин сени кўрмоқчи бўлганди, эрталабгача сабр қил, деб кўндирдим.

Она қизига яна маъюс нигоҳ ташлади.

— Ҳаммаси жойида, ойижон, — деди Женни тасалли бериб.— Эртага сенга ҳаммасини гапириб бераман. Ҳозир бориб ётгин. Бассни чиқариб юборишганини дадам нимага йўяяпти?

— Билмайди ҳали. Басс жаримани тўлолмайдиган бўлганидан чиқариб юборишган бўлса керак, деянти.

Женни ойисининг елкасидан меҳр билан қучди.

— Бориб ёт, — деди у.

Женни энди гўё ёши анча улғайиб қолгандай ўйлаб иш қиларди. Энди ўзи ва ота-онасини ўйлаши лозимлигини сезарди.

Женнининг кейинги кунлари жуда тотли ўтди. Ўша кечадаги ажиб воқеаларни қайта-қайта хаёлига келтирарди у. Ойисига сенатор яна тўйдан гапирганини, Вашингтондан қайтганидан кейин уйланмоқчилигини, юз доллар берганини ва яна пул ваъда қилганини айтиши унчалик қийин бўлмади. Бироқ ўша биргина муҳим нарсани айтишга ўзини мажбур қилолмади. Бу ниҳоятда ардоқли, муқаддас сир эди. Сенатор ваъда қилган пулини эртасигаёқ бир одамдан бериб юбориб, бу тўрт юз долларни банкда ўз номига қўйишни маслаҳат қилибди Собиқ сенатор пул билан бирга йўллаган хатида Вашингтон йўлида эканлигини, қайтажаги ёки Женнини чақириб олажагини айтганди. «Дадил бўл, — деб ёзганди у. — Сени яхши кунлар кутяпти».

Брэндер кетиб, Женнининг тақдири чиндам ҳам қил устида қолди. Шунда ҳам бутун соддадиллигию ёшлик дўлворлигини қўлдан бермади. Сиртдан аввалгидай кўринса ҳам, қандайдир ўйчанроқ бўлиб қолганди. Брэндер уни чақириб олади, албатта. У энди олис ўлкаларни, ҳайратомуз ажойиб ҳаётни кўз олдига келтирарди. Банкда озроқ пули ҳам бор, шу чоққача бунақа бойликка эга бўлишни хаёлигаям келтирмаганди, энди ойисига қарашиб турса бўлади. Доимо ёш қизларда бўлганидай, Женни фақат яхшиликни кутарди. Акс ҳолда боши хавотирли хаёллардан бўшамай қоларди. Унинг бор вужуди, бутун ҳаёти, келажаги — ҳамма-ҳаммаси қил устида турарди. Бунинг кети яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин эди, бироқ Женнидай ҳали ҳеч нимани кўрмаган қизга ёмонлик рўй бериб бўлганидан кейингина ўзини кўрсатганди.

Одамнинг мана шундай ғалати шароитда ўзини хотиржам тута билиши мўъжизалардан бири бўлиб, бунинг сири ҳар бир ёш нарсанинг туғма ишонувчанлигидадир. Бироқ баркамол одам ўзининг ёшлик хаёлларидан қутулолмаган пайтлар камдан-кам бўлади. Мўъжиза кимдир ҳануз ана шу хаёллар билан яшаётганида эмас, балки кўпчиликнинг улардан айрилганидадир. Ҳамма нарсага бақрайиб, ҳайратланиб боқадиган ёшлик йилларингдаги назокату соддалик қолмагандан кейин, бутун дунёни айланиб чиққан чоғингда ҳам қандай баҳра олардинг? Ёруғ дунё ёш вужудга бор жамолини кўз-кўз қилаверади, ҳориган сайёҳ эса азобдан боши чиқмаётган тириклик саҳросида бир неча яшил майсани илғаган, ҳорғин дил кўзгусида офтобли ёзнинг гўзал манзараси йилт этиб ўтган, тинимсиз ишлаётиб бир нафасгина тин олган дамларидагина оламга қайтадан келгандай бўлади. Ёш вужуд эса қўрқувни ҳам, ҳасадни ҳам билмайди. Уфқини кўз илғамас далалар ва офтобда чарақлаб турган тепаликлар, субҳидам, чошгоҳ, тун, юлдузлар, қушлар чуғури, сувнинг шилдираши — буларнинг бари бола қалбига бир туҳфадир. Бир хил одамлар буни поэзия, бошқалар, яъни тошкўнгил одамлар ғирт уйдирма дейишади. Ёш эканликларида буларга тушунадилар, бироқ ёшлик сезгирлиги йўқолгандан кейин бу гўзалликни илғашга қодир бўлмай қоладилар.

Женни нимаики қилмасин, кўнглидан маскан топган янги кечинмалари унинг ўйчанроқ маъюслигида зоҳир бўларди. Гоҳида Брэндердан хат келмаётганига ҳайрон бўлса ҳам, яна ўша заҳотининг ўзида унинг бир неча ҳафтага кетажагини айтганини эслар, шунинг учун ҳам ўртадаги бир ярим ойлик ҳижрон айтарли узоқ туюлмасди.

Мўътабар собиқ сенатор эса бу пайтда димоғи чоғ ҳолда президент билан учрашгани борган, сўнгра эса кўнглига хуш ёқадиган аъёнлар ҳаётига боши билан шўнғиб кетганди. У Мэриленддаги дўстларини йўқламоқчи бўлиб турганида жиндай шамоллаб қолиб, бир неча кунгача кўчага чиқолмади. Шундай кунларда ётиб қолгани алам қилса ҳам дарди оғирлигини хаёлига сира келтирмасди. Врач унинг оғир қорин терламаси касалига мубтало бўлганини аниқлади. Брэндер бирмунча вақт беҳуш ётди, кўзини очганида эса жуда бемажол эди. Назарида тузалиб бораётгандай эди, бироқ Женни билан хайрлашганига роппа-роса бир ярим ой бўлганида юрак фалажига йўлиқиб, оламдан абадий кўз юмди. Женни бундан ғофил бўлганидан ўйнаб-кулиб юрар, Брэндер хасталанганини хаёлига ҳам келтирмас, ҳатто Басс кечқурун газета олиб келмагунича унинг ўлими ҳақидаги йирик ҳарфлар билан берилган хабарга кўзи тушмаганди ҳам.

— Манавини қара, Женни, — деди Басс дўриллаб. — Брэндер ўлибди!

У газетани узатди. Газетанинг биринчи саҳифасида қуйидагилар босилганди:

СОБИҚ СЕНАТОР БРЭНДЕРНИНГ ЎЛИМИ

Огайо штатининг шонли фарзанди тўсатдан вафот этди. Вашингтондаги «Арлингтон» меҳмонхонасида юрак фалажидан оламдан ўтди.

Брэндер яқинда терлама бўлган ва врачларнинг фикрича соғайиб бораётган эди. бироқ машъум дард устун чиқди...

Беҳад гангиган Женни бу сатрларга бақрайганча қолди.

— Ўлдими?! — деб юборди у.

— Ҳа, мана, ёзишибди-ку, — деди Басс жуда қизиқ янгилик топиб келган одамдай. — Бугун эрталаб соат ўнда ўлибди.

IX БОБ

Женни титрогини аранг босиб, газетани олди-да, нариги хонага чиқди. У бениҳоя даҳшатда дераза олдида турганича яна газетадаги бояги сатрларга тикилди.

«У ўлди». Ҳозирда Женни тушунолган нарса фақат шу эди. Қўшни хонадан эса бу нарсани отасига айтиб бераётган Басснинг овози эшитиларди. «Ҳа, ўлди», деганларини эшитаркан, бу гапнинг моҳиятини кўз олдига келтиришга яна уриниб кўрди. Бироқ Женни эс-ҳушини йиғиштириб олишдан ожиз эди.

Бир дақиқадан кейин миссис Герхардт ёнига келди. У Басснинг гапини эшитган ва Женнининг хонадан чиқиб кетганини кўрганди. Бироқ сенатор туфайли эри билан ғижиллашгани эсида бўлганидан ўзини босганди. Қизи билан сенатор ўртасида бўлган ишни хаёлига ҳам келтирмаган, ҳозирда эса умидлари чиппакка чиққан Женнидан шунчаки кўнгил сўрагани кирганди, холос.

— Жуда чатоқ бўлибди-а, тўғрими? — деди миссис Герхардт дилдан ачиниб. — Сенга ва ҳаммамизга шунча яхшилик қиламан деб турганида вафот этганини қара-я.

Миссис Герхардт қизининг жавобини кутиб жим қолди. Женни эса гўё тилдан қолганга ўхшарди.

— Куйинаверма,— миссис Герхардт гапида давом этди, — буёғига ноиложмиз. У кўп нарса қилмоқчийди, энди фойдаси йўқ, буни хаёлдан чиқариб ташлаш керак. Ҳаммаси тамом бўлди, қўлимиздан нима ҳам келарди, буни ўзинг ҳам тушунасан.

Миссис Герхардт яна жим қолди, Женни эса ҳамон миқ этмас, жойида қотганича турарди. Миссис Герхардт гапи кор қилмаётганини кўрганидан кейин, Женни ёлғизликни хушлаяпти, деган фикрга келди-да, хонадан чиқди.

Женни бўлса ҳамон дераза олдида қимир этмай турар, эндигина бу янгиликнинг чинакам маъносига тушуниб, нақадар танг ва мушкул аҳволда қолганини англай бошлаганди. Ётоққа кириб, каравот чеккасига чўкаркан, қаршисидаги мўъжазгина кўзгуда мусибатдан буришиб кетган юзини кўрди. У, наҳотки шу ўзим бўлсам, деб гангиб аланглади. «Кетишга тўғри келади», — Женни шуни кўнглидан ўтказди-да, аламини ичига ютганича хаёлан ўзига бошпана излай бошлади.

Кечки тамадди фурсати етганида Женни одоб доирасидан чиқмаслик учун бошқаларга қўшилди. Ўзини ҳар маҳалгидай тутиш унга осон эмасди. Герхардт қизи ҳафалигини сезса ҳам, ҳозирда кўнглидан нималар ўтаётганидан ғофил эди. Басс эса ўзининг ишлари билан овора бўлганидан бошқаларга парвойи фалак эди.

Женни кейинги кунларда мушкул аҳволда қолганини ҳар тарафлама ўйларкан ўзига-ўзи, нима қилсамикин-а, дерди. Тўғри, пули борликка бор, бироқ дўстлари ҳам, тажрибаси ҳам, бирорта бошпанаси хам йўқ-да. Ота-онасининг бағрида катта бўлди. Гоҳи пайтларда шунақанги бўшашиб кетардики, вужудини аллақандай шакл-шамойилсиз, мубҳам ваҳима чулғаб оларди. Бир куни эрта билан тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди, кейинчалик эса кўпинча ноқулай пайтларда шунақанги кўйга тушадиган бўлиб қолди. Миссис Герхардт буни сезиб юрганидан бир куни қизидан суриштиришга тушди.

— Айт-чи, сенга нима бўлди ўзи? — деди мулойимгина қилиб.— Онангдан ҳеч нимани яширмаслигинг керак, Женни.

Бор гапни айтишнинг сира ҳам иложи йўқдай туюлиб юрган Женни ниҳоят дош беролмади ва ойисининг бўшбаёв қистовига кўниб, айбини бўйнига олди. Миссис Герхардт азбаройи куйиб кетганидан қотиб қолди ва анчагача тили айланмади.

— Оҳ, ҳаммасига мен айбдорман, — деди у ахири ўлгудай пушаймонга тушиб.— Мен фаҳмига боришим керак эди. Шундай бўлса ҳам қўлимиздан келганини қиламиз.

Она шунда чидай олмай ҳўнграб юборди.

Миссис Герхардт пичадан кейин яна чала қолган кирини ювишга тушди ва тоғорадан бошини кўтармай йиғлайверди. Кўз ёшлари ёноқларидан оқиб, совун кўпигига

тушарди. Гоҳида этаги билан ёшини артар, бироқ кўзига қайта-қайта ёш келаверарди.

Миссис Герхардт дастлабки даҳшатли дақиқалардан кейин чуқур кулфатда қолганини тушуниб етди. Эри бу ҳақиқатдан хабар топса нима қиларкин? У кўп марталаб, қизларимдан бирортаси мабодо ножўя иш қилса кўчага ҳайдайман, дерди. «Уйимга қайтиб оёқ босмайди!» деб ўдағайларди.

— Отангдан жуда қўрқаман-да, — миссис Герхардт қизига тез-тез шундай дерди. — У бир нима демай қўймайди...

— Уёқ-буёққа кетганим маъқулмикин-а, — дерди Женни ойисига.

— Йўқ, — дерди онаси, — ҳозирча у ҳеч нима билмаслиги керак. Бир оз сабр қил.

Миссис Герхардт ўша машъум кун тез орада бари бир келишини ич-ичидан сезиб турарди.

Бир куни миссис Герхардтнинг хавотири ортиб, дарди ичига сиғмай қолганида Женни ва бошқа болаларини уйдан нарироққа жўнатиб юборди-да, улар қайтгунича эримга бор гапни айтарман, деб умид қилди. Эрталабдан бошлабоқ юрак ютиб, қулай дақиқа келишини пойлади, тушликдан кейин ҳам бари бир оғиз очолмай эрини ухлатди. Миссис Герхардт ишга бормади, нега деганда зиммасидаги азобли бурчни бажармагунча қайга ҳам борарди дейсиз. Герхардт соат тўртда турди, миссис Герхардт бўлса Женни яқин орада қайтиши ва қулай фурсат қўлдан кетишини жуда яхши билса ҳам ҳамон иккиланарди. Мистер Герхардтнинг ўзи Женнидан гапириб қолмаганида борми, миссис Герхардт бунга бари бир ботинолмаган бўларди.

— Женнининг мазаси йўқ, — деди Герхардт. — Унга бир нима бўлганга ўхшайди.

— Оҳ, — миссис Герхардт қўрқувини аранг босиб ва ишни охиригача етказишга жазм этиб гап бошлади, — Женнига қийин. Нима қилишимниям билмай қолдим. У...

Эшикнинг қулфини бўлак-бўлак қилиб тузатаётган Герхардт бошини кўтарди-да, хотинига шубҳаланиб қаради.

— Нима демоқчисан? — деди у хотинига.

Миссис Герхардт азбаройи хавотирга тушганидан этагини чилвир қилиб бурарди. У бор журъатини тўплаб, эрига тушунтирмоқчи бўлди. Бироқ куч-қуввати панд берди. Шунда этаги билан юзини тўсиб йиглаб юборди.

Герхардт унга қаради-да, ўрнидан турди. У Кальвинга сал ўхшаб кетар, қотмадан келган, юзи гўё ёши ўтиб

қолганидан ва очиқ ҳавода ёмғир демай, шамол демай ишлайверганидан касалманд — заҳил кўринарди. У ажабланганида ё ғазабланганида кўзлари ёниб кетарди. Ҳаяжонланганида сочини пешонасидан дам-бадам кўтариб қўяр, хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келаверарди. У ҳозирда ҳам ғазабини сочишга тайёрдай ҳаяжонли кўринарди.

— Нимани гапираяпсан? — Герхардт немисчалаб кескин сўради. — Қийин.. Наҳотки битта-яримта... — У гапини тугатмай, қўлини пахса қилди. — Нимага даминг чиқмаяпти?

— Шунақа иш бўлади деб ўйламагандим сираям, — миссис Герхардт юрагида борини айтишга уриниб, қўрқа-писа гап бошлади.— Доим одобли қиз эди. Эҳ, Женнини жувонмарг қилиб кетганини айтмайсанми...

— Падар лаънат! — Герхардт қутуриб кетди. — Буни билардим! Брэндер! Ҳа! Сенларнинг олижаноб валинеъматларинг. Кечқурунлари жавоб бериб, извошда, кўчада сайр қилгани йўл қўйганингни оқибати бу. Буни билардим. Ё худо!

Герхардт бу даҳшатли гапдан кейин қафасдаги ҳайвондай тор хонада ўзини уёқдан-буёққа ура бошлади.

— Жувонмарг қилди! — деди бақириб. — Жувонмарг қилди! Ҳа! Жувонмарг қилиб кетди, шундайми?

Герхардт ипидан бироз тортиб турган қўғирчоқдай тақ-қа тўхтади. У девор ёнидаги столга чекиниб, ранги қув ўчганича кети нима бўлишини кутаётган миссис Герхардтнинг рўбарўсида турарди.

— У ўлиб кетди-ку! — деди гўё бу нарса энди хаёлига келгандай.— Ўлди-ку!

— Ўлди-ку!

Герхардт гўё боши тарс ёрилиб кетадигандай кафтлари билан чаккасини сиққанича хотинига қаради. Содир бўлган иш шу дамда бутун вужудини ўтдай куйдирарди.

— Ўлди!..— такрорлади у. Миссис Герхардт шунда тағин мияси айниб қолмасин деб қўрққанидан тобора оркасига тисариларди. У ҳозирда бўлган ишдан кўра эрининг буришган афтидан кўпроқ қўрқарди.

— У Женнига уйланмоқчийди, — деди миссис Герхардт аянчли қилиб. — Ўлмаганида олган бўларди.

— Олган бўлардимиш-а! — Герхардт хотинининг гапидан баттар тутақиб кетди. — Олардимиш-а! Тоза гап топибсан-у! Олармиш-а! Ярамас! Ит! Илойим жаҳаннамда куйгур! Ё худо, ўзинг бир... эҳ, қани энди христиан бўлмасам-а...

Герхардт ғазабидан қалт-қалт қилганича муштларини қисди.

Миссис Герхардт ҳўнграб юборди, эри бўлса тескари қараб олди. У ҳозирда хотинини юпатадиган аҳволда эмасди. Герхардт яна емакхонада уёқдан-буёққа юра бошлади. Қадамлари вазминлигидан пол қисирларди. Герхардт пичадан кейин яна хотинига яқин келди. Энди даҳшатли ҳақиқат кўзига бошқача кўринарди.

— Бу қачон бўлди? — деб сўради у.

— Билмайман, — миссис Герхардт ўтакаси ёрилиб кетганидан ҳақиқатни айтолмади. — Ўзим яқиндагина билдим.

— Ёлғон! — бақирди Герхардт. — Доим қизингнинг ёнини олиб келардинг. Шу кунга тушишига сен айбдорсан. Менга халақит бермаганингда, ҳаммаси айтганимдай бўлганида ҳозир бунақанги азоб чекиб ўтирмасдик.

«Иш шунчаликка борибди-я!—дерди Герхардт ичида.— Шунчаликка борибди-я. Ўглим турмага тушса. Қизим кўчама-кўча сангиб, ғийбатларга сабабчи бўлса. Қўшниларим башарамга, болаларингни оёқ олишлари бежо дейишса. Мана энди анави аблаҳ қизимни расво қилибди. Ё худо, болаларимга нима бўляпти ўзи!»

— Қайси гуноҳларимга бунчалар жазо тортмасам,— Герхардт ўз-ўзига раҳми келиб ғўлдиради.— Яхши христиан бўлайин деб ўлиб-тирилмаяпманми, ахир! Э худо, йўлдан оздирма, деб ҳар оқшом ибодат қилсам ҳам нафи бўлмаяпти-ку. Ишласам, тинмасам... Мана, қўлим қадоқдан чиқмаяпти. Умр бўйи ҳалол одам бўлишга уриняпман. Энди бўлса мана... мана оқибати...

Герхардт тўхтаб қолди, гўё ҳозир йиғлаб юборадигандай эди. Шунда у ғазаби ошиб хотинига ёпиша кетди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — бақирди у. — Фақат ўзинг! Айтганимни қилганингда ҳеч нима бўлмасди. Сен бўлсанг гапимга кирмадинг. Қизинг энди кўзимга кўринмасин! Даф бўлсин!!! Мочағар, ҳа, худди шундай. Энди унинг борадиган жойи битта — жаҳаннам! Ўшаёққа бораверсин. Ундан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим. Башараси қурсин.

Герхардт мўъжазгина ётоғига кетмоқчи бўлиб бурилди-да, эшикка етмай тўхтади.

— Уйдан йўқолсин! — деди у яна гупуриб. — Унга уйимда жой йўқ! Бугуноқ йўқолсин! Ҳозироқ! Энди остонамга оёқ бостирмайман! Мени шарманда қилиш қанақалигини кўрсатиб қўяман!

— Бугун уйдан ҳайдама, — миссис Герхардт эрига ялинди. — Борадиган жойи йўқ.

— Йўқ, бугуноқ кетсин, — деди Герхардт. Афтидан у сира ҳам гапидан қайтмайдиган кўринарди. — Ҳозирнинг ўзида! Ўзига бошқа уй қидирсин. Уйимиз дидига тўғри келмовди. Энди бўшатиб қўйсин. Кўрамиз, бировларникида ҳоли нима кечаркин.

Герхардт шундан кейин хонадан чиқиб кетди.

Олти яримда, миссис Герхардт қон-қон йиғлаб кечки овқат пишираётганида, Женни қайтиб келди. Онаси эшик тақирлаганини эшитаркан чўчиб тушди. У ҳозир тўполон бошланишини биларди. Отаси Женнини остонада қаршилади.

— Кўзимдан йўқол! — деди у ғазабга тўлиб. — Уйда қорангни кўрмай! Қайтиб кўзимга кўринма! Йўқол!

Женни ранги қув ўчганича титраб-қақшаб турар, тили бамисоли кесилгандай эди. У билан бирга қайтиб келишган укалари нима қилишларини билмай теварагида қўрқа-писа туришарди. Опаларини жуда яхши кўрадиган Вероника билан Марта йиғлаб юборишди.

— Нима гап? — сўради Жорж. У жуда довдираб қолганди.

— Йўқолсин, — деди Герхардт яна. — Унга тоб-тоқатим йўқ. Мочағарлик қилса — ихтиёри, бироқ бу ердан кетсин. Нарсаларингни йиғиштир, — қўшимча қилди у қизига қараб.

Женни оғиз очмади, укалари эса баттарроқ йиғлаб юборишди.

— Овозларингни ўчирларинг! — Герхардт бақириб берди. — Ошхонага кирларинг.

Герхардт болаларни хонадан ҳайдаб, ҳатто қайрилиб ҳам қарамай чиқиб кетди.

Женни секингина ўзининг хонасига кирди. У озгина лаш-лушларини йиғиб, кўз ёшини тиёлмай, ойиси келтирган саватга жойлай бошлади. У тўпланиб қолган арзимас тақинчоқ-мақинчоқларини олиб ўтирмади. Бу нарсалар кўзига ташланиб турган бўлса ҳам, сингилларини ўйлаб жойида қолдираверди. Марта билан Вероника буюмларини жойлашга қарашмоқчи бўлишувди, Герхардт йўл бермади. Басс соат олтида уйга қайтди, ҳамма бесаранжомлигини кўриб, нима гаплигини суриштирди у.

Герхардт унга қовоғини солиб қаради-ю, индамади.

— Нима бўлди? — Басс бўш келмади. — Нимага ҳаммаларинг бу ерда ўтирибсанлар?

— Отанг Женнини уйдан ҳайдади, — кўзи ёшди миссис Герхардт шивирлади.

— Нимага? — деди Басс бақрайганича.

— Нимагалигини сенга мен айтаман, — Герхардт ўғлига немисчалаб жавоб қилди. — Мочағарлиги учун, билдингми! Ўзидан ўттиз ёш катта, отаси тенги одам уни расво қилибди. Энди ўзини-ўзи эпласин. Ҳозироқ бу ердан йўқолсин!

Басс уёқ-буёғига аланглади. Укалари бақрайганларича қолишганди. Уларнинг энг кичигигача даҳшатли воқеа бўлганини тушунишганди. Бироқ гап нимадалигини фақат Басс биларди.

— Кечаси нимага уйдан қувяпсан? — деб сўради Басс отасидан. — Ҳозир қиз бола кўчага чиқадиган пайт эмас. Эрталабгача сабр қилса бўлмайдими?

— Йўқ, — деди Герхардт.

— Бекор қиляпсан, — қистирди хотини.

— Ҳозироқ кетсин, — деди Герхардт, — ортиқ у ҳақда эшитмай.

— Қаёққа боради у? — деди Басс орага суқилиб.

— Билмадим, — деди миссис Герхардт ноилож ҳолда.

Басс яна ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиқди-ю, лекин индамади. Онаси бир оздан кейин, Герхардт тескари қараганидан фойдаланиб, кўзи билан эшикка имлади.

У «ичкарига кир» ишорасини қилганди.

Басс чиқиб кетди, ундан кейин миссис Герхардт ҳам ишини қўйиб, ўглига эргашди. Болалар яна бир оз ошхонада ўтиришди-да, кейин бирин-сирин сирғилиб чиқиб кетишди. Отанинг ёлғиз ўзи қолди. Назарида анча-мунча вақт ўтганидан кейин унинг ўзи ҳам қўзғалди.

Она бу вақтда шоша-пиша қизига тегишли йўл-йўриқлар берарди.

Женни бирор жойдаги одмироқ мебелли хонани ижарага олиб, адресини маълум қилиши лозим эди. Басс ҳозир синглиси билан бирга чиқолмас, Женни сал нарига бориб, кўчада кутиб туриши, акаси ўша жойгача элтиб қўйиши зарур эди. Отаси ишга кетганида ё миссис Герхардт бориб турармиш, ё Женнининг ўзи келармиш бу ерга. Бошқа гапларни яна учрашганларида гаплашишса бўлаверарқан.

Она-боланинг гаплари тугамасданоқ хонага Герхардт кириб келди.

— Кетадими ё йўқми?— Герхардт хотинидан кескин сўради.

— Ҳозир, — деди миссис Герхардт. Унинг овози шундагина биринчи марта қатъийроқ чиқди.

— Намунча шошилтирасан? — деди Басс.

Отаси шунда бир хўмрайиб берганди, Басс қайтиб оғиз очолмади.

Эгнига ўзининг биттаю битта яхши кўйлагини кийган Женни сават кўтариб кирди. Бошига катта қийинчиликлар тушажагини билиб турганидан кўзлари қўрқувли боқарди. Бироқ энди у аёл эди. У эндиликда муҳаббат кучига эга бўлганидан сабру бардошига таянар ва жудолик нималигини билиб олганди. Онасини унсиз ўпаркан, кўз ёшлари юзини ювди. Кейин бурилиб, янги ҳаёт сари юрди. Кетидан эшик ёпилди.

ХБОБ

Женни ўзига жуда оғир бўлган пайтда тушиб қолган бу оламда эзгулик қадимги замонлардан бери бир амаллаб йўқолмай келарди. Чунки бу одамларга яхшилик тилашу қўлдан келганча яхшилик қилиш дегани-да. Яхшилик — бу олижаноблик, барчага ва ҳар бир одамга хурсандлик билан хизмат қилишга ҳозирликдир, бироқ жамият бу фазилатнинг унчалар қадрига етавермасди. Қадрингизни туширмай юборсангиз бошқалар сизни менсимайди, топташаверади. Гарчи бунга арзимасангиз ҳам ўзингизни баланд тутсангиз, сизни ҳурмат қилишаверади. Жамият, умуман айтганда, одамнинг қадрига унча етавермайди. «Бошқалар нима деркин», деган гап унга ягона меъёр. Жон сақлаш ҳиссиёти — яккаю ягона мезони. Фалончи аёл шаънига доғ тушмадимикин? Бундан маълумки, фақат саноқли одамларгина аҳён-аҳёнда мустақил равишда ўз фикрларини айтишга қодирдирлар.

Женни ўзини баланд тутишга уринмасди ҳам. Унда ўзини аямасликдай туғма хислат бор эди. Ўзни ёмонликдан асрашга кўмаклашадиган худбинлик деган нарсани унга ўргатишнинг ўзи бўлмасди.

Одамнинг улғайиши қийинчилик пайтларида айниқсанги яққол кўзга ташланади. У куч-қувватга тўлиб, иқтидори ортганини сезади. Биз чатоқ иш қилиб қўймайлик деб қалтираб турсак-да, улгаяверамиз. Бизни илҳом қанотлари йўлга солади. Табиат ҳеч кимдан юз ўгирмайди. Биздан мабодо муҳит ёки жамият юз ўгирса ҳам, барча нарсалар билан иноқликча қолаверамиз. Табиатнинг бағри кенг. Шамол билан юлдузлар—сенинг дўстларинг. Саховатли ва сезгир бўлсанг бас—бу буюк ҳақиқатни тушуниб

етасан. Буни эҳтимол мураккаб формулалар тимсолида эмас, балки билимнинг моҳиятидан иборат бўлган қувонч ва хотиржамликда кўрарсан. Хотиржам бўлсанг доноликкa ҳам эришасан.

Женни уйидан нари кетмасданоқ унга Басс етиб олди.

— Саватингни менга бер-чи, — деди Басс. Женнининг ҳаяжондан тили сўзга келмаётганини кўриб қўшимча қилди: — Сенга қаердан хона топишни билсам керак.

Басс Женнини шаҳарнинг ўзларини ҳеч ким танимайдиган жанубий қисмидаги бир кампирнинг уйига олиб борди. Бу кампир Басс ҳозирда ишлаётган магазиндан яқинда насияга девор соати олганди. Басс кампирнинг пулга муҳтожлигини ва хонасини ижарага қўймоқчилигини биларди.

— Хонангиз бўшми? — деб сўради Басс ўша хотиндан.

— Ҳа, — деди кампир Женнига бошдан-оёқ тикилиб.

— Синглимга ижарага беролмайсизми уни? Биз бошқа шаҳарга кўчаётувдик, синглим ҳозирча боролмайди.

Кампир рози бўлди, Женни эса вақтинча бошпанадан тинчиди.

— Сен хафа бўлма, — деди Басс синглисига жонидан ачиниб. — Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ойим ҳам хафа бўлмасин деди. Эртага отам ишдалигида уйга боргин.

Женни боришга ваъда берди. Басс яна унча-мунча далда берди-да, Женнининг овқатини ҳам кампирнинг бўйнига қўйиб, хайр-маъзур қилди.

— Мана энди ҳаммаси жойида, — деди у эшикка етганда.— Ҳаммаси яхши бўлади. Хафа бўлма. Мен кетишим керак, эртага эрта билан кириб ўтаман.

Басс кетди. Қўнгилсиз хаёллар энди уни кўпда ташвишлантирмасди. Нега деганда синглисини чиндан ҳам айбдор ҳисоблаётган эди-да, ахир. Бу нарса (гарчи Женнининг маъюс ва паришон тортиб қолганини кўриб турган бўлса-да) йўлакай сўраб-суриштирганидан ҳам аён эди.

— Нимани деб шунгача бординг? — дея суриштирганди у. — Нима қилаётганингни ақалли бир марта ўйлаб кўрдингми ўзи?

— Буни ҳозир мендан сўрамаганинг маъқул. — Женни шу билан акасининг сўраб-суриштиришларига чек қўйди.

Женни ўзини оқламас, нолийдиган жойи ҳам йўқ эди. Мабодо кимдир айбдор бўлса — бу Женнининг ўзи. Басснинг қўлга тушиб, оиладагиларнинг тинчи бузилганию Женнининг ўзини қурбон қилгани — ҳамма-ҳаммаси унутилганди.

Женни янги, бегона уйда ёлғиз ўзи қолгандан кейин баттар куйиб кетди. Севгилисининг ўлими, шарманда бўлгани, ота уйидан қувилганига асти чидаёлмаётганидан ҳўнграб юборди. Тўғри, Женни табиатан сабрли қиз эди, нолишни хуш кўрмасди, бироқ орзу-армонлари бирданига чиппакка чиққани уни букиб қўйди. Одамга қуюндай ёпирилиб, адойи тамом қиладиган куч қанақа экан? Нимага ажал деган нарса бирданига чанг солиб, ҳаётдаги энг ёркин ва қувончли туюлган нарсаларнинг барини чил-парчин қилади.

Женни ўтмишни ўйлар, Брэндер билан танишганидан буёнги воқеаларни батафсил эсларкан, қанчалар эзилаётганига қарамай, кўнглида уни ҳамон яхши кўриш ва эъзозлашдан бўлак туйғу йўқ эканини англади. Нафсамбирини айтганда, Женнига атайин ёмонлик қилишни истамаганди. У чиндан ҳам яхши ва олижаноб одам эди. Чинакамига яхши инсон эди, Женни аввало шуни ўйларкан, унинг бевақт ўлганига эзилиб йиғларди.

Женни ана шу аҳволда куйиб-ёниб тонг оттирди, эртасига эрта билан Басс ишга кетаётиб, йўл-йўлакай кириб ўтди-да, онаси Женнини кечқурун кутишини айтди. Отаси уйда бўлмас экан, она-бола тўйиб гаплашиб олишармиш. Женни узоқ кунни кеч қилгунча ўлиб бўлди, кечга яқин эса хиёл димоғи чоғланди-да, еттидан чорак ўтганда уйига йўл олди.

Женнини уйда бир оз нохуш хабарлар кутарди. Герхардт ҳали ҳам газабидан тушмаганди. У келар шанбада ишдан бўшаб, Янгстаунга жўнашга қарор қилганди. Эндиликда Колумбусдан бошқа ҳар қандай шаҳар бўлаверармиш унга. Бу ерда эса одамларнинг кўзига қараёлмасмиш. Бундан буён Колумбус унинг учун ҳаром эмиш. Бу ердан кетаркан, мабодо иш топса, бола-чақасини чақириб оларкан, бу эса мўъжазгина уй ҳам қўлдан кетди деган гап эди. Гаров пулини бари бир тўлолмайди, бунга умид қилмаса ҳам бўлади.

Герхардт бир хафтадан кейин жўнаб кетди. Женни уйга қайтиб келди. Бир оз вақтгача яна илгаригидай туришса ҳам, бу ҳол кўпга бормади, албатта.

Басс буни тушунарди. Уни Женнининг бошига тушган ташвиш ва бунинг ўзига яраша оқибатлари жуда қийнарди. Колумбусда қолиб бўлмайди. Янгстаунга кўчиб ўтишнинг ҳам иложи йўқ. Мабодо ҳаммалари қаёққадир кетишлари зарур бўлса бирорта катта шаҳарни кўзлаганлари маъқул.

Басс оғир аҳволда қолганларини ўйларкан, Кливленд-

да омадни бир синаб кўриш керак, деган хаёлга борди. Эшитишига қараганда у ерда саноат гуркураётган эди. Мабодо у ерда омади келса борми, бошқалар ҳам кўчиб боришади. Отаси илгаригидай Янгстаунда ишлайверса-ю, бутун оила Кливлендга кўчиб ўтса — Женни кўчада қолмайди.

Басс бирданига шундай хулосага келолмади, бироқ бу ниятини ахири онасига айтди.

— Кливлендга жўнамоқчиман, — деди у бир куни кечқурун онаси ҳаммаларига овқат қуяётганида.

— Нимага? — миссис Герхардт ўғлига ҳайрон бўлганича қаради. У Басс ташлаб кетади, деб қўрқиб юрарди.

— У ерда иш топсам керак деган хаёлдаман, — жавоб қилди Басс. — Бу расво шаҳарда қолишимизнинг кераги ҳам йўқ.

— Сўкинма, — деди онаси ёзғириб.

— Ҳа, майли, — Басс қўл силтади — Бу ерда ҳар бир одам сўкинаверади. Ҳеч омадимиз келмади ўзи. Мен кетаман, мабодо иш топсам ҳаммаларингиз кўчиб борасизлар. Биров бизни танимайдиган жойда тинчроқ бўламиз. Бу ерда эса рўшнолик кўрмаймиз.

Миссис Герхардт ўғлининг гапига қулоқ соларкан, хайрият, аҳволимиз сал енгиллашаркан, деган умид уйғонди кўнглида, Басс сўзининг устидан чиқса бўлди ишқилиб. Қани энди, бориб иш ҳам топса-ю, азамат ва ақлли ўғилдай онасига кўмаклашса! Қандай соз бўларди-я! Ҳозир эса ҳаммалари балонинг оғзига қараб гувиллаб кетишяпти. Наҳотки уларни ҳеч нима қутқаролмаса?..

— Иш топаман деб ўйлайсанми?— миссис Герхард қизиқиб сўради.

— Топишим керак, — жавоб қилди Басс. — Жой топиб унга етишолмаган пайтим ҳозиргача бўлган эмас. Баъзи бир болалар Кливлендга кетиб, яхшигина ишларга кириб олишди. Масалан, Миллер деганлар.

Басс қўлларини чўнтагига солиб, деразага қаради.

— Уёқда то иш топиб жойлашгунимча кунларинг ўтиб турармикин ишқилиб? — сўради у.

— Бир амаллармиз,— жавоб қилди онаси.— Даданг ишлаяпти, қўлимизда озроқ пулимиз ҳам бор, уни... уни...

Миссис Герхардт ҳозирги аҳволларидан уялиб тургани сабабли пул қаердан келганини айтишга ботинмади.

— Ҳа, тушунарли,— деди Басс маъюс тортиб.

— Кузгача тўлайдиган нарсамиз йўқ, кейин ҳаммасини бари бир ташлаб кетишга тўғри келади, — қўшимча қилди миссис Герхардт.

У гаров пулини айтаётганди. Навбатдаги тўлов сентябрда бўлганидан бунга бари бир қурблари етмасди.

— Мабодо ўшангача бошқа шаҳарга кўчиб кетсак бир кунимиз ўтар дейман.

— Мен шундай қиламан,— деди Басс қатъий.— Кетаман.

Хуллас, июннинг охирида Басс ишидан бўшади-да, эртасигаёқ Кливлендга жўнаб кетди.

XI БОБ

Женнининг ҳаётидаги бундан кейинги воқеалар бизнинг *ҳозирги ахлоқимиз қатъиян ман этган нарсалар* қаторида турарди.

Буюк ва доно яратувчи куч бўлмиш, ўз ишини қоронғиликда ва сокинликда бажарадиган она табиатнинг баъзи бир қонунлари табиатнинг ўзи яратган айрим майда одамларга жуда ҳам тубан туюлади. Биз одам пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган барча нарсалардан, гўё унга ошкора қизиқиш инсонга номуносибдай, жирканганча юз бурамиз.

Қарангки, бу нарса борлиғининг ўзи тинимсиз равишда янги одамни вужудга кетиришдан иборат бўлган бу оламда — шамол, сув, замин ва офтоб — бари одамни яратишга хизмат этадиган оламда вужудга келган. Бироқ фақат одамнигина эмас, балки бутун заминни, авлодни давом эттириш сезгиси ҳаракатга келтиради ва барча тирик жонлар биргина ва ўша йўл билан яратиладилар. Аммо гўёки ўша табиатнинг ўзида қандайдир нопок нарса бордай, негадир бундан кўз юмиб, тескари қарашдек интилиш мавжуд. «Бузуқлик билан яратилгану гуноҳкор бўлиб туғилган» — паст одам табиат қонунларини ана шундай нотўғри талқин қилади, кўпчилик эса чинакамига мудҳиш бу фикрга унсиз қўшилаверади.

Турган гапки, нарса-ҳодисага бундай қараш ғирт нотўғридир. Биологиянинг табиатда тубан жараёнлар йўқ, ғайритабиий ҳолатлар бўлмайди, деган хулосасию фалсафа бизга берадиган таълим инсоннинг кундалик тасаввуридан мустаҳкам ўрин олмоғи лозим. Мавжуд жамият удум ва одатларидан тасодифан четлашиш мутлақо гуноҳ эмас. Тасодиф иродаси туфайли одамлар ўрнатган тартибни бузган бирорта ҳам бадбахт кимсани жамоатчилик шаксиз унинг шаънига тақайдирган беҳад тубанликда айблаб бўлмайди.

Женни энди табиатнинг ана шу мўъжизаси нотўғри талқин қилинишини ўз кўзи билан кўриб, ишонишга мажбур бўлганди. Мабодо Брэндер вафот этмаганида борми, бу мўъжиза муқаддас саналар ва ҳаётнинг юксак кўринишларидан бири ҳисобланган бўлур эди. Женни гарчи бу табиий-ҳаётий жараён бошқа барча жараёнлардан нима билан фарқ қилишини тушунолмаса ҳам, теварагидаги одамлар унга айб иш қилганини ва бошдан-оёқ гуноҳга ботганини сездириб қўйгандилар. Бу эса Женнидаги кейинчалик фарзандига талаб қилинадиган меҳру муҳаббат, эътибор ва ғамхўрликни сал бўлмаса барбод қилаёзди. Ана шу етилиб келаётган табиий ва зарурий меҳру муҳаббат сал бўлмаса кўзига ёмонликдай кўрина бошлади. Женнини бир неча асрлар муқаддам шунақа айб иш қилганлар сингари дор остига судраб, турмага солишмади, бироқ атрофидагилар нодонликлари ва калтабинликлари туфайли уни жамият қонунларини қабиҳона ва атайлаб бузган дейишдан нарига ўтолмасдилар, бунга эса ҳамма нафрат билан қararди. Женни одамларнинг хунук қарашларидан қочар ва вужудида рўй бераётган буюк ўзгаришга тишини-тишига қўйиб чидарди. Қанчалар ғалати туюлмасин, беҳуда виждон азоби тортмас, бенаф афсус-надоматлар қилмасди. Юраги мусаффо, кўнгли тоза ва хотиржам эди. Тўғри, мусибати ҳали аримаган бўлса ҳам илгаригидай қийнамасди. Фақат нима қилишини билмай боши қотар, шундан гоҳида кўзлари жиққа ёшга тўларди.

Езнинг сокин кунида ўрмон мусичаси сайраганини эшитганмисиз? Бир чеккада жилдираб ва шилдираб оқаётган, қўшиғи бошқа бировнинг қулоғига кирмайдиган номаълум жилға бўйига борганмисиз? Қор босган бултурги япроқлар остида гўё баҳорги кўм-кўк осмонга садо бераётгандай, жажжи бойчечаклар бўй чўзади. Янги ҳаёт ана шундай вужудга келади.

Женни ёлғиз қолди, бироқ ўрмон мусичасидай ёз қўшиғи таъсирида эди. У рўзғор ишларидан бўшамас ва хотиржам ҳолда, бировга дамини чиқармасдан вужудида рўй берган ўзгаришлар ниҳоясига етишини, яъни жонини фидо қилаётган фарзанди дунёга келишини кутарди. Бўш пайтларида ҳаёт мўъжизасидан мафтун бўлгандай сокин хаёлларга бериларди. Ойисига қарашиб, кўп уриниб қолган маҳалларида гоҳо секингина хиргойи қила бошлар, чунки шунда кунни қандай кеч қилганини сезмасди. Шунда ҳам у келажагига ҳаммавақт хотиржам, аниқ ва равшан қатъият ила боқарди. Бу ҳамма аёлларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Афсуски, табиат баъзи паст кимсаларни ҳам оналик бахтига муяссар қилади. Балоғатга етиб, ана шу номга муяссар бўлган муносиб аёллар эса инсоният зоти олдидаги улуғ бурчларини ғурур ва мамнуният билан адо этадилар.

Женни ёш жиҳатидан ҳали деярли гўдак бўлса ҳам, жисмоний ва маънавий томондан етилган аёл эди. Бироқ ҳаёт ва ундаги ўзининг ўрни ҳақида тасаввурга эга эмасди. Уни ҳозирги ноқулай аҳволга солиб қўйган ғалати тасодиф маълум маънода хусну жамолига беш кетишининг оқибати эди. Ҳозирги аҳволи Женнининг мардлиги, меҳрибонлиги, бурчи йўлида фидойиликка тайёрлигини тасдиқлаб турарди. Мабодо ушбу ҳол зиммасига янги, анча оғир ва мураккаб масъулият юклаётган ногаҳоний оқибатларга олиб келаётган экан, бу иш ўзини муҳофаза қилиш сезгиси бўлак туйғулари сингари кучли бўлмаганидан рўй берган, албатта. Гоҳо Женни туғилажак боласини ўйларкан, бир кунмас-бир кун мени ёзғиради у, деб хавфсирар, қўрқувга тушар ва хижолат тортарди. Бироқ туғилиш рўйи азалдан адолатли нарса эканини тушунганидан бутунлай бўшашиб қолмасди. У, одамлар жуда ҳам бераҳм бўлишмаса керак, деб ўйларди. Зеро унинг азалий яхшилик ва меҳр-оқибат бобида хира тасаввури бор эди. Ҳаёт аччиқ пайтларида ҳам, ширин пайтларида ҳам гўзалдир, у ҳаммавақт гўзал бўлиб келган.

Женнининг хаёлига бу фикрлар дарҳол эмас, балки кўз ёришини кутиб юрган кунларида келди. Энг қийналган кунларингда ҳам она бўлиш қанчалар ажойиб нарса! Женни боласини яхши кўриб қолишини ва мабодо тириклик тўғаноқ бўлмаса унга яхши она бўла олишини сезарди. Бироқ ҳамма гап шунда-да — ҳаёт тўғаноқ бўлмасмикин?

Жуда кўп нарсалар қилиши: чақалоққа зарур нарсаларни тикиб-чатиши, ўзига қараши, рўзғорни унутмаслиги лозим эди. Бунинг устига Женни, ишқилиб отам бирдан келиб қолмасин-да, деб доим қўрқиб турарди. Бироқ бундай бўлмади. Нима билан оғришмасин доимо Герхардтлар оиласидагиларга қараб юрадиган врач, доктор Элуонгерга мурожаат қилишди, у бир нечта фойдали маслаҳат берди. Диний ақидалар лютеран черковининг бу фарзанди олижаноб врач бўлиб етишишига ва у кўп йиллик тажрибаси асосида оламда доношмандларимизнинг тушларига ҳам кирмаган ва ҳаёт ҳақидаги худбинона саёз тасаввурларимиз доирасига сиғмайдиган нарсалар ҳам бўлади, деган хулосага келишига халал бермаганди.

— Шундай, шундай, — деди доктор миссис Герхардт

унга рўй берган фалокатни гапириб берганидан кейин. — Хўш, кўп куйинаверманг. Бунақа ишлар сиз ўйлаганингиздан кўра кўпроқ содир бўлиб туради. Мабодо сиз ҳаёт, қўни-қўшниларингиз ҳақида менчалик билганингизда борми, йиғлаб ўтирмасдингиз. Қизингиз ҳомиладорликни жуда яхши ўтказади. Унинг сиҳати жуда жойида. Кейин уёқ-буёққа кетиши мумкин, буни биров билмайди ҳам. Қўни-қўшнилар нима дейишаркин, деб ўтириш ҳам гапми? Бунақа нарса сиз ўйлагандан ҳам тез-тез бўлиб туради.

Миссис Герхардт енгил нафас олди. Бу доктор қандай бамаъни одам-а! Унинг сўзлари миссис Герхардтга бирмунча тасалли берди. Женни бўлса унинг сўзларига қизиқиш билан ва заррача қўрқувсиз қулоқ соларди. У ўзини эмас, боласини ўйлар ва тайинланган нарсаларнинг барини қилишни жуда хоҳларди. Врач боланинг отаси кимлигига қизиқди. Жавобни эшитгандан кейин кўзини осмонга тикди.

— Нима ҳам деяй, — деди у, — чақалоқ ажойиб бўлиши керак.

Чақалоқ ёруғ дунёга келадиган фурсат ҳам етди. Доктор Элуонгер бу иш устида бўлди, миссис Герхардт унга қарашиб турди. Миссис Герхардт олтита боланинг онаси бўлганидан нима қилишни аниқ биларди. Женни чақалоқнинг биринчи йиғисини эшитибоқ бутун вужуди билан унга интилди. **Унинг боласи!** Миттигина чақалоқ қизча бўлиб, нимжон, заиф, онасининг парваришига жуда ҳам зор эди. Унинг фарзанди, қизалоғи! Женни боласи деб яшаш ва ишлашга ташна эди, мана ҳатто ҳозирда ҳам, жуда маъваси қочганига қарамасдан, умуман сиҳати жойидалигидан хурсанд эди. Доктор Элуонгер Женнининг тезда ўзига келишини башорат қилганди. У, Женни икки ҳафтадан ортиқ ётмайди, деган фикрда эди. Чиндан ҳам Женни ўн кундан кейин туриб кетди, у ҳар маҳалгидай тетик ва бақувват эди. Женни табиатан кучли ва бақувват бўлиб, рисоладаги онага зарур бўладиган барча хислатларга эга эди.

Қалтис онлар ўтиб, ҳаёт яна деярли эски изига тушиб олди. Женнининг (акаси Бассдан бошқа) укалари ва сингиллари нима воқеа бўлганини тушуниб етишга ёшлик қилишарди, уларга Женни сенатор Брэндерга тегувди, эри кўп ўтмай тўсатдан ўлиб қолди, дейишганда лаққа ишонишди. Улар то чақалоқ туғилмагунча бундан ғофил юришаверди. Миссис Герхардт доимо ҳамма нарсани кузатиб, ис билиб юрадиган қўни-қўшниларидан чўчирди. Бундан сал олдинроқ Кливлендда ишга жойлашган Басс Женни-

га, дармонга киришинг билан ҳамманглар кўчиб келиб, янгидан ҳаёт бошлайсизлар, деб хат ёзмаганда борми, у бунақа шароитда бўғилиб ўлган бўларди. Кливлендда ишлари гуркираб кетади. Колумбусдан кўчиб кетганларидан кейин улар ҳозирги қўшниларининг дийдорларини қайтиб кўрмайдилар. Женни ҳам ўзига бирорта иш топиб олади. Ҳозирча эса уйда қола туради.

XII БОБ

Басс Кливлендга борган пайтда шаҳар кун сайин эмас, соат сайин ўсарди. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг кўриниши Басснинг кўнглини анча жойига тушириб қўйди, унда ўзи ва оиласининг ишларини ўнглашга умид уйғонди. «Ишқилиб келишсин-да,— дерди у ичида.— Иш топиб берсам бўлди, уёғи жўнашиб кетаверади». Бу ерда ҳеч бир нарса оила бошига яқинда тушган кўргиликларни эслатмас, анча илгари рўй берган бахтсизликларни эса турқи тароватлари билан эслатиб турадиган танишлар ҳам йўқ эди. Ҳамма ерда иш, ғайрат авжида эди. Ўтган кунларни унутиш ва эски гуноҳлардан фориғ бўлмоқ учун бир муюлишдан ўтиш кифоядек эди. Ҳар бир янги кварталда янги бир дунё намоён эди.

Басс тез орада тамаки дўконига ишга кириб олди ва бир ярим ой ишлаганидан кейин келгусидаги ажиб режалари ҳақида уйига хатлар ёза бошлади. Хатларида Женнининг иложи борича тезроқ келишини, у ишга жойлашиб олганидан кейин бошқалар ҳам йўлга чиқаверишлари мумкинлигини айтди. У ерда Женни тенги қизларга иш қанча деса топиларкан. Женни улар билан вақтинча тураверса ҳам бўлаверармиш ёки ойига ўн беш доллар тўланадиган мўъжазроқ уйлардан бирини ижарага олиши мумкинмиш. У ерда барча керакли жиҳозларни оғир ботмайдиган тарзда насияга олса бўладиган каттакон мебель магазини ҳам бор экан. Онаси уй-рўзғор ишларига қарайверармиш. Ҳаммалари мутлақо янги одамлар орасида бўлишармиш, улардан бирортаси буларни танимас ва майда-чуйда гап қилмасмиш. У ерда ҳаётни қайтадан бошлашар эмиш ва шаҳарнинг дуруст, ҳурматли, ишлари юришаётган кишилари қаторидан жой олишармиш.

Ёш, ҳали ҳеч нимани кўрмаган одам янги жойга бориб қолганида роса орзу-умидларга берилгандай, Басс ҳам ахири Женнига, тезда етиб кел, деб хат ёзди. Бу вақтда чақалоқ олти ойлик бўлганди. Бу ерда, деб ёзганди Басс,

театрлар, чиройли кўчалар бор. Кемалар кўлдан шаҳарнинг ўртасигача келишади. Кливленд ажойиб шаҳар, у жуда тез ўсяпти. Басснинг бу ердаги янги ҳаётида ёқтираётган нарсаси ҳам шу экан.

Бу гапларнинг бари миссис Герхардт, Женни ва оиланинг бошқа аъзоларига бениҳоя кучли таъсир қилди. Миссис Герхардт қизининг қилмиши оқибатларидан ҳамон ўзига келолмаётгани туфайли Басснинг айтганини зумда бажариш тарафдори эди. У табиатан жуда хушчақчақ ва ғамгинликдан узоқ бўлганидан Кливленддаги ҳаётнинг истиқболи порлоқлигига қизиқиб қолган ва фақатгина шинам уй ҳақидаги эмас, балки болаларининг истиқболи яхши бўлажаги ҳақидаги орзуси ҳам рўёбга чиқаётгандай эди. «Иш топишади, албатта», — дерди миссис Герхардт ўзича. Басс ҳақ. Миссис Герхардт ҳамиша эрининг бирорта катта шаҳарга кўчишини хоҳлаб келган, у эса буни истамасди. Мана энди кўчмаса бўлмайди. Ҳаммалари Кливлендга кетишади, яхши кунларга етишишади.

Герхардт ҳам хотинининг гапига қўшилди. Хотинининг хатига ёзган жавобида, ишимни ташласам ақлсизлик бўлади. Басс, ҳамманг Кливлендда иш топа оласан деяётган экан, кўчаверинглар, деди. Бола-чақамни қандай боқдиму муддати ўтаб кетган қарзларимни қандай тўладим, дея мияси говлаб ётган Герхардт бу режани жон-жон деб маъқуллади. У ҳар ҳафтада маошидан беш доллар чегириб, хотинига юборарди. Уч долларни овқат пули қилар, эллик центни эса майда харажатларга — черков пули, бир чимдим тамаки ва аҳён-аҳёнда бир стакан пиво ичишга қолдирарди. Бундан ташқари, у жамгармадон олиб, қора кунимга ярар деб ҳафтада бир ярим доллардан ташлаб турарди. Фабрика чордоғидаги шипшийдам ва ноқулай бурчакни бошпана қилиб ётиб юрарди. У кеч соат тўққизгача ёлғиз ўзи фабрика остонасида ҳувиллаган кўчаларга тикилиб ўтирар, кейин чордоққа чиқиб кетарди. Пастки қаватлардан кўтариладиган машина мойининг ҳиди чордоқда одамни бўғиб қўядиган даражада эди. Герхардт ана шу чордоқда мой шам ёқиб, ёлғиз ўзи немисча газета ўқир, қўлларини кўксида чалиштирганича хаёл сурар, сўнгра ётар олдидан қоронғида очиқ дераза ёнида тиз чўкиб, ибодат қиларди-да, тошдай қаттиқ жойига чўзиларди. Кунлар жуда узоқ, келажак ғамгин ва қувончсиз туюларди. Шунга қарамай Герхардт қўлини кўкка чўзганича худога, гуноҳларимдан ўт, бола-чақам билан яна бир неча йил тинч ва бахтли умр кўрай, деб илтижо қиларди.

Шундай қилиб, энг муҳим масала ахири ҳал бўлди. Бо-

лаларнинг юраклари «қачон кетамиз» деб чапак чалар, миссис Герхардт ҳам уларга ўхшаб терисига сиғмаса-да, сир бой бермасди. Басс айтганидай Женни бошқалардан олдин йўлга чиқиши лозим эди. Ундан кейин Кливлендга бошқалар йўл олишади.

Женни йўлга чиқадиган фурсат етганда ҳаммалари жуда ҳаяжонда эдилар.

— Бизни тезда чақириб оласанми? — деб сўрарди Марта қайта-қайта.

— Бассга айт, тезроқ чақирсин, — тайинлади Жорж.

— Кливлендга бораман, Кливлендга бораман! — бошқалар эшитмаяпти деб ўйлаб хиргойи қиларди Вероника.

— Оббо сен-э, кўнгиллари тусаган нарсани қара-я, — деб қўйди Жорж синглисининг хиргойисини эшитганида масхараомуз қилиб.

— Сенга нима? — Вероника хафа бўлди.

Хайр-маъзурга гал келганда Женни ўзини ниҳоятда қўлга олмаса бўлмасди. Бу иш тезроқ ҳаммалари бирга туришлари ва илгаригидан ҳам дурустроқ яшашлари учун қилинаётганига қарамай, Женни беихтиёр бўшашиб кетди. У олти ойлик қизчасини ташлаб кетаётганди-да, ахир. Женнини олдинда улкан, номаълум олам кутар, бундан эса у чўчирди.

— Хавотир олаверма, ойижон, — деди Женни ўзини босиб олиб. — Ҳаммаси яхши бўлади. Етиб боришим биланоқ хат ёзаман. Тез орада.

Женни қизчасига сўнгги марта қараганида жасорати худди шамолда ўчган гугуртдай сўнди-қолди. У беланчакка эгилганича қизчасига бир олам меҳр билан боқарди.

— Сен яхши қизча бўласан-а? — дерди у ҳадеб.

Женни шундан кейин қизчасини олдию бағрига қаттиқ босиб, пешонасини вужудига қўйди. Миссис Герхардт қизи қалт-қалт қилаётганини сезарди.

— Бўлди, ҳадеб эзилаверма, — миссис Герхардт қизини юпата бошлади, — қизинг мен билан қийналмайди. Унга қараш қўлимдан келади. Бунақа эзилаверадиган бўлсанг бормаганинг маъқул.

Женни бошини кўтариб, чақалоқни онасига берди. Унинг кўм-кўк кўзлари ёшли эди.

— Ўзимни босолмадим, — деди у йиғи аралаш кулиб.

Шундан кейин шоша-пиша онаси, сингиллари ва укаларини ўпди-да, хонадан чиқиб кетди.

Женни кўчада Жорж билан ёнма-ён бораркан, орқасига ўгирилиб, хушчақчақ қўл силкиб қўйди. Миссис Герхардт унга жавобан қўл силкиб хайрлашаркан, Женни,

энди кап-катта жувонга ўхшайди-я, деб ўтказди кўнглидан. Женни кетиш тараддудига тушганида пулининг бир қисмини янги кийим-бошга сарф қилганди, чунки, устида киядиган нарсаси қолмаганди. Мана энди эгнида жигарранг костюм бўлиб, оқ кўйлаги билан юзига тушириб қўйса бўладиган оқ тўрли пахол шляпаси унга жуда ҳам ёпишиб тушганди. Женни тобора узоқлашиб бораркан, миссис Герхардт меҳру муҳаббатга тўлиқ кўзларини ундан узолмасди. Қизи ниҳоят кўринмай кетганидан кейин йиғи-аралаш суйиб:

— Шундай хушрўйлигидан ҳар ҳолда жуда хурсандман, — деб қўйди.

XIII БОБ

Басс Женнини Кливленд вокзалида кутиб олди-да, ўша заҳотиёқ келажакдан гапира кетди.

— Энг олдин иш топиш керак, — гап бошлади у. — Улкан саноат шаҳрининг шовқин-суронларидан қулоғи битиб, ўткир ҳидларга тўйинган ҳавосидан сархушлиги ортган Женни азбаройи гангиб қолганидан ҳеч нимани кўрмас, қулогига ҳам бирор нарса кирмасди.— Сенга бирорта иш топиш керак, — Басс гапида давом этди. — Нима иш бўлсаям топсак бас. Ҳафтасига ҳатто уч-тўрт доллар олсанг ҳам шунинг ўзи уй ҳақига етади. Келганидан кейин Жорж ҳам пул топа бошлайди, дадам ҳам юбориб туради, хулласи калом кунимиз яхши ўтади. Ўша хароб Колумбусдагидан тузукроқ турамиз!

— Ҳа, — мужмалроқ жавоб берди Женни. Унинг ҳаёлини теварак-атрофидаги тамомила янги нарсалар банд этганидан эс-ҳушини энг муҳим мавзуга сира ҳам буролмасди. — Ҳа, тушунаман. Бирорта иш топиб оламан.

Женни ёши жиҳатидан бўлмаса ҳам, ақлан анча-мунча улгайиб қолганди. Бошига яқиндагина тушган савдолар ҳаёт зиммасига қанчалар улкан масъулият юклаганини аниқроқ тушуниб олишига кўмаклашганди. У онасини ва болаларни ўйлагани-ўйлаганди. Ҳар ҳолда Марта билан Верониканинг бахти очилиб кетишини, ўзига ўхшаб қолмасликларини ўйлаши керак. Уларни яхшилаб кийинтириш лозим, мактабда ўқишсин. Ўртоқлари кўпайсин, тушунча доиралари кенгайсин, таниш-билишлари ортсин.

Ўша йиллари ўсиб бораётган ҳар бир навқирон шаҳар сингари Кливленд ҳам иш кидириб келган одамларга се-

роб эди. Янги корхоналар пешма-пеш очилиб турса ҳам, бекорчи ишчи кучи керагидан ортиқ эди. Шаҳарга келган янги одамга ўша куниёқ хоҳлаган иши ўнг келиши ҳам мумкин эди. Бироқ келгинди одам ҳафталаб ва ҳаттоки ойлаб иш қидириб, сарсон бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Басс Женнига аввало бахтини дўкон ва универсал магазинларда синаб кўришни айтди. Мабодо улардан иш чиқмаса, фабрика ёки бошқа бирор жойга кирсанг ҳам бўлади, деди.

— Бирорта иш топилса қўлдан бера кўрма, — огоҳлантирди Басс. — Нимайки бўлса ҳам хўп деявер.

— Мен нима дейишим керак? — Женни ташвишланиб сўради.

— Ишга кирмоқчиман, деявер. Сенга нимадан бошлаш бари бир эмасми?

Женни биринчи куни акасининг гапига кириб, бунинг эвазига бирмунча совуқдан-совуқ рад жавоби олди. У қаерга мурожаат қилмасин, янги хизматчиларга эҳтиёж йўқ, дейишарди. Женни магазинларга, фабрикаларга, чекка жойларда сероб бўлган майда устахоналарга кириб ўтди, бироқ ҳаммасида ҳам эшикни кўрсатиб қўйишди. Ниҳоят у ўзича, бунгача бориб етмас деб умид қилган бўлса хам, хизматчи керакмасмикин, деб суриштиришга тушди. Газеталардаги эълонларни синчиклаб ўқиб чиқди-да, ўзига муносиб кўринган тўрттасини танлаб олиб, ўша адресларга борди. Биттасига борса, одам олишган экан. Шунга қарамай Женни эшик очган хонимга азбаройи ёқиб қолганидан, ичкарига киринг, деди-да, суриштиришга тушди.

— Афсус, сал олдинроқ келмадингиз-да, — деди у. — Сиз мен ёллаган қиздан кўра кўпроқ ёқяпсиз. Ҳар эҳтимолга қарши адресингизни қолдиринг.

Женни бу ширин муомаладан хурсанд бўлганидан илжайганича кетди. У энди илгаригидай, бошига кўргилик тушган маъсума қиздай кўринмасди. Юзи сал чуваклашган, кўзлари ичкарироқ ботган, бу эса бутун чеҳрасига беҳад ўйчанлик ва мулойимлик бахш этганди. Саранжом-саришталикни ундан ўрганиш керак эди. Ораста, ҳозиргина ювилган ёки дазмолланган кўйлакда жуда кўҳлик ва кўркам кўринарди. Бўйи ҳамон ўсаётганди-ю, лекин унинг энди қиз бола эмас, балки йигирма яшар жувонлиги кўриниб турарди. Энг муҳими, Женнининг табиати ажойиб эди. иши оғир бўлиб, қийинчилик тортаётганига қарамай тетиклигини сира йўқотмасди. Хизматчи ёки шерик ахтараётган одам Женнидан чинакамига ёлчирди-да ўзиям.

— Женни шундан кейин Эвклид авенюдаги катта уйга йўл олди. Бу уй кўзига жуда ваҳималидай, ўзининг бу ердагиларга кераги йўқдай туюлди. Бироқ келгандан кейин бахтини синаб кўриши керак-да. Эшикни очган хизматкор бир оз кутиб туришни айтди, кейин уни иккинчи қаватга, уй бекаси миссис Брейсбрижнинг бўлмасига олиб чиқди. Аъёнлар доирасида бот-бот учраб турадиганлардан бўлган қорача бу хоним ҳусну малоҳат деган нарса қанақалигини яхши билганидан Женнига бир кўришдаёқ баҳо берди. У бир-икки оғиз гаплашди-да, хизматчиликка олиб, синаб кўрмоқчи бўлди.

— Сизга ҳафтасига тўрт доллар тўлайман, агар хоҳласангиз, шу ерда тураверсангиз ҳам бўлади, — деди миссис Брейсбриж.

Женни акаси билан туришини, яқин орада оила аъзолари кўчиб келишларини айтди.

— На чора, — деди бека, — ўзингизга қулайроқ жойлашиб олаверинг. Эрталаб вақтида келсангиз бўлгани.

У янги хизматчининг ҳозирданоқ иш бошлашини хоҳлаганди, Женни розн бўлди. Миссис Брейсбриж Женнига бошга тўғналадиган бежиримгина тўр билан пешбанд беришни тайинлади-да, янги вазифасини қисқача тушунтириб берди. У аввало бекага қараб туриши, сочини тараши, кийинтириб қўйиши лозим эди. Эшик қўнғироғи жиринглаганда бориб очиш, зарур бўлганда дастурхон ёзиб, хизмат қилиш ва умуман беканинг айтганларини бажариш Женнининг вазифасига кирарди. Миссис Брейсбриж бўлғуси хизматчисининг кўзига бир оз қаттиққўл ва совуқроқ кўринса ҳам Женни унинг ғайрати билан гапи кескирлигига қойил қолди.

Кечқурун саккизда Женнига уйига кетавериши мумкинлигини айтишди. У ўзига-ўзи, наҳотки шундай катта, бадавлат хонадоннинг хизматчилигига мени лозим кўришган бўлса, дер, шундай яхши жойга ўрнашиб олганидан боши осмонда эди. Бекаси олдинига унга бўлмасини безаб турган қимматбаҳо буюмларн ва тақинчоқ-безакларни артиб-суртишни буюрди. Женни, гарчи жон-жаҳди билан ўлиб-тирилиб ишласа ҳам, ишни соат саккизгача тамомлаёлмади. Ҳозирда эса у, қандай иш топганимни акамга айтаман, деб хурсанд ҳолда уйга ошиқарди. Энди онаси Қливлендга келаверса бўлади. Қизчаси бағридан узилмайди. Энди ҳаммалари чиндан ҳам янгича туришади ва бу ҳаётлари илгаригидан анча яхшироқ ҳамда қувончлироқ бўлади.

Женни Басснинг гапи билан онасига, тезда етиб кел,

деб хат ёзди. Тахминан бир ҳафталардан кейин эса мосроқ уй топиб, ижарага олишди. Миссис Герхардт болалари кўмагида арзимас лаш-лушларини, жумладан битта соявон аравага сиғадиган мебелини ҳам жойлади-да, икки ҳафтадан кейин янги бошпанага келиб тушди.

Миссис Герхардт доимо яхши, шинамгина уйда турсам дерди. У умр бўйи мустаҳкам, чиройли ва енгилгина мебелни, ранги одамнинг баҳридилини очадиган пат гиламли, кўл стул, кресло, картина, кушетка ва пианиноли бўлишни орзу қиларди, бироқ буларга етишишнинг иложи йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ноумид бўлмасди. Кўзим тириклигида бу нарсаларга етишсам ажаб эмас, деб юрарди. Мана энди бўлса унга бахт кулиб боқаётганга ўхшарди.

Миссис Герхардт қизини хушчақчақ, суюнганидан терисига сиғмаётган ҳолда кўрганидан кейин димоғи очилиб кетди. Басс онасини, бутун оиламиз билан бу ерда яхши турамиз, деб ишонтирарди. У онасини уйига олиб борди, кейин Жоржга вокзалга қайтиб, юкларни олиб келишни буюрди. Сенатор Брэндер Женнига юборган пулдан миссис Герхардтнинг қўлида яна эллик доллар қолганди, бунга етишмаётган бирорта мебел-пебель олса бўларди. Басс уй ҳақининг бир ойлигини олдиндан тўлаб қўйганди, Женни эса кейинги кунларда кечқурунлари пол ва деразаларни қиртишлаб, янги уйни саранжому саришта қилиб қўйганди. Мана энди, биринчи оқшомда уларнинг иккита янги тўшаклари ва кўрпалари бўлиб, топтоза полга тўшаб қўйилганди. Енгинадаги магазиндан олинган яп-янги чироқ ҳам бор эди. Женни баққоллик дўконидан қарзга олган рўзғор буюмлари солинадиган яшик ҳозирча миссис Герхардт учун кресло хизматини ўтарди. Кечқурунги овқат билан нонуштага нон ва озроқ колбаса кетарди. Ҳаммалари соат тўққизгача ўтириб, келгусининг режаларини тузишди, кейин Женни билан миссис Герхардтдан бошқа ҳаммалари ётишди. Она-бола гаплашиб ўтиришаверди, бунда Женнининг гапи кескирроқ эди. Она эса қизига ўзини негадир бир қадар муте сезарди.

Бир ҳафтада уй тартибга тушди-қўйди, мебель, гилам ва ошхонага керакли у-бу нарсалар олишди. Ҳаммасидан ҳам печка сотиб олишгани алам қилди, бу устига-устак катта харажат эди-да. Кичкиналар мактабга киришди, бироқ Жорж ишлаши керак, деган қарорга келишди. Женни билан миссис Герхардтнинг бунга жонлари ачишаётган бўлса ҳам ҳозирча ноилож эдилар.

— Келаси йили ўқитишга ҳаракат қиламиз, — деди Женни.

Кливленддаги янгича ҳаёт, чамаси, яхши бошланаётганига қарамай, оиланинг даромади буромадга деярли тенг келиб қолганди. Бюджетнинг мувозанати ҳам доимо хавф остида эди. Олдинига жуда олижаноблик қилиб юрган Басс орадан кўп ўтмай, хона ва овқат учун оила харажатига тўрт доллар берсам ҳам бўлади, деди. Женни бор маошини берар ва қизимга яхшилаб қараб турсанглар бўлди, менга бошқа нарсанинг кераги йўқ, деганидеганди. Жорж битта магазинга дастёрликка кириб олди. У ҳафтасига икки ярим доллар олар ва дастлабки пайтларда ҳаммасини ўз ихтиёри билан онасига берарди. Кейинроқ шундан эллик центини чойпулига қолдирсак инсофдан бўлар деган фикрга келишди. Илгаригидай оиласидан олисда бир ўзи ишлаб турган Герхардт почтадан беш доллар юборарди. У ҳар сафар, Колумбусдаги бўйнимда турган эски қарзларимни узишим учун озроқ-озроқ чегириб қолмасам бўлмайди, деб эслатиб қўярди. Шундай қилиб, оиланинг ҳафталик даромади ўн беш доллар бўлиб, ана шу пулни бутун оилани боқишу кийинтиришга, уй ҳақини тўлашга, кўмир олишга ва насияга эллик долларга олинган мебель ҳақини ҳар ойда тўлаб туришга сарфлаш лозим эди.

Бунинг иложи қандай? Ижтимоий нуқтаи назардан камбағаллик нима эканлигини кўпинча ва бажонидил муҳокама қилишадиган ўзига тўқ одамлар мана шунга жавоб беришдек хизматни ўз зиммаларига олсинлар. Уй ҳақи, кўмир ва чироқнинг ўзи анча-мунча нарсани ямлар — ойига йигирма долларни кемирарди. Афсуски, ҳаражатнинг муқаррар моддаси бўлган овқатга йигирма беш доллар кетарди. Кийим-кечак, мебель ҳақи, ҳар хил тўловлар, зарур дори-дармон ва шунга ўхшаган нарсаларга қолган ўн беш доллар етиши зарур эди. Бу қандай қилиб етишини ўзига тўқ китобхонга унинг қайноқ тасаввури айтиб бера қолсин. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам олганда Герхардтлар хонадонидагилар учма-уч қилиб кун кўришар ва ҳозирча кўнгиллари орзу-умидларга тўлиқ бўлиб, кунларимиз зўр ўтаяпти, деб юришарди.

Ўша пайтларда бу оила камтаринлик ва ҳалол меҳнатда бошқаларга яхши ўрнак бўла оларди. Хизматчидай тиним билмайдиган ва ишлагани эвазига бирорта нарса — на кийим-кечак, на вақтихушлик, на бошқа бирор нарса олмайдиган миссис Герхардт ҳар куни бошқалар ҳали ухлаб ётишган пайтда, тонг отиши билан турар, ўт ёқиб, нонушта ҳозирлашга тушарди. Оёғига юпқа, эскирган, ичига газета қоғози жойланган (бўлмаса оёғида турмасди) шиппак кийиб олиб, хонада унсиз юрар ва кўпинча қаттиқ ухлаб ётишган Женни, Басс ва Жоржга бениҳоя меҳр ила боқар, бутун қалбидан уларга бунчалар барвақт туриш ҳамда бунчалар машаққат чекишни тиламасди. Гоҳо она арзандаси Женнини уйғотишдан олдин унинг толиққан, уйқусида ҳам осойишта кўринган рангпар чеҳрасидан кўз узолмай қолар ва фалак бунчалар шўрпешона қилиб яратганига ич-ичидан эзилиб кетарди. Сўнгра уйқудаги қизининг елкасини мулойимгина силаб, Женни кўзини очмагунича исмини шивирлаб айтаверарди.

Болалар ўрниларидан турганларида нонушта тайёр бўларди. Кечқурун қайтганларида кечки овқат тайёр турарди. Миссис Герхардт ҳамма болаларига баравар қарарди, ажратмасди. Мурғак набирасини эса еру кўкка ишонмасди. Ўзи эса, менга кўйлак ҳам, пойабзал ҳам керакмас, дерди. Чунки болаларидан бирортаси доимо айтган ҳар қандай ишини бажариб келардилар-да.

Болалардан фақат Женнигина онасининг аҳволини жуда чуқур тушунар ва азбаройи яхши кўрганидан жони борича унга қарашгиси келарди.

— Ойижон, буни ўзим қила қолай.

— Қўйинг, ойижон, унга ўзим қарайман.

— Ўтир, ойижон, дамингни ол.

Ана шу оддий сўзларда Женнини онаси билан боғлаб турган чексиз муҳаббат намоён бўларди. Она-бола бир-бирларини жуда яхши тушунишар, борган сари улар иноқлашиб, жо-бажо бўлиб борардилар. Женни онаси асирадек остона ҳатлаб кўчага чиқолмаслигини ўйлаб эзиларди. Онаси тиним билмай куйманаётган бечораҳол уйи кунбўйи хаёлидан кетмасди. Онаси жуда орзуманда бўлган ором ва осойишта ҳаётни бахшида этолса қани энди!

XIV БОБ

Женни Брейсбрижларнинг уйида хизматда бўлганида тушунча доираси анча кенгайди. Бу муҳташам уй Женнига бир мактаб бўлиб, унда фақат кийиниш ва ўзни қандай тутиш кераклигинигина эмас, балки тирикчилик илмини ҳам ўрганарди. Миссис Брейсбриж билан унинг эри ўта замонавий, ўзларига ишонган одамлар бўлиб, уйни жиҳозлаш, сўнгги модада кийиниш, меҳмон кутиш ва кўпчилик орасида ўзни яхши тутиш деган нарсаларни жуда ўрнига қўйишарди. Миссис Брейсбриж, башарти инжиқлиги эътиборга олинмаганда, бирор сабаб бўлмаса ҳам бот-

бот ўз қарашларини қисқача ҳикматларда баён қилиб турарди.

— Ҳаёт — бу курашдир, азизим. Бирор нарсали бўлмоқчимисан — бунинг учун курашиш керак.

— Менимча хоҳишингга ёрдам берадиган ҳар қандай воситадан фойдаланмаслик ғоятда тентаклик бўлади (бу гапни у лабларини сал-пал бўяётиб айтди).

— Деярли ҳамма одамлар тугма тентак бўладилар. Улар ўзларига яраша кун кўрадилар ва бундан яхшироқ ҳаётга яроқсизлик қиладилар. Диди пастларга тоқатим йўқ, бу — энг катта жиноятдир.

Бу доно насиҳатларнинг кўпчилигини миссис Брейсбриж Женнига қарата айтмаётганди. Шунга қарамай Женни буларни эшитганида бепарво кета олмасди. Бу сўзлар яхши заминга тушган уруғдай кўкара бошлади. Женнида ижтимоий пиллапоя, ҳокимият ҳақида маълум бир тушунча шакллана бошлади. Юксак мавқе Женнига аталмаган бўлиши мумкин, бироқ одамга бахт кулиб боқса борми, у бир пиллапоя баландга кўтарила олади. Женни иш устида ҳам рўшнолик кўришни ўйлагани-ўйлаганди. Ўтмишини билган одам уни олармиди? Боласи борлигини қандоқ тушунтиради?

Женнининг боласи, вужудининг бир бўлаги—қувонч ва қўрқувларининг энг асосий, энг қизиқарли, доимий манбаи эди. У ақалли бир кунмас-бир кун бахтиёр қила олармикин қизалоғини?

Биринчи қишда сира қийналишмади. Тежаб-тергашга зўр берилганидан болаларнинг усти-боши бут бўлди, мактабга қатнашди, уй билан мебель ҳақини ҳам вақтида тўлаб туришди. Фақат бир марта — Герхардт, рождество байрамига етиб бораман, деб хат ёзганида буларнинг тинчи бузилаёзди. Герхардт ишлаётган фабрика рождество байрами кунларида ишламаганидан у оиласи Кливлендда қандай тургапини кўргиси келиб қолганди.

Миссис Герхардт унинг ғалва чиқаришидан қўрқмаганида борми, эри келаётганидан юраги қоқ ёрилган бўларди. Женни бу ҳақда онаси билан гаплашди. Онаси буни Басс билан маслаҳат қилувди, у бўш келмасликни маслаҳат берди.

— Хавотир олма, — деди у, — отам ҳеч нима қилолмайди. Мабодо бир нима деса у билан ўзим гаплашаман.

Герхардт келганидан кейин салгина дилхираллик бўлди-ю, бироқ миссис Герхардт кутганчалик даражага бормади. Эр кундузи келди, бу пайтда Басс, Женни ва Жорж ишда эдилар. Герхардтни иккита кенжаси вокзалда кутиб

олди. Ичкарига кириб келганида миссис Герхардт уни меҳр билан қучаркан, ҳозир сир очилса нима бўларкин, деб қалтирарди. Сир ҳам тез орада ошкор бўла қолди. Герхардт бир неча дақиқадан кейин ётоққа бош суқди. Ундаги оқ чойшабли каравотда кўҳликкина қизалоқ ухларди. Герхардт бу гўдак кимлигини ўша заҳоти сезса ҳам сир бой бермади.

— Кимнинг боласи? — деб сўради у.

—Женнининг қизи, — деди миссис Герхардт юраги ютиб.

— Анчадан бери шу ердами?

— Унчамас, — нафаси тиқилиб жавоб берди она.

— Уям шу ерда бўлса керак, — деди Герхардт қизининг исмини ҳатто айтгиси ҳам келмай.

— У хонадонда хизматчилик қиляпти, — миссис Герхардт қизининг ёнини олди.—Ҳозир ўзини жуда яхши тутяпти. Бошқа борадиган жойи йўқ. Унга тегма.

Герхардт ойласидан олисда турганида у-бу нарсаларни фаҳмлаб қолганди. Дин мавзуида мушоҳада қилар экан, хаёлига ғалати, тушунарсиз фикрлар келаверар, ҳар хил алфозда қоларди. Яратганга илтижо пайтларида, қизимни бекорга хафа қилдим, дея тан оларди. Шунга қарамай, қизига бундан-буён қандай муомала қилиш борасида ҳали бир тўхтамга келмаганди. Негаки қизи жуда оғир гуноҳ қилган, бундан кўз юмиб бўлмасди-да.

Кечқурун Женни уйга қайтганида отасига кўндаланг бўлмасликнинг иложи қолмади. Герхардт уни деразадан кўрган бўлса ҳам, гўё газетани берилиб ўқиётгандай ўтираверди. Боягина, Женнига ақалли кўз қирингни ташлагин, деб ёлворган хотини ҳозирда, бир оғиз сўзи ё қилиги билан уни хафа қилиб қўймасин-да, — деб қўрққанидан қалт-қалт титрарди.

— Ана, у келяпти, — деди миссис Герхардт эри ўтирган емакхонага кириб, Герхардт эса бошини ҳам кўтармади. — Ҳеч бўлмаса бир оғиз сўзингни аяма. — Шунда Герхардт жавоб қилишга улгурмасиданоқ эшик очилди.

Женни уйга кирганида онаси унга шивирлади:

— Отанг емакхонада.

Женнининг ранги қув ўчиб кетди-да, бармоғини лабига босганича, нима қиларини билмай тўхтаб қолди.

— У кўрдими?..

Женни шундан кейин онасининг авзойидан отаси боладан хабардорлигини пайқаб, жим қолди.

— Киравер, қўрқма, — деди миссис Герхардт. — У ҳеч нима демайди.

Женни ниҳоят эшикка яқинлашиб, отасини кўрди. Отасининг пешонасини ғазаб эмас, балки чуқур хаёлларга берилгани нишонаси бўлмиш ажин босганди. Женни бир нафас иккиланди-да, хонага кирди.

— Дада, — Женни аранг шундай деди-ю, бошқасига мажоли келмай тўхтади.

Герхардт бошини кўтарди, унинг сарғимтир кўзлари малларанг қалин қошлари остидан синовчан боқарди. Қизини кўрганида вужудида нимадир титраб кетди. Шунга қарамай, қатъиятини қалқон қилиб, қизини кўраётганидан хурсандлигини сездирмади. Дилида эса шартли, ҳаммабоп ахлоқ билан табиий оталик туйғуси аёвсиз олишарди. Бироқ бунда вақтинчаликка бўлса-да ахлоқнинг қўли баланд келди. Бунақа нарса калтабин одамларда тез-тез бўлиб туради.

— Нима? — деди у.

— Мени кечирмайсанми, дада?

— Кечираман, — Герхардт хўмрайиб жавоб қилди.

Женни бир лаҳза нима қиларини билмади, сўнг отаси томон қадам ташлади. Герхардт қизи нега яқинлашаётганини жуда яхши биларди.

— Хўш, бўлди, — деди ота қизи соқоли ўсган бетига лабини теккизар-теккизмас, салгина четлатиб.

Ота-боланинг учрашуви совуқ бўлди.

Женни ана шу аччиқ синовдан кейин ошхонага чиққанида онасининг саволчан боққанини кўраркан, ҳаммаси жойида деб тушунтирмоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини босолмади.

«Ярашдингларми?» Онаси шундай деб сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ бу оғзидан чиқмасиданоқ қизи ошхона столи ёнидаги стулга чўкди-да, бошини қўлига қўйиб, титраб, унсиз йиғлай бошлади.

— Секин, секин,— деди миссис Герхардт.— Йиғлама. У нима деди?

Женни жавоб бергани ўзига тезда кела қолмади. Онаси эса унга далда берарди.

— Эзилаверма, — деди у. — Отанг доим шунақа. Кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

XV БОБ

Герхардт келганидан кейин бола билан боғлиқ бўлган муаммолар ўзини кўрсатди-қўйди. Герхардт беихтиёр ҳолда боболарга хос бўлган, бола ҳам одам, тирик жон-ку,

деган фикрга келишга мажбур эди. Ўзига-ўзи, қизалоқни чўқинтиришганмикин, дерди. Кейин буни суриштирди.

— Йўқ ҳали, — деди хотини. У бу муқаддас бурчни унутмаган бўлса ҳам, набирасини черковга яқин йўлатишларига ақли етмасди.

— Ўзим ҳам билгандим шундоқ бўлишини! — деди Герхардт пишқириб. У хотинининг художўйлигига унчалар ишонмай юрарди. — Шунақаям бепарволик бўладими! Имонсизлар! На чора, жуда чиройли бўпти-да!

Герхардт кўп ўйлаб ўтирмай, бу чатоқликни тезда тузатиш керак, деган фикрга келди.

— Болани чўқинтириш керак, — деди у. — Нимага бундай қилмади?

Миссис Герхардт кимдир тутинган ота бўлиши кераклигини эслатди эрига. Бунинг устига қизалоқни чўқинтириш учун унинг қонуний отаси йўқлигини эътироф қилиш ҳам зарур эди.

Герхардт бу гапларни эшитганидан кейин бир неча дақиқа жим қолди, бироқ динга қаттиқ ишонганлигидан бунақа қийинчиликлар зиммасидаги бурчини унутишига сабабчи бўлолмасди. Худованди карим бунақанги майнавозчиликларга қандай қараркин? Христианларга муносиб иш бўлмабди, шунинг учун ҳам Герхардт тезда буни тўғрилашни ўйлаши керак. Женни тезда боласини черковга олиб бориши ва чўқинтириши лозим, ўзи билан хотини эса болага тутинган ота-она бўлишади. Енни Женнини бунга аралаштирмаса ҳам бўлади. Бу ишни Женни йўқлигида ўзи қилса ҳам бўлади. Герхардт бу машаққатли аҳволни ҳар тарафлама ўйлаб, ниҳоят қизалоқни яқин орадаги бирор иш кунида, рождество билан янги йил оралигида, Женни ишда бўлган маҳалда чўқинтириш керак, деган фикрга келди. Бу гапни хотинига айтган эди, у ҳам маъқул топди. Шундан кейин ўзини ташвишга солиб юрган яна битта нарсани айтди:

— Қизчага исм қўйилмаган-ку.

Женни ҳам ойисига шу гапни айтган, менга Веста деган исм ёқади, деганди. Энди миссис Герхардт буни юрак ютиб, эрига айтди.

— Унга Веста деб исм қўйсак бўлармикин?

Герхардт хотинининг гапини жуда бепарво эшитди. Ичида у бир тўхтамга келиб қўйганди. У ёшлигидан бери Вильгельмина деган исмни хотирасида асраб юрар ва нимагадир буни ўз фарзандларидан бирортасига қўймаганди. Ҳозирда неварасини яхши кўриш-кўрмаслиги хаёлига ҳам келмаётганди. Шунчаки бу исм яхши, невараси

эса ўзига уни муносиб кўрганларидан хурсанд бўлиши лозим. Герхардт паришон ва тунд қиёфада ўзининг ана шу илк туҳфасини жигарпораси бўлган набирасига бағишлади. Бу эса чиндан ҳам туҳфа эди.

— Ёмон эмас, — деди у бепарволигини унутиб. — Уни Вильгельмина атасак қандай бўларкин?

Эри беихтиёр юмшаб тургандан кейин миссис Герхардт унга қаршилик кўрсатишга ботинолмади. Шунда аёллик назокати унга қўл келди.

— Иккала исмни ҳам қўйса бўлади.

— Менга бари бир, — Герхардт ўзи ҳам сезмаган ҳолда очилиб қолганидан яна ҳурпайиб олди. — Энг кераги уни чўқинтириш.

Женни буларнинг барини эшитиб хурсанд бўлди. У диний томондан ҳам, бошқа исталган томондан ҳам қизалоғи қоқилиб қолмаслигини истарди. Тайинланган куни қизчасини ойдай қилиб олиб бориш учун кўйлагию бошқа ҳамма нарсаларини қотириб оҳорлаб, яхшилаб дазмолларди.

Герхардт яқинроқдаги лютеранлар қавмининг руҳонийси бўлган хумкалла, чорпахилдан келган, майдакаш ва расмиятчи кишини топиб, унга илтимосини тушунтирди.

— У сизнинг набирангизми? — сўради руҳоний.

— Ҳа, — деди Герхардт. — Отаси бу ерда эмас.

— Хўш, — руҳоний суҳбатдошига қизиқсиниб тикилди.

Герхардтга руҳонийни чалғитиш осон кўчмади. Қизалоқни чўқинтиргани хотинимиз икковимиз олиб келамиз, деди. Руҳоний масаланинг мушкули нимадалигини фаҳмлагандан кейин бошқа суриштириб ўтирмади.

— Сиз бобо сифатида тутинган ота бўлишни истаганингиздан кейин черков чўқинтиришдан бош тортолмайди, — деди у.

Герхардт ўз шаънига ҳам доғ тушганини ҳис этган ҳолда кетиб борар, бироқ айни чоғда зиммасидаги бурчини ўтаганидан хурсанд эди. Энди қизалоқни черковга элтишади, уни чўқинтиришади, шундан кейин Герхардт ҳамманинг кўзига тик боқаверади.

Қизалоқни чўқинтириш пайти келганида эса Герхардт негадир болага жуда қизиқиш билан қараётганини ва зиммасида улкан масъулият сезаётганини пайқади. У қаттиққўл диннинг бир вақтлар тақдирини ўз фарзандлари билан чамбарчас боғлаган сурасини яна бир бор эшитди. Бу сурага шак келтириб бўлмасди.

— Бу гўдакни инжилдагидек меҳру муҳаббат билан тарбия қилиш ниятингиз борми? — деб сўради қора ридодаги руҳоний. Герхардт билан хотини ўзлари болани олиб келишган кичкина сокин черков руҳонийси олдида туришар, у эса маросим тартибига биноан саволлар берарди. Герхардт: «Ҳа», — деди, миссис Герхардт ҳам тасдиқлаб бош иргатди.

— Гўдакни тегишлича ҳаракат ва тиришқоқлик билан тўғри йўлга солиш, ўзларинг ибрат кўрсатган ҳолда қатъиққўллик билан уни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, инжилда айтилганидай худонинг иродасига бўйсундиришни ўз зиммаларингизга оласизларми?

Герхардт бу сўзларни тингларкан, хаёлига, болаларимни чўқинтирганимда ҳам шундай бўлганди-ку, деган фикр ярқ этиб келди. Болалари ҳам унинг маънавий камолотга етказиш борасидаги ваъдасини эшитишганди. Шу хаёл билан жим турарди у.

— Ҳа, зиммамизга оламиз, — айтиб юборди руҳоний.

— Ҳа, зиммамизга оламиз, — Герхардт билан хотини итоат билан такрорлашди.

— Чўқинтириш удуми баробарида бу гўдакнинг тақдирини яратган эгамнинг қўлига топширасизми?

— Ҳа.

— Пировардида, имонингиз мустаҳкамлиги ва аҳдларингиз қатъийлиги, улар дилингиздан жой олганига худо олдида виждонан жавоб беришга ҳозир бўлсангизлар буни унинг юз-кўзи олдида: ҳа, деб тасдиқлагайсизлар.

— Ҳа.

— Ота-боболаримизнинг арвоҳлари ҳаққи Вильгельмина-Виста исмли гўдак чўқинтирилди, — руҳоний қўлини чақалоқ узра ёзиб, гапини тугатди. — Ибодат қилайлик.

Герхардт оппоқ сочли бошини эгди-да, ичида сидқидилдан дуони такрорлай бошлади.

Герхардт бу дабдабали каломларни тингларкан, хотинининг қўлидаги бир парча эт учун ўзи нақадар масъулиятли эканлигини, набирасининг ғамини ейиши кераклигини, худо олдида унинг учун жавобгарлигини сезди. У тавозе билан бошини эгиб турди, ибодатдан кейин эса хотини билан черковдан чиқди. Шунда унинг дилидан ўтаётганларни ифодалашга тили ожизлик қиларди. У динга чуқур ва қаттиқ ишонарди. Худо унинг учун тирик мавжудот, бор нарса эди. Дин якшанба кунларн айтиладиган қизиқарли фикрлар, ирод этиладиган ваъзлар эмас, балки одамлар худо билан шахсан, бевосита мулоқотда бўлган даврлардан қолган юксак имоннинг жонли ифодаси эди. Герхардт диний удумларни адо этишни қувонч ҳамда нажот манбаи, бу фоний дунёда умргузаронлик қилиши лозим бўлган

бандаси учун бирдан-бир таскин деб биларди. Герхардт черковда айтилган ва ўз қулоғи билан эшитган сўзларни ва зиммасига юкланган мажбуриятларни ўйлаганича бир-бир босиб бораркан, бола кўтариб черковга келишаётгандаги феъли айнигани кетиб, набирасига меҳри товланаётганини сезарди. Қизи қанчалар гуноҳкор бўлмасин, боласи сира ҳам айбдор эмас-ку. Бу ожиз, суяги қотмаган, ҳиқиллаб турган чақалоқ парвариш ва меҳрга зор эди. Герхардт гўдакка юраги талпинаётганини сезса ҳам осонликча ён беришни истамасди.

— Ажойиб одам экан, — Герхардт хотини билан ёнмаён бораркан, зиммасига юкланган янги бурч ҳақидаги гаплардан тезда юмшаб қолганидан руҳонийни мақтаб қўйди.

— Ҳа, тўғри, — миссис Герхардт тортиниброқ эрининг гапини маъқуллади.

— Черков ҳам яхши экан, — деди Герхардт гапида давом этиб

— Ҳа.

Герхардт теварак-атрофига, уйларга, офтобли қиш кунида гавжум бўлган кўчага ва ниҳояти хотини кўтариб бораётган гўдакка қаради.

— Чақалоқ оғирдир-а, — деди у немисчалаб. — Менга бер-чи.

Миссис Герхардт толиққанидан бунга кўна қолди.

— Мана!— деди Герхардт қизалоққа боқиб. Чақалоққа қулай бўлсин деб унинг бошини елкасига суяди. — Бугун шунча овора бўлганимизга яраша бизга муносиб невара бўлади, деб ишонамиз-да.

Миссис Герхардт эрининг гапидан нима демоқчи бўлганини жуда яхши тушунди. Боланинг уйдалиги дил хираликлар ва қаттиқ-қуртиқ гапларга ҳали кўп марта сабабчи бўлади, албатта, бироқ Герхардтни бошқа, анча қудратли бир куч тафтини босиб туради. У доимо набирасининг жонини ўйлайди. Унинг парваришидан энди сира ҳам бош тортмайди.

XVI БОБ

Герхардт Кливлендда ўтказган охирги кунларида Женнини кўрганда гўё довдираб қолар ва ўзини уни кўрмаётганга соларди. Жўнаш фурсати етганида қизи билан хайрлашмади ва хотинига, ўзинг тушунтирарсан, деб қўя қолди. Бироқ кейин, Янгстаунга кетаётиб, хайрлашмаганига афсусланди. Ғилдираклари «тақа-тақ» қилиб кетаётган поездда бораркан: «У билан хайрлашиш керак эди», дерди ичида. Бироқ энди фурсат ўтганди.

Ҳаёт эса ўз йўсинида ўтарди. Женни миссис Брейсбрижларникида хизмат қиларди. Себастьян тамаки магазинида сотувчи бўлиб мустаҳкам ўрнашиб олди. Жоржнинг маошиқи уч долларгача оширишди, кейин эса уч ярим долларга етказишди. Тирикчиликлари оғир, зерикарли ва бир хилда эди. Гаплари кўмир, егулик, пойабзал ва кийимкечакдан нарига ўтмасди. Уйдагиларнинг бари учма-уч қилиб кун кўрамиз деб ўлиб-тирилишарди.

Женни сезгир бўлганидан кўп нарсаларнинг ташвишини тортар, бироқ ўзининг тақдирини кўпроқ ўйларди. Бунда у фақат ўзини эмас, балки қизалоғи билан уйидагиларнинг ташвишини қиларди. Тақдири нима бўлишини тасаввур ҳам қилолмасди. Ўзига-ўзи: «Кимга ҳам керагим бор?» дегани-деганди. Мабодо битта-яримта ўзини севиб қолса қизининг ҳоли нима кечади? Шундай бўлиши мумкин-ку. Женни ёш, чиройли жувон бўлганидан эркаклар уни кўрганларида ликиллаб қолишар, тўғрироғи, қўлга олишга уринишарди. Брейсбрижларникига тез-тез меҳмонлар келиб туришар, улардан баъзи бирлари чиройликкина бу хизматчи қизга тегишишга уриниб кўришганди.

— Қизалоқ, жуда ҳам зўр экансиз-ку, — деди Женнига бир куни элликлардан ошган кекса бир хотинбоз. Женни унинг ҳузурига бекаснинг қандайдир топшириғи билан борган эди.

— Кечирасиз, — деди Женни уялиб ва қизариб-бўзариб.

— Рост, жуда ҳам чиройлисиз. Мендан кечирим сўрашингизнинг ҳам кераги йўқ. Сиз билан бирор куни бир суҳбатлашсам дегандим.

У Женнининг ёноғини сийпаламоқчи бўлганди, Женни чап бериб, кетишга шошилди. Буни бекасига айтмоқчи бўлди-ю, бироқ шарми йўл бермади. «Нимага эркаклар доим шунақа қилишади-я?» — дерди у ичида. Ё унда бузуқ эркакларни ўзига тортадиган қандайдир ёмон, қандайдир ички бир чатоқлик бормикин?

Ҳимоясиз кимсаларда қизиқ бир нарса бўлади. Улар асал солинган идишга ўхшайдилар, уларга биров ҳеч нима бермайди-ю, кўплаб олаверади. Юмшоқ, бўштоб, бегараз одам доимо оломоннинг ўлжаси бўлиб қолади. Одамлар унинг яхшилиги ва ҳимоясизлигини олисдан сезадилар. Женнига ўхшаган қиз жўн эркакларга бамисоли атрофида исинса бўладиган бир ўтдир. Бундайлар унга талпиниб, кўнглини овлашга, қўлга олишга интиладилар.

Шунинг учун ҳам кўп эркаклар Женнига хушомад қилиб, ҳоли-жонига қўйишмасди.

Бир куни Брейсбрижларникига Цинциннатидан Лестер Кейн деган бир киши келди. У файтон-извош ясайдиган, Цинциннатида ҳам, мамлакатда ҳам машҳур катта фабрика эгасининг ўғли эди. Лестер Кейн Брейсбрижларникида тез-тез бўлиб турарди. У айниқса миссис Брейсбриж билан яқин эди. Миссис Брейсбриж Цинциннатида ўсган, қизлигида Лестернинг отасиникига бот-бот бориб турган. У Лестернинг онаси, акаси ва опа-сингилларини яхши билар ва доимо бу хонадоннинг азиз одами бўлиб келарди.

— Сенга айтсам, Генри, эртага Лестер келяпти, — деди миссис Брейсбриж Женнининг олдида эрига. — Бугун ундан телеграмма олдим. Оббо, бекорчи-е! Уни тепадаги катта шарқча хонага жойлаштираман. Яхшироқ муомала қилгин. Унинг отаси менга доимо яхши қараганини эсингдан чиқармагин.

— Эсимдан чиқмаган, — эри хотиржам жавоб қилди.— Лестер менга ёқади. У оладаги энг келишган ва ақлли йигит. Фақат ортиқча парвойи фалак, ҳеч нимага парво қилмайди. Бирор нарсадан таъсирланмайди.

— Ҳа, лекин жуда ўктам йигит. Мен танийдиганлар орасида энг ўктами.

— Ўзимни унинг олдида жуда ҳам яхши тутаман. Сенинг дўстларингга доимо яхши муомила қиламан шекилли?

— Ҳа, жуда ҳам.

— Ҳа, худди шундоқ, — деб қўйди эри қуруқроқ қилиб.

Женни бу ажойиб одамни кўришга ҳозирланаркан, адашмаганди. Меҳмонхонага ўттиз олтиларга борган, бўйи ўртачадан баландроқ, алпқомат, бошини мағрурона тутган, кўзлари тиниқ ва даҳани хиёл чиққанроқ эркак кириб келди-да, бека билан сўрашди. Овози нақадар бақувват ва жарангдор бўлганидан меҳмонхонадаги таниш ва нотанишлар ҳам беихтиёр унга қулоқ солишди. Бу одам содда ва мухтасар гапирарди.

— Кунингиз хайрли бўлсин, — гап бошлади бека билан сўрашаркан. — Сизни яна кўраётганимдан хурсандман. Мистер Брейсбриж яхшимилар? Фэнни қалай?

Нотаниш киши тинимсиз ва дўстона саволлар берар, миссис Брейсбриж ҳам дилдан жавоб қайтарарди.

— Келганингиздан жуда ҳам хурсандман, — деди миссис Брейсбриж.—Жорж нарсаларингизни юқорига олиб чиқади. Менинг хонамга юринг, у ер шинамроқ. Бобонгиз билан Луиза яхшимилар?

Меҳмон миссис Брейсбрижга эргашиб, зинадан чиқа бошлади. Женни бу пайтда майдончада туриб, уларнинг гапини эшитаркан, меҳмоннинг беҳад жозибадор одамлигини зумда сезди. Унинг назарида бу ерга чиндан ҳам улкан, нодир одам келгандай туюлар, бунинг сабабини ўзи ҳам айтиб беролмасди. Бутун хонадон бамисоли яшнадикетди. Бека ниҳоятда мулойимлашиб, тилидан бол томадиган бўлиб қолди. Уйдаги ҳар бир одам меҳмоннинг кўнглини олгиси келарди.

Женни ишдан бош кўтармаса ҳам ҳамон келган меҳмоннинг таъсирида эди. Ичида меҳмоннинг номини такрорларди. Лестер Кейн. Цинциннатидан келибди. Женни дам-бадам меҳмонга зимдан қараб қўярди. Уни умрида биринчи марта нотаниш одам қизиқтираётганди. Меҳмон келишган, кўркам, бақувват эди. Женни унинг нима иш қилишини билгиси келарди. Бир неча марта меҳмоннинг ўзига қаттиқ синчиклаб қараганини пайқади. Женнини шунда ички титроқ босар ва иложи топилди дегунча хонадан чиқиб кетарди. Бошқа сафар меҳмон у билан гаплашмоқчи бўлганди, Женни ўзини жуда банд кўрсатиб, кетишга ошиқди. Женни кўпинча меҳмон томонга қарамаса ҳам, унинг тикилиб турганини сезиб, ғалати бўлиб кетарди. Гарчи бунга ҳеч қанақа дурустроқ сабаб бўлмасада, Женни меҳмоннинг кўзига кўринмасликни истарди.

Давлати, тарбияси ва жамиятдаги мавқеи жиҳатидан Женнидан анча баланд турган бу одам ҳам беихтиёр равишда ажойиб қизга қизиқсиниб қолди. Кўплар қаторида уни ҳам Женнининг латофати ва мулойимлиги қизиқтириб қўйди. Унда камёб, ажойиб муҳаббатдан дарак берувчи нимадир бор эди. Лестер ҳам, гарчи сабаби нималигини билмаса-да, бу қизни қўлга олиш мушкул эмаслигини пайқади, Женнини кўрган одам асло бошига шунча савдолар тушган демасди-да. Унинг хулқ-атворида заррача ноз-карашма асари кўринмаса-да, Лестер ҳар қалай мақсадига етажагини сезиб турарди. У ҳозироқ бахтини синаб кўришга тайёр эди, бироқ иши зарурлигидан тўрт кундан кейин Кливленддан жўнаб кетишга мажбур бўлди. Уч ҳафта кўринмади. Женни, у энди қайтиб келмаса керак, деб ўйлар ва жуда ғалати кўйга тушар — ҳам енгил тортар, ҳам маъюсланарди. Шунда десангиз, Лестер лоп этиб яна келиб қолди. Бу ердагилар чамаси унинг келишини кутишмаганди. Шунинг учун Лестер миссис Брейсбрижга, Кливленддда яна ишим чиқиб қолди, деб тушунтирди. Шу гапни айтаётиб Женнига бир қараб қўйган эди, қизнинг назарида бу ерга атайин ўзини деб келгандай туюлди.

Женни бу сафар Лестерни тез-тез кўриб турди. Женни гоҳо нонушта пайтида хизмат қилар, гоҳ тушлик пайтида меҳмонларни зал ёки меҳмонхонадан кузатар, гоҳо йигитни миссис Брейсбрижнинг бўлмасида кўриб қолар, Лестер бека билан валақлашгани у ерга тез-тез кириб турарди. Икковлари жуда иноқ эдилар. Женни меҳмон келган кунининг эртаси миссис Брейсбрижнинг унга қилган гапини эшитиб қолди:

— Нимага уйланмайсиз, Лестер? Эсингизни йиғиб олсангиз бўларди.

— Биламан, — деди у, — негадир хушим йўқ. Яна бир оз ўйнаб қолмоқчиман.

— Ҳа, қандай ўйнаб қолишингизни биламан. Уялсангиз бўларди. Отангизни жудаям хафа қиляпсиз.

Кейин кулимсиради.

— Отам мендан унчалар хафа бўлаётгани йўқ. У бошигача ишга кўмилган.

Женни унга қизиқсиниб қаради. У ўйлаб ўйига етолмаётган бўлса ҳам, бу одамнинг нимасидир ўзига тортарди. Сабабини нимадалигини билганида борми, орқасига қарамай қочган бўларди.

Лестер Женнига борган сари эътибор билан қарар, унга тез-тез қандайдир тасодифий нарса билан мурожаат этар ва суҳбатга тортишга ҳаракат қиларди. Женни Лестерга жавоб қилмай қололмас, у жуда ҳам ўктам ва мулойим эди. Лестер бир куни Женнини иккинчи қаватнинг коридорида шкафдан кийим олаётганида кўриб қолди. Икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ, миссис Брейсбриж у-бу олгани кетган, хизматчилар пастда эди. Кейин ўша заҳотиёқ пайтдан фойдаланди. У Женнига ниҳоятда қатъий ва жиддий қиёфада яқинлашди.

— Мен сиз билан гаплашишим керак, — деди у. — Қаерда турасиз?

— Мен... мен... Лорри-стритда,—ғўлдиради Женни ранги сезиларли даражада оқариб.

— Уйингиз нечанчи?—сўради Лестер гўё Женни жавоб беришга мажбурдай.

Женнининг юраги орзиқиб кетди.

— Ўн учинчи-ўн тўртинчи, — деди у бехтиёр.

Лестер қора-қўнғир кўзларини Женнининг йирик кўмкўк кўзларига қадаркан, гўё биридан-бирига учқун учиб ўтгандай бўлди.

— Сен меникисан, — деди у. — Сени кўпдан буён изларди. Қачон учрашамиз?

— Бунақа деманг, — деди Женни ҳаяжонда бармоғини лабларига босиб.— Мен сиз билан учрашолмайман. Мен... мен...

— Э, гапирмайми ҳали? Гап бундай,— у Женнининг қўлтиғидан олиб ўзига сал тортди,— келишиб олайлик. Сен менга ёқасан. Мен-чи? Гапир!

Женни азбаройи ҳайрат ва даҳшатда қолганидан Лестерга бақрайганча турарди.

— Билмайман, — Женнининг нафаси бўғилиб, қуруқшаган лаблари аранг қимирлади.

— Ёқаманми?

Лестер тунд ҳолда Женнидан кўзини узмай турарди.

— Билмайман.

— Менга қара.

— Ҳа... — деди у.

Лестер уни қаттиқ қучоқлади.

— Биз яна гаплашамиз, — Лестер шундай дея унинг лабидан дадил ўпди.

Женнининг гўё мушук чангалига тушган қушчадай ўтакаси ёрилиб, гангиб қолганди. Шунга қарамай бу қалтис, даҳшатли ва кескин чорловга лоқайд туролмади. Лестер кулимсираб, қўлини олди.

— Бу ерда бу бошқа бўлмайди, бироқ эсингда тут: сен меникисан, — у шундай дея ўгирилди-да, енгил, бемалол одимлаб кетди.

Вужудини қўрқув чирмаган Женни эса беканинг ётоғига ўзини уриб, ичидан қулфлаб олди.

XVII БОБ

Женни бу кутилмаган суҳбатдан азбаройи гангиб қолганидан анчагача ўзига келолмади. Аввалига у нима бўяганига сира ақли етмади. Бу нарса томдан тараша тушгандай бўлганди-да ўзи. У яна эркакка дош беролмади. Нега? Нимага? Женни ўзидан шундай деб қайта-қайта сўраса ҳам, аслида вужудининг қатида бунга жавоби бор эди. Кўнглидан нималар кечганини тушунтириб беролмаса-да, ўзи ўша одам учун, у эса ўзи учун яратилганини сезиб турарди.

Муҳаббат бобида, худди жангдагидек, ҳар кимнинг ўз қисмати бўлади. Жамиятда мавқеи Женнига нисбатан жуда баланд, бадавлат фабрикантнинг ақлли, ғайратли ва тиришқоқ ўғли камбағал хизматчи қизни кўрди-ю, бехтиёр унинг мафтуни бўлди-қолди. Лестер гарчи буни

англамаса ҳам, Женни унга маънавий жиҳатдан яқин эди. Женни — Лестер ҳамиша ўзига етишмай келаётган баъзи бир фазилатларни топа оладиган ягона аёл эди. Лестер Кейн ўзи мансуб бўлган синфнинг вакилалари бўлган бадавлат аёлларни ҳам, пролетариатнинг фарзандлари бўлмиш камбағал аёлларни ҳам, хуллас ҳар хил аёлларни кўп кўрганди. Бироқ шу чоққача ўзининг кўнглидаги аёлни — меҳрибон, саховатли, гўзал ва ёш аёлни учратмаганди. Бари бир у худди шундай аёлни орзу қиларди ва мана энди учратиб қолган экан, уни қўлдан чиқариш ниятида эмасди. Никоҳни ўйлайдиган бўлса бунақа аёлни ўз доирасидан топиши кераклигини ҳам тушунарди. Бироқ қисқа муддатли ҳаловатига ярайдиган аёлни хоҳлаган жойидан топа олар, бунда албатта никоҳ тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди. Хизматчи қизга жиддий оғиз солиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Бироқ Женни — бошқа гап. Бунақа хизматчиларни у сира кўрмаганди. Женнининг кўриниши ниҳоятда олижаноб ва мафтункор, буни чамаси ўзи ҳам сезмаса керак. Ҳа, бунақа қиз камдан-кам учрайди. Нимага энди уни қўлга олишга уриниб кўрмаслик керак? Лестер Кейнга нисбатан инсофли бўлайлик, уни тушунишга уриниб кўрайлик. Ҳар қандай ақл бирор бемаъни иш билан ўлчанавермайди; ҳар қандай одамга бирорта эҳтиросга майли туфайли баҳо берилавермайди. Бизнинг асримизда моддий кучларнинг таъсирини деярли енгиб бўлмайди, улар одамнинг қалбини эзади ва маҳв этади. Бизнинг маданиятимиз бениҳоя тез ривожланяпти ва мураккаблашиб боряпти, ижтимоий ҳаётнинг шакллари ранг-баранг ва ўзгарувчандир, толиқмас, нозик ва айниган тасаввуримизга, айтайлик, темир йўллар, учқур поездлар, почта, телеграф ва телефон, газеталарга ўхшаган ранг-баранг ҳамда кутилмаган омиллар, хуллас жамиятимиздаги муомала ва алоқа воситаларининг бор механизми таъсир қилади. Буларнинг бари яхлит ҳолда бағоят ранг-баранглик, кўзни қамаштиргувчи, тартибсиз ҳаётий чалкашлик касб этадиким, у одамнинг миясини қоқиб қўлига беради, дармонини қуритади. Бизнинг ўзига хос равишдаги ақлан толиқишимизга сабаб шундадир. Ўтаётган ҳар бир кунимиз унинг қурбонларини кўпайтиради, биров уйқусизликдан, биров хафақонликдан азоб чекади ёки жинни бўлиб қолади. Ҳозирги замон кишисининг мияси ҳар куни ўзи тўқнашадиган бир олам фактлар ва таассуротларни ўзига сиғдириш, саралаш ва сақлашга ожиздир. Биз бамисоли саҳнада яшаб, ҳамманинг назарида бўлганимиз туфайли ташқи дунёдан ўзимизни

яширадиган жойимиз йўқ. Биз ҳаддан ташқари кўп нарсани кўришимиз ва эшитишимиз лозим. Гўё интиҳосиз донишмандлик тор каллаларимизга кирмоқчига ва чекланган ақлимизга жо бўлмоқчига ўхшайди.

Лестер Кейн ана шу ғайритабиий шароитларнинг табиий маҳсулоти эди. У Рабле китобларидаги қаҳрамонлар сингари бақувват, сезгир, тийран ақл соҳиби бўлишига қарамасдан, теварак-атрофидаги нарсаларнинг хилма-хил кўриниши, беҳад серқўлам ҳаёт манзараси, ундаги майда нарсалар жилоси, тутқич бермас шакллар, уларнинг мавҳумлиги ва асосланмаганлигидан чалғиб қоларди. Католиклар оиласида ўсганига қарамай, католиклар эътиқодининг илоҳий табиатига ишонмасди. Ўзи жамиятнинг гуллари жумласидан бўлса ҳам, инсон туғилиши ва ижтимоий мавқеи туфайли бошқалардан қандайдир дахлсиз устунликка эга бўлиши мумкин, деган тасаввурни қуруқ бидъат ҳисобларди. Бадавлат меросхўр сифатида тарбияланганидан ўз доирасидан рафиқа топади деб ўйлашарди, бироқ ўзининг умуман уйланишига ишончи сира комил эмасди. Никоҳ—ижтимоий тартиб, албатта. Шундай белгилаб қўйилган, бунга шак-шубҳа йўқ. Бироқ бундан нима келиб чиқади? Инсон ўз вақтида никоҳдан ўтиши керак — бу мамлакат қонунига айланган. Ҳа, албатта. Бироқ кўп хотинлилик қонунлаштириб қўйилган мамлакатлар ҳам борку. Лестерни бошқа масалалар, чунончи, оламни чиндан биргина худонинг ўзи бошқарадими, давлатнинг қайси шакли — республика, монархия ё аристократия бошқаргани дурустми, деган масалалар ҳам қизиқтирарди. Қисқача айтганда, барча моддий ижтимоий ва маънавий муаммолар Лестернинг ақлий наштарига кўндаланг келиб, ҳозирча уларнинг ярмигина ёриб кўрилганди. Унинг учун ҳаётдаги ҳамма нарса баҳсталаб эди. Тўғри одам бўлиш керак деган эътиқодни мустасно этганда, у бирорта ҳам қоидани узил-кесил ва инкор этиб бўлмайди деб ҳисобламасди. Қолган барча нарсаларга у шубҳа билан қарар, суриштирар, кетга сурар экан, бу билан ўзини ҳаяжонлантираётган муаммоларни ҳал этиши учун оламни ҳаракатга солиб турган пинҳоний кучлар ва вақтга имкон берарди. Ҳа, Лестер Кейн диний-ижтимоий шароитлар ва тушунчаларнинг маҳсули эди, бироқ у халқимизга хос бўлган руҳ — фикрлаш ва фаолият бобида деярли беинтиҳо эркинликни туғдирувчи руҳ билан суғорилган эди. Кўринишдан тенги йўқ, сергайрат ва эсли-ҳушли, ўттиз олтига кирган бу одам амалда бебошвоқ йигит бўлиб, тарбия билан муҳит унга ташқи ялтироқлик бахш этганди, холос. Ўзи-

дан бир авлод илгари темир йўллар қуриб, шахталарда ишлаб, ариқлар қазиб, ғишт ташиб, навқирон мамлакатнинг беҳисоб қурилишларида оҳак қорган юз мингларча ирландияликлар сингари Лестер ҳам бақувват, ўзига ишонган ва тили бурро киши эди.

— Бу ерга келаси йили келсам сизга маъқул тушадими? — деб сўраганди Лестер биродар Амброзийдан. Ўшанда бу ҳазрат ўн етти яшар ўқувчи Лестерни қандайдир иши учун жазоламоқчи бўлганди.

Ҳазрат ўшанда Лестерга ажабланиб қараганди.

— Бу сизнинг отангизга боғлиқдир, — деганди ҳазрат.

— Йўғ-э, бу отамга боғлиқ бўлмайди,— эътироз билдирганди Лестер.— Қани, қамчингизни текқизиб кўринг-чи, ҳамма ишларимни ўзим ҳал қиламан. Мен жазо беришладиган иш қилганим йўқ ва бундан буён ҳеч қачон калтак емайман.

Ҳазрат, афсуски, бу сафар Лестернинг сўзларига ишонмаган, бироқ Лестернинг мушти иш берганди. У қисқагина олишувда ҳазратнинг қамчисини синдириб ташлаган, бу иш мактаб тартибига жиддий хилоф эдиким, Лестер лашлушини йиғиштириб, жўнашга мажбур бўлганди. Шундан кейин отасига у дангэл, бошқа ўқиш ниятим йўқ, деб қўя қолган эди.

— Мен иш бошласам дейман, — отасига тушунтиришга тушганди у. Классик маълумот менга тўғри келмайди. Мени идорангга ол, кўнглингни тўқ қилавер: эплаб кетаман.

Ақлли, ишига боши билан шўнғиган, шаънига доғ тушмаган кекса Арчибалд Кейн ўғлининг бу қатъиятидан жуда хурсанд бўлган ва унинг йўлини тўсмаган эди.

— На чора, идорага бор, — деганди у. — У ерда сенга муносиброқ иш топилар дейман.

Амалий фаолиятини ўн саккиз ёшидан бошлаган Лестер жуда тиришқоқлик билан ишлади ва отасининг бора-бора унга ихлоси ортиб, уни ўзининг шахсий вакили қилиб олди ҳисоби. Бирорта шартнома тузиш, бирорта муҳим иш қилиш ёки фирма вакилини жиддийроқ келишув масаласида бирор жойга юборишга тўғри келиб қолса, бу доим Лестернинг чекига тушаверарди. Отаси унга қаттиқ ишонар, Лестер ҳам ўз вазифасини ақл ва эпчиллик ҳамда шунақанги қизиқиш билан бажарардики, оқибат натижада бу ишонч бирор марта ҳам бўшашмади.

Лестер: «Ишни иш дейдилар», деган севимли нақлини тилидан қўймасди. Ана шу сўзларни қандай айтишидан ҳам унинг қанақа одамлигини билиб олса бўларди.

Лестернинг кучи вужудига сиғмас, дам-бадам қайнаб-тошиб турса ҳам, ўзини босиб олишига кўзи етарди. Масалан, унинг ичкиликка суяги йўқ бўлса-да, хурмачасига қанча сиғишини жуда яхши биларди. У ичар, бироқ кўпайтирмас, фақат ўтиришларда, дўстлари билан олар, ҳеч ҳаддидан ошириб юбормасди. Унда яна битта заифлик бор эди. Табиатан таъсирчан бўлганидан бу масалада ҳам ўзига-ўзи хўжайинлигига ишончи зўр эди: у аёллар билан тез тил топишарди-ю, бироқ ҳаммавақт хавф нимадалигини хаёлидан қочирмасди. Одамлар мабодо бунақа алоқалар табиатига кўра омонат бўлиши лозимлигини билганларида борми, бу қадар кўп кўнгилсизликлар рўй бермасди. Пировардида Лестер Кейн ўзини, чинакам ҳаёт сирини билиб олдим, деган хаёл билан овутиб юрарди. Унинг фикрича ҳамма гап ижтимоий шароитларни қандай бўлса шундайлигича, фақат *баъзи бир шартлар билан* қабул этиш ва ўзингга энг қулай бўлган ишларни қилишда экан. Дарғазаб бўлмаслик, арзимаган нарсалардан ғалва чиқармаслик, ортиқча кўнгилчанлик қилмаслик лозим. Одам бақувват бўлиши ва ҳеч бир нарсада ўзига хиёнат қилмаслиги керак. Лестернинг ҳаётий фалсафаси ана шундай эди.

Лестер Женнига олдинига ғирт худбинларча қизиқсиниб қолганди. Бироқ эндиликда ўзи эркаклик ҳукмини кўрсатиб, Женни ҳам қисман гапига юрганидан кейин унинг ажойиб қизлигини ва бир соатлик ўйинчоқ эмаслигини тушуна бошлади.

Баъзи бир эркаклар ҳаётида идеал бахтни орзу қилиб эмас, балки теварақдаги муҳит шароитларига *аланглаган ҳолда, аёлларнинг ёшлиги ва гўзаллигига онгсизларча баҳо* беришга киришган пайтлар бўлади.

«Наҳотки, — дейишади улар ўзларига-ўзлари, уйлансаммикин деган нарса устида бош қотириб, — наҳотки расмодат бўлган аҳлоққа бўйсунишимга, жамият қонунларига амал қилишимга, ўз ихтиёрим билан нафсимни тийиб, камтарин бўлишимга, бошқа бировнинг ҳамма ишларимга аралашишига ҳуқуқ беришимга тўғри келса? Буларнинг барига ўзимга ўхшаган беқарор, ҳусни ва кўркамлиги йўқолгани сари ҳар жиҳатдан ҳаддидан ошаверадиган аёлни бағримга босаётганим сабабчи бўлса?»

Бу одамлар қонуний никоҳ туфайли содир бўладиган ишларга чап бериш учун уйланмасдан бемалол юриш афзаллигини эътироф этишга мойилдирлар. Улар ўзларини уринтирмасдан ҳаёт завқини суришга интиладилар. Кейинчалик ўпка-гиналар ёки ниманидир тубдан тўғрилаш ва текислаш заруриятидан қутулган ҳолда анча мустаҳкам ҳам-

да дуруст муносабатлар ўрнатса бўлади, деб хаёл қиладилар.

Лестер Кейннинг ёшликдаги қизиқишу бебошликларининг вақти ўтган, буни ўзи ҳам биларди. Тажрибасиз йигитнинг соддадил орзуларию идеаллари изсиз йўқолди. Кўнгли аёлни тиласа ҳам, шуни деб эркинлигини барбод қилишни хаёлига камдан-кам келтира бошлади. Эркин қушлигингча қолиб, истаган нарсангга етишиб турганингдан кейин ўзингни исканжага солишнинг не ҳожати бор? Лестер ўзига муносиб аёл топиши керак, албатта. У, ана шундай аёл — Женни, деб ҳисобларди. Ундаги барча жиҳатлар Лестернинг истак ва дидига мос келар, умри бино бўлиб бунақасини учратмаганди. Унга уйланишнинг наинки иложи йўқ, ҳатто шарт ҳам эмас. Унга: «Кетдик!» дейилса бўлди — у итоат қилиши керак, қисмати шунақа.

Лестер буларнинг барини хотиржам, бепарво хаёлидан ўтказарди. У Женни турган хароб кўчадан ўтиб, бошпана вазифасини ўтаётган хароб уйчага кўз ташлади. Қизнинг ҳалол ва машаққатли, камбағал яшаётганидан таъсирланди. Унга инсоф билан муомала қилиб, тантилиги ва олижаноблигини кўрсатса бўлмасмикин? Шундан кейин Лестер Женнининг ҳусида ўткирлигини эсларкан, нияти ўзгарди. Йўқ, бугуноқ уни қўлга олиш, пайига тушиш керак, ҳа, бугун, ҳозирнинг ўзида, тезда. У Лорри-стритда айланиб, миссис Брейсбрижнинг уйига ана шундай кайфиятда қайтиб келганди.

XVIII БОБ

Женни эса бошига оғир ва мураккаб иш тушиб қолган одамдай жуда хавотирда эди. У боласини, отасини, укаларини ва сингилларини ўйлаши керак-ку. Нима қиляпти ўзи? Наҳотки яна хато қилиб, биров билан хунук, қонунсиз алоқа боғласа? Ота-онасига бу одамни ким деб тушунтиради? Женнининг сири ошкор бўлса бу одам уни олмайди, албатта. У бари бир Женнига уйланмайди, мавқеи жуда катта одам. Шунга қарамай Женни у одамнинг айтганига қулоқ солди. Нима қилсин энди? Женни кечгача шуни ўйлаб, олдинига қочмоқчи бўлди, бироқ Кейнга адресини берганини эслаб, юраги орқасига тортиб кетди. Шундан кейин ўзини қўлга олиб, иложим йўқ, сиз билан муомала қилишни хоҳламайман, демоқчи бўлди унга. Кейн йўқлигида масалани бу тахлитда ҳал қилиш Женнига осонгина кўринганди. Женни бошқа жойга ишга киради, Лестер у ерда таъқиб

этолмайди. Женни кечқурун уйига кетмоқчи бўлиб кийинаётганида ҳам буларнинг бари кўзига осондай кўринди.

Бироқ сергайрат хушторнинг бу борада ўз мўлжаллари бор эди. У Женнининг ёнидан кетганидан кейин ҳаммасини яхшилаб пишитиб олди. Зумда ишга киришишга жазм этди. Женни бор гапни ота-онасига ёки миссис Брейсбрижга айтиб қўйиши, Кливленддан кетиб қолиши мумкин эди-да. Унинг Женни қанақа шароитда яшаётганини батафсил билгиси келар, бунинг эса битта йўли бор, у ҳам бўлса ўзи билан гаплашиш эди. Лестер уни ўзи билан кетишга кўндирмаса бўлмайди. Женни бунга рози бўлса керак. Лестер ёқишини бўйнига олди-ку. Женнининг бир кўришдаёқ Лестер эътиборини жалб этган юмшоқлиги, итоатгўйлиги бу мақсадига осонроқ етишидан дарак бераётгандай эди чамаси: кўнгли тиласа бас — ўзини сира уринтирмасдан қўлга оладиганга ўхшарди. Шунинг учун ҳам Лестер мақсадига етишга уринib кўрмоқчи бўлди, чунки унинг дарҳақиқат Женнига кўнгли жуда суст кетганди.

Лестер соат беш яримда Женни кетиб қолмаганмикин деб, ўз кўзи билан кўргани Брейсбрижларникига қайтди. Соат олти бўлганда бошқаларга сездирмай Женнига бир амаллаб шивирлади:

— Сени кузатиб қўяман. Мени яқинроқдаги муюлишда кутиб тургин, хўпми?

— Хўп, — деди Женни. У Лестернинг айтганидан чиқолмаслигини сезиб турарди.

Женни шундан кейин ичида, у билан гаплашишим, бошқа учрашмаймиз, деб қатъий қилиб айтишим керак, деди. Шундай экан, гаплашиб олиш учун ҳозирги фурсатдан фойдаланиши керак-да.

Лестер соат олти яримда ниманидир баҳона қилиб уйдан чиқди — иш юзасидан ким биландир учрашиши лозимлиги эсига тушиб қолганмиш. У соат еттидан хиёл ошганда Женнини ёпиқ извошда келишилган жойда кутиб турарди. Лестер хотиржам, мақсадига етишга жуда ишонган кўринса ҳам, юзаки қатъиятию вазминлиги унинг гўё қандайдир ажойиб, муаттар, ширин ва сархуш этгувчи ис димоғига кирган одамдай бениҳоя ҳаяжондалигини яширолмасди.

Лестер соат саккиздан сал ўтганда Женнига кўзи тушди. Газ чироқ хира ёғду тараттаётганига қарамай Кейн уни бари бир таниди. Бу қизнинг жозибаси ўткир бўлганидан Лестернинг вужуди тўлқинланиб кетди. У яқинроқ келганида Лестер извошдан чиқиб, унинг рўпарасида тўхтади.

— Кетдик, — деди у. — Извошга чиқ. Уйингга обориб қўяман.

— Йўқ, — деди Женни, — иложим йўқ.

— Кетдик. Сени обориб қўяман. Извошда гаплашиш қулайроқ бўлади.

Женни яна унинг ҳукмига бўйсунди, унга қаршилик кўрсатишдан ожиз эди. Гарчи бу ишни қилмаслигини сезса ҳам, бари бир рози бўлди. Лестер эса ҳайдовчига ҳайқирди:

— Ҳозирча хоҳлаган томонингга ҳайдайвер!

Женни ёнига ўтирди дегунча Лестер:

— Гап шу, Женни, сен менга кераксан. Ўзингдан гапир, — деди.

— Мен сиз билан гаплашишим керак, — жавоб қилди Женни ўзини илгаридан ўйлаб қўйгандек тутиб.

— Нима ҳақда? — сўради Лестер, нимқоронғиликда Женнининг авзойи қандайлигини кўришга уриниб.

— Буни йиғиштиришимиз керак, — Женни ҳаяжонланиб ғўлдиради. — Мен бундай қилолмайман. Сиз ҳеч нима билмайсиз. Мен эрталаб бўлган ишни қилмаслигим керак эди. Сиз билан бошқа кўришмаслигим лозим. Рост, кўришмаслигим керак.

— Эрталабки ишни сен қилганинг йўқ, — Лестер унинг гапини илиб кетиб, қизиқчиликка олди. — Уни мен қилдим. Мен билан учрашишни хоҳламаслигинг масаласида... сен билан учрашишни мен хоҳлайман. — У Женнининг қўлтиғидан олди. — Сен мени ҳали билмайсан, мен бўлсам сени яхши кўраман. Ақлу ҳушимни олиб қўйгансан. Сен мен учун яратилгансан. Энди қулоқ сол. Сен меники бўлишинг керак. Менинг уйимга борасанми?

— Йўқ, йўқ, йўқ! — Женни изтиробда хитоб қилди. — Иложим йўқ, мистер Кейн. Илтимос, гапимга қулоқ солинг. Сиз билмайсиз. Эҳ, сиз билмайсиз. Мабодо буни хоҳлаганимда ҳам иложим йўқ. Сиз гап нимадалигини билмайсиз. Бу ишни қилмаслигим керак. Ноиложман. Истамайман. Йўқ, йўқ, йўқ! Уйимга жўнатинг.

Лестер Женнининг бу аламли илтижосини ҳамдард ҳолда тингларкан, ҳатто пича раҳми ҳам келди.

— Нимага иложинг йўқ, бу нима деганинг? — деб сўради у қизиқсиниб.

— Сизга буни айтолмайман, — жавоб қилди Женни. — Илтимос, суриштирманг. Сиз буни билмаслигингиз керак. Ўзим эсам сиз билан бошқа учрашмаслигим керак. Бу яхшиликка олиб бормайди.

— Лекин мен сенга ёқаман-ку, ахир.

— Ҳа, ҳа. Бироқ менинг сира иложим йўқ. Сиз эса мени тинч қўйишингиз керак. Илтимос!

Лестер судьядек виқор билан ичида ўзининг таклифини яна бир чамалаб кўрди. Ўзи бу қизга ёқишини биларди, очиғини айтганда, кечагина танишганларига қарамай Женни уни яхши кўради. Ўзининг ҳам унга кўнгли бор, енгиб бўлмас даражада эмас-у, ҳар ҳолда қаттиқ талпинаяпти. Қизнинг кўнгли уни хоҳлаб тургандан кейин, гапига юришига нима тўсқинлик қилаётганикин? Лестернинг синчковлиги тутди.

— Гап шундай, Женни, — деди у, — гапингни эшитдим. Уйимга боришни ўзинг хоҳлаб турганингдан кейин нимага «иложим йўқ» деяётганингни тушунолмаяпман. Ўзинг, менга ёқасиз, деяпсан. Нимага энди ўжарлик қиляпсан? Сен менга керак бўлган одамнинг ўзисан. Икковимиз жуда иноқ бўлардик-да. Сенинг табиатинг жудаям менбоп. Мен билан бирга бўлишингни хоҳлардим. Нимага ноиложман, деяпсан?

— Иложим йўқ, — деди Женни яна. — Иложим йўқ. Хоҳламайман. Буни қилмаслигим керак. Илтимос, энди сўраманг. Сиз билмайсиз. Сизга тушунтиролмайман.

Женни боласини ўйларди.

Лестер Кейн бағоят нисофли бўлганидан ҳар қандай ўйинни ҳалол ўйнашни ўрнига қўярди. У аввало бошқалар билан муомалада виждонан иш тутишга интиларди. Ҳозирда ҳам ўзини мулойим ва меҳрибон кўрсатишга ҳаракат қиларди-ю, аммо асосий мақсади — Женнини қўлга олиш эди! Шундан кейин ичида «мақбул»у «номақбул» томонларини чамалаб чиқди.

— Менга қара, — деди у ниҳоят ҳамон Женнининг қўлини ушлаб тураркан, — буни тезда ҳал қилишга мажбур этмайман сени. Яхшилаб ўйлаб олишингни истайман. Бироқ сен мен учун яратилгансан. Ўзингнинг ҳам менга кўнглинг бор. Бугун эрта билан буни менга ўзинг айтдинг. Буни ўзим ҳам биламан. Нимага энди оёқ тираяпсан? Менга ёқасан, мен ҳам сенга кўп яхшилик қилишим мумкин. Шундоқ экан, хозирча икковимиз дўстлашсак бўлмайдими? Қолган гапларни кейин гаплашамиз.

— Мен тўғри юришим керак, — деди Женни. — Хоҳламайман. Илтимос, мени тинч қўйинг. Мен сиз айтганингиздек қилолмайман.

— Гап шу, — деди у, — сен кўнглингдаги нарсани айтмаяпсан. Унда нимага менга ёқасиз, дегандинг? Зумда ўзгариб қолдингми? Менга бир қара-чи (Женни ер сузди). Менга қара! Айниб қолдингми?

— Оҳ, йўқ, йўқ! — деди Женни ўзидан кучлироқ келган нимагадир дош беролмай, йиғлагудек бўлиб.

— Унда нимага қайсарлик қиляпсан? Сени севаман, эшитяпсанми, эс-ҳушим сенда. Бу сафар шунинг учун ҳам келдим. Сени кўришни хоҳладим!

— Ростми? — Жennи ҳайрон бўлиб яна сўради.

— Ҳа. Керак бўлса қайта-қайта келган бўлардим. Сени ўлгудай яхши кўраман деяпман-ку. Мен билан бирга кетишга сўз бер!

— Йўқ, йўқ, йўқ, — деди Жennи. — Иложим йўқ. Ишламасам бўлмайди. Тўғри юришим керак. Илтимос, буни сўраманг. Кераги йўқ, қўйинг. Менга жавоб беришингиз керак. Ўлай агар! Сиз айтганингизни қилолмайман.

— Айт-чи, Жennи,—Лестер бирдан сўраб қолди,— отанг нима иш қилади?

— Шишасоз.

— Шу ерда, Кливленддами?

— Йўқ, у Янгстаунда ишлайди.

— Ойинг борми?

— Ҳа, сэр.

— У билан бирга турасанми?

— Ҳа, сэр.

Лестер илжайди.

— Мени «сэр» дема, қизалоқ, — деди у дағалроқ қилиб, — «мистер» Кейн ҳам дема. Сенга энди мистер эмасман. Сен — меникисан, эшитяпсанми?

Лестер шундай дея Жennини ўзига тортди.

— Илтимос, қўйинг, мистер Кейн, — ялинди Жennи. — О, илтимос, керак эмас! Иложим йўқ. Ноиложман. Тинч қўйинг. — Лестер бўлса унинг лабидан қаттиқ ўпди.

— Менга қара, — Лестер ўзининг яхши кўрган сўзини такрорлади, — сенга, меникисан, деяпман-ку. Ҳар дақиқа сайин менга кўпроқ ёқяпсан. Мен сени ҳали яхшироқ билмайман. Бироқ сени ташламайман. Охири меникига борасан бари бир. Сенинг хизматчилик қилишингни ҳам хоҳламайман. Яна жиндай ишлайсан, кейин бу жойингда қолмайсан. Сени бирор ёққа олиб кетаман. Сенга пул бераман, эшитяпсанми? Сен уни олишинг керак.

Жennи «пул» сўзини эшитганида қалтираб кетиб, қўлини тортиб олди.

— Йўқ, йўқ, — деди у. — Олмайман.

— Оласан. Онангга берасан. Сени сотиб олишга уринаётганим йўқ асло. Кўнглингдан нималар ўтаётганини билиб турибман. Бироқ адашасан. Сенга қарашмоқчиман. Ота-онангга кўмаклашмоқчиман. Бугун кўчангда бўлдим. Оилада неча жонсизлар?

— Олтитамиз, — Жennи аранг эшитиладиган қилиб деди.

«Оҳ, бу камбағал оилалар»,— деб қўйди ичида Лестер.

— Шундай, манавини ол, — деди яна Лестер ҳамёнини чиқараркан. — Тез орада яна кўришамиз. Энди мендан қочиб қутулолмайсан, қизалоқ.

— Йўқ, йўқ, — Жennи эътироз билдирди. — Хоҳламайман. Керак эмас. Буни мендан илтимос қилманг.

Кейин сўзини ўтказмоқчи бўлди, бироқ Жennи қаттиқ туриб олганидан кейин пулини ахири чўнтагига солиб қўйди.

— Битта нарсани айтиб қўяй, Жennи: мендан қочиб қутулолмайсан,— деди Лестер пинагини бузмай.— Эртами ё кечми, бари бир мен билан бўласан. Буни ўзинг ҳам сезиб-билиб турибсан, шундоққина ҳаммаёгингдан сезиляпти. Сендан воз кечиш ниятидамасман.

— Оҳ, мени қанчалар қийнаётганингизни билсангиз эди.

— Чиндан ҳам сени қийнаяпманми?—сўради Лестер.— Наҳотки?

— Ҳа, қийнаяпсиз. Мен ҳеч қачон сиз айтганингизни қилолмайман.

— Қиласан! Қиласан!—Лестер қайнаб кетди. Ўлжаси қўлидан сирғалиб чиқаётганини ўйларкан, эҳтироси баттар жўш урди. — Сен меники бўласан!

Лестер питирчилашига қарамай Жennини маҳкам бағрига босди.

— Шундай, — деб қўйди Лестер. Қисқа олишувдан кейин икковларини бирлаштириб турган сирли нарса Жennининг вужудида яна гивирлаб, қўл-оёғини боғлаб қўйди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди, бироқ Лестер буни пайқамаётганди. — Ўзинг ҳам кўриб турибсан-ку, ахир! Мен ҳам сенга ёқаман.

— Иложим йўқ, — деди Жennи яна ҳиқиллаб.

Жennининг ошкора изтироби Лестерга таъсир қилди.

— Нимага йиғлаяпсан, қизалоқ?—сўради у.

Жennи жавоб бермади.

— Бўлди, мени кечир, — деди у. — Бугун сенга бошқа ҳеч нарса демайман. Етиб келдик ҳисоби. Эртага жўнаб кетаман, бирор яқин орада кўришамиз. Шундай, қизалоқ. Энди сендан воз кечмайман. Сенга енгилроқ бўлиши учун ҳамма чорани кўраман, бироқ воз кечолмайман, эшитяпсанми?

Жennи бошини чайқади.

— Шу ерда тушишинг керак,—деди у извош муюлишга етганда. У Герхардтларнинг деразаларида ёруғ борлигини кўрганди. Женни аравадан тушаркан: — Кўришгунча, — деб қўшиб қўйди.

— Хайр, — ғўлдиради Женни ҳам.

— Эсингдан чиқарма, — деди Лестер, — бу бошланиши холос.

— О, йўқ, йўқ, — деди Женни илтижоли қилиб.

Лестер Женнининг кетидан қараб қолди.

— Қандай гўзал! — деб қўйди у.

Женни уйига ҳориган, гангиган, уялган бир аҳволда кириб келди. Нима қилиб қўйди? Тузатиб бўлмас хато қилиб қўйгани шубҳасиз. Лестер қайтиб келади.

Лестер қайтади. Унга пул таклиф қилди-я. Ҳаммасидан ёмони шу.

XIX БОБ

Бу ҳаяжонли учрашувдан кейин икковлари ҳам гапларни чала қолганини сезиб турсалар-да, иш шу билан тугамаслигига шак-шубҳа қилмасдилар. Лестер қиз ўзини бутунлай мафтун қилиб қўйганини сезарди. Женни жуда ёш. Ундаги бор латофатни Лестер тасаввур ҳам қилолмасди. Женнининг иккиланишлари, илтижолари, ботинмайроқ «йўқ, йўқ, йўқ!» дейишлари Лестерни бамисоли мусиқадай ҳаяжонга соларди. Қиз жуда ҳам кўркам, уни қўлдан чиқариб бўлмайди. Уйидагилару бутун оламнинг нима дейиши билан неча пуллик иши бор?

Буни карангки, Кейн Женнининг (кўнглида дош беролмаганидай) эртами-кечми жисмоний ён беришига ҳам қаттиқ ишонарди. Ўзидаги бу ишонч қайдан келганини тушунтириб беролмасди. Женнидаги нимадир — унинг бениҳоя латофатими, тўғри, соддадил қарашими—дағаллик ва ёмонликдан холи бўлган эҳтирос эгаси эканлигига ишонтирарди. Бу аёл фақат биргина, ягона эркак учун яратилганди. Севги, назокат, итоатгўйлик деган нарсалар унинг ўзида мужассам эди. Ўша ягона одам пайдо бўлса бас, Женни уни севиб, кетидан кетаверади. Лестер Женнини шундай деб биларди. Буни сезиб турарди. Женни ўзига бўйсуниши керак, чунки Лестер Женни учун худди ўша ягона одам.

Женни эса бирор ғалва чиқишини, эҳтимол фалокат юз беришини сезиб юрарди. Лестер изидан тушса борми, ҳамма нарсани билиб олади, албатта. Женни унга Брэндерни ҳали айтмаганди, нега деганда бир амаллаб қўлидан қутулиб кетишдан умидворроқ эди. Лестер кетганидан кейин ҳам унинг қайтиб келишини биларди. Қайтиб келишини хоҳлаётганини ҳам бенхтиёр сезиб турарди. Шунга қарамай унга бўш келмаслигини, илгаригидай ҳалол, машаққатли ва бир хилда кун кечириши кераклигини ҳис этарди. Бу — ўтмишининг жазоси эди. У экканини ўрмоғи лозим эди.

Кейнларнинг Лестер Женни билан хайрлашганидан кейин қайтиб келган Цинциннатидаги ваҳимали уйи Герхардтлар уйининг тамомила тескариси эди. Номаълум услубда қурилган икки қаватли дангиллама бу иморат француза қасрларини эслатар, бироқ у қизил ғишт ва қумтошдан қурилганди. Уни ўраб турган, гуллар ва дов-дарахтлар экилган ҳовли чинакам боққа ўхшар ва тошларнинг ўзи ҳам уй эгаларининг давлатмандлиги, зўрлиги ва беҳад дабдабасидан дарак бериб турарди. Хонадон бошлиғи бўлган Арчибалд Кейн бировлар ҳақига хиёнат қилиб, бирорта номаъқул ёки нопок йўл билан эмас, балки ўша пайтларда энг зарур ҳамда фойдали ишга қўл ургани учун ҳам катта бойлик орттирганди. У ёш эканидаёқ Америка навқирон, ривожланаётган давлат эканини пайқаган эди. Демак, хилма-хил экипажлар, соябон аравалар, икки ва тўрт ғилдиракли араваларга талаб жуда ортиши ва кимдир бу эҳтиёжни қондириши лозим эди. Арчибалд Кейн кичикроқ устахона очди ва аста-секин уни катта корхонага айлантирди. У яхши извошлар ишлаб чиқариб, сотиб, дуруст фойда оларди. Кейн, одамларнинг кўпчилиги ҳалол бўлишади, деб ҳисобларди. Уларга яхши, виждонан ясалган нарсалар кераклигига ишонар ва уларга шундай буюмлар таклиф этилса борми, жон-жон деб олишларини, то бойиб, қўли узун одам бўлиб кетмагунингча сендан йироқлаб кетмасликларини биларди. У, савдо бобида одам сахий бўлиши ва доимо сал ташлаб бериши лозим, деган фикрда эди. У умри бўйи, то қаригунича ўзини таниган-билган одамларнинг назаридан қолмади. «Арчибалд Кейнми? — дейишарди унинг рақобатчилари. — О, у ажойиб одам. Эпчил, бироқ ҳалол. У зўр одам».

Арчибалд Кейннинг икки ўғли ва уч қизи бўлиб, ҳаммалари соғлом, келишган, жуда ақлли эдилар. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам бағри кенглик, куч ва ғайратда бу мўътабар отага етолмасдилар. Кейннинг тўнғич ўғли қирқ ёшли Роберт молиявий масалаларда кўпдан буён отасининг ўнг қўли бўлиб қолганди. У бағоят савдогарларга хос сифатларга эга эди, яъни зийрак ва зиқна, чунки бунақа ишларда аблаҳлик аралашмаса бўлмайди-да. Роберт ўр-

та бўй, қотма, кенг пешонали ва сочи тўкила бошлаган киши эди. Оч-зангори кўзлари ўйнаб турар, бургут бурун, юпқа лаблари қайсарлиги ва эҳтиросизлигини кўрсатиб турарди. Кам гапирар, бир иш қилганда шошилмас ва ҳар қадамини ўйлаб босарди. Шаҳар чеккасидаги икки квартални банд этган улкан корхонанинг вице-президенти сифатида унинг ҳам отаси сингари мавқеи баланд эди. Роберт Кейн бераҳм, истиқболи катта корчалон эди. Отаси буни яхши биларди.

Иккинчи ўғил Лестер отасининг арзандаси эди. Молиявий масалаларда Робертдай ўткир бўлмаса ҳам, оламни ҳаракатга келтирувчи пинҳоний мурватларни яхшироқ билар, тушунарди. У юмшоқ табиат, одамгарчиликни биладиган, ҳамма нарсага олижаноб муносабатда бўладиган йигит эди. Буни қарангки, кекса Арчибалд Кейн Лестерга ишонар ва ақли билан олижаноблигига қойил бўлиб юрарди. Бирорта молиявий чалкашликка дучор бўлганида Робертга жон-жон деб мурожаат этса ҳам, Лестерни ўғил сифатида жуда яхши кўрарди.

Қизларнинг ичида каттаси Эми бўлиб, чиройли, ўғил иккига кирган, ўғил кўрган жувон эди. Йигирма саккизга кирган Иможин уй-жойли бўлса-да, ҳозирча бефарзанд эди. Оиланинг кенжатойи Луиза йигирма бешга борганига қарамай ҳали турмушга чиқмаганди. У опа-сингиллар ичида энг чиройлиси, бироқ энг совуғи ва бесабри эди. Дабдабаю иззат-ҳурматни ҳаммадан ҳам ёқтирар, Кейнлар хонадони бошқалардан баланд туришини орзу қиларди. Оиланинг ижтимоий мавқеи баландлигидан жуда ғурурланар, ўзини катта олиб, кеккайиб юришидан гоҳо Лестер ғижиниб қўярди. Лестер уни бошқа сингилларидан яхши кўрар, бироқ ўзини берироқ олиб юрса оиланинг обрўси тўкилиб қолмайди, дерди.

Буларнинг онаси, олтмиш яшар миссис Кейн камтарин ва яхши аёл эди. Турмушга чиққан дастлабки йилларида анчагина камбағалликда яшаганидан ҳозирда ҳам дабдабали ҳаётга унчалар интилмасди. Бироқ болалари ва эрини яхши кўрганидан уларнинг мавқеларию муваффақиятларидан соддадилларча мағрурланарди. Уларнинг шон-шуҳратларининг сояси ҳам миссис Кейнга кифоя эди. Миссис Кейн мулойим аёл, яхши хотин ва она эди.

Лестер Цинциннатига кечга яқин келди-ю, уйига равона бўлди. Эшикни ирландиялик кекса хизматкор очди.

— Э, мистер Лестер! — хизматкор суюниб кетди. — Қайтиб келганингиз жуда яхши бўлди-да. Пальтонгизни берсангиз. Ҳа, ҳа, бизда ҳаво жуда яхши

бўлди. Ҳа, ҳа, уйдагиларнинг бари соғ-саломат. Бўлмаса-чи, синглингиз Эми ўғиллари билан шу ерда эдилар, ҳозиргина кетишди. Волидангиз юқорида, ўз хоналарида. Шундай, шундай.

Лестер хушчақчақ илжайди-да, тепага кўтарилди. Боққа қараган, деразалари жануб билан шарқ томонга қурилган оппоққина ва ҳал берилган хонада онасини учратди. Хушрўйгина бу кампир мулойим, бир оз толиққан кўринар, оппоқ сочи силлиққина таралганди. Эшик очилганда у бошини кўтариб, ўқиётган китобини бир чеккага қўйди-да, ўғлининг истиқболига қўзғалди.

— Салом, ойи, — деди у онасини қучоқлаб, ўпаркан, — Соғ-саломатмисан?

— Ҳаммаси илгаригидай, Лестер. Яхши бориб-келдингми?

— Зўр. Яна бир неча кун Брейсбрижларникида бўлдим. Парсонлар билан кўришгани Кливлендга киришимга тўғри келди. Ҳаммалари сени сўрашди.

— Минни яхши юрибдими?

— Илгаригидай. Менимча, у сира ўзгармабди. Ҳар маҳалгидай меҳмон келса суюниб кетади.

— Жуда ақлли қиз,—деб қўйди онаси миссис Брейсбрижнинг Цинциннатида ўтган ёшлик йилларини эслаб.— У доимо менга ёқарди. Бирам бамаъники.

— Ҳозир ҳам худди ўшандай, — деди Лестер маънодор қилиб.

Миссис Кейн кулиб қўйди-да, уйдаги гаплардан тушди. Иможиннинг эри қандайдир иш билан Сент-Луисга кетибди. Робертнинг хотини касал экан — шамоллаб қолибди. Мистер Кейннинг қўлида ўттиз йил ишлаган, фабрика қоровули Цвингль деган чол қазо қилибди. Мистер Кейн унинг дафн маросимида бўлибди. Лестер, гарчи паришонроқ бўлса ҳам, онасининг сўзларини эҳтиром билан тинглади.

Лестер пастга тушганида Луизани учратди. У жуда башанг эди — таърифига бундан бошқа сўз топиб бўлмайди. Шишамунчоқ қадаб тикилган қора ипак кўйлаги гўзал қоматини таранг кўрсатар, ёқут кўзли тўғноғичи буғдоймағиз баданию қоп-қора сочига жуда ярашиб тушганди. Қоп-қора кўзларининг боқиши эса тийран эди. .

— Э, сенмисан, Лестер! — хитоб қилди Луиза. — Қачон қайтдинг? Эҳтиётроқ бўлиб ўп, меҳмонга кетяпман, юзимга упа суртганман. Оббо, айиғ-э!

Лестер синглисини маҳкам қучиб, чўпиллатиб ўпди. Луиза уни қаттиқ туртиб юборди.

— Упангни унча кўп кеткизганим йўқ,— деди Лестер.— Упадонингни олиб, яна суртақол!— Лестер шундай деб, дастурхонга ўтиришдан олдин кийиниб олгани ўзининг хонасига ўтди.

Дастурхонга ўтиришдан олдин кийиниб чиқиш Кейнлар хонадонида кейинги йилларда расм бўлганди. Бу уйга меҳмонлар тез-тез келиб турганларидан ушбу нарса заруриятга ўхшаброқ қолган, Луиза эса буни жуда ҳам ўрнига қўярди. Бу оқшом Роберт билан чол-кампирнинг эски дўстларидан эр-хотин Барнетларни кутишаётганди, шу сабабли зиёфат қуюқ бўлиши керак эди, албатта. Лестер отаси уйдалигини билди-ю, лекин уни кўришга шошилмади. У Кливлендда ўтказган сўнгги икки кунини ўйлар ва, Женнини қачон кўраркинман, деб фараз қилиш билан банд эди.

XX БОБ

Лестер кийиниб пастга тушганида отаси кутубхонада газета ўқиб ўтирарди.

— Салом, Лестер, — деди отаси унга кўзойнаги устидан қараб, қўл чўзаркан. — Қаёқдан келдинг?

— Кливленддан, — Лестер отасининг қўлини қаттиқ қисаркан, илжайиб жавоб қилди.

— Роберт менга сени Нью-Йоркда деганди.

— Ҳа, бўлдим.

— Қадрдоним Арнолднинг аҳволи қалай?

— Илгаригидай,— жавоб қилди Лестер.— Спраям қаримаган.

— Шундай бўлиши керак, — Арчибалд Кейн бу мақтов нақ ўзининг бақувватлигига қарата айтилгандай очилиб кетди. — У донмо ўзини тийиб юради. Ҳақиқий жентльмен.

Арчибалд Кейн ўғли билан меҳмонхонага ўтди. Улар то залдаги соат занг чалиб, йиғилганларга дастурхонга таом тортилганидан дарак бермагунча иш ва оилавий янгиликлардан гуруглашиб ўтиришди.

Лестер Людовик XV услубида жиҳозланган бу дабдабали емакхонада ҳузур қиларди. Ўзининг хонадони, оила аъзолари бўлган онаси, отаси, сингиллари ва хонадоннинг эски дўстларини яхши кўрарди. Хуллас у лаб-лунжини сира йиғиштириб ололмас ва бениҳоя хушчақчақ эди.

Луиза сешанба куни Ливерингларникида бал бўлишини айтди-да, Лестердан борасанми, деб сўради.

— Рақс тушолмаслигимни биласан-ку, — деди у қуруқкина. — У ерда нима қиламан?

— Рақс тушолмаслигимни? Ундан кўра, рақс тушишни хоҳламайман, деб қўя қол. Жуда дангаса бўлиб кетибсан ўзи. Роберт гоҳ-гоҳида рақс тушиб турганидан кейин сени бемалол қўлингдан келишини айтмаса ҳам бўлади.

— Робертга тенглашиш йўл бўлсин менга, унчалик эпчил эмасман,—деб қўйди Лестер бепарво.

— Илтифотда ҳам, — Луиза узиб олди.

— Эҳтимол, — деди Лестер.

— Жанжални бошлама, Луиза, — Роберт оқилона гап қистирди.

Улар тановулдан кейин кутубхонага ўтишди. Роберт укаси билан пича ишдан гаплашди. Қандайдир шартномаларни қайтадан кўриб чиқиш керак экан. Роберт укасининг фикрини эшитмоқчи эди. Луиза меҳмондорчиликка кетаётганидан унга извош кўндаланг бўлди.

— Бормайсанми энди? — сўради Луиза акасидан норозироқ оҳангда.

— Йўқ, жуда чарчадим,— деди Лестер бепарво ҳолда.— Мен учун миссис Ноулздан узр сўраб қўйгин.

— Летти Пэйс яқинда сени сўровди, — деди Луиза эшикдан чиқаётганида.

— Саломат бўлсин. Жуда хурсандман.

— Летти ажойиб қиз, Лестер, — ган қистирди камин олдида турган отаси.—Унга уйланиб, эс-ҳушингни йиғиб олсанг девдим. Яхши хотин бўлади у сенга.

— Ойдай қиз, — миссис Кейн эрининг гапини тасдиқлади.

— Нима бу, тил бириктирганмисизлар? — ҳазиллашди Лестер. — Мен, билсанглар, оилавий ҳаётга яроқсизман.

— Буни жудаям яхши биламан, — миссис Кейн буни ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб айтди. — Шунинг учун ҳам жуда афсусдаман.

Лестер гапни бошқа ёққа бурди. Бунақа таъналар жуда жонига тегарди. Шунда яна Женни, унинг аянчли қилиб: «Оҳ, йўқ, йўқ!» деганлари эсига тушди. Кўнглига ёқадиган қиз шу. Бунақасига чинакам кўнгил қўйса бўлади. У ўз манфаатини ўйлайдиган, ғаразгўй, теварагида кўз-қулоги кўпу эркак кишининг йўлида тузоқдай турган ғўл эмас, балки қаровсиз ўсаётган гулдай бениҳоя гўзал бир қиз. Жуда гўзал. Лестер шу оқшом, хонасига қайтгач, Женнига хат ёзди. Бироқ шошқалоқ кўринмаслик учун хат ёзилган кунини бир ҳафта кеч кўрсатди. Бунинг устига ўзи ҳам Цинциннатида камида икки ҳафта бўлмоқчи эди.

«Азизам Женни!

Гарчи бир ҳафта ўтган бўлса ҳам сенга хабар бермадим, ишон, сени унутганим йўқ. Мен ҳақимда жуда ёмон фикрдамисан? Мен фикринг яхши томонга бурилишига эришаман, чунки сени яхши кўраман, қизалоқ, рост, севаман. Столимда бир гул турибди, у сени жуда ҳам эслатади — оппоқ, нозик, чиройли. Сен ҳам худди шундайсан — сенинг сиймонг доимо мен билан бирга. Мен учун сен бор гўзаллик мужассамисан. Сен хоҳласанг бас — йўлимни гуллар-ла безаш сенинг ҳукмингда.

Энди ўзим ҳақимда айтмоқчиман, ўн саккизинчида Кливлендда бўламан ва сен билан учрашиш ниятидаман. Пайшанба куни кечқурун бораман. Мени жума куни чошгоҳда «Дорнтон» отелининг аёллар меҳмонхонасида кутгин. Маъқулми? Ўша ерда бирга тамадди қиламиз.

Сен уйингга боришимни хоҳламовдинг, мана, кўрдингми, айтганингни қиляпман. (Бундан-буён ҳам айтганингни қиламан — фақат битта шарти бор.) Яхши дўстлар бир-бирларидан айрилмасликлари керак, бу хавфли. Мени кутажагингни ёзиб юбор. Сенинг олижаноблигингга ишонаман. Бироқ «йўқ» деганингни қатъий қароринг ўрнида кўролмайман.

Сенга садоқатли Лестер Кейн».

Лестер хатни елимлаб, адресини ёзди. «Ўзига яраша бу жуда ажойиб қиз, — деди у ичида. — Жуда ҳам ажойиб».

XXI БОБ

Хат бир ҳафталик жимликдан кейин келди. Женни бу пайтда ўзини чуқур ҳаяжонга солаётган кўп нарсаларни обдон ўйлаб олганди. Ҳоли не кечади? Нима қилсин? Бу одамга қандай муомала қилади? Унга жавоб ёзадиган бўлса нима ҳам дейди? Женнининг шу чоққача қилган ишлари, хатто Колумбусда Бассни деб ўзини фидо қилгани ҳам, гўё ўзидан бўлак ҳеч кимга тааллуқлидай эмасди. Энди бошқаларни ҳам, ота-онаси, укаларию биринчи галда боласини ўйлаши керак эди. Миттигина Веста бир ярим яшар бўлиб қолганди. Бу жажжигина қизалоқнинг сочлари сарғиш, кўзлари катта-катта ва кўм-кўк бўлиб, онасига тортиши турган гап эди. Бунинг устига сергак ва туйғун эди. Миссис Герхардт уни еру кўкка ишонмасди. Герхардтнинг ўзи эса жуда секинлик билан юмшаб борар, ҳатто ҳозирда набирасидан айланиб-ўргилмаса ҳамки, ҳар қалай унга меҳри бор эди. Отасидаги бу ўзгаришни кўрган Женни жон-дилидан отасини бундан-буён бошини ҳам қилмасликка тиришарди. Мабодо бирорта ножўя қадам босса борми, бу отасига нисбатан кўрсатган ёмон ношукурчиликдан ташқари, келгусида қизалоғини майиб ҳам қиларди. Ўзимнинг бахтим қаро бўлди, дерди Женни ичида, бироқ Вестанинг ҳаёти бошқа гап, болани мункитиб қўядиган бирорта иш қилмаслик керак. Ё Лестерга хат ёзиб, бор гапни унга тушунтирса бўлармикин. Женни унга нотўғри йўлдан юролмайман, деди-ку. Боринги, Женни унга боласи борлигини айтиб, тинч қўйишини илтимос қилди ҳам дейлик. Гапига Лестер қулоқ солармикин? Солмаса керак. Женни ҳам Лестер тилидан илинтиришини истармиди дейсиз?

Женнини Лестерга бор гапни айтиш зарурияти қийнарди. Унинг иккиланиб турганига ана шу нарса сабабчи эди. Олдинига Лестерга хат ёзиб ҳамма гапни тушунтирмоқчи бўлди-ю, бироқ хатни йиртиб ташлади. Кейин эса бу ишга қисматнинг ўзи аралашиб қолди. Янгстаундаги фабрикада юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли қаттиқ жароҳатланган отаси тўсатдан қайтиб келди.

Герхардтдан хат чоршанба куни, августнинг бошида келганди. Бироқ бу одатдаги немисча ёзилиб, уйдагиларнинг соғ-саломатлиги суриштирилган ва ичига беш доллар солинган хат эмасди. Конвертда нотаниш киши томонидан ёзилган ва яқинда бахтсизлик юз бергани айтилган бир неча сатр бор эди. Фабрикада шиша эритилган чўмич ағдарилиб кетиб, Герхардтнинг иккала қўли ёмон куйибди. Хатнинг охирида Герхардтнинг эртасига эрталаб уйда бўлишлиги айтилганди.

— Бунисига нима дейсан! — деб юборди гангиб қолган Уильям.

— Бечора дадам! — Вероника шундай деркан кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Миссис Герхардт ўзини стулга ташлаб, қисилган муштларини тиззасига қўйди-да, полга тикилганича қолди. Ўзига-ўзи: «Энди нима қилдик!» — дерди ҳадеб. Герхардт умрбод майиб бўлиб қолгудай бўлса ҳоллари нима кечишини ўйлагандаёқ даҳшатга тушарди.

Басс уйга соат олти яримда, Женни етти яримда қайтиб келди. Басс бу гапни эшитганида бақрайиб қолди.

— Мана буниси чатоқ! — хитоб қилди у. — Хатда жуда ёмон куйган дейилмабдими?

— Дейилмаган, — жавоб қилди миссис Герхардт.

— Хўш, менимча, жуда куйиб-пишаверишнинг ҳожати

йўқ, — деди Басс. — Бундан фойда чиқмайди. Бир эпини қилармиз. Сенинг ўрнингда бўлганимда бунчалар эзилмасдим.

Басс чиндан ҳам унчалар эзилмаётганди, чунки унинг табиати шунақа эди. Куни енгил ўтарди. У воқеаларнинг замирига етишу оқибатини олдиндан кўриш деган нарсаларга йўқ эди.

— Биламан, — деди миссис Герхардт ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб. — Бироқ сира қўлимдан келмаяпти. Тирикчилигимиз энди изга тушди деганда бу янги балони кўрмайсанми. Бизга бир бало бўлганга ўхшайди. ўзи. Сираям омадимиз келмаяпти!

Женни келганида онаси ундан бошқа суянадигани йўқлигини зумда сезди.

— Нима бўлди, ойижон? — Женни ичкарига кирмасиданоқ ойисининг авзойини кўриб сўради. — Нимага йиғладинг?

Миссис Герхардт унга қаради-да, юзини бурди.

— Дадам қўлини куйдириб қўйибди, — деди Басс салмоқлаб.— Эртага келяпти.

Женни ўгирилиб, унга қўрқувли боқди.

— Қўлини куйдириб олибди!

— Ҳа, — деди Басс.

— Бу қандай бўпти?

— Шишали чўмич агдарилиб кетибди.

Женни ойисига қараркан кўзларида ёш ҳалқаланди. У миссис Герхардтга ташланиб, қучоқлаб олди.

— Йиғлама, ойижон,—деди у ўзини аранг босиб.— Эзилаверма. Сенга жуда оғирлигини биламан, бироқ ҳаммаси ўтиб кетади. Йиғлама!

Женнининг лаблари титраб, янги фалокатга дош бермоқ учун ўзини ҳадеганда қўлга ололмади. Шунда десангиз бенхтиёр равишда унинг хаёлига сирли ва қатъий бир фикр келди. Лестер! У ёрдамини таклиф қилганди-ку. Севишини айтди. Женни нимагадир шу топда Лестернинг гирдикапалак бўлганию ёрдам беришга тайёрлигини, ҳолига ачинганини тезда эслади... Басс қамалаб қолганида Брэндер ҳам шундай қилганди. Эҳтимол, Женнининг ўзини яна бир марта фидо қилишига тўғри келар? Ҳа, энди бари бир эмасми? Бахти шундай ҳам қароллигича қоляпти-ку. Женни индамай, эзилиб, ғам-андуҳдан эс-ҳушини йўқотиб ўтирган онасига қараркан, шуларни кўнглидан кечирарди. «Нега у шунчалар азоб тортиши керак, — дерди Женни ичида. — Наҳотки у шўрликнинг пешонасига ақалли жиндаккина бахт битмаган бўлса!»

— Жудаям эзилаверма, — деди Женни пичадан кейин онасига.— Балки отамнинг қўли унчалик куймагандир, Хатда эртага эрталаб келади дейилганми?

— Ҳа, — тасдиқлади миссис Герхардт ўзига келиб.

Она-бола энди хотиржамроқ гаплашиша бошлашди. Ўзларига маълум бўлган нарсаларни гаплашиб олишганларидан кейин худди бир нимани кутишаётгандай жим қолишди.

— Бирорта одам вокзалга бориб, дадамни кутиб олиши керак, — деди Женни Бассга. — Мен бораман. Миссис Брейсбриж бир нима демас.

— Йўқ,— Басс тунд ҳолда эътироз билдирди,— борма. Уни ўзим кутиб оламан.

Басс қисматнинг бу янги зарбидан хафалигини яширолмасди. Тунд ҳолда хонасига кириб, ичидан беркитиб олди. Женни билан онаси болаларни ётқизиб, ошхонага киришди.

— Энди аҳволимиз қандоқ бўлишини билмай ҳам қолдим, — деди миссис Герхардт янги фалокат туфайли қийналиб қолишларини ўйлаб сиқиларкан.

У жуда ҳам афтодаҳол ва заиф кўринганидан Женнининг юраги ачишиб кетди.

— Хафа бўлма, ойижон, — деди Женни мулойимгина қилиб ойисига. У дилида бир тўхтамга келаётганини сезиб турарди.

Олам жуда кенг. Унда сахийликлари билан бошқаларнинг кўнглини оладиган одамлар бор. Одамлар ҳаммавақт азоб-уқубатда қолиб кетавермайдилар!

Женни онасининг ёнида ўтираркан, келгусидаги бахтсизликларнинг даҳшатли одимларини эшитаётгандек бўларди.

— Ҳолимиз нима кечаркин-а, бунга нима дейсан? — дерди она Кливлендаги фаровон ҳаёт ҳақидаги орзулари кўз ўнгида барбод бўлаётганини кўриб.

— Ҳеч нима қилмайди, — жавоб берди Женни нима қилиш кераклигини энди жуда яхши билганидан, — ҳаммаси ўтиб кетади. Хафа бўлаверма. Ҳаммаси жойида бўлади. Бир амаллармиз.

Женни қисмат эндиликда барча оғирчиликларни ўзининг зиммасига юклаганини биларди. У ўзини фидо қилиши лозим, ўзга чора йўқ эди.

Басс эртасига эрталаб отасини вокзалда кутиб олди. Герхардтнинг рангида қон қолмаган, афтидан у анча азоб чекканди. Ёноқлари ич-ичига ботиб, суяклари туртиб чиққанди. Қўллари бойланган, бутун кўриниши аянчли бўлга-

нидан Басс икковлари вокзалдан келишаётганида йўловчилар унга ўгирилиб қарашарди.

— Туф-э, фалокат! — дерди у ўғлига. — Куйиб қолганимни кўрмайсанми! Бир гал оғриқ азбаройи зўрлигидан нақ жоним чиқиб кетаёзгандай бўлдим. Шунақанги оғридики! Туф-э, фалокат! Буни ўлгунимча унутмайман!

Герхардт бу фалокат қандай юз берганини батафсил гапириб берди ва гап орасида қўли илгариги ҳолига келиш-келмаслигини билмаслигини қистириб кетди. Унг қўлининг бош бармоғи билан чап қўлининг иккита бармоғи суягигача куйибди. Чап қўлидаги биринчи бўғинлар кетибди, бошмалдоғини сақлаб қолишибди, бироқ бармоқлари ишга ярамаслиги ҳам мумкин экан.

— Бу фалокат жуда-жуда пул керак бўлиб турганда юз берганини кўрмайсанми! — қўшимча қилди у. — Ана фалокату, ана кўргулик!

Улар уйга етиб, миссис Герхардт эшик очганида кекса ишчи хотини унсиз азоб чекаётганлигини кўраркан, ўзини босолмай йиғлаб юборди. Миссис Герхардт ҳам ҳиқ-ҳиқ қила бошлади. Хатто Басс хам бўшашиб кетаёзди-ю, бироқ ўзини тезда қўлга олди. Кичкиналар йиғлашга тушишганди Басс уларга бақириб берди.

— Йиғини бас қил! — деди у отасига дадил оҳангда. — Йиғи билан кулфатдан қутулолмайсан. Буёғи ҳам унчалик даҳшатли эмас. Ҳадемай тузалиб кетасан. Бир кунимиз ўтар.

Басснинг сўзлари ҳаммани бир оз тинчитди. Эри уйга қайтиб келганидан кейин миссис Герхардтнинг кўнгли яна жойига тушди. Эрининг қўли докаланган бўлса-да, оёғи бутун, бирор ери куйиб, жароҳатланмаган, бу ҳам одамга тасалли берарди. Қўли яна ишга яраб кетса ва бирорта енгилроқ юмушга кириб олса ажаб эмас. Ҳар ҳолда яхши ният қилиш керак.

Женни ўшал оқшом уйига қайтганида ўзини отаси багрига отиб, уни яхши кўришию жонини фидо қилишга тайёрлигини айтмоқчи бўлди, бироқ илгариги сафаргидай совуқдан-совуқ кутиб олади, деб юраги бетламади.

Герхардт ҳам ҳаяжонланганди. У ҳалигача қизининг маломатидан ўзига келолмаганди. Қизидан яхши гапини аямасликни хоҳларди-ю, лекин ҳозирда ҳис-туйғулари азбаройи чалкашиб кетганидан нима қилишу нима дейишни билмасди.

— Дада, — деди Женни отасига ботинмайроқ яқинлашиб.

Герхардт ҳижилликда энг жўн сўзларни айтмоқчи бўлса ҳам эплолмади. Ҳозирда бола-чақасига юк бўлиб қолгани, қизи яхши кўриб, ҳолига ачинаётгани, ўзининг ҳам фарзандига меҳри борлиги — ҳамма-ҳаммаси дилидан бирма-бир ўтди. Шу сабабли ўзини босолмай яна йиғлаб юборди.

— Мени кечир, дада, — ялинди Женни. — Ўтинаман сендан, кечира қол!

Герхардт қизига қарашга ҳатто журъат этолмади, аммо, бу учрашувдан гангиб қолганига қарамай, чиндан ҳам кечирсам бўлар деган ўй хаёлидан ўтди.

— Мен, гуноҳидан ўтгайсан, деб ўзига илтижо қилганман, — деди у хирилдоқ овозда. — Майли, ўтган ишга салавот.

Герхардт ўзини босиб олганидан кейин бундай ҳаяжонланганидан хижолат тортди, бироқ энди ота-бола икковлари анча яқинлашиб, иноқлашиб қолишганди. Гарчи ота-бола муомалада ўзларини бир оз тортиб турсалар ҳам, шу кундан бошлаб Герхардт илгаригидай талмовсирашини бас қилди. Женни отасига нақ илгаригидай яқин ва меҳрибон эди.

Шундай қилиб, хонадон яна тинчиди, бироқ янги ташвишу хавотиргарчиликларга навбат етди. Ҳафталик даромад беш долларга камайиб, харажатлар эса Герхардт келиши билан ошгандан кейин тирикчилик нима бўларди? Басс ҳафталик маошидан кўпроқ бериши мумкин бўлса ҳам, бунга мажбур эмасман, деб ҳисобларди. Демак, ҳафтада келадиган арзимас тўққиз доллар уй ҳақи, озиқ-овқат ва кўмирга етиши керак эди. Оилани ниҳоятда қийнаётган бошқа тасодифий харажатларни айтмаса ҳам бўлади. Герхардт врачга ҳар куни қўлини бойлатишга бориши керак эди. Жоржнинг пойабзали йиртилиб кетганди. Ё яна қаёқдандир пул топиш, ё яна қарзга ботиб, мухтожлик азобини қайтадан тортишга тўғри келар эди. Женни мана шуларнинг таъсирида узил-кесил бир қарорга келди.

Лестернинг хати жавобсиз қолди. Белгиланган кун яқинлашарди. Лестерга хат ёзсинми? Ахир у пул бераман деб тиқилинч қилганди-ку. Женни ахири, унинг ёрдамидан фойдаланишга мажбурман, деган фикрга келди. Шундан кейин Лестерга қисқагина хат юборди. Хатида, майли, сиз билан учрашаман, бироқ уйимга келманг, деди. Женни хатни жўнатди-ю, айтилган кун келишини кута бошлади. Унинг юраги қўрқувдан бетоқат бўлар, қувончли умидворлик деган нарсадан ҳам йироқ эмасди.

XXII БОБ

Машъум жума ҳам етиб, бир амаллаб кунини кўриб турган Женнининг бошига янги жиддий ташвишлар тушди. Энди бўлак чора йўқ, дерди у ўзича. Пешонам шўр экан. Буёғига тархашлик қилишнинг ҳожати бормикин? Женни ўз яқинларини бахтиёр қилиб, Вестани ўқитолса, бошига тушган савдоларни ҳам, Веста борлигини ҳам сездирмаса қанийди-я. Эҳтимол... ажаб эмас... бой одамлар камбағал қизларни олишган-ку, ахир. Лестер эса жуда яхши одам, ўзи ҳам унга ёқади, албатта. Женни соат еттида Брейсбрижларнинг уйига борди. Чошгоҳ бўлганда эса ойимга қарашаман деган баҳона билан жавоб олди-да, меҳмонхонага йўналди.

Лестер Цинциннатидан мўлжалидан бир неча кун олдин жўнаб кетгани учун Женнининг хатини олмаганди. У Кливлендга қовоғини уйиб, бутун дунё кўзига тор кўринган ҳолда келди. Женнининг хати меҳмонхонада кутиб ётган бўлса керак, деган жиндай умиди бор эди, бироқ у ердан ҳам бир сатр нарса топилмади. Лестер бўлар-бўлмасга бўшашаверадиган одамлардан эмасди, шунга қарамай бугун маъюс тортиб, тунд ҳолда кийимини ўзгартиргани хонасига кўтарилди. Кечки овқатдан кейин бильярд ўйнаб кўнглини ёзмоқчи бўлди, ошнаси билан ҳам ҳар маҳалгидан анча-мунча ортиқ тортиб қўйганидан кейин хайр-хўш қилди. Эртасига эрталаб, буларнинг барини йиғиштириш керак, деган мужмалроқ хаёлда турди, бироқ вақт ўтар, белгиланган фурсат яқинлашиб келарди. Лестер шундан кейин, яна жиндай сабр қилай-чи, деган қарорга келди. Эҳтимол Женни келиб қолар. Шундай қилиб Лестер белгиланган муддатдан чорак соат олдин меҳмонхонага тушди. Шунда десангиз Женни кутиб ўтирганини кўриб, юраги қоқ ёрилаёзди. Бу Женни тақдирга тан берганининг белгиси эди. Лестер хурсанд, хушчақчақ ва жилмайган кўйи унга яқин келди.

— Ҳар қалай келибсан-да, — деди Лестер йўқотган хазинасини яна қўлга киритган одамдай. — Нега хат ёзмадинг? Бедарак кетганингдан менга тоб-тоқатинг йўқ экан, деган хаёлга борувдим.

— Хат ёзувдим, — деди унга Женни.

— Қаёққа?

— Ўзингиз берган адресга-да. Уч кун олдин ёзувдим.

— Э, гап буёқда экан-да. Хат менга етмабди. Илгарироқ ёзиш керак эди. Хўш, аҳволларинг яхшими?

— Яхши, — жавоб қилди Женни.

— Нимагадир яхшига ўхшамаяпти. Кўринишингдан толиққанга ўхшайсан. Нима бўлди, Женни? Уйдагиларинг қалай, ҳаммаси жойидами?

Лестер бу нарсани тасодифан сўраганди. Нимага буни сўраганини ўзи ҳам билмасди. Бироқ унинг саволи Женнининг ўзини кўпроқ ҳаяжонга солаётган нарсадан гап бошлашига кўмаклашди.

— Отам касал, — деди у.

— Унга нима бўлди?

— Фабрикада қўли куйиб қолибди. Жонимизда жон қолмади. У энди сираям қўлини бемалол ишлатолмаса керак.

Женни жим қоларкан, руҳи жуда тушкунлиги чеҳрасидан сезилиб турарди. Лестер унинг ҳоли жуда танглигини тушунди.

— Минг афсус, — деди у. — Чиндан ҳам ачинарли. Бу қачон бўлувди?

— Уч ҳафтадан ошди ҳисоб.

— Ҳа, чакки бўлибди. Энди икковимиз бир нонушта қилайлик. Мен сен билан гаплашмоқчиман. Кетганимдан бери оилангнинг аҳволини билгим келарди.

Лестер Женнини ресторанга бошлади-да, чеккароқдаги столни танлади. Унинг кўнглини ёзмоқчи бўлиб, нонушта буюришни таклиф қилди, бироқ Женни беҳад ташвишда ва тортинчоқ эди. Шунинг учун ҳам бу ишни Лестернинг ўзи қилишга мажбур бўлди. Уни тугатганидан кейин Женнига хушчақчақ ҳолда ўгирилди.

— Қани, Женни, энди менга оиланг ҳақида бошдан-оёқ гапириб бер-чи. Ўтган сафар у-буни тушуниб олгандим, энди бўлса барининг тагига етмоқчиман. Сен, отам шишасоз, дегандинг. Энди у касбини ташлаши керак, бунисиям равшан.

— Ҳа, — деди Женни.

— Оилада сендан бошқа нечта бола бор?

— Бешта.

— Сен тўнғичими?

— Йўқ, тўнғичи Себастьян. У йигирма иккига кирган.

— Нима иш қилади?

— Тамаки магазинида сотувчи.

— Канча топишини билмайсанми?

— Ўн икки доллар шекилли, — Женни ўйлаб туриб жавоб берди.

— Бошқа болалар-чи?

— Марта билан Вероника ишлашмайди, улар ҳали

кичкина. Жорж эса Уилсоннинг магазинида дастёр. У уч ярим доллар олади.

— Ўзинг қанча оласан?

— Тўрт доллар оламан.

Лестер буларнинг даромади қанчалигини ичида ҳисобларкан, жим қолди.

— Уй ҳақига қанча тўлайсизлар? — деб сўради у.

— Ун икки доллар.

— Онанг ёш бўлмаса керак дейман?

— Яқинда элликка киради.

Лестер ўйчан ҳолда санчқини ўйнай бошлади.

— Тўғрисини айтганда, Женни, буни тахминан шундай тасаввур қилгандим,— деди у ниҳоят.—Сени кўп ўйладим. Энди менга ҳаммаси аён. Сенда энди битта чора бор, бу унчалар ёмон эмас, фақат менга ишонсанг бўлгани.

Лестер Женни гап сўрашини кутиб, жим қолди, бироқ Женни ҳеч нимани сўрамади. У ўзи билан ўзи овора эди.

— Бунинг қанақа чоралигини билишни истамайсанми? — сўради у.

— Истайман, — беихтиёр жавоб қилди Женни.

— Ўша чора менман,— деди Лестер.— Ёрдам қилишимга йўл беришинг керак. Сенга ўтган сафар ёрдам қилмоқчийдим. Лекин энди ёрдамимга йўқ демаслигинг керак, эшитяпсанми?

— Мен бунгача бориб етмас, дегандим, — Женни соддадиллик билан гапирди.

— Хаёлингга нима келганини биламан, — эътироз билдирди Лестер. — Уни эсингдан чиқар. Оилангга қараб тураман. Бу ишни орқага чўзмай, ҳозироқ қиламан.

У ҳамёнини олиб, ўн ва йигирма долларлик қоғоз пуллардан ҳаммаси бўлиб икки юз эллик доллар чиқарди.

— Ол, — деди у. — Буниси бошланиши, холос. Оилангбундан буён ҳам қийналмаслиги учун қарашиб тураман. Қани, кўлингни бер-чи.

— Йўқ, йўқ! — хитоб қилди Женни. — Бунчалик кўпининг кераги йўқ. Менга бунча берманг.

— Тортишма, — деди Лестер. — Қани, қўлингни бер.

Женни унинг қарашига дош беролмай қўлини узатган эди, Лестер унга пулни босиб, бармоқларини сал сиқиб қўйди.

— Ушла, болакай. Сени яхши кўраман, гўзалим. Мен сен ҳамда оилангдагилар қийналишларини истамайман.

Женни лабини тишлаганича, унсиз ҳолда миннатдорона боқди.

— Сизга қандай миннатдорчилик билдиришмниям билмайман,— деди Женни пировардида.

— Бунинг кераги ҳам йўқ, — жавоб қилди Лестер. — Бунинг учун мен миннатдор бўлишим керак, ҳа, ишонавер.

Лестер жим қолди. Женнининг ҳусну малоҳатига мафтун бўлганича боқди. Женни эса бошини кўтармай, буёги нима бўларкин, деб турарди.

— Ишингни ташласанг бўлмайдими?—сўради Лестер.— Кунбўйи бўш бўлардинг-да.

— Иложим йўқ,— жавоб қилди у.— Дадам йўл қўймайди. Мен пул топишим кераклигини билади-ку.

— Бу тўғри шекилли,— деди Лестер.— Бироқ ишингдан нима фойда? Ё тавба! Ҳафтасига тўрт доллар-а! Ишлата олишингга кўзим етганида борми, сенга эллик марта кўпроқ берган бўлардим.

Лестер паришон ҳолда столни бармоқлари билан чаларди.

— Иложим йўқ,— деди Женни.— Мен бу пулларни ҳам нима қилишимни билмайман. Уйимдагилар билиб қолишади. Ҳаммасини ойимга айтишимга тўғри келади.

Шундай дейишидан Лестер, Женни онасига шунақа гапни айта олса, демак она-бола яқин эканлар-да, деган хаёлга борди. У сира ҳам тошкўнгил одам бўлмаганидан бундан таъсирланди. Шунда ҳам у ниятидан мутлақо қайтмоқчи эмасди.

— Фаҳмимча, бунинг биттагина чораси бор, — Лестер мулойимлик билан гапида давом этди. — Сен хизматчи бўлишинг керак эмас. Бу сенга ярашмайди. Бунга мен қаршиман. Ҳаммасини йигиштириб, мен билан Нью-Йоркка юр; сенга ўзим қарайман. Сени яхши кўраман, шунинг учун ҳам меники бўлишингни истайман. Шунда уйингдагиларнинг ташвишини тортиб юрмайсан. Уларга яхшигина уй олиб берасан ва дидингга мослаб жиҳозлайсан. Наҳотки шуни хоҳламасанг?

Лестер жим қолди. Женни шунда дарҳол онасини, меҳрибон ойижонисини эслади. Миссис Герхардт умр бўйи мана шундай яхшигина уйни гапирганн-гапирганди-да. Каттароқ уйлари, яхшигина жиҳозлари, боғлари бўлса ойиси жуда ҳам суюнарди-да. Бунақа уйда ижара ҳақи ташвишидан ҳам, бесўнақай эски мебеллардан ҳам, одамни хўрловчи камбағалчиликдан ҳам қутулар, ўзини бениҳоя бахтли сезарди! Женни ҳозирча шуни ўйларкан, ундан кўзини узмай турган Лестер энг нозик жойига текканини пайқади. Ота-онасию укаларига яхшигина уй олиб бериш-

ни таклиф қилгани жуда жойига тушганди. Лестер яна бир неча дақиқа кутиб турди-да, сўнгра деди:

— Шундай қилишимга ижозат берасанми?

— Унда яхши бўларди-я, — деди Женни. — Бироқ ҳозир иложи йўқ. Мен уйдан кетолмайман. Дадам қаёққа кетаётганимни аниқ билишни истайди. Унга нима дейман?

— Миссис Брейсбриж билан Нью-Йоркка кетяпман десанг бўлмайдими? — таклиф қилди Лестер. — Бунга ҳеч ким бир нима демайди, тўғрими?

— Ҳа, мабодо уйдагилар бор гапнинг тагига етишмаса,— деди Женни унга ҳайратли боқиб.— Бирдан билиб қолишса-чи?

— Билишмайди,—Лестер бамайлихотир жавоб қилди.— Улар миссис Брейсбрижнинг ишларидан хабардор эмаслар-ку. Кўпга кетаётиб хизматчиларини олакетадиган бекалар озмунчами? Уйингдагиларга, менга бирга боришни айтишди, бормасам бўлмайди, деб қўя қол. Шундан кейин кетаверамиз.

— Бунинг иложи бўлармикин сизнингча? — сўради Женни.

— Албатта, — жавоб қилди Лестер. — Бунинг нимаси чатоқ?

Женни бир оз ўйлаб, шундай қилса бўлади, деган қарорга келди. Шундан кейин, бу одамга яқинлашсам яна бола кўришим мумкин, деган нарса миясига урди. Ҳомиладор бўлиб қолиш—қанчалар даҳшат... Йўқ, Женни бу ишга яна йўл қўймайди, ҳар ҳолда ўтган сафардагидай доғда қолмайди. Ҳозирда у ўзини Лестерга Веста ҳақда гапиришга мажбур этолмас, бироқ ўртада тўсиқ бўлиб турган боласини айтмаса бўлмасди.

— Мен... — Женни гап бошлади-ю, бироқ мажоли келмай тўхтаб қолди.

— Сен?..— қайтарди Лестер.— Хўш, ундан кейин-чи?

— Мен... — Женни яна тўхтаб қолди.

Лестер Женнининг уятчанлиги, керакли сўзларни айтишга ботинолмаётган юмшоққина лабларидан завқланарди.

— Хўш? — сўради Лестер далда берадиган қилиб. — Сен жуда зўрсан. Менга айтишга қўрқяпсанми буни?

Женнининг қўли столда ётарди. Лестер эгилиб, қорайган бақувват қўлини унга қўйди.

— Мен сираям болалик бўлмаслигим керак, — деди Женни охири ер сузиб.

Лестер Женнига синчиклаб тикиларкан, шунчалар мушкул, оғир вазиятда ҳам ўзини тутиши, ҳаётини ўзгартириб юборадиган ишларга соддадиллик билан бемалол жазм этаётганлиги ҳозирда қадрини бениҳоя ошираётганини сезиб турарди.

— Сен ажойиб қизсан, Женни, — деди у. — Мўъжизанинг ўзисан. Хавотирланаверма. Буни текисласа бўлади. Хоҳламаганингдан кейин бола кўришнинг кераги йўқ, буни ўзим ҳам истамайман.

Уялиб, қизариб турган Женнининг чеҳрасидан ажаблангани сезилди.

— Ҳа, ҳа, — деди Лестер. — Менга ишонасанми ўзи? Нима деётганимни биламан. Сенингча қалай?

— Ҳ-ҳа, — Женни тутилиб жавоб берди.

— Шундай. Мен ҳар қалай сени бирор фалокатга йўлиқтирмайман. Сени бу ердан олиб кетаман. Мен умуман бола-пола кўришни ёқтирмайман. Ҳозир улар мени заррача ҳам хурсанд қилолмайди. Бунга сабр қилганим маъқул. Бироқ сенга ҳеч нима бўлмайди. Сени бу хавотирга солмай қўя қолсин.

— Яхши, — Женни аранг эшитиладиган қилиб жавоб берди.

Женни ҳозирда Лестерга қарашга ўлса ҳам ботинолмасди.

— Менга қара, Женни,— деди Лестер пичадан кейин.— Мени севасан-ку, тўғрими? Мабодо сени севмаганимда шунчалар ялиниб ўтирармидим, тўғрими? Сени деб эс-ҳушимдан айрилдим, буниси аён ҳақиқат. Бамисоли шаробдай мени маст қилдинг-қўйдинг. Сен мен билан кетишинг керак. Уйингдагиларнинг аҳволини биламан, бироқ буни текисласа бўлади. Бирга Нью-Йоркка кетамиз. Кейин бирор йўлини топармиз. Сенинг уйингдагилар билан танишаман. Ўзимни сени яхши кўриб қолгандай тутаман, нимаики хоҳласанг, ҳаммасини қиламан, фақат кетга сурмай жўнайлик.

— Ҳозирнинг ўзидамас-ку?— Женни қўрқиб сўради.

— Иложи бўлса эртага. Нари борса душанбада. Сен буни эплайсан. Нима хижолатга соляпти ўзи? Мабодо миссис Брейсбриж буни айтганида борми, зумда тайёр бўлардинг, биров бир нима ҳам демасди. Ё нотўғрими?

— Ҳа,— деди Женни ўйлаб туриб.

— Унда нима халақит беряпти?

— Ёлғон гапиришга тўғри келганида доимо шунақа қийналади одам, — деди Женни ўйчан ҳолда.

— Биламан, бироқ бари бир кетсанг бўлади. Тўғрими?

— Балки бир оз сабр қилсангиз бўлар?— илтимос қилди Женни. Бари қўққисдан бўляпти-да. Қўрқяпман.

— Бир кун ҳам сабр қилмайман, болакай. Кутишга мажолим қолмаганини наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Менинг кўзларимга қара. Кетамизми?

— Яхши,— Женни маъюс ҳолда шундай деса ҳам, бари бир бу одамга меҳри товланганини сезди. — Кетамиз.

XXIII БОБ

Жўнаш билан боғлиқ нарсалар тахмин қилинганидан ҳам осон кўчди. Женни онасига ҳақиқатни айтишга, отасига эса фақат битта нарса дейишга, яъни миссис Брейсбриж мени ҳам бирга олиб кетмоқчи, дейишга жазм этди. Отаси шунда суриштиришга тушади, албатта, бироқ бирорта шубҳа-мубҳага бормайди.

Женни шу куни Лестер билан йўлакай универсал магазинга кирди. Лестер унга сандиқ, чамадон, йўл кийими ва шляпа олиб берди. Лестер ўз ғалабасидан жуда мағрур эди.

— Нью-Йоркка борганимизда сенга бирорта яхшироқ нарса олиб бераман, — деди у. — Сен ҳали баҳойингни ўзинг билмайсан, ҳамма сенга қайрилиб қарайдиган бўлади.

Лестер олинган нарсаларни сандиққа жойлаб, меҳмонхонага жўнатишларини буюрди. Шундан кейин Женни билан гапни бир жойга қўйди. Женни жўнашларидан олдин меҳмонхонага кирадиган ва кийиниб оладиган бўлди.

Женни уйга келганида онаси ошхонада эди. У қизини кўриб ҳар маҳалгидай суюнсб кетди.

— Бугун жуда чарчабсан-а? — миссис Герхардт меҳрибонлиги тутиб сўради.—Жуда толиққан кўринасан.

— Йўқ,— деди Женни,— чарчаганим йўқ. Гап бунда эмас. Сал мазам йўқ, холос.

—Бир нима бўлдими?

— Эҳ, ойижон, сенга бир нарсани айтишим керак. Бу шунчалар қийинки...

Женни онасига саволчан боқиб, жим қолди, кейин кўзини олиб қочди.

— Хўш, нима ўзи? — миссис Герхардт хавотирга тушиб сўради. Бошларига кўп кўргиликлар тушганидан у доимо бирор нарсадан хавотирда юрарди. — Ишингдан айрилмадингми ишқилиб?

— Йўқ, — жавоб қилди Женни ҳаяжонини босишга уриниб, — бироқ кетмоқчиман.

— Бўлиши мумкин эмас!— деб юборди она.— Нимага?

— Нью-Йоркка кетяпман.

Онаси бақрайганича қолди.

— Нимага бирдан кетадиган бўлиб қолдинг? Бунга қачон жазм этдинг?

— Бугун.

— Чиндан айтяпсанми?

— Ҳа, ойижон. Менга қара. Сенга у-бу гапларни айтмоқчиман. Жуда қийинчиликда яшаётганимизни ўзинг биласан. Биз бари бир ўзимизни сира ҳам ўнглаб ололмаймиз. Ҳозир эса битта одам топилиб қолди, у бизга қарашмоқчи. У, яхши кўраман, душанба куни мен билан Нью-Йоркка кетасан, деяпти. Мен кетишга қарор қилдим.

— Йўқ, Женни, сира ҳам кетмайсан!— хитоб қилди онаси. — Наҳотки яна ўшандай кўйга тушсанг! Отангни ўйлагин!

— Ҳаммасини ўйлаб қўйганман, — деди Женни қатъий қилиб. — Шунда яхшироқ бўлади. У яхши одам, мен биламан. Пули ҳам кўп. У бирга кетишимни истаяпти, мен ҳам йўқ демайман. Қайтиб келганимиздан кейин бизга янги уй олиб беради ва умуман қарашиб туради. Мени биров олмаслигини ўзинг ҳам биласан. Шундай бўла қолсин. У мени яхши кўради. Мен ҳам севаман. Нимага ҳам бормай?

— У Вестани биладими? — онаси эҳтиёткорлик билан сўради.

— Йўқ, — Женни гуноҳкорона жавоб қилди. — Менимча унга айтмаган маъқул. Бунга болани аралаштирмасликка ҳаракат қиламан.

— Бир балога йўлиқмасанг деб қўрқяпман, Женни. Наҳотки, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолиб кетади, деб ўйласанг?

— Мен у то мактабга борадиган бўлгунича сизлар билан турса, девдим. Кейин уни ўқитгани бирор ёққа жўнатардим.

— Шундайку-я, — қўшилди онаси. — Бироқ ҳозирнинг ўзида унга очиқ айтганинг маъқулмикин? Мабодо бор гапни айтсанг сен ҳақингда яхши фикрда бўлади.

— Гап бундамас. Гап Вестада, — Женни қизғин гапирди. — Уни бу ишга бутунлай аралаштирмоқчи эмасман.

Ойиси бошини чайқади.

— У билан қаерда танишувдинг? — сўради ойиси.

— Миссис Брейсбрижникида.

— Кўп бўлдими?

— Ҳа, деярли икки ой бўлди.

— Шундаям бир оғиз бир нарса демадинг-а, — ёзғирди миссис Герхардт.

— Менга қанақа муносабатда бўлишини билмовдимда, — деди Женни гуноҳкорона.

— Сабр қилсанг бўлармиди? У олдин уйимизга келса бўлмайдими? — сўради ойиси. — Ўшанда ҳаммаси жўнроқ кўчарди. Сен кетиб қолганингда ҳам отанг бари бир ҳаммасини билиб олади.

— Мен, миссис Брейсбриж билан бирга кетяпман, демоқчиман. Отам ўшанда оёқ тирамайди.

— Ҳа, дарвоқе, — онаси ўйчан ҳолда рози бўлди.

Она-бола бир-бирларига унсиз қарашди. Миссис Герхардт эндиликда қизининг қалбидан жой олган бу янги, ажойиб кишини хаёлан кўз олдига келтиришга ҳаракат қиларди. У бадавлат. Женнини олиб кетмоқчи. Ўзларига янги уй олиб бермоқчи. Нақ эртаклардагига ўхшайди-я!

— У манавиниям берди, — қўшимча қилди Женни онасининг кўнглидан кечаётган нарсаларни худди сезиб тургандай.

У кўкрагига яшириб қўйган икки юз эллик долларни олиб, миссис Герхардтнинг қўлига солди.

Миссис Герхардт ҳайрон бўлгунича пулга тикилиб қолди. Кўк ва сариқ пулларнинг ушбу дастасида барча ташвишлар — овқат, кийим, кўмир, уй ҳақи ташвишларидан қутулиш мужассам эди. Уйда пул кўп бўлса борми, Герхардтнинг, қўлим куйиб қолганидан бекор ўтирибман, деб сиқилишига ҳожат қолмайди. Жорж, Марта ва Вероникага яхши нарсаларни олиб бериш мумкин бўлади, улар ҳозир буни шунақанги исташяптики, асти қўявераси! Женнининг кийимига сон тегади, Веста ўқийди.

— Бир кунмас-бир кун мени олади, деб ўйлайсанми? — сўради ниҳоят она.

— Билмадим, — жавоб қилди Женни. — Эҳтимол. Мен фақат бир нарсани — севишини биламан, холос.

— На чора, — деди миссис Герхардт пича жимликдан кейин, — мабодо отангга кетмоқчиман демоқчи бўлсанг, чўзиб ўтирма. Шусиз ҳам кетишинг унга жуда галати кўринади.

Женни ҳаракатлари беҳуда кетмаганини тушунди. Она вазият таъсирида бунга кўникишга мажбур бўлганди. У изтиробда бўлса ҳам, ҳар қалай, назарида бунинг кети яхши бўладиганга ўхшарди.

— Сенга ёрдамлашаман, — деди онаси хўрсиниб.

Ёлғон гапириш миссис Герхардтга осон бўлмади, бироқ у пинагини бузмай ёлғон ишлатдики, эрининг ҳар

қандай шубҳа-гумонларини тарқатиб юборди. Бу янгиликни болаларга айтишганида улар чуғурлашиб кетишди, кейин бу ёлғонни отасига Женни ҳам қайтарган эди, ҳаммаси анча силлиқ чиқди.

— Кўпга кетяпсанми? — деб сўради у.

— Икки, уч ҳафтага, — жавоб қилди Женни.

— Бу кўнгилли саёҳат, — деди Герхардт. — Нью-Йоркда бир минг саккиз юз қирқ тўртинчи йилда бўлгандим. Унда ҳозиргидай эмас, кичкина шаҳарча эди.

Герхардт қизининг омади келганидан ичида жуда хурсанд эди. Бекаси ҳам ундан хурсанд экан-да.

Душанба куни келди. Женни барвақт туриб, уйидагилар билан хайр-хўш қилди-да, Лестер кутиб турган «Дорнтон» меҳмонхонасига борди.

— Оббо, сен-э! — деди Лестер хушчақчақлик билан Женнини аёллар бўлимида кўраркан.

— Ха, — деб қўя қолди Женни.

— Сен — менинг жиянимсан, — гапида давом этди Лестер. — Ёнимдаги хонани сенга олиб қўйганман. Ҳозир калитга одам юбораман, кириб кийиниб чиқасан. Тайёр бўлганингдан кейин сандиғингни вокзалга жўнатаман. Поезд соат бирда жўнайди.

Женни кийингани кетди, Лестер эса бекорчиликдан газета ўқиб, чекиб турди, пировардида бориб, Женнининг эшигини тақиллатди. Женни кийиниб олганидан ўша заҳоти эшикни очди.

— Зўрсан, — деди Лестер жилмайиб.

Женни ер сузди, унинг кўнгли хира ва дилгир эди. Ўз ролини бажармоғи йўлида роса айёрлик қилишга, ёлғон гапиришга, нари бориб, бери келишга мажбур бўлган ва буларнинг бари унга қимматга тушганди. У ҳорғин ва қийналган кўринарди.

— Хафа бўлдингми?— сўради Лестер унга диққат билан тикилиб.

— Й-йўқ, — жавоб қилди у.

— Бўлди-бўлди, қизалоқ, қўй. Ҳаммаси яхши бўлади.

Лестер Женнини қучоқлаб ўпди, шундан кейин иккови пастга тушишди. Женнининг ҳаттоки ана шу одмироқ кийимда ҳам нақадар гўзаллигидан Лестер ҳайратда эди. Бунақа либосга эса Женни умрида биринчи марта етишганди.

Улар вокзалга кўз очиб-юмгунча етишди. Кейин поезд жўнашига етиб бориш ниятида жойни олдиндан олиб қўйганди. Улар катта вагоннинг купесига жойлашишди. Лестер терисига сиғмас, олам кўзига бениҳоя гўзал кўринар-

ди. Женни ёнида. Кўзлаган мақсадига етди. Доимо шунақа бўлаверса қани энди.

Поезд қўзғалди. Женни деразадан ўйчан боқарди. Ташқарида муздек ёмғирда ивиган ва қўнғир тусга кирган далалар ястаниб ётарди. Дарахтлар кузак бўлганидан япроқларини тўкишган. Ясси текисликлар орасида гўё ерга баттар қапишмоқчи бўлган пастак томли уйчалар кўзга ташланарди. Поезд мўъжазгина қишлоқлар ёнидан гувиллаб ўтар, бу қишлоқлар оқ, сариқ, қўнғир вайроналар тўдаси бўлиб, уларнинг томлари ёмғир-қордан қорайиб кетганди. Бу уйчаларнинг бири Женнига Герхардтларнинг Колумбусдаги эски уйини эслатди. Женни шунда кўзига дастрўмолини босиб, оҳиста йиғлади.

— Йиғлаяпсанми, Женни? — Лестер ўқиётган хатидан бош кўтариб қўққисдан сўради. — Секинроқ, секинроқ,— гапида давом этди у Женнининг бутун вужуди титраётганини кўриб. — Бу ишинг ярамайди. Ақлли бўл. Кўз ёшидан нима фойда?

Женни жавоб бермади. Лестер шунда Женнининг беҳад изтиробда эканлигига раҳми келди.

Женни ўзини аранг қўлга олиб, кўз ёшини арта бошлади.

— Бунчалар эзилаверишнинг кераги йўқ, — гапида давом этди Лестер. — Бундан баттар бўласан, холос. Тушунаман, уйдан кетишинг қийин, бироқ кўз ёшининг фойдаси йўқ. Майлайкейин, бадар кетаётганинг йўқ-ку. Қайтиб келасан. Мени ҳам севасан, шундайми, қизалоқ? Сен учун бирор нарсага арзийманми ўзи?

— Ҳа, — деди Женни жилмайишга ҳаракат қилиб.

Лестер яна хат ўқишга тушди, Женни эса Вестани ўйлай бошлади. Ўзига азиз бўлиб қолган одамидан ҳам яширадиган сири борлигидан бир хил бўлаётганди. Лестерга боласи борлигини айтиши кераклигини билар, бироқ шуни ўйлаганида қалтироқ босаверарди. Бир кунмас-бир кун Лестерга ёрилишга ҳам ботиниб қолар. «Унга айтмасам бўлмайди, — ўйларди Женни ўзича ҳаяжон босиб; шунда бирдан бу жуда жиддий нарсалиги хаёлига келиб қолди. — Бу гапни унга бошидан айтмасаму бирга тура бошласак, кейинчалик ҳаммасини билиб олади, ана унда, мени кечирмайди. Ҳайдаб юбориши мумкин, ўшанда қайга бораман? Бошқа уйим йўқ, Веста билан қаёққа бораман?»

Женни дилига ваҳима қутқу солиб, Лестерга қаради, бироқ рўбарўсида басавлат, хатдан бошини кўтармаётган силлиққина эркак ўтирар, унинг на янгигина қиртишланган қип-қизил юзида, на мамнунлиги сезилиб турган бутун вужудида дарғазаб Немезидани эслатувчи бирор асар кўринарди. Женни ундан кўзини олиши биланоқ Лестер ўз навбатида унга қаради.

— Хўш, йиғлаб гуноҳларингдан қутулиб олдингми?— хушчақчақлик билан сўради Лестер.

Женни салгина жилмайиб қўя қолди. Шама бенихтиёр ҳолда мўлжалга текканди.

— Ҳар ҳолда... — деб қўйди Женни.

Лестер бошқа нарсадан гап бошлади. Женни эса деразадан тикилганича, ҳозир бор гапни айтмоқчи бўлаётгани, бироқ ҳеч иш чиқмаётганини ўйларди. «Кўп чўзиб бўлмайди», — Женни ичида шундай деса ҳам, яқин орада ботиниб ҳаммасини айтиб бераман, деган ўй билан ўзини тинчитди.

Эртасига Нью-Йоркка етишди, шунда Лестер, қаерда турсак экан, деган жиддий муаммога кўндаланг бўлди. Нью-Йорк—катта шаҳар, бу ерда таниш-билишларни учратиш хавфи кам, шунга қарамай Лестер таваккалчиликни хуш кўрмасди. Шу важдан у извошчига энг зўр меҳмонхоналардан бирига олиб боришни буюрди-да, иккиуч ҳафта туриш учун кўп хонали номер олди.

Женни энди жуда бошқача, одамни гангитадиган шароитга тушиб қолганидан ўзини бутунлай бўлак оламда сезаётгандай бўларди. Кейи арзон-гаров, қуруқ дабдабани ёқтирмасди. У доимо содда ва нафис нарсаларни ёқтирарди. Женнига нима зарурлигини дарҳол тушуниб, керакли нарсаларни яхшилаб ва дид билан олиб берди. Женни ҳам энди Лестер олиб берган чиройли кийимлар ва ажойиб буюмлардан чинакамига шод эди. Ёқаси ва енги французча заррин тўр йўрмалган кўк бахмал кўйлаги ярашиб турган қоматини кўзгуда кўраркан, наҳотки шу мен, Женни Герхардт, кирчиннинг қизи бўлсам, дерди ўзига-ўзи. Наҳотки ўн доллар турадиган енгил ва чиройли туфли кийган оёқлару қимматбаҳо чақноқ узуклар тақкан қўлчалар ўзиники бўлса? Бунчалар бойликка ботгани ғирт мўъжизанинг ўзгинаси-ку! Лестер Женнига онаси ҳам бу борада қуруқ қолмаслигини айтди. Женни шуни ўйлаганида кўзларига ёш келди. Мунис, муҳтарама ойижонисн!

Лестер Женнини дарҳақиқат ўзига мупосиб аёл даражасида ясантиришдан жуда завқланарди. Бунда ўзининг бор қобилиятини ишга солди, натижа у кутганидан ўн чандон ошиб тушди. Коридорларда, ресторанларда ва кўча-

ларда одамлар Женнига қайрилиб қараб, кўзларини узолмай қолишарди.

— Зўр нарса экан! — теварак-атрофдан шунақа гаплар қулоққа чалинарди.

Аҳволи кескин ўзгариб кетганига қарамай, Женнининг боши гангимади, эс-ҳушини ҳам йўқотмади. Бу вақтинча нарса эканлигини, кейин яна ҳаммасидан айрилиб қолишини юраги сезиб турарди. Бачкана шуҳратпарастлик ёт эди унга. Лестер уни кузатиб юраркан, шунга амин бўлди.

— Сен ажойиб аёлсан, — деди у. — Ҳали очилиб-сочилиб кетасан. Шу пайтгача рўшнолик кўрмагандинг.

Лестернинг, бу гап уйдагиларнинг қулоғига етиб қолса, уларга қандай тушунтираман, деб боши қотарди. Мабодо Чикаго ёки Сент-Луисда (буни илгари ҳам ўйлаб қўйганди) бирорта уйни ижарага олса, сир сирлигича қолармикин? Унинг Женнини чинакамига, юрак-юрагидан севишига ишончи комил эди.

Қайтадиган фурсат етганида Лестер Женни билан келгусидаги режаларни муҳокама қилишга тушди.

— Мени отангга, танишим, дейишга ҳаракат қилавер, — деди у. — Шунда жўнроқ бўлади. Уйингизга бораман. Кейинчалик отангга, биз турмуш қурмоқчимиз десанг, у ҳайрон бўлиб ўтирмайди.

Женни Вестани ўйларкан, ички қалтироқ босди. Аммолекин, отасини индамасликка кўндирса ажаб эмас.

Лестер Женнига, Кливленддаги кийимингни сақлаб қўй, уйингга ўшанда қайтасан, деган оқилона гапни айтди.

— Қолган нарсалардан хавотир олма, — деди у. — Мен янгича ҳаёт бошлагунимизча уларни асраб қўяман.

Ҳаммаси жуда енгил ва осон бита қолди: Лестер йўригини топишга жуда уста эди.

Улар Нью-Йоркда тўришганида Женни деярли ҳар куни уйига хат ёзар ва унга онасига аталган бир энликкина қоғозни ҳам солиб юборарди. Бир куни онасига аталган хатида Лестер уйларига бормоқчилигини айтиб, отасининг этини ўлдириб туришни, яхши одам билан танишганлиги, у қизини севиб қолганлигини айтишни сўради. Женни Вестага дахлдор қийинчиликларни ҳам тилга олганидан миссис Герхардт эрининг тилини тийиш режаларини туза бошлади. Бу сафар ҳаммаси силлиқ чиқиши керак эди-да. Женнининг турмушини изга солиб олишига имкон бериш лозим. Ниҳоят Женни қайтиб келиб, уйдагиларнинг бошлари осмонга етди. У илгариги ишига қайтолмасди, албатта. Миссис Герхардт эса эрига миссис Брейсбриж Женнига маоши ошиқроқ ва яхшироқ иш топиб олиши учун икки ҳафталик ҳақини олдиндан тўлаб қўйганини тушунтирди.

XXIV БОБ

Лестер Кейн Герхардтларнинг ишини ва улар билан муомаласини вақтинча тўғрилаб, Цинциннатига, ўз ишига қайтди. У шаҳар чеккасидаги нақ икки квартални эгаллаган фабриканинг ҳаётига чинакамига қизиқар, фирманинг барча муваффақиятлари ва истиқболи отаси билан акаси сингари унинг ҳам жонажон иши эди. Ўзини улкан ва тобора кенгайиб бораётган корхонанинг зарурий қисмидай ҳис этиш ёқарди унга. Темир йўлда «Кейн компанияси, Цинциннати» деган ёзувли юк вагонларини ёки турли шаҳарлардаги улкан магазинларнинг деразаларидан ўз фирмасида ясалган хилма-хил экипажларни кўрганда жуда суюниб, терисига сиғмай кетарди. Шундай мустаҳкам, эътиборли корхонанинг вакили бўлиш ҳазил эмас-да! Буларнинг бари зўр, бироқ эндиликда Лестернинг ҳаётида янги давр бошланган, қисқача айтганда, қалбидан Женни ўрин олганди. Лестер она шаҳрига қайтаркан, Женни билан алоқаси кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини сезарди. Отам бунга қандай қараркин, деб ҳайиқарди. У ҳаммасидан ҳам акасини кўпроқ ўйлашга мажбур эди.

Роберт совуқ ва расмиятчи, ижтимоий ҳаётда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам бенуқсон одам эди. У сира ҳам жиддий ҳукм суриб келаётган одоб-ахлоқ доирасидан чиқмас, сезгирликда ҳам, олижанобликда ҳам бошқалардан ажралиб турмас, ўзини бирор дурустроқ сабаб ёки ақалли зарурият билан оқлай оладиган бўлса борми, ҳар қанақа товламачиликдан ҳам тоймайдиган одам эди. Бундай пайтларда унинг қандай мулоҳаза юритиши Лестерга қоронғи эди, чунки у одоб-ахлоқ доирасидан чиқмайдиган акасининг бешафқат усулларига чидаб турадиган мантиқ найрангларига кўз-қулоқ бўлиб туролмасди. Роберт эса буни жуда ўрнига қўярди. «У шотландиялик воиздай ваъз қилса ҳам, ўлжани осиёнйдек сезади», — деганди Лестер бир куни акаси ҳақида кимгадир. Ўшанда бу таъриф жуда ёпишиб тушганди. Шундай бўлса ҳам Лестер акасини жойидан қўзғатолмас, у билан тортишолмасди ҳам, чунки

кўпчиликнинг фикри Роберт томонда эди. Роберт худди рисоладагидай иш тутар, фикрни ҳам ўшанга мослаб юритарди.

Ака-ука сиртдан қараганда жуда иноқ бўлишса ҳам, ичларида бир-бирларига бегона эдилар. Роберт умуман укасига яхши муомала қилар, бироқ молиявий масалаларга ақли етишига ишонмасди. Бунинг устига ака-ука ҳаётга муносабат борасида бир-бирларига ўхшашмасди. Лестер қудратли доллар кетидан қувишдек қаттиқ ва кескин ишга шўнгиб кетгани учун уни ичида ёмон кўрарди. Роберт эса Лестернинг енгилтаклигини қоралаб, бу нарса уни эртами-кечми бари бир бир балога гирифтор қилишига ишончи комил эди. Ҳамма тизгин отанинг қўлида бўлганидан ака-ука иш масаласида жиддий тўқнашишмаганди. Бироқ ўрталарида майда-чуйда гаплар бўлиб турар ва бунда шамол қаёқдан эсаётганини билиш қийин эмасди. Лестер савдо ишларини дўстона муносабат, шахсий танишлик, мурувват ва ён бериш негизида олиб бориш керак, дерди. Роберт эса, кескин йўл тутиш, ишлаб чиқаришдаги сарфларни камайтириш керак ва ҳар қандай рақобатчиларни синдириш учун арзон сотиш зарур, деб ҳисобларди.

Кекса фабрикант ака-укани доимо тинчитиб, ғалва чиқармай юрса ҳам, бир кунмас-бир кун катта жанжал бўлишини сезарди. Ана ўшанда ўғилларидан бирортаси ёки иккови ҳам ишдан четлаб кетса ажаб эмас. «Икковларинг келишиб юрсанг бўларди!» — дерди у кўпинча ўғилларига.

Лестерни яна бир нарса — отасининг никоҳга, тўғрироғи, ўзининг уйланиши масаласига қараши ҳам хавотирга соларди. Арчибалд Кейн доимо Лестерга, уйланишинг керак, бу ишни чўзиб катта хато қиляпсан, дегани-деганди. Чолнинг Луизадан бошқа ҳамма болалари дуруст одамларга уйланиб, турмушга чиқиб кетишганди. Арзанда ўғли ҳам улардан ибрат олса бўлмайдими? Бу ҳамма масалада Лестерга зарар беришига чолнинг имони комил эди.

— Сенинг мавқеингдаги одам уйланган бўлиши керак, — деганди у ўғлига кўп марта. — Бу сени одамлар юзкўзи олдида салобатли қилади. Ўзингга яхшигина қиз топиб, оила қур. Мендай бўлганингда уйсиз, боласиз ҳолинг не кечади?

— Нимага энди, мабодо муносиб қизни учратсам уйланаман, — дерди Лестер. — Ҳозирча эса бундайини уч-

ратганим йўқ. Сенингча, нима қилишим керак? Тўғри келганни олаверайми?

— Йўқ, албатта, бироқ яхши қизлар кам дейсанми? Мабодо хоҳлаганингда борми, ўзингга муносиб хотинни топиб олган бўлардинг. Масалан, анави Пэйс. Унинг нимаси ёмон? У доимо сенга ёқарди. Бундай юраверма. Лестер, кети яхшиликка олиб бормайди.

Ўғли бунга жавобан илжайибгина қўярди, холос.

— Майли, дада, буни қўйиб турайлик. Бир кунмас-бир кун қуюлиб қоларман. Лекин сув ичиш учун олдин чўллаш ҳам керак-да.

Лестер бунақа аҳволда Женни билан дурустроқ тиричилик қилишнинг иложи бўлмаслигини тушунарди. У нималар қилишни пухталаб ўйларди. Нимаики бўлганда ҳам Женнидан кечмаслиги турган гап. Бироқ эҳтиёткор бўлиш, бўлар-бўлмасга ўзни ўтга уравермаслик зарур. Уни Цинциннатига олиб келсинми? Мабодо бу сир очилиб қолса борми, жуда катта жанжал бўлади-да! Шаҳардан ташқаридаги бирорта шинамгина уйга жойлаб қўйсинми? Уйдагиларда эртами-кечми шубҳа тугилмай қолмайди, албатта. Ишига дахлдор кети кўринмайдиган сафарларига бирга олиб юрсинми? Биринчи марта Нью-Йоркка боришлари текисгина ўтди. Бироқ ҳар сафар ҳам шундай бўлармикин? Лестер буни қайта-қайта ҳар тарафлама ўйларди. Қийинчиликлар кўнглига ғулув соларди. Пировардида, Сент-Луис, Чикаго ёки Питтсбург шаҳарларидан бирортаси, энг боп та жой бўлиши мумкин-ку, деган ўйга ҳам борди. Лестер бу шаҳарларда, айниқса Чикагода кўп бўларди. У ниҳояти Женнини Чикагога жойлаштиришга қарор қилди. Бу шаҳарга доимо бирор нарса баҳонасида бориб турар, бир кечалик йўл эди, холос. Ҳа, Чикаго ҳаммасидан дуруст. Бундай улкан, гавжум шаҳарда кўринмай кетиш ҳам осон. Лестер Цинциннатида икки ҳафтани ўтказгандан кейин Женнига, яқинда Кливлендга бораман, деб ёзганди, у ҳам, уйга келаверишинг мумкин, деб жавоб қилди. Женни Лестерни отасига айтган эди. У уйда бекор ўтиришни ўзига эп кўрмай магазинга ишга кириб, ҳафтасига тўрт доллар ола бошлаганди. Лестер бу гапларни ўқиркан, кулиб қўйди, лекин Женнининг ғайрати ва боодоблиги кўнглига хуш келди. «Қойилман унга, — деди у ўзига-ўзи. — Шу чоққача бунақасини учратмагандим».

Лестер шанба куни Кливлендга келди. Женни ишлаётган магазинга кириб, кечқурун учрашишга келишиб қўйди. Майли, Женни уни йигити сифатида ота-онасига та-

ништирсин, ишқилиб, бу иш тезроқ бўлса бас. Лестер Герхардтлар уйининг хароблиги ва кўзга яққол ташланиб турган камбағалликни кўрганида кўнгли кетгудай бўлса ҳам, Женни кўзига ҳар маҳалгидай зўр кўринарди. У ошхонада бир неча дақиқа ўтирганидан кейин Герхардт билан хотини сўрашгани чиқишди. Лестер эса уларга парво ҳам қилмади. Кўзига кекса немис жуда ҳашаки одамдай кўринди, бунақаларни отасининг фабрикасидаги бериқоқ ишларга юзлаб ёллашарди. Лестер уёқ-буёқдан жиндай гаплашиб ўтиргач, Женнига, бир айланиб келсак, деб қолди. Женни шляпасини кийди, сўнгра икковлари чиқиб кетишди. Амалда эса улар Лестер ижарага олган, ҳозирга Женнининг кийим-кечаклари турган квартирага йўл олишди. Женни соат саккизда қайтиб келганида уйидагилардан бирортаси ҳам ёмон хаёлга бормади.

XXV БОБ

Женни бир ойдан кейин уйидагиларга Лестер унга уйланмоқчи эканини айтди. Лестернинг келиб туришлари бунга замин ҳозирлаб қўйганидан бу ҳаммага табиий кўринди. Бундан фақат Герхардтнинг андак шубҳаси бор эди. У бу ишнинг кети нима бўлишини билмасди. Эҳтимол, ҳаммаси яхши бўлар, Лестер чиндан ҳам ёмон одамга ўхшамайди, хўш, у нега энди Женнини севмас экан? Унгача Брэндер бўлган-ку? Уни Қўшма Штатларнинг сенатори севганидан кейин фабрикантнинг ўғли яхши кўрса нима қипти? Энди ўртада биттагина ғов турар, у ҳам бўлса бола эди.

— Унга Вестани айтибдими? — сўради Герхардт хотинидан.

— Йўқ ҳали, — жавоб қилди миссис Герхардт.

— Йўқ ҳали, йўқ ҳали. Доим бир нимани чала қилиб юрасанлар. Сенингча, у Женнини олмоқчи, хўш, боласи борлигини билиб қолса нима бўлади? Қизлар тўғри юрмагандан кейин кети шунақа бўлади. Энди худди ўғридай чап беришига тўғри келади. Боланинг ҳаттоки ҳалол исми ҳам йўқ.

Герхардт яна газета ўқишга тушди, лекин ҳар хил хунук хаёллар чулғаб олди уни. У сира рўшнолик кўрмай ўтаяпман, деб ўйлар, ўзини сал ўнглаб олиб, бирор жойга, айтайлик, қоровулликка кириб олишни умид қиларди. Ҳозирда ўзи кўриб турган муғамбирлигу ёлғонлардан нариоқ бўлишни истарди.

Женни орадан икки ҳафта ўтгандан кейин ойисига Лестер хат ёзиб, Чикагога чақираётганини айтди. Маҳаси қочиб қолганидан Кливлендга келолмаётган эмиш. Она-бола Герхардтга Женни Кейн билан никоҳдан ўтгани Чикагога бориш зарурлигини айтишди. Герхардт шунда тутақиб кетиб, бор шубҳалари қайтадан уйғонди. Шундай бўлса ҳам, бу ҳангомаларнинг кети яхшилик билан тугамайди, деб вайсашдан нарига ўтмади.

Женни кетадиган куни отаси билан хайрлаша олмади. Герхардт кечгача иш қидириб юрди. Женни вокзалга чиқиши керак бўлганидан отаси қайтишини кутолмади.

— Унга ўша ёқдан хат ёзиб юбораман,— деди у.

Женни қизчасини қайта-қайта ўпди.

— Лестер тез орада бизга бундан дурустроқ уйни ижарага олиб беради,—деди Женни хушчақчақ ҳолда.—У бошқа уйга кўчишимизни хоҳлаяпти.

Мана энди Женни тунги поездда Чикагога кетиб борарди. Илгариги ҳаёти ниҳоясига етиб, янгиси бошланаётганди.

Герхардтлар оиласи Лестернинг мурувватн туфайли пулдан қийналмаётган бўлса-да, болалар ҳам, Герхардтнинг ўзи ҳам буни сезишмаётгани қизиқ эди. Миссис Герхардт энг зарур нарсаларни сотиб олиб, эрини бемалол алдаб юрар, гарчи чоғи келса ҳам ортиқча дабдабага ботинолмасди. Уни қўрқув тўхтатиб турарди. Женни бир неча кун Чикагода бўлгач онасига хат ёзиб, Лестер бошқа уйга кўчишларини қистаётганини айтди. Хатни жанжал кўтариш учун қизининг қайтишини кутаётган Герхардтга курсатишди. Бундан қовоғи солинса ҳам, негадир бу таклиф унга ҳамма ишлар жойидалигига гувоҳдай туюлди. Кейн мабодо Женнини олмайдиган бўлса оиласига қарашармиди? Афтидан, ростдан никоҳдан ўтишган кўринади. Женни чиндан ҳам ҳозирда аҳволи яхшиланиб, уйидагиларга қарашадиган даражада бойиб қолганга ўхшайди. Герхардт деярли қизининг ҳамма гуноҳларини буткул кечиришга тайёр эди.

Хуллас, янги уй масаласи ҳал бўлди, Женни кўчишда ойисига қарашгани Кливлендга қайтиб келди. Она-бола ёқимли, сокин квартал ахтариб шаҳар айланишди, ниҳоят боп жойни топишди. Тўққиз хонали, ҳовлиси бор, ойига ўттиз долларга ижарага қўйиладиган уйни олишди. Уни яхшилаб жиҳозлашди. Ошхонага, меҳмонхонага ёпишиб тушадиган мебель, яхши стуллар, креслолар, каравотлар, қўйинг-чи, ҳар бир хонага керакли буюмларни олишди. Ошхонада ҳамма нарса бор, ҳаттоки ванна ҳам қаторда эди. Герхардтлар илгари бунақа нарсани туш-

ларида ҳам кўришмаганди. Хуллас, уй гарчи одмироқ бўлса-да, жуда жойида, Женни ҳам уйимдагилар энди яхши ва бемалол туришади деб хурсанд эди.

Кўчишга фурсат етганда миссис Герхардт сира терисига сиғмасди. Нега деганда бор орзулари рўёбга чиқаётганди-да! Буни у кўп йил, умр бўйи кутганди. Мана энди муродига етди. Янги уй, янги мебель, жойлар бемалол, ажойиб буюмлар... Бунақа нарсалар етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. У янги каравотлар, столлар, шкаф ва бошқа нарсаларни кўраркан кўзлари ёнарди.

— Ё худойим, жуда чиройлиг-а! — хитоб қиларди у.— Жуда чиройлиг-а, тўғрими?

Женни азбаройи хурсанд бўлганидан ҳаяжонини билдирмай жилмаяр, кўзлари эса дам-бадам ёшга тўларди. У ойиси қувонаётганидан хурсанд эди. Онла аъзоларига бунчалар яхшилик қилаётганидан ҳозирда Лестернинг оёқларини ўпишга ҳам тайёр эди.

Мебель келган куни миссис Герхардт, Марта ва Вероникалар ўша заҳотининг ўзида нарсаларни жой-жойига қўйиб, саранжом-саришта қилишга тушишди. Катта хоналар, ҳозир қиш бўлганидан ҳувиллаган, баҳорда эса яшнаб кетадиган ҳовли ва янги, ажойиб мебелдан ҳаммасининг боши осмонда эди. Ҳаммаси чиройли, ниҳоятда кенгкўлам! — Жорж янги гиламлардан оёғини узолмасди. Басс эса мебелни синчиклаб кўздан кечирарди.

— Қиёмат, — деди у ниҳоят.

Миссис Герхардт уйда худди уйқудагидай галдираб юрарди. У ана шу ажойиб ётоқлар, гўзал меҳмонхона ва емакхонанинг чиндан ҳам бекаси эканлигига сира ишонгиси келмасди.

Герхардт ҳаммадан кейин келди. У ҳарчанд уринмасин завқи келаётганини яширишни эплолмасди. Емакхонадаги столда турган чироқнинг юмалоқ соявонини кўрганидан кейин чидаб туролмади.

— Буни қара-я, газ! — деди Герхардт.

У ўсиқ қошлари остидан теварагидаги гилам, эмандан ясалган, устига оппоқ дастурхон ташланган ва янги ликобчалар қўйилган сурма стол, деворлардаги суратлар, чинnидай ошхонага кўз югуртираркан, бошини чайқаб қўйди.

— Тфу, фалокат! Жуда зўр-а! — деди у. — Жуда зўр. Ҳа, жуда яхши. Бирор нарсани синдириб қўймаслик учун эҳтиёткор бўлиш керак. Булар салга тирналади, кейин адойи тамом бўлди деявер.

Ҳа, ҳатто Герхардт ҳам хурсанд эди.

XXVI БОБ

Кейинги уч йил ичида рўй берган воқеаларни — оила аста-секин қаттиқ муҳтожликдан қутулиб, ўзини тутиб олганини, бунга Женнининг пешонаси ярқираганию олисдаги эрининг бағри кенглиги сабабчи бўлганини бир бошдан баён этиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Йўл-йўлакай Кливлендга кириб ўтадиган йирик корчалон Лестер ондасонда кўриниб қоларди. Гоҳида Герхардтларникига тушар, бу ерда унга Женни билан юқори қаватдаги иккита энг яхши хона мунтазир эди. Лестер гоҳо телеграмма бериб, Женнини чақириб олар, шунда Женни Чикаго, Сент-Луис ёки Нью-Йоркка шоша-пиша жўнаб қоларди. Лестер ҳаммадан ҳам Хот-Спрингс, Маунт-Клемент ёки Саратогдаги манаман деган курортлардан биридан хоналар олишни ва Женни билан бир-икки ҳафта эр-хотиндай туришни ёқтирарди. Кливлендга Женнини кўргани бир кунга келган пайтлари ҳам бўларди. Лестер ҳозирги мушкул аҳволларида кўпроқ Женни қийналаётганини донмо билиб турса-да, буни ҳозирда қандай қилиб тўғрилашни тасаввур ҳам қилолмасди. Буни тўғрилашнинг ҳожати бормикин? Шундоқ ҳам чакки эмас-ку.

Герхардтлар хонадонидагилар бу ишга ўзларига яраша қарашарди. Олдинига ҳаммасидан қатъи назар аҳвол анча табиийдай туюлди. Женни уйидагиларга, турмушга чиқдим, деганди. Никоҳ, қоғозини биров кўрган бўлмаса ҳам, у шундай деган, амалда ҳам ўзини эрли хотиндай тутарди. Шунга қарамай, эрининг ота-онасию авлодлари турган Цинциннатига бирор марта бормаган. Лестернинг қариндошлари ҳам бу ерга оёқ босишмаганди. Бунинг устига, гарчанд сахийлиги дастлабки пайтларда Герхардтларнинг кўзини тиндириб қўйган бўлса-да, Лестер ҳам ўзини ғалати тутарди. У ҳатто уйланган одамга ҳам ўхшамасди. Жуда бепарво эди. Женни баъзи ҳафталарда ундан қисқача хат олиб турарди. У Лестернинг олдига бир неча кунга бориб келган пайтлари ҳам бўларди. Ниҳоят у анча-мунчага кетди. Бу ҳол Женни билан Лестернинг, ғалати туюлса ҳам, мустаҳкам алоқаларининг ягона ва дурустроқ гувоҳи эди.

Басс йигирма бешдан ўтган, дурустроқ одам бўлиш пайида юриб, ишбилармандлик томонлари бўлганидан бу борада баъзи бир шубҳаларга бора бошлади. Ҳаёт масаласида анча-мунча нарсага тиши ўтадиган бўлиб қол-

ганидан бунда бир чатоқлик борлигини сезарди. Ўн тўқкизга борган Жорж гулқоғозлар фабрикасида ўзини анча ўнглаб олган, бу соҳада дурустроқ кўтарилишни орзу қилар ва у ҳам опасидан хавотирда эди. Опасининг ишлари бир текисда кетмаётганидан шубҳаланарди. Ўн етти яшар Марта, Уильям ва Вероника ҳали мактабда ўқишарди. Уларга истаганча ўқишларига имкон бор эди. Бироқ улар ҳам бир оз хавотирда юришарди. Женнининг боласи борлигини билишарди-да. Қўшнилар ҳам бир фикрга келиб қўйишгани кўриниб турарди. Герхардтлар билан ҳеч ким кирди-чиқди қилмасди. Ҳатто Герхардтнинг ўзи ҳам бу ерда бир чатоқлик борлигини фаҳмлай бошлади. Бироқ бунга ўзи йўл қўйиб берганидан энди дод дейишидан наф чиқмасди. Гоҳо Женнидан суриштирмоқчи, ишини иложи бўлса тўғрилаб олишга мажбурламоқчи бўларди. Аммо бўлар иш бўлганди. Энди ҳаммаси Лестерга боғлиқ эди. Герхардт буни тушунарди.

Женнининг уйидагилар билан муносабати кескин ўзгара бошлади. Бироқ кутилмаганда бу ишга ҳаётнинг ўзи аралашиб қолди. Миссис Герхардтнинг мазаси қоча бошлади. Тўладан келган, яқиндагина тиним нималигини билмайдиган бу эпчил аёл тобора қувватдан кетиб, юриш-туришга қийналадиган бўлиб қолди. Фаҳм-фаросатдан худо берган бу аёл кўп ғам-ташвиш тортганидан энди ликда аста-секин, бироқ муқаррар равишда сўниб борарди. У аранг қимирлар, ҳали ҳам зиммасида бўлган осонгина юмушлардан тезда толиқиб қоларди. У ниҳоят Женнига, зинадан чиқишда қийналяпман, деб зорланди.

— Негадир мазам йўқ, — деди у. — Касал бўлиб қолмасам гўргайди.

Женнининг ўтакаси ёрилиб, онасини яқинроқдаги курортга олиб бормоқчи бўлди. Лекин миссис Герхардт бош тортди.

— Нафи тегмаса керак,—деди у.

Миссис Герхардт ҳовлида ўтирар ёки қизи билан айланиб келар, кузакнинг ғамгин манзаралари эса уни эзарди.

— Кузда касал бўлишни ёқтирмайман, — дерди у. — Япроқлар узилиб тушганини кўрганимда сира тузалмайдиганга ўхшайвераман.

— Қаёқдаги гапларни гапирасан-а, ойижон!— жавоб қиларди Женни қўрқувини яшириб.

Ҳар қандай уйни она ўз елкасида кўтариб туради, бироқ буни болалар онанинг куни битиб қолганида тушунадилар. Уйланиб, уйдан кетмоқчи бўлиб юрган Басс вақтинча бу ниятидан қайтди. Гангиб ва жуда эзилиб юрган Герхардтнинг ўзи муқаррар фалокатни кутаётган одамдай уйда каловлаб юрарди. Женни ўлимга бу қадар яқин тўқнаш келмаганди, шу сабабли онасидан айрилаётганини тушунмасди. Онасини бир амаллаб олиб қоладиганга ўхшарди. Онасининг куни битиб қолгани сезилиб турганига қарамай, тепасида кўз юммай ўтирар, сабр-чидам, меҳр-оқибатдан унга худо берганди.

Миссис Герхардт бир ой хасталаниб ётганидан кейин бир куни эрта билан вафот этди. У бир неча куни ҳушсиз ётди. Уйга чуқур сукунат чўккан, ҳамма оёқ учида юрарди. Миссис Герхардт жони чиқишдан олдин ўзига келдида, Женнига тикилганича узилди. Женни қайғу ва даҳшатда онасининг кўзларига тикиларди.

— Ойижон, ойи! — деди Женни додлаб. — Йўқ, йўқ!

Герхардт ҳовлидан югуриб келди-да, беморнинг ўрни олдида чўккалаб, аламдан қоқсуяк қўлини буйдалай бошлади.

— Нега мен олдин ўлмадим! — дерди у. — Нимага олдин ўлмадим!

Онанинг ўлими оила аъзолари тўзиб кетишини тезлатди. Басснинг шаҳарда анчадан буён қайлиғи бор ва у тезда уйланиш пайида эди. Ҳаётга анча ҳушёр ва амалий қарай бошлаган Марта ҳам уйдан кетишга питирчилаб турарди. Унинг назарида хонадонларига тавқи лаънат ёпишган-у, токи шу ерда экан, ўзи ҳам ундан қутулмайдигандай туюларди. У муаллима бўлиш тараддудида юрганидан, мактабда ишлай бошласам бемалол ўз кунимни кўриб кетарман, деб умид қиларди. Биргина Герхардт чолгина нима қилишини билмасди. У яна туғи қоровул бўлиб ишлай бошлаганди. Женни бир куни ошхонага кирганида отаси йиғлаб ўтирганини кўриб, ўзи ҳам ҳўнграб юборди.

— Қўй энди, дада, — деди у ёлвориб. — Аҳволимиз унча ёмон эмас. Ўзинг биласан, озроққина бўлса ҳам пулим бор экан, сен бошпанасиз қолмайсан. Мен билан кетишинг мумкин.

— Йўқ, йўқ, — эътироз билдирди отаси. У чиндан ҳам қизи билан кетишни истамасди. — Гап бундамас. Менинг бутун ҳаётим елга соврилди.

Басс, Жорж ва Марта яна бир оз вақт уйда туришди, бироқ ахири бирин-кетин кетишиб, уйда Женни, отаси, Вероника, Уильям ва ҳаммадан кичкина бўлган Веста қолишди. Лестер Веста борлигини мутлақо билмасди, албатта. Буни қарангки, уни бирор марта ҳам кўрмаганди.

У (ҳаммаси бўлиб икки, уч кун) Герхардтларнинг уйида бўлган пайтларда миссис Герхардт Вестани унинг кўзига кўрсатмасди. Болалар хонаси энг тепада бўлганидан болани яшириш унчалар қийин эмасди. Лестер сираям хонасидан чиқмас, овқатни ҳам меҳмонхона вазифасини бажарадиган хонасига элтишарди. Ҳар нарсага қизиқсинаверадиган одам бўлмаганидан оиланинг бошқа аъзолари билан учрашишга интилмасди. Улар билан доимо яхши сўрашар ва бир-икки оғиз уёқ-буёқдан гаплашарди, холос. Уйдагиларнинг ҳаммалари қизалоқ кўринмаганини маъқул билишар ва яхшилаб кўздан пана қилишарди.

Чоллар билан болаларни ҳамиша тушунтириб бўлмайдиган қандайдир меҳр, ажойиб ва таъсирчан ички яқинлик боғлаб туради. Герхардт Лорри-стритга кўчиб келганларининг биринчи йили бошқаларга билдирмасдан Вестанинг қип-қизил юзидан эркалаб чимчилаб қўяр, уйда ҳеч ким йўқлигида эса елкасига миндириб хонада айлантирарди. Катта бўлиб, йўлга кирганидан кейин қўлтигидан сочиқ бойлаб, то ўзи мустақил қадам босадиган бўлгунча хонада сабр-бардош билан олиб юрарди. Ўсиб, чинакамига юра оладиган бўлгандан кейин бошқаларга билдирмай, қовоғини солиб бўлса ҳам, ҳар қалай эркалаб, юра қол, деб ялинарди. Тақдир ўйини туфайли оиланинг обрўсини тўкиб, умумахлоқ нуқтаи назаридан кетмас доғ бўлиб турса-да, бу қизча нозик бармоқлари билан бобоси қалбининг сезгир томларини чертарди. Герхардт ана шу сабил қизалоққа юрагининг бор қўрини ва ўзининг бутун орзуларини бағишлаганди. Қизалоқ чолнинг маҳдуд, ғамгин ҳаётини ёритиб турган ягона нур бўлганидан Герхардт унинг диний тарбияси ўзининг зиммасида эканлигини эрта сезди. Болани чўқинтириш масаласида ўзи қаттиқ турган эди-ку!

— Қани айт: «Отче наш», — дерди Герхардт кўпинча набираси билан ёлғиз қолган пайтларида.

— Оче нас, — қизалоқ тили келмай аранг айтарди.

— Иже еси на небесах...

— Иси небесах... — такрорларди қизалоқ.

— Болага нега шу вақтдан ўргатяпсан?—миссис Герхардт тили келишмайдиган ҳарфларни айтолмаётганини эшитиб қолиб неварасининг ёнига тушарди.

— Чин христиан бўлиб ўссин деб ўргатяпман, — кескин жавоб қиларди Герхардт. — У дуоларни билиши керак. Ҳозирдан ўрганиб бормаса кейин ҳеч қачон ёд ололмайди.

Миссис Герхардт бунга кулибгина қўя қоларди. Эрининг кўпгина диний қилиқлари унинг завқини келтирарди, холос. Айни пайтда чоли неварасининг тарбиясига астойдил киришгани кўнглига хуш келарди. Қани энди гоҳи пайтлари қовоғидан қор ёғиб, кам гап бўлмаса. Герхардт ўзини ҳам, теварагидагиларни ҳам қийнарди.

Баҳор келди дегунча Герхардт барвақт туриб, қуёш чиқиши биланоқ, ёруғ оламни кўрсин, деб Вестани ҳовлида айлантиришга киришди.

— Қани, — дерди у, — юр, пича айланиб келайлик.

— Айланиб, — вижирларди Веста.

— Ҳа, айланиб, — такрорларди Герхардт.

Миссис Герхардт қизчага бежиримгина капор (Женни қизчасининг кийимларини кўпайтириб қўйганди) кийгизарди, бобо билан невара шундан кейин йўлга тушишарди. Веста ботинқирамай лапанглар, Герхардт бўлса хурсанд ҳолда неварасини етаклаб бораркан, у баравар юрсин учун оёғини судраб босарди.

Веста тўрт яшар бўлганида, ажойиб май кунларидан бирида улар айлангани чиқишди. Табиат баҳор келганидан хурсанд кўринар, дарахтлар куртак чиқарганди. Жанубдан қайтган қушлар хурсанд чугурлашарди. Хилмахил пашша-чивинлар қисқа умриларида ўйнаб қолишга ошиқишарди. Йўлларда чумчуқлар чирқиллашарди. Майсалар устида тоғчумчуқлар дирқиллашарди. Қалдирғочлар бўғотларга ин қўйишарди. Герхардт Вестага табиат мўъжизаларини кўрсатиб, бениҳоя завқланар, қизалоқ ҳам уларга қараб қийқирарди. Веста ўзи кўриб, қулоғи билан эшитаётган нарсаларнинг барига қизиқарди.

— О-о!— деб юборди у яқинроқдаги шохдан тоғчумчуқ «пир» этиб ўчганини кўрганида.

У қўлини кўтарди, кўзлари катта-катта очилиб кетганди.

— Ҳа, — деди Герхардт гўё ўзи ҳам умрида бунақа ажойиб қушни биринчи марта кўраётгандай.— Бу тоғчумчуқ. Қуш. Тоғчумчуқ. Тоғ-чум-чуқ, дегин.

— То-чу-чуқ, — акс садодай деди Веста.

— Ҳа, тоғчумчуқ, — такрорлади Герхардт. — У чуволчанг қидириб кетди. Биз бўлсак унинг уясини қидириб кўрамиз.

Герхардт шошилмай юриб, дарахтларнинг шохларини кўздан кечира бошлади. Яқинда улардан бирида ташландиқ уя борлигини кўриб қолганди.

— Мана у! — деди у унча баланд бўлмаган, ҳали япроқ чиқармаган дарахт олдига келиб. Унинг бутоқларида қиш ёғингарчиликларида ярми бузилган қуш уясининг

қолдиқлари кўринарди. — Мана, буёққа кел, кўр! — Герхардт шундан кейин қизалоқни баланд кўтариб, унга бир тутам қуруқ ўтни кўрсатди. — Кўриб ол, уя шу. Бу қушнинг уяси. Кўриб қўй!

— Во-ой! — деди Веста чўзиб, бармоқлари нини кўрсатаркан. — Во-ой! Уя!

— Ҳа, — тасдиқлади Герхардт қизчани яна ерга тушириб. — Бу қушнинг уяси, унинг оти қора қуш. Ҳозир ҳаммалари уядан учиб кетишган, бошқа қайтиб келишмайди.

Улар шундан кейин нари кетишди. Герхардт невараси-га янги мўъжизаларни кўрсатар, бола эса ҳайратланга-ни-ҳайратланган эди. Яна икки квартал ўтишганидан кейин, гўё оламнинг бир чеккасига бориб қолишгандай, Герхардт секин орқасига бурилди.

— Уйга кетишимиз керак, — деди у.

Веста беш ёшигача шу тариқа ўсди, тобора ёқимтой, зийрак ва шўхчан бўла борди. Герхардтни унинг кети кўринмайдиган савол ва топишмоқлари завқлантирарди.

— Зўр қизалоқ-да! — дерди у хотинига. — Ҳаммасини билгиси келади! Мендан, худо қаерда туради, деб сўрайди. У нима қилади? Оёқ кўядиган курсичаси борми, дейди. Нақ ичагингни узади-да!

Герхардт невараси эрталаб уйғонганида кийинтирар, кечқурунлари дуосини ўқиб бўлгунча кутиб, кейин ухлатиб қўярди. Бобо билан невара бутун кунларини бирга ўтказишар, Веста Герхардтнинг катта қувончи ва овунчоғи бўлиб қолганди. Веста бўлмаса борми, Герхардтнинг кўзига олам қоронғи кўриниши турган гап эди.

XXVII БОБ

Ўтган уч йил ичида Лестер Женни билан бахтли бўлди. Уларнинг алоқалари черков ва жамиятнинг назарида ғайриқонуний бўлишига қарамай, Лестернинг кунлари тинч ва халоватли ўтар, бундан у жуда хурсанд, тажрибам яхши чиқди, деган фикрда эди. У Цинциннатидаги оқсуякча ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган, ўзини уйлантирмоқчи бўлганларга чап бериб юрарди. Отасининг фирмаси унинг учун ажойиб синов майдони бўлиб, бошқаришни эпласа борми, мартабаси ортиб кетиши турган гап эди. Бироқ бунинг иложи йўқлигини тушунарди у. Робертнинг манфаатлари унга доим кўндаланг келар, қарашлари ва мақсадлари, хуллас ҳамма масалада ака-ука илгаригига нисбатан ҳозирда бир-бирларидан хийла узоқда эдилар. Лестер икки марта бирорта бошқа иш билан шуғулланиш ёки экипаж ишлаб чиқарадиган бошқа фирмага шерик

бўлиб киришни хаёлидан ўтказди-ю, аммо бунга ботинолмади. Лестер отасига қарашли фирманинг секретари ва хазиначиси (акаси вицепрезидент эди) сифатида йилига ўн беш минг доллар олар, бундан ташқари турли акцияларга сарфланган капиталидан беш минг келиб турарди. У Робертга ўхшаб омади келган ва эпчил корчалон эмасди. Ана шу беш минг долларлик даромадидан бўлак ҳеч вақоси йўқ эди. Робертнинг эса, аксинча, отаси корхонасидан келгусида тегадиган ҳиссани ҳисобга олмаганда ҳам, уч юз ёки ҳатто тўрт юз мингга «кучи» келарди. Ака-укаларнинг иккови ҳам, мерос тақсимланганда бир оз имтиёзли бўламиз, тўртдан бири бизга, сингилларимиз олтидан бирини олишади, деб юришарди. Ҳамма ишни ўгиллари қилишаётган экан, Кейн чол шундай қилиши жуда табиий туюларди-да. Шунга қарамай, ака-укаларнинг бунга ишончи комил эмасди ҳар ҳолда. Чол ўз билгича иш қилиши мумкин. Ҳақгўйлиги ва сахийлиги тутиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Айни пайтда Робертнинг ҳаётдан ўзига кўпроқ олишни эплаши тайин. Шундай бўлгандан кейин Лестернинг иложи қанча?

Ҳар бир онгли одамнинг ҳаётида ўтмишга кўз ташлаб, ақлий ва ахлоқий, жисмоний ва моддий жиҳатдан нимага арзийман, деб ўзидан-ўзи сўрайдиган пайти келади. Бунда ёшликнинг бемаъни армонлари орқада қолган, одам дастлабки мустақил қадамларини ташлаган ва жўшқин ғайратини ишга солиб бўлган, нималарга интилгану нималарга эришгани кўзига нотўғри ва омонат кўринади. Ўшанда кўпларнинг хаёлига Экклезиаст ўхшатиб таърифини қилган яшашнинг беҳудалиги ҳақидаги вужудни қуруқшатадиган фикр келаверади.

Лестер эса файласуф бўлишга уринарди. «Оқ уйда, бу ерда, уйимда ёки «Грэнд-Пасифик»да тураманми, бу бари бир эмасми?» Бироқ масаланинг бу тахлитда қўйилиши ҳаётда ўзи эришолмаган нарсалар ҳам борлигидан дарак берарди. Ўз уйи ва ҳашаматли меҳмонхонага Лестер ўзини уринтирмасдан эришганди.

Лестер энди ўзининг мавқеини мустаҳкамлаш ҳаракатига тушиб қолди. Бу Женнининг онаси қазо қилган пайтларга тўғри келганди. У энди бекорчиликни йиғиштиради, Женни билан тинимсиз равишда бошлашиб юришлар роса вақтини оляпти. Пулини ишга солса бўладиган жойни ҳам топади. Акаси қўшимча даромад олса бўладиган манбаларни топаётган экан, бу ҳам топади. Ўз ҳуқуқини яхшилаб таниб олади, отасининг корхонасида обрўсини мустаҳкамлайди ва Робертга барча нарсани олди-

риб ўтирмайди. Бунда Женнини қурбон қилишга тўғри келмасмикин? Бу нарса ҳам унинг хаёлига келди. Женни унга осилиб ололмайди. Дод дея олмайди. Бироқ Лестер Женнини ташлаб кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди. Бу шафқатсизлик ва бемаънилик бўлур эди. Энг муҳими (Лестер буни ҳатто ўзича эътироф этишга ҳам номус қиларди) бу уни талай кулайликлардан маҳрум этарди. Женни унга ёқарди. Уни Лестер ўзига хос равишда, худбинларча севарди. Шунинг учун ҳам Женнидан айрилишини кўз олдига унчалар келтиролмасди.

Худди шу кезларда Лестер билан акасининг ўртасида жиддий келишмовчиликлар рўй берди. Роберт Нью-Йоркдаги фақат Кейнлар фирмасига хизмат қиладиган бўёқ фабрикаси билан алоқани узиб, Чикагодаги истиқболи катта бўлган янги бир концерн билан тил топмоқчи эди. Лестер Нью-Йоркдаги компаниянинг вакилларини, уларга ишонса бўлишини, Кейн фирмаси билан кўпдан буён дўстона муносабатда эканликларини жуда яхши билганидан Робертнинг таклифига қарши чиқди. Отаси олдинига Лестернинг гапига юргандай бўлди. Бироқ Роберт укасининг башарасидан кўзларини узмаган ҳолда ўз сабабларини чуқур мантиқ билан баён қилди.

— Биз отамиз муомала қилгани ёки улар сенга ёқаётгани учунгина эски дўстларимизга мудом суяна олмаймиз, — деди у. — Ўзгаришлар қилиб туриш керак. Ишни мустаҳкамлаш керак. Кучли рақобатда енгиб чиқиш масаласи турибди олдинда.

— Отам ҳал қилсин, — деди ниҳоят Лестер. — Мени бу кам қизиқтиради. Унақа бўладими, бунақа бўладими — менга бари бир. Сен оқибат-натижада фирма бундан ютади деяпсан. Мен бунинг тескарисини исботлаганман.

— Менимча, Роберт ҳақ, — деди Арчибалд Кейн бамайлихотир. — Шу чоққача у таклиф қилган нарсаларнинг деярли бари ўзини оқлади.

Лестернинг юзига қон қуюлди.

— На чора, энди бу тўғридаги гапни бас қила қолайлик, — шундай деди-ю, ўрнидан қўзғалиб, идорадан чиқиб кетди.

Айнан эс-ҳушини йиғиштириб оламан деган пайтда бундай мағлубиятга учраганн Лестерга катта зарба бўлди. Бу арзимаган воқеалигига қарамай, бамисоли сўнгги бир томчи томизғи бўлди, ҳаммасидан отаси Робертнинг ишбилармандлигини таъкидлагани алам қиларди. Лестер ўзига-ўзи, отам мерос тақсимотида Роберт томонга оғиб

кетмасмикин, дерди. Ё Женни билан алоқаси отасининг қулоғига чалинганмикин? Ёки сафарда кўп юрганини ишга зарари тегяпти деб ҳисоблаётганмикин? Лестер, мени қобилиятим етишмасликда ёки фирманинг манфаатларини кўзламасликда айблашса ноинсофлик бўлади, деб ҳисобларди. Ишини билиб қиляпти-ку. Ҳозир ҳам фирмага тушаётган барча таклифларни ўрганяпти, шартномаларнинг мағзини чақяпти, отаси билан онасининг яқин маслаҳатгўйи бўлса ҳамки уни четга чиқариб қўйишяпти. Бунинг кети нима бўларкин? Лестер бу ҳақда роса бош қотирса ҳам, бари бир бирор қарорга келолмади.

Ўша йилнинг ўзида, сал кейинроқ, Роберт корхонани бошқаришни қайта ташкил қилиш режасини олдинга сурди. У Чикагода, Мичиган-авенюда улкан кўргазма зали билан омбор қуришни ва тайёр маҳсулотнинг бир қисмини ўша ерга ташлашни таклиф қилди. Чикаго Цинциннатига қараганда анча йирик марказ эди. Ғарб харидорлари ва вилоят савдогарларининг Кейнлар билан муомала қилиш учун у ерга келишлари қулай бўларди. Бу ажойиб реклама, фирма мустаҳкамлиги ва равнақининг ажойиб исботи бўлур эди. Кейн чол билан Лестер бу лойиҳани дарҳол маъқуллашди, афзалликларини тўла-тўкис баҳолашди. Роберт Лестерга янги бинони қуришга киришишни таклиф қилди. Лестер вақтининг бир қисмини Чикагода ўтказса ҳар ҳолда оқилона бўларди.

Лестер гарчи ўзига Цинциннати билан деярли хайрлашишни таклиф этишаётганини тушуниб турса-да, акасининг гапи дилига жуда хуш келди. Бу ўзига нисбатан фахрли иш бўлиб, фирманинг обрўсини ҳам кўтарарди. Чикагога ўрнашиб олади, Женнини ҳам чақиради. Энди у олдинги режасини — ўзига ҳам, Женнига ҳам квартира олиш режасини бемалол амалга ошираверади. Лестер шунинг учун ҳам Робертни қувватлади. У эса кулимсиради.

— Бу фирмага фойдали бўлишига ишонаман, — деди у.

Қурилиш ишлари тез орада бошланиши керак бўлганидан Лестер Чикагога тезда кўчиб ўтишга карор қилди. У Женнини чақирди, биргаликда Шимолий томондан квартира танлашди. Уй кўл яқинидаги сокин кўчада бўлиб, квартира жуда кулай эди, Лестер уни ўз дидига мослаб жиҳозлади. У, Чикагода турганимда ўзимни бўйдоқ кўрсатаман, деб мўлжаллаганди. Дўстларини уйига чақирмайди. Улар билан ҳар маҳал идорада, клубда ёки меҳмонхонада учрашаверади. Назарида ҳаммаси зўр кетаётганди.

Женни Кливлендан жўнаганидан кейин Герхардтларнинг ҳаёти кескин ўзгариб кетди, албатта. Оила бутунлай тўзиб кетган бўлса ҳам, Герхардтнинг ўзи бунга тўғри қарарди. У қариб қолган, эндиликда қаерда яшаса унга бари бир. Басс, Марта ва Жорж оёққа туриб олишди. Вероника билан Уильям ҳалиям мактабда ўқишади, уларни кейинчалик қўни-қўшниларникига жойлаштириб, ўша ердан еб-ичадиган қилса бўлади. Герхардт билан Женнини фақат битта нарса — Веста жуда ҳам ташвишга соларди. Герхардт, Женни қизини олиб кетса керак, деб ўйларди, албатта. Она бошқа нима ҳам қила олади?

— Сен унга Вестани айтувдингми? — деб сўради Герхардт Женни кетадиган кун тайин бўлганда.

— Йўқ, лекин яқинда айтаман, — деди Женни отасини тинчитиб.

— Доим «яқинда» дейсан,—Герхардт вайсаб берди.

У бошини чайқади. Йиглагиси келарди.

— Иш чатоқ, — у бир оз жим туриб, гапида давом этди. — Бу катта гуноҳ. Худо жазонгни бермаса деб қўрқаман. Болани парвариш қилиш керак. Қари бўлмаганимда уни олиб қолардим. Энди унга қарайдиган одам йўқ.— Герхардт яна бошини чайқади.

— Биламан, — оҳиста деди Женни. — Ҳаммасини тўғрилайман. Уни яқинда олиб кетаман. Уни ташлаб қўймаслигимни биласан-ку.

— Исми нима бўлади? — деди Герхардт. — Қизчанинг исми-шарифи бўлиши керак-ку. Янаги йили мактабга боради. Одамлар унинг кимлигини билишни хоҳлашади. Умрбод шундай бўлиб қолмайди-ку.

Женнининг ўзи ҳам буни яхши тушунарди. Қизини жонидан ортиқ кўрарди. Доимий айрилиқлар ва Вестанинг борлигини яшириб юриш Женнини жуда эзиб юборганди. Бу болага нисбатан ноинсофлик бўлса ҳам, Женни бошқача чора тополмасди. У қизини яхши кийинтирар, боланинг нарсалари ошиб-тошиб ётарди. Ҳар ҳолда унинг зориқадиган жойи йўқ эди. Женни уни яхшилаб ўқитсам дерди. Оҳ, бор гапни бошидан Лестерга айтиб берганида эди-я! Энди бунинг вақти ўтиб қолганга ўхшайди. Шундай бўлса ҳам Женни ўшанда ишкал чиқмасин деб шундай қилганини сезарди. Пировардида у Чикагода Вестага қараб турадиган бирорта аёл ёки оилани қидириб топмоқчи бўлди. Ла-Сальстритнинг куноботар томонидаги шведлар кварталидан кўзига ораста, камсуқум, ҳалол кўринган бир кекса аёлни топди. Бу аёл тул бўлиб, у-бу ишларни қилиб юрарди. У ҳамма ишини қўйиб, болани боқишга жон-жон деб рози бўлди. Женни қизчасини қулай пайт келиши билан боғчага жойламоқни хаёл қилди. Ўшанда унинг ўйинчоқлари ҳам кўп бўлади, парвариши ҳам пасаймайди. Миссис Олсен Женнига бор гапни, қизча сал оғриса ҳам етказиб туради. Женни қизалоғини ҳар куни бориб кўради. Лестер Чикагодан кетган кунлари эса уйга олиб келса ҳам бўлади. Веста Кливлендда турганда Лестер унинг уйда борлигини билмаганди-ку.

Женни миссис Олсен билан гапни бир жойга қўйганидан кейин қулай фурсат келиши биланоқ Вестани олиб келгани Кливлендга жўнади. Герхардт неварасидан яқинда айрилиб қолишидан эзилиб юрганидан, бола нима бўларкин, деб жуда хавотирда эди.

— У ажойиб қизча бўлиб ўсиши керак, — деди ота Женнига. — Жуда ақлли, уни яхшилаб ўқитиш керак.

Герхардт Вестани лютеранларнинг черков мактабига ўқишга берса ёмон бўлмаслигини айтди, бироқ Женнининг бунга кўзи етмасди. У ўтган йиллар ва Лестер билан бирга бўлганидан, одатдаги бошланғич мактаб ҳар қандай хусусий билим юртидан яхшироқ, деган фикрга келиб қўйганди. Женни черковга қарши бўлмаса-да, барча ҳолларда черков таълимотига суянаверса бўлаверади, деган фикрда ҳам эмасди. Бошқача фикрга қандай қилиб ҳам борарди дейсиз.

Женни эртаси куни Чикагога қайтиши керак эди. Ҳаяжондан юраги чапак чалаётган Веста йўлга чиқишга тайёр эди ҳисоби. Женни уни кийинтираётганда Герхардт уйда на қиларини билмай юрди. Невараси кетадиган пайт келганда эса сир бой бермасликка уринарди. Беш яшар қизча ҳозирда ўзининг дилидан нималар ўтаётганини билмаётганини кўриб турарди. Веста азбаройи хурсанд бўлганидан, отда ва поездда юрамиз-а, ойи, деб тинимсиз вижирларди.

— Ақлли бўлгин, — Герхардт уни кўтариб, ўпди. — Катехизис билан дуо ўқиш эсингдан чиқмасин. Бувангни ҳам эсингдан чиқармайсан-а, шундаймн?

У яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ овози чиқмай қолди.

Отаси азобдалигини кўриб ўзини аранг босиб турган Женни ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— Хўш, энди... — деди у. — Шунчалик қийналишингни билганимда-ку...

Женни гапини тугатолмади.

— Бораверинглар,— деди Герхардт ўзини қўлга олиб.— Боринглар. Шунда яхши бўлади.

Герхардт она-болани унсиз кузатиб қолди. Сўнгра ўзи яхши кўрадиган жой—ошхонага кирди-да, тўхтаб, полдан кўзини узолмай қолди. Уни бирин-кетин хотини, Басс, Марта, Женни, Веста ташлаб кетишди. Герхардт эски одатича муштини маҳкам қисганича анчагача бош чайқаб турди.

— Мана шунақа! — деди у. — Мана шунақа. Ҳаммалари мени ташлаб кетишди. Умрим елга учди.

XXVIII БОБ

Лестер билан Женни биргаликда кечиришган уч йил ичида бир-бирларига анча кўнгил қўйишди ва жуда яқин бўлиб қолишди. Лестер уни ўзига хос равишда чиндан ҳам севарди. Унинг севгиси кучли, мустаҳкам, шубҳа ва иккиланишлардан холи, табиий ва беҳад мойилликка асосланган туйғу бўлиб, чинакам маънавий қадрдонликка яқинлаб борарди. Женнининг мулойим итоатгўйлиги Лестерни ўзига тортар ва сира бўшатмасди. У гоят садоқатли, меҳрибон, бениҳоя латофатли эди. Лестер унга ишонишга, суянишга ўрганиб қолганидан севгиси йилдан-йилга теранлаша борарди.

Женни эса Лестерни дилдан, чуқур севиб қолган, севгиси садоқатли эди. Аввалига у Женнининг ҳаётига қуюндай кирдию вужудини алғов-далғов қилиб юборди, ҳоли танглигидан фойдаланиб, ўзига занжирлади-қўйди. Лестер гарчи доимо ёқса ҳам, Женни ундан сал иккиланар ва пича чўчирди. Бироқ у билан ўтган йиллар ичида яхшироқ билиб, аста-секин севиб қолганди. Лестер жуда бақувват, чиройли йигит бўлиб, бениҳоя хушовоз эди. Унинг барча нарсага қарашию фикрлари аниқ эди. «Уёқ-буёққа алангламай, дангал одимлайвер», деган севимли шиоридан ҳайратга тушиб юрарди. Бундан Лестернинг одамлардан ҳам, худодан ҳам, иблисдан ҳам ҳайиқмаслиги кўриниб турарди, албатта. Кўпинча у буғдойранг бармоқлари билан Женнининг даҳанидан тутиб, кўзига тикилиб қоларди.

— Сен зўрсан, қани энди дадилроқ ва шаддодроқ бўлсанг. Сенга ана шу нарса етишмайди.

Женни шунда жимгина, мулойим боқиб қўя қоларади.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — дерди яна Лестер, — бироқ

бошқа фазилатларинг бор. — У шундан кейин Женнини ўнарди.

Женнининг ўз тарбияси ва маълумотидаги ҳар қандай камчиликни соддадилларча яширишга уринаётгани Лестерга таъсир қиларди. Саводи ҳам етарли эмасди. Лестер бир куни бир варақ қоғозни топиб олди. Женни унга Лестер гап орасида ишлатадиган қийин сўзлар ва уларнинг маъноларини ёзиб қўйганди. Шунда Лестер кулиб қўйди, Женнига янада меҳри товланди. Бошқа сафар, Сент-Луисдаги «Жанубий меҳмонхона»да Женни ҳаракатлари муносиб даражада эмаслиги ва буни теварагида овқатланиб ўтирганлар сезиб қолишидан чўчиганидан ўзини овқатлангиси келмаётгандай кўрсатди. У ҳар маҳал ҳам керакли санчқи ёки тегишли пичоқни қўлга олаётганига ишонавермас, кўзига ғалати кўринган таомлардан хижолатга тушарди; сарсабил қандай ейилади? Артишок-чи?

— Нимага ҳеч нима емаяпсан? — хушчақчақ ҳолда сўради Лестер. — Қорнинг оч-ку, ахир?

— Унчамас.

— Очган бўлса керак. Менга қара, Женни, гап нимадалигини биламан. Бекорга хавотирланяпсан. Ўзингни жуда яхши тутасан. Йўқса бу ерга олиб келмаган бўлардим. Сезгирлигинг ҳам жуда жойида. Хижолат бўлма. Мабодо бирор нарсани тўғри қилмаётган бўлсанг, ўша заҳоти айтиб тураман.

Лестернинг қорамтир кўзлари қувноқ ва мулойим порлади.

Женни миннатдорона жилмайди.

— Мен гоҳо чиндан ҳам сал қўрқиб кетаман, — эътироф этди Женни.

— Ҳожати йўқ,— деди у.— Ҳаммаси жойида. Хавотир олма. Ҳаммасини ўргатаман.

У шундай қилди ҳам.

Женни аста-секин аъёнларга хос қондалару одатларни ўрганиб олди. Герхардтларнинг уйида ҳеч қачон ортиқча нарса бўлмаганди. Эндиликда у кўнгли тилаган барча нарсага эга эди. Кийим-кечаклару пардоз-андоз буюмлари, хуллас, ҳашаматга дахлдор нарсаларнинг баридан насиб қилган, гарчи булар ўзига ёқса ҳам, ҳаддидан ошмас, ақлини ҳам йўқотмасди. Шуҳратпарастлик деган нарсани билмас, пешонаси ярқираётганидан суюнарди, холос. Ўзига қилган ва қилаётган яхшиликлари учун Лестердан жуда миннатдор эди. Қани энди уни умрбод қўлдан чиқармаса.

Женни Вестани миссис Олсеннинг қўлига тутқизганидан кейин уйдан чиқолмай қолди. Лестернинг бош қашишга қўли тегмас, дам келар, дам кетарди. У Чикагодаги энг зўр меҳмонхона бўлган «Грэнд-Пасифик»дан жой олган ва ўзини шу ерда турадигандай кўрсатарди. «Юнион-клуб»да овқатланиб, кечқурунлари дўстлари ва иш юзасидан танишлари билан учрашарди. Телефоннинг афзаллигини тушунган одамлардан бўлганидан квартирага аппарат ўрнатган, Женни билан хоҳлаган пайтида гаплаша оларди. Уйда ҳафтада икки-уч марта, гоҳо кўпроқ ётиб қоларди. Олдинига Женнига, уй ишларини хизматчига топшир деб қаттиқ турди, кейин эса келиб, фақат қора ишларни бажариб кетадиган бирорта қиз билан келишган маъқулроқ деган фикрга қўшилди. Женни рўзғорга ўзи қарашни ёқтирар, меҳнаткашлиги ва орасталиги билан ажралиб туриши ҳам бежиз эмасди.

Лестер нақ соат саккизда нонушта қилишни хуш кўрарди. Кечки овқатни соат еттида ейишга ўрганиб қолганди. Кумуш, биллур, хитой чинниси каби нарсалар — ҳашаматга дахлдор ҳар хил буюмларни яхши кўрарди. Кийимлари билан чамадонлари Женнининг квартирасида турарди.

Дастлабки ойларда ҳаммаси силлиқ кетди. Лестер аҳён-аҳёнда Женнини театрга олиб борар, мабодо биттаяримта таниши олдидан чиқиб қолгудай бўлса, уни доимо миссис Герхардт деб таништирарди. Бирорта меҳмонхонада эр-хотиндай туришгудай бўлсалар, нозирга уйдирма исмни айтарди. Бошқалар таниб қолиши хавфи туғилмаса келувчилар дафтарига бемалол ўзининг фамилиясини ёзиб қўярди. Хуллас, ҳозирча ҳаммаси текис кетарди.

Женни доимо битта нарсадан — Лестер алдаганини сезиб, Вестани билиб қолишидан қўрқарди. Бундан ташқари, отаси ва уйидан ҳам кўнгли нотинч эди. Верониканинг хатларига қараганда Уильям икковлари ҳозирда Кливленднинг ўзидаги мебелли хоналарда турган Мартанинг бағрига кўчиб ўтмоқчи экан. Женни отаси ёлғиз қолишидан ташвишланарди. Унга жуда ҳам раҳми келарди. Герхардт майиб бўлганидан тунги қоровулликдан бошқасига ярамас, Женни унинг ёлғиз қолишини ўйларкан, жуда даҳшатга тушарди. Отаси бу ерга, ёнига кела қолса бўлмасмикин? Лекин Женни отаси ҳозир бунга кўнмаслигини биларди. Лестер ҳам Герхардтнинг бирга туришига рози бўлармикин? Женнининг бунга кўзи етмасди. Бу-

нинг устига, отаси келса, Лестерга Вестани гапирмай бўлмайди. Буларнинг бари Женнини жуда ҳам қийнарди.

Ҳа, Вестанинг иши мушкул эди. Женни ўзини жуда гуноҳкор сезар, айниқса қизи масаласида ёмон шилинib тушарди. У боласи олдидаги катта гуноҳи туфайли юз берган беҳад инсофсизликни кўнглидан чиқариш учун ўлиб-тирилар, нега деганда зиммасидаги бу буюк бурчни бажаришга чоғи келмаслигини ҳам биларди. Ҳар куни миссис Олсеннинг уйига борар, ўйинчоқ, ширинликлар, қўйинг-чи, боласини овунтирадиган ва суюнтирадиган нарсаларнинг ҳаммасини таширди. Қизчаси билан узоқ ўлтириб, унга сеҳргар аёллару паҳлавонлардан гапириб беришни хуш кўрар, қизча ҳам унинг эртакларини жон қулоғи билан тингларди. Женни ниҳоят юрак ютиб, Лестер ота-онасини кўргани Цинциннатига кетганида қизчасини уйига олиб келди. Кейин Лестер шаҳардан кетди дегунча Вестани уйга олиб келадиган бўлди. Кунлар ўтиб, Женни ҳам Лестернинг одатларини билиб олди, гарчи «шаддод» деган сўз Женнига унчалар тўғри келмаса ҳам, ҳар қалай шаддодлиги орта борди. У дадил тортди, илло унинг дадиллиги сичқоннинг жасоратини эслатарди. У Лестер икки-уч кунга бир ёққа кетганида ҳам Вестани олиб келарди. Веста ўйнайди деб ҳаттоки баъзи бир ўйинчоқларини ҳам уйда қолдирарди.

Женни қизчаси уйида турган ўшал озгина кунларда қонуний хотин ва она бўлиш нақадар бахт эканлигини жуда чуқур сезди. Веста ниҳоятда зийрак қиз бўлганди. Ўзининг болаларча содда саволлари билан онасининг қалбидаги тузалмас жароҳатни дам-бадам тимдалаб қўярди.

— Ҳаммавақт сен билан бирга турсам бўладими? — деб сўрарди у кўпроқ.

Женни унга, ҳозирча иложи йўқ, бироқ тез орада, иложи топилиши биланоқ бутунлай олиб келаман, деб жавоб берарди.

— Бу қачон бўлади? — сўрарди Веста.

— Аниқ билмайман, болажоним. Энди бунга оз қолди. Яна озгина сабр қилгин. Миссис Олсеннинг уйи сенга ёқмаяптими?

— Ёқади, — деди Веста, — фақат унинг яхши нарсаси йўқ. Ҳаммаси эскиб кетган.

Вестани магазинга бошлаб бориб, бир олам ўйинчоқ олиб берганида Женнининг юраклари жиғиллаб кетарди.

Лестернинг бундан сира хабари йўқ эди, албатта. У уйда нималар бўлаётганини деярли сезмасди. Ишини қилиб, кўнглини хушлаб юраркан, Женни мендан ҳеч нима-

ни яширмайди ва вафодор, деб қаттиқ ишонар, бирор нарсани яшириши мумкинлиги хаёлига ҳам келмасди. Бир куни тоби қочиб, кундузи уйга қайтиб келганида Женни йўқ бўлиб, уни иккидан бешгача кутди. Шунда жаҳли чиқиб, Женни келганида тўнғиллаб берди. Бироқ бу Женнининг уни уйдалигини кўриб ҳайрат ва қўрқувга тушгани олдида ҳолва бўлиб қолди. Женни бирор нарсадан шубҳаланиб қолади деб азбаройи ранги ўчиб кетганидан уйда йўқлиги сабабини иложи борича одам ишонадиган қилиб тушунтиришга уринарди. Лестернинг уйдалиги унинг хаёлига ҳам келмаганди. Унга равиш қилолмаганига ҳам афсусланарди. Женни ўша сафар жуда қалтис иш қилаётганини тушуниб олди.

Орадан яна уч ҳафта ўтгач, Лестер тағин бир ҳафтага Цинциннатига кетди. Женни яна Вестани уйига олиб келди. Она-бола тўрт кун бирга бўлишиб, жуда маза қилишди.

Ҳамма иш жуда яхши кетаётганида Женни қовун туширириб қўйди. Бунинг кети зил чиқиб, Женни анча-мунча азоб ҳам тортди. Меҳмонхонадаги Лестер кўпинча сигара чекиб, дам олиб ўтирадиган катта диван орқасида ўйинчоқ қўзичоқ эсдан чиқиб қолиб кетганди. Қўзичоқнинг бўйнидаги кўк лентага кичкинагина қўнғироқча осилганидан салгина қимирласа жингилларди. Веста нимагадир бу ўйинчоқни диваннинг орқасига ташлаб юборган, Женни эса пайқамаганди. Вестани элтиб қўйганидан кейин унинг ҳамма нарсаларини йиғиб қўйди-ю, бироқ қўзичоқ эсига келмади. Қўзичоқ эса Лестер қайтиб келганида диван орқасида мунчоқ кўзларини ўйинчоқлар мамлакатининг офтобли майсазорларига қадаганича турарди.

Лестер ўшал оқшом диванда сигара тутатиб, тинчгина газета ўқиб ётганида беихтиёр ёниқ сигарасини диван орқасига тушириб юборди. Тағин бирор нарса ёниб кетмасин деб қўрққанидан энгашиб, диван тагига қараганди, кўзига кўринмади. Шунда ўрнидан туриб, дивани сурганди, Веста ташлаган жойда турган қўзичоқни кўриб қолди. Лестер қўғирчоқни олди-да, айлантириб кўраркан, бу ерга қандай келиб қолганини тушунолмади.

«Қўзичоқ қайдан келиб қолдийкин? Уни Женни танишиб олган кўни-қўшниларимизнинг бирорта боласи олиб келган бўлса керак,— деди ичида Лестер.— Унга жиндай тегишиш керак».

У чин кўнгилдан қизиқчилик қилмоқчи бўлиб, қўзичоқни олди-да, емакхонага кирди. Женни буфет олдида куймаланаётганди. Лестер қизиқчиликка олиб:

— Бу қайдан келди?— деди.

Уйда бунақа ашёвий далил борлиги Женнининг хаёлига ҳам келмаганидан Лестерга ўгирилди-ю, ўша лаҳзанинг ўзида, ҳаммасини билиб олибди, энди қаҳру ғазабини тўкиб солади, деб ўйлади. У қип-қизариб кетди, кейин ранги ўлгудай оқарди.

— Бу... мен... сотиб олувдим... у ўйинчоқ,— Женни дудуқланиб жавоб берди.

— Ўйинчоқлигини кўриб турибман,— Лестер Женнининг довдираганини кўриб турса ҳам, бунга аҳамият бермай, хушчақчақ ҳолда гапирди.— Бечора ёлғиз ўзи ўтлаб зерикиб қолибди-ку.

Лестер қўзичоқнинг бўйнидаги қўнғироқчасини ушлаганди, у сал жингиллади, Лестер шунда рўбарўсида бир сўз айтишга қурби келмай турган Женнига яна қаради. Женни Лестернинг мулойим кўринишидан у ҳеч нимадан шубҳаланмаётганини кўриб турса-да, ўзига келолмасди.

— Сенга нима бўлди?— сўради Лестер.

— Ҳеч нима,— жавоб берди Женни.

— Кўринишингдан бу қўзичоқдан жуда қўрқиб кетганга ўхшайсан.

— Уни олиб қўйиш эсимдан чиқибди,— деб юборди Женни беихтиёр.

— Қўзичоқнинг кўриниши жуда хароб,— Лестер жиддий ҳолда қўшиб қўйди. Кейин бу гап Женнига ёқмаётганини кўриб, тўхтатди. Майнавозчиликдан иш чиқмади.

Лестер меҳмонхонага кириб, диванга чўзилди-да, ўйга ботди. Женни нега ҳаяжонга тушди. Ўйинчоқни кўрганида нимага ранги қув ўчди. Мабодо ёлғиз ўзи қолганида бирорта қўшни болани олиб кириб, ўйнатиб ўтирган бўлса, бунинг сира ёмон томони йўқ-ку. Нимага бунчалар ҳаяжонга тушмаса? Буларнинг барини хаёлидан ўтказаркан, бирор бир тўхтамга келолмади.

Лестер қўзичоқни бошқа тилга олмади. Бундан кўра каттароқ бошқа бир воқеа шубҳа уйғотмаганида, балки буни буткул унутиб юборган бўлармиди. Афтидан, фалокат ёлғиз келмайди, деб тўғри айтарканлар.

Лестер бир куни кечқурун ўралашиб, уйдан одатдаги вақтда кетолмай турганида эшик жингиллаб қолди. Женни ошхонада бўлганидан эшикни Лестернинг ўзи бориб очди-да, ёши ўтинқираган нотаниш аёлни кўрди. Аёл Лестерга ажабланиб қараб қўйиб, инглиз тилида бир амаллаб, бекани кўрсам бўладими, деб сўради.

— Бир дақиқа сабр қилинг,— Лестер шундай деди-да, коридорга чиқиб, Женнини чақирди.

Женни остонадаёқ бу аёлни таниб чопганча даҳлизга чиқди-ю, эшикни ёпди. Бу Лестерга шубҳали кўринди. Қовоғи осилиб, нима гаплигини билмоқчи бўлди. Орадан бир дақиқа ўтмаёқ Женни хонага қайтиб кирди. Ранги докадай оқарган, титраётган бармоқлари гўё тирмашгани бирор нарсани излаётганга ўхшарди.

— Нима бўлди?— сўради Лестер, жаҳли чиққанидан овози кескин янгради.

Женнининг дарҳол жавоб беришга мажоли етмади.

— Мен бирпасга бориб келишим керак,— деди у ниҳоят.

— На чора, бор,— Лестер энсаси қотиб рози бўлди.— Бироқ нима бўлганини айтолмайсанми? Қаёққа кетяпсан?

— Мен... мен...— Женни ғулдираб гап бошлади.— Менинг бир...

— Хўш?— Лестер қовоғини очмай сўради.

— Менинг битта ишим бор,— гапини тугатди Женни.— Мен... ҳозироқ боришим керак. Қайтиб келганимда ҳаммасини айтиб бераман, Лестер. Ҳозир ҳеч нимани сўрама, илтимос.

Женни Лестерга тез қаради. Афтидан хавотирдалиги, ташвишдалиги, тезроқ кетмоқчилиги очиқ сезилиб турарди. Лестер уни ҳеч қачон бунчалар жиғибийрон ва жиддий ҳолатда кўрмаганидан ҳам таъсирланар, ҳам жаҳли чиқарди.

— Майли,— деди у,— бироқ нима учун буни сир тутяпсан? Нимага очиғини айтмайсан, нима бўлди ўзи? Нимага эшикни ёпиб, шивир-шивир қиласан? Қаёққа борасан?

Лестер кескин гапираётганидан ўзи ажабланиб жим қолди. Женни эса бояги аёл келтирган хабардан ва Лестернинг кутилмаган ўшқиришидан тинчи бузилиб тургани-га қарамай бирдан қатъийлашди қолди.

— Сенга ҳаммасини айтиб бераман, Лестер, ҳаммасини!— хитоб қилди у.— Фақат ҳозирмас. Бир дақиқа ҳам вақтим йўқ. Қайтиб келганимда ҳаммасини айтиб бераман. Илтимос, мени ушлама.

Женни кийингани ўзини қўшни хонага урди. Нима бўлаётганига ҳали ҳам тушунмаётган Лестер кетидан кирди.

— Нима гап? Мен билмоқчиман! Менга қара,— ўшқирди у,— бу қанақа тентаклик!

Лестер ўзига бошқалар итоат этишига ўрганиб қолганидан эшик олдида жангари ва қатъий қиёфада турарди. Женни суягидан ўтиб кетганидан ахири дош беролмади.

— Қизчам ўлай деяпти, Лестер!— деб юборди Женни.— Ҳозир гаплашолмайман. Илтимос, мени ушлама. Қайтиб келганимда ҳаммасини тушунтираман.

— Сенинг қизчанг?!— Лестер довдираб қолди.— Нималар деяпсан ўзи, жин ургур?

— Мен айбдор эмасман,— деди Женни.— Қўрқувдим... буни сенга анча олдин айтишим керак эди. Буни сенга айтмоқчи бўлувдим, бироқ фақат... фақат... оҳ, мени тезроқ кўткизвор! Қайтиб келганимда ҳаммасини айтиб бераман!

Лестер Женнига ҳайратда боқди, кейин четга қадам ташлаб, унга йўл берди. Ҳозир ундан бошқа нарсани сўраги-си ҳам йўқ эди.

— Яхши, бор,— деди у оҳиста.— Ё кузатиб қўяймн?

— Йўқ,— жавоб қилди Женни.— Менга қараб турибди, ёлғиз кетмайман.

Женни хонадан югурганича чиқиб кетди. Лестер эса ўйга ботди. Наҳотки бу ўша ўзи яхши биладигандай кўринган аёл бўлса? Бундан чиқди шунча йиллардан бери алдаб келган экан-да! Мана шу Женни-я! Ростгўй, соддадил Женни-я!

— Эҳ, жин урсин мени!— у шундай деди-ю, кейин дами чиқмай қолди.

XXIX БОБ

Бу машмашанинг ҳаммасига болаларда учрайдиган одатдаги касалликлардан бири сабабчи бўлиб, унинг бошланишию нима билан тугашини ҳатто икки соат олдин ҳам бирорта одам билолмасди. Ўша куни Вестанинг бирдан томоғи қаттиқ оғриб қолиб, аҳволи шунақанги тез ёмонлашдики, кекса швед хотиннинг ўтакаси ёрилиб кетиб, қўшнисидан зумда миссис Кейннинг уйига бориб келишни илтимос қилди. Қўшниси ҳам Женнини тезроқ олиб келиш хаёлида бўлганидан, Веста оғир касал, шошилмаса бўлмайди, деди. Женни гангиб қолиб, қизчам ўлаётган экан, деб ўйлади-да, боя ўзимиз кўргандай азбаройи даҳшатда қолиб, умидсизликка тушганидан Лестернинг башарасига бор гапни айтиб қўя қолди. У минг хавотирларга тушиб, кўчада деярли югуриб бораркан, ишқилиб қизимни омон кўриб қолсам бўлгани, деб ўйларди, холос. Кечиккан бўлса-я? Вестани тирик кўролмаса-я? Женни бенхтиёр қадамини тезлаштирди, кўчалардаги чироқларнинг ёруғи дам олдинда пайдо бўлиб, дам зулматга сингиб кетарди. Женни энди Лестернинг аёвсиз сўзларини унутган, ҳайдаб юборишию катта шаҳарда қўлда боласи билан шўппайиб қолишидан ҳам қўрқмасди. Унинг Вестаси оғир касал, жони

узилаётган бўлса керак, бирга бўлмаганликларига Женнининг ўзи айбдор. Қизчасига ўзи қараб турганида ҳозир у соғ-саломат бўлса ажаб эмасди.

«Етиб борсам бўлгани!— дерди Женни ўзига-ўзи. Дарди-дунёси қоронғилигидан ҳамма оналар сингари фақат ўзидан кўрарди.— Худо гуноҳим учун жазолашини билишим керак эди. Ўзим билишим керак эди, керак эди...»

Женни таниш эшикчани очиб, йўлкадан уйга қараб чопди, Веста ётган хонага учиб кирди. Қизчасининг рангида қони қолмаган, овози чиқмас, мажоли йўқ эди. Шунга қарамай анча яхши бўлиб қолганди. Бир неча қўшни хотинлар ва кекса врач шу ерда эди. Ҳаммалари қизчасининг бошида тиз чўкиб, унга нималарнидир гапираётган Женнига қизиқсиниб қарашарди.

Шунда Женни қатъий қарорга келди. Қизчасининг олдида айбдор, жудаям айбдор, энди гуноҳини ювмаса бўлмайди. Лестер унга жуда қадрли, бироқ уни бошқа алдамайди, ташлаб кетса ҳам майли (шуни ўйлаганда Женнининг юраги увишиб кетди), Женни бари бир керакли ишни қилади. Веста энди сабил бўлиб қолмайди. Онаси билан бирга бўлади. Женнининг уйи Вестанинг ҳам уйи бўлиши керак.

Женни кекса швед хотинининг хароброқ уйида қизчасининг бошида ўтираркан, Лестерни алдагани бенаф кетганини ўйларди. Бундан ота-онасининг уйида қанчалар хавотирга тушиб, қийналди, Лестер билан бирга турган кунларида қанчалар азоб чекиб, қўрқиб юрди, бугун кечқурун қанчалар қийноқда қолди. Буларнинг бари нима учун? Бари бир ҳақиқат юзага қалқиб чиқди-ку. Женни оғир ўйларга ботганича, буёғи нима бўларкин деб боши қотиб ўтирганида Веста бирмунча тинчиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Лестер бу янгиликдан ўзини сал ўнглаб олганидан кейин хаёлига, қизча нечадайкин, отаси кимикин, бола Чикагога қандай келиб қолди ва унга ким қараб туради, деган табиий равишдаги саволлар келди. Лестер бу саволларни ўзига берарди-ю, бироқ жавоб тополмасди. Чунки ҳеч нимани билмасди-да.

Буни қарангки, ана шу хаёллар орасида миссис Брейсбрижнинг уйида Женнини биринчи марта кўрганини ногаҳон эслаб қолди. Ўшанда нега уни ёқтириб қолувди? Нимага биринчи кўрганидаёқ уни қўлга олишга киришиб қолувди? Унда нимани сезувди — ахлоқий бебошликними, бўштобликними ё заифликними? Ана шу мунгли воқеанинг барига маккорлик ҳам ўта мураккаблик аралашган, Женни уни алдаш уёқда турсин, ношукур ҳам чиқиб қолганди.

Лестернинг ношукур одамлардан жирканиб, нафратланиб юришини ҳам айтиб ўтиш керак. Ношукурчиликни тубан одамларга хос бўлган энг ёмон ва ярамас хислат ҳисоблар, Женнининг шунақалигини кўриб, ёқасини ушлаб қолганди. Тўғри, илгари Женнида сираям буни сезмаган, аксинча ўйлаганди — ҳозир бўлса ношукурчилигини ўз кўзи билан кўриб турганидан жуда ғазабда эди. Лестерни бунчалар ҳақорат қилишга қандай ботинди? Уни одам қилиб, ўзига тенглаштирган одамни-я?

Лестер қўзғалиб, креслони суриб қўйди-да, шошилмай у бурчакдан-бу бурчакка юра бошлади. Жуда жиддий воқеа рўй берди, шу боисдан тўғри ва қатъий қарорга келиш керак. Женни ёмон иш қилган, шу сабабли уни қоралашга ҳақли. Унинг айби бошиданоқ ҳақиқатни яширганида. Доимо алдаб юргани эса айбига айб қўшади. Ниҳоят Лестернинг хаёлига Женни меҳрини ўзи билан боласига бағишлаб юргани келди. Лестердай мавқедаги ҳеч бир эркак бунга сира ҳам бефарқ қараёлмайди. Шунда Лестер тутақиб, қўлини чўнтагига солганича хонада юраверди.

Лестер эҳтимол бир феълли одам бўлганидан Женнининг боласини, худди Лестерга бўш келганидай, бошқа бировнинг ҳам гапига йўқ демай орттирган боласи борлигини яширгани сабабли ўзини ҳақоратланган ҳисоблаётгандир? Бу — ғоят чалкаш адашувлар ва хатоларнинг мисоли. Бошқа одамларнинг номуси ҳақида гап кетганда энг қаттиқ посбон ва ҳакам бўлган ақл ҳам бир чеккада қолиб кетади. Лестер ўз хулқини хаёлига келтирмаган ҳолда (эркаклар буни кам ҳисобга оладилар), аёл киши ўз қалбини ягона севимли кишисига очиши керак, деб ишонар, шунинг учун ҳам Женнининг ўзгача иш тутганидан жуда изтиробда эди. Бир куни у Женнининг ўтмишини билишга уринганди. Женни ўшанда сўрама деб ёлворганди. Ўшанда боласини айтса бўларди-ку. Энди бўлса... Лестер бошини чайқаб қўйди.

Лестер ҳаммасини хаёлдан ўтказганидан кейин олдинига, уйдан кетиб, Женнини бошқа кўрмаслик керак, деган фикрга келди. У айни пайтда охири нима бўлганини билгиси келарди. Лестер ҳар қалай пальто билан шляпасини кийиб, уйдан чиқди. Ичкиси келганидан биринчи дуч келган дурустроқ майхонага кирди, кейин клубга борди. У ерда хонама-хона кезди, баъзи бир танишларини учратди, уёқ-буёқдан гаплашди. Шунда ҳам хавотири ва алами тарқамади. Ахири уч соат бошини қотирганидан кейин извош ёллаб, уйига қайтди.

Жennи қизининг ёнида эзилган ва гангиган ҳолда анча ўтирди, ниҳоят хавф орқада қолганини пайқади. Ҳозирда у Веста учун бирор иш қилишга ожиз эди. У аста-секин ташлаб келган уйи ёдига тушди. Лестерга берган ваъдасини бажариши лозимлигини ва охирги дақиқагача бекалик вазифасини бажариши кераклигини сезди. Лестер бутунлай ташлаб кетишдан олдин унинг ўтмиши ҳақидаги бор ҳақиқатни эшитгиси келиб кутиб ўтиргандир. Жennи Лестер орани албатта очиқ қилажагини алам ва қўрқув ичра ўйларкан, буни ҳар қалай қилмишлари учун одил жазо ҳисобларди: бу жазога тўла лойиқ у!

Жennи уйига соат ўн бирдан ошганида қайтиб келганида зинадаги чироқ ўчганди. У эшикнинг тутқичини тортиб кўрди, кейин ўзининг калити билан очиб кирди. Жennи шошилмай ва бирор товуш эшитмай ичкари кираркан, Лестернинг газабкор овозини эшитишга тайёр эди. Бироқ у кўринмасди. Лестер шунчаки хонадаги чироқни ўчиришни унутганди. Жennи тез атрофига аланглади, бироқ хонада ҳеч ким йўқ эди. У Лестер бутунлай кетибди, деб ўйлаганидан на қиларини билмай, гангиганидан жойида қотди қолди.

«Кетибди!»— деб ўйлади у.

Шу дақиқада зинада Лестернинг қадам товушлари эшитилди. У шляпасини қошигача бостириб олган, пальтосининг ҳамма тугмалари солинганди. У Жennи томонга қарамай, пальтосини ечиб, илгакка илди. Кейин шошилмай шляпасини ҳам ечди. Шундан кейингина бақрайганича ўзини кузатиб турган Жennига ўгирилди.

— Мен ҳаммасини бошидан-охиригача билмоқчиман,— деди у.— У кимнинг боласи?

Жennи гўё қоронги жарга ўзини отмоқчидай бир лаҳза иккиланиб турди-да, сўнгра лаблари қуруқшаб деди:

— Сенатор Брэндернинг.

— Сенатор Брэндернинг!— такрорлади ҳайратда қолган Лестер. У бунақа дабдабали номни эшитишни кутмаганди.— У билан қандай учраша қолувдинг?

— Ойим икковимиз кирини ювиб берардик,— бемалол жавоб қилди Жennи.

Лестер жим қолди. Жennининг очиқ жавоблари ҳушига келтириб қўйганидан газаби ҳам босилганди. «Сенатор Брэндернинг боласи!»— дерди у ичида.

— Бунга кўп бўлганми?— Лестер қовоғини солиб, қошини чимирганича сўради.

— Деярли олти йил ўтди,— жавоб қилди Жennи.

Лестер қанчадан бери танишликларини ичида чамалаб кўрди-да, кейин сўради:

— Боланинг ёши нечада?

— Олтига қадам қўйди.

Лестер бош ирғади. Хаёлини йиғиб олишга уринганидан тобора амирона оҳангда, лекин бояги дарғазабликсиз гапира бошлади.

— Шу пайтгача қаердайди у?

— Бултур баҳоргача ота-онам билан турди, кейин, сен Цинциннатига кетганингда бу ерга олиб келувдим.

— Кливлендга борганимда ҳам сизлар билан турармиди?

— Ҳа,— жавоб қилди Жennи,— фақат кўзингга кўрсатмасликка ҳаракат қилардим.

— Мен, ота-онангга турмуш қурганмиз, дегансан, деб ўйлардим,— деди Лестер.— У Жennининг уйидагилар болага қандай чидаб юрганларини тушунолмасди.

— Уларга шундай деганман,— жавоб берди Жennи,— бироқ мен сенга қизим борлигини айтишни истамадим. Уйимдагилар эса ҳамиша буни сенга ана айтади, мана айтади деб юришарди.

— Нимага айтмовдинг?

— Чунки қўрқардим.

— Нимадан?

— Сен билан кетганимда ҳолим не кечишини билмасдим-да, Лестер. Қизчамни асрашни, унга зиён етказмасликни жуда-жуда хоҳлардим. Кейин айтишга юзим чидамади. Болани ёқтирмаслигингни айтганингдан кейин қўрқдим.

— Ташлаб кетади деб қўрқдингми?

— Ҳа.

Лестер жим қолди. Жennи тўғри ва бемалол жавоб бераётганидан аввалги—атайлаб риёкорлик қилиб, алдаяпти деган шубҳалари қисман тарқади. Сирасини айтганда, ҳаммасига унинг аянчли аҳволдалиги, қўрқоқлиги ва оиласининг ахлоқи сабабчи. Оиласи ҳам жойида экан ўзи! Бунақа аҳволга бемаъни ва ахлоқсиз одамларгина чидай оладилар!

— Ҳаммаси ахири бир куни юзага қалқиб чиқишини тушунмовдингми?— деб сўради Лестер ниҳоят.— Болани шу тариқа катта қилишга ақлинг етмасди-ку. Нимага менга дарҳол очигини айтмадинг? Ўшанда мен бунга индамай кетармидим.

— Биламан,— деди Жennи.— Мен боламга яхшироқ бўлсин девдим-да.

— Ҳозир қаерда у?

Женни тушунтириб берди.

Лестернинг саволлари овозига ва кўринишига ёпишаётганидан Женни жуда гангиб қолди. У яна бир марта ҳаммасини тушунтириб бермоқчи бўлди, бироқ Лестер бир нарсани пайқаб олди. Женни бунда муғамбирлик эмас, тентаклик қилган. Бу эса ошкора сезилиб турар, Лестер бошқача вазиятда унга чин юракдан ачинган бўларди. Ҳозир эса Брэндерга дахлдор кашфиёт хаёлидан кетмасди. Шунинг учун яна шу гапга қайтди.

— Сен, ойим унинг кирини юварди, дединг. Брэндер билан қандай яқинлашиб қолувдинг?

Женни шу вақтгача Лестернинг қийноқли саволларига бир амаллаб чидаб турганди. Бироқ Лестер бу гапни айтганида зарб егандай титраб кетди. Лестер Женнининг ҳаётидаги энг аччиқ ва машаққатли пайтларидаги ҳали унут бўлмаган хотиралари кўзини тирнаб ўтганди-да. Унинг бу сўнгги саволи очиқ-ойдин гапиришни талаб этарди, албатта.

— Мен унда ҳали ёш қизча эдим, Лестер,— Женни маъюс гапирди.—Энди ўн саккизга киргандим. Ҳеч нимани билмасдим. Меҳмонхонага бориб, ювгани кийимларини олардим-да, кейин элтиб берардим.

Женни жим қолди, бироқ Лестернинг стулини суриб, узоқ ва батафсил ҳикояни эшитмоқчидай ўрнашиб ўтириб олганини кўрганидан кейин яна тилга кирди:

— Ўшанда жуда қийналиб қолгандик. У кўпинча, ойингга бериб қўй, деб пул тутқизарди. Мен билмасдим..

Женни яна жим қолди. Лестер унинг гапиришга мажоли келмаётганини кўриб, яна саволга тута бошлади. Шундай қилиб, бу кўнгилсиз воқеа унга аста-секин аёнлашди. Брэндер Женнига уйланмоқчи бўлган. У хат ёзиб, Женнини чақириб олиши керак бўлган-у, бироқ улгуролмаган. Тўсатдан вафот этгани бунга халал берган.

Женнининг тавба-тазарруси тугади. Икковлари беш дақиқача жим қолишди. Лестер камингa суянганича бир буқтага тикилар, Женни уёғи нима бўлишини билмасдан ва ўзини оқлашга ақалли бир оғиз сўз айтишга уринмасдан турарди. Соат қаттиқ чиқилларди. Лестер қотиб турганидан кўнглидан нималар кечиб, хаёлидан нималар ўтаётганини ҳам билиб бўлмасди. Энди у жуда хотиржам ва осойишта кўринар, уёғи нима бўлишини ўйларди. Женни эса унинг олдида суддаги айбдордай турарди. Лестер эса ҳақгўйлик, ахлоқ, мусаффолик тимсоли сифатида судьянинг

ўрнини эгаллаганди. Шундай қилиб, энди ҳукм чиқариш, Женнининг тақдирини ҳал қилиш лозим эди.

Турган гапки, бу чатоқ иш—хунук воқеа эди. Лестердай мавқеи баланд ва давлатманд одамнинг бунга аралашиб юриши ярамасди. Бу бола икковларининг муносабатларини жуда мураккаблаштиради... Шунга қарамай Лестер бир нима дея олмасди. Камин устидаги соат учга қаттиқ занг чалди. Лестер ўгирилиб қараркан, Женни эсига тушди. У Лестернинг қаршисида ранги ўчган, гангиган ҳолда қимир этмай турарди.

— Бориб ёт,— Лестер ниҳоят шундай деди-да, яна оғир вазифасини ўйлашга тушди.

Женни эса жойидан қимирламади. У тик оёқда, ҳар дақиқада ҳукмни тинглашга тайёр ҳолда Лестерга бақрайганича турарди. Бироқ беҳуда кутарди. Лестер анча хаёл сурганидан кейин ўрнидан туриб, илгакка қараб юрди.

— Бориб ёт,— деди у яна совуққина.— Мен кетаман.

Женни беихтиёр унга томон бир қадам ташлади. Ҳатто мана шу даҳшатли дақиқада ҳам Лестерга фойдам тегсин дерди. Бироқ Лестер унинг ҳаракатини пайқамади. У Женнига бошқа сўз айтмай чиқиб кетди.

Женни унинг кетидан тикилиб, зинадан олислаб бораётган қадам товушларига қулоқ солганча тураркан, гўё ўзи ўлим жазосига ҳукм қилингану қабри узра мотам куйи янграётгандай бир аҳволда эди. Нима қилиб қўйди? Энди Лестер нима қилади? У жуда бўшашиб кетди. Пастдан эшикнинг тарақлаб ёпилгани эшитилганида алам ва умидсизликдан қўлини эзғилашга тушди.

— «Кетди!— деб ўйлади у.— Кетди!»

Деразалар оқариб келаётган саҳар паллада ҳам Женни аччиқ хаёллар оғушида ўтирарди. Унинг аҳволи кўз ёшларига эрк берадиган даражада мушкул эди.

XXX БОБ

Бадковоқ, доимо мантиқий фикр юритадиган Лестернинг чиндан ҳам бир нима қила олишига кўзи етмасди. Жуда феълн айниганди, бироқ нимадан жаҳли чиқаётганини аниқ айтиб беролмасди. Бола борлиги ишни анча мураккаблаштиради, албатта. Женнининг илгарги гуноҳларининг жонли шоҳиди бўлган боланинг не ҳожати бор? Дарвоқе, Лестер шу дамнинг ўзида агар астойдил хоҳлаганида, бутун ўтмишини аллақачон Женнининг ўзидан суриштириб билиб олиши мумкин эканлигини тан олди.

Женни ёлғон ишлатиб ўтирмасди, албатта. Лестер бундай қилмади, энди эса вақт ўтганди. Бир нарса равшан: Женнига уйланишни энди хаёл ҳам қилиб бўлмайди. Лестернинг ҳозирги мавқеи бунга йўл қўймайди. Энг яхши чора— Женнини моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиб, ундан қутулиш. Лестер меҳмонхонага бораётганида, гарчи буни амалга оширишга шошилмаса ҳам, шундай қарорга келиб қўйганди.

Бундай ҳолларда ҳаракат қилишдан кўра мулоҳаза юритиш осонроқ бўлади. Вақт одатларимиз, истакларимиз ва туйғуларимизни мустаҳкамлайди, Женни эса Лестер учун булардан кўра ортиқроқ эди. Тўрт йиллик муттасил мулоқатлари давомида уни ҳам, ўзини ҳам жуда яхши билиб олган Лестер Женнидан тезу осон қутулиш иложини тополмасди. Женнидан айрилса жуда изтиробда қоларди. У кундузи, идорасидаги иш орасида шундай хаёлга борарди-ю, бироқ кечқурунлари ёлғиз қолган пайтларида ўзгариб қоларди. Лестер уни қўмсаб, сиқилаётганини билиб, бундан хижолатда эди.

Лестерни шу кунларда Женнининг гўёки у ва онаси ҳаммалари бирга туришлари Вестага ёмон таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги гапи ҳам хавотирга соларди. Бу гапни қай гўрдан ўйлаб топди экан? Лестернинг ижтимоий мавқеи Женни ҳавас қиларли даражада эди-ку. Кейин эса Женнининг фикрини қисман тушунгандай бўлди. Женни ўша пайтларда унинг кимлигию ўзининг ҳоли кейин нима кечишини билмасди-да. Лестер уни кўп ўтмай ташлаб кетиши мумкин эди-ку. Женни шунинг олдини олиб, болаcини хавф-хатардан асраб қолмоқчи бўлган. Бу нияти унчалик ёмон эмас, Лестер бунинг устига қизча қанақалигини кўришни ҳам истарди. Сенатор Брэндернинг қизи жуда чиройли бўлиши мумкин. Брэндер зўр одам эди, Женни эса — гўзал аёл. Лестер буни ўйлаганида ҳам жаҳли чиқар, ҳам қизиқсинарди. Дам назарида Женнининг ёнига қайтиб, қизалоқни кўриши керакдай (бунга ҳаққи бор-ку, ахир!) туюлар, дам қизча борлигини эшитганда қандай аҳволга тушганини эслаб иккиланиб қоларди. У яна ўзини, ҳаммасига барҳам бериш керак, деб ишонтирар ва бу ички баҳснинг ниҳояси кўринмасди.

Лестер, очиғини айтганда, Женнидан айрила олмасди. Ўтган йиллар ичида Лестер унга жуда суяниб қолганди. Лестернинг ундан бошқа бирорта яқин одами бўлдими? Лестерни онаси яхши кўради, бироқ унинг меҳру муҳаббатида шуҳратпарастлик устунлик қилади. Отаси эса ўзига ўхшаган эркак киши-да. Сингилларининг уни ўйлашга вақ-

ти борми — ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Роберт унга доимо бегона. Лестер Женни билан бирга бўла бошлагандан кейингина чинакам бахт, чинакам яқинлик нималигини сеза бошлади. Женни унга керак. Ундан олисда бўлса борми, ҳар соатда Женнининг ўрни билиниб турарди. Лестер ахири Женни билан очиқчасига гаплашиб, келишиб олмоқчи бўлди. Майли, қизини уйига олиб келиб, тарбия қила қолсин. Лекин эртами-кечми Лестер уни ташлаб кетишини тушуниб олиши керак. Гарчи бу икковлари тезда айрилишларини тақозо қилмаса ҳам, эндиликда муносабатларида кўп нарса ўзгарганини Женнига тушунтириш керак.

Лестер ўшал оқшом ўзининг квартирасига йўл олди. Женни у эшикни очганини эшитаркан юраги дукуллаб ура бошлади. Ўзини қўлга олиб, Лестерни қаршилагани хонасидан чиқди.

— Билишимча, бундай қилиш зарур,— Лестер ўзига хос тарзда очиқчасига гапира бошлади.— Қизингни бу ерга олиб кел, сен билан тураверсин. Уни бировларга қолдиришдан маъни йўқ.

— Яхши, Лестер,— Женни итоат билан жавоб қилди.— Мен доимо шуни хоҳлардим.

— Ундай бўлса чўзиб ўтиришдан ҳам фойда йўқ.— Лестер ёнидан оқшомги газетани олиб, дераза ёнига ўтди. Кейин ўгирилди.— Биз келишиб олишимиз керак, Женни. Бу иш қанақа бўлганини тушунаман. Сендан вақтида суриштирмасдан, ҳаммасини айтиб беришга мажбур қилмасдан ёмон адашдим. Ҳатто болангни кўришимни хоҳламаган чоғингда ҳам, буни айтмай чакки қилгансан. Сен бунақа нарсани яшириб кетиш мумкин эмаслигини тушунишинг керак эди. Айтмоқчи, энди бунинг аҳамияти йўқ. Сенга бошқа нарсани айтмоқчиман: икковимизнинг ҳозирги муносабатимизда ўртада сир бўлмаслиги лозим. Мен ҳамма нарсада бир-биримизга ишонамиз деб ўйлардим. Энди бўлса бир кунмас-бир куни муносабатларимизни мустаҳкамлай оламизми-йўқми, билмайман. Жуда чалкаш аҳволда қолдик. Ҳар хил миш-мишлару ғийбатларга баҳона сероб бўлиб қолди.

— Биламан,— деди Женни.

— Тушун, мен шошилиш ниятида эмасман. Менимча, яна бир оз илгаригидай тураверсак, дейман. Бироқ ҳаммасига ҳушёрроқ қарашингни истардим.

Женни хўрсиниб қўйди.

— Биламан, Лестер, биламан.

Лестер деразага ўгирилиб, ҳовлига, қоронғилик чулғай бошлаган дарахтларга нигоҳ ташлади. Келгусини ўйлаган-

да қўрқувга тушар, нега деганда уй шароитини яхши кўрарди-да. Наҳотки, Женни билан хайрлашиб, клубга йўл олса?

— Қани, овқатланайлик бўлмаса,— деди ниҳоят Лестер совуққина, деразадан кўзини олиб. Ичида эса Женнидан хафа эмасди. Ҳаётнинг бу қадар чатоқ қурилгани қанчалик шармандалиг-а.

Лестер меҳмонхонага қараб юрди, Женни эса тамадди ҳозирлашга киришди. У Вестани, Лестерга ношукурчилик қилганини, унинг ўзини олмасликка қатъий қарор қилганини ўйларди. Женни ўз тентаклиги билан эзгу орзусини йўққа чиқарганди.

Женни дастурхон ёзиб, чиройли кумуш шамдонлардаги шамларни ёқди, Лестер яхши кўрадиган печенье қилди, қўй гўштини қовуришга киришиб, ошкўкни чайди. Женни охирги йили ошпазлик китобини яхшилаб ўқиб чиққан, илгари эса онасидан кўп нарса ўрганиб олганди. Бу юмушлар давомида, эртанги куним нима бўларкин, деб ўйлашини қўймади. Лестер эртами ё кечми ташлаб кетади, буниси — аниқ. Ташлаб кетиб, бошқасини олади.

«На чора,— деди Женни ичида ниҳоят,— ҳозирча мени ташлаб кетмаяпти, шунисига ҳам шукур. Веста ҳам бағримда бўлади». У хўрсиниб қўйди-да, овқатни емакхонага олиб кирди. Қани энди Лестерни ҳам, Вестани ҳам қўлдан чиқармасликнинг иложи бўлса... бироқ бу умид бутунлай чиппакка чиққанди.

XXXI БОБ

Ана шу ғалвадан кейин уй бир оз вақтгача тинчиб, жимиб қолди. Женни эртаси куниёқ Вестани олиб келди. Қизи биргалигидан суюнганидан ҳамма ғаму ташвишларни унутди. «Энди мен унга ҳақиқий она бўла оламан»,— Женни ичида шундай деркан, кунбўйи бир неча марта бирор қувноқ ашулани хиргойи қилаётганини пайқаб қолди.

Лестер олдинига аҳён-аҳёнда кириб турди. У, ўзимни ҳаётимдаги ўзгаришга — Женнини ташлаб кетишимга аста-секин тайёрлашим керак, деб ўзини-ўзи ишонтиришга уринарди. Уйда бола, айниқса, худди шу бола бўлиши кўнглига ёқмасди. Бир оз вақтгача ўзини-ўзи мажбур қилиб Шимолий томонга оёқ босмади, кейин эса кўпроқ кўрина бошлади. Ҳаммасидан қатъи назар бу ер сокин, тинч бўлиб, Лестер фақат шу ерда ўзини дуруст сезарди.

Женни асабий, серҳаракат, тўполончи қизни вазмин,

хотиржам, ўз ишлари билан банд Лестернинг жонига тегмайдиган қилгунча роса бўлари бўлди. Лестер биринчи марта телефонда боришини айтганида, Женни қизи билан қаттиқ гаплашиб, сержаҳл амаки келишини, болаларни ёқтирмаслигини ва унга суйкалавермасликни тайинлади.

— Ақлли бўлгин,— деди Женни насиҳат қилиб.— Гап сотма, ҳеч нима сўрама. Сенга нима керак бўлса ҳаммасини ўзим олиб бераман. Ҳаммасидан ҳам дастурхонга қўл чўзма.

Веста ваъдани катта қилди, бироқ болалигига бориб, бу гапларнинг аҳамиятига унчалар тушунолмади.

Лестер соат еттида келди. Женни қизини иложи борича чиройлироқ кийинтиришга уринниб, ўзи ҳам оқшом либосини кийгани эндигина ётоққа ўтганди. Веста ошхонада бўлиши керак эди. Бироқ у онасининг кетидан сирғилиб келиб меҳмонхонанинг остонасида тўхтаганди. Лестер кираверишда пальтоси билан шляпасини илиб, ичкарига йўналганида Вестани шу ерда кўриб қолди. Қизча жуда мафтункор эди, Лестер буни бир кўришдаёқ эътироф этди. Устида қайтарма ёқали ва қадама енгли, кўк нўхот гулли оқ енгилгина кўйлак, оёғида оқ пайпоқ ва бошмоғи бор эди. Саркаш жингалак сочлари юзини қуршаган, кўзлари кўм-кўк, лаблари ақиқ, ёноқлари қип-қизил. Ҳайратга тушган Лестер нимадир демоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини босди. Веста ётсираб нари кетди.

— Қизча жуда кўҳлик экан,— деди Лестер Женни истиқболига чиққанида.— Сени қийнамаяптими?

— Унчамас,— жавоб қилди Женни.

Женни емакхонага ўтганида Лестернинг қулоғига шу гаплар чалинди:

— У ким?— сўради Веста.

— Ж-жим! У Лестер амакинг! Сенга гап сотма, девдим-ку!

— У сенга ҳам амакими?

— Йўқ, болагинам. Гап сотма. Ошхонага югур.

— У фақат менга амакими?

— Ҳа. Қани, югур.

— Яхши.

Лестер беихтиёр жилмайди.

Башарти Веста хунук, йиғлоқи, юракни сиқадиган бўлганида ёки Женни шунчалар одобни ўргатмаганида буёғи қанақа кетишини айтиш мушкул эди. Қизчанинг кўркамлиги билан онаси силлиққина қилиб уни кўздан нари қилишга уринган одамнинг доимо кўнглини очадиган софлик ва ёшликдай таассурот уйғотганди. Лестер тез-тез Женни-

нинг шу ўтган йиллар мобайнида она бўлиб келганини ўйларди. У боласининг дийдорини ойлаб кўрмасди. Шунда ҳам бир оғиз боласи борлигини айтмабди-я. Шунга қарамай, боласига меҳру муҳаббати чексиз бўлиб келган-ку, ахир. «Ажаб,— дерди Лестер ўзига-ўзи.— У ажойиб аёл».

Бир куни Лестер меҳмонхонада газета ўқиб ўтирганида нимадир шитирлаб қолди. Ўгирилиб қараганида қия эшик тирқишидан ўзига синчиклаб тикилаётган кўм-кўк кўзни кўрди. Жиноят устида қўлга тушган кўз эгаси тезда яшириниши керак эди. Бироқ у чўчимай жойида тураверди. Лестер саҳифани ағдариб, яна қаради. Кўз унга ҳамон тикиларди. Лестер яна шундай қилди. Кўз эгаси бўш келмади. Лестер ҳолатини ўзгартиб, оёқларини чалиштирди. У яна бошини кўтарганида кўз эгаси ғойиб бўлганди.

Бу воқеа арзимас бўлишига қарамай, унда Лестерга доимо хуш келадиган кулгили нимадир бор эди. Мана ҳозир ҳам, Лестер сира бўш келишни истамаётган бир пайтда сирли кўз эгаси кўнглини яйратганини ҳис этди. Лаблари титраб, илжайишига сал қолди. У бундан ўзини тийиб, газетани ўқийверган бўлса ҳамки, шу арзимас ҳодисани яхшилаб эслаб қолди. Шўх Веста Лестернинг эътиборини ўзига биринчи марта ана шундай қаратганди.

Ана шу воқеадан кейин орадан кўп ўтмай, бир куни Лестер нонушта вақтида шошилмай қийма котлет еб, газеталарининг сарлавҳаларини кўздан кечириб ўтирганида тинчи яна бузилди. Женни қизини овқатлантирган ва Лестер кетгунича қўғирчоқлари ёнида ёлғиз қолдириб, ўзи қаҳва қуяётган эди. Шунда эшик ногаҳон очилиб, Веста емакхонадан бемалол ўта бошлади. Лестер бошини кўтарди, Женни қизариб кетиб, қўзғалди.

— Бу ерда сенга нима керак, Веста?— сўради у.

Веста бу орада ошхонага кирди-да, кичкина супургисини олиб, ўзини ғалати тутганича қайтиб чиқа бошлади.

— Менга супургичам керак эди,— Веста жарангдор овозда шундай дея пинагини бузмай кетаверди. Шунда Лестер қизчанинг ботирлигига ҳавасланганидан илжайиб қўйишдан ўзини тутолмади.

Лестернинг шу тариқа аста-секин қизчага меҳри товланиб борди. Энди қизчага нисбатан дилида мурувват уйғониб, кичкина инсон сифатидаги ҳуқуқларини ҳам эътироф эта бошлаганди.

Кейинги олти ой давомида Лестернинг кўнглидаги кадардан деярли асар қолмади. Уйидаги бирмунча ноқулай шароитга кўникибгина қолмай, уй энди кўзига жуда шинам ва бопта кўринар, шунинг учун ҳам кетгиси келмасди.

Кунлари жуда тотли ўтарди. Женни уни кўкка кўтарарди. Лестерга бемалолгарчилик, хоҳлаган пайтида эски ошналари билан учрашиб туриши, уйдаги яхши шароит ва Женнининг меҳрибончилиги бениҳоя хуш келиб қолганди. Шунинг учун ҳам уйдан кетишни кетга сурар ва балки бундай қилишнинг умуман ҳожати ҳам йўқдир деган хаёлга бора бошлаганди.

Бу пайтда ўзи ҳам сезмаган ҳолда Веста билан анча иноқлашиб қолди. Вестанинг қизиқ қилиқлари борлигини пайқаганидан янги ҳунарларини қизиқиш билан кутарди. Веста доим бирор қизиқроқ иш билан банд бўлар, гарчи Женни қизига Лестерга янгилик бўлган қаттиққўллик ила муомала қилса ҳам, қизалоғи тинмагур бирорта қизиқ сўз айтиб қоларди. Масалан, Лестер бир куни қизалоқ катта пичоқ билан гўшт бўлагини кесишга уринаётганини кўрганида Женнига болабоп асбоблар олиб бериш кераклигини айтди.

— Катта пичоқда кесишга қийналяпти.

— Ҳа,— Веста ўша лаҳзада жавоб қилди.— Менга кичкина пичоқча керак. Мана, қўлим ҳам шунақа кичкина.

Веста шунда бармоқларини ёзди. Женни қизи яна бирор ҳунар кўрсатишидан қўрққанидан шоша-пиша қўлини столга босувди, Лестер кулиб юборишига сал қолди.

Веста бошқа сафар Женни Лестернинг чашкасига қанд солаётганини кўриб, тиқилинч қилди:

— Менга ҳам иккита қанд, ойи.

— Йўқ, жонгинам,— деди ойиси,— сенга қанднинг кераги йўқ. Сут ичяпсан.

— Лестер амакимга иккита қанд солдинг-ку.

— Ҳа, ҳа,— деди Женни,— бироқ сен ҳали кичкинасан. Ундан кейин дастурхон ёнида валақлайверма. Жим ўтир.

— Лестер амаким жуда кўп қанд ер экан,— Веста зумда жавоб қилганди, ширинликни хуш кўрадиган Лестер илжайиб қўйди.

— Буни билмадим,— Лестер биринчи марта қизалоқ билан гаплашишни эп кўрди.— Сен эҳтимол, узум ҳали гўра экан, деган тулкига ўхшарсан?

Веста Лестерга жавобан жилмайди, шундай қилиб, эндиликда иноқлашиб олишганидан фойдаланиб, тортинмай гаплаша бошлади. Шу-шу икковлари апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Ниҳоят Лестер Вестани ўз қизидай кўра бошлади. Лестер Женни билан илгаригидай бирга бўлса-ю, айни пайтда ўзининг бир дақиқа ҳам эсдан чиқариши мумкин бўлмаган олами билан алоқасини узмасликнинг йўлини топишса

борми, қизалоқни ҳатто қўли етадиган барча нарсалардан баҳраманд этишга ҳам ҳозир эди.

XXXII БОБ

Баҳорда кўргазма зали билан омбор қурилиши битиб, Лестер идорасини янги бинога кўчирди. Лестер шу пайтгача ишларини «Грэнд-Пасифик» меҳмонхонасида ва клубда битириб келарди. Энди у ўзини Чикагода маҳкам ўрнашиб олгандай ва бундан-буён шу ерда доимий турадигандай сезарди. Зиммасига жиддий вазифалар тушганди, яъни идорадаги беҳисоб ходимларга раҳбарлик қилиш ва йирик шартномалар тузиш ҳам унинг иши эди. Бироқ энди шаҳарма-шаҳар юришлардан қутулган, бу иш Робертнинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилаётган куёви — Эмининг эрига топширилганди. Куёв жон-жаҳди билан кўзга кўринишга интилар, опа-сингилларни ўз томонига оғдириб олишга уринар ва фабрикани қайтадан тузишни мўлжаллаб қўйганди. Лестерга шахсан ёқадиган бир неча хизматчилар ҳайдалиш хавфида эдилар. Бироқ Лестер булардан бехабар, Кейн чол эса Робертга ишда тўла эркинлик беришга мойил кўринарди. Кексалик ҳам кучини кўрсатаётганди. Чол бошлаган иши мустаҳкам, ишончли қўлда қолаётганидан рози эди. Лестер гўёки норози эмасдай кўринарди. Чамаси Роберт билан алоқаси яхшиланиб кетганга ўхшарди.

Лестернинг бошқалардан шу пайтгача сир бўлиб келаётган шахсий ҳаёти ўртага тушиб қолмаганида борми, ҳаммаси бундан буён ҳам силлиқ кетаверарди. Лестер Женни билан усти очиқ извошда кўчаларда юрганида оқсуяклар ёки иш юзасидан танишлари кўриб қолган пайтлар бўлганди. Бу ҳол Лестерни хавотирга солмас, чунки у бўйдоқ, демак, вақтини хоҳлаган одами билан ўтказиши мумкин эди-да. Одамлар ёшгина жувон бўлган Женнини мўътабар оиладан, Лестер унинг кўнглини овламоқчи бўлиб юрибди, деб нега тахмин қилишмас экан? Женнини бошқалар билан таништириш нияти йўқлиги сабабли Лестер извошчига, доимо иложи борича тезроқ юр, деб тайинлаб қўйганди. Шунда бирорта ҳам одам уларни кўрганда чақириб, гапга тутолмасди-да. Лестер театрда тўқнаш келадиганлар учун Женни юқорида айтиб ўтганимиздай шунчаки «мисс Герхардт» эди.

Бахтга қарши Лестернинг жуда кўп танишлари кузатувчанликлари билан ажралиб турардилар. Улар Лестернинг хулқини қоралашни хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Шунчаки олдинги йилларда ҳам бошқа шаҳарларда Лестерни ана шу аёл билан кўрганларини унутмасдилар, холос. Лестер, чамаси, бу аёл билан ғайриқонуний алоқададир-да. Хўш, нима бўпти? Бойлик билан ёшлик кўп нарсага ҳуқуқ беради. Баъзи бир миш-мишлар Робертнинг ҳам қулоғига етган бўлса-да, бу борадаги мулоҳазаларини битта-яримтага айтишни эп билмаганди у. Бироқ эртами-кечми, бари бир ҳаммаси ошкора бўлиши керак эди.

Бу воқеа Лестер билан Женни Шимолий томонда тура бошлаганларига бир ярим йил бўлгандан кейин юз берди. Кузда, ҳаво ёмон пайтларда Лестер тумов бўлиб қолди. Бунинг аломатларини сезганида, арзимаган нарса, иссиқ ваннага тушиб, хинидан кўпроқ ичсам, тезда оёққа босиб кетаман, деб ўйлади. Бироқ дарди жиддий эди: эртасига эрта билан ўрнидан туролмади, иссиғи баланд ва боши ўлгудай оғрирди.

Лестер кейинги пайтларда Женни билан узлуксиз тураркан, эҳтиёткорликни қўлдан бериб қўйганди. У оғриб қолганида меҳмонхонасига кетиб, ўша ерда ётавериши керак эди. Бироқ унинг уйда, Женнининг ёнида бўлгиси келди. Идорасига қўнғироқ қилиб, бетоблигини ва ишда бир неча кун бўлолмаслигини айтди. Кейин ўзини сабр-бардошли Женнининг парваришига топшириб ётаверди.

Женни Лестер, касалми ё соғми, ёнида бўлишидан хурсанд эди. У Лестерни врач чақириб, дори-дармон ичишга кўндирди. Лестерга лимонли қайноқ чой ичирди, кечасию кундузи юзи ва қўлини совуқ сув билан артиб турди. Анча ўнгланиб қолганда эса мазали шўрва билан ширгуруч қилиб берди.

Лестер ана шу касаллиги пайтида биринчи кўнгилсизликка дуч келди. Лестернинг Сент-Поледа меҳмонда бўлган синглиси Луиза, қайтишда кириб ўтаман, деб хабар берганди унга. Луиза уйига мўлжалдагидан анча олдинроқ қайтадиган бўлиб қолди. У Чикагога Лестер айни касал бўлиб ётган пайтда келди-да, идорага қўнғироқ қилиб, акаси яна бир неча кун бўлмаслигини билди, уни қандай топиш мумкинлигини ҳам суриштирди.

— У «Грэнд-Пасифик»да турса керак,— деди қайси бир ноэҳтиёт секретарь.— Тоби қочган.

Луиза хавотирга тушиб, «Грэнд-Пасифик»ка қўнғироқ қилган эди, у ердагилардан мистер Кейнни бир неча кундан бери кўрмаганларини, умуман у хонасида ҳафтада бир-икки мартадан ортиқ бўлмаслигини билиб олди. Луизанинг бу гапдан қулоғи диккайиб, Лестернинг клубига қўнғироқ қилди.

Ўшанда десангиз телефонга, худди биров жўрттага қилгандай, дастёр бола келди. У Лестернинг топшириғи билан квартирасига кўп марта борганди. Бола Лестернинг адреси сир сақланишидан бехабар эди, нега деганда, шу чоққача буни ҳеч ким сўрамаганди-да. Луиза телефонда, мен синглиси бўламан, уни кўрмасам бўлмайди, дегандан кейин бола шундай жавоб қилди:

— У Шиллер майдонида, ўн тўққизинчи уйда туради.

— Кимнинг адресини беряпсан?— деб сўради телефон ёнига келиб қолган нозир.

— Мистер Кейннинг.

— Ҳеч қанақа адрес бериш мумкин эмас. Нима, буни билмайсанми?

Бола довдираб, узр сўради. Луиза эса трубкани илиб қўйганди.

Акасининг учинчи адреси ҳам борлигидан ҳайрон бўлган Луиза бир соатдан кейин Шиллер майдонида эди. Икки квартирали уй олдида тўхтаб, иккинчи қаватга чиқиладиган эшик тахтачасидаги Кейн фамилиясини ўқиди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, қўнғироқни чалди. Женни қўнғироқ овозини эшитиб чиқаркан, башанг кейинган хонимни кўриб жуда ҳайрон бўлди.

— Мистер Кейн шу ерда турадими?— Луиза очиқ эшикдан ичкарига кўз ташларкан, димоғдорлик билан сўради. Бу ерда бегона аёл борлигидан пича ажабланган бўлса ҳам, шубҳалари ҳали ғира-шира эди.

— Ҳа,— жавоб қилди Женни.

— У касал шекилли? Мен унинг синглисиман. Кирсам бўладими?

Женнининг ўзини ўнглаб олишига жиндай фурсат бўлганида бирорта баҳона топарди, бироқ у оғиз очишга улгурмасиданоқ мавқеидан талтайиб кетган ва ўз билгича иш қилишга ўрганган Луиза ёнидан сирғилиб ўтиб кетди. У Лестер ётган ётоққа туташ меҳмонхонада уёқ-буёққа аланглади. Бурчакда ўйнаб ўтирган Веста ўрнидан туриб, меҳмонга қизиқсиниб қарай бошлади. Луиза ётоқнинг очиқ эшигидан Лестерга кўзи тушди. У ўринда кўзларини юмганича ётар, деразадан эса офтоб тушиб турарди.

— Шу ерда экансан-да ҳали!— шангиллади Луиза ётоққа тез кираркан.— Нима бўлди?

Лестер синглисининг овозини эшитиб кўзини очаркан, зумда ҳаммасини тушунди. Ёнбошласа ҳам бир оғиз бир нима дея олмади. Ниҳоят бир амаллаб деди:

— Яхшимисан, Луиза. Қаёқдан пайдо бўлдинг?

— Сент-Поледан. Мўлжалимдан олдинроқ жўнадим,—

у қандайдир чатоқ нарсани сезганидан ғижиниб ва тез гапирарди.— Сени аранг қидириб топдим. Ановинг ўзи...— у «чиройликкина хизматчи экан» демоқчи бўлди-ю, бироқ ўгирилиб қараб, ғамгин, бўшашган қиёфада меҳмонхонада у-буларни йиғиштираётган Женнини кўриб қолди.

Лестер жавоб ўрнига йўталди.

Луиза хонани диққат билан кўздан кечирди. Бундаги ёқимли, бироқ ёмон фикрларга олиб борадиган оилавий шароит назаридан четда қолмади. Стулда Женнининг кўйлаги ётарди. Мисс Кейн буни кўрганида жирканиб юбкасини тортиброқ қўйди. У акасига қараганида кўзларида ғалати ифода кўрди. Лестер гўё бир оз ташвишли, айни пайтда хотиржам ва олишувга тайёрдай кўринарди.

— Бу ерга бекор келибсан,— деди Лестер Луизанинг тили учига келиб турган саволни беришига имкон қолдирмай.

— Нимага бекор бўларкан?— Луиза акаси рўйирост гапирганидан жаҳли чиқиб шанғиллади.— Менга акамисан ё акамасмисан? Ростки акам экансан, қаёққа бўлса ҳам келаверараман. Бунга хушинг борми? Менга шундай дейишга қандай тилинг борди?

— Менга қара, Луиза,— Лестер сал қаддини кўтариброқ гапида давом этди.— Сен кичкина эмассан. Тортишувимиздан маъни йўқ. Сен келишингни билмасдим, йўқса маълум чоралар кўрган бўлардим.

— Маълум чоралар!— деди Луиза ачитиб.— Ҳа-я, бўлмаса-чи! Бошқа нима ҳам қилардинг!

Луиза ўзини қопқонга тушгандай сезар ва бунинг учун Лестердан ғазабда эди.

Лестер эса ғазабланганидан ҳатто қизариб кетди.

— Бекорга кеккайяпсан,— деди у кескин.— Сенинг олдингда ўзимни сираям оқламайман. Мен маълум чоралар кўрардим деяпман. Бу эса мутлақо кечирим сўрайман деганим эмас. Мабодо мулойимроқ гаплашгинг бўлмаса — ихтиёринг.

— Сени қара-ю, Лестер!— Луиза тутақиб кетди.— Сендан буни кутмовдим. Ҳаммаёғимиз таниш-билиш бўлган Чикагода шундай...— Луиза ўша ёмон сўзни айтишга ботинолмади,— билан ошкора туришга уяларсан девдим. Бу даҳшат! Мен одобни биларсан деб ўйловдим, ҳурматни...

— Одобингни жин урсин!— Лестер портлаб кетди,— Тушунсанг-чи, ахир, сендан кечирим сўраётганим йўқ. Бу ер сенга ёқмаётган бўлса, нима қилишни ўзинг жуда яхши биласан.

— О, худойим!— деб юборди Луиза.— Бу гапни акам

айтяпти-я! Мана шу расвони деб-а! Бу кимнинг боласи?— у қўққисдан ғазабкор ва синчковлик билан сўради.

— Ўпкангни босавер, менинг болам эмас. Дарвоқе, меники бўлганда ҳам сенга нима? Илтимос, менинг ҳаётимга аралашма.

Женни ҳамма гапни (ўзининг шаънига айтилган ҳақоратларни ҳам) эшитаркан, аламдан юраги увишди.

— Тинчлан, ҳаётингга бошқа аралашмайман,— қутурарди Луиза.— Бироқ айтиб қўяй, ҳаммадан кутсам ҳам сендан кутмагандим буни. Ўзингдан паст турган хотин билан бирга кўраман деб ўйламовдим! Олдинига уни...—Луиза яна «хизматчинг» демоқчи бўлди-ю, бироқ Лестер қаттиқ ўшқириб бериб, гапини бўлди.

— Менга уни ким деб ўйлаганинг бари бир. У ўзини юксак ҳисоблаб юрганларнинг кўпидан яхшироқ. Нимани ўйлашингни биламан. Ҳаммаси бўлмағур гап. Мен хоҳлаганимни қиламан, сенинг танқидинг билан ҳам ишим йўқ. Ўзим учун ўзим жавоб бераман, менинг ташвишимни тортма, илтимос қиламан.

— Тортмайман ҳам, кўнглингни тўқ қилавер,— бўш келмади Луиза.— Оилани бир чақага олмаслигинг менга аён бўлди. Лекин сенда жиддий виждон бўлганда синглинг шундай жойга келишига мутлақо йўл бермасдинг. Бундан кўнглим кетяпти, бошқалар ҳам эшитишса худди шунақа дейишади, бор гап шу.

Луиза баланд пошнасида шартта бурилиб, чиқиб кетаркан, меҳмонхонанинг эшигида шўри қайнаб турган Женнига еб қўйгудай ўқрайди. Веста хонада йўқ эди. Женни бир оздан кейин Лестернинг олдига кириб, эшикни ёпиб олди. Бир нима дея олмасди. Лестер кенг пешонасидан қалин сочларини қайириб, ёстиқда ҳорғин ва хўмрайган кўйи ётарди. «Жуда кўзим учиб турувди-да»,— дерди у ичида. Синглиси энди уйга бориб, ҳаммага валақлайди. Отаси бу гаплардан хабар топади, онаси, Роберт, Иможин, Эми— ҳаммалари эшитишади. Буни йўққа чиқариб ҳам бўлмайди, чунки Луиза ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб кетди. Лестер ўйчан ҳолда деворга тикилиб қолди.

Бу пайтда Женни ҳам рўзғор ишлари билан банд бўлишига қарамай хаёлга берилганди. Бояги хотин ўзи ҳақида шундай хаёлда экан-да. Одамлар нима дейишлари энди тушунарли. Бошқа сайёрага етолмагандай, Лестернинг хонадонига ҳам етишолмайди энди. Унинг ота-онаси, ака-сингиллари учун ёмон хотин, жамиятда мавқеи жиҳатидан паст туради, ахлоқий жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам тубан, кўча аёли, расво. Женни, вақти келиб обрўйимни

тўғрилаб оламан, деб умид қилиб юрарди. Бу фикр уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ эзар, бамисоли пичоқдай вужудини тиларди. Ҳа, Женни чиндан ҳам Луизанинг, оламнинг, ҳаммасидан ҳам Лестернинг назарида ёмон ва тубан аёл. Бошқача бўлиши мумкинми? Женни индамаса ва нолимаса ҳам, таҳқир ва номус аламидан қутула олмасди. Оҳ, қани энди мана шу одамлар олдида бирор нарса билан ўзини оқлаб, уларнинг фикрларини ўзгартиролса, ҳалол яшаса, яхши хотин бўлса. Буни қандай қилади? Бунга эришмаса бўлмайди, бироқ қандай қилиб?

XXXIII БОБ

Оилада бировга гап бермай юрадиган Луизага жуда алам қилганидан ўша заҳотининг ўзида Цинциннатига қайтиб, кўрганларини ёнига қўшиб-чатиб айтиб берди. Унинг айтишича, эшикни «жуда хашаки, кўринишидан ҳафта-фаҳм аёл» очган, Луиза кимлигини айтганидан кейин ҳам ичкарига таклиф қилмай, «башарасидан айбдорлиги яққол сезилиб турган ҳолда» жойида қотиб қолибди, Лестер ўзини виждонсизларча тутиб, Луизага бор гапни тўкиб солибди. Луиза, уйингдаги бола кимники, деса, жавоб беришдан бош тортибди. Меникимас, дебди, шундан бошқа гап айтмабди.

— Оҳ, худойим, худойим!— дерди бу гапдан биринчи бўлиб хабар топган миссис Кейн хўрсиниб.— Ўғлим, менинг Лестерим! Қандай қилиб шунгача борибди-я?

— Топган хотиниям расво!— Луиза бидиллашини қўймасди. У гўё бир гапни ҳадеб айтаверсам гапимга кўпроқ ишонишади деб ўйларди.

— Мен унга кўмаклашмоқчи бўлиб борувдим,— деди у гапида давом этиб.— Менга уни касал дейишди, дарди оғирдир эҳтимол, деб ўйладим. Унақалигини қайдан билай?

— Шўрлик Лестер!— хитоб қилди она.— Қандай қилиб шунгача борибди-я, ҳеч ақлга сиғмайди!

Миссис Кейн бу мушкулотнинг тагига етмоқчи бўлди-ю, бироқ йўлини тополмай эрига қўнғироқ қилди. Эри фабрикадан келди-да, унинг гапини қимир этмасдан эшитди. Демак, Лестер ўзлари шу чоққача ҳатто отини ҳам эшитмаган хотин билан очиқдан-очиқ турган экан-да. Энди нима қилишсин? Ота-онанинг обрўси ёрдам бермайди. Лестернинг обрўси ўзи билан, ҳар жиҳатдан кучли, ўпка-гиналарга парво ҳам қилмайди, бир бақириб берса ҳам ажаб эмас.

Унга таъсир қилишга, уриниб бор дипломатияни ишга солиб кўрса қалай бўларкин.

Арчибалд Кейн фабрикага хафа ва дарғазаб, нимадир қилишга қатъий жазм этган ҳолда қайтди. Кечқурун Роберт билан гаплашган эди, ўғли қулоғига баъзи бир хавотирли миш-мишлар чалинган бўлса ҳам ишдамасликни афзал билганини бўйнига олди. Миссис Кейн, Роберт Чикагога бориб, Лестер билан гаплашиб кўрса қалай бўларкин, деган гапни айтиб қолди.

— Лестер ўз хулқи билан ўзига қаттиқ зарар етказаётганини тушунмай иложи йўқ,— деди Кейн чол.— Бунақа нарсалар сира ҳам бежазо қолмайди. У ё ўша хотинни олиши, ё жавобини бериши керак. Унга шу гапимни айт.

— Бунинг бари жуда яхши,— деди Роберт,— бироқ унга ким тушунтиради? Очиғини айтганда, менинг бунга ҳушим йўқ.

— Мен умидимни узганимча йўқ,— деди чол.— Сен боргин, уриниб кўргин. Бунинг зарари йўқ. Эҳтимол, эс-ҳушини йиғиб олар.

— Қийин-ов,— Роберт эътироз билдирди.— У ёмон қайсар. Бунақа гаплашишдан менимча наф чиқмайди. Бироқ илтимос қилганингдан кейин бораман, албатта. Ойим ҳам шуни хоҳлаяпти.

— Ҳа, ҳа,— деди ниҳоят таъби хира бўлган чол,— ҳар қалай бориб кел.

Роберт шундан кейин Чикагога жўнади. У бир иш чиқаришига кўзи етмаса ҳам, бироқ ахлоқ ва ҳаққоният бутунлай ўзининг томонидалигидан мамнун эди.

Роберт Чикагога Луизадан уч кун кейин, эрта билан келди. У омборга қўнғироқ қилди, бироқ Лестер у ерда йўқ эди. Шундан кейин уйига қўнғироқ қилди-да, сиполик билан, бирор жойда учрашсак, деди. Лестер бутунлай соғайиб кетмаган бўлса-да идорага боришни маъқул кўрди. У Роберт билан одатдагидай бардам сўрашди, икковлари пича ишларидан гаплашиб ўтиришди. Шундан кейин орага қалтис жимлик чўкди.

Роберт гапни олисдан бошлади.

— Бу ерга нега келганимни билсанг керак?

— Фаҳмлаяпман,— жавоб қилди Лестер.

— Уйдагилар бетоблигингни эшитиб жуда ваҳимада қолишди, айниқса ойимнинг бўлари бўлди. Бутунлай тузалиб кетдингми ишқилиб?

— Чамамда, шундай.

— Луиза сени бирмунча бўлакчароқ уй шароитида кўрганини айтди. Сен бўйдоқ бўлсанг керак?

— Ҳа.

— Луиза кўрган хотин шунчаки...— Роберт қўли билан ҳавони маънодор чизди.

Лестер бош ирғади.

— Сени сўроқ қилмоқчимасман, Лестер. Бунинг учун келганим йўқ. Уйдагилар сени кўришимни сўрашувди, холос. Ойимнинг жуда бўлари бўлгани учун, унинг ҳурмати юзасидан ҳам шундай қилишим шарт эди...

Роберт жим қолди, Лестер унинг бунчалар эҳтиром билан қилган адолатли танбеҳидан таъсирланганидан изоҳ беришдан бош тортса беадабликнинг ўзгинаси бўлишини сезди.

— Сени тинчитадиган бирон нарса дейишим қийин,— Лестер шошилмай гап бошлади.— Айтадиган нарсамнинг ўзи йўқ. Ўша аёл бор, у билан тураман, менга ёқади. Ҳаммасидан ҳам ёмони бахтсиз тасодиф туфайли ундан хабар топганларинг бўлса керак.

Лестер, Роберт ҳушёр мулоҳазаларимни кўнглига сингдириб олсин, дегандай жим қолди. Лестер, чамаси, ўзининг аҳволидан хотиржам кўринарди. Шунинг учун ҳам унинг сўзлари ҳар маҳалгидай бақувват ва ишонарли жаранглларди.

— Унга уйланмоқчимасмисан?— Роберт ботинқирамай сўради.

— Ҳозирча йўқ,— совуқ жавоб берди Лестер.

Ака-ука бир-бирларига бир дақиқа жимгина тикилишди, шундан кейин Роберт деразадан кўриниб турган шаҳарга нигоҳ ташлади.

— Уни севасанми, деб сўрашни ўзи бемаъни бўлса керак,— деди Роберт ботинмиб.

— Тўғрисини айтсам, сен билан бу олий туйғуни қандай муҳокама қилишни ҳам билмай қолдим,— Лестер тунд ҳолда заҳарханда қилди.— Уни синаб кўрмовдим. Мен фақат бу аёл жуда кўнгилдагидеклигини биламан, холос.

Роберт яна жим қолди.

— На чора,— деди у ниҳоят,— гап сенинг тинчлигинг ва оиланинг хотиржамлиги ҳақида кетяпти. Бунга ахлоқнинг алоқаси йўқ деб ҳисоблаймиз, ҳар ҳолда ишнинг бу томонини икковимиз муҳокама қилолмаймиз. Сенинг туйғунг фақат ўзингга дахлдор. Бироқ келажагинг масаласи, менимча, гаплашадиган даражада жиддийдир. Яхши номингни булғамаслик ва оиланинг шаънига доғ туширмасликни ҳам ўйлаш керак. Отанг бошқаларга қараганда кўпроқ оиланинг шаънини ўйлайди. Бу менга ўхшаб ўзингга ҳам яхши маълум бўлса керак дейман.

— Бунга отам қанақа қарашини биламан,— жавоб қилди Лестер.— Сизларнинг ҳар бирингизга ўхшаб, менга ҳам бари аниқ-равшан, бироқ ҳозирча ҳеч нима деёлмайман. Бунақа муносабатлар бир кунда вужудга келмайди ва уни бир кунда узишнинг иложи ҳам йўқ. Уша аёл бор. Бунга қисман ўзим айбдорман. Буни ипидан-игнасигача гапириб бериш ниятида эмасман, чунки бунақа ишларда кўп нарсалар четдан кузатувчига пинҳон бўлади.

— Мен муносабатларингиз қанақалигини билмайман, албатта,— деди Роберт,— суриштирмоқчи ҳам эмасман, бироқ ана шу аёлга уйланмайдиган бўлсанг... унча ҳалол иш қилмаслигинг ўзингга билинмаяптими?— қўшимча қилди Роберт ишнинг заминини пайпасларкан.

Укасининг жавоби унинг жаҳлини чиқарди.

— Эҳтимол,— деди Лестер,— бунда бирорта наф кўрсам шу ишни ҳам қилган бўлардим. Энг муҳими, аёл ёнимда, буни ойласидагиларнинг ҳаммаси билади. Бунда мабодо бирор иш қилиш лозим бўлса, фақат ўзимга ҳавола. Мен учун биров ҳаракат қилолмайди.

Лестер жим қолди, Роберт эса ўрнидан туриб, хонада уёқдан-буёққа юра бошлади. Кейин яна укасига яқин келди-да, деди:

— Сен уни олмоқчи эмасман ёки, тўғрироғи, иш бунгача бориб етгани йўқ, деяпсан. Маслаҳат бермайман, Лестер. Назаримда, бу қалтис хато бўлур эди. Сенга ўқитмоқчи эмасман, бироқ бу нарса сендай одамга қандай хавф солаётганини ўйлаб кўр. Бундай таваккалчиликка ҳаққинг йўқ. Онлани гапирмаёқ қўя қолайлик, ўзингни жуда қалтис ишга уряпсан. Умрингни хазон қиласан, холос...

Роберт қўлини олдинга чўзганича жим қолди. Роберт бирор нарсага дилдан ачинганида одатда шунақа қиларди. Лестер ҳам шунда унинг сўзлари юракдан чиқаётганини сезди. Роберт энди қозилик қилмаётганди. У укасини эсҳушини йигиб олишга даъват этаётган, бу эса аҳволни жуда ўзгартираётганди.

Бироқ Лестер бу даъватга қулоқ солмади, Роберт шундан кейин бошқа нарсани ишга солмоқчи бўлди. Лестерга отаси қанчалар яхши кўришини, хоҳласа Цинциннатидаги (ҳатто католик бўлмаса ҳам) ўз доирасидаги бадавлат хонадоннинг қизига уйланишидан умидворлигини эслатди. Онаси ҳам шу умидда юрганлигини айтди, гапириб нима қилдим, буни ўзинг ҳам яхши биласан-ку, деди.

— Ҳа, улар бунга қандай қарашларини биламан,— Лестер акасининг гапини бўлди,— бироқ, рости, ҳозир аҳволни ўзгартириб бўлишига кўзим етмайди.

— Сен, ҳозирча уни ташлаш мақсадга мувофиқ келмайди, демоқчимисан?

— Мен ундан жуда кўп яхшилик кўрдим ва яхши одам сифатида қўлимдан келганини дариғ тутмаслигим керак, демоқчиман. Айнан нима қила олишимни ҳозирча билмайман.

— У билан бирга туришим шарт, демоқчимисан?— Роберт совуққина қилиб сўради.

— Мен билан бирга туриб ўрганиб қолган бир пайтида, ҳар ҳолда, уни кўчага чиқариб ташлай олмайман-ку,— жавоб қилди Лестер.

Роберт даъвати жавобсиз қолганига кўниккандай яна креслога чўкди.

— Оиладаги ғалва у билан дўстона келишиб, жавобини беришингга етарли сабаб эмасми?

— Олдин бу масалани охиригача ўйлаб олиб, кейин бир иш қиламан.

— Борганимдан кейин ота-онамни бир оз тинчитишим учун яқин орада буни бир ёқлик қилишга ҳаттоки ваъда ҳам беролмайсанми?

— Мен жон-жон деб уларнинг мусибатларини енгиллатардим, бироқ ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади, сен билан суҳбатда эса найрангни бир четга қўймоқчиман. Сенга боя айтганимдай, бунақа нарсаларни муҳокама қилиб бўлмайди. Менга нисбатан ҳам, ўша аёлга нисбатан ҳам бунинг сира иложи йўқ. Бу борада манфаатдор томонлар ҳам гоҳо нима қилишни билмай қоладилар, бегоналарни эса айтмай қўя қолайлик. Ҳозир сенга бирор нарса қиламан деб сўз берсам нақ аблаҳнинг ўзи бўлардим.

Роберт яна хонада юра бошлади.

— Ҳозир ҳеч нима қилиб бўлмайди, дейсанми?

— Ҳозирча ҳеч нима.

— Хўп, унда мен кетай. Бошқа гаплашадиган гапимиз ҳам қолмади чоғи.

— Балки мен билан нонушта қиларсан? Ҳозир бўшман, менинг меҳмонхонамга борсак бўлар?

— Йўқ, ташаккур,— деди Роберт.— Мен Цинциннатига жўнайдиган бирдаги поездга улгурадиганга ўхшайман. Ҳар ҳолда уриниб кўраман.

Улар бир-бирларига рўбарўма-рўбарў туришарди. Лестернинг рангида қони йўқ ва юзи сал салқиган, Роберт эса қорачадан келган, қадди тик, келишган, ақли жойида бўлиб, йиллар ака-укага қанчалик таъсирини кўрсатгани сезилиб турарди. Роберт умр бўйи бемалол ва кескин иш қилар, Лестерни эса доимо шубҳалар қийнагани-қийнаган-

ди. Робертда ишбилармандлик одамнинг ғайрати ва усталиги бор, Лестер эса ҳаётга ишонқирамай қарайдиган омадли бойдай виқорли эди. Ҳозирда икковларининг хаёлларидан нималар ўтаётганидан қатъи назар, ака-ука жуда бошқача кўринишарди.

— На чора,— деди акаси жимликдан кейин,— айтадиган бошқа гапим йўқ. Мен сенга фикримизни тушунтира оламан, девдим, сен бўлсанг айтганингда турибсан, албатта. Нима қилаётганингни ўзинг тушунмаганингдан кейин мен қандай тушунтирай. Битта нарсани айтай, менимча, сен ақлсизлик қиляпсан.

Лестер индамай тингларкан, афтидан ўлгудай қайсарлиги кўриниб турарди.

Роберт шляпасини олди, шундан кейин икковлари эшикка қараб юришди.

— Мен уларга аҳволни дурустроқ ҳолда тушунтиришга ҳаракат қиламан.— Роберт шундай дея чиқиб кетди.

XXXIV БОБ

Ўзимизга маълум бўлган оламда жонзодлар салтанатининг барча вакиллари, гўё мустаҳкам қонунга мувофиқ қуёш теварагида айланаётган сайёрамиздан ташқарида яшаёлмайдигандай, тегишли макон ёки муҳитда ҳаёт кечирадилар. Масалан, балиқ сув оламидан чиқса борми, ҳалок бўлади, қуш балиқларга аталган маконга бош суқмоқчи бўлса жонидан айрилади. Ҳамма тирик жонзодлар— гулда яшайдиган ширадан тортиб тропик ўрмонларнинг ва денгиз қаърларининг махлуқларигача табиат уларнинг фаолиятларини тегишли муҳит билан чегаралаб қўйганидан далолат беради. Биз эса ана шундан чиқиб кетишга ҳар қандай уриниш қанчалар хунук ва хатарли оқибатларга олиб келишини қайд этамиз, холос.

Бироқ одамга нисбатан бу чекланган макон назарияси бунчалар ошкора кучини кўрсатмайди. Ижтимоий ҳаётни бошқарадиган қонунларнинг ҳали тагига етилмаган, шу боисдан улар — бизга умумлашма чиқариш учун асос беролмайди. Шунга қарамай, жамиятнинг фикрлари, талаб ва мулоҳазалари ҳам, гарчи кўзга ташланиб турмаса-да, ўзига яраша аниқ чегара бўлиб хизмат этади. Эркак ёки аёл гуноҳга ботса, бошқача айтганда, тегишли доирадан четга чиқса, у дучор бўладиган бало сув тагида яшамоқчи бўлган қуш ёки инсон яшайдиган маконга кириб қолган ёввойи ҳайвон йўлиқадиган балога ўхшамайди. Эркак билан аёлни муқаррар ўлим кутмайди. Одамлар шунда ажабланганларидан қошларини кўтариб қўядилар ёки заҳарханда кулимсирайдилар, ёки ғазабдан қарс урадилар. Ҳар қалай ижтимоий ҳаёт доираси ҳар бир одам учун шунчалар аниқ белгилаб қўйилганки, уни тарк этадиган ҳар бир киши бир балога гирифтор бўлади. У ёки бу муҳитда туғилиб, тарбияланган одам ундан ташқарида яшашга яроқсиздир. У бамисоли тегишлича зич ҳавода яшашга ўрганган ва зичлиги берироқ, анча сийрак атмосферада ҳаёт завқини суришга ожиз бўлган қушдир.

Лестер акасини кузатгандан кейин дераза ёнидаги креслога ўтирди-да, навқирон, тез кенгаяётган шаҳар манзарасини томоша қила бошлади. Деразадан ташқарида ҳаёт қайнар, унинг ўзига яраша умидлари, бойликлари, лаззатлари бор, Лестер эса, гўё аёвсиз шамол бир чеккага учириб ташлагандай, вақтинча четда қолган, бутун режаларию ниятлари негадир чалкашиб кетганди. У илгаригидай ўрганган йўлидан бемалол кета оладими? Онласининг қаршилиги Женни билан муносабатига таъсир кўрсатмасмикин? Наҳотки илгари ўзини нақадар енгил ва бемалол сезадиган ота уйидан айрилган бўлса? Ҳа, энди уйидагилар билан бемалол ва дўстона муомала қилолмайди. Отасининг нигоҳидан бир вақтлардагидай маъқуллаётгани ёки ғурурни билиб ололармикин? Роберт, отасининг фабрикасидаги ишчилар билан муносабати — илгариги ҳаётига дахлдор нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси Лунзаннинг бевақт келиши билан патарат топганди.

«Омадим келмади»,— Лестер ичида шундай қарорга келди-да, беҳуда хаёл суришларни йиғиштириб, қандай амалий ишларни қилиши мумкинлиги борасида бош қотира бошлади.

Уйга қайтгандан кейин эса Женнига деди:

— Эртага ёки индинга Маунт-Клеменсга бориб, бир оз туриб келмоқчиман. Негадир мазам йўқ, у ерда дам олиб, тузалиб келаман.

Лестер ёлғиз ўзи хаёллари оламида бўлмоқчи эди. Женни айтилган вақтга Лестернинг чамадонини тайёрлаб қўйди. Лестер ўйчан ва тунд ҳолда жўнаб кетди.

Келгуси ҳафта давомида Лестер ҳаммасини шошилмай ўйлаб, ҳозирча ҳеч нима қилмай туриш керак, деган қарорга келди. Ортиқча икки-уч ойнинг аҳамияти йўқ. Роберт ёки онласидан битта-яримта у билан яна учрашмоқчи бўлмаса керак. Лестер иш юзасидан танишлари билан илгаригидай муомала қилаверади, чунки бу фирманинг гуркураши билан боғлиқ нарса. Унга нисбатан ҳеч ким мажбу-

рий чора қўлламайди. Шундай бўлса ҳам Лестер оиласи билан ораси бузилиб қолганидан эзиларди. «Иш чатоқ,— дерди у ичида,— иш чатоқ». Бироқ у илгаригидай тирикчилик қилаверди.

Лестер нақ яна бир йил ана шундай аросатда яшади. У ярим йил Цинциннатида кўринмади. Кейин у ерга иштирок этиши зарур бўлган муҳим бир кенгашга борди-да, гўё ҳеч нима бўлмагандай тутди ўзини. Ойиси маъюс ҳолда бўлса ҳам меҳр билан ўнди. Отаси ҳар маҳалгидай қўлини маҳкам сиқди. Роберт, Луиза, Эми ва Иможин гўё келишиб олишгандай ўзларини қизиқтирган масала юзасидан бир оғиз ҳам гапиришмади. Шундай бўлса ҳам уларнинг бегонасираётганлари сезилиб турарди. Лестер шундан кейин иложи борича она шаҳрига боришдан қочадиган бўлди.

XXXV БОБ

Бу пайтда Женни бошидан мураккаб руҳий ўзгаришларни кечираётганди. Ўз оиласи билан носозлиги чуқур изтиробга солганини ҳисобга олмаганда умрида биринчи марта теварагидагиларнинг фикри билан тўқнашди. Энди ўзининг ёмон хотинлиги аниқ-равшан эди. У кураша олиши мумкин бўлса ҳам икки марта вазият кучига ён берди. Қани энди унда мардликдан кўпроқ бўлса! Қани энди уни доимий қўрқув қийнамаса! Ақлига муносиб иш қилишга журъат этолса қани энди! Лестер унга ҳеч қачон уйланмайди. Бунинг унга кераги йўқ. Женни уни яхши кўради, бироқ кетиши мумкин, шунда Лестерга яхши бўлади. Мабодо Кливлендга қайтиб борса, отаси бирга туришга рози бўлиши ҳам мумкин. Женни кечикиброқ бўлса ҳам қилган ана шу тўғри иши билан отасининг ҳурматини қозонади. *Шундай бўлса-да, Лестердан айрилишини хаёлига келтирганида титраб кетар, нега деганда, Лестер жуда кўп яхшилик қилганди-да.* Отаси эса... Женнини уйга киритмаса ҳам ажаб эмас.

Луизанинг шумқадам ташрифидан кейин Женни Лестер бериб турган пулдан оз-оздан бўлса ҳам бир оз йиғишни хаёл қила бошлади. Лестер уйни пулдан сиқмас, Женни ҳам шу вақтгача ҳар ҳафта уйидагиларга ўн беш доллар юбориб турарди. Бунча пулга илгари бутун оила бировнинг мададисиз кун кўрарди. Женни йигирма долларни овқатга ишлатарди, чунки Лестер дастурхонда доим энг яхши нарсалар — мева, ширинлик, гўшт, винолар бўлсин,

дерди. Уй учун ойига эллик беш доллар тўлашар, кийим ва бошқа зарур харажатларга маълум миқдордаги пул белгиланмаганди. Лестер унга ҳафтада эллик доллар берар, бироқ негадир ундан сира ҳам қолмасди. Бироқ Женни тез орада пул тежаш ҳақидаги фикрни хаёлидан чиқариб ташлади. Кетадиган бўлса қўли қуруқ кетаверади. Акс ҳолда яхши бўлмайди.

Женни Луиза пайдо бўлгандан бери бу ҳақда ҳафтама-ҳафта ўйлар, кескин бир нарса дейиш ёки қилиш учун ўзини қўлга олишга уринарди. Лестер илгаригидай олижаноб ва ширин муомала қиларди-ю, лекин Женни гоҳи пайтлари гўё ўзидан ниманидир кутаётганини сезаётгандай бўларди. Лестер паришон, ўйчан ҳолга тушарди. Женнининг назарида Луиза билан гаплашганидан кейин сал ўзгариб қолгандай эди. Женни унга, ҳаётимдан норозиман, деган гапни айтиб, кейин кетса қандай яхши бўларди-я. Бироқ Лестер Веста борлигини билганидан кейин Женнига, унинг фикри унчалар аҳамиятли эмаслигини, бола никоҳлари учун қаттиқ тўсиқ бўлишлигини аниқ-равшан билдириб қўйганди. Женни Лестерга керак, бироқ қонуний хотин сифатида эмас. Лестер билан тортишиш мушкул, унинг забти зўр эди. Женни ниҳоят Лестерга кетишининг сабабини хат орқали тушунтирмоқчи бўлди. Ўшанда Женнини кечириб, унутиб юборса ҳам ажаб эмас.

Герхардт хонадонининг иши илгаригидай юришмасди. Марта турмушга чиқди. У бир неча йил муаллималик қилганидан кейин бир ёш архитектор билан танишди. Кўп ўтмай бир-бирларига қайлиқ бўлишди. Марта оиласидан бир оз уялиб юрар, шунинг учун ҳам янги ҳаёт остонасига қадам қўяркан, иложи борича уйидагилар билан кам кўришарди. Турмушга чиқаётганини уларга йўл-йўлакай хабар қилди, Женнига эса хат ҳам ёзмади, тўйга эса фақат Басс билан Жоржни чақирди. Герхардт аламини ичига ютди — *негаки тирикчилик шундоқ ҳам роса додини бериб қўйганди.* Вероникага эса бу ўлгудай алам қилди, у опасидан ўчини олишга пайт пойлаб юрарди. Уильям уч-тўрт кун қовоқ солиб юрди. У ўзининг режалари билан банд, электротехникани ўрганар, муаллималаридан бири буни жуда ажойиб ва фойдали касб деганди-да.

Женни Марта турмушга чиққанини анча кеч, Верониканинг хатидан билди. У Мартадан хурсанд бўлди, бироқ ука-сингиллари ўзидан тобора йироқлаб бораётганларини ўйлаб эзилди.

Орадан бир оз вақт ўтгач Вероника билан Уильям Жоржнинг уйига кўчиб ўтишди. Бунга Герхардтнинг ўзи

айбдор эди. Герхардт хотини ўлиб, катта болалари тарқалиб кетишгандан кейин жуда тушкунликка тушиб, гоҳо соатлаб индамай ўтирадиган бўлиб қолганди. Энди олтмиш бешга борганига қарамай умри тугаётганини сезарди. Бир вақтлари бу дунёда бемалол яшаш ҳақида қилган орзулари кўкка совурилганди. Себастьян, Марта ва Жорж бўлак бўлиб кетишган, уни отам дейишмас, бирор нарса ҳам кўтариб келишмасди. Герхардт, нафсиламрини айтганда, бу қизидан бир доллар ҳам олиши керак бўлмаса-да, унга ёлғиз Женни қарашиб турарди. Вероника билан Уильям дод дейишарди. Улар мактабни ташлаб, ишлашдан бош тортишарди, афтидан Герхардт илгари айтган эгри йўл билан топилган пулга тирикчилик қилишни маъқул кўришарди чоғи. Герхард Женни билан Лестернинг ҳақиқий муносабатлари қандайлигига сира шубҳа қилмасди. Олдинига улар турмуш қуришганига ишонди, бироқ Женни ойлаб Лестернинг эсига келмаётганини, ёлғондан чақирса қизи ростдан югуриб қолишини, Вестани айтишга юраги бетламаётганини кўрганидан кейин аста-секин бу фикридан қайтди. Қизининг тўйида бўлмаган, никоҳ қоғозини ҳам кўрмаганди. Женни Кливленддан кетганларидан кейин турмушга чиққан бўлиши мумкин, албатта. Бироқ Герхардт бунга ишонмасди.

Герхардт энди ўлгудай тунд ва заҳар бўлиб қолганидан болаларига жуда қийин бўлиб кетди. Вероника билан Уильямнинг инжиқликлари тутиб, қовоқларини очишмасди. Уларга Мартанинг турмушга чиқиб кетгани ва Герхардт уй харажатини ўз қўлига олгани хуш келмасди. Герхардт болаларига, кийим ва кўнгилхушликларга кўп пул кеткизаяпсанлар, деб вағиллар, бошқа, кичикроқ уйга ўтиш керак, дегани-деган, Женни юбориб турган пулдан бир қисмини ҳар сафар уларга тушунарсиз бўлган нималаргадир чегириб қоларди. Герхардт чиндан ҳам пул тўплар, вақти келганда Женнидан олган пулларини қайтармоқчи эди. Женнининг пулига тирикчилик ўтказишни гуноҳ ҳисоблар, ўзи топаётган арзимас пулдан ҳисоб-китоб қилишга қурби етмасди. Уни, бошқа болаларим ҳам фарзандлик бурчларини бажарганларида қариган чоғимда шунча хислатлари бўла туриб бари бир имонсизлик қилаётган қизимнинг садақасига зор бўлиб ўтирмасдим, деган ўй қийнарди. Бунинг устига уйдаги ғалвалар ҳам тинмасди.

Жорж укаси билан синглиси ҳадеб ғинғиллайверганларидан кейин қиш кунларидан бирида икковини ишлаш шарти билан уйига олиб кетди. Герхардт аввалига гангиб қолди, кейин эса, мебелларни олиб, хоҳлаган тарафларинг-

га йўқолларинг, деди. Унинг бунақанги олижаноблиги акасингилни уялтирди. Улар ҳатто, бирга турсак бўлармиди, деган гапни ҳам айтишди. Бироқ Герхардт кескин бош тортди. Қоровуллик қилаётган фабрикасига бориб, мастердан бирорта чордоқда ётиб юришга ижозат сўрайдиган бўлди. Фабрикада уни яхши кўришади, ишонишади. Бунинг устига тирикчилигига кўп пул кетмайди.

Герхардт жаҳл устида шундай қилди ҳам. Энди узоқ қиш кечаларида гавжум марказий кварталлардан олисда, ҳувиллаган кўчада навбатчилик қилаётган сўққабош чолни кўрса бўларди. Унга фабриканинг шовқин-сурони ва гувур-гувуридан четда бўлган омбор чордоғидан бошпана беришди. Бу ерда у кундузи, ишдан кейин ухларди. Оқшом арафасида ё шаҳар марказига, ё Кихога соҳилига, ё кўлга айланган чиқарди. Қўлини орқасига қилганича ўйчан ҳолда секин айланиб юрарди. Гоҳида ўзи билан ўзи гаплашарди. Азбаройи гангиб қолганидан: «Йўқол-э!» ёки «Туф-э, фалокат!» деган аччиқ-аччиқ сўзларни айтиб юборарди. Қоронги тушиши билан фабрика дарвозаси ёнидаги жойини эгалларди. Яқинроқдаги ишчилар ошхонасида овқатланар, уни ўзига жуда бопта жой ҳисобларди.

Кекса немисниинг мулоҳазалари одатда мавҳум ёки жуда аянчли тусда бўларди. Ҳаёт нима? Шунчалар ҳаракат қиласан, ташвиш тортиб, мусибатлар чекасану пировардида нима қилади? Ҳозирда йўқ бўлган нарсалар қаерда ўзи? Одамлар ўлиб кетишади, тириклар билан ортиқ мулоқатда бўлишмайди. Масалан, унинг хотини. Хотини ўлди, жони қайга учди?

Герхардт шундай бўлса ҳам ёшлигида қонига кирган черков ақидаларига ишонарди. У дўзах борлигига ва гуноҳкор бандалар ўлганларидан кейин унга тушажакларига ишонарди. Хўш, миссис Герхардт-чи? Женни-чи? Герхардтнинг фикрича, икковлари ҳам оғир гуноҳга ботгандилар. Герхардт тақводорлар жаннатда роҳат қилишларига ишонарди. Бироқ ўша тақводорлар қани? Миссис Герхардт меҳрибон аёл эди. Женни — олижанобларнинг олижаноби. Себастьян-чи? Себастьян яхши бола, бироқ тошбағир, унда ўғриллик меҳри деган нарсанинг ўзи йўқ. Марта — шуҳратпараст, фақат ўзини ўйлайди. Бундан чиқди Женнидан бошқа ҳамма болалари худбин экан-да. Басс уйланганидан бери отасию укалари борлигини хаёлига ҳам келтирмади. Марта, тонганим ўзимга аранг етяпти, дегани-деган. Жорж олдинига сал-пал қарашиб турди, кейин эса ташлади-кетди. Вероника билан Уильям яхши иш қилишмаётганини билишса ҳам, Герхардт йўл қўйгунча Женнининг пу-

лига бемалол тирикчилик қилиб келишди. Герхардтнинг ҳозирги аҳволи болаларининг худбинлигидан гувоҳлик бермайдими? Герхардтнинг илгариги куч-қуввати ҳам йўқ. Герхардт эзилиб бош чайқаб қўярди. Ҳаммаси жумбоқ, бошқа нарса эмас. Ҳаётдаги ҳамма нарса тушунарсиз, сирли, омонат. Шунга қарамай унинг болаларидан бирортаси билан бирга тургиси йўқ. Женнидан бошқа болаларининг бари отага номуносиб чиқишди, Женни эса гуноҳга ботиб юрибди. Кекса Герхардт ана шундай азобда қолганди.

Женни ана шу аянчли ишлардан тезда хабар топа қолмади. Илгари у хатларини Мартага ёзарди, сингиси эрга тегиб кетганидан кейин тўғри отасига юборадиган бўлди. Герхардт кенжалари ҳам ташлаб кетишгандан кейин Женнига, энди пул юборма, деб ёзди: Вероника билан Уильям Жоржникида туришади; Жоржнинг фабрикада иши яхши, яшайдиган жойи ҳам ҳозирча ўша ерда. Герхардт Женнига шу пайтгача тўплаган бир юз ўн беш доллар пулини юборди, хатида, бу пулнинг менга кераги йўқ, деб тушунтирди.

Женни бундан ҳеч нима тушунолмади, бироқ отасининг ўжарлигини билганидан тортишмасликка жазм этди, бунинг устига укалари билан сингилларидан садо чиқмасди. Бироқ вақти келиб, уйда нималар бўлганига ақли етиб, жуда бўлари бўлди. Отасининг олдига бориб келмоқчи бўлди. Муносабатлари қанақа бўлишидан қатъи назар Лестерни ҳам ташлаб кетгиси келмасди. Отаси Женни билан бирга туришга рози бўлармикин? Ҳозир кўнмайди, албатта. Женни турмушга чиқса рози бўлиши ҳам эҳтимол; агар сўққабош қолса албатта кўнади. Лекин Женни дурустроқ иш тополмаса қийналишлари турган ган. Ҳаммаси, нима қилай, деган саволга бориб тақаларди. Ахийри Женни ўзича бир қарорга келди ҳар қалай. Ҳафтасига бешолти доллар тўланадиган иш топса бир кунлари ўтади. Дастлабки пайтларда эса отаси жамғарган бир юз ўн беш доллар кунларига яраб турарди.

XXXVI БОБ

Женнининг режаларида битта камчилик бор, у Лестернинг позициясини ҳисобга олмаётган эди. Лестер гарчи ўзи тарбияланган ўша дунёнинг сиқиқ доирасидан чиқиб кетолмаса-да, Женнини беҳад қадрларди. Бироқ севгиси ўз доирасидаги одамларининг фикрларига қарама-қарши ўлароқ, кўнглимга ёққанини танлаганман, деган сабаб билан никоҳига оладиган даражада кучли бўлмаса ҳамки, ҳар қалай Женни Лестернинг ҳаётида жуда катта ўрин тутар, шунинг учун у билан ҳозирча алоқасини бутунлай узмоқчи эмасди.

Лестер одамнинг аёлларга нисбатан бир шаклланган фикри қайта ўзгармайдиган ёшга етганди. Шу чоққача ўзининг доирасидаги аёллардан бирортаси унга Женнидай ёқиб қолмаганди. Женни латофатли, назокатли, бениҳоя ақлли бўлиб, Лестерга нима ёқишини олдиндан билиб турарди. Лестер кўпчилик ўртасида ўзини қандай тутишни шахсан ўргатганидан ҳозирда уни хоҳлаган жойига олиб бориши мумкин эди. Буларнинг бари яхши ва ёқимли эди, шундоқ экан, кўнгли яна нимани ҳам истарди дейсиз.

Бу пайтда Женнининг хавотири кундан-кунга ортиб борарди. У ўз фикрларини қоғозда баён қилишга уриниб, бир неча хатни ёзиб, яна йиртиб ташлади, ниҳоят охирги хатида кўнглидаги гапларни қисман бўлса ҳам ифода этгандай туюлди. Хат жуда узун чиқди, бунақасини Женни шу чоққача ёзмаганди.

«Лестер, азизим, сен ушбу хатни олганингда мен бу ерда бўлмайман, шунинг учун ҳам, илтимос, охирига етмагунингча ёмон фикрга борма. Мен Вестани ҳам бирга олиб кетяпман, шунда яхшироқ бўлади деб ўйлайман. Рост, Лестер, шундай қилиш керак. Сен билан танишганимда биз жуда ғариб яшардик, аҳволим шунақа эдики, бирорта дуруст одам мени олмайди, дердим. Сен бўлсанг, севаман, дединг, ўшанда эс-ҳушимдан айрилдим, кейин эса ўзим ҳам билмаган ҳолда севиб қолдим.

Ўшанда сенга, энди чакки иш қилишни истамайман, мен ёмон хотинман девдим-ку. Бироқ ёнимдалигингда мен ҳеч нимани ўйламасдим ва сендан қандай айрилишни билмасдим. Отам ўша пайтда касал бўлиб қолиб, ҳаммамиз уйда оч ўтирардик. Биз арзимас пул топардик. Укам Жоржнинг оёғида киядиган нарсаси йўқ, ойим бечоранинг бўлари-бўлганди. Лестер, мен кўпинча, онам бечоранинг бошига шунчалар ташвиш ва ғам тушмаганида шу пайтгача ўлмай юрармиди, деган хаёлларга бораман. Мен сенга ёқиб сен ҳам менга ёққанингдан кейин, катта гуноҳга ботмасам ҳам керак, деб ўйладим. Мен сени севаман, Лестер. Сен менга, оилангга қарашмоқчиман, деган гапни айтувдинг, мен ҳам шундай қилсам бўлар, деб ўйловдим. Ахир биз жуда ҳам камбағал яшардик-да.

Лестер, азизим, сени ташлаб кетишга юзим чидамаяпти,

Сенга бу жуда қабиҳ туюлиши мумкин, бироқ кейинги пайтларда не кўйларга тушганимни билганингда борми, кечирган бўлардинг. Сени севаман, Лестер, шунчалар севаманки! Бироқ синглинг келгандан буён ўтган ойлар давомида бемаъни ҳаёт кечираётганимни, сезиб-билиб юрибман, ростки буни ўзим кўриб-билиб турганимдан кейин бундан буёгига бундай турмуш кечириш мумкин эмас. Сенатор Брэндер билан бўлган иш учун ўзим айбдорман, бироқ унда жуда ёш эдим, нима қилаётганимни мутлақо билмагандим. Гарчи ўша пайтда бу тўғридай туюлган бўлса ҳам, бошиданоқ сенга Вестани айтмаганимга ўзим айбдорман. Уни сендан яширинча Чикагога олиб келганимга ҳам қаттиқ айбдорман, бироқ сендан қўрқардим, Лестер, бирор нарса қилишинг ёки бирор нарса дейишингдан қўрқардим. Буларнинг бари синглинг келганидан кейин менга аён бўлди ва ўшандан буён чакки ҳаёт кечираётганимни яхши биламан. Бироқ сени айбламайман, Лестер, фақат ўзимни айблайман.

Мени олгин, деб илтимос қилмайман. Менга ва оиланга қандай муносабатда эканингни биламан, шу боисдан ўзим ҳам бу ҳол ишингга ёрдам беради деб ҳисобламайман. Ота-онанг буни хоҳлашмайди, мен ҳам бирор нарса илтимос қилмоқчи эмасман. Бундан буён ҳозиргидай турмуш қилиб бўлмайди, бу менга аён. Веста катта бўляпти, яқин орада ҳаммасига ақли етиб қолади. Ҳозирча сени чиндан ҳам амаким деб ўйлаяпти. Мен кўп ўйладим, кўп марта сен билан гаплашмоқчи бўлдим, бироқ жиддий кўринганингда қўрқувга тушиб, бир сўз айтолмайман. Шунинг учун ҳам яхшиси хат ёзиб кетишга қарор қилдим, ўшанда ҳаммасини тушуниб оласан, дедим. Тушундингми, Лестер, тушундингми буни? Мендан жаҳлинг чиқмаяптими? Шундай қилсам сенга ҳам, менга ҳам яхшироқ бўлишини биламан. Мени кечир, Лестер, илтимос, унут мени. Бир куним ўтар. Бироқ сени шунақанги севаман, шунақанги яхши кўраманки, ўла-ўлгунимча қилган яхшиликларингдан миннатдор кетаман. Бахтли бўл. Мени кечир, Лестер. Сени севаман.

Женни.

P.S. Кливлендга, отамнинг ёнига кетаяпман. Унга керакман. У ёлғиз қолган. Илтимос, Лестер, кетимдан бормагин. Кераги йўқ».

Женни хатни конвертга солиб, ёпиштирди-да вақтинча ишончли жойга беркитиб қўйди.

Женни ўз режасини амалга ошириш учун яна бир неча кун ўзини қўлга олди. Ниҳоят бир куни Лестер қўнғироқ қилиб, икки-уч кун уйда бўлмаслигини айтганида ўзи ва Вестанинг энг керакли нарсаларини бир неча чамадонга жойлади-да, извошчига одам юборди. У отасига телеграмма билан хабар бериб қўймоқчи бўлди, бироқ унинг фабрикада яшаётгани эсига тушиб, ўзи қидириб топишга жазм этди. Герхардт хатида Вероника билан Уильям ҳамма мебелни олиб кетишмаганини, унинг бир қисми сақлашга топширилганини ёзганди. Демак, кичикроқ квартирани жиҳозлашга нарса бор. Женни жўнаш тараддудини кўрганидан кейин ўтириб, извошчини кута бошлади. Худди шу пайтда эшик очилиб, хонага Лестер кириб келди.

Лестер охирги дақиқада ўз режасини ўзгартирди. У жуда ҳид биладиганлардан бўлмаса ҳам бу сафар гўё нимадир бўлишини сезганди. Танишлари билан Чикагонинг жанубидаги Канкаки ботқоқлигида ўрдак овига боришни келишиб қўйганди, лекин тўсатдан фикридан қайтди, ҳатто идорадан ҳар кунгидан барвақт кетмоқчи бўлди. Нега бундай қилганига ўзининг ҳам ақли етмасди.

Уйга бундай барвақт қайтаётгани ўзига ҳам галати кўринарди. У кираверишда турган иккита чамадонни кўриб қотиб қолди. Бу нимаси? Женни сафар кийимида жўнашга тайёр бўлиб турарди. Веста ҳам кийинтирилган. Лестернинг қорамтир кўзлари ҳайратдан бақрайиб қолди.

— Қаёққа?— деб сўради у.

— Мен... мен...— Женни ундан тисарилганича гап бошлади,— мен кетяпман.

— Қаёққа?

— Кливлендга кетмоқчийдим.

— Нимага?

— Мен... мен доим сенга, менимча, бу ерда энди қолиб бўлмайди, демоқчи бўлиб юрардим, Лестер. Сен билан гаплашмоқчи бўлардим-у, ботинолмай юрардим. Сенга хат ёзгандим.

— Хат!— деб юборди Лестер.— Ҳеч нимани тушунмаяпман! Ўша хат қани, жин ургур?

— Мана,— деди Женни столчага беихтиёр қўл чўзиб. Ундаги қалин китоб устида Женнининг хати ётарди.

— Мендан хат билан қутулиб кетмоқчи бўлувдингми?— сўради Лестер энди анча жиддий оҳангда.— Йўқ, сени тушунолмаяпман. Нима гап ўзи?— У конвертни йиртиб, дастлабки сатрларга кўз югуртирди.— Вестани бу ердан олиб кет-чи,— деди у.

Женни унинг айтганини қилди. Кейин қайтиб келиб,

хона ўртасида қаққайганича қолди. У ранги ўчган, таъби хира ҳолда девор, шифт, чамадонлар, Лестерга паришон тикиларди. Лестер оғирлигини гоҳо у оёғидан-бу оёғига солиб, хатни диққат билан ўқиб чиқди-да, ерга ташлади.

— Менга қара, Женни,— у Женнига қизиқсиниб тикилганча гап бошларкан, уёғига нима дейишни ўзи ҳам билмасди. Женни билан орани очиқ қилишга энди имкон келганди. Бироқ Лестер буни сира ҳам истамас, чунки кунлари жуда тинч ва яхши ўтарди. Шунча йил бирга турганларидан энди ажралиб кетишса жуда кулгили бўларди-да. Бунинг устига Лестер уни яхши кўради, ҳа, яхши кўради. Бироқ унга уйланишни истамайди, бунга иложи ҳам йўқ. Женни буни билади. Бунинг гувоҳи — унинг хати.

— Сен ниманидир чалкаштиряпсан,— Лестер шошилмай гап бошлади.— Нимага бунақалигингни билмайман-у, бироқ баъзи нарсаларга қарашинг тўғри эмас. Сенга ҳар ҳолда ҳозир уйлана олмайман, девдим-ку, ахир. Сен мутлақо билмайдиган талай муҳим сабаблар бор. Севишимни эса ўзинг биласан. Бироқ менинг орлам ва фирманинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашиш керак-да. Булар нақадар мураккаблигини тушунмайсан, мен бўлсам тушуниб турибман. Сендан ажралишни эса истамайман, менга жуда қадрлисан. Сени зўрлаб ушлаб туролмайман, албатта, кетсанг ихтиёринг ўзингда. Лекин бу, менимча, яхши бўлмайди. Наҳотки шуни чиндан ҳам хоҳлаётган бўлсанг? Бир дақиқага ўтир-чи.

Ими-жимида жўнаб кетишни умид қилган Женни гангиб қолди. Бунинг устига Лестер жиддий гап бошлаб, гўё ниманидир илтимос қилаётгандай чулдираяпти. Женни истиробда қолди. Ўзи шунчалар яхши кўрадиган Лестер уни қолишга кўндирмоқчи бўлаётганини кўрмайсизми!

Женни Лестерга яқин келганди, у қўлтиғидан олди.

— Қулоқ сол,— деди у.— Рост, ҳозир кетишингдан сираям маъни йўқ. Қаёққа кетмоқчийдинг?

— Кливлендга.

— У ерда қандай яшамоқчийдинг?

— Рози бўлса дадам билан туриб, бирорта иш топарман, девдим. Дадам битта ўзи қолган-да.

— Илгариги ишингдан бошқа нима иш ҳам қила оласан? Наҳотки яна хизматчиликка кирсанг? Ё магазинда сотувчи бўласанми?

— Бирорта хонадонга экономкаликка кирсам ҳам бўлади,— деди Женни тортиниброқ. Женни, нима иш қилсамикин, деб узоқ бош қотирганида хаёлига келган дурустроқ нарса шу эди.

— Йўқ, йўқ,— ваҳиллади Лестер бош чайқаб.— Бу ярамайди. Ҳамма режаларинг ҳеч нимага ярамайди, қуруқ хаёл. Бундан кўнглинг ҳам тўлмайди. Ўтган ишга салавот. Бунинг кераги ҳам йўқ. Ҳозир мен сенга уйлана олмайман. Бироқ яхшиликча қўлдан ҳам чиқармайман, мабодо кетаман десанг, аввалги ҳаётингга қайтишингни истамайман. Мен сени ҳар қалай ташлаб қўймайман. Чиндан ҳам мени ташлаб кетмоқчимисан, Женни?

Женни Лестер қаттиқ туриб, асосли далил-исботларни келтираётганидан бир нима дея олмасди. Лестер Женнига қўлини теккизиши биланоқ ўйлаб қўйган барча аҳду қарори учди-кетди. У йиғлаб юборди.

— Йиғлама, Женни,— деди Лестер.— Ҳаммаси сен ўйлаганингдан ҳам яхши бўлиб кетиши мумкин. Озгина сабр қил. Пальто билан шляпангни еч. Ахир, мени ташлаб кетмайсан-ку?

— Кетмайман!— деди Женни ҳиқиллаб.

Лестер Женнини тиззасига ўтқазди.

— Ҳозирча ҳеч нима қилмаймиз,— гапида давом этди Лестер.— Ҳаёт — мураккаб нарса. Бир мартада ҳаммасини битириб бўлмайди. Кейин ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Мен ўзимам бошқа пайтда ўлсам ҳам рози бўлмайдиган нарсамга кўникиб турибман.

Женни аста-секин тинчланди-да, кўзда ёши билан маъюс жилмайди.

— Энди буларни йиғиштириб қўй,— деди у мулойимлик билан чамадонларга имо қилиб.— Илтимос, бир нарсани ваъда қил менга.

— Нимани?— сўради Женни.

— Бундан-буён мендан ҳеч нимани яширмайсан, тушундингми? Менсиз, менинг рухсатимсиз ҳеч иш қилмайсан. Сени бирор нарса қийнаса, тўғри келиб, айтавер. Сенга ёрдам беришга уринаман, қўлимдан келмаса ҳам, ҳар ҳолда, бир-биримиздан сиримиз бўлмайди.

— Биламан, Лестер,— деди Женни унинг кўзларига жиддий боқиб.— Сендан ҳеч нимани яширмасликка ваъда бераман, чин сўзим. Илгари қўрқардим, энди бўлса қўрқмайман. Рост!

— Мана бу бошқа гап,— деди Лестер.— Сенга ишонаман.

Лестер шундан кейин уни бўш қўйди.

Бир неча кундан кейин Герхардтнинг тақдири ҳақида гап бўлгани ана шу суҳбатнинг дастлабки натижаси эди. Женни отасидан анчадан бери хавотир олиб келарди, энди эса кўнглидаги гапларни Лестерга айтмоқчи бўлди. Бир

куни кечқурун овқатдан кейин унга Кливленддаги гапларни айтиб берди.

— Ҳозир ёлғиз ўзи роса қийналаётганини биламан. Кливлендга кетмоқчи бўлганимда уни ёнимга олиш ниятида эдим. Энди бўлса нима қилишимниям билмай қолдим.

— Унга пул юборсанг бўларди,— таклиф қилди Лестер.

— У мендан пул олишни истамайди,— тушунтирди Женни.— Мени ёмон хотин, гуноҳга ботиб яшаяпти деб ҳисоблайди. Турмушга чиққанимга ҳам ишонмайди.

— Бунга унинг асоси бор,— деб қўйди Лестер хотиржам ҳолда.

— Фабриканинг қаеридадир ётиб юрганини ўйлашни ўзи даҳшат. Жуда қариб қолган, бунинг устига ёлғиз ўзи.

— Бошқа болалари-чи? Нега улар қарашмайди? Аканг Басс қаерда?

— Отам баджаҳл одам, шунинг учун қарагилари келмаса керак-да,— деди Женни соддадиллик билан.

— Унда нима маслаҳат беришниям билмай қолдим,— деди Лестер илжайиб.— Отанг муомаласини сал мулойимроқ қилса бўларкан.

— Ҳа, албатта,— деди Женни,— бироқ у қариб қолган, умр бўйи қийналган.

Лестер бир оз вақт индамай, қўлида санчқини ўйнаб турди.

— Мен бир нарсани ўйлаяпман,— деди ниҳоят.— Биз бир-биримиздан айрилмайдиган бўлгандан кейин яхшиси бу уйдан кетайлик. Мен Хайд-Паркдан уй олсакмикин, деб мўлжаллаб қўйдим. Тўғри, идорага узоқлик қилади, бироқ бу ер негадир жонимга тегди. Боғи билан ҳовлиси бўлса Веста николарингга дуруст бўлади. Ўшанда отангни олиб келсанг ҳам бўлади. У бизга халақит бермайди. Уйда ғимирлаб юради, уйни тартибли сақлашга ҳам қарашади.

— Оҳ, ўзи худди шунақа нарсага боп,— деди Женни хўрсиниб.— У ҳамма нарсани тузатиб юришни яхши кўради, гулпушталарга қараб, уйни иситишни ҳам эплайди. Бироқ турмуш қурганимизга ишонмаса ўлса ҳам келмайди.

— Ҳа, унга никоҳ гувоҳномасини кўрсатолмаслигинг ишни мураккаблаштиради. Чолнинг ноилож нарсани орзу қилаётгани аниқ. Шаҳардан ташқаридаги уйни иситишга ҳам қийналади,— Лестер жимликдан кейин қўшимча қилди.

Бу сўзлар Женнининг қулоғига кирмади. У яна ҳаётини яхши изга сололмагани устида ўйга толганди. Герхардт бемалол яшаса бўладиган ажойиб уйлари бўлгани тақдирда ҳам келмайди. Келса Веста икковларига жуда яхши бўларди-да. Қайтадан туғилгандай бўларди.

Женни маъюс ҳолда жимиб қолди. Лестер эса унинг хаёлидан нималар ўтаётганини гўё билгандай деди:

— Тўғриси, нима қилишниям билмай қолдим. Никоҳ гувоҳномасининг бланкасини топиш ҳам амримаҳол. Ясама қилсанг қонун бўйича жазога тортиласан. Тўғрисини айтганда, бунақа ишга қўл ургим ҳам йўқ.

— Нималар деяпсан, Лестер, сира мумкин эмас-а! Мен шунчаки дадамнинг қайсарлигига ачинаман, холос. Бир нарсани кўнглига тугиб олдими, тамом, ҳеч гапингга юрмайди.

— Янги жойга ўрнашиб олгунимизча сабр қилайлик,— таклиф қилди Лестер.— Ўшанда Кливлендга ўзинг бориб, гаплашиб келасан. Эҳтимол, кўндирарсан.

Лестерга Женнининг отасини бунчалар яхши кўриши ёқарди. Шунинг учун ҳам Женнининг бу нияти хусусида кўмаклашишга тайёр эди. Герхардт чол зериктириб юборадиган кимса бўлса ҳам, ёмон одам эмасди. Агар у катта ҳовлида ғимирлаб юраман деса, марҳамат, Лестер бунга сира ҳам қаршилик қилмайди.

XXXVII БОБ

Хайд-Паркка кўчиб ўтиш ҳақидаги гап бекорга айтилмаганди. Икки-уч ҳафта ўтиб, ҳаммаси изига тушиб кетганидан кейин Лестер Женнига ўшаёққа бирга бориб, уй кўришни таклиф қилди.

Улар биринчи боришларидаёқ керакли уйни топишди. У катта-катта ўн бир хонали, гулпушталар ва соя-салқин дарахтлар қуршовидаги эски уй эди. Бу дарахтлар шаҳар эндигина қурила бошлаганда экилганди. Бу ер жуда чиройли, шинам, сокин эди. Женни, янги уйимга тўла қонуний бекадай қадам босмаяпман деб эзилаётганига қарамай, деярли қишлоқдагидай кенг-кўлам қўрғонни кўрганида суюниб кетди. У Лестерни тарк этмоқчи бўлганида, кетимдан боради, ўшанда турмуш қурамиз, деган ниятда эди. Энди эса бу йўққа чиқди. Женни қолишга ваъда берди, энди буёғига мослашишга тўғри келади. У, бунақа катта уйни нима қиламиз, деб оғиз очганида Лестер унинг гапига қулоқ солиб ҳам ўтирмади.

— Бу ерда меҳмон кутишимиз ҳам эҳтимолдан холи мас,— деди у.— Ҳар ҳолда уйни жиҳозлаш керак, кўрайлик-чи, нима чиқаркин.

Лестер агентга кейинчалик чўзиш ҳуқуқи билан беш йилга ижара шартномаси тузишни топширди. Шундан кейин ҳовлида тезда ишлар бошлаб юборилди.

Уйнинг ташқарисини бўяб, ичкарисини безашди, гулпушталар текисланиб, чиройли, байрамдагидай тусга кирди. Биринчи қаватда кенг-кўлам кутубхона, худди шундай катта ёмонхона, меҳмонларга аталган хона, кичикроқ меҳмонхона, катта ошхона ва буфетхона бор эди. Иккинчи қаватда ётоқ, ваннахоналар ва хизматчининг хонаси жойлашганди. Ҳаммаси қулай, кўзни қувнатарди. Женни янги жойни тартибга келтиришга киришиб кетганидан хурсанд ва мағрур эди.

Женни кўчиб келишлари биланоқ Лестернинг ижозати билан хат ёзиб, отасини таклиф қилди. Отам ўзи керакли хулоса чиқарсин деганидай никоҳ ҳақида бир сўз ёзмади. Бироқ жуда хушманзара жойда турганини, уйи жуда қулайлигини ва катта боғи борлигини батафсил ёзди. «Бу ер жуда яхши, дада,— деб ёзганди Женни,— сенга ёқса керак. Веста мактабга боряпти. Бу ерга кел, биргаликда турамиз. Бу ерда фабрикангдан кўра минг марта яхши турасан. Менинг ҳам бошим осмонга етарди!»

Герхардт бу хатни ўқиди-да, бошн қотиб, тундлашди. Наҳотки рост бўлса? Турмуш қуришмаган бўлса шунақа катта уйга кўчиб ўтишармиди? Ё ўзи бошидан адашганмикин? На чора, сегулянинг кечи йўқ, бироқ уёққа боришн керакмикин? Ёлғиз туришга ўрганиб қолганида наҳотки Чикагога, Женнининг уйига борса? Герхардт қизининг гапига бе[illegible]о қарамади-ю, бари бир бормасликка аҳд қилди. Ула[illegible]г ишлари чалкашлигида ўзининг ҳам қисман айби бо[illegible]гани ошкора эътироф этолмасди-да.

Женни отаси келмаганидан қаттиқ изтиробда эди. У Лестер билан маслаҳатлашиб, Кливлендга ўзи бориб келмоқчи бўлди. Герхардт ишлаётган мебель фабрикасини ҳам қидириб топди. Фабрика бинолари шаҳарнинг энг хароб кварталларидан бирида тартибсиз ҳолда қуриб ташланганди. Женни дадасини идорадан суриштирди. Шунда юзир уни дўнгликдаги омборга йўллади. Герхардга уни қандайдир хоним кўрмоқчилигини айтишди. Герхардт хароб каравотидан қўзғалиб, ким бўлди, деб қизиқсиниб, ҳовлига тушди. Соч-соқоли оқарган, қошлари ўсиқ, ранг босган, кийими ғижимланган отаси қоронғи йўлакдан чиқиб келганида Женнининг юраги увишиб кетди. «Шўрлик дадам»,— деди у ичида. Герхардт қизига яқинлашаркан, буёққа яхши ниятда оёқ босганини тушуниб, синовчан қараши майинлашди.

— Нимага келдинг?— деди у хавотирга тушиб.

— Сени олиб кетмоқчиман, дада,— ялинди Женни.— Бу ерда энди қолсанг бўлмайди. Ёлғиз ўзинг турганингни ўйласам сиқилиб кетаман.

— О,— деди Герхардт ташвишланиб,— шунга келдингми?

— Ҳа,— жавоб қилди Женни.— Бирга кетайлик. Бу ерда қолмагин.

— Яхши бошланам бор,— деди Герхардт ўзини оқлагандай.

— Биламан, биламан, бироқ бизнинг энди каттакон уйимиз бор. Веста ҳам бирга турибди. Наҳотки бормасанг? Лестер сени таклиф қиляпти.

— М[illegible] бир нарсани айт,— талаб қилди Герхардт,— турмуш [illegible]ганмисизлар ё йўқми?

— А[illegible]та қурганмиз,— Женни тап тортмай ёлғон гапирди.— [illegible]на бўлган. Борганингда ақалли Лестердан сўра.

Женни отасининг тикилишига зўрға дош берди, ер сузмади. Чол шундан кейин унга ишонди.

— Ҳа, тузук,— деди у,— аллақачон шундай қилиш керагиди.

— Энди борасанми, дада?— Женни бўш келмади.

Герхардт нопок қўлларини ёзди. Женнининг меҳрибонларча тиқилинч қилгани уни жуда таъсирлантирганди.

— Ҳа, бораман,— у шундай дея ўгирилди, елкалари эса титрарди. Женни йиғлаётганини тушунди.

— Ҳозир, мен биланми?

Герхардт жавоб бериш ўрнига омборнинг қоронғи эшигида кўринмай кетди. У лаш-лушларини йиғиштирмоқчи эди.

XXXVIII БОБ

Герхардт Женнининг уйига кўчиб келганидан кейин фикрича ўзига аталган хилма-хил ишларни бажаришга тезда киришиб кетди. Уйни ситиш билан ҳовлига қарашни ўз зиммасига олди. Узи бекор ўтирганда маош бериб бировни ишлатишни хаёлига ҳам келтирмасди. Қизига, уй атрофидаги дарахтлар жуда тарвақайлаб кетибди, арра билан боғқайчи топиш керак, баҳорда ўзим қарайман, деди. Германияда бунақа нарсаларнинг қадрига етишади, америкаликлар эса ношуд, қўлидан иш келмайдиган одамлар! Кейин Герхардт мих билан дурадгорлик асбобларини

олдирди-да, аста-секин шкафлару ҳамма жавонларни тузатиб чиқди. Уйдан икки миль нарида лютеранлар черковини топди, назарида у Кливленддаги ўзи қатнаб турган черковдан яхши, пастор ҳам худо ёқтирган одам эди. Герхардт шундан кейин, Веста ҳар ҳафта мен билан черковга борсин, деб туриб олди, бошқа гапни эшитишни ҳам хоҳламади.

Женни билан Лестер Хайд-Паркда янги ҳаёт бошлаганларида унча хотиржам эмасдилар. Улар қийин бўлишини билишарди. Шимолий тарафда Женни қўни-қўшнилар билан танишиш ва улар билан мулоқотга киришишдан ўзини бемалол олиб қоча оларди. Бу ерда эгаллаган уйлари эса ҳамманинг назарида эди. Бу ерда қўшнилар бош суқишни фарз санашлари турган гаплигидан Женни ўзини тажрибакор бека сифатида кўрсатиши лозим бўларди. Буни Лестер икковлари батафсил муҳокама қилишиб, *бизни эр-хотин дейишса қолсин*, деган фикрга келишди. Вестани Женнининг биринчи эри мистер Стовердан (миссис Герхардт қизлигидаги фамилияси) қолган қиз, дейишадиган бўлди. Отани қизи туғилгандан кейин ўлганга чиқаришди. Хайд-Парк Чикагонинг ҳашаматли марказидан анча олисда бўлганидан Лестер шаҳарлик танишларимизга рўбарў келмаймиз деб ўйларди. Женнига биринчи меҳмон келганда довдираб қолмаслик учун ўзини қандай тутиш кераклигини тушунтириб қўйди.

Орадан икки ҳафта ўтмасданоқ чиндан ҳам биринчи меҳмон ўзини кўрсатди. У қўни-қўшнилар орасида ҳурмати баланд миссис Стендл бўлиб, Женнидан беш иморат наридаги гулпушталар қуршаган ажойиб уйда турарди. У ўзининг извошида магазинлардан қайтаётиб кириб ўтганди.

— Миссис Кейн уйдамилар?— деб сўради у янги хизматчи Жаннетдан.

— Уйдалар, хоним,— жавоб қилди Жаннет.— Ташриф қоғозингизни берсангиз.

У ташриф қоғозни Женнига олиб борганди, Женни қивиқиш билан нотаниш исмни ўқиди.

Женни меҳмонхонага чиққанида сочлари қора, қарашлари синчков миссис Стендл у билан самимий сўрашди.

— Бугун ёлғизлигингизга шутур етказишга журъат этдим,— деди у жуда мафтункор қилиб.— Мен сизнинг қўшнингизман, уйингизнинг қиясида тураман. Оқ тошдан қурилган дарвозага балки кўзингиз тушгандир?

— Ҳа, албатта,— жавоб қилди Женни.— У уйни яхши биламан. Мистер Кейн билан бу ерга биринчи келганимизда унга ҳаваслашиб қарагандик.

— Эрингизнинг фамилиясини эшитганман, албатта. Менинг эрим эса «Уилкс ва компания» электр фирмаси билан алоқадор.

Женни бош иргади. Миссис Стендлнинг гапиришидан у жуда йирик ва даромадли фирма кўринарди.

— Бу ерда бир неча йилдан бери турамиз, шунинг учун ҳам шаҳарнинг янги қисмида одам қовушолмай туришини жуда яхши тушунаман. Бизникига бориш ниятингиз бордир, дейман. Жуда хурсанд бўлардим, бошим кўкка етарди. *Мен пайшанба-кунлари меҳмон кутаман.*

— Жоним билан,— жавоб қилди меҳмондорчилик азобини кўз олдига келтираркан, ичида чўчиб.— Бизникига кириб турсанглар жуда хурсанд бўламиз. Мистер Кейн жуда банд, бироқ қўли сал бўшади дегунча икковимиз ҳам сизни эрингиз билан уйимизда кўришдан хурсанд бўламиз.

— Сизлар ҳам бир куни кечқурун боринглар,— деди миссис Стендл.—Биз жуда осойишта яшаймиз. Эрим театру чопа-чопларни ёқтирмайди. Бироқ қўни-қўшнилар билан аҳилмиз.

Женни мулойим жилмайди. Меҳмон ўрнидан турди, Женни уни эшиккача кузатиб қўйди.

— Бунчалар ёқимтойлигингиздан жуда хурсандман,— дангал айтиб қўя қолди миссис Стендл Женнининг қўлини қисаркан.

— Миннатдорман,— деди Женни қизариб.— Тўғриси, бундай мақтовга ҳали сазовор бўлганимча йўқ.

— Хўп, бўлмаса сизни кутаман. Хайр.

Миссис Стенд жилмайганича қўлини силкиди.

«Ёмон чиқмади шекилли,— деди ичида Женни олислаб бораётган извошдан кўзини узмай тураркан.— Ёқимтой жувон. Буни Лестерга айтиш керак».

Уларникида мистер ва миссис Кармайкл Бэрк, миссис Филд ва миссис Боллингер деганлар ҳам бўлишди. Улар ташриф қоғозларини қолдиришар ё гаплашиб ўтиргани киришарди. Женни ўзини ҳурматга лойиқ аёл санаётганларидан *обрўни қўлдан бермасликка тиришарди*. Буни жуда эпларди. У меҳмондўст ва самимий эди. Табассумида яхшилик, ўзини тутишларида табиийлик сезиларди, меҳмонларда зўр таассурот қолдирарди. Меҳмонларига кейинги пайтларда Шимолий тарафда турганини, эри мистер Кейн кўпдан буён Хайд-Паркка кўчиб ўтишни орзу қилганини, отаси билан олдинги эридан қолган қизи билан бирга туришларини гапирарди. Бундан буён ҳам азиз қўшнилари билан кирди-чиқди қилишга умид билдирарди.

Женни кечқурунлари меҳмонлари ҳақида Лестерга га-

пириб берарди. Лестернинг ўзини улар билан таништиргани тоби йўқ эди. Женни аста-секин етиша борди. Унга таниш орттиришлар ёқар, янгича шароитда Лестер ўзини яхши хотин ва кўнгилдаги ҳаёт йўлдоши сифатида кўришга кўникиб кетади, деб ишонарди. Ўшанда бир кунмас-бир кун уйланса ҳам ажаб эмас.

Бироқ илк таассуротлар ҳар маҳал ҳам мустаҳкам бўлавермайди. Бунга Женни тез орада ишонч ҳосил қилди. Қўни-қўшнилар Женнини ўз қаторларига анча шошилиб киритишган экан, кейин ҳар хил миш-мишлар ўрмалаб қолди. Миссис Соммервил деган аёл Женнининг яқин қўшниси бўлган миссис Крейгнинг уйида валақлашиб ўтирганида, Лестер ҳақида у-буларни биламан, деб қолди.

— Ҳа, ҳа. Сизга айтсам, жонгинам, унинг обрўси унчалар...— у қошини учириб, бармоғи билан таҳдид қилди.

— Нималар деяпсиз!— миссис Крейг типирчилаб қолди.— Кўриниши жуда ажойиб, жиддий-ку.

— Қисман шундай ҳам,— деди миссис Соммервил.— Ўзи жуда яхши одамдан. Бироқ эрим, битта ёшгина жувонга айланишиб қолган, деганди. Бу ўшами, ё бошқами, билмайман. У билан Шимолий тарафда эр-хотиндай туришган экан. Эри уни ҳаммага мисс Горвудми ё шунга ўхшашроқ ном билан таништираркан.

— Буни қаранг-а!— миссис Крейг шунда ҳайратидан тилини тақиллатиб қўйди.— Сизга айтсам, бу ўша аёл бўлса керак. Отасининг фамилияси Герхардт-ку.

— Герхардт!— деб юборди миссис Соммервил.— Шу, шу, тўппа-тўғри. Бу жувоннинг илгари ҳам қандайдир ишкали бўлган экан, ҳар ҳолда боласи бор. Эҳтимол, Кейн кейинчалик унга уйлангандир, бунисини билмайман. Бироқ, билишимча, унинг оиласи бу хотинни эшитгиси ҳам келмасмиш.

— Бу ниҳоятда қизиқ!— хитоб қилди миссис Крейг.— Уни бари бир ўшанга уйланганини кўрмайсизми! Ё бошқасимикин? Бизнинг давримизда ким билан муомала қилаётганингни ҳам билиш жуда мушкул.

— Жуда тўғри айтасиз. Гоҳида сира тушуниб бўлмайди. Ўзи бўлса жуда дилбар жувонга ўхшайди-я.

— Ажойиб!— тасдиқлади миссис Крейг.— Бирам соддадил. Мени сеҳрлади-қўйди.

— Эҳтимол, ҳар қалай бошқа аёлдир у,— гапида давом этди меҳмон аёл.— Адашган бўлишим мумкин.

— Йўғ-э, қайда дейсиз! Герхардт! Унинг ўзи менга Шимолий тарафда тургандик, девди.

— Унда, демак ўша. Уни эслатганингиз ғалати бўлди-я.

— Жуда, жуда ғалати,— деди миссис Крейг ичида Женни билан бундан буён қандай муомалада бўлишни ўйларкан.

Миш-мишлар бошқа томонлардан ҳам етиб келарди. Кимдир Лестерни Женни билан Шимолий тарафда извошда кўрганмиш; Лестер кимгадир уни миссис Герхардт деб таништирганмиш; кимдир Кейнлар хонадонидаги ғалвадан хабардор экан. Женнининг ҳозирги ҳаволи, ажойиб уйи, Лестернинг давлати, Вестанинг чиройлилиги зодагонларнинг фикрига яхши таъсир кўрсатарди. Женни ўзини боадаб тутар, ажойиб хотин ва оналиги яққол кўриниб турганлиги ва умуман одамларда яхши таассурот қолдираётганидан унга бир нарса дейишнинг сира ўрни йўқ эди; бироқ ўтмиши қоронғи эди, одамлар эса буни эсларидан чиқаришмасди.

Фалокат яқинлаб келаётганини Женни биринчи марта қизи бир куни мактабдан кела солиб, қўққисдан:

— Ойи, менинг дадам ким бўлган?— деб сўраганида сезди.

— Унинг исми-шарифи Стовер,— жавоб қилди Женни. У иш расволигини, кимдир валақлаб қўйганини зумда сезди.— Нимага буни суриштириб қолдинг?

— Қаерда туғилганман?— Веста ойисининг гапига жавоб бермай, сўрашда давом этди. Чамаси ўзи ҳақида кўпроқ нарса билиб олишни мақсад қилганга ўхшарди.

— Колумбусда, болагинам, Огайо штатида. Нима қилди?

— Анита Боллингер, сенинг ҳеч қанақа даданг бўлган эмас, туғилганингда онанг ҳатто эрга ҳам тегмаганди, деди. Сен чинакам қиз эмассан, кимлигинг номаълум, дейди. Жаҳлим чиқиб кетиб, уни дўппосладим.

Женни бир нима дея олмай, қотиб қолганича бўшлиққа тикиларди. Миссис Боллингер уйида бўлган ва, кирдичиқди қилайлик, деб бошқалардан кўпроқ гапирганди, энди бўлса қизи Вестага бунақа гапларни гапирибди. Бунақа гапларни қизи қаердан эшитганикин?

— Унга парво қилма,— деди Женни шиҳоят.— У ҳеч нимани билмайди. Сенинг даданг мистер Стовер эди. Колумбусда туғилгансан. Уришиш яхши эмас. Қизчалар уришганда жаҳл устида бир-бирларига ҳар қанақа ёмон нарсаларни айтишлари мумкин. Сен унга тегма, яқинига ҳам борма, ўшанда у сенга ҳеч нима демайди.

Женни қизига дурустроқ тушунтиролмаса ҳам Вестани бир муддатгача тинчитди. У фақат:

— У яна урмоқчи бўлса мен унга кўрсатиб қўяман,— деди.

— Унга мутлақо яқинлашмагин, тушундингми? Ушанда сенга тегмайди. Дарсингни ўйла, унга тиқилиб, жанжаллашма. Ушанда сен билан гижиллашмайди.

Веста чопқиллаб кетди, Женни эса чуқур ўйга толди. Қўшнилар ғийбат қилишяпти. Илгариги гапларни ҳамма билибди. Қаёқдан билишганикин?

Женни қизи билан гаплашганида вужудида пайдо бўлган жароҳат ҳали битмасдан туриб, бошқа ҳар хил илма ва ўйма гаплар ярасини тирнай бошлади. Женни бир куни яқин қўшниси миссис Филдни кўргани кирса, у миссис Бейкер билан чой ичиб ўтирган экан. Миссис Бейкер Женни Шимолий тарафда турганини ва унга Кейн хонадонининг муносабатини эшитган экан. Бу қотмадан келган, серғайрат, фаросатли хотин миссис Брейсбрижга бир оз ўхшаб кетар, аёнлардан таниш-билиш орттиришда жуда эҳтиёткор эди. У миссис Филдни ҳам ўзига ўхшаб бу масалада маҳкам тутади деб юрганидан, гарчи сир бой бермаса-да, Женнини кўриб жаҳли чиқди.

— Танишинг, миссис Кейн,— деди миссис Филд мулойимгина жилмайиб.

Миссис Бейкер Женнига бошдан-оёқ кўз югуртираркан, авзойи яхшиликдан дарак бермасди.

— Миссис Лестер Кейнми?— қайта сўради у.

— Ҳа,— жавоб қилди миссис Филд.

— Шунақа денг,— миссис Бейкер совуқроқ қилиб гапида давом этди.— Мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман... миссис Лестер Кейн.

Шундан кейин Женни борлигини унутгандай бекага ўгирилиб, пичир-пичир қилишга тушди. Женни уларнинг гапига аралаша олмасди. Женни бундай нозик пайтда ўзини қандай тутишни билмасдан ндамай турарди. Миссис Бейкер, гарчи бу ерда кўпроқ ўтирмоқчи бўлса ҳам, кўп ўтмай қўзғалди.

— Сира-сира қололмайман,— деди у ўрнидан тураркан.— Миссис Нийлга, бугун албатта кираман, деб ваъда берувдим. Сизнинг ҳам жонингизга тегиб бўлсам керак ўзи.

У эшикка қараб юрди, остонага етгандагина Женни томонга қараб, совуққина бош иргади.

— Кимлар билан учрашишга тўғри келмайди дейсиз!— деб қўйди у бека билан хайрлашаркан.

Миссис Филд Женнининг ёнини олишни ўзига эп кўрмади, чунки унинг ўзи ҳам кимлигини худо билади. У ҳам

яқинда бойиган аёллар сингари қандай бўлмасин тузуккина даврага қўшилиб олишга уринарди. Миссис Бейкер бу даврада Женнига нисбатан хийла мўътабарроқ мавқе эгаси бўлганидан у билан тортишгиси келмади. Миссис Филд Женни ўтирган стол ёнига қайтаркан, гуноҳкорона кулиб қўйса ҳам, таъби хиралиги сезилиб турарди. Женни ҳам таъби тирриқ бўлганидан тезда бир нимани баҳона қилиб, чиқиб кетди. У ўзини ниҳоятда ҳақоратланган сезар ва миссис Филднинг у билан иноқлашганидан пушаймонда эканлигини тушунарди. Женни энди битта танишидан айрилгани шак-шубҳасиз эди. Шунда у яна, умрим хазон бўлди-да, деб эзила бошлади. Энди ҳеч нимани тузатиб бўлмайди, келгусидан эса умид йўқ. Лестер бўлса уйланиб унинг обрўсини сақлаб қолишни истамайди.

Кунлар ўтар, бирон-бир ўзгаришдан эса дарак йўқ эди. Чиройли иморат, бир текис гулнуштлар ва сершох дарахтлар, аймоқи ток навдалари чирмашган айвон устунлари, Герхардт боғда ғимирлаб юргани, Веста мактабдан қайтаётгани, Лестер эрталаблари ҳашаматли, қўш ғилдиракли извошида кетаётганини кўрган ҳар бир одам бу хонадонда осойишталик ва мамнунлик ҳукмронлигига, ташвиш ва мусибат бу ажойиб масканга бегона эканлигига ишонарди, албатта.

Чиндан бу уйда ҳаёт сокин, ғалвасиз кечарди. Тўғри, қўни-қўшнилар Лестер билан Женниларникига деярли кирмай қўйишди, киборона кўнгил очишлар йиғиштирилди. Бироқ бу Лестер билан Женнига ортиқча зарар бўлмади, чунки улар тўрт девор орасида ҳам зерикиб қолишмади, эрмаклари ўзларига етарли эди. Веста рояль чалишни ўрганар, хотираси зўрлигидан ишлари яхши кетарди. Женни ўзига жуда ярашадиган кўк, бинафшаранг, тўқ-яшил рангдаги уй кийимида рўзғорга қарар, тикиб-чатар, чанг-чунгларни артар, Вестани мактабга жўнатар, хизматчига кўзқулоқ бўларди. Герхардт эрталабдан-кечгача тинмас, уйдаги ҳар бир ишга қўли тегмаса бўлмасди. Ўзига ўзи топиб олган ишлардан бири уйда Лестер ва хизматкорлар кетидан газни ёки битта-яримта ёқиқ қолдирган чироқларни ўчириб юриш эди. Булар Герхардт назарида жиноий исрофгарчилик эди.

Бу тежамкор чолни Лестернинг энг қиммат костюмларини ҳам бир неча ой кийиб, кейин ташлаб юборадиган одати хафа қиларди. Лестернинг пошнаси сал кетган ёки бирор ери сал буришган тупа-тузук пойабзални кийгиси келмаганини кўрганида йиғлаб юборай дерди. Герхардт, уларни тузатишга бериш керак, дер, бироқ ҳар қанча вай-

самасин, Лестер, бунисн тўғри келмаяпти, деб қўя қоларди.

— Шунақаям исрофгарлик бўладими-а!— дерди Герхардт қизига нолиб.— Шунча нарса нобуд бўляпти! Мана кўрасан, кети ёмон бўлади, ҳар қанча пул кор қилмайди.

— У бошқача қилолмайди, дада,— дерди Женни ўзини оқлаб.— Уни шунақа тарбиялашган.

— Зўр тарбия экан-да! Бу америкаликлар иқтисодда ҳеч нимани билишмайди. Бир Германияда туриб кўришсайди, долларнинг қадрини ўшанда билишарди.

Лестер бу гапларни Женнидан эшитганида кулиб қўя қоларди. Герхардт чолнинг гаплари унга хуш келарди.

Чол Лестернинг гугуртни исроф қилишига ҳам чидаёлмасди. Гоҳида Лестер гугурт чизиб, сигарасини ёндириш ўрнига гаплашиб қолар, кейин ташларди. Ё бўлмаса чекишидан анча олдин гугуртни кетма-кет чақаверарди. Айвонда Лестернинг ёз оқшомлари Женни билан гаплашганда чекиб ўтирадиган жойи бор эди. У ҳар дақиқада гугурт чизиб, боққа отаверарди. Бир куни Герхардт гулпуштани текислаб юриб бир тўда ярми чириган гугурт чўпини кўрганида бўлари бўлди. Жуда хафа ҳолда жиноятнинг ашёвий далили сифатида уларни газетага солди-да, Женни иш тикиб ўтирган хонага олиб кирди.

— Манавини топиб олдим!— деди у.— Узинг бир кўргин-а! Бу одам иқтисодни тушунишда жуда ҳам...— Герхардт керакли сўзни бари бир тополмади.— Боғда ўтириб чекади-ю, гугуртни мана бунақа исроф қилади. Гугуртнинг бир қутиси беш цент туради — беш цент! Бунақанги исрофгарчиликда қандоқ кун кўрмоқчи ўзи. Сен бунинг нималигини бир кўриб қўйгин.

Женни қараб, бошини чайқади.

— Ҳа, Лестер сира тежамайди,— деди у.

Герхардт гугуртни подвалга олиб кетди. Уларни плитада ёқса ҳам ҳарна-да. Булардан трубкасини тутатишда ҳам фойдаланса бўлар, бироқ бунга эски газеталар боп, улар эса анча-мунча йиғилиб қолган, бу ҳам уй эгаси исрофгар одамлигидан гувоҳлик берарди. Герхардт эзилиб бош чайқарди. Бу ерда қандай ишлаб бўлади! Ҳамма унга қарши. Бироқ Герхардт бўш келмас ва исрофгарчиликларнинг олдини олишга интиларди. Узи эса жуда ҳам тежамкор эди. Бир вақтлар Лестер анча пулга олган қора костюмни қайта тиктириб олиб, икки йилдан бери киярди. Унинг эски пойабзалини кийиб, оёғига жуда лойиқ келгандай кўрсатар, галстукларидан фақат қорасини тақар, бошқаларини эса ёқтирмасди. Лестернинг кўйлакларини ҳам бўйига мослаб тикиб олишни билганида борми, жон-жон деб кийган бўларди. Ич кўйлакларини эса ошпаз хотинни ишга солиб, ўзига мослаб олганди. Пайпоқларини айтмаса ҳам бўлади. Герхардт шундай қилиб, кийим-кечакка бир цент ҳам сарфламасди.

Лестернинг ишдан чиққан бошқа буюмлари — пойабзали, кўйлак, костюм, галстук, ёқаларини эса Герхардт ҳафталаб, ойлаб сақлар, кейин жаҳл билан уйга машиначи ёки эски-тускичини бошлаб келиб, унга буларни сотар, нархини аёвсиз оширишга уринарди. У эскифурушларнинг барини қопхўр ўргимчаклар, уларнинг битта ҳам сўзига ишонмаслик керак, деб юрарди. Ҳаммаси алдайди. Қамбағалчиликдан нолишса ҳам ҳаммаёқлари пул. Герхардт буни ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилганди. Олган нарсаларини нима қилишларини эски-тускичиларнинг изларига тушганида билиб олганди.

— Аблаҳлар!— дерди у тутақиб.— Бир жуфт пойабзалга менга ўн цент беришади-ю, ўзлари дўконларида икки долларга пуллашади. Қароқчилар, ҳа, шундай! Менга ақалли бир доллар беришса бўларди-ку,

Женни жилмайибгина қўярди. Герхардтнинг нолишларига фақат Женни қулоқ солар, Лестернинг раҳми келишига чолнинг кўзи етмасди. Чол ўзи топган арзимас пулни черковга назир қилар, пастор ҳам шу важдан мўмин-қобиллик, хулқ-атвор, ор-номус, хуллас барча яхши нарсаларда уни бошқаларга ибрат қиларди.

Шундай қилиб, ўша йиллари одамларнинг ёмон мишмишларига қарамай Женни жуда бахтиёр яшади. Лестер, гарчи гоҳи пайтларда ўзи танлаган йўли хусусида шубҳаларга борса ҳам, Женнига яхши гапирар, айтганини қилар ва уйидан жуда хурсанддай кўринарди.

— Ҳаммаси жойидами?— деб сўрарди Женни кечқурун Лестер уйга қайтганида.

— Албатта!— жавоб қиларди Лестер. У йўл-йўлакай Женнининг ёноғини сийпалаб, хоналарга кирар, бу пайтда эпчил Жаннет Лестернинг пальтоси билан шляпасини жойига илаётган бўларди.

Қиш кунлари кутубхонадаги улкан камин олдида ўтиришарди. Баҳор, ёз ва кузда Лестер айвонни маъқул кўрар, ундан боғдаги майсазор, сокин кўча кўзга яққол ташланарди. Бу ерда у овқатдан олдин сигара чекиб олар, Женни эса унинг креслоси бандида сочини силаб ўтирарди.

— Сочинг сираям тўкилмабди,— дерди у.— Хурсандмисан?— Ё бўлмаса койирди:— Нимага пешонангни буриштн-

расан? Яхшими шу? Нега бугун бошқа галстук тақмадинг? Сенга янгисини тайёрлаб қўювдим-ку.

— Эсимдан чиқибди.— Лестер пешонасидаги ажинни силарди ё бўлмаса кулиб, яқинда роса тепакал бўлишини башорат қиларди.

Женни меҳмонхонада, Веста билан Герхардтнинг олдида Лестерга ўзини анча тутиброқ, лекин худди шундай мулойим муомала қиларди. Женни ойда тагидаги зўлдирчалар, ребуслар, стол бильярдига ўхшаган ўйинлар ва бошқотирмаларни яхши кўрарди. Лестер ҳам ана шу содда кўнгилхушликлардан четда қолмасди. Гоҳида бирор бошқотирма устида соатлаб ўтирарди. Женни бунақа нарсаларни бирпасда бир ёқлик қилганидан Лестер ёрдам сўраб қолганида ғурурланиб, суюниб кетарди. Лестер жумбоқни ўзи ҳал қилмоқчи бўлса, Женни унинг бўйнидан қучиб, даҳанини елкасига қўйганича жимгина кузатарди. Лестерга бу ёқар, Женнининг сахий муҳаббатидан завқланар ва ёшлигию ҳуснига қараб тўймасди. Женни ёнида бўлганида ўзини ёш сезарди, ҳаётда уни ҳаммадан кўпроқ бемаъни қарилик бостириб келаётгани қўрқувга соларди. У кўпинча шундай дерди:

— Мен ёшлигимча қолмоқчиман ёки ёш ўлмоқчиман.

Женни ҳам уни тушунарди. Лестердан айланиб-ўргиларкан, ундан анча ёшлигидан энди ўзи ҳам хурсанд эди.

Женни айниқса Лестернинг Вестага тобора меҳри товланиб бораётганидан мамнун эди. Қечқурунлари кўпинча кутубхонага жам бўлишарди. Веста катта стол ёнида ўтириб дарсини қиларди. Герхардт ўзининг кети кўринмас немисча газеталарини ўқирди. Чол Вестага лютеранлар черкови қошидаги диний мактабда ўқишга рухсат беришмаётганларидан хафа эди. Лестер эса бу ҳақда эшитишни ҳам истамасди.

— Уни қандайдир немислар ўқитишсинми? Ана холос!— Женни Лестерга чолнинг эзгу орзусини айтганида шундай деди.— Ҳамма болалар қатори бошланғич мактабда ўқигани яхши. Унга айт, Вестани тинч қўйсин.

Гоҳида кечқурунлари жуда маза қилишарди. Лестер етти яшар ўқувчи қизалоққа тегишишни яхши кўрарди. Уни тиззалари орасидан чиқармай, оддий нарсаларнинг астарааврасини агдариб, чалкаш-чулкаш саволлар бераркан, бу жумбоқлар қизалоққа қандай таъсир кўрсатаётганини кузатарди.

— Сув нима ўзи?—деб сўрарди у. «Биз ичадиган нарса» деган жавобни эшитганидан кейин ҳайрон бўлганича кўзларини катта очиб, суриштиришда давом этарди:— Яхши,

бироқ ўзи нима, билмайсанми? Мактабда сизларга нимани ўқитишади ўзи?

— Биз сувни ичамиз-ку?— бўш келмасди Веста.

— Ичишга ичамиз, бироқ сувнинг нималигини билмайсан. Муаллимангдан сўра, балки айтиб берар.

Шундан кейин бола бечорани қийин масалани ечишга кўндаланг қиларди.

Лестер овқат, идиш-товоқ, қизалоқнинг кўйлаги — қўйингчи, ҳамма нарсани кимёвий элементларга парчалашга тайёр эди, буни эшитганда Веста сирти таниш буюмларнинг ичидаги бошқачароқ нарсаларни унчалик ақли бовар қилолмай, Лестердан ҳаттоки ҳайиқа бошлади. Эрта билан мактабга кетишдан олдин Лестерга кўрингани келар, чунки Лестер қизчанинг ташқи кўринишига қаттиқ эътибор берарди. У Веста доим ясаниб юришини, сочида каттакон ҳаворанг боғичи бўлишини ёқтирар, мавсумга қараб, дам туфли, дам пошнаси баланд ботинка кийгизар, кийинтирганда либосни қизнинг туси ва табиатига мослаб танлашни тайинларди.

— Қизчанинг табиати ҳушчақчақ, қувноқ,— деди у бир куни.— Унга қора ҳеч нима кийгизмагин.

Женни бу масалада ҳам Лестер билан маслаҳатлашиб туриш кераклигини билганидан қизига кўпинча:

— Бор, амакингга кўриниб кел,— деди.

Веста шундай Лестернинг олдига келарди-да, чир айланиб:

— Қара!— дерди.

— Хўш, хўш. Ҳаммаси жойида. Кетаверсанг бўлади.

Веста шундан кейин чопқиллаб кетарди.

Лестер Веста билан гурурлана бошлади. Якшанба кунлари сайрга чиққанида уни Женни билан ўзининг ўртасига ўтқизарди. У қизча рақсдан дарс олсин деб тиқилинч қилар, Герхардт эса бундан эзилиб, жаҳли чиқиб юрарди.

— Гуноҳ-ку бу,— дерди у Женнига ҳасрат қилиб.— Иблисларнинг кўнглини очишдан бошқа нарсамас бу! Рақс ўрганиши керакмиш! Нимага! Кейин ичимиздан ликилдоқ чиқиб, одамларга қараёлмай юрайликми?

— Қўйсангчи, дада,— дерди Женни эътироз билдириб.— Бунинг сира қўрқинчли жойи йўқ. Мактаб жуда яхши. Лестер, ўргангани Вестага фойда, деяпти.

— Оҳ, бу Лестердан жуда куйдим-да ўзи! Болага нима фойдали эканини жуда тушунар экан-да. Узи бўлса қарта ўйнаб, виски тортади!

— Секинроқ, секинроқ, дада, бунақа дема,— дерди

Женни бўш келмай.— Лестер яхши одам, буни ўзинг ҳам биласан.

— Баъзи бир яхши томонлари ҳам бор, бироқ бутунлай эмас. Ҳа, бутунлай эмас.

Герхардт шундан кейин норози ҳолда инқиллаб, нари кетарди. Лестернинг олдида нафаси чиқмас, Веста эса бобоси билан хоҳлаган ишини қиларди.

— Бува,— дерди у Герхардтнинг енгидан тортиб ё бўлмаса соқоли ўсган ёноғини силлаб. Шунда Герхардт таслим бўла қоларди. Вестанинг эркаланишидан эриб кетар, томоғига нимадир тиқилиб, нафасини чиқармасди.

— Ҳаҳ санимми, шумтака,— деб қўярди у.

Веста гоҳида унинг қулоғидан чўзғилаб қоларди.

— Бас қил,— деб тўнғиларди Герхардт шунда.— Шўхликни йиғиштир.

Веста шўхлигини жонига теккандагина бас қилишини ҳар ким ҳам сезиб-пайқаб олиши мумкин эди. Герхардт қизалоқни жонидан ҳам ортиқ кўрганидан ўзидан чиққанини бажо қиларди. У итоатгўй қул эди.

XXXIX БОБ

Бу орада Лестернинг номақбул ҳаёт кечираётганлиги оқибатида Кейнлар оиласида туғилган норозилик тобора кучайиб борарди. Қариндошларига эртама-кечми муқаррар бир жанжал бўлиши аён эди. Ёмон миш-мишлар ҳам юрарди. Гарчи ҳеч ким очиқдан-очиқ гапирмаса ҳам, ҳамма нарса кўпчиликка маълумдай туюларди. Уғли жамиятга тескари иш қилаётганидан Кейн чол ҳам лолу ҳайрон эди! Лестер топган аёл беқиёс соҳибжамол, таниқли актриса, рассом ёки шоирами бўлганида уни оқламаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда тушунса бўларди. Бироқ Луизанинг айтишига қараганда у хотинда на истеъдод бор, на ҳуси. Хашаки бир нарса экан. Кейн чолнинг боши ҳазилакам қотмаган эди!

Лестер — унинг ўғли, арзандаси. Шу пайтгача одамга ўхшаб яшамаётганига ота ачинмай нима қилсин. Цинциннатида у кўп аёлларга ёқарди. Ақлли Летти Пейсни олайлик. Лестер худди ўшанга уйланиши керак эди. Чиройли, ақлли, меҳрибон. Кейн чол куйиб-пишиб юрди, кейин жаҳли чиқди. Лестер отасини шунчалик хафа қилгани уялмайдими! Ўзини тутиши ғайритабиий, кечирарсиз, оқибат натижада ножўя. Арчибалд Кейн ана шуни ўйлаб кўп азоб чекди, ниҳоят бу аҳволга чек қўйиш зарурлигини сезди,

лекин қандай қилиб, буни ўзи ҳам билмасди. Лестер ўзига ўзи хўжайин, бировнинг дашномига тоқати йўқ. Бундан чиқди, бирор нима қилиб бўлмайди.

Оиладаги қатор воқеалар бу ишни тезлаштирди. Луиза Чикагога шумқадамлик қилганидан кейин эрга тегиб, ота уйи ҳувиллаб қолди, онда-сонда неваралар келиб туришарди, холос. Лестер гарчи таклифнома олган бўлса ҳам Луизанинг тўйига келолмади. Шундан кейин миссис Кейн қазо қилди. Арчибалд Кейн шу муносабат билан васиятномасини ўзгартиришга мажбур бўлди. Бунинг учун Лестер келиши керак эди. Лестер кейинги пайтларда онасини кам кўргани ва уни кўп куйдирганини эслаб, анча-мунча эзилиб келди, бироқ ўзининг ишларидан бир оғиз бўлса ҳам гапирмади. Отаси ўғли билан гаплашмоқчи бўлди-ю, бироқ фикридан қайтди, нега деганда ўғлининг машқи жуда ҳам паст эди. Лестер шундан кейин Чикагога жўнаб кетиб, ҳаммаси яна бир неча ой тинчиди.

Кейн чол Луизанинг тўйи ва кампирининг вафотидан кейин Робертнинг уйига кўчиб ўтди. Чунки қариган чоғида неваралари унга катта овунчоқ эди. Гарчи отанинг давлати унинг вафотидан кейин тақсимланиши керак бўлса ҳам, Роберт энди фирманинг бутун ишларини қўлига оливолган эди. Роберт пировардида бутун корхонанинг эгаси бўлишни мўлжаллаганидан отаси, сингиллари ва куёвларига ёқишга ҳаракат қилар, бунда ўзини сира аямасди. Робертни уларга ялтоқилик қиляпти дейиш нотўғри бўлур эди. Роберт Лестер тахмин қилганидан кўра устомонлик билан, ҳаммаёқни чуқур ўйлаб иш юритарди. Робертнинг шахсий давлати чолнинг бошқа фарзандларининг давлатларига нисбатан ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам, буни сир тутар ва ўзини дасти қисқароқ одамдай кўрсатарди. У жигарларининг ҳасади зарар етказиши мумкинлигини билганидан мўмин-қобил яшар, пайти-пайти билан бошқалар сезмайдиган, бироқ ишончли бўлган нақдина пул тўплашга зўр берарди. Лестер ҳозирча оқимда кетаётганида Роберт тиним нималигини билмай ишлагани-ишлаганди.

Роберт укаси Лестерни фирмани бошқаришдан четлатишни кўзлаб юргани унчалик аҳамиятга эга эмасди. Нега деганда Кейн чол Лестернинг Чикагодаги ҳаётига доир кўп мулоҳазалардан кейин капиталнинг анча-мунча қисмини унинг қўлига бериш ақлсизлик бўлади деган хулосага келиб қўйганди. Чамаси, у Лестерга ортиқча баҳо бериб юборганди. Эҳтимол Лестер акасидан ақллироқ ва самимийроқдир. Лекин Роберт иш масаласида ундан эпчилроқ, шовқин-суронсиз мақсадига етадиган одам. Эстетик эҳти-

ёжлар ва жамиятдаги муваффақиятлар борасида Роберт укасига тенглаша олмасди. Лестер ҳозир ўзини ўнглаб олмаса ундан нимани ҳам кутиб бўларди дейсиз? Капитални ғамини ейиш қўлидан келган одамга қолдирган маъқулмасми? Арчибалд Кейн шунинг учун ҳам ўзининг ишончли вакилига васиятини мабодо Лестер тузалмаса меросдан арзимас йиллик даромаддан бўлак ҳеч нима ололмайдиган қилиб ўзгартириш хусусида кўрсатма беришга ҳам тайёр эди. Бироқ Лестерга яна бир марта имкон беришга қарор қилди. Лестер гуноҳга ботишни бас қилиб, жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгалласин, деди: Эҳтимол, бунинг вақти ўтмагандир ҳали. Боланинг истиқболи жуда ҳам порлоқ бўлиши мумкин-да. Наҳотки у ўзига-ўзи душман бўлса? Арчибалд Кейн шундан кейин Лестерга, ўзингга қулай бўлган пайтда сен билан бир гаплашсам, деб хат ёзган эди. Лестер ўттиз олти соатдан кейин Цинциннатида пайдо бўлди.

— Сен билан бир масала юзасидан яна бир бор гаплашмоқчиман, Лестер,— гап бошлади чол.— Нимани кўзда тутаётганимни биласанми?

— Биламан,— хотиржам жавоб берди Лестер.

— Анча ёш пайтимда, ўлсам ҳам ўғилларимнинг шахсий ишларига аралашмайман, деб ўйлардим, бироқ ёшим ўтгани сари бу борадаги фикрим ўзгарди. Иш юзасидан танишларим мисолида оқилона ниқоб инсонга ёрдам беришини кўрдим, шундан кейин ўғилларимга ҳам яхши жойлардан ато қилишини хоҳлаб қолдим. Мен сендан хавотирдаман. Лестер, шу кунгача хавотирланиб келаман. Сенинг ҳозирги аҳволинг менинг роса бўларимни бўлдирди. Онанг ҳам то ўлгунича хотиржамлик нималигини билмади. Бошқа ҳеч нарсадан бунчалик куймаганди. Наҳотки, ҳамма нарсанинг чегараси бўлади, деб ўйламасанг? Миш-мишлар ҳатто бизнинг шаҳримизгача етиб келди. Чикагода нима гаплигини билмайман-у, бироқ, менимча, бу бировга сир бўлмаса керак. Бу нарса бизнинг Чикагодаги бўлимимизга зарар бермай қолмайди. Сенга ҳам зиён етказади. Бу аҳвол кўпдан чўзилиб келаётганидан ҳозирда сенинг келажагинг таҳлика остида қолган, сен бўлсанг илгаригидай оёқ тирайсан. Нимага?

— Чунки, уни севсам керак-да,— жавоб қилди Лестер.

— Буни жиддий айтаётганингга ишонмайман,— эътироз билдирди ота.— Мабодо уни севганингда бошидаёқ олган бўлардинг. Уни ҳам, ўзингни ҳам шарманда қилиб, оғизда яхши кўришингга ишонтириб, бирга турмаган бўлардинг. Балки бу сира муҳаббат эмас, эҳтиросинг ўзидир.

— Унга уйланмаган деб ким айтди?— сўради Лестер пинагини бузмай. Отаси бундай имкониятни қандай қабул қилажагини билиш унга қизиқарли эди.

— Ёлғон!— чол ҳаттоки креслодан сал қўзғалиб қўйди.

— Ҳа, ёлғон,— деди Лестер,— бироқ ҳақиқатга айланиши мумкин. Мен унга уйлансам керак.

— Ишонмайман!— чийиллади ота.— Ақлли одам бундай тентаклик қилишига ишонмайман. Эсинг қаерда ўзи, Лестер? Шунча йил гуноҳга ботиб яшаб, яна уйланишни гапирасан-а! Мабодо бу режангда бор экан, қани айт-чи, нега уни бошидаёқ олмадинг? Уруғ-аймоғингни шарманда қилдинг, онангни адойи тамом қилдинг, ишга зарар бердинг, тилларда афсона бўлдинг, энди эса уйланмоқчимисан? Ишонмайман.

Кекса Арчибалд ўрнидан туриб, қаддини ростлади.

— Ўзингни бос, ота,— Лестер гапиришга шошилди.— Бунақада ҳеч нимани келишолмаймиз. Такрор айтаман, эҳтимол уни оларман. У яхши хотин, илтимос қиламан, уни ёмонлама. Сен уни сира кўрмагансан ва у ҳақда ҳеч нимани билмайсан.

— Етарлича биламан,— чол кескин эътироз билдирди.— Бирорта ҳам дуруст хотин унга ўхшаб иш қилмаслигини биламан. Ҳа, азизим, унга пулинг керак. Бошқа ҳеч нима керак эмас, буни ҳар қандай аҳмоқ ҳам тушунади.

— Бунақа гапларнинг нима кераги бор, ота?— Лестернинг овози пастроқ чиқди.— Сен уни билмайсан, ҳатто башарасини ҳам кўрмагансан. Луиза келиб, жаҳл устида нималарнидир валақлаган, сизлар ишонгансизлар. У сира сен ўйлагандақа аёл эмас, уни бекорга ёмон отлиққа чиқаряпсан. У бечорани бекорга хафа қиляпсан, негадир яхшиликча мулоҳаза юритмаяпсан.

— Яхшиликчамиш-а!— Арчибалд унинг гапини бўлди.— Ўзинг яхши иш қиляпсанми? Кўчадан топиб олган хотин билан бирга туриш оилангга, марҳума онангга нисбатан яхшими? Яхши нарса бу...

— Етар, ота!— Лестер қўлини кўтариб хитоб қилди.— Сени огоҳлантириб қўяй — бунақа нарсаларни эшитишдан бош тортаман. Сен мен билан тураётган, уйланишим мумкин бўлган аёл ҳақида гапиряпсан. Сени яхши кўраман, бироқ нотўғри гапиришингга йўл қўймайман. Мен уни кўчадан топиб олганим йўқ. Унақа аёлга айланишиб ўтирмаслигимни ўзинг ҳам яхши биласан. Ё биз буни хотиржам муҳокама қиламиз, ё мен кетдим. Мени кечир. Жуда ҳам ачинаман. Бироқ гапни бу тарзда давом эттиришдан бош тортаман.

Кекса Арчибалд жимиб қолди. У баридан қатъи назар ўзининг бу бўйсунмас ўғлини яхши кўрарди. Чол креслога суяниб, кўзлари ер сузди. Энди нима қилади?

— У билан ҳали ҳам ўша ерда турибсанми?— сўради у ниҳоят.

— Йўқ, Хайд-Паркка кўчиб ўтганмиз. У ерда ижарага уй олганман.

— Боласи бор экан, деб эшитувдим. У сенинг боланг-ми?

— Йўқ.

— Ўзингдан болаларинг борми?

— Йўқ.

— Шунисингаям шукур.

Лестер индамай даҳанини ишқалади.

— Унга албатта уйланаман деяпсанми?

— Бундай деганим йўқ. Унга уйлансам эҳтимол, дедим.

— Эҳтимол!— чол яна тутақиб бақирди.— Нақадар фожиа! Келажагингни, имкониятларингни ўйлаяпсанми! Жамоатнинг фикрига туфураётган одамга мулкимнинг бир қисмини ишониб топшира оламанми, ўзинг ўйлаб кўр-гин-а? Бундан чиқди, фирмамиз ҳам, оиламиз ҳам, сенинг обрўйинг ҳамма — ҳаммаси сен учун бир пул экан-да? Ғуруринг қайда қолди, Лестер? Йўқ, бу қандайдир ақл бовар қилмайдиган, ёввойи бир хаёл!

— Буни тушунтириш жуда ҳам мушкул, ота, мен буни шундай тушунтиролмайман. Мен битта нарсани биламан— бу ҳангомани ўзим бошлаганман, охирига ҳам ўзим етказаман. Охири жуда яхши бўлиши ҳам мумкин. Балки уйланарман, балки уйланмасман. Ҳозир тайинли бирор гап айтолмайман. Бир оз сабр қилишингга тўғри келади. Мен эсам қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Кекса Арчибалд ёзғириб бошини чайқаб қўйди.

— Сен, билишимча, жуда чалкашиб қолибсан, Лестер. Аҳволинг чатоқ. Фаҳмимча, ўз айтганингда турмоқчисан. Нимаики демай, сени бари бир бу йўлдан қайтаролмайди-ган кўринаман.

— Жуда ачинаман, бироқ ҳозир тўғриси шу, ота.

— Хўш, бўлмаса шуни назарда тут, агарда сен оила-мизга ва фирмамизнинг вакили сифатида ўз-ўзингга тегишли ҳурмат кўрсатмасанг васиятномамни ўзгартиришга мажбур бўламан. Сенинг ифлос кирдикорингга йўл қўйиб бериб, пировардида ўзим ҳам бунга шерик бўлиб қоляп-ман. У аёлни ё йўқот, ё уйлан. Ё унисини, ё бунисини қилишинг шарт. Биринчисини қилсанг ҳаммаси яхши бўлади. Уни яхшилаб таъминлашинг мумкин, марҳамат, қаршили-

гим йўқ. Бунга қанча сўрасанг ҳам жон-жон деб бераман. Ҳамиша кўзда тутиб келинганидек бошқа болаларим қа-тори меросдан ўз улушингни оласан. Бироқ уйланадиган бўлсанг — унда бошқа гап. Биттасини танла. Кейин мен-дан кўриб ўтирма. Сени яхши кўраман. Отангман. Бурчим-ни адо этяпман, холос. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўргин-да, нима қарорга келганингни менга билдиргин.

Лестер уҳ тортди. У тортиниш бефойдалигини биларди. Отаси ҳазил қилмаяпти чоғи, бироқ Женнини қандай қи-либ ташлайди? Бундай аблаҳлик қилса борми, ўзини сира ҳам кечирмаган бўларди. Ҳа, шундай, наҳотки отаси уни меросдан маҳрум қилмоқчи бўлса? Йўқ, албатта. Чол ҳам-масидан қатъи назар уни яхши кўради, бу яққол кўриниб турибди. Лестер хижолат бўлиб, дили оғриганди, у биров мажбурлашига тоқат қилолмасди. Буни қарангга, уни — Лестер Кейини Женнини ташлашдай тубанликка ундаш-япти. Лестер бошини кўтармай, тунд ҳолда жим ўтирарди.

Кекса Арчибалд отган ўқи мўлжалга тегканини пай-қади.

— На чора,— деди Лестер ниҳоят,— энди гаплашади-ган гапимиз қолмади; ҳаммаси равшан бўлди чоғи. Ҳозир-ча нима қилишимни билмайман. Ўйлаб кўриш керак. Бир-данига ҳеч қандай қарорга келолмайман.

Улар бир-бирларига қарашди. Лестер олий табақанинг фикри ўзига қарши эканлигига ва отаси бундан жуда изти-робдалигига ачинарди. Чолнинг ўғлига раҳми келар, бироқ у охиригача ўз айтганида турмоқчи эди. У Лестернинг ақлини жойига келтирганига кўзи етмаса ҳам, ҳар қалай умидини узмасди. Зора ўғли эс-ҳушини йиғиштириб олса.

— Хайр, ота,— деди Лестер қўл чўзиб.— Мен иккилик поездга улгурадиганга ўхшайман. Сенга бошқа керагим йўқми?

— Йўқ.

Лестер кетгандан кейин чол анчагача ўйчан ҳолда ўтир-ди. Ўзини-ўзи расво қилиб ўтирса-я! Шундай имконият-лардан юз ўгирса-я! Гуноҳга ботиб, адашаётган бўлса ҳам қайсарлигини қўймаса-я! Чол бошини чайқади. Ҳа, Ро-берт ақллироқ. У чиндан ҳам йирик корхонани бошқа-ришга қодир. Эҳтиёткор, ақли жойида. Оҳ, қани энди Лестер шундай хислатларга эга бўлса! Чол қимирламай, мудом ўй суриб ўтираркан, ичида адашган ўғил илгаригидай кўнглига ардоқли эканини сезиб турарди.

XL БОБ

Лестер Чикагога қайтиб келди. У отасини жиддий хафа қилганини эътироф этарди. Мўйсафид Арчибалд шу чоққача у билан сира ҳам бунчалик дарғазаб ҳолда гаплашмаганди-да. Бироқ Лестернинг ҳозир ҳам бу иш бир ёқлик бўлмаслигига кўзи етмасди. Отасининг меҳру ишончини бирорта тегишли қарорга келган тақдирдагина сақлаб қолажагини сира ҳам тасаввур қилолмасди. «Олий табақанинг фикри»га келганда эса, майли, одамлар оғзиларига келганини истаганча валдирайверсинлар. Лестернинг уларсиз ҳам куни ўтаверади. Дарвоқе, бу гап тўғрими? Ҳар қандай зинфлик, ҳатто зинфлик шарпаси ҳам одамларни ҳуркитади. Улар онгсизларча иши юришмаганлардан гўё касали юқадигандай, ўзларини олиб қочадилар. Лестер ана шу бидъатнинг кучига бошидан ўтгандан кейин ишонди.

Бир куни у миллионер ва «Дож, Холбрук ва Кингсбери» фирмасининг бошлиғи Берри Дожни учратиб қолди. «Кейн компанияси» экипажлар ишлаб чиқаришда қандай ўрин тутса, Дожнинг фирмаси ҳам тўқимачилик саноатида шундай мавқега эга эди. Лестер Дожни ўзининг энг яхши дўстларидан деб билар, у билан Кливленддаги Генри Брейсбридж ёки Цинциннатидаги Жорж Нолуз сингари яқин эди. Дожнинг соҳил бўйидаги ажойиб уйида бўлиб турар, дам иш юзасидан, дам оқсуякларнинг қабул маросимларида учрашиб туришарди. Бироқ Лестер Хайд-Паркка кўчиб ўтиши билан уларнинг дўстлиги ҳам барҳам топганди. Мана энди икковлари Мичиган-авенюда, Кейн фирмасининг бўлими олдида учрашиб қолишди.

— А, Лестер, кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-я,— деди Дож мулойимлик билан қўл чўзиб. Унинг овози Лестерга ҳар маҳалгидан совуқроқ туюлди.— Сен, эшитишимга қараганда, шу вақт орасида уйланибсан.

— Мутлақо,— жавоб қилди Лестер умумий маънода тушунгин дегандай.

— Нимага буни сир сақлайсан?— Дож гапида давом этиб, иршаймоқчи бўлувди, фақат лаблари қийшайди, холос. У зўр бериб ўзини дўстдай кўрсатишга ва бу мушкул аҳволдан усталик билан қутулиб кетишга ҳаракат қиларди.— Одатда биз бунақа нарсаларни яширмаймиз. Яқин дўстларга айтса бўлади!

— Хўш, мен эсам,— Лестернинг шунда қалбига заҳарли ханжар санчилаётгандай бўларди,— бу қондадан чекинишга қарор қилдим. Мен, бундай нарсаларни эълон қилишни лозим ҳисобламайман.

— Дидга боғлиқ, дидга,— деди Дож паришон ҳолда.— Шаҳарда тургандирсан, албатта.

— Хайд-Паркда.

— Яхши жой. Умуман, ишларинг қалай?

Дож усталик билан гапни бошқа ёққа бурди, кўп ўтмай қўлини шунчаки силкиб хайрлашди ҳам.

Лестерни, мабодо Дож уни чиндан ҳам уйланган одам санаганида саволларга кўмиб ташлаган бўларди, деган ўй дилини пичоқдай тилиб ўтди. Яқин дўст сифатида янги миссис Кейн тўғрисида кўп нарсаларни билиб олгиси келарди. Ўртада бир доирадаги одамларга хос бўлган суҳбат бошланиб кетарди. Дож уни хотини билан меҳмонга айтган, ўзи ҳам боришга ваъда берган бўларди. Бу ерда эса ҳеч нима бўлмади, бир оғиз сўз ҳам айтилмади! Лестер бу бежиз эмаслигини тушунди.

Эр-хотин Мур, Олдричлар ва бошқа қатор танишлари ҳам ўзларини шундай тутишди. Уларнинг ҳаммалари гўё Лестер уйланиб, тинчиб олган, деб санашарди. Қаерда турибсан, деб суриштиришар, пиширсан-да, деб ҳазиллашишар, бироқ тахминларидаги миссис Кейн борасида сўраб-суриштириб ўзларини сира уринтириб ўтиришмасди. Лестер ҳозирги тутган йўлидан яхшилик чиқмаслигига ишонч ҳосил қила бошлади.

Эски таниши Уильям Уитни бехосдан бир гап қилган бўлса ҳам жуда суяк-суягидан ўтиб кетди. Лестер бир куни клубига овқатлангани борди. Пальтосини ечиб, сигара олмоқчи бўлиб тамаки дўконига бораётиб қироатхонада Уитни билан учрашиб қолди. Уитни ҳамиша клубдан чиқмайдиган, новча, қотмадан келган, соқоли силлиқ қирилган, яхши кийинган, сурбетроқ одам бўлиб, ўша куни анчагина, кайфи ҳам бор эди.

— Ўҳў, Лестер,— деди у.— Хайд-Паркда қанақа ин қуриб олдинг? Вақтни беҳуда ўтказмаётганга ўхшайсан-а? Уйланганингда буни хотинингга қандай тушунтирасан?

— Ҳеч нимани тушунтириб ўтирмайман,— Лестер ғижиниб жавоб берди.— Менинг ишларим сени нимага қизиқтириб қолди ўзи? Билишимча, ўзинг ҳам авлиё эмассан-ку.

— Ха-ха-ха! Буниси зўр бўлди, ўлай агар, зўр! Шимолий тарафда олиб юрган жононингни олмадингми ишқилиб, а? Ха-ха! Бу оламнинг ишлари-е! Уйланибсан! Ё одамлар алдашаётганмикин?

— Бўлди қил, Уитни,— Лестер унинг гапини бўлди.— Қаёқдаги бемаъни нарсаларни валдираяпсан.

— Айбдорман,— Уитни валдираса ҳам ўзига кела бошлаганди.— Кечирим сўрайман. Жиндай кайфим борлигини унутмагин-да. Висканнинг ўзгинасидан саккиз уруш урдим, ҳозиргина, буфетда. Айбдорман. Уэлмга келганимда гаплашамиз-а, Лестер, тўғрими? Ха-ха-ха, мен чиндан ҳам мастман! Хўш, саломатлик тилаймаи! Ха-ха-ха!

Бу хунук кулги Лестернинг қулоғидан анчагача кетмади. Гарчи Уитни маст бўлса ҳам бу ҳақоратдай эшитиларди. «Шимолий тарафда олиб юрган жонингни. Ушани ололмадингми ишқилиб, а?» Лестер Уитнининг бу ярамас қилиғини ўйларкан газаби келди. Бунисн жуда ортиқча бўлди-ку! Унга, Лестер Кейнга шундай нарсаларни гапиришса-я... У ўйга толди. Ҳа, Женнига нисбатан нисофли одамлардай муомала қилаётгани ўзига жуда ҳам қимматга тушяпти.

XLI БОБ

Бироқ бу ҳали ҳалво эди. Америкадагилар бу оламнинг — корчалонлари ҳақида гап сотишни яхши кўришади, Кейнлар эса бой бўлиб, барчанинг назарида эдилар. Шунинг учун ҳам фирма бошлигининг бевосита меросхўрларидан бўлган Лестер оқсочга уйланибди, деган миш-миш тарқалди. Кимсан миллионернинг ўғли-я! Шунақа ҳам бўларканми? Бу репортерларга чинакамига тайёр луқманинг ўзгинаси эди. Газеталар ҳам шундан кейин қулоқни диккайтирадиган бу миш-мишни илиб кетишди. Оқсуякларнинг *«Жанубий тараф янгиликлари» газетасида Лестернинг оти* аталмай «Цинциннатидаги экипажлар чиқарадиган таниқли бой фабрикантнинг ўғли» ҳақида мақола чиқиб, унда ишқий саргузаштлари қисқача баён этилган, охирида шундай дейилган эди: «Миссис ҳақида илгари у Кливленддаги мўътабар бир хонадонда оқсочлик қилгани, ундача Огайо штатидаги Колумбус шаҳрида ишлагани маълум. Оқсуяклар доирасида шунчалик чиройли воқеалар бўлиб турганида, романтика барҳам топган, деб ким ҳам айта олади!»

Лестер бу мақолани ўқиди. Ўзи «Янгиликлар»ни олиб турмасди, бироқ қандайдир бир меҳрибон одам унинг ғамини еб, почта орқали бир нусха юборган, ундаги керакли устун қизил қалам билан ўраб қўйилганди. Лестернинг жаҳли чиқиб, зумда, обрўйимни тўкишмоқчи, деган шубҳага борди, бироқ нима қилишни билмасди. У газеталаги бу бемазагарчиликка чек қўйишни истар, аммо норозилик билдирсам баттар бўлармикин, деган хаёлга ҳам борарди. Шунинг учун ҳеч нима қилмади. «Янгиликлар»даги мақола бошқа газеталарнинг ҳам эътиборини тортди. Бу бой материал бўлиб, якшанбалик газетанинг уддабурон мухаррири ундан иложи борича кўп нарса чиқариб олмоқчи бўлди. «Хизматкорига ишқи туфайли миллионларидан воз кечди» деган умумий сарлавҳа остида бир саҳифада бу романтик воқеани берса, Лестер, Женни, Хайд-Паркдаги уй, Кейларнинг Цинциннатидаги фабрикаси, Мичиган-авеюдаги омборларининг расмлари ҳам четда қолмаса роса шов-шув бўлади-да. «Кейи компанияси» газетада норозилик баён қилмади. Газетанинг ундан қарзи йўқ эди. Лестер олдинроқ билганида эди газетага эълон юбориб, ёки нашрга мурожаат этиб, бу машмашани тўхтатиб қолган бўларди. Бироқ у ҳеч нимани билмаганидан ҳаракат ҳам қилмади. Муҳаррир эса ишни жуда дўндирди. Цинциннати, Кливленд ва Колумбусдаги мухбирларга Женни воқеаси ўша шаҳарларда маълум-маълуммаслигини телеграф орқали билдириш айтилди. Кливленддаги мухбир, Женни уйингизда ишлаганми, деб Брейсбрижларга мурожаат этди. Колумбусдан Герхардтлар оиласи ҳақда жуда чатоқ миш-мишлар келди. Женни тахмин қилинаётган турмушга чиқишидан олдин анча йил Шимолий тарафда яшаганлиги маълум бўлди. Шу тариқа парча-пурча гаплардан ишқнома пайдо бўлди. Бировни қойиш ёки фош этиш муҳаррирнинг хаёлида ҳам йўқ, у кўпроқ илтифот кўрсатяпман, деган фикрда эди. Баъзи бир кўнгилсиз майда-чуйда гапларга ўрин берилмади. Масалан, Веста никоҳсиз туғилган бола эканлиги, Лестер билан Женни қонунга хилоф равишда анча яшашгани, Лестер оиласидагиларнинг никоҳга қаршиликлари борасида жиддий далиллари борлиги четда қолди. Муҳаррир Ромео билан Жульетта воқеасига ўхшаган нарса ясаган, унда Лестер оташин, фидокор хушторн, Женни эса халқдан чиққан камбағал, бироқ мафтункор қиз сифатида кўзга ташланар, миллионернинг садоқатли севгиси эса унга бойлик ва шуҳрат келтирган эди. Газета рассоми ишқномаиинг изчил бобларига суратлар ишлаганди. Лестернинг суратини Цинциннатидаги суратчидан каттагина сийлов бериб олишди, Женнини эса фоторепортёр сайр пайтида билинтирмай суратга олди. Хуллас, ҳамма иш бемаза матбуотнинг синалган андозаси асосида қилинганди.

Шундай қилиб, бошдан-оёқ ёлгон-яшиқ, тилёғлама ва

чучмал-гаплардан иборат мақолали газета чиқди. Мақоладаги сатрлардан ясама ва қалбаки руҳ сезилиб турарди. Женни бундан дарҳол воқиф бўлмади. Лестер ўша қалтис саҳифага кўзи тушганида шошилиб йиртиб олди. У жуда ҳайратда ва ғазабда эди. Қандайдир жин ургур газета бировга халақит бермай тинчгина яшаётган одамни шундай кўйга солишини кўрмайсизми. Лестер жуда алам қилганини бировга сездирмаслик учун уйдан чиқиб кетди. У шаҳарнинг гавжум марказига қараб эмас, ундан нарига, Коттеж-Гроув-авенюга, очиқ далага қараб борарди. Трамвайда тебраниб бораркан, ҳозирда собиқ дўстлари Дож, Бэрнхем, Мур, Генри Олдричнинг хаёлларидан нималар ўтаётганини тасаввур қилишга уринарди. Ҳа, бу чинакам зарба. Нима қилсин? Тишини-тишига қўйиб, индамай юраверсинми ё бу янги ташвишдан қўл силтаб қўя қолсинми? Унга биргина нарса, бунга ортиқча тоқат қилолмаслиги аён эди. Уйга анча хотиржам тортиб қайтди-да, ўзининг ишончли вакили мистер Уотсон билан учрашиш учун душанба келишини кута бошлади. Дарвоқе, улар учрашганларида эса тезда, судга бериш оқилона иш бўлмайди, деган қарорга келишди. Жим кетган маъқул эди.

— Бироқ бу қайтарилмаслиги керак,— деди Лестер гапининг охирида.

— Бунга ўзим киришаман,— ишончли вакил уни тинчитди.

Лестер қўзғалди.

— Қанақа мамлакатда яшаяпмиз ўзи!— хитоб қилди у.— Мабодо одам бой бўлса шаҳар майдонидаги ҳайкалдай ҳеч ёққа қочолмас экан-да!

— Мабодо одам бой бўлса,— деди мистер Уотсон,— у бўйнига қўнғироққа осилган мушукни эслатади. Унинг нима қилаётганини ҳар бир сичқон аниқ билиб туради.

— Ҳа, ўхшатишни топдингиз,— тўнғиллади Лестер.

Женни яна бир неча кун бундан бехабар юрди. Лестер атайлаб бу нозик масалани тилга олмас, Герхардт эса гуноҳга ботирадиган якшанбалик газеталарни ўқимасди. Вироқ кейинчалик қўшнилардан бири гап орасида одобсизлик қилиб, буни Женнига айтиб қўйди, газетада у тўғрисида қизиқ воқеани ўқиганини тилга олди. Женни аввалига тушунмади.

— Мен ҳақимдами?— деб юборди у ҳайратланиб.

— Ҳа, ҳа, сиз билан мистер Кейн ҳақда,— жавоб қилди меҳмон.— Сизнинг ишномангиз.

— Мени ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деди Женни.— Унинг биз ҳақимиздалигига ишончингиз комилми?

— Бўлмаса-чи!— миссис Стендл кулиб юборди.— Сираям янглишаётганим йўқ. Газетани ҳам олиб қўйганман. Хўп десангиз, уни қизимдан бериб юбораман. Расмда жуда ҳам яхши чиқибсиз.

Женни қунишди-қолди.

— Сиздан жуда миннатдор бўлардим,— деди у аранг.

Женнини, суратимни қаердан топишибдию газетада нималар ёзилган, деган ўй қийнарди. Ҳаммасидан ҳам — Лестер нима дейди? Мақолани кўрганмикин? Нимага унга ҳеч нима демади?

Қўшнисининг қизи газетани олиб келди. Женни ўша даҳшатли саҳифани кўрганида юраги тўхтаб қолди ҳисоби. Мана, ҳаммаси оқ қоғозга қора ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди. Чап томонда Лестернинг, ўнг томонда Женнининг суратлари, ўртада йирик ҳарфлар билан терилган сарлавҳа ва чизиқлар: «Мана шу миллионер мана шу оқсочни яхши кўриб қолган». Текстда Цинциннатидаги таниқли фабрикантнинг ўғли бўлмиш Лестер ўзи севиб қолган аёлга уйланиш учун ҳавас қилгулик мавқеидан воз кечганлиги айтилганди. Ундан сўнг Лестернинг Женни билан миссис Брейсбрижнинг уйида суҳбатлашаётгани, Лестер билан Женнининг мўътабар ва жиддий пастор рўбарўсида туришгани, Лестернинг Женни билан ҳашаматли извошда кетаётгани, Женнининг жуда яхшилаб жиҳозланган зал деразаси (дераза пардаларининг қатма-қатлиги бадавлатликдан далолат беради) олдида туриб, олисда элас-элас кўзга ташланаётган уйга тикилаётгани суратларда тасвирланганди.

Женни уялганидан ерга кириб кетай дерди. У фақат ўзи учун эмас, Лестер учун ҳам эзиларди. Нимага бунчалар азоб чекиши керак? Уйидагилар-чи? Энди уларнинг қўлларида Женни билан Лестерга қарши янги қурол бор. Женни ўзини босишга, хотиржам тортишга ҳаракат қиларди-ю, аммо кўзлари жиққа ёшга тўлаверарди. Булар ғазаб ёшлари эди. Нимага ўзини таъқиб этишади, қийнашади? Наҳотки уни тинч қўйиша олмаса? Ахир у ўзини яхши тутишга, чакки иш қилмасликка уриниб ўлиб-тирилаяпти-ку. Наҳотки, жарга итариш ўрнига ёрдам бериш одамларининг қўлидан келмаса?

XLII БОБ

Женни ўша оқшомнинг ўзидаёқ Лестерга ҳамма нарса маълумлигини билди. Уйга ўша машъум газетани Лестер-

нинг ўзи олиб келган, буни Женнига ўзини босиб олиб айтмоқчи эди. Бир вақтлари Женнига, орамизда сир бўлмаслиги керак, деган гапни айтганди, шу сабабли кутилмаганда ва қўпол равишда тинчларини бузган ушбу нарсани ундан яширишга ҳаққим йўқ деб ҳисобларди. Женнига, хавотир олма, бу арзимаган нарса, дейди у. Бироқ бунинг ўзига жуда ҳам зарари бор эди. Лаънати газета унга қаттиқ зиён етказганди. Эси бор одамлар (таниш-лари ва талай нотаниш-лари ҳам шу қаторга кирарди) энди ўтган йиллар ичида қандай ҳаёт кечирганини аста-секин тушуниб олишади. Газетада Женнининг кетидан Кливленддан Чикагога келгани, Женнн уялиб, уни яқинига йўлатмай юргани, Лестер кўнглига йўл топгунча роса овора бўлгани ҳикоя қилинганди. Бу нарса уларнинг Шимолий тарафда биргаликда турганларининг изоҳи эди. Мақоладаги уларнинг ҳақиқий муносабатларини бўяб-бежашга аҳмоқона уриниш, гарчи бу бирорта сурбетларча ҳуруждан яхшилигини тушуниб турса ҳам, Лестернинг ғазабини оширарди. Лестер меҳмонхонага кириб, ёнидан газетани олди-да, столга ёзди. Ҳозир нима бўлишини билган Женнн ёнида турар ва ҳаракатларини диққат билан кузатарди.

— Бу ерда сен учун қизиқроқ нарса бор,— деди Лестер суратлар билан безатилган саҳифага имо қиларкан, қуруққина.

— Буни кўрганман, Лестер,— Женнн ҳорғин жавоб қилди.— Бугун миссис Стендл газетанинг худди шу сонини кўрсатувди. Мен фақат сен кўрган-кўрмаганингни билмасдим.

— Мени жуда таърифлашибди-да, асти қўяверасан. Мен бунчалар жўшқин Ромео бўла оламан деб хаёл ҳам қилмовдим.

— Мен жуда ҳам афсусдаман, Лестер,— деди Женнн унинг аянчли ҳазилидан кайфи бузуқлигини сезиб.

Женнн кўпдан бери Лестер ўзининг чинакам туйғулари ва жиддий ташвишларини гапира олмаслиги, буни ёқтирмаслигини биларди. Муқаррар, қайтариб бўлмайдиган бирор нарсага дуч келганида ҳам ҳазил билан қутулиб кетишни маъқул кўрарди. Шунинг учун ҳозирда унинг сўзларидан: «Буни бари бир тўғрилаб бўлмаганидан кейин таъбимизни хира қилмай қўя қолайлик», деган маъно келиб чиқарди.

— Мен буни умуман фожиа ҳисобламайман,— гапида давом этди Лестер.— Бирор нарса қилиб ҳам бўлмайди. Уларнинг, чамаси, ниятлари яхши бўлганга ўхшайди. Биз ҳозир ҳамманинг назарида турибмиз-да.

— Тушунаман,— деди Женнн унга яқин келиб.— Шундай бўлса ҳам жуда афсусдаман.

Шунда уларни овқатга чақириб қолишди ва гаплари бўлинди.

Лестер эса ишлари чатоқлигини ўзидан яширолмасди. Отаси охирги марта гаплашганларида буни унга очиқ тушунтирганди, мана энди бўлса, худди шу камлик қилгандай, матбуот аралашиб ўтирибди! Эндиликда ўзини илгаригидай ўз доирасидаги одамлар билан яқин қилиб кўрсатишнинг ҳожати қолмаган эди. Биринчи навбатда ахлоқ масаласига анча-мунча қаттиқроқ қарайдиган таниш-лари салом-аликни йиғиштирадилар. Бу даврада хушчақчақ бўйдоқлар ҳам, бола-чақали маиштпарастлар ҳам, эрли ё эрсизлигидан қатъи назар, иш кўрган аёллар ҳам бор, албатта, улар ҳақиқий гаплардан хабардор бўлганларидан кейин ҳам яхши муомала қилишаяпти. Бироқ унинг «даврас» бу одамлардан иборат эмас-да. Тўғрисини айтганда Лестер ҳозир яккамохов бўлиб қолган, ҳозирги турмуш тарзини йиғиштирмаса, бўлак ҳеч нима жонига оро киролмасди. Бошқача қилиб айтганда, у Женнн билан орани очиқ қилиши лозим эди.

Лестернинг эса Женнидан айрилгиси келмасди. Шуни ўйлагандаёқ таъби хира бўлаверарди. Женнн тинимсиз равишда билимини ошириб борарди. Ҳозирда кўп нарсаларни тушунишда Лестердан қолишмасди. Женнн қандайдир бир шуҳратпараст аёл эмасди. У тенгги йўқ, яхши аёл эди. Уни ташлаб кетиш аблаҳлик бўларди, бундан ташқари, ҳусну малоҳати ҳам жойида эди. Лестер қирқ олтига кирганди, Женнн эса йигирма тўққизга борган бўлса ҳам, кўрган одам йигирма бешдан ошган демасди. Ўзинг билан бирга турган аёлни ёш, чиройли, ақлли, юмшоқ табиат деб билсанг, унинг қарашлари ўз қарашларингдан анча юмшоқлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб турганини кўрсанг, нодир бахт соҳибиман деявер. Отаси тўғри гапни айтганди, бу ишни ўзи қилганидан кейин ўз билгича яшайверади-да.

Газетадаги кўнгилсиз воқеадан кейин кўп ўтмай Лестер отаси қаттиқ бетоблигини эшитди-да, бугун-эрта Цинциннатига чақириб қолишларини кутиб юрди. Бироқ идорадаги ишларидан бўшаёлмади, шунинг учун ҳам отасининг ўлими ҳақдаги хабар келганида ҳануз Чикагода эди. Отасининг сиймоси сира кўз ўнгидан кетмасди. Ўртадаги муносабатлари қандайлигидан қатъи назар, Лестер уни ажойиб ва зўр одам деб биларди. Болалигида отаси тиззасига ўтқизиб, Ирландияда ўтган ёшлиги, одам бўламан,

қаторга кираман деб уринганларини гапириб берганини, кейинчалик эса ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш принципларини уқтирганини эслади. Кекса Арчибалд ҳақгўй ва ҳалол одам эди. Лестер ҳам отасига ўхшаб дангал гапиришни яхши кўрар, найранг-пайрангларга тобтоқати йўқ эди. «Сира ёлғон гапирма,— дерди Арчибалд ҳар маҳал.— Кўриб турган нарсангни бошқача тушунтиришга уринма. Ҳаққоният — бу ҳаёт нафаси, ҳар қандай фазилатнинг негизи ва иш соҳасида унга қатъий амал қилган ҳар бир одамнинг обрўсини оширади». Лестер бу принципга ишонарди. Отасининг ниҳоятда тўғри сўз одамлигига қойил бўлиб юрар ва мана энди ундан айрилиб қолганига қаттиқ қайғу чекмоқда эди. Икковлари ярашадиган кунга етолмаганидан афсус қиларди. Назарида чол Женнини кўрганида борми, уни ёқтириб қоладигандай туюларди. Лестер иши қандай тезисланиб кетишини кўз олдига келтира олмаса ҳам, ҳар қалай кўнгли Женни чолга хуш келишини сезарди.

Лестер Цинциннатига келганида қаттиқ қор ёғарди. Шамол бетга муздек қор зарраларини урарди. Қор кўчанинг ҳар кунги шовқинини бир мунча пасайтирганди. Вокзалда Лестерни Эми кутиб олди. Илгари ораларидан мушук ўтганига қарамай Лестернинг келганидан хурсанд бўлди. У опа-сингиллар ичида энг бардошлиси эди. Лестер уни қучоқлаб, ўпди.

— Мени кутиб олиб, жуда ақлли иш қилдинг-да, Эми,— деди Лестер.— Нақ илгариги пайтларимиз қайтиб келгандай бўлди. Ҳамма йиғилиб келган бўлса керак. Дадам шўрликнинг ҳам куни битибди-да. Шундай бўлса ҳам, у яхши, узоқ умр кўрди. Шунча ишни қилганидан хурсанд кетган бўлса ажаб эмас.

— Ҳа,— деди Эми,— бироқ ойим ўлганидан кейин жуда букилиб қолди.

Ака-сингил вокзалдан ўтган кунларни эслаб, бемалол гаплашиб келишди. Эски уйга узоқ-яқин қариндошларнинг ҳаммалари тўпланишганди. Лестер уларнинг ҳар бири билан кўнгил сўраб кўришса ҳам, хаёлидан отаси узоқ умр кўргани кетмасди. Олма пишганидан кейин ерга тушгандай, отаси ҳам мурод-мақсадига етиб, бандаликни бажо қилди. Лестер улкан меҳмонхона ўртасида қора тобутда ётган отасини кўрганида аллақачонлар унут бўлган болалик меҳри товланди. Отасининг бурчини ўтаб қўйганини ифода этиб тургандек қатъият ва хотиржамлик акс этган юзига қараганида ҳатто жилмайиб ҳам қўйди.

— Яхши одам эди,— деди у ёнида турган Робертга.— Энди бунақаси ҳадеганда дунёга келавермайди.

— Гапинг тўғри,— Роберт дабдабали оҳангда маъқуллади.

Дафн маросимидан кейин васиятномани кетга сурмай ўқимоқчи бўлишди. Луизанинг эри уйига — Буффалога, Лестер эса Чикагога шошиларди. Шунинг учун ҳам эртаси куни жигарлар кекса Кейннинг ишлари билан шуғулланадиган «Найт, Китли ва О'Брайен» юридик идорасига тўпланишди.

Лестер ана шу йиғинга, отам васиятномада мени четлаб ўтмаган бўлса керак, деган хаёлда борганди. Ота-бола яқиндагина гаплашишган, Лестер отасига, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб олишимга муҳлат керак, деган, отаси ҳам бунга муҳлат берганди. Отаси Лестерни ҳар доим яхши кўрар, Женнидан бўлак ишларининг барини маъқуллаганди. Лестернинг ишбилармонлиги фирмага анча-мунча наф келтирганди. Шу сабабдан ҳам Лестер, отамнинг мени бошқа болаларидан бериоқ кўришга сира асоси йўқ, деган хаёлда эди.

Лўппигина ва серғайрат мистер О'Брайен идорасига қадамранжида қилишган мероскўрлар ва ҳақдор авлодларнинг қўлларини самимий қисиб сўрашди. У йигирма йилдан бери Арчибалд Кейннинг шахсий ишончли вакили эди. Чол кимни ёқтиришию кимга тоби йўқлигини, ғалати-ғалати қилиқлари борлигини билганидан ўзини унга нисбатан бамисоли кафорат берувчидай сезарди. Шунинг учун ҳам чолнинг фарзандларини, айниқса Лестерни яхши кўрарди.

— Ана энди, чамамда, жамоат жамга ўхшайди,— деди мистер О'Брайен чўнтагидан мугуз гирдли катта кўзойнагини олиб, йиғилганларга ташвишли кўз югуртираркан.— Жуда соз. Ишга киришаверса бўлади. Мен сизларга васиятномани кириш сўзию муқаддимасиз, тўғридан-тўғри ўқиб бераман.

У столдан катта қоғоз олди-да, томоқ қириб, ўқишга тушди.

Бу ҳужжат жуда бошқача тузилганди. Олдинига кекса хизматчилар, уй ходимаси ва дўстларга чегирилган озроқ маблағ ҳақида гап кетган, сўнгра турли муассасаларга қилинган туҳфалар ва ниҳоят, қизлардан тортиб яқин мероскўрларга қолдирилган мерос тилга олинганди. Отасини яхши кўрадиган ва унга садоқатли Иможинга фабрикага сарфланган капиталнинг ва марҳумдан қолган саккиз юз минг доллар атрофида турадиган мулкнинг олтидан бири

васият қилинганди. Эми билан Луизага ҳам худди шунчадан текканди. Набираларга ҳам яхши хулқлари учун вояга етганларидан кейин оладиган қилиб оз-оздан совға-салом қолдирилганди. Шундан сўнг Роберт билан Лестер ҳақида гап кетарди:

«Ўғлим Лестернинг ишида баъзи бир нотекисликлар содир бўлганлиги важидан алоҳида кўрсатмалар беришни ўзимнинг бурчим деб биламанким, қолган мулким тақсимотида бунга амал қилмоқ лозим бўлади, яъни: «Кейн саноати компанияси» капиталининг тўртдан бир қисми ва бўлак, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз, нақдиналар, акциялар ва қимматбаҳо қоғозлардан иборат мулкимнинг тўртдан бирини ўз бурчини оғишмай адо этгани учун суюкли ўғлим Робертга васият қиламан, «Кейн саноат компанияси» капиталининг тўртдан бир қисми ва ҳаракатдаги ҳамда ҳаракатсиз, нақдина, акция ва қимматбаҳо қоғозлардан иборат мулкимнинг тўртдан бирини укаси Лестернинг фойдасига қуйида зикр этиладиган шартлар бажарилгунга қадар бошқаришни Робертга қолдираман. Ҳамма фарзандларим «Кейн саноат компанияси» ва унга ишонилган бошқа капиталларни бошқаришда Робертга (буни то ўзи зиммасидан соқит қилмагунича ёки буни амалга оширишнинг бошқа, дуруст йўлини кўрсатмагунига қадар) кўмаклашишларини истайман ва талаб қиламан».

Лестер оҳиста сўкинди. Юзидан қони қочди, бироқ қимир этмай тураверди, нега деганда томоша кўрсатгиси келмади. У васиятномада алоҳида тилга ҳам олинмаганди-да, ахир!

«Қуйида зикр этилган шартлар» йиғилганларга ўқиб берилмади. Мистер О'Брайеннинг айтишига қараганда марҳумнинг истак-иродаси шундай экан. Шунга қарамай у ўша куннинг ўзидаёқ Лестер билан марҳумнинг бўлак фарзандларига ўша шартларини ўқиб чиқиш учун берди. Натижада Лестер уч йил мобайнида йилига ўн минг долларлардан олиб туражагини билди. Шу муддат ичида у қуйидаги муаммони ҳал этиши лозим эди: мабодо ҳозиргача Женнига уйланмаган бўлса у билан орани очиқ қилади ва отаси айтганидай ҳаёт кечиради. Шунда Лестерга меросдан ўзига тегишли ҳисса берилади. Ё бўлмаса, Лестер ҳали бу ишни қилмаган бўлса Женнига уйланади. Унда умрбод йилига ўн минг долларини олаверади. Бироқ Лестер ўлганидан кейин Женни бари бир бир цент ҳам ололмайди. Юқорида айтилган ўн минг доллар пул икки юзта акциядан келадиган йиллик даромад эди. Бу ҳам Лестер то узил-кесил бир қарорга келгунча Роберт ихтиёрига берилганди.

Мабодо Лестер Женнига уйланмаса ва у билан орани ҳам очиқ қилмаса, уч йил ўтганидан кейин ҳаммасидан маҳрум бўлиб қолаверади. У ўлганидан кейин даромад келтириб турган акциялари ўша пайтдан барҳаёт бўлган акасингиллар ўртасида баравар тақсимланади. Васиятномани тан олмайдиган ҳар бир меросхўр ёки ҳақдор шу тариқа меросдан тегадиган ўз ҳиссасидан айрилади.

Лестер отаси барча имкониятларни батафсил кўзда тутганидан лол қолганди. Васиятдаги якунловчи шартларни ўқиётганида Лестернинг хаёлидан, буларни тузишда Роберт қатнашмаганмикин, деган ўй лип этиб ўтди. Бироқ Лестер бу нарсага ишонолмасди, нега деганда акаси ғарази борлигини сира ҳам сездирмаганди-да.

— Бу васиятномани ким тузди?— деб сўради Лестер О'Брайендан.

— Ҳаммамиз оз-оздан уриндик,— жавоб қилди мистер О'Брайен сал хижил бўлиб.— Бу осонликча бўлмади. Отангизни бирор нарсага кўндириш жуда мушкуллигини биласиз-ку, мистер Кейн. У одам эмас, бамисоли бир қоя эди. Ана шунинг учун бандларнинг баъзи бирида сал бўлмаса ўзига-ўзи қарши борди. Васиятноманинг руҳи учун биз жавобгар эмасмиз, албатта. Бу фақат сизга ва отангизга тааллуқли. Мен учун унинг кўрсатмаларини бажариш жуда оғир бўлди.

— Гапингизни яхши тушуниб турибман,— деди Лестер.— Хотиржам бўлаверинг, ўтинаман.

Мистер О'Брайен чуқур миннатдорчилик билдирди.

Боядан бери нақ креслога ёпишиб қолгандай қимирламай ўтирган Лестер жигарлари билан баравар қўзғаларкан, ўзини бепарво кўрсатди. Роберт, Эми, Луиза, Иможин — ҳаммалари ҳайратда эдилар, лекин уларни Лестерга ачинишяпти деб бўлмасди. Лестер ҳар қалай ўзини яхши тутмаганди. Отасини норозн қиладиган ишлари етарлича эди.

— Чол жуда ҳам ошириб юборибди,— деди Лестернинг ёнида ўтирган Роберт.— Мен бунчаликка боради деб ўйламагандим сира ҳам. Менимча, ҳаммасини бошқачароқ қилса ҳам бўларди.

— Қўявер,— Лестер тўнғиллаб, ғамгин жилмайди.

Опа-сингиллар Лестерга тасалли беришмоқчи бўлишарди-ю, лекин нима дейишни билишмасди. Нафсамбирини айтганда, Лестернинг ўзи айбдор.

— Назаримда, дадам унча тўғри иш қилмабди,— Эми эндигина оғиз очганида Лестер унинг гапини шартта бўлди:

— Бир куним ўтар.

Лестер ичида отасининг айтганини қилмаса даромади қанча бўлишини ҳисоблади. Икки юзта акциясининг ҳар бири биржада минг доллардан сал ортиқ туриб, бешдан олти процентгача даромад берарди. Ҳа, йиллик даромади ўн минг доллардан сира ҳам ошмайди.

Жигарлар уй-уйларига жўнаб кетишди. Лестер опасининг уйига кирди, бироқ она шаҳридан чиқиб кетишга шошилганидан иши зарурлигини баҳона қилиб, нонуштадан бош тортди-да, яқин орада жўнайдиган поездда Чикагога йўл олди.

Унга йўл бўйи хаёллар сира тинчлик бермади.

Демак, отаси уни уйчалик хушламаган экан-да! Бу инсофданми? Унга, Лестер Кейнга йилига, ўшанда ҳам уч йил муддат билан ўнг минг доллар ташлашибди, уёгига эса бу пулни Женнига уйлансагина оларкан. «Йилига ўн минг доллар,— дерди у ичида,—ўшанда ҳам бор-йўғи уч йил! О тангрим, бунча пулни идорада ишлайдиган ҳар бир одам топиши мумкин-ку. Ўз отам ҳам менга шунақа қиладими-я!»

XLIII БОБ

Тиз чўктиришга бўлган бу уриниш Лестерни жигарларига жуда ҳам тескари қилиб қўйганди. У кейинги пайтларда иккита катта хато қилганини аён сезарди. Бошида Женнига уйланмай хато қилди. Уни олганида ҳар хил миш-мишлару гап-сўзлар ўз-ўзидан йўқолиб кетарди. Кейинчалик эса Женнининг ўзи кетмоқчи бўлганида оралиғи очиқ қилмай адашди. Ҳа, нима деганда ҳам Лестер жуда чалкашиб қолганди. У бор мулкидан айрилиб қолишига рози бўлолмасди. Ўзининг пули эса жуда кам. Женни бебахт, бу шундоққина кўриниб турибди. Дарвоқе, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки Лестернинг ўзи ҳам бебахт-да. Мабодо Женнига уйланганида ҳам йилига арзимас ўша ўн минг долларга қаноат қила олармикин? Женнини кеткизиб, ундан умрбод айрилиб қолишига рози бўлармикин? Бу муоаммо ўта мураккаб эди. Лестер унисига ҳам, бунисига ҳам рози бўлолмасди.

Лестер отасининг дафн маросимидан қайтганидан кейин Женни бир кори ҳол бўлганини, Лестерни отасининг вафотидан бўлак нарса ҳам эзаётганини зумда пайқаб олди. Бу нима бўлиши мумкин? Женни ўзининг ҳамдард эканлигини билдиришга уринар, бироқ Лестернинг дардига малҳам бўлиш осон эмасди. Лестернинг нафсониятига

тегадиган бирор иш бўлганида у ҳурпайиб олар, дарғазаблигида бировни тушириб қолиши ҳам мумкин эди. Женни уни кузатиб юраркан, жонига оро киришга тайёр эди, бироқ Лестер ёрилмасди. У дардини ичига ютар, буни кўриб Женни ҳам азоб чекарди.

Кунлар кетма-кет ўтарди. Ниҳоят кекса Арчибалд ўлими олдидан қолдирган васиятномаси туфайли Лестер ўзининг молиявий аҳволи борасида жиддий бош қотирадиган фурсат ҳам етиб келди. Фабрикани бошқариш иши қайтадан ташкил этилади, албатта. Роберт отасининг хоҳишига кўра компаниянинг президенти бўлади. Бунда Лестернинг роли ва ишда қандай иштирок этажаги масаласи ўртага тушади. Мабодо у Женни билан муносабатида ўзгариш ясамаса ҳатто акционер ҳам бўлолмайди. Аниқроқ қилиб айтганда Лестер энди ҳеч ким эмас. Секретарь ва хазиначи лавозимини эгаллаш учун у ақалли компаниянинг битта акцияси соҳиби бўлмоғи керак. Роберт ёки сингилларидан бирортаси акцияларидан бир қисмини унга бериб туришга хоҳиш билдиришармикин? Улар жилла бўлмаганда ана шу акцияларининг бир қисмини унга сотишга кўнишармикин? Ё жигарлари Робертининг янги имтиёзларига зиён етказадиган ҳеч қанақа иш қилишмасмикин? Ҳозирда уларнинг ҳаммалари Лестерга кўзларини олайтириброқ туришибди. Ҳа, ҳозирги чалкаш аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли — Женнидан қутулиш. Уни ташласа — акциялар сўраб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Ташламаса — отасининг сўнгги хоҳишига қарши чиққан бўлади, унда ҳар қандай кўргиликларга тайёр туриши лозим бўлади. Лестер бир-бирига зид сабабларни қайта-қайта чамалаб кўраркан, аҳвол тобора аёнлашарди. У ё Женнидан, ё ўзининг келажагидан воз кечиши керак эди.

Роберт, ҳаммасини бошқачароқ қилса бўларди, деса ҳам, оқибат бундай тус олганидан мамнун эди. Унинг режалари амалга ошаёзган эди-да. Ўзи эса кўпдан буён ва яхшилаб режа тузиб келар, отаси бошлаган ишни қайтадан ташкил этиш эмас, балки уни экипажлар ишлаб чиқарадиган бошқа компанияларга қўшиб кенгайтиришни ўйлаб қўйганди. Мамлакатнинг ғарби ва шарқидаги иккиучта шундай йирик корхоналарга бирлашиш, нархни тушириш, ортиқча ишлаб чиқаришдан қочиш ва умумий харажатларни бирмунча камайтириш имконини берарди.

Роберт ўзининг Нью-Йоркдаги вакили орқали бошқа компанияларнинг бир оз миқдордаги акцияларини қўлга киритган ва ҳозирда ҳаракат қилишга деярли тайёр эди. Ҳаммасидан ҳам у Кейн компанияси президентлигига сай-

ланиши лозим эди. Шундан кейин Лестер билан ҳисоблашиб ўтиришга ҳожат ҳам қолмасди. У вице-президентлик вазифасини Эмининг эрига бермоқчи эди, эҳтимолки секретарлик ва хазиначиликка Лестернинг ўрнига бошқасини тайинлар. Васиятномадаги шартларга кўра Роберт, эсини жойинга келтириш умидида, Лестернинг меросдан тегадиган ҳиссасини ҳам бошқаришни қўлга олиши керак эди. Отаси бунда Роберт укасига таъсир ўтказишда ёрдам беришини кўзда тутганди чоғи. Бунақа хунук вазифа Робертнинг энсасини қотирар, бироқ бу ишнинг сира мушкул жойи қолмаганди. Баъзи жиҳатлардан қараганда бу ҳаттоки муқаддас бурч ҳам эди. Лестер ё эс-ҳушини йиғиштириб олиши, ё фирмага ўз билгича бошчилик қилишни акасига топшириши лозим эди.

Лестер Чикаго филиали бўйича вазифасини бажариб юраркан, янгича ишлар бўлаётганини сеза бошлади. Ўзи четга чиқиб қолганини, ҳозирда акасининг қўлида фақат бўлим мудири бўлиб қолганини кўриб турар, шунинг учун ҳам ўзини қаерга уришни билмасди. Роберт эса у-бу ўзгаришлар қилаётганидан оғиз ҳам очмасди, гўё ҳаммаси илгаригидай кетаётгандек эди. Бироқ эндиликда Робертнинг ҳар бир кўрсатмаси қонун эканлиги очиқ кўриниб турарди. Тўғрисини айтганда, Лестер энди акасининг қўлида ишлар ва ундан маош оларди. Бу Лестернинг нафсониятига тегар ва сира ҳам жинига ёқмасди.

Лестер орадан бир неча ҳафта ўтганидан кейин буёғига дош беролмаслигини сезди, нега деганда, шу чоққача мустақил ишлаб келганди-да. Илгари отаси ҳамма ишни ўзи ҳал қилиб келгани сабабли шунчаки номигагина ўтадиган йиллик акционерлар йиғилиши куни яқинлашиб келарди. Энди бу йиғинда Роберт раислик қилади, опа-сингиллар номидан уларнинг эрлари қатнашишса керак, Лестернинг ўзи эса ҳатто иштирок ҳам этмайди. Негаки Роберт правление аъзоси бўлиб, бирорта масъул вазифа эгаллашига имкон берадиган акцияларни ё унга тутқазмади, ё харид қилишни таклиф этмади. Лестер шундан кейин нафсониятига қанчалар тегмасин, акасига истеъфо борасида илтимоснома юборишга қарор қилди. Бу вазиятни яхшилайди. Роберт шунда Лестер унинг илтифотига зор эмаслигини ва жигарларининг розилиги билан қобилиятига яраша топганига қаноат қилмоқчи бўлганини тушунади. Мабодо ахири Женнининг жавобини бериб, ишда яна қатнашадиган бўлса сира ҳам филиалга мудирлик қилмайди. Шундай қилиб у кубикага олдий, очиқдан-очиқ аниқий хатни жўнатди:

«Қадрли Роберт! Яқин орада компания сенинг бошчилигингда қайтадан ташкил қилинишини биламан. Қўлимда акциям бўлмагани сабабли на правление аъзоси бўлишга, на секретарь ва хазиначи вазифаларида ишлашга ҳақим бор. Илтимос, ана шу хатимни иккала вазифамдан ҳам кетишим ҳақидаги аризам ўрнида кўргин ва правление ана шу икки вазифага одам олиш ҳамда буидан буён менинг хизматимдан фойдаланиш масаласини муҳокама қила қолсин. Бунақа филиалнинг мудирлиги менга унчалар зарур эмас, бироқ мен сенинг режаларингни асло бузмоқчи эмасман. Айтилган нарсалардан отамнинг васиятномасида келтирилган шартларни ҳозирча бажармоқчи эмаслигим сенга аён бўлмоғи керак. Сенинг бу ишга қандай қарашингни билмоқчи эдим. Жавобингни кутаман.

Сенинг Лестеринг».

Роберт Цинциннатидаги идорасида бу хат ҳақида жуда яхшилаб бош қотирди. Демак, Лестер ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлишини хоҳлаяпти — феъли шундай ўзи. Лестер шу чўрткесарлигига озроқ эҳтиёткор ҳам бўлса борми, ундан жуда ажойиб одам чиқарди-да! Бироқ унда устомонлик ҳам, назокат ҳам йўқ. Бировни ўлса ҳам алдамайди, Роберт эса ўзича бусиз чинакамига муваффақият қозониб бўлмайди деб ҳисобларди. «Гоҳида чапдастлик ҳам, бераҳмлик ҳам керак,— деб қўярди ичида кўпинча.— Каттароқ нарсани мўлжаллаганингда буни бўйнингга олсанг нима қипти?» Роберт шунинг учун ҳам бунга қатъий амал қиларди.

Роберт ҳозирда Лестер яхши йигит ва укаси бўлишига қарамай, унда бир оз эпчиллик етишмаётганини сезарди. Лестер ҳаддан зиёд тўғри сўз, тортишишни жуда яхши кўради. Мабодо у отасининг айтганини қилиб, меросдан ўз ҳиссасини олса борми, фирмани бошқаришда фаол иштирокчилардан бирига айланади. Акасига оғиз очирмай қўярди. Бу Робертга ёқади дейсизми? Албатта, йўқ. Робертга Лестернинг ҳар ҳолда яна бир оз вақтгача Женни билан қолиши ва шу тариқа ишдан четлаб кетиши кўпроқ маъқул келарди.

Роберт буларни яхшилаб ўйлаб олганидан кейин укасига мулойимгина хат ёзди. Хатида, қайси бири яхшироқ бўлишига кўзи етмаётганини, куёвлар қандай фикрдаликларидан бехабарлигини, улар билан маслаҳатлашиш зарурлигини, ўзи эса уни иложи топилса секретарь ва хази-

начи сифатида сақлаб қолмоқчилигини айтиб, ҳозирча узил-кесил қарорга келмай турсанг бўлмасмикин, деган саволни қўйди.

Лестер сўкинди. Роберт нимага чап бериб, буни чўзяпти? Буни қандай қилиш кераклигини ўзи яхши билади-ку. Лестерга битта акция берса бас-у тўла ҳуқуқли пайчи бўлади-қолади. Роберт ундан қўрқади, ҳамма гап шунда. На чора, Лестер филиал мудирлигини йиғиштиради, хотиржам бўлаверинглар. У тезда истеъфо беради.

Лестер шундан кейин Робертга хат ёзиб, ҳаммасини ўйлаб чиққанини ва бахтини мустақил ишда синаб кўрмоқчилигини, Чикагога ишни қабул қилиб оладиган бирортасини юбораверини мумкинлигини, узоғи билан бир ой кутиб тура олишини айтди. Бир неча кундан кейин жавоб келди. Унда Роберт жуда ҳам таассуфдалигини, Лестер шундай қарорга келган экан, янги режаларини амалга оширишга қарши эмаслигини айтибди. Иможининг эри Жефферсон Мижли анчадан бери Чикагога кўчиб ўтишни хоҳлаб юраркан. Дастлабки пайтларда филиал мудирлигини унга топширса бўларкан.

Лестер илжайиб қўйди. Роберт чамаси ҳозирги мушкул аҳволдан ўзига наф чиқармоқчига ўхшайди. У Лестер судга бериб, куёвини бу ишга яқинлаштирмаслиги мумкинлигини ҳам; бу нарсага Лестернинг тоқати йўқлигини ҳам билади. Ҳаммаси яна газетага тушади. Женнига дахлдор миш-мишлар яна қалқиб чиқади. Энг яхши чора Женнидан қутулиш бўларди-я. Хуллас, ҳамма нарса яна эски ҳолига қайтмоқда эди.

XLIV БОБ

Лестер қирқ олтига кирганди. Одамнинг бунақа ёшда дўстларсиз ва ишга алоқадор одамларсиз сўппайиб қолиши ҳатто йилига ўн беш минг (отасининг васиятидаги ўн мингни ҳам қўшганда) даромадинг бўлганда ҳам зерикарли ва даҳшатлидир. Лестер яқин орада бирорта тиллакон топмаса борми, шўри қуришлигини тушунарди. Женнига уйланса ҳам бўларди, албатта. Бу ўлгунича йилига ўн минг доллардан даромад олиб туришини таъминларди, бироқ айни пайтда Кейн компанияси капиталидан ўзига тегишли ҳиссадан маҳрум ҳам қиларди. Бошқа тарафдан олганда Лестер ўз акцияларини сотса ҳам бўларди, чунки унда етмиш беш минг долларлик акция бор эди. Улардан

процент билан беш минг доллар атрофида фойда олиб, пулини бирорта корхонага, масалан, экипажлар ишлаб чиқарадиган бошқа фирмага тиқиштирса-чи. Бироқ Лестер отасидан қолган компания билан рақобатга киришишни хоҳлармиди? Бунинг устига бу иш ҳазил эканми? Рақобат шундай ҳам кундан-кунга кучаяр, Кейн компанияси эса биринчи ўринни маҳкам ушлаб турарди. Лестернинг бор капитали эса етмиш беш минг доллар эди. Шу арзимас нарса билан жангга киришишдан маъни чиқадими? Ҳозирги вазиятда саноатнинг бу тармоғида мустаҳкамланмоқ учун бир олам пул керак бўлади.

Кўп нарсани биладиган ва ақли бало одам бўлган Лестер бахтга қарши ўзининг зўрлигига чуқур ишонч билан қарашдан маҳрум эди. Ҳолбуки, бу нарса одамнинг савдо-сотиқ ишларида гуркурашида жуда ҳам зарур бўлади. Пултопарлар оламида битта нарсага, тақдири илоҳий ўзи танлаган у ёки бу соҳада зўр мартаба тайёрлаб қўйибди, деган гапга маҳкам ёпишиб олган одамгина назарга тушади. Совуннинг янги хилими, консерва банка очадиган пичоқми, соқол оладиган устара ёки тезликни алмаштирадиган қисмми—хуллас битта нарса одамнинг фикру зикрини банд қилиб олади, лахча кўмирдай ўртайди ва ўзига бутунлай чирмаб ташлайди. Бунчалар ёпмоқ учун одам камбағал ва навқирон бўлмоғи даркор. Одам ўз ҳаётини бағишлаган нарса унга чексиз имкониятлар ва беҳисоб қувончлар йўлини очмоғи керак. Шунда унинг мақсади бахт бўлмоғи зарур, акс ҳолда қалбидаги олов етарли даражада ловулламайди, ҳаракатлантирувчи куч тегишли қудрат касб этмайди, муваффақият ҳам етарлича бўлмайди.

Лестер эса бунчалар ёнишга қодир эмасди. У ҳаёт қувончлари деб аталмиш нарсанинг анчагина қисмини тотиб бўлганди. Кўпинча ва дабдабали равишда лаззат деб аталмиш орзулар энди уни қизиқтирмасди. Пул ҳам зарур, албатта, бироқ унинг пули ҳам бор, ҳар ҳолда бемалол яшашига етади. На чора, наҳотки уларни ҳам тикишга тўғри келса? Дарвоқе, нимага ҳам тикмасин? Қолган умрингни қўлни қовуштириб, бошқаларнинг илгарилаб кетаётганига тикилиб ўтказишдан ҳам ортиқ даҳшат борми.

Лестер пировардида кучи иш берадиган соҳани топишга қарор қилди. Ўзига ўзи, бунинг шошиладиган жойи йўқ, дерди. Бунда сира қовун тушмайди. Олдинига унинг отаси қўлида бўлган корхона билан ораси очиқлиги ва ҳар қандай таклифларни эшитишга ҳозир эканлиги ҳа-

даги хабар улгуржи экипаж ишлаб чиқарадиган саноатчилар доирасида тарқалиши керак. Лестер шунинг учун ҳам Кейн компаниясидан чиқаётгани ва Европага дам олгани кетаётганини барчага маълум қилди. У шу чоққача хорижда бўлмаганди, кейин, Женнини ҳам ўйнатиб келади. Вестани уйда хизматчи ва Герхардга ташлаб кетса ҳам бўлади, Женни эса бориб, Европадаги қизиқарли нарсаларни бир кўриб келсин. Лестер ўзи кўп эшитган Венеция, Баден-Баден ва бошқа курортларда бўлмоқчи эди. У кўпдан Миср шаҳарларини ҳам, Парфенонни ҳам кўриш орзусида эди. Бегона ўлкаларда бўлиб, ҳаво олади, кейин уйига қайтиб, бирорта ишга қаттиқ киришади.

Лестер Женнини ёнига олиб, кекса Кейн қазо қилган йилнинг баҳорида саёҳатга чиқди. Чикагодаги омборнинг ишларини топширганидан кейин шошилмасдан, мамнуният билан саёҳат йўналишини тузиб чиқди, бунда доимо Женнининг маслаҳатини олиб турди. Икковлари йўлда зарур бўладиган нарсаларни олиб, кемада Нью-Йоркдан йўл олишди, Англияда бир неча ҳафта туришди, сўнгра Мисрга жўнашди. Қайтишда Греция ва Италия орқали Австрияга ўтиб, Швейцария оша Париж билан Берлинга боришлари керак эди. Лестер янги таассуротлардан кўнгли хушланса ҳам, бари бир вақтини беҳуда ўтказаётганидан дили хира эди. Саёҳатда юрганда даромад берадиган йирик корхона барпо этиб бўлмас, сиҳатини яхшилаши эса унга кераги ҳам йўқ эди...

Женни эса кўрган нарсаларининг баридан завқланар ва бу янги ҳаётдан деярли сархуш эди. Кўз ўнгида илгари борлигини ўзи хаёлига ҳам келтирмаган Луксор билан Карнакда қудратли, кўпқиррали ва баркамол қадимий маданият намоён бўлди. Миллион-миллионлаб кишилар бу ерда ўзга худоларга, бошқаришнинг бўлакча шаклларига, ҳаётнинг бошқача тартибларига ишонган ҳолда яшаб, оламдан ўтишган. Женни олам нақадар кенглигини шу ерда тушуниб етди. Ўтмишдан жой олган Греция, ҳалок бўлган Рим империяси, унут бўлган Миср ҳақида ўйларкан, ташвиш ва ўйларимиз қанчалар арзимас ҳамда майда эканини билиб олди. Энди унга лютеранлар черковига қатнайдиган отасининг тақводорлиги унчалар ваҳимали, Огайо штатининг Колумбус шаҳридаги ижтимоий тузум бузилмасдек туюлмас эди. Онаси доимо, одамлар нима дейишаркин, қўни-қўшнилар нима хаёлга боришаркин, деган нарсага жуда аҳамият берарди, бу ерда эса— Женни яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам бемалол ёнма-ён ётишган беҳисоб қабрларни кўрди. Лестер унга

ахлоқий мезонлардаги тафовутларга тоҳида иқлим, тоҳида дин, тоҳида Муҳаммадга ўхшаган бирор фавқулодда шахснинг оламга келиши сабабчи бўлишлигини тушунтирди. Лестер ўзлари кўникиб қолган жойга нисбатан бепоён бўлган бу оламда унча-мунча нарсаларнинг аҳамияти йўқлигини таъкидлашни хуш кўрар, Женни ҳам унинг гапларини ўзича тушунарди. Масалан, Женнининг ўтмишини олайлик. У чакки иш қилди ҳам дейлик. Бу маълум бир кишилар тўдаси назарида яхши эмас, албатта, бироқ башариятнинг бутун тарихи, оламни ҳаракатлантирувчи барча кучлар нуқтаи назаридан қараганда қанчалик аҳамияти бор? Яна бир оз вақт ўтгач ҳамма оламдан ўтади— Женни ҳам, Лестер ҳам, мана шу одамлар ҳам. Яхшилик, самимий, инсоний яхшиликдан бўлак ҳеч қандай реал ва абадий нарса йўқдир. Қолганларининг бари уйқудай ўткинчи нарсалардир.

XLV БОБ

Буни қараингки, Лестер хорижда юрганида, олдин Лондонда, кейин эса Қоҳирада (Женнини ҳисобга олмаганда) ўзига бир вақтлари чиндан ҳам ёққан аёлни учратиб қолди. У Летти Пэйс билан жуда кўпдан буён кўришмаганди. Летти Пэйс тўрт йилча Мальколм Жералд билан бирга турган, энди эса, мана икки йилдирки мафтункор бева эди. Цинциннатилик банкир ва биржачи Мальколм Жералд рафиқасига жуда катта мулк қолдирганди. Летти Пэйснинг битта қизчаси бўлиб, у ишончли энаганинг қўлида, ўзи эса бу маданиятли дунёнинг барча пойтахтларидаги асил йигитлардан иборат мухлислари даврасидан чиқмасди. У қобилиятли, соҳибжамол, келишган, тараинг нарса бўлиб, шеърлар ёзар, жуда кўп ўқир, санъатни ўрганар ва Лестер Кейнга чин юракдан қойил бўлиб юрарди.

Летти Пэйс бир вақтлари Лестерни чинакамига яхши кўрар ,чунки одамларга чуқур зеҳн солиб юрганида ундан яхшисини топмаганди. Лестер унга оғир, жуда хотиржам кўринганди. Лестернинг муғамбирликка тоб-тоқати йўқ эди. Уни аъёнларнинг ҳавойи суҳбатлари қизиқтирмас, ўзи оддий ва бор нарсалардан гаплашишни ёқтирарди. Летти билан Лестер кўп марталаб бал авжга минаётган залдан сирғалиб чиқиб, бирорта балконда йигитнинг тутаётган сигарасига тикилганча гурунглашишган. Лестер ўшандай пайтларда Летти Пейс билан бошқа шаҳарлардаги сиёсий аҳвол ва ижтимоий шароитларни муҳокама қилган, хуллас, уни ақлли одам қаторида кўрар, Летти ҳам, ўзи оғиз солиб қолар, деб сабр-тоқат билан узоқ кутган

эди. Летти кўп марта Лестернинг катта бошига, калта қирқилган қалин қора сочларига тикилганида уларни силашдан ўзини аранг тийиб қолганди. Лестернинг Чикагога кўчиб ўтиши Леттига оғир зарба бўлганди. Ўша пайтларда Летти Женни борлигидан мутлақо бехабар бўлса ҳам, Лестердан айрилганини дили сезиб турарди.

Худди ўша пайтларда Леттининг содиқ ва оташин мухлисларидан бўлган Мальколм Жералд йигирманчими ё ўттизинчи мартами оғиз солганида у рози бўла қолганди. Летти уни севмасди, бироқ кимгадир турмушга чиқиши керак эди-да. Мальколм Жералд қирқ бешга қадам қўйганди, у Летти билан бор-йўғи тўрт йил умр қилди. Шу қисқагина муддат мобайнида у хотинининг ниҳоят ажойиб ва кўнгилчан аёллигига, барри кенг одам эканига ишонч ҳосил қилди. Кейин у ўпка шамоллашидан вафот этди, миссис Жералд эса бадавлат бева бўлиб қолаверди. Ниҳоя кўзга яқин, оқсуяклар оламидаги ишларининг ипидан-игнасигача биладиган бу аёлнинг биттагина ташвиши бор — у ҳам бўлса пул сарфлаш эди.

Аммо-лекин Летти Пейс пулни беҳуда совурадиганлардан эмасди. У ёшлигиданоқ Лестерни йигитларнинг султони деб биларди. Ўз доирасида тўқнашиб турадиган майдакаш графлар, лордлар, баронлар (йиллар ўтиши билан булардан танишлари кўпайиб, алоқаси кучайди) уни сира ҳам қизиқтирмасди. Хорижда ўзи тўқнаш келган сирти ялтироқ кўриниш билан пул кетидан қувган йўғонлар жуда меъдасига текканди. Одамни одамдан яхши ажратар, ўзи кўраётган нарсаларнинг ижтимоий ва психологик жиҳатларини моҳирона илғай олар ва бу жанобларга ҳам, уларда мужассам бўлган «маданият»га ҳам кўнгли суст кетмасди.

— Мен бир вақтлари Цинциннатида билган одамим билан энг хароб кулбада яшасам ҳам бахтиёр бўлардим,— деди у бир куни Америкада туғилиб ўсган кибор дугоналаридан бирига.— У ақлли расо, қалби тоза зўр одам эди. Менга оғиз солганида борми ўзим тирикчилик қилишимга тўғри келганида ҳам теккан бўлардим.

— У жуда ҳам камбағалмиди?— сўради дугонаси.

— Мутлақо. Бойлиги ўзига етарли эди. Бироқ менинг учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Менга унинг ўзи керак эди.

— Вақти билан бу ҳам асқотиб қоларди-я.

— Йўқ, бунақа деманг,— эътироз билдирди миссис Жеральд.— Узимга аён, уни кўп йил кутдим.

Лестерда ўша Летти Пэйс жуда яхши таассурот қолдирганди. У бир вақтлари Лестерга ёқарди. Унга нима сабабдан уйланмади? Лестер ўз-ўзига неча-неча марталаб шу саволни берарди. Летти унга жуда муносиб хотин бўлиши, отаси ҳам буни маъқуллаши, ҳамманинг кўнгли жойига тушиши турган гап эди. Лестер эса бу ишни чўзганда чўзиб юрди, кейин оёқ остидан Женни чиқиб қолиб, Леттини ўйидан суриб чиқарди. Мана энди икковлари олти йиллик айриликдан кейин яна учрашишди. Лестер у эрга текканлигини биларди. Леттининг қулоғига ҳам Лестернинг ҳунарлари, пировардида ўйнашига уйланиб, Жанубий тарафда яшаётгани ҳақидаги миш-мишлар етганди. Летти Лестернинг молиявий қийинчиликларидан бехабар эди. Биринчи марта улар июнь оқшомларидан биридан «Карлтон» меҳмонхонасида учрашиб қолишди. Деразалар очиқлигидан боғдан кираётган гуллар атрида баҳор қайтиши билан бутун оламни чулғайдиган янги ҳаёт қувончи мавжуд эди. Летти дастлабки дақиқада азбаройи довдирганидан нафаси чиқмай қолди. Бироқ тезда ўзини ўнглаб олиб, хотиржам қўл чўзди.

— Ё худойим, бу Лестер Кейн-ку!— деб юборди у.— Қалай, яхшимисиз, сизни кўраётганимдан хурсандман! Бу хоним миссис Кейнмилар? Сиз билан танишганимдан хурсандман. Эски дўстингни учратиш қанчалар ёқимли, нақ ёшлигинг қайтиб келгандай! Мени кечиринг, миссис Кейн, очиғини айтсам, эрингизни кўрганимдан бениҳоя мамнунман. Сиз билан неча йиллардан бери кўришмаганимизни айтишга тилим ҳам бормайди, Лестер! Буни эсласам ўзимни нақ кампирдай сезаман. Буни қаранг-а, олти йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетибди-я! Бу вақт ичида мен эрга тегдим, қизим туғилди, бечора мистер Жералд оламдан ўтди. Ё худойим, нималар бўлмади-я!

— Ҳалиям зўрсиз,— Лестер илжайиб жавоб қилди.

Лестер учрашганларидан суюниб кетди, нега деганда бир вақтлари икковлари қалин эдилар-да. У ҳозирда ҳам Леттига ёқар, бу шундоққина кўриниб турарди. Ҳа, Летти ҳам Лестерга ёқарди.

Женни Лестернинг эски ўртоғига қараркан, жилмайиб қўйди. Яланғоч қўллари бениҳоя чиройли, антиқа тўр ёқали, белида қизил лола чўғдай ёниб турган оч-пушти шоҳи кўйлак кийган бу аёл Женнининг кўзига гўзаллар гўзали бўлиб кўринди. Женни ҳам Лестер сингари чиройли хотинлардан кўз узолмас, уларни кўпинча ўзи Лестерга кўрсатар ва ҳуснларига шама қилиб сал-пал тегишиб қўярди.

— Бориб у билан танишсанг-чи, Лестер, ҳадеб мен билан ўралашавериб кўнглингаям уриб кетгандирман,— деди у бирорта чиройли ёки зўр аёлни кўрганида.

— Ҳечқиси йўқ, менга шу ер ҳам яхши,— Лестер ҳазилга шундай жавоб қиларди-да, Женнининг кўзларига тикилар ёки хўрсиниб қўярди:— Ёшим ўтиб қолди-да, бўлмаса ҳозироқ изига тушган бўлардим.

— Югур, югур,— қиздирарди Женни.— Сени кутиб тураман.

— Ростдан ҳам югуриб қолсам нима дердинг?

— Ҳеч нима демасдим. Югурганингда ҳам, бари бир, ёнимга қайтиб келардинг-ов.

— Шунда ҳам сенга бари бирми?

— Бари бир эмаслигини ўзинг яхши биласан. Лекин сенга халал бермасдим. Мабодо буни ўзинг истамасанг, фақат мени дейишинг керак, демайман сира ҳам.

— Бу гапларни қаёқдан олдинг, Женни?— деб сўради Лестер бир куни Женнининг масалага бунчалар кенг қарашидан ҳайратланиб.

— Тўғриси, билмайман. Нимайди?

— Гапларинг бардош ва раҳм-шафқатга тўла. Кўпчилик бу гапингга қўшилмаган бўларди.

— Менимча, худбин бўлмаслик керак, Лестер. Менга нега шунақа туюлишини ўзим ҳам билмайман. Баъзан хотинлар бошқача ўйлашади, агар эркак билан аёл бирга туришни исташмаса, унда зўрлашнинг нима кераги бор, бу гапимга қўшиларсан? Борингки эркак бир оз вақт ташлаб кетса ҳам, бари бир қайтиб келади, бунинг унчалик қўрқинчли жойи йўқ.

Лестер жилмайиб қўйди; у Женнини ана шундай инсоний туйғулари учун ҳам бошига кўтарарди.

Женни ўшал оқшом Леттининг Лестерни учратганидан суюниб кетганини кўриб, икковларида ҳам кўп нарсалар ҳақда гаплашиш истаги туғилиши турган гап эканини зумда пайқади-да, бунга имкон яратмоқчи бўлди.

— Мени кечирасиз, сизларни бирпасгина холи қолдираман,— деди у жилмайиб.— Хонамизга кириб у-буларга қарамоқчиман. Тезда қайтаман.

Женни хонасига қайтиб, ўзи лозим кўргунча ўтирди, Летти билан Лестер орасида эса ўша заҳотиёқ суҳбат қизиб кетди. Лестер унга, баъзи бир тафсилотларни тушириб қолдириб, ўзи ҳақида гапириб берди, Летти бўлса кейинги йиллардаги ҳаётини ҳикоя қилди.

— Уйланиб, биров етишолмайдиган бўлиб қолгансиз,— деди Летти дадил,— энди тан олсам бўлаверади: мен доимо айнан сиз оғиз соласиз, деб орзу қилардим, бироқ бундай бўлмади.

— Эҳтимол журъат қилолмагандирман,— деди Лестер унинг чиройли тим-қора кўзларига тикилиб. Шу дамда ўзига-ўзи, уйланмаганимни билармикин ё билмасмикин, дерди.

Лестернинг назарида Летти янада очилиб кетганди. У жуда тобига етган, бежирим, ўзига ишонган, ақли расо, муомалани ўрнига қўядиган ва ҳар қандай одамни ўзига мафтун эта оладиган оқсуяк хонимларнинг бориб турган вакиласи эди.

— Қўйинг-э! Ўшанда хаёлингиз кимда бўлганини биламан. Ўша ҳавас қилган одамингиз ҳозиргина шу ерда ўтирган эди.

— Хулоса чиқаришга ошиқманг, азизим. Ўшанда хаёлимни нималар банд этганини билолмайсиз.

— Қандай бўлганидаям дидингизга қойилман. Жуда дилбар экан.

— Женнининг яхши томонлари кўп,— деб қўйди Лестер шунчаки.

— Бахтлимисиз?

— Озми-кўпми даражада. Кўзи очиқ кетмаётган одамдай бахтлиман, албатта. Хомхаёллар менда озлигини ўзингиз биласиз.

— Мутлақо йўқ, демоқчимисиз?

— Дарвоқе, мутлақо йўқ, Летти. Гоҳида бундан афсусланаман. Хомхаёллар одамни енгиллаштиради.

— Сизни тушунаман. Давлатмандликда Крездай, эҳтимол ундан сал берироқ бўлсам ҳам, умуман кўзим очиқ кетяпти, деган фикрдаман.

— Ё тавба! Шунча ҳуснингиз, истеъдодингиз, давлатингиз бўлатуриб шу гапни айтяпсизми!

— Уларни бошимга урамани? Олам кезиб, ҳавойи гаплардан гаплашиб, пулимга кўз тиккан телбаларни ҳуркитганими? Оҳ, бу қанчалар оғир ва зерикарли!

Летти Лестерга қаради. Женни билан учрашуви унинг қалбидаги эски ҳисларнинг уйғонишига ҳалал беролмаганди. Лестер нима учун Женнига насиб қилди? Нақ бир ёстиққа бош қўйганларига анча бўлгандай ёки ҳозиргина бир-бирларига севги изҳор этишгандай икковлари апоқ-чапоқ. Лестерга эга чиқишга Женнининг қандай ҳаққи бор эди? Буни Леттининг кўзларидан аниқроқ илғаб олса бўларди. Лестер маъюс кулимсиради.

— Ана, хотиним келяпти,— деди у.— Гапни буришга тўғри келади. Женнини ёқтириб қолишингиз ҳам мумкин.

— Биламан,— Летти шундай дея Женнига ширин жилмайиб қўйди.

Женнининг кўнглига андак шубҳа ўрмалади. Лестер бир вақтлари эҳтимол шуни яхши кўргандир? У ана шундай аёлга уйланиши лозим эди. Ўзининг тенгги, у билан бирмунча, балки анча-мунча бахтли бўларди. Ўзи ҳам худди шуни хаёл қилмаётганмикин? Женни бу безовта фикрни хаёлидан қувди. Чунки беихтиёр равишда рашк қила бошлаган, бу эса жуда пасткашлик бўлур эди.

Миссис Жералд Кейнларга бағоят илтифот кўрсатди. Ўртасига уларни Хайд-Паркни айланишга таклиф қилди, бир марта «Клериж» меҳмонхонасида биргаликда овқатланишди. Шундан сўнг у жўнаб кетадиган фурсат ҳам етди, чунки миссис Жералд танишлари билан Парижда учрашишга ваъдалашган эди. Кейнлар билан самимий хайрлашаркан, янги учрашувга умид билдирди. У маъюс тортиб қолган, Женнининг бахтига ҳаваси келарди. Лестер кўзига ҳамон илгаригидай кўринарди. Назарида Лестер янада ёқимли, хушмуомала, ақллироқ бўлиб қолганди. Унинг боши очиқмаслигидан жуда афсусда эди. Лестер ҳам чамаси ўзи сезмаган ҳолда унинг афсусларига шерик эди.

Лестер ҳам гўё Леттига хаёлан эргашгандай, унга уйланганимда нима бўларди, деб тасаввур қиларди ўзича. Уларнинг ҳаётга, санъатга, амалий масалаларга қарашлари жуда ҳам ёпишиб тушарди. Эски қадрдонларга хос тарзда бемалол ва очиқ гаплашишарди. Бир ижтимоий доирага мансуб бўлганларидан оғиз очмаслариданоқ бир-бирларининг гапларига тушунишар, Женнининг эса бу даражага етишига ҳали бор эди. У тез фикрлашда миссис Жералдга етолмасди. Женни табиатан чуқур сева олиш ва одамни яхши тушуна олишга қодир бўлса ҳам, оқсуяклар гурунгида ўзини кўрсатолмасди. Кўнгли ҳар маҳал очиқ, самимий эди. Уни айнан ана шу фазилати Лестерни ром этган бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ ҳозирда Женни, бошқа шундай ҳолларда бўлганидай, соддадиллигидан ютқизаётганди. Лестер, Летти Пэйсни олсам дуруст бўларкан, деган хаёлга бора бошлаганди. Ҳар ҳолда шундай қилса ёмон бўлмасди ва ҳозирда келажаги борасидаги шилқим ўйлардан азобланиб ўтирмасди.

Иккинчи сафар миссис Жералд билан Қоҳирада учрашишди. Лестер сигара тутатиб, меҳмонхона боғида айланиб юраркан, тўсатдан у билан юзма-юз келиб қолди.

— Ия, буёғи зўр бўлди-ку!— деб юборди у.— Қачондан келиб қолдингиз?

— Буни қаранг-а, Мадриддан. Ўтган пайшанбагача буёққа келиб қолишимни ўзим ҳам билмасдим. Танишларим мени ўзларига ҳамроҳ бўлишга кўндиришди. Ўзим ҳам сизни қаерда бўлишингизни хаёлдан ўтказиб тургандим десангиз, шунда Мисрга бормоқчи эканингиз эсимга тушиб қолди. Хотинингиз қани?

— Шу дақиқада, менимча, ваннада бўлса керак. Бу ер шунақанги иссиқки, Женни сувдан чиқмасам дейди. Ўзим ҳам чўмилиб чиқишдан бош тортмасдим.

Лестер яна миссис Жералддан кўз узолмай қолди. Унинг устида кўк шоҳи кўйлак, қўлида чиройли зангори соявони бор эди.

— Оҳ, худойим!— деб юборди бирдан миссис Жералд.— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Доим дайдиб юролмайман-ку. Қўшма Штатларга қайтсаммикин деб турибман.

— Бир гап бўлдими?

— Бу ерда юриб нима ҳам қилдим. Турмушга чиқишни хоҳламасам. Мени энди ким ҳам оларди.

Миссис Жералд Лестерга маънодор тикилиб қўйди-да, тескари ўгирилди.

— Ундай деманг, битта-яримта топилиб қолар,— деди Лестер дағалроқ қилиб.— Бу ҳуснингиз ва давлатингиз билан бари бир ҳеч ёққа қочиб қутололмайсиз.

— Қўйинг, Лестер!

— Яхши, сизнингча бўла қолсин. Лекин нима деяётганимни биламан-ку, ахир.

— Ҳалиям рақс тушиб турасизми?— миссис Жералд бугун меҳмонхонада бал бўлишини эслаб, бошқача, оқсуякларга хос оҳангда сўради. Лестер бир вақтлари жуда яхши рақс тушарди.

— Шартим кетиб, партим қолди-ю!

— Қўйсангиз-чи, Лестер, наҳотки шундай ажойиб нарсадан бош тортсангиз? Мен шу пайтгача рақсни жонимдан ҳам яхши кўраман. Миссис Лестер-чи?

— Йўқ, у рақс тушишни хуш кўрмайди. Ҳар ҳолда унга қизиқмайди. Бунда қисман менинг ҳам айбим бўлса керак. Кейинги пайтларда мен рақс тушиб туриш кераклигини унутиб қўйибман денг.

Лестер кейинги пайтларда одамларга аралашмай қўйганини ўйлади. Женни билан алоқаси бунга ёмон тўсиқ бўлиб турарди-да.

— Келинг, бугун кечқурун бир рақс тушайлик. Хотинингиз бунга сира ҳам қаршилик қилмайди. Бу ернинг зали жуда зўр. Эрталаб бирров кўз ташловдим.

— Кўрамиз,— жавоб қилди Лестер.— Рақс тушиш

эсимдан чиқиб кетган бўлса ҳам керак. Бу ёшда қайтадан бошлаш осон бўлмас-ов.

— Қўйсангиз-чи, Лестер,— эътироз билдирди Летти.— Бундан чиқди мен ҳам рақс қилмаслигим керак экан-да? Бунчалар сипо бўлаверманг. Гапингизга қулоқ солсам, ўзингизни бутунлай чолга чиқариб қўяяпсиз.

— Ҳаётий тажрибадан келиб чиқилса чолнинг ўзгинасиман-да.

— На чора, буниси яна қизиқроқ бўлади,— деб қўйди миссис Жералд истиғно билан.

XLVI БОБ

Кечқурун улкан меҳмонхонанинг боғдаги хурмозор хиёбонига олиб чиқадиган ва баллар ўтказишга мўлжалланган залида оркестр садолари янграй бошлаганида миссис Жералд Лестерни айвонларнинг биридан топди. Устига оқ заррин матодан кўйлак, оёғига оппоқ туфли кийиб, сочини баланд қилиб турмаклаган Женни унинг ёнида ўтирарди. Лестер сигара тугатганича Миср тақдири, авлодма-авлод яшаб келаётган камқувватли кишилар, Нил соҳилидаги бу кишиларни боқиб келаётган эчкизгина замин, тропик иқлим шароитида яшовчиларнинг ажойиб ҳаёти ва замонавий қулайликларга эга бўлган ушбу меҳмонхона, кўҳна, ҳорғин, тинкаси қуриган бу мамлакатдаги башанг сайёҳлар тўдаси ҳақида хаёл сурарди. Эрталаб Женни икковлари эҳромларни кўргани боришганди. Ушанда ҳар хил ҳидларга ва кўзга ярқ этиб ташланадиган нарсаларга сероб бўлган жинкўчаларда яримяланғоч, ғалати кийинган эркаклар ва ўғил болалар ачиб ётганини кўришганди.

— Бунга сира ақлинг бовар қилмайди,— деганди ўшанда Женни.— Қара, бу қанчалик исқирт, даҳшатли. Буларга қизиқиб қарайсан, бироқ ҳаммалари худди чувалчанглардай ўрашиб-чирмашиб ётганга ўхшашади-я.

Лестер кулди.

— Гапинг қисман тўғри. Бунга сабабчи иқлим. Иссиқ. Тропик иқлим. Бу одатда одамни бўшаштиради, ҳиссиётни қўзғотади. Одамларда айб йўқ.

— Тўғри айтасан, албатта, уларни айблаётганим йўқ. Шунчаки кўринишлари ғалати-да.

Лестер ойдинда сеҳрли ялтираётган хурмоларга тикиларкан, ана шуларни эслади.

— Ахири сизларни топдим-а!— хитоб қилди миссис Жералд.— Тушликка бари бир кеч қолдим. Экскурсияда анча

ўшланиб қолдик.—Кейин эса жилмайиб:— Эрингизни ўзим билан рақс тушишга кўндирдим,— деб қўшиб қўйди.

Сарин жануб туни миссис Жералдни ҳам Лестер билан Женни сингари бўшаштириброқ қўйганди. Ҳавода боғ-роғлар ва дарахтзорларнинг хушбўй ислари анқир, олисдан қўнғироқчалар садоси ва: «Ойя! Ўш! Ўш!» деган ғалати ҳайқириқлар келарди. Бу анча наридаги жинкўчалардан туя ҳайдаб боришаётган сарбонларнинг овозлари эди.

— Жуда яхши бўлибди-да!— мулойим жавоб қилди Женни.— Бемалол тушаверсин. Ўзим ҳам жон деб борардим-у, лекин қўлимдан келмайди-да.

— Сен ҳозирнинг ўзида бир неча сабоқ олишинг керак,— деди Лестер илдамлик қилиб.— Икковимиз бирга тушамиз. Анча оғир тортиб қолган бўлса ҳам, бирор нарса чиқар дейман.

— Унчалик рақс тушгим йўқ ўзи,— деди Женни жилмайиб.— Лекин сизлар бориглар, мен бўлсам салдан кейин юқорига чиқаман.

— Залда ўтира қолсанг бўлмайдими?— деди Лестер ўрнидан қўзғаларкан.— Бир-икки қур айланаман, холос, кейин бошқаларни томоша қилиб ўтирардик.

— Йўқ. Яхшиси шу ерда бўла қолай. Бу ер бирам яхшики. Сен боравер. Уни олиб кетаверинг, миссис Жералд.

Лестер билан Летти нари кетишди. Уларга ҳамманинг қарагиси келарди. Миссис Жералднинг устидаги тўқ бинафшаранг кўйлаги ялтиллайдиган қора безаклар сепилганидан қўллари ва бўйнини янада оппоқроқ кўрсатар, қоп-қора сочларида каттакон бриллиант ярақларди. Лўппи, қирмизи лаблари нақ жон олгудай жилмайганида маржондай тизилган ақиқ тишлари ялтираб кетарди.

«Худди шуни олса бўларкан-да»,— деб қўйди Женни ичида Лестер кўздан нари кетаркан. Шундан кейин ўз ҳаётини хотиридан бирма-бир ўтказа бошлади. Гоҳида бари нақ тушда бўлгандай туюлар, гоҳо бу туш ҳозир ҳам давом этаётгандай эди. Ҳаёт товушлари қулоғига шу кечанинг тароналаридай мубҳам чалинарди. У фақат қаттиқ ҳайқириқларнигина эшитар, умумий томонларнигина илғар, улардан кейинда эса бамисоли тушдагидай тутқич бермас соялар галма-гал сузиб ўтарди. Эркаклар нима учун унга талпинаверишарди? Лестер нима учун астойдил изига тушди? Женни ўша пайтда Лестерга дош бера олармиди? Женни Колумбусдаги кунлари, кўмир тергани борганларини эслади. Мана ҳозир эса у Мисрда, манави улкан меҳмонхонада, бир неча хонадан иборат дабдабали номер унинг хизматида, Лестер илгаригидай яхши кўради. Жен-

ни деб бошига озмунча кўргиликлар тушдими! Нимага? Наҳотки Женни ажойиб аёл бўлса? Бир вақтлари Брэндер шунақа деганди. Лестер ҳам унга худди шу гапни айтди. Женни шунга қарамай бу даврада омонат эканини, қўлида гўё бировнинг бир ҳовуч жавоҳирларини ушлаб турганга ўхшарди. У кўпинча Лестер билан биринчи марта Нью-Йоркка борган пайтидагидай аҳволга тушар, гўё бу эртакнамо ҳаёти узоққа чўзилмайдигандай туюларди. Тақдир унинг пайига тушган. Нимадир бўлади-да, яна илгариги аҳволига тушади, ўзини илгариги жинкўчасида, эски уйида, кийилавериб эскиб кетган кўйлагида кўради.

Женнининг хаёли кейин Чикагога учди, Лестернинг танишларини эслади, шунда оқибат худди шунақа бўлишлигини аён сезди. Ҳатто Лестер унга уйланган тақдирда ҳам киборлар уни ўз қаторларига қўшишмайди. Эндиликда бунинг сабабини ҳам тушуниб турарди. Лестер билан ҳозиргина бирга чиқиб кетган кўркам, хушрўйгина жувоннинг чеҳрасиёқ Женнига: «Сени яхши кўрса кўрар, бироқ Лестернинг тенгги эмассан», деётгандай эди. Миссис Жералд ҳозир Лестер билан рақс тушаётиб ўзим унга жуда муносиб хотин бўлардим-да, деётгандир ичида. Лестерга ўз муҳитида улғайган хотин керак. Женнидан эса ўзи болалигидан ўрганиб қолган барча майда-чуйдаларни билишнию уларни тўғри баҳолашни талаб қилолмайди. Ҳозир эса Женнининг кўп нарсага ақли етарди. У вазият, пардоз-андоз, ўзини тутиш, оқсуякларнинг одатлари борасидаги нозик томонларни тезда илғаб оладиган бўлиб қолган эсада, бу сифат туғма эмас, балки кейинчалик орттирган нарсаси эди.

Мабодо Женни ундан ажраб кетса Лестер яна ўзининг аввалги оламига, шу дақиқада бирга вальсга рақс тушаётган чиройли, ақлли, бенуқсон тарбия кўрган аёл ҳукмронлик қилаётган оламга қайтади. Шунда Женнининг кўзларига ёш келди; бирдан ўлимига ҳам розн бўлиб кетди. Тўғри-да, шунда тўғрироқ бўлади.

Бу пайтда эса Лестер миссис Жералд билан рақс тушар, оралиқдаги жиндай бўш қолган пайтларида у билан таниш жойлари ва одамлари ҳақида гурунглашарди. Лестер унга қараркан, ўзини ва ҳуснини сақлаганидан ҳайратга тушарди. Миссис Жералд ёшлигидагидек позиккина бўлмаса ҳам, лекин ҳануз бамисоли Диананадай қомати келишган ва улуғвор эди. Силлиқ танида куч борлиги сезилар, тимқора кўзлари майин чақнарди.

— Чин сўзим, Летти,— Лестер ахири ўзини тутиб ту-

ролмади,— сиз янаям очилиб кетибсиз. Зўрсиз. Тобора ёшариб боряпсиз.

— Сизга ростдан ҳам шундай туюляптими?— Летти Лестерга қараб жилмайди.

— Бошқача бўлганда бундай демаслигимни жуда яхши биласиз. Қуруқ мақтовларга тобим йўқ.

— Эҳ, Лестер, жуда қўполсиз-да, сиз билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайдими? Аёллар мақтов деган нарсани бирваракайига эмас, оз-оздан эшитишни ёқтиришларини билмайсизми?

— Нимани гапиряпсиз?— сўради Лестер.— Нима дедим ўзи?

— Ҳеч нима. Сиз қўполсиз холос. Соддагина ва ўжар боланинг ўзисиз. Бироқ бу арзимаган нарса. Сиз менга ёқасиз. Шуниси сизга кифоя қиладими?

— Жуда-жуда,— деди у.

Музика тиниб, икковлари боққа чиқишди. Лестер унинг қўлини мулойим қисди. Лестер шу топда, гўё ёнидаги бу аёл ўзига қарашлидай, ўзини босолмайдиган аҳволда эди. Жувон эса Лестерни шу йўлга солишга уринарди. Лестер билан боғда дарахтлар оралиғига осиб қўйилган чироқларга тикилганча ўтираркан, ичида, хотини бўлмаганда бир гапини икки қилмасдим, дерди. Ҳозир ҳам кўнглини олган бўларди, бироқ буни Лестер хоҳламаса керак. Лестер жуда сипо одам, одоб-ахлоқ доирасидан чиқмайди. Миссис Жералдга таниш бўлган бошқа эркакларга ўхшаб ҳеч қачон чатоқ иш қилмайди. Ҳеч қачон.

Лестер ниҳоят ўрнидан қўзғалиб, хайрлашишга тушди. Эрталаб Женни билан Нилдан юқорига, Карнак ва Фива томонга, Фива оролининг сувда бўй чўзиб турган қасрлари томон йўл олишлари зарур эди. Азонда туришимиз керак, бориб дам олайлик, деди.

— Қўшма Штатларга қачон жўнамоқчисиз?— сўради миссис Жералд маъюс тортиб.

— Сентябрда.

— Билет буюриб қўйганмисиз?

— Ҳа, тўққизинчида Гамбургдан «Фульд» кемасида йўлга чиқамиз.

— Мен ҳам эҳтимол кузда уйга қайтсам керак,— Летти кулди.— Мабодо кемада учрашиб қолсак ҳайрон бўлманг. Мен ҳали, очиғи, бир қарорга келганимча йўқ.

— Рост, чиндан ҳам бирга кетайлик,— деди Лестер.— Менимча йўқ демайсиз... Биз яна, балки эртага эрталаб кўришиб қолармиз.

Лестер жим қолди, миссис Жералд эса унинг маъюс ва синовчан боқаётганини сезиб турарди.

— Хафа бўлманг,— Лестер унинг қўлини сиқди.— Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Гоҳида иш чатоқ кўринса ҳам кети яхши чиқади.

Лестер ичида, миссис Жералд мендан айрилаётганига таассуфда бўлса керак, деб ўйлади, ўзи бўлса жувонинг армони ичида кетаётганига ачинарди. Яна ўзига ўзи, бу чора менга мақбул келмайди, деб қўярди. Бироқ бу ҳам бир чора-ку. Бу ишни нега бундан бир неча йил олдин қилмади-я.

Летти эса ўша пайтларда ҳозиргидай гўзал, ақли расо ва бадавлат эмасди-да... Оҳ, қани энди!.. Бироқ Лестер Женнига хиёнат қилолмайди ёки унга ёмонлик тилолмайди. Женни шундай ҳам анча-мунча қийинчилик тортган, буларнинг барини мардонаворлик билан енгиб келган.

XLVII БОБ

Лестер билан Женни қайтишда чиндан ҳам миссис Жералд билан яна бир ҳафта бирга бўлишди. У ватанида бир оз туришга урниб кўришга аҳд қилганди. У Цинциннатига кетаётиб, йўл-йўлакай Чикагога тушмоқчи ва бундан буён аҳён-аҳёнда бўлса ҳам Лестер билан учрашиб туриш хаёлида эди. Женни уни кемада кўрганидан кейин жуда ҳайратда қолиб, кўнглига яна ғулғула туша бошлади. Энди аҳвол унга аниқ-равшан эди: агар ўзи бўлмаганида миссис Жералднинг Лестерга турмушга чиқиши турган гап эди. Ҳозир эса... бир нима дейиш қийин. Летти насл-насаби, тарбияси, жамиятдаги мавқеи жиҳатидан Лестерга жуда муносиб хотин бўларди. Бироқ Женни ҳар қалай кенгроқ маънодаги инсонийлик томонидан олганда Лестерга яқинроқ эди, буни ўзи ҳам аниқ сезарди. Эҳтимол, вақт бу чигал масалани ечишга қарашиб юборар. Ҳозирча эса учовлари ҳам аввалгидай иноқ эдилар. Чикагога борганда хайрлашишди. Миссис Жералд Цинциннатига жўнади, Лестер билан Женни эса яна Хайд-Паркдаги уйларига қайтишди.

Лестер Европадан қайтганидан кейин астойдил бирор янги иш излаш ҳаракатига тушди. Йирик компаниялардан бирортаси ҳам унга шерик бўлишни таклиф қилмади. Бақувват ва ҳукми зўр одам сифатида обрў қозонган Лестер бирор корхонада шерик сифатида иш бошласа борми, жиловни қўлга олмай қўймасди, албатта. Корхона эгалари

ҳам асосан шуни рўкач қилиб жим туришарди. Лестернинг молиявий мавқеидаги ўзгаришларни ҳали ҳеч ким билмасди. У суриштириб юриб, билиб олган майда компаниялар эса кунларини аранг кўришар ёки унинг назарида яроқсиз маҳсулот чиқаришарди. Тўғри, Лестер Индиана штатининг шимолидаги мўъжазроқ шаҳарчадан келажаги сал-пал бордай туюлган битта корхонани топди. Унинг тепасида тажрибали аравасоз уста турарди. Лестернинг отаси ҳам бир вақтлари шунақа бўлганди. Бироқ у алоҳида иқтидорли ишбилармонлардан эмасди. У йигирма беш минг турадиган корхонага қўшган ўн беш минг долларлик улушидан озгина фойда кўриб келарди. Лестер, корхонада тегишли чораю усуллар қўлланилса ва чинакамига усталик билан иш тутилса баъзи бир нарсаларга эришса бўлади, деган қарорга келди. Бу ерда тезкор муваффақиятларга эришиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди, катта фойда олиш имкони бўлса ҳам, у олис келажакда насиб бўларди. Лестер шунга қарамай ўша корхона эгаси билан музокара бошлашни ўйлаб юрганида соябон аравалар трести тузилгани ҳақидаги хабар қулоғига етиб келди.

Роберт кейинги пайтларда ўзи илгари пишитиб қўйган экипажлар ишлаб чиқаришни тубдан қайтадан тузиш масаласи билан астойдил шуғулланганди. У ўз рақобатчиларига, бирлашсак рақобатчилик ва бир-биримизни бозордан сиқиб чиқаришга нисбатан кўпроқ фойда қиламиз, деб ҳар қанақасига тушунтиришга уринарди. Бу борада азбаройи зўр далил-исботлар келтирганидан йирик компаниялар бирин-кетин гапига кўнишди. Бир неча ойдан кейин битим расмийлаштирилиб, Роберт «Экипажлар ишлаб чиқарувчи бирлашган ассоциация»нинг президенти бўлиб қолди. «Ассоциация»нинг ўн миллион доллардан иборат акция капитали ва бунинг тўртдан уч ҳиссасига тенг келадиган асосий маблағи бор эди. Роберт мақсадига етганидан ғози қулоғида эди.

Лестер бу муҳим ўзгаришлардан тамомила бехабар эди. Экипажлар ишлаб чиқарувчи қатор корхоналарни бирлаштириш мўлжалланаётганлиги борасидаги газеталарда чиққан бир неча қисқа хабарларга кўзи тушмаган, чунки у бу пайтда хорижда эди. Чикагога қайтиб келганидан кейин Иможинининг эри Жафферсон Минжли илгаригидай Чикаго бўлимини бошқараётганини ва Ивенстонда турганлигини билди. Лестер, гарчи жигарлари билан тескари бўлса ҳам, баъзи бир нарсаларни улардан билиб олди. Орадан кўп ўтмай десангиз, аламли вазиятда рўй берган бир тасодиф Лестернинг кўзини яхшилаб очиб қўйди.

Бу ҳайратомуз янгиликни унга бошқа биров эмас, кливлендлик мистер Генри Брейсбриж етказди. Лестер у билан Европадан қайтганига бир ой бўлганида клубда учрашиб қолганди.

— Отангнинг компанияси билан орани очиқ қилибсан деб эшитдим,— деб қўйди Брейсбриж мулойим илжайган ҳолда.

— Ҳа,— деди Лестер.— Орани очиқ қилдим.

— Энди режаларинг қанақа?

— Битта ишни хаёл қилиб турибман. Ўз корхонамни очмоқчиман.

— Акангга кўндаланг бўлмассан дейман? Ўз ассоциациясини тузиб, ёмон иш қилмади.

— Қанақа ассоциация? Ҳеч нимадан хабарим йўқ. Яқиндагина Европадан қайтдим.

— Ҳой, Лестер, кўзингни оч, бунақада оламда нималар бўлаётганидан ғофил қолаверасан,— деди Брейсбриж.— Аканг ишлаб чиқаришнинг ўзларингга тегишли тармоғида энг йирик трест тузди. Вудс, Лайман-Уинтроп, Майер-Брукс — хуллас, ҳамма йирик компаниялар бирлашди. Аканг президент қилиб сайланди. У акцияларни тақсимлашнинг ўзидаёқ икки миллион ишлаган бўлса керак.

Лестер қошини кўтарди, кўзлари эса совуқ боқарди.

— На чора, Робертдан жуда хурсандман.

Брейсбриж бу нарса Лестернинг нафсониятига теккани-ни тушунди.

— Кўришгунча, азизим, бормасам бўлмайди,— деди у.— Кливлендга борганларингда бизникига кириб тур. Хотиним икковимиз сени яхши кўрамиз, буни ўзинг ҳам биласан.

— Биламан,— деди Лестер.— Кўришгунча.

У чекиш хонасига кирди. Акаси терст тузганини билганидан кейин янги ишидан кўнгли совиди-қўйди. Акаси соябон аравалар трестининг президенти бўлса-ю, ўзи хароб фабрикага бошчилик қилса жуда қойил чиқади-да! Роберт бир йилдан кейин уни гадо қилади-ку. Лестернинг ўзи бир вақтлари шунақа ассоциация тузишни орзу қиларди. У буни хаёл қилиб юраверибди-ю, Роберт уни шартта тузиб қўйибди.

Ёш, ҳеч нимадан тап тортмайдиган, жисминг курашчанлик руҳига тўла пайтингда қобилиятли одамлар тез-тез дучор бўлиб турадиган тақдир зарбаларига дош беришинг бошқача бўлади. Бироқ ёшлигинг ўтиб, асосий бойлигинг қўлингдан сирғилиб чиқиб кетаётган, бойлик ҳамда муваффақият қозонишнинг янги йўллари эса кўз олдингда

бирма-бир бекилиб турган бир пайтда тақдир зарбасига дуч келиш мутлақо бошқа нарса. «Жамият» Женнини эътироф қилишни ошкора истамагани, у ҳақда газетада кўтарилган шов-шув, отаси билан орасида гап қочгани, унинг вафоти, мулкидан айрилгани, отасининг корхонаси билан орани очиқ қилгани, Робертнинг ўзини бошқача тутиши ва ниҳоят янги трест тузилганлиги Лестерни гангитиб қўйган, эзгандан-эзарди. У шунча вақтгача бир амаллаб сир бой бермай юрганди, энди бўлса ҳамма нарсанинг ҳам чегараси борлигини тушунди-қўйди. Уйга жуда қовоғи солинган ҳолда қайтди. Женни буни дарҳол сезди, тўғрироғи шунақа бўлишини кутарди. Ўзи то Лестер келгунича нимадандир жуда ҳам сиқилиб ўтирганди. Лестер келганидан кейин ёмон бир кўнгилсизлик бўлганини пайқади. У дастлаб: «Нима бўлди, Лестер?» демоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини босди-да, хоҳласа ўзи айтиб берар, деган ақлли қарорга келди. Ўзини ҳеч нимани сезмаганга солиб, мулойимлик билан, жонига тегмасдан кўнглини ёзмоқчи бўлди.

— Бугун Веста жуда хурсанд,— гап бошлади Женни.— Мактабдан аъло баҳолар билан қайтибди.

— Бу яхши,— деб қўйди Лестер қовоғини очмай.

— Уйинга ҳам яхши тушадиган бўлиб қолибди. Сен келишингдан сал олдин янги ўрганган рақсини кўрсатувди. Шунақанги зўрки, асти қўяверасан.

— Ғоятда хурсандман,— ғўнғиллади Лестер.— Ўқиши керак, девдим-ку. Уни энди бошқа, дурустроқ мактабга ўтказиш вақти етди чоғи.

— Дадам ҳалигача тутақади, ҳатто кулгинг келади. Веста қурмағур бўлса нуқул унинг жиғига тегади. Бугун унга ўйин тушишни ўргатаман деб тиқилинч қилди. Дадам Вестани жонидан ҳам яхши кўрмаганида борми, қулоғини яхшилаб чўзиб қўйган бўларди.

— Тасаввур қилиб турибман!— Лестер жилмайди.— Бобомизни ўйин тушишини. Жуда ажойиб томоша бўларди-да!

— Дадам бақириб, уришиб берса ҳам, Веста парво қилмади.

— Вестага баракалла,— деди Лестер.

Лестер Вестани самимий яхши кўрганидан бунга тобора қизиқа бошлади.

Женни хуллас жаги тинмай Лестернинг кўнглини бир оз ёзди. Ётар пайти келганда Лестернинг ўзи ниҳоят ташвишларидан сўз очди.

— Хорижда юрганимизда Роберт бу ерда яхшигина молиявий устомонлик ишлатибди.

— Нимайкан у?— Женни ҳушёр тортди.

Соябон аравалар трести тузибди, бу ҳазилакам гап эмас. Энди мамлакатдаги дурустроқ компанияларнинг ҳаммаси унга қарайди. Брейсбриж менга Роберт трестга президент бўлганини ва каниталлари салкам саккиз миллионга етганини айтиб берди.

— Йўғ-э!— деб юборди Женни.— Унда ўзинг айтган компанияга киришинг ҳам арзимаган ишга ўхшайди.

— Ҳа, ҳозир бундай қилиш тентаклик бўлур эди. Эҳтимол кейинчалик бир нима бўлар, лекин билмадим. Ҳозирча сабр қилиб, трестдан нима чиқишини кузатиш керак. Қанақа йўл тутишини ким билади дейсан.

Женнининг дили жуда сиёҳ бўлди. Илгари Лестернинг бир оғиз ҳам нолиганини эшитмаганди-да. Лестерни юпатишни жуда ҳам истаётганига қарамай, бу иш қўлидан келмаслигини тушуниб турарди.

— На чора,— деди у.— Оламда бошқа қизиқ нарсалар ҳам бор. Сенинг ўрнингда бўлсам шошилмасдим. Вақтинг бўлса бор.

Женни бошқа бирор нарса дейишга ботинмади, Лестер эса ўзини беҳуда қийнаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эканини бирдан сезиб олди. Нафсамбирини айтганда, яна икки йилга етадиган анча-мунча даромади бор-ку. Хоҳласа уни кўпайтирса бўлади. Шундай бўлса ҳам Лестерни акасининг иши гуркураётгани, ўзи эса бир жойда тургани ёки, тўғрироғи, оқимда кетаётганини ўйлаб эзиларди. Бу унга алам қиларди, ҳаммасидан асосийси — ўзининг омонатлашиб бораётганини сеза бошлаганди.

XLVIII БОБ

Лестер қанчалар бош қотирмасин корчалонлар оламига қайтадан шўнғиб кетиш йўлини сира ҳам тополмасди. Роберт ўз трестини тузганини билгандан кейин индианалик фабрикантнинг хароброқ корхонасига шерик бўлиш фикрини ўша заҳотиёқ калласидан чиқариб ташлади. Қўли бениҳоя баландлиги аён кўриниб турган акаси билан беллашиш бемаъни эканлигини тушуниб олиш учун фаҳмифаросати етарли эди, йўл бермасди бунга. Янги ассоциацияни суриштириб юриб, Брейсбриж унинг кўламию қудрати борасида сира муболаға қилмаганига ишонди. Бу миллионлар билан иш кўрадиган ассоциация эди. Мустақил равишда иш тутаётган майда фабрика эгаларининг омон қолишларига энди сира ҳам кўзлари етмасди. Аҳвол шунақа бўлиб тургандан кейин Лестер кимсан фалончи бўлган акасининг оёғи тагида ўралашиб юрсинми? Йўқ, бу жуда ҳам паст кетиш бўлади. Туғишган акаси хоҳласа янчиб ташлашини ёки раҳми келишини, ўзинг ҳақдор бўлган каниталдан ўзингга қарши курашда фойдаланишини билган ҳолда янги трестга қарши тенгсиз курашда минг хил кўйга тушиб, чапдастлик қилиб юрсинми? Йўқ, бунақа қилолмайди. Сабр қилгани маъқул. Бирорта йўли чиқиб қолар. Ҳозирча эса тирикчилик қилишга маблағ бор, истаса Кейн компаниясига яна шерикчилик қилиш ҳуқуқи ҳам ўзида. Бироқ Лестер буни истармикин? Лестер мана шу саволга сира ҳам жавоб тополмасди.

Лестер иккиланишлар ва шубҳалар қуршовидан чиқолмай юрган кунлардан бирида Сэмюэл Росс деган бир киши унга кўндаланг бўлди. У ер-мулк сотиш бўйича агент бўлиб, ёғоч лавҳаларга ўрнатилган улкан рекламалари Чикаго атрофидаги ялангликларда кўзга ташланиб турарди. Лестер у билан икки марта клубда учрашган, дадил ва омадли савдогарлигини эшитган ва Вашингтон ҳамда Ла-Саль кўчалари муюлишидаги идорасининг дабдабали кўринишини унутмаганди. Росс элликка борган, баланд бўйли, қора соқоли, тимқора кўзлари, бургутсифат, катаклари доимо керилиб турадиган бурни ва қалин жингалак сочлари билан одамни ўзига тортарди. Лестер бу одамнинг мушукдай мулойим юриши билан бармоқлари узун-узун оппоқ қўлини эслаб қолганди.

Мистер Росс мистер Кейн ҳузурига амалий таклиф билан қадамранжида қилди. Мистер Кейн менинг кимлигимни билсалар керак, деди. Сўнгра ўзи Мистер Кейннинг кимлигидан тўла воқифлигини билдирди. Яқиндагина ўзи «Иэйл, Симпсон ва Райс» улгуржи баққоллик савдоси компанияси вакили Норман Иэйл билан шаҳар чеккасида Иэйлвуд деган янги шаҳарча вужудга келтирганидан хабари бор ё йўқлигини сўради.

Ҳа, мистер Кейн бундан хабардор эди.

Иэйлвуддаги сўнгги участкалар сотилганига ҳали олти ҳафта ҳам бўлмаганди. Бу участкалар ўртача қирқ икки процент фойда келтирди. Росс ер-мулк савдоси борасида яна бир неча ишларни амалга оширганини айтди, Лестер булар ҳақида ҳам унча-мунча эшитганди. Росс ишида гоҳо чаппа кетишлар бўлиб туришини ҳам очиқ бўйнига олди: ўзи нақ икки марта чув тушган экан. Бироқ, деди у, ер-мулк савдоси кўпинча даромад беради. Сиз Кейн компа-

нияси билан орани очиқ қилгансиз, шу сабабли дурустроқ даромад берадиган бирорта соҳада ишлатиш истагингиз бўлса керак. Агар шундоқ бўлса, ажойиб битта таклиф бор, деди. Лестер унинг таклифини эшитишга рози бўлди. Мистер Росс шундан кейин мушукники сингари юмалоқ кўзларини пирпиратганича ишнинг моҳиятини тушунтиришга тушди.

Хулласи калом мистер Росс Лестерга шаҳарнинг шарқи-жанубий қисмидаги, Эллик бешинчи, Етмиш биринчи, Холстед ва Эшленд кўчалари билан чегараланган қирқ акрлик катта майдонни сотиб олиб, ундан фойдаланишда шерик бўлишни таклиф қилди. Бу районда ер нархи ошиши турган гап эмиш, роса хомталаш бўлиши кутилаётганмиш. Муниципалитет Эллик бешинчи кўчага тош ётқизишга аллақачон қарор қилибди. Холстедстритдаги трамвай йўлини узайтириш мўлжалланаяптийкан. Яқинроқдан ўтадиган Чикаго-Берлингтон-Куинси темир йўли компанияси шаҳар чеккасидаги бу янги жойда станция қуришни истаб қолиши ҳам турган гап эмиш. Ерга қирқ минг доллар тўлашлари — бу харажатни икковлари тенг бўйниларига олишлари керак экан. Ерни текислаш, участкаларга бўлиш, кўчаларга тош ётқизиш, дарахтлар ўтқазиш, чироқлар ўрнатиш — буларнинг бари тахминан йигирма беш мингга тушаркан. Икки ёки, тўғрироғи, уч йилгача тегишли маблағни, сарфланган капиталнинг ўн процента миқдорида, ҳаммаси бўлиб ўн тўққиз-йигирма минг долларни рекламага сарфлаш мўлжалланаркан. Умуман олганда икковлари бу ишга тўқсон беш, нари борганда юз минг сарфлашларига тўғри келаркан, шундан эллик минг доллар Лестернинг чекига тушаркан. Мистер Росс шундан сўнг келадиган фойдани ҳисоблашга тушди.

Мўлжалланган ерни пуллашда ишнинг кети яхши бўлишлиги ва нархи кўтарила боражагини Эллик бешинчи кўчанинг унга шимол ва Холстедстритнинг шарқий томондан туташганидан ҳам билиб олса бўлармиш. Ақалли Холстед ва Эллик бешинчи кўчаларнинг муюлишидаги Мортимер участкасини олиб кўрайлик, деди. 1882 йилда унинг ҳар бир акри қирқ беш доллардан сотилган экан. Тўрт йилдан кейин ҳар акрнинг баҳоси эллик долларга чиқибди — бу нархни 1886 йилда ана шу участка учун мистер Жон Слоссен тўлабди. 1889 йилда, яъни уч йилдан кейин ўша ерни мистер Мортемирга ҳар акрини минг доллардан пуллабди. Ернинг ҳозирда қўл теккизилмаган янги бўлагини ҳам шунчадан сотиш мўлжалланаётганмиш. Уни эллигу юз фут ҳажмдаги участкаларга бўлиб, беш юз доллардан пулласа бўларкан. Шунинг ўзи нақд фойда эмасми?

Лестер фойда гўё нақд тургандай бу гапга рози бўлди.

Росс ер-мулк савдосидан қандай фойда тушишлигини оғиз кўпиртириб тушунтиришга киришди. Бу ишдан бехабар одамнинг бунақа нарсага аралашмагани маъқулмиш. Бир неча ҳафта, ҳаттоки бир неча йилда ҳам бошқа одамнинг йигирма беш йиллик тажрибаси бўлган мистер Россдай чапдаст бўлиб кетишига ишониш мушкул эмиш. Бунда ҳаммасидан ҳам обрў, дид ва сезгирлик лозим экан. Мистер Лестер билан тил топишиб, ит бошлашадиган бўлишса, ҳаммасига ўзи бошчилик қилаверармиш. Унинг ихтиёрида яхшилаб таълим олган ходимлар ва йирик пудратчилар бормиш. Мистер Росснинг соliқ бошқармасида ҳам, сув таъминоти бошқармасида ҳам — қисқаси, шаҳар хўжалигининг янги районнинг тақдири боғлиқ бўлган барча бўлимларида таниш-билишлари бор экан. Лестер мабодо шерик бўлса, у, мистер Росс, зўр фойда олишига кафолат берармиш-у, лекин қанча бўлишини аниқ айтолмасмиш: камида эллик минг доллар бўлиши, юз эллик-икки юзга чиқиб кетиши ҳам мумкин эмиш. Лестер бу ишга хоҳиш билдирди дегунча мистер Росс ҳамма нарса билан батафсил таништириб, режасини қандай тартибда амалга оширишини тушунтирармиш. Лестер бу хусусда бир неча кун бош қотиргандан кейин мистер Росснинг лойиҳаси диққатга сазовор деган қарорга келди.

XLIX БОБ

Мўлжалланган ишнинг муваффақиятли чиқишидан шубҳаланишга ҳеч қандай асос йўқдай туюларди. Мистер Росснинг улкан тажрибаси ва ҳушёр мулоҳазалари у бошлаган ҳар қандай ишнинг муваффақиятли чиқишига гаров бўларди. У ўз ишининг ипидан-игнасигача ўрганганди. Бирор нарсани муфассал ёритиши учун имкон берилса борми, у хоҳлаган одамини хоҳлаган нарсасига ишонтира оларди.

Ер-мулк савдоси умуман олганда Лестернинг дидига ўтиришса ҳам, у ўзини бирданига бу ишга шўнғиб кетишдан тийди. Ер уни қизиқтирарди, лекин жуда катта кетишмаса бўлгани эди. Лестер шу чоққача бундай мақсадлардан йироқда бўлган кишилар орасида юрганидан пулини ер участкаларига сарфлаб кўрмаганди. У «ерсиз» одам эди, ҳозирда эса баъзи бир маънода ишсиз ҳам эди.

Мистер Росс Лестерга ёқарди, у чамаси, нима қилаётганини тушунарди. Унинг гапларини текшириб кўриш қийин бўлмаганидан Лестер бу ишдан эринмади. Бунинг устига мистер Росснинг шаҳар чеккасидаги жойлардаги каттакон рекламалари ва газеталардаги эълонлари ҳам ёдидан чиқмаганди. Яна десангиз анчага чўзилиб кетган бекорчиликка ахири чек қўйиш ва маблағини бир оз бўлса-да кўпайтириши зарур эди.

Афсуски, Лестер кейинги пайтларда майда-чуйда нарсаларнинг тагига етишдан чиқиб қолганди. Отасининг корхонасида иш бошлаган дастлабки пайтидан бошлабоқ унга умумий маънодаги вазифалар — кўплаб товар сотиб олиш, улгуржи буюртмаларни жойлаштириш, бутун фирма ишига дахлдор бўлган ва майдароқ савдогарларга муҳим аҳамият касб этадиган амалий нарсалардан йироқ масалаларни муҳокама қилиш топшириларди. Фабрикада Лестер эмас, балки Роберт ишлаб чиқариш сарфларини бир центгача ҳисоблаб, бирор жойда жиндай бўлса-да зиён етмаслигига кўз-қулоқ бўлиб юрарди. Лестер эса умумий тартибдаги топшириқларни виждонан ва қизиқиш билан бажарарди. Ҳозирда мистер Росснинг таклифини атрофлича ўйларкан, уни майда-чуйда нарсалар эмас, кенг истиқбол қизиқтирарди. У Чикаго тез ўсаётганлигини ва ернинг нархи ошмай қолмаслиги мумкин эмаслигини жуда яхши биларди. Ҳозирда яйдоқ ётган ерлар тез орада, бир неча йилдан кейин одамлар турадиган сериморат жойларга айланади. Бунда ер арзонлашади деган тахминга ўрин йўқ. Ер участкалари сотиш чўзилиши, баҳоси ҳам бир текисда кўтарилмаслиги мумкин, бироқ сира ҳам тушмайди. Мистер Росс ана шуни Лестерга уқтиришга уринар, Лестернинг ҳам бунга ишончи комил эди.

Лестер бир қатор тасодифий ҳолларни кўзда тутмаганди. У мистер Росс боқий турмаслигини, ҳозирда одамлар турадиган шаҳарча қуриш учун ажойиб жой бўлиб кўринаётган районга қўшни кварталларнинг қурилишлари зарар етказиши мумкинлигини, ноқулай молиявий вазият ернинг нархини тушириб юборишини, қолаверса васвасада участкаларни арзон-гаровга сотиш бошланиб кетишлигини ўйлаб кўрмаганди. Бундай ҳолларда ҳатто мистер Сэмюэл Россдай тажрибали даллол ҳам дош беролмай қоларди.

Лестер бир неча ой янги мураббийси ва раҳнамоси тасвирлаган шароитни ўрганди, кейин, бунда хавф бўлса ҳам озроқ, деган хулосага келди-да, арзимаган олти процент фойда бераётган акцияларининг бир қисмини сотиб, пулини янги ишга сарфламоқчи бўлди. Унинг биринчи бадали йигирма беш минг доллар бўлди — бу Росс икковлари баб-баравар тўлашга келишишган ер баҳосининг тенг ярми эди. Ҳамма участкалар сотилиб кетгунча бу битим кучида турарди. Лестер шундан кейин ерда иш олиб боришга ўн икки ярим минг доллар берди, сўнгра солиқлар тўлашга ва бошқа кўзда тутилмаган турли харажатлар учун яна икки ярим минг берди. Ернинг тупроғи ўзига яраша бўлганидан уни текислаш сметада кўзда тутилганидан қимматроққа тушиши, кўчатлар ҳам бир ўтказганда тутавермаслиги, баъзи ишларни яхшилаб охирига етказиш учун шаҳар хўжалигининг газ ёки водопровод бўлимидаги баъзи бир одамларни «мойлаш» кераклиги маълум бўлиб қолди. Бу ишларнинг ҳаммаси билан мистер Росс шуғулланади, бироқ буларнинг бари харажатни кўпайтираётгани сабабли Лестерга ҳисоб бериб турмаслигининг иложи йўқ эди.

Биринчи суҳбатларидан чамаси бир йил кейин участкалар тайёр бўлди, бироқ муносиб равишда реклама қилиш учун баҳорни кутиш керак эди. Лестер рекламага кетадиган харажатларни қоплаш учун учинчи бадални тўлашга мажбур бўлди. У ишни охирига етказиш, ундан кейин ваъда қилинган даромадни кутиш зарур деб ҳисоблаганидан яна ўн беш минг долларлик акциясини сотди.

Лестер аввалига режаларини амалга ошираётганидан жуда мамнун эди. Росс ўзининг талай хилма-хил нарсаларни кўздан қочирмайдиган каллали ва сезгир одамлигини кўрсатганди, албатта. Участкаларга зўр ишлов берилди. Лестер гарчи илгари у ерда ўрмон-пўрмон деган нарса мутлақо бўлмаганлигини ҳам, янги районга Гринвуд-Яшил ўрмон деган қизиқтирувчи ном берилди. Росс эса Лестерга бунақа ном шаҳар атрофидаги участка излаётган одамларга жуда ёқиб тушади, дейишини қўймасди. Одамлар зўр бериб келгусида соя-салқин хиёбонлар ва боғларга айланиши керак бўлган кўчатлар ўтқазилаётганини кўрганларидан кейин, бу гаплар рост экан, деб лаққа тушадилар. Лестер бу гапга ҳам кулиб қўя қолди.

Гўшт-консерва трестига бирлашган йирик компаниялардан бири, идораси Холстед-стрит билан Ўттиз иккинчи кўчалар муюлишида жойлашган «Интернационал консерва компания»си трестдан ажралиб чиқиб, мустақил корхона бўлар экан, деган миш-миш Гринвуднинг ёркин келажагини ҳира қилган дастлабки кўлка бўлди. Газеталарда «Интернационал» компанияси жанубироққа, тахминан Эллик бешинчи ва Эшленд-авеню кўчалари турган районга жой-

лашади, деган гаплар чиқиб турарди. Бу квартал ғарбий томондан Лестернинг ерига туташарди, ён томонда консерва заводи бўлади деган шубҳанинг ўзиёқ шаҳар теварагидаги чорбоғ жойларнинг бошига етишга кифоя қиларди.

Росс бениҳоя дарғазаб эди. У вазиятга зумда баҳо берди-да, ягона чора яна бирорта тўсиққа учрамай туриб, газеталарда янги участкаларни роса реклама қилиб, сотиб қолиш керак, деган қарорга келди. Ўз фикрини Лестерга айтганди, у ҳам, шуниси яхшироқ, деб маъқуллади. Икковлари ҳозиргача рекламага олти минг доллар сарфлаб қўйишганди, энди эса ўн кун ичида яна уч минг доллар кетказишди. Улар одамларда, Гринвуд — ҳозирги замон осойишталикда Чикагода тенгги топилмайдиган зўр жой, деган фикр ҳосил қилишмоқчи эди. Бироқ бу ҳам фойда бермади. Бир неча участкага харидор чиқди. Бироқ «Интернационал консерва компанияси» ҳақидаги мудҳиш миш-мишлар ҳамон юрарди. Энди Гринвуд ажнабий ишчиларга посёлка бўлишдан нарига ўтмасди. Шаҳар атрофида чорбоғли жойлар барпо этишга уриниш батамом барбод бўлди.

Лестер бу янги зарбадан бутунлай умидсизликка тушди. Отаси васият қилган йиллик даромадини ҳисобга олмаганда мулкининг учдан икки қисми бўлган эллик минг долларнинг устига тупроқ тортилганди. Солиқ тўлаш, ремонт қилиш зарур ва ер баҳоси туша бошлашига тайёр туриш лозим эди. У, қолган участкаларни фойдаланишдан воз кечиб таннархи бўйича сотса ёки гаровга қўйса бўлади, деган гапни айтди. Росс эса бу ишдан умидини бутунлай узиб қўйганди. У икки марта шунақа чатоқ аҳволда қолганди-да. Иримчи одам бўлганидан, бошидан иш силлиқ кетмадими, демак пешонага ёзилгани шу экан, ҳар қандай уринсанг ҳам фалокатнинг олдини ололмайсан, дерди. Ўзининг аччиқ тажрибасидан кўп ҳамкасабалари ҳам шунақа фикрдаликларини биларди.

Лестер билан Росс икки йилча тирикчилик қилишди, кейин участкалар кимошди йўли билан сотилди. Эллик минг доллар сарфлаган Лестерга ўн саккиз мингдан сал ортиқроқ пул тегди. Кўпни кўрган одамлардан баъзилари унга, ҳалиям осон қутулибсан, дейишди.

L БОБ

Шаҳар атрофидаги участкалар ғалвири жуда авжига чиққан пайтда миссис Жералд Чикагога кўчиб ўтишга қарор қилди. У Цинциннатида турганида Лестернинг анчамунча миш-мишлар ва ёзғиришларга сабабчи бўлган турмуш тафсилотларидан бир талайини билиб олганди. У Лестер Женнига уйланганми ё йўқми ҳанузгача билолмасди. Бироқ миссис Жералднинг қулоғига Женнининг бутун тарихи ёнига қўшиб-чатилган ҳолда етган, Чикагодаги газета Лестерни севги туфайли бор мулкини қурбон қилган миллионер сифатида тасвирлагани ҳақидаги ҳикоялардан ҳам, Роберт укасини «Кейн компанияси» ишларидан четлатиб қўйгани ҳақидаги аниқ маълумотлардан ҳам хабари бор эди. Лестер ўзини жувонмарг қилаётган миссис Жералдга ҳам алам қилар, ҳам изтиробга соларди.

Бир йил ўтди, бироқ Лестер ҳеч нима қилмади. Яна икки йил ўтса борми, буёғи жуда чатоқ бўлади. Лестер Лондонда миссис Жералдга, хомхаёлларим деярли қолмади, деганди. Эҳтимол, Женни ўша хомхаёлларидан биримикин? Нима, уни чинакамига яхши кўрадими ёки шунчаки раҳм қилаяптими? Летти ана шу масаланинг тагига етишга жуда қизиқарди.

Миссис Жералд Чикагода Дрексел хиёбонидаги ҳашаматли уйни ижарага олди. «Бу қишни Сиз томонларда ўтказаман,— деб ёзганди у Лестерга.— Сиз билан тез-тез учрашиб турармиз, деган умиддаман. Цинциннатида ўлгудай зерикяпман. Европадан кейин бу ерда... ҳай, ўзингиз тушунасиз. Шанба куни миссис Ноулзни кўрдим, у Сизни сўради. У Сизга жуда яхши муносабатда, буни билиб қўйинг. Қизи баҳорда Жимми Сервенсга турмушга чиқади».

Лестер миссис Жералднинг келишини хурсандроқ ва ўнғайсизроқ бир аҳволда кутарди. У келганидан кейин уйида кечалар, зиёфатлар ташкил қилади, албатта. Лестерни Женни билан бирга таклиф қилиш хаёлига келиб қолса нима бўлади? Йўғ-э, бунақа қилмас. Лестернинг аҳволи қанақалигини энди билиб олгандир. Бу хатидан ҳам кўриниб турибди-ку. У «тез-тез учрашиб туриш ниятида», демак ўзи билан, Женни билан эмас. Лестер миссис Жералдга ҳамма гапни очиқчасига айтишга ва бундан кейинги муносабатлари қандай бўлишини белгилашни ўзига қўйиб беришга қарор қилди.

Лестер Летти билан икковлари шинамгина меҳмонхонада ўтирганларида очиқчасига гаплашиб олмоқчи бўлди. Летти оч-сариқ шоҳидан тикилган либосда жуда зўр кўринарди. Лестер ўша пайтда ер-мулк ишларининг кети яхши чиқишидан шубҳалана бошлаган, таъби хира бўлганидан бировга кўнглини очиб, дардлашишга жуда ҳам зор эди.

Женнига эса ҳали ўзининг ташвишларидан оғиз ҳам очмаганди.

Ходима бекасига чой, Лестерга эса коньяк билан содали сув бериб, нари кетганидан кейин Летти Лестернинг оғирини енгил қилиш ниятида сукунатни биринчи бўлиб бузди.

— Европадан қайтганимча, Лестер, сиз ҳақингизда ҳеч нима эшитмовдим. Ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг. Сизга тааллуқли нарсаларни кўнглимга яқин олишимни биласиз-ку.

— Нималар эшитдингиз, Летти?— сўради Лестер хотиржам ҳолда.

— Хўш, биринчидан, отангизнинг васиятини ва компания ишида қатнашмаётганингизни, яна мени унчалар қизиқтирмайдиган миссис Кейн ҳақидаги турли ғийбатларни эшитдим. Сиз мени тушунасиз. Наҳотки ўз ҳақингиз бўлган нарсани олиш учун ҳаётингизни текислаб олмасангиз? Назаримда, мабодо сизда чинакамига чуқур севги бўлмаса, бу бениҳоя катта йўқотиш. Тўғримми, Лестер?— миссис Жеральд қувлик билан сўради.

Лестер бирданига жавоб бермади.

— Сизга ҳатто нима дейишни ҳам билмайман, Летти. Гоҳида уни севадиганга ўхшайман, гоҳида бунга унчалар кўзим етмайди. Сиз билан жуда очиқ-ойдин гаплашаман. Умримда сира ҳам бунақанги мушкул аҳволда қолмагандим. Сиз менга жуда ҳам яхши муомала қиласиз, мен бўлсам... сиз ҳақингизда қандай фикрдалигимни айтиб ўтирмайман. Ҳар ҳолда сиздан сирим бўлишини истамайман. Мен уйланган эмасман.

Лестер жим қолди.

— Мен ҳам шундайдир деб ўйловдим,— деди Летти.

— Кўпдан буён иккиланиб юрганим учун ҳам уйланмадим,— гапида давом этди Лестер.— Женнини биринчи дафъа кўрганимда оламда ундан ўткир аёл бўлмаса керак деган хаёлга боргандим.

— Ўша пайтда мени унча кўрмасдингиз-да,— миссис Жеральд Лестернинг гапини бўлди.

— Мени гапирсин десангиз бунақа бўлманг-да,— деди Лестер илжайиб.

— Менга битта нарсани айтинг, бошқа ҳеч нимани сўрамайман. Бу Кливлендда бўлганмиди?

— Ҳа.

— Менга шундай дейишувди,— тасдиқлади Летти.

— Женнида нимадир бор эди...

— Бир кўргандаёқ севиш,— Леттининг яна сабри чидамади. У жуда куйиб кетганди.— Бунақа нарса бўлиб туради.

— Мени гапиртирасизми-йўқми?

— Кечиринг, Лестер. Ўтмишни ўйлаб маъюс тортсам нима қилай?

— Хўш, умуман айтганди, гангиб қолдим. Гарчи у тенгим эмаслигини билиб турсам ҳам, кўзимга ўзим орзу қилган энг зўр аёл бўлиб кўринарди. Биз демократик мамлакатда яшаймиз. Мен, унга етишиб олай, кейин эса бир гап бўлар деб ўйладим... бу қанақа бўлишини ўзингиз биласиз-ку. Худди мана шунда мен хато қилдим. Бунчалар жиддийлигини сира ҳам ўйламовдим. Ўшангача менга сиздан бўлак бирорта ҳам аёл ёқмасди, очиғини айтадиган бўлсам, сизга уйланишга кўнглим борлигига ҳам унчалар ишонмасдим. Назаримда, уйланиш менга тўғри келмайдигандай эди. Шундан кейин ўзимга-ўзим, Женнига етишсам бўлди, кейин кўнглимга тегса ташлаб кетаверараман, дедим. Қийнаб қўймай қараб турарман, деб ўйладим. Бошқаси билан ишим йўқ. Унинг ҳам иши бўлмайди. Тушуняпсизми?

— Тушуняпман.

— Шундай қилиб, Летти, бу ишдан ҳеч нима чиқмади. Женни — жуда бошқача аёл. Унинг маънавий олами бениҳоя бой. Биз ўйлаган маънода маълумотли бўлмаса ҳам, табиатан назокатли ва одобли. Ажойиб бека, бенуқсон она. Унда қандайдир одамларга меҳрибонликнинг туганмас манбаи бор. Отаси билан онасини жонидан ҳам яхши кўрарди. Қизидан, ўзининг қизи, меники эмас, жонини ҳам аямайди. Оқсуяклик-поқсуяклик деган нарсани билмайди. У сира ҳам ўткир сўз айтиб, суҳбатни енгил, зўр олиб боролмайди. Чамаси, фикрлаши ҳам тез эмас. Энг жиддий фикрларини сўз билан ифодалай олмаса ҳам, доимо ўйлаб, сезиб юрганини билиш қийин эмас.

— У ҳақда жуда зўр гапиряпсиз, Лестер,— деди миссис Жералд.

— Бошқача гапира олмайман-да, Летти,— жавоб берди Лестер.— Женни — яхши аёл. Бироқ нималар демасам ҳам, гоҳо мени унга фақат раҳмдиллик боғлаб тургандай туюлади.

— Ишонмайман!— Летти бармоғи билан пўписа қилди.

— Ҳа, ҳа, бироқ бошимга анча-мунча кўргилик тушди. Унга ўшандаёқ уйланишим кераклигини энди биляпман. Бироқ ўшандан кейин жуда мушкул аҳволда қолдим, анча-мунча тортишув ва ялинишлар бўлди, нима қиларимни билолмай қолдим. Бунинг устига отамнинг васияти. Мен мабодо унга уйлансам саккиз юз мингдан айриламан, компа-

ния ҳозир трестга айлантирилган бир пайтда бундан ҳам кўпроқ бўлса керак. Мабодо уйланмасам икки йилдан кейин, ҳатто унга ҳам етмай, ҳамма нарсадан бутунлай айриламан. Ўзимни Женни билан орани очиқ қилгандай кўрсатишим ҳам мумкин, албатта, бироқ алдашни истамайман. Бу нарса Женнининг нафсониятига тегарди, у эса бунчалик алам тортишга муносиб эмас. Қўлимни кўксимга қўйиб, ҳатто ҳозир ҳам ундан ажралишни истаймани ё йўқми — бир нарса дея олмайман. Чин сўзим, нима қилишимни сира билолмай қолдим.

Лестер жимиб, сигара чекди-да, деразага бемаъно тикилиб қолди.

— Ҳа, бу жуда қийин, жуда ҳам қийин вазифа,— деди Летти ер сузиб.

Шундан кейин туриб, Лестерга яқин келди-да, қўлини унинг катта ва чиройли бошига қўйди. Леттининг сал-пал атир сепилган сариқ шоҳи кўйлаги Лестернинг елкасига тегиб турарди.

— Бечора Лестер,— деди у.— Роса чигалда қолибсиз-ку. Энди бу чигалдан қутулишингизга тўғри келади, азизим. Ҳозир мен билан суҳбатлашгандай, у билан ҳаммасини гаплашиб, хаёлида нима борлигини билсангиз бўлмайдими?

— Бу жуда ҳам шафқатсизлик бўлур эди,— деди Лестер.

— Бироқ нимадир қилиш керак, Лестер, ишонинг,— Летти бўш келмади.— Энди оқимда кетавериш бўлмайди. Ўзингизга қаттиқ зарар қиласиз. Сизга уйланишни маслаҳат беролмайман. Тўғрисини айтсам, ўзимни ўйлашим керак. Дарвоқе, бир вақтлари севгимни назар-писанд қилмаган бўлсангиз ҳам, сизга жон-жон деб теккан бўлардим. Мен билан бирга бўласизми ё йўқми, бари бир сизни севишимни ва доимо севажаклигимни яширмайман.

— Буни биламан,— деди Лестер.

Лестер ўрнидан туриб, Леттининг иккала қўлидан ушлади-да, унинг кўзларига тикилди. Сўнгра тескари қаради. Летти унинг қарашидан вужудида турган ҳаяжонни босиб олди.

— Йўқ, Лестер,— гапида давом этди Летти,— сиздай катта одам йиллик ўн минг даромадга қаноат қилолмайди. Қўл қовуштириб ўтирсангиз ҳам бўлмайди — одамлар сизни жуда яхши билишади. Сиз ишбилармандлар ва аъёнлар оламида яна ўрнингизни эгаллашингиз лозим. Сизга ҳеч ким ҳалал бермайди, бирорта одам ўтмишингиздан оғиз очмайди. Отангиз мулкидан ўз ҳиссангизни олсангиз бас,

айтганингиз бўлаверади. Мабодо у ўзингиз айтгандай сизни яхши кўрса, жон-жон деб сизни тинч қўяди. Бунга шакшубҳа қилмайман. Сиз уни яхшилаб тинчитиб қўясиз, албатта.

— Женнига пул керак эмас,— Лестер тунд ҳолда эътироз билдирди.

— Бари бир, куни сизсиз ҳам ўтаверади. Лекин пули кўп бўлса ҳаёти ҳам енгил, ҳам қизиқарлироқ бўлади.

— Мен тирик эканман у ҳеч нимага зор бўлмайди,— деди Лестер тантанавор қилиб.

— Сиз уни ташлашингиз керак, ташлашингиз,— Летти гапида маҳкам эди.— Ҳар бир кун қиммат. Шуни ҳозир— бугуннинг ўзида ҳал қила қолса бўлмайдими. Сабаб?

— Шошилманг,— эътироз билдирди Лестер.— Бу осон иш эмас. Тўғрисини айтганда, Женни билан буни гаплашишга юрагим бетламайди. Бу унга нисбатан адолатсизлик, шафқатсизлик бўлади. Мен, одатан, шахсий ишларимни ҳаммага гапириб юрмайман-ку. Шу чоққача буни ҳеч ким билан, ҳатто ота-онам билан ҳам гаплашмаганман. Бироқ сизни ўзимга доим негадир яқин сезиб юрардим, сўнгги марта учрашганимиздан бери буни сизга айтишим керак деган нарса хаёлимга келаверди. Гапиргим келди. Сиз менга жуда ҳам қимматлисиз. Ҳозирги аҳволимизда сизга бу ғалати кўринадими, билмадим, бироқ бори шу. Сиз инсон ва аёл сифатида менга шунчалар яқинлигингизни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмовдим. Қошингизни чимирманг. Сиз бор ҳақиқатни эшитмоқчи эдингиз-ку? Мана сизга ҳақиқат. Энди эса, агар қўлингиздан келса, менга қанақа одамлигимни тушунтириб беринг.

— Сиз билан тортишмоқчи эмасман, Лестер,— деди Летти Лестернинг қўлидан оҳиста тутаркан.— Сизни фақат севишни истайман. Бу ишлар қанақа бўлганини жуда яхши тушунаман. Ўзимдан-ўзим эзилиб кетяпман. Сизга ҳам ачиняпман.— У тутилиб қолди...— миссис Кейнга ҳам. У — жозибадор аёл. Бироқ у сизга кераклиқ бўлган аёл эмас. Менга ишонинг, сизга бошқаси керак. Сиз билан бунақа гапларни гаплашаётганимиз яхши эмас, албатта, бироқ бу ҳақ нарса, ахир. Ҳар бир одамнинг ўз қиммати бор. Унга ҳам менга айтгандай қилиб тушунтирсангиз борми, ҳаммасига тушуниб, рози бўлишига ишончим комил. Унинг ўрнида бўлганимда, Лестер, сизга жавоб берган бўлардим, рост. Менга ишонасиз деб ўйлайман. Ҳар қандай бамаъни хотин худди шундай қилган бўларди. Менга қанчалар аламли бўлмасин, йўлингизни тўсмаган бўлардим. Миссис Кейнга ҳам аламли бўлади, бироқ сизга

йўл беради. Ишонаверинг. Менимча уни сиздан кам тушунмайман, ҳатто яхшироқ тушунаман, чунки мен аёлман. Оҳ,— деб қўйди у бир оз жим қолгач,— қани энди у билан ўзим гаплаша олсам! Унга ҳаммасини тушунтириб берардим.

Лестер Леттига қараркан, унинг астойдиллигига қойил бўларди. У ҳозирда кўркам, мафтункор, оловдай кўринарди...

— Шошилманг,— деди Лестер яна.— Ўйлаб кўрай. Ҳали вақтим бор.

Летти маъюсланса ҳам, бўш келмади.

— Ҳозироқ ҳаракат қилиш керак.— У Лестерга дил-дилидан тикилди. У Лестерни қўлга киритишга ҳаракат қилар ва буни унга сездираётганидан уялмасди ҳам.

— Ўйлаб кўраман,— Лестер хижолат тортиб шундай деди-да, шоша-пиша хайрлашиб жўнаб қолди.

LI БОБ

Лестер ўз аҳволи хусусида анча узоқ ва жиддий бош қотирди. Орадан кўп ўтмай бирор нарса қилиши ҳам мумкин эди. Бироқ тақдир тақозоси билан ошига яна чўп тушди: мистер Герхардтнинг кундан-кунга мазаси қоча бошлади.

Мистер Герхардт аста-секин уйдаги ишлардан чиқиб, ахири ётиб қолди. Женни унга жуда яхши қараб турарди. Веста кунига қирқ марта унинг ёнига кирар, Лестер ҳам хабар олиб турарди. Герхардтнинг каравоти дераза ёнига қўйилганди, у деразадан кўриниб турган боғдаги дарахтлар билан ундан кейиндаги кўчага соатлаб тикилиб ётаркан, уйдаги ишлар менсиз нима бўлаётганикин, деб ўйлаганини-ўйлаганди. Унинг аравакаш Вудс отларга ва абзалларга яхши қарамаётгани, почтальон газеталарни мунтавам олиб келмаётгани, ўтёқар кўмирни исроф қилаётганига қарамай, уй етарлича иссиқ эмаслигига ишончи комил эди. Герхардтнинг ана шу майда-чуйда ташвишлардан боши чиқмасди-да. У туғма уй хўжаси эди. Ўзи кўнгилли равишда бўйнига олган вазифаларни унча ўхшатолмаса ҳам, эндиликда менсиз ҳаммаси чатоғи чиқиб, расво бўлади, деб хавфсирарди. Женни унга кўк шоҳи аврали зўр қавима халат ва юмшоққина хонаки туфли совға қилган бўлса ҳам Герхардт уларни деярли киймасди. У каравотда инжил ва лютеранларнинг газеталарини ўқиб ётишни, Женнидан уйдаги янгиликларни тинглашни афзал кўрарди.

— Подвалга тушиб, анави учар нима қилаётганини бир кўрсанг бўларди. Хоналар жуда совиб кетди-ку,— нолирди Герхардт.— Мен унинг нима қилаётганини биламан — ўтириб китоб ўқияпти, бор кўмир ёниб бўлгандан кейин уйни иситиш эсига келади. Пиво ҳам ёнгинасида. Сен қазноқни қулфлаб қўйсанг бўларди. У қанақа одамлигини қаёқдан биласан. Эҳтимол, бирорта ярамасдир.

Женни отасини, уй етарли даражада иссиқ, ўтёқар ажойиб ва анча дуруст америкалик одам, мабодо бир стакан пиво ичса ҳам бундан ҳеч қанақа зарар етмайди, деб тинчитишга уринib кўрди. Гархардт эса ўша заҳоти тутақиб кетди.

— Ҳаммаларинг доимо шунақа қиласизлар,— деди у аччиғланиб.— Тежам нималигини билмайсизлар. Сал бўш келсам ҳаммаси талтайиб кетади. «Ажойибмиш!» Унинг ажойиблигини қайдан биласан? Ўтни яхши ёқяптими? Йўқ! Йўлкаларни супуряптими? Йўқ! Ҳаммаси жуда яхши-да, доим кўз-қулоқ бўлиб туришинг керак. Уйга ўзинг қараб турмасанг бўлмайди.

— Хўп, дада, қараб тураман,— Женни уни мулойимлик билан тинчитди.— Сен хавотир олма. Пивони эса қулфлаб қўяман. Сенга қоқ нон билан қаҳва келтирайми?

— Йўқ,— деди Герхардт хўрсиниб,— негадир ошқозоним чатоқ. Тезроқ тузалсам гўргайди.

Женни отасини кўрсатгани шаҳарнинг бу қисмида яхши шифокор саналган кекса, тажрибали врач доктор Мэйкинни чақирди. Доктор беморга тинчгина ётиш, қайноқ сут, юрак дориси ичишни маслаҳат берди, бироқ бутунлай соғайиб кетиши қийин, деб Женнини огоҳлантирди.

— Кексалик бари бир кучини кўрсатади. У жуда мардан кетган. Ҳозиргидан йигирма йил ёш бўлганида борми, оёққа бостириб юборардим, энди эса... Дарвоқе, аҳволи унчалар ёмон эмас. Ҳали анча-мунча яшаши ҳам эҳтимол. Балки ўрнидан туриб ҳам кетар. Айтмоқчи, бунга кафолат беролмайман. Билсангиз, дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Мен умрим жуда оз қолганидан мутлақо хавотирга тушмайман. Шунча ёшга борганимга ҳам шукур.

Женни отасининг куни битиб қолганидан маъюсланар, бироқ кексайганида тинч, яхши ва парвариш кўрганини ўйлаб тасалли топарди.

Орадан кўп ўтмай Герхардтнинг саноқли кунлари қолгани ҳаммага аён бўлди. Женни шундан кейин укалари ва сингилларига хабар беришга киришди. У Бассга отаси ётиб қолганини ёзди, Басс эса жавоб хатида жуда бандлигини, агар аҳвол жуда хатарли бўлмаса келиши гумон

эканини билдирди. У хатида Жорж Рочестердаги гулқоғоз фабрикасида, чамаси Шефф-Жефферсон компаниясида ишлаётганини; Марта эри билан Бостонга жўнаб кетиб, марказдан олис бўлмаган, шаҳар чеккасидаги Белмонт деган жойда турганини ҳам айтганди. Уильям Омахада электр компаниясида техник бўлиб ишлаётган экан. Вероника турмушга чиқибди, эри Альберт Шериден Кливлендда, аптека моллари омборида ишларкан. «У уйимизга сира ҳам келмайди,— деб ёзганди Басс хатида хафа бўлиб,— бироқ унга хабар қиламан». Женни ҳаммага хат ёзиб чиқди. Сингилларидан калта-култа хатлар келди, уларда, жуда афсусдамиз, бирор нима бўлса хабар бергин, дейилганди. Жорж хатида отасининг жуда ҳам мазаси қочмаган бўлса Чикагога келиш хаёлида йўқлигини ёзиб, ҳамма нарсадан хабардор қилиб туришни сўраганди. Женни хати Уильямга етиб бормаганини кейинчалик билди.

Женни отаси сўниб бораётганини кўраркан, ниҳоятда изтироб чекарди. Илгари ота-бола яқин эмасдилар, бироқ кейинги йилларда жуда яқин бўлиб қолишганди. Герхардт юз ўгирган қизи айниқса ўзига жуда меҳрибон эканини ахири тушуниб олганди. Женни отаси билан сира ҳам жанжаллашмаган, гапини икки қилмаганди. Ётиб қолганидан кейин бир кунда неча-неча марталаб ёнига кирар, нима кераклиги, нонушта ёки тушлик ёққан-ёқмаганлигини суриштириб турарди. Герхардт жуда ҳам дармондан кетганидан сўнг ёнида китоб ўқиб ёки тикиш-чатиш қилиб узоқ ўтирарди. Бир куни ёстиғини тўғрилаб қўяётганида Герхардт унинг қўлини олиб ўпди. Шунда Женни ажабланиб бошини кўтараркан, юраги увишиб кетди. Герхардт ожиз ва аянчли кўринар, кўзлари ёшли эди.

— Сен яхши қизсан, Женни,— деди у аранг.— Менга яхши қарадинг. Кўп жаҳлим чиқиб, вағиллайман, нега деганда чолман-да. Мени кечиргин.

— Қўйсанг-чи, дада!— Женни йиғлагудай бўлиб ёлворди.— Нимасини кечираман? Мен сендан кечирим сўрашим керак.

— Йўқ, йўқ,— деди у. Женни отасининг каравоти ёнига тиз чўкиб, йиғлаб юборди. Отаси қоқсуяк сариқ қўли билан унинг бошини силади.— Йиғлама,— деди у оҳиста,— энди кўп нарсани тушунаман. Одамнинг ўлгунича ҳам ақли кирмас экан.

Женни ювинмоқчиман деб хонадан чиқди-да, ёлғиз қоларкан, кўз ёшларини тиёлмади. Отаси наҳотки ахири кечирган бўлса? Ўзи бўлса отасини жуда кўп алдади-я! Женни отасини янада яхши парвариш қилиш пайида бўлса

ҳам, бироқ энди бунинг иложи камроқ эди. Герхардт эса қизи билан ярашганидан кейин бахтлироқ ва тинчроқ яшаётгандай бўлди, ота-бола биргаликда яхши дамларни кечиришди. Герхардт бир куни Женнига шундай деганди:

— Ўзимни худди боладай сезаётганимни биласан. Суякларим зирқираб турмаганида борми, ўт устида ўйинга тушган бўлардим.

Женни жилмаяркан, томоғига бир нима тиқилгандай бўлди.

— Яқинда яхши бўлиб қоласан, дада,— деди у.— Тузалиб кетасан. Ушанда соябон аравада айланиб келамиз.

Женни шунда Герхардт ўзи туфайли қариган чоғида рўшнолик кўраётганидан хурсанд бўлди.

Лестер чолга нисбатан ҳушёр ва яхши муомала қиларди. Ҳар куни кечқурун дастлаб: «Хўш, бугун қалай бўлди?»— деб сўрар ва овқат тортилгунча беморнинг хонасига бир неча дақиқага бўлса ҳам кириб чиқарди.

— Кўриниши ёмон эмас,— дерди у Женнига.— Менимча, ҳали яшайди. Сен хавотирга тушаверма.

Веста ҳам бобосига ўрганиб қолганидан кўпинча у билан бирга бўларди. Бобосининг хонасида халақит бермайдиган бўлса овозини чиқариб дарсларини тайёрлар ё бўлмаса эшикни очиб қўйиб, рояль чалиб берарди. Лестер Вестага чиройли музика қутичаси олиб берганди, Веста гоҳо уни бобосининг хонасида қўйиб берарди. Гоҳида чолга Женнидан бошқалар малол келиб қоларди, шунда Женни отасининг ёнида секингина тикиш-чатиш қилиб ўтирарди. Отасининг вақти қазоси яқин қолгани унга аён эди.

Герхардт бандаликни бажо келтириш лозимлигига ақли етганидан ўлганида нималар қилиш кераклигини ҳам ўйлаб қўйганди. Унинг кўнгли Жануб тарафдаги мўъжазгина лютеранлар қабристонига дафн этилишини ва дуоифотиҳасини ўзи доимо қатнаб юрадиган черковдаги кўнглига хуш келиб қолган пастор ўқишини тилаганди.

— Ҳаммаси жўнгина бўлсин,— деди у.— Менга қора костюм ва якшанбалик ботинкамни кийгизинглар, галстук қора, ипли бўлсин. Бошқа ҳеч нима керак эмас. Шунда яхши бўлади.

Женни бунақа нарсаларни гапирмасликни сўрар, Герхардтга эса бу ёқарди. Бир куни кундузи соат тўртларда жуда мажоли қуриди. Женни отасининг нафас олишини кузатиб, қўлидан ушлаб турарди. Герхардт икки марта кўзини очиб, унга илжайиб қўйди.

— Мен ўлимдан қўрқмайман,— деди у.— Қўлимдан келганча иш қилдим.

— Ўлимдан гапирма, дада,— Женни инграб юборди.

— Бари бир тамом бўлдим,— деди у.— Сен менга жуда меҳрибонлик қилдинг. Сен яхши аёлсан.

Бу унинг охирги сўзлари бўлди. Соат бешга бориб жони узилди.

Женни умр бўйи рўшнолик кўрмаган отасининг бунчалар тинчгина ва ақлини йўқотмай жон берганидан жуда эзиларди. Меҳрибон ва кўнгилчан қиз учун отаси дўсти ва маслаҳатчиси ҳам эди. Ҳозир у асли ҳолида—ҳалол, меҳнатсевар, бор кучини оиласини ўнглаш ва бегуноҳ яшашга сарфлаган немис сифатида намоён бўлганди. Женни уни зўр ташвишда қолдирган бўлса ҳам, Герхардт умрининг охиригача қизи ҳақидаги ҳақиқатни билолмай кетганди. Женни, ҳозирда руҳи қаердадир бўлган отам қизи ёлғон гапирганини билармикин, деб ўйларди. Уни кечириб юборганмикин? Унга, сен яхши аёлсан, деди-ку, ахир.

Ҳамма фарзандларига телеграмма жўнатилди. Басс бунга жавоб қилиб, эртаси куни ўзи ҳам етиб келди. Бошқалар, келолмаймиз, деб телеграмма беришиб, бор гапларни хабар қилинг, деб сўрашганди. Женни уларга хат ёзди. Лютеранлар руҳонийси марҳумга дуойи фотиҳа ўқиб, дафн куни масаласида келишиб олди. Буни ташкил қилиш дафн маросимлари бюросида ишлайдиган бақалоқ сервиқор агентга топширилди. Қўшниларнинг ҳаммалари ҳам бу хонадондан қадамларини узиб кетмаганди, бир-иккита одам кўнгил сўрагани киришди. Учинчи куни дафн маросими бўлди. Лестер Женни, Веста ва Басс билан лютеранларнинг қизил ғиштин черковига бориб, одамни зериктирадиган бу совуқ маросимнинг охиригача тишини-тишига қўйиб ўтирди. У руҳонийларнинг нариги дунёнинг лаззатлари ҳақидаги ваъзини тингларкан, дўзах ҳар тилга олинганида жунжикиб кетарди. Басс ҳам диққати ошиб ўтирарди-ю, лекин вазиятга қараб иш тутаётганди. Герхардт унга кўпдан буён бегона одамдай бўлиб қолганди. Фақат Женни отасига жон-дилидан йиғлаётганди. Унинг кўз ўнгидан отасининг бутун ҳаёти — уйма-уй ўтин арралаб юрган ва фабрика омборининг чордоғида истиқомат қилган кунларидаги ташвишлари, муҳтожлигу маҳрумликдан боши чиқмаган йиллари, Ўн учинчи кўчадаги харобгина уйлари, Кливленднинг Лорри-стритидаги азобли кунлари, қизининг гуноҳи ва хотинининг вафоти туфайли тортган кулфатлари, Вестага қилган меҳрибончиликлари бирма-бир ўтди. Ўлим яқинлашган сўнгги ҳафталардаги ҳаёти ҳам назаридан четда қолмади.

«У жуда яхши одам эди,— дерди Женни ичида.— Ҳаммасининг кети яхши чиқсин деб ҳаракат қиларди». Черковда «Худо бизга мададкор ва таянч» деган оят ўқилганида Женни ҳўнграб юборди.

Лестер унинг енгидан тортди. У Женни бошига тушган қайғудан бениҳоя ҳаяжонда эди.

— Бунақа бўлмайди-да,— деди у.— Бошқаларни ўйлагин. Кўзингда ёш кўрсам тоқат қилолмайман, бунақада ҳозир туриб, жўнаб қоладиганга ўхшайман.

Женни овунса ҳамки отаси билан ўзини боғлаб турган сўнгги аён ришталар узилаётганини ҳис этиб, юрак-бағри қонга тўларди.

Лестер жой сотиб олишни буюрган лютеранлар черковида одмигина тобутни қабрга тушириб, устидан тупроқ тортишди .Лестер яланғоч дарахтлар, қуруқ, сарғайган ўтўланлар, белкураклар билан кавлаб ташланган қўнғир ерга тикиларди. Ишчи одамнинг сўнгги маскани бўлган бу қабристон хароб, қашшоқ эди, бироқ Герхардт шу ерга дафн этишларини истаганидан кейин, демак, шундай қилиш керак экан-да. Лестер Басснинг қотма ва маънили башарасига тикиларкан, ичида келажак режалари қандай экан, деб ўйларди. Унга негадир Басснинг тамаки савдоси жўнашиб кетадигандай туюларди. Женни қизариб кетган кўзларини артаётганини кўраркан, яна ўзига-ўзи: «Ҳа, бу ҳайратомуз»,— деб қўярди. Женни чин юракдан қаттиқ куярди. «Яхши аёл — ажойиб жумбоқдир»,— дерди у ичида.

Ҳаммалари биргаликда чанг-тўзонли ва сершамол кўчадан уйга қайтиб келишди.

— Женни жуда қаттиқ куяяпти-да,— деди Лестер.— У жуда кўнгилчан, шунинг учун ҳам ҳаёт кўзига баттар аянчли бўлиб кўринади. Ҳаммамизнинг ҳам ўзимизга яраша қайғумиз бор, бировда кам, бировда кўп, буни бир амаллаб енгиш керак-да. Баъзи бир одамлар кўпроқ бахтли деган гап нотўғри. Ташвиш ҳаммага етарли.

— Баъзи одамларга раҳмим келса нложим қанча,— деди Женни.

— Женни ҳамиша шунақа кўнгилчан ўзи,— қистирди Басс.

Басс нуқул Лестер ажойиб одамлигини, бадавлат турмушини, опаси таниқли хоним бўлиб кетганини ўйларди. Бундан чиқди ўша вақтларда опаси қанақалигини билмаган экан-да. Ҳаётда ғалати нарсалар бўлишини кўрмайсизми. Бўлмаса Басс яқиндагина Женнини нўноқ ва ҳаёти бутунлай поймол бўлган деб юрарди.

— Сен ҳар қалай ўзингни қўлга олишга ҳаракат қил, ҳаётдаги ҳар бир воқеа ҳалокат бўлавермайди, шуни тушунгин,— деди Лестер пировардида.

Басс унинг гапига тўла-тўкис қўшилди.

Женни унсизгина соявон арава деразасидан ташқарига қараб ўтирарди. Мана ҳозир улкан сокин уйларига қайтишади, Герхардт эса у ерда йўқ. Энди отасини сира ҳам кўролмайди, буни бир ўйлаб кўринг-а. Соявон арава ҳовлига бурилди. Йиглаб-йиглаб тинчиб қолган Жаннет меҳмонхонада чойга дастурхон ёзарди. Женни одатдаги рўзғор ишларига уннаб кетди. Унга, ўлганимдан кейин нима бўлади, деган ўй сира тинчлик бермасди.

LII БОБ

Лестер Герхардтнинг ўлимига анча бепарво қаради, у фақат Женнига ачинарди. У чолнинг ажойиб фазилатларини қадрларди-ю, бироқ шахсий мойиллиги йўқ эди. Дам олиб, ўзига келсин, деб Женнини ўн кунга денгиз бўйига олиб кетди, Чикагога қайтганларидан кейин кўп ўтмай ахири ўз ишларидан гапириб, аҳволни биргаликда муҳокама қилмоқчи бўлди. Ер-мулк савдоси борасидаги ишкалликлардан Женнининг воқифлиги бу вазифани бирмунча енгиллаштирарди. Лестернинг миссис Жералд ҳузурига бориб туришлари ҳам Женнига сир эмасди. Лестер миссис Жералд билан салом-алиги борлигини Женнига ўзи айтганди. Миссис Жералд бир марта Лестерни Женни билан бирга меҳмонга айтган, бироқ ўзи уйларига келмаганди. Унинг келиш нияти йўқлигини ҳам Женни жуда яхши тушунарди. Женни отаси ўлимидан кейин ўзининг бундан буёнги тақдирини кўпроқ ўйларди. Лестер билан никоҳга кўзи етмас, унинг ўзини тутиши ҳам бунақа нарсадан умидвор бўлишидан дарак бермасди.

Буни қарангки, ўша пайтда Роберт ҳам кескин ҳаракат қилмаса бўлмайди, деган хулосага келганди. Илгариги уринишлар беҳуда кетганидан Лестерга таъсир қилиб бўлмайди деб ўйларди. Бироқ Женнини йўлга солишга уриниб кўрса бўлмасмикин? У ақлини ишга солса ажаб эмас-да. Лестер шу чоққача унга уйланмаган экан, Женни бундан буён ҳам олмоқчи эмаслигини тушунади, албатта. Учинчи бир ишончли одамга Женни билан учрашиб, аҳволни тушунтиришни ва турган гапки, каттагина маблағ ваъда қилишни юклаш керак. Эҳтимол шунда у Лестердан ажралишга ва бу кўнгилсиз ишга барҳам беришга рози

бўлар. Лестер ҳар қалай укаси, мулкидан айрилиб қолса алам қилади, албатта. Роберт эндиликда бу ҳимматни қилса бўларди, чунки у янги трестнинг ишларини бутунлай қўлига оливолганди-да. Роберт пировардида, бу масалада «Найт, Китли ва О'Брайен» юридик конторасида ишлайдиган мистер О'Брайендан зўр воситачи йўқ, деган қарорга келди. У серилтифот, очиққўнгил, муомаласи яхши ва туғма юрист. Лестер жигарларининг Женнига муносабатлари қанақалигини ва Лестер у билан орани очиқ қилмаса нималардан айрилиши мумкинлигини йўли билан тушунтира олади. Мабодо Лестер уйланган бўлса, О'Брайен буни билишни ҳам эплайди. Женни маблағ масаласида тинчитилади, эллик, юз, боринги юз эллик минг долларгача олади. Роберт мистер О'Брайенни чақирди-да, унга аввалига *раҳматли Арчибалд Кейннинг васий одами* эканлигини, Лестернинг тегишли қарорга келиши ҳам унинг вазифаси эканлигини тушунтириб, керакли йўл-йўриқ берди.

Мистер О'Брайен Чикагога жўнаб кетди. У вокзалдан тўғри Лестерга қўнғироқ қилиб, кечгача шаҳарда бўлмаслигини билиб бениҳоя мамнун бўлди. Шундан кейин Хайд-Паркка йўл олди ва Жаннетга ўзининг ташриф қоғозини тутқизди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Женни унинг ҳузурига чиқди. У мистер О'Брайен қанчалар муҳим топшириқ билан келганидан бехабар эди. Мистер О'Брайен Женни билан илтифотла сўрашди.

— Мен миссис Кейн билан гаплашишга сазовор бўляпманми?— деб сўради у бошини бир томонга сал қийшайтириб.

— Ҳа,— жавоб қилди Женни.

— Ташриф қоғозимга кўз ташлаб ишонч ҳосил қилганингиздек, мен мистер О'Брайенман, «Найт, Китли ва О'Брайен» фирмасининг вакилиман. Биз сизнинг... ҳим... мистер Кейннинг оталари раҳматли мистер Кейннинг ишончли кишилари ва васийлари бўламиз. Менинг ташрифим сизга ғалати туюлиши мумкин, бироқ гап шундаки, мистер Кейннинг оталари васиятномасида мистер Кейн ва сизга тааллуқли баъзи моддалар бор. Бу моддалар шунчалар муҳимки, мабодо мистер Кейн бу ишни қилмаган бўлса, сизни улар билан таништиришим зарур бўлади, албатта. Мен... узр, бироқ бу моддалар характерини эътиборга олган ҳолда мистер Кейн сизга индамаган дейишга ҳам тайёрман.

Мистер О'Брайен жим қолди, бутун гавдасию юзидаги ҳар бир чизиқчада савол ифодаси акс этиб турарди.

— Мен унчалик тушунмадим,— деди Женни.— Васиятнома ҳақида ҳеч нимани билмайман. Мабодо унда мен билишим зарур бўлган бирор нима бўлса, мистер Кейн менга айтса керак. Ҳозирча у ҳеч нима демади.

— Аҳа!— мистер О'Брайен қониқиш билан хўрсиниб қўйди.— Демак, мен адашмабман. Унда ишнинг моҳиятини баён қилишга ижозат берасиз, ундан кейин барини батафсил билишни исташ-истамасликни ҳал қиласиз. Балки, ўтирарсиз?

Шу чоққача улар тик оёқда суҳбатлашишаётганди. Женни ўтирди, мистер О'Брайен стулни суриб, ёнига чўкди.

— Шундай қилиб, бошлаймиз,— деди у.— Мистер Кейннинг отаси ўғли билан биргалигингизни сира ёқтирмаганлигини айтиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак, албатта.

— Биламан...— Женни оғиз очиши биланоқ яна жимиб қолди.

Женни гангиди, хижолат тортди, кўнгли ҳам бирор ёмонликни сезиб турарди.

— Қатта мистер Кейн ўлимидан сал олдин,— гапида давом этди юрист,— сизнинг... ҳим... мистер Лестер Кейн билан бу мавзуда суҳбатлашганди. У ўзининг васиятномасида мулки тақсимотида ўғли, сизнинг... ҳим... рафиқингиз тегишли ҳиссасини олишини бирмунча қийинлаштирадиган баъзи бир шартлар қўйганди. Одатдаги ҳолда у «Кейн компанияси»нинг ҳозирда миллион доллар атрофида бўлган капиталининг тўртдан бир қисмини, эҳтимол ҳатто кўпроғини, шунингдек, тахминан беш юз минг баҳоланаётган қолган мулкнинг тўртдан бирини меросга оларди. Фаҳмимча, катта мистер Кейн ўғлига бу мулк мерос бўлиб қолишини жуда ҳам истарди. Бироқ отаси қўйган шартга мувофиқ мистер Лестер Кейн ўз ҳиссасини... ҳим... раҳматлининг ўлим олдидаги истагини бажо қилган тақдирдагина ололади.

Мистер О'Брайен жим қолди, фақат унинг кўзларигина олма-кесак терарди. У муқим бир фикрдалигига қарамай, Женнининг жозибадор аёл эканлигини сезишга улгурганди. Ҳозир у Лестернинг нимага жамики маслаҳату ялинишларга қарамай Женнидан айрилмаганини тушуниб турарди. У Женнидан жавоб кутаркан, жувонни сездирмай кузатарди.

— У қанақа истак экан?— деб сўради Женни оғир жимлик ахири жонига теккандан кейин.

— Бу саволингиз учун беҳад миннатдорман,— деди мистер О'Брайен.— Бу мавзуда гап бошлаш мен учун оғир, жу-

да оғир. Мен ҳузурингизга фирманинг вакили, мистер Кейннинг отаси васиятномаси бўйича васийлардан бири сифатида келганман. Бундан сизнинг... ҳам... мистер Кейн изтиробдалигини, сизнинг ҳам бундан қийналажагингизни биламан. Бироқ ушбу шундай масалаки, унга чап бериб бўлмайди, у ёки бу даражада ҳал қилиниши шарт, ана шундай мушкул ҳоллардан бири бу. Шунинг учун ҳам, менга қанчалар оғир бўлмасин, катта мистер Кейн ўз васиятномасида қайд этган, мабодо...— шунда унинг кўзлари яна олма-кесак теришга тушди,— ўғли сиздан айрилишни лозим топмаса...— мистер О'Брайен нафасини ростлаб олди,— меросдан ҳеч нима ололмаслигини, тўғрироғи, йилига арзимаган ўн минг доллар даромад олишлигини айтишим керак. Ўшанда ҳам у сизга уйланган тақдирда.— Яна жимлик чўкди.— Васиятномага кўра узил-кесил бир қарорга келиш учун унга уч йил муҳлат берилганини ҳам айтиб қўяй. Бу муҳлат яқин кунларда тугайди.

Мистер О'Брайен қаттиқ ғалвага дош беришга тайёр ҳолда жим қолди, бироқ Женни ҳайрат, гангиш ва қайғудан тинган кўзлари билан унга мўлтираб тикилди холос. Лестер уни деб бор мулкини қурбон қилганини тушунганди. Ер-мулк савдоси қайта оёққа туришга, мустақил мавқеини тиклашга бўлган уриниш экан. Кейинги пайтларда нимага гангиб, жаҳли чиқиб, хафа бўлиб юргани энди равшан бўлди. Отаси тўғридан-тўғри меросдан маҳрум қилган экан-да. Лестер жуда бебахт, муттасил яқин орада боридан айрилажаги ҳақда ўйлаб юрган экан-у, унга бўлса бир оғиз бир нима демабди-я.

Мистер О'Брайен ҳам ҳаяжонда ва хижолатда эди. Женнининг авзойи ўзгариб кетгани унинг дилида раҳм-шафқат уйғотганди. Шунга қарамай, унга бор ҳақиқатни айтишга мажбур эди.

— Менинг зиммамга сизга бу кўнгилсиз янгиликни айтиш тушганидан жуда ҳам афсусдаман,— деди у,— ҳа, жуда афсусдаман. Гапимга ишонинг, менга ҳам осон эмас. Сизга ҳеч қанақа ёмонлигим йўқ, буни сиз тушунасиз, албатта. Ҳозирги пайтда Кейн хонадони ҳам сизга ёмонликни раво кўрмайди, бунга ишонасиз деган умиддаман. Васиятнома ўқилган куни мистер Кейнга айтганимдай, мен отасининг қарорини ноҳақ ҳисоблаганман, бироқ отанинг иродасини амалга оширадиган бир васийгина бўлганим туфайлидан бунга халал беролмадим, албатта. Шунинг учун ҳам сизни бутун ҳақиқатни билишингиз керак деб ҳисоблайман. Сизнинг... сизнинг рафиқангиз...— у маънодор сукут қилди,— ёки бу қарорга келишига қўлдан келганча

кўмаклашишингиз учун буни билишингиз керак. Мен ҳам унинг, барча оила аъзолари қатори, мулкидан айрилаётганига чуқур таассуфдаман.

Шу чоққача тескари қараб, бошини эгиб ўтирган Женни адвокатга қатъий ва бемалол қаради.

— У мулкидан айрилмайди,— деди у.— Бу ноҳақлик бўлур эди.

— Буни сиздан эшитаётганимдан бағоят хурсандман, миссис Кейн,— деди мистер О'Брайен фактларга қарамақарши ўлароқ Женнига биринчи марта Лестернинг хотинидай мурожаат қилиб.— Сизга виждонан айтсам, бу янгиликни бутунлай бошқача қарши оласиз, деб қўрққандим. Кейнлар хонадони никоҳга катта аҳамият бериши сизга маълум, албатта. Рафиқингизнинг онаси миссис Кейн мағрур, ҳатто бирмунча кеккайган аёл эди. Мистер Лестернинг акаси ва сингиллари ўз хонадонларидан жой бериладиган одамга жуда маълум талаблар қўйишади. Улар сизнинг мистер Лестер билан муносабатингизни қолипга сиғмайдиган ва, мени ихтиёрсиз шафқатсизлигим учун кечирасиз-у, йўл қўйиб бўлмайдиган муносабат санашади. Бу нарса кейинги йилларда кўп марта муҳокама қилинди, катта мистер Кейн буни оилавий суҳбатлар йўли билан текислашга кўзи етмай қолганди. У, ўғлим бошдаёқ нотўғри иш қилди, деган фикрда эди. Шунинг учун ҳам васиятномада сизнинг рафиқингиз... кечирасиз унинг ўғли сиз билан ажралишни истамаса капиталдан ўз ҳиссасини олиши, яъни қуруқ қолмай, боя эслатиб ўтганимдек, йилига ўн мингни олиш учун... сўзларим қўпол чиқаётган бўлса кечирасиз-у, сизга уйланиши кераклигини алоҳида шарт қилиб қўйганди.

Женни қунишиб кетди. Бу гапларни унинг бетига айтиш нақадар шафқатсизлик эди! Ҳа, никоҳни қонунлаштирмай бирга туришга уриниш яхшилик билан тугамайди. Эндиликда бу чигал аҳволдан қутулишнинг фақат битта йўли бор — икковлари ажралишлари лозим. Лестернинг йилда ўн мингга қаноат қилиши жуда ўхшамаган нарса-да!

Мистер О'Брайен Женнига қизиқиш билан тикиларди. Унинг фикрича, Лестер фақат бир нарсада адашганди: Женнига ўша пайтда нимага уйланмади? Бу жуда мафтункор аёл-ку.

— Сизга фақат битта нарсани айтишим қолди, миссис Кейн,— у мулойимлик билан гапирди.— Ҳозирда бунинг сиз учун аҳамияти йўқ эканини тушуниб турибман, бироқ зиммамга юкланган вазифани бажаришим зарур. Менинг таклифимни бошқача тушунмассиз деб ўйлайман. Яна

билмадим-у, эрингизнинг молиявий ишларидан хабарингиз борми ё йўқми?

— Йўқ,— очиқ жавоб қилди Женни.

— Хўш, буниси бари бир. Сиз, очиқ айтадиган бўлсак, мабодо ўз ихтиёрингиз билан ундан ажраб, алоҳида туришни зарур билиб, бу бағоят мураккаб масалани ечишда эрингизга кўмаклашмоқчи бўлсангиз, ушбу мушкул вазифани енгиллатиш учун сизга хоҳлаганингизча маблағ олишингиз мумкинлигини айтишдан бахтиёрман... айтайлик... ҳим...

Женни ўрнидан турди-да, муштларини қисганича, худди кўр одамдай дераза томон одимлади. Мистер О'Брайен ҳам қўзғалди.

— Бу сизга ҳавола. Бироқ менга мабодо ажрамоқчи бўлсангизлар сизга истаган оқилона миқдордаги маблағ— эллик, етмиш беш, юз минг доллар жон-жон деб берилажагини айтиш топширилган...— Мистер О'Брайен ўзига-ўзи бениҳоя олижаноб ва сахий туюлиб кетди.— Ўша маблағ сиз истаган пайтингизда талаб қилиб олгунингизча сақлаб қўйилади. Сиз ҳеч бир нарсага зориқмаслигингиз керак.

— Илтимос, етар,— Женни бошқа эшитишга мажоли етмаслиги ва даҳшатли, жисмоний оғриқдан тилдан қолиши ҳеч гап эмаслигини сезди. Илтимос, бас қилинг. Мени холи қўйинг, илтимос. Уни ташлаб кета оламан. Шундай қиламан. Ҳаммаси яхши бўлади. Бироқ ўтинаман, бошқа бир сўз деманг.

— Сизнинг аҳволингизни жуда яхши тушунаман, миссис Кейн,— мистер О'Брайен унга қандай озор берганини охири тушунди.— Сизга бутун дилимдан ачинаман, ишонинг. Сизга айтмоқчи бўлган нарсамнинг ҳаммасини айтдим. Бу қийин, жуда қийин кўчди. Қайғули зарурият. Сизда менинг ташриф қоғозим бор. Мени истаган пайтда чақиришингиз ёки хат ёзишингиз мумкин. Бошқа вақтингизни олмайман. Кечирим сўрайман. Келганимни эрингизга айтмассиз деб ўйлайман, бу масалани ўзингиз ҳал қилсангиз яхшироқ бўларди. Унинг илтифотини ниҳоятда қадрлайман. Гоятда таассуфдаман, узр.

Женни бошини эгганича жим турарди.

Мистер О'Брайен эшикка қараб юрди. Женни қўнғироқ тугмасини босганди, Жаннет меҳмонни кузатгани чиқди. Меҳмон боғдаги йўлкадан кета бошлади, Женни эса ёлғиз қолиб, кутубхонага қайтди. У даҳанини қўлига тираб ўтираркан, турк ипак гиламининг ажиб гулларида ғалати манзараларни кўрарди. Мана ўзи Веста билан қандайдир

мўъжазроқ коттежда ўтирибди. Ана Лестер, у олисда, гўё бошқа бир дунёдадек туюлади, ёнида эса миссис Жералд. Ана уларнинг улкан, ажойиб уйи ҳувиллаб қолди, уёғи эса олис йиллар, ундан уёғи эса...

Женни оғир хўрсинди-да, ўзини аранг босди, кўзларига қайноқ ёш қалқди. Сўнгра ўрнидан турди.

«Шундай қилиш керак,— деди у ичида.— Буни аллақачон бир ёқлик қилиш керак эди.— Шу заҳотиёқ отаси ўлгани эсига тушди:— Дадам ўлиб, бу кунларни кўрмагани қандай бахт-а!»

LIII БОБ

Мистер О'Брайен ташрифидан кўп ўтмай Лестер бу иши ажралишга ёки муносабатларини қонунлаштиришга олиб боришидан қатъи назар, Женни билан очиқчасига гаплашиб олди. Унинг назарида шундай қилмаса бўлмасди. Лестер мистер О'Брайен келган куни Висконсиндаги чоғроқ саноат шаҳри бўлган Хегевишга кетган, уни лифтга мўлжалланган янги мотор синовига чақиришганди. Лестер шундай моторлар чиқарадиган компанияга шерик бўлишни ўйлаб юрарди. У эртаси куни уйига қайтди-да, ҳатто Женнидан ажралиш ниятида бўлса ҳам, одатича ҳозироқ сафарини гапириб беришга ҳозирланаркан, уйдаги маъюсликдан ҳайратда қолди. Женни оқилона ва қатъий қарорга келганига қарамай ўзини босиб олишдан ожиз эди. У маъюс ҳолда ўз режаларини ўйлар, кетиши зарурлигини сира эсидан чиқармас, бироқ Лестер билан гаплашишга ботинолмайман деган хавотирда эди. Лестер билан гаплашмай кетиб бўлмасди, бунга у рози бўлиши керак эди. Женни ҳам бу иш ягона тўғри чоралигига чуқур ишонарди. Лестернинг уни деб шунчалар қаттиқ жабр тортганлигини сира ҳам ақлига сиғдира олмасди. Бутун келажаги қил устида турса-ю, шу пайтгача ғиқ этмай юрса, бу Женнини ҳайратга соларди.

Женни Лестер уйга кирганини эшитиб, ҳар маҳалгидай кулиб қарши олмоқчи бўлди-ю, аммо унчалик эплолмади.

— Ҳаммаси жойидами?— ҳар кунгидай қилиб сўради у.

— Албатта,— жавоб қилди Лестер.— Ўзингнинг ишларинг қалай?

— Ҳар маҳалгидай.

Икковлари биргаликда кутубхонага ўтишди. Лестер каминга яқинлашиб, темир косов билан кўмирни титкилаб

қўйди. Январнинг аёзли куни бўлганидан соат бешдаёқ қоронғи тушганди. Женни дераза пардасини туширди. У Лестернинг ёнига қайтиб келганида Лестер саволчан боқди.

— Негадир бугун ҳар кунгидай эмассан,— деди Лестер ундаги ўзгаришни зумда пайқаб.

— Йўғ-э, ҳеч нима бўлгани йўқ,— жавоб қилди у. Шунда лаблари титраб кетди, бу нарса Лестернинг назаридан четда қолмади.

— Менимча, сен ниманидир яшираяпсан,— деди Лестер ундан кўзини узмай.— Нима қилди? Бирор нарса бўлдими?

Женни нафасини ростлагани ва хаёлини йиғиб олгани тескари қаради. Сўнгра яна Лестерга қаради.

— Ҳа, бўлди,— тилга кирди Женни.— Сенга бир гапни айтишим керак.

— Кўриб турибман.

Лестер, гарчи бу сўзларнинг тагида жиддийроқ нарса борлигини сезиб турса ҳам, илжайди.

Женни нимадан бошлашини билмай лабини тишлаганча бирпас жим турди-да, ниҳоят гап бошлади:

— Кеча бу ерга бир одам—цинциннатилик мистер О'Брайен келди. Уни биласанми?

— Ҳа, биламан. Нима керак экан унга?

— У мен билан сен ва отангнинг васиятномаси ҳақида гаплашгани келибди.

Женни Лестернинг юзи қорайиб кетганини кўриб жим қолди.

— Сен билан отамнинг васиятномаси ҳақида гаплашиш унга нимага зарур бўлиб қолибди!— хитоб қилди Лестер.— Сенга нима деб валақлади?

— Илтимос, аччиғланма, Лестер,— Женни ўзини босмаса бир иш чиқаролмаслигини тушунганидан хотиржам гапирди.— Мистер О'Брайен менга қанчалар жабр кўраётганингни айтди, кейин жуда оз муҳлат қолгани ва сен меросдан тегадиган улушингдан айрилишинг мумкин эканидан огоҳлантирди. Ҳаракат қилишинг ва мендан ажралишинг кераклигини ўйламаяпсанми?

— Минг лаънат!— Лестер ёмон сўкинди.— Менинг ишларимга тумшуғини тиқишга қандай журъат этди! Наҳотки мени тинч қўйиш мумкин бўлмаса?— У дарғазаб ҳолда елкасини учирди.— Ҳаммасига минг лаънат!— у яна портлаб кетди.— Ҳаммасини Роберт қиляпти. Бўлмаса нега «Найт, Китли ва О' Брайен» менинг ишимга аралашади? Оҳ, уларнинг бир расвосини чиқарайки!

Лестер жуда тутаққан, юзи бўғриқиб кетган, кўзларидан учқун чатнарди.

Унинг ғазабланганидан қўрқиб кетган Женнининг тилига сўз келмасди.

Лестер бир оз ўзини босганидан кейин сўради:

— Хўш, у сенга нима деди?

— У, мабодо мени олсанг йилига ўн минг даромадинг бўлишини айтди. Олмасангу мен билан илгаригидай тураверсанг ҳаммасидан қуруқ қоларкансан. Мабодо мен билан ажрашсанг бир ярим миллион оларкансан. Шунинг учун ҳам ҳозироқ ажралишимиз кераклиги хаёлингга келмаяптими?

Женни Лестерга бу муҳим саволни бунчалик тез бермоқчи эмасди. Бироқ ҳар қанча қилмасин оғзига кучи етмай қолди. У ўша лаҳзанинг ўзида Лестер чиндан севса шартта «йўқ» дейишини ҳам тушуниб олди. Агар Лестерга бу бари бир бўлса, у иккиланади, пайсалга солади, бир ёқлик қилишни чўзади.

— Нимага, билмайман,— Лестер ғижиниб эътироз билдирди.— Аралашувга ҳам, шошилинч ҳаракатларга ҳам зарурат сезмаяпман. Улар буёққа келиб, бировларнинг ишларига тумшуқларини суқишаётгани жаҳлимни чиқараяпти!

Лестернинг лоқайдлиги, ишқий гаплар ўрнига тутақиб кетгани Женнини ниҳоятда ранжитди. Унинг учун энг муҳим нарса — бўлғуси айрилиқ эди. Лестер бўлса О'Брайеннинг келганини гапиришини қўймасди. Ўзи ҳали бир тўхтамга келмай туриб, бошқалар ишига аралашишга журъат этишганини сира ҳам унутолмаётганди. Женни бўлса, ҳаммасидан ҳам қаттиқ назар, Лестер билан шунча йил бирга турдим, қувончни ҳам, қайғуни ҳам бирга тортдим, мени қаттиқ севади, гарчи ажралишимиз зарурдай туюлса ҳам севгиси бунга йўл қўймаса керак, деб ўйлаганди. Женнини олмаган бўлса ҳам майли — бунга талай жиддий сабаблар бор эди. Ҳаммаси адойи тамом бўлган ҳозирги дамда эса ақалли айрилиқдан олдин яхши кўришини айтса бўлардику. Женни шунча йил бирга турса ҳам уни бутунлай билмайдигандай, айни чоғда эса уни тушунаётгандай туюлди. Лестер уни ўзига яраша севади. Лестер изҳори дилга қобил эмас, севгисидан гапиришни билмайди. У бир вақтлари Женнини қўлга олиб, ўзиники қилишга эришганди, бироқ энди ўртага ғов тушганда севгиси Женнини ушлаб қолишга ожизлик қилаяпти. Мана ҳозирда Лестер унинг тақдирини ҳал этаяпти. Женни эзилиб, юрак-бағри қон бўлиб кетяпти, бироқ бу сафар қарори қатъий. Лестер буни хоҳлайдими ё йўқми, Женни бу гал унинг бундай жабр тортишига йўл қўймайди. Лестер уни ташлаб кетмаса, Женнининг ўзи кетиши керак. Қолишининг энди сира ҳам ҳожати йўқ. Жавоб фақат битта бўлиши керак. Лекин Лестер наҳотки Женнига айтишга бирорта илиқ сўз тополмаса?

— Ҳаракат қилиш кераклигини ўйламаяпсанми?— гапида давом этди Женни, у ҳануз Лестер ўзини эсга олади деган умидда эди.— Жуда оз вақт қолибди-ку, ахир!

Женни сир бой бермасам бўлди деган ниятда олдидаги столда ётган китобни уёқдан-буёққа шунчаки суриб қўярди. Яна нима десин, нима ҳам қилсин? Лестернинг дарғазаб тутақишлари уни доимо ваҳимага соларди. Бироқ ҳозирда кетиш Лестер учун унчалик қийин эмас, унинг миссис Жералди бор-ку. Буни хоҳласа бас, шуни хоҳлаши шарт. Чунки унга Женнидан кўра мулки кўпроқ керак-ку.

— Бунинг ташвишини тортмай қўя қол,— деди Лестер қайсарлиги тутиб. Унинг ҳамон акаси, сингиллари, О'Брайендан жаҳли чиқаётган эди.— Вақт етади. Ҳозирча ҳеч қанақа тўхтамга келганим йўқ. Шунақа ҳам сурбетлик бўладими! Дарвоқе, буни бошқа гапиришни ҳам истамайман. Овқат тайёрми?

Лестер хаёли фақат ўзининг нафсониятига қаттиқ текканлари билангина банд бўлганидан ҳатто мулойимроқ гапирай ҳам демасди. У Женнини-ҳам, унинг севгисини ҳам мутлақо унутганди. Робертдан нафратланар, Найт, Китли ва О'Брайенларни биттама-битта ёки бирга қўшиб жонжон деб бўймини узган бўларди.

Бу гап поёнига етмаганди, шу боисдан дастурхон устида яна қўзғалди. Женни бир оз тинчиб, ўй-хаёлларини тўплаб олганди. У Веста билан Жаннетнинг олдида бемалол гапиролмаса ҳам, ҳар қалай яна бир уринib кўрди.

— Мен кичикроқ коттежни ижарага олсам ҳам бўлади,— деди Женни оҳистагина. Лестер ҳовуридан тушгандир деган умидда.— Бу ерда қолишни истамайман. Шундай каттакон уйда ёлғиз ўзим нима қиламан...

— Илтимос, бунақа гапингни йиғиштир,— Лестер шартта кесди.— Ҳозир бунақа гапга ҳушим йўқ. Шундай бўлади, деб қатъий қарор қилганимча йўқ. Ҳали ҳеч қанақа тўхтамга келмадим.

Лестер О'Брайендан жаҳли чиқиб, босиб тархашлик қилаверганди, Женни бўшашди. Веста ўгай отасини мулойим ва назокатли кўришга одатланганидан унинг ҳозирда тундлик билан чимирилган қошларига ҳайрон бўлганича қарарди.

Лестер иккиланиб турганидан Женни, хоҳласам ёнимда

олиб қолишим ҳам мумкин, деган хаёлга борди. Бироқ ўзи буни истамасди. Унда Лестерга нисбатан яхши иш қилмасди. Ўзига нисбатан ҳам хунук, шафқатсизлик, нодуруст иш бўларди.

Женни эртасига Лестерни яна бунга кўндириш пайига тушди.

— Шундай қилиш керак, Лестер, ишонавер. Сенга энди юк бўлмайман, шундай қилиш керак. Бошқача иш қилишингга ҳам йўл қўймайман.

Бу тортишув энди ҳар куни дам ётоқда, дам кутубхонада, дам нонушта устида, гарчи ҳар маҳал ҳам оғзаки бўлавермаса-да, ўртага тушиб турарди. Женни ўз хавотирини яширмасди. У Лестерни ишга солиш зарурлигига ишонарди. Лестер яхши қараб, яхши гапира бошлаганидан кейин бу ишончи янада ортди. У аниқ нима қилишини билмас, бир қарорга келишига кўмаклашмоқчидай Лестерга мўлтиллаб қараб қўярди. Ажралишганимиздан кейин Лестернинг бахтли эканини ўйлаб, мен ҳам бахтли бўламан, деб ишонтирарди ўз-ўзини. Лестер яхши одам, унда ишқий қобилиятдан бўлак ҳаммаси бор. Женни гарчи уни бениҳоя севса ҳам, Лестер уни чинакамига севмас, шунча ишлардан кейин севолмаса ҳам керак. Лестерга оиласидагиларнинг тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатганлари таъсир қилган бўлса ажаб эмас. Женни буни ҳам тушунарди. Эндиликда унга Лестер, бағоят ақлли одамлигига қарамай, ўша тилсимли доирадан чиқолмаслиги ҳам аён эди, Лестер ниҳоятда инсофли одам бўлганидан ҳаммасини шартта йиғиштириб, Женнини ташлаб кетолмайди, одоби ўзининг манфаатини ва унинг келажагини ошкора равишда ўйлашига йўл бермайди, бироқ бу бурчидир.

— Лестер, ҳал қил,— дерди у қайта ва қайта.— Менинг жавобимни бер. Нимага шубҳага тушяпсан? Менга яхши бўлади. Эҳтимол, ҳаммаси тинчигандан кейин ёнимга қайтмоқчи бўларсан. Қайтадиган бўлсанг сени кутаман ҳам.

— Ҳали бир тўхтамга келганим йўқ,— Лестер бирдай жавоб қиларди.— Сен билан ажралмоқчилигимга сира ҳам кўзим етмайди. Меросим мени қизиқтиради, албатта, бироқ ҳамма гап пулда эмас-да. Керак бўлса йилига ўн мингга ҳам кунимни кўраверараман. Буни энди кўраётганим йўқ.

— Шундоққу-я, лекин ҳозирда кўзга кўринган одамсан,— эътироз билдирарди Женни.— Ҳозир буни ўйлашнинг ҳам кераги йўқ. Ана шу уйнинг ўзигина сенга қанчага тушаётганини бир ўйлагин. Буёқда бўлса бир ярим миллион доллар турибди-я, ундан айрилиб қолишингга сира ҳам йўл қўймайман. Яхшиси ўзим кетаман.

— *Мабодо иш шунгача бориб етса, унда қайга ҳам борардинг?— Лестер қизиқсиниб сўради.*

— О, бирорта жой топган бўлардим. Кеношадан берироқдаги Сэндвуд деган кичикроқ шаҳарча эсингдами? Мен кўпинча, унда турган одам маза қилса керак, деб ўйлардим.

— Буни ўйлаш менга оғир,— Лестер ахири дош беролмади.— Бу жуда инсофсизлик бўлади. Бизга ҳамма, ҳамма қарши экан. Эҳтимол, ўшанда сенга дарҳол уйланишим керак бўлгандир. Уйланмай чакки қилган эканман-да.

Женни ҳўнграб юборай деса ҳам чурқ этмади.

— Мен бари бир иш шу билан тугамаслигига ҳаракат қиламан,— деди Лестер охирида.

Лестер, балки ҳаммаси тинчиб кетар, деб ўйлаганди. Пулни олиш керак, кейин эса... Шунга қарамай Лестернинг виждонсизлик ва найрангбозлик қилишга тоб-тоқати йўқ эди.

Улар ниҳоят гапни бир жойга қўйишди. Женни февралнинг охирларида Сэндвудга бориб, бирорта жойни танлайдиган бўлди. Лестер унга пулнинг бетига қарамасликни, ҳеч бир нарсадан зориқмаслигини айтди. Ўзи ҳам меҳмонга бориб турадиган бўлди. Ўзича эса, бошимга тушган бу оғир дамлар учун кимдир кунини кўради, деб яниб қўйди. У мистер О'Брайенни чақиртириб, яхшилаб гаплашади. Юрагини бўшатиб олиши ҳам керак-да. Кейин ўзи ҳақда бошқалар қандай фикрдалигини билиб қўйсин!

Лестернинг хаёлидан жозибадор, назокатли, ҳамма томондан баркамол миссис Жералд кетмасди. У миссис Жералдни ўйламасликка уринар, бироқ сиймосини сира кўз ўнгидан кетказа олмасди. «Шундай қилсам нима бўпти?»— деган фикр келадиган бўлиб қолди хаёлига. У февралнинг бошида бир тўхтамга келди.

LIV БОБ

Женни айтганидай «Кеношадан берироқдаги» Сэндвуд шаҳарчаси Чикагога яқинигина жойда бўлиб, шаҳар атрофига қатнайдиган поездда биру чорак соатда етиларди. У кўл бўйидаги хушманзара жойларга сочилган уч юз атрофидаги коттеждан иборат эди. Бу шаҳарчанинг одамлари унча бадавлат туришмасди. Уйлар беш минг доллардан ошмаса ҳам, кўпчилиги дид билан қурилган, улар тевара-

гидаги ям-яшил дов-дарахтлар бутун шаҳарчани ёз фаслидагидай ажиб кўрсатиб турарди. Бундан жуда кўп йиллар бурун Женни Лестер билан бу ердан қўшотли извошда ўтган, Женни ўшанда яшил дарахтлар орасидаги оппоқ қўнғироқхона ва сокин кўлда оҳиста чайқалиб турган қайиқларга ҳавас билан тикилганди.

— Мана шунақа жойларда туриш маза-да,— деганди ўшанда Женни. Лестер эса, назаримда, бу зерикарли жой, деб жавоб қилганди.

— Бир кунмас-бир кун шуёққа келишни хоҳлаб қолишим ҳам мумкин, лекин ҳозир эмас. Бу ер жуда ҳам сокин жой экан,— деганди у.

Женни Лестернинг бу сўзларини кўп марта эсга олганди. Ҳаёт кўзига жуда оғир ва машаққатли туюлган пайтларда шуни хаёлига келтирарди. Мабодо ёлғиз қолсаю маблағи бўлса, бундай ажойиб шаҳарчада туриш қандай маза эди-я. Боғчаси, товуқлари, узун таёқ учига ўрнатилган чуғурчуқ уя, теварак-атрофда гуллар, ўт-ўлан, дов-дарахтлар бўлади. Кўл томонга қараган мўъжазгина коттежда турсанг, ёз оқшомларида айвонда тикиш-чатиш қилиб ўтирсанг... Веста ҳам мактабидан қайтади. Янги танишбилишлар орттирса ҳам ажаб эмас. Гарчи Вестанинг келажаги хавотирга солаётган бўлса-да, Женнига ёлғиз ўзи яхши турадигандай туюла бошлади. У мутолаа қилишни севар, Вашингтон Ирвингнинг «Очерклар китоби», Лэмбнинг «Элия»си, Хоторннинг «Икки марта айтилган ҳикоялар»ини қайта-қайта ўқиганди. Веста уни музика соҳасидаги муваффақиятлари билан суюнтирарди. Қизчанинг музикага жуда ҳам суяги йўқ эди. Оҳанг-мақомни ҳис этиш туйғуси унга сут билан кирган, мунгли, ҳаяжонли руҳдаги қўшиқлар ва пьесаларни жуда ҳам севар, роялни яхшигина чалар ва ашула ҳам айтарди. Эндигина ўн тўртга кирганидан овози яхши очилмаганди, бироқ ашуласини эшитган одам завқланарди. Ота-онасига тортган томонлари унда ажиб бир уйғунлик касб этганди. Женнидан унга мулойим ўйчанлик ўтган бўлса, ҳаракатчанлик ва ақл бобида отасига тортганди. У онаси билан табиат, китоблар, кийим-кечак, севги хусусида оқилона суҳбатлашар, Женни қизининг қизиқишлари ортиб бораётганини кузатаркан, унга юз очаётган янги нарсалардан четда қолмасди. Қизча янги фанларни ўргана бошлагани туфайли Женни ҳам у билан биргаликда ҳозирги замон мактабини ўтар, унинг ранг-баранг программаси билан танишар, бу программада музикага ҳам, табиий тарихга ҳам ўрин берилган эди. Веста ақли ҳар нарсага етадиган ва уддабурон, унча эпчил

бўлмаса ҳамки, ўзига мустақил аёл бўладиган кўринарди. Онаси, боламнинг кўз ёши оқмайди, деб ўзини юпатар ва ундан умиди жуда катта эди.

Женни Сэндвудда танлаган коттеж бир қаватли, пастак болохонали, устунлари қизил ғиштдан ишланиб, кўк ёғоч панжара билан туташтирилган айвонли эди. Унинг бешала хонасининг ойналари кўлга қараганди. Ошхонада ойнаванд эшиклар бўлиб, каттакон кутубхонанинг жавонларига бир олам китоб кетар, бурчакдаги уч дераза ли меҳмонхонадан кунбўйи офтоб аримасди. Уй олдидаги боғчада бир неча дарахт ўсганди. Коттежнинг олдинги эгаси боғда гулпуштала р қилиб, бута ва манзарали ўсимликларга ёғоч пақирлар ҳозирлаб қўйганди. Уй оппоқ бўлиб, дераза қопқоқлари ва томи ёпилган юпқа тахтачалар яшил рангда эди.

Лестер Женнига, Хайд-Паркдаги уй ҳам ўзингда қолаверсин, деганди, Женни буни хоҳламади. Бу ерда Лестерсиз яшашни ўйлаганидаёқ даҳшатга тушарди, негаки бу уй унга жуда кўп нарсаларни эслатиб турарди-да, ахир. Женни аввалига бу уйдан ҳеч нима олишни истамади, кейин эса ҳар қалай Лестернинг маслаҳатига кириб, янги жойига керак бўладиган мебель, пардалар ва емаккона да иш берадиган кумуш асбобларни танлаб оладиган бўлди.

— Сенга кўп нарса керак бўлади,— деди Лестер.— Ҳаммасини олавер. Менга ҳеч нима керак эмас.

Коттеж ижара муддатини чўзиш ёки кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан икки йил муддатга ижарага олинди. Лестер ахири Женнидан айрилишга қарор берганидан кейин жуда сахийлик қилди, у ҳеч нарсага зориқмасин, деди. Турмушларидаги бу ўзгаришни Вестага қандай тушунтиришини ўйлаб боши қотди. Қизчани яхши кўрганидан унинг қаттиқ ўксишини истамасди.

— Баҳоргача уни бирор ёпиқ мактабга жойлаштирсакмикин?— деди Лестер бир куни Женнига.

Бироқ ўқув йили авжида бўлганидан бу фикрдан қайтишга тўғри келди. Шундан кейин Вестага Лестер иш билан Чикагодан анча муддатга кетаяпти, она-бола икковлари эса кичкинагина шаҳарчада турганлари маъқул дейишга қарор қилишди. Женни бир кунмас-бир кун қизига Лестердан ажралганини айтади, бунинг сабабини ҳам Лестердан ажралганини айтади, бунинг сабабини ҳам топиб қўяди. Женни жуда аламда эди. У Лестер оқилона иш қилаётганини тушунса ҳам, бунинг тагида тошбағирлик ётарди-да! Ҳа, Лестер уни севади, бироқ жуда оз севади.

Биз эркак билан аёл муносабатидан турмушнинг қан-

дайдир сирларини очиш пайида қулоғимизни динг қилиб юрамиз. Эркак билан аёлнинг бир-бирига мойиллигини шарт-шароит тақозоси билан гўзаллик ва севгидан бениҳоя йироқ бўлган нарсаларга қурбон қилинса борми, бундай дамлар жуда машаққатли ва оғир бўлади. Умрларининг кўп бахтиёр дамлари ўтган бу хонадондаги турмушлари барбод бўлаётганидан Женни билан Лестернинг ҳам кейинги кунларда ичларига чироқ ёқса ёримасди. Женнининг жигари пора-пора бўлар, чунки у уйим-жойим дейдиган камсуқум аёллардан эди, ўзини севишларини, ўзининг керак эканини ҳис этиб турса кифоя эди унга. У меҳру муҳаббат ва хотиралар билан тирик эди, булар бамисоли кўзга кўринмайдиган ришталардай уни сақлаб турарди. Хайд-паркдаги уй ана шундай ришталардан бири эди. Уй Женнининг оила аъзоларига, меҳру муҳаббати, ҳар бир арзимас буюмни ҳам авайлаб-асраши билан файз тўкиб турарди. Энди эса буларнинг барига қирон келганди.

Женнининг мабодо илгари шунақа мол-мулки бўлганида ҳам ҳозирда қийналиб ўтирмасди, чунки Лестерга давлати учун кўнгил бермаганди. Унинг ҳаёт ва одамларга меҳру муҳаббатида ғараз-параз деган нарса йўқ эди. Шунинг учун ҳам у хонама-хона юриб, бир жойдан гилам, бир жойдан сурат ёки столчаси билан диван ва креслоларни танлаб оларкан, бу ишни қилишга мажбур бўлаётганидан жуда эзиларди. Яна бир оз вақтдан кейин Лестер кечқурунлари уйга қайтмайдиган бўлади-я! Женнининг эрталаблари хўжасига қаҳва тайёр бўлган-бўлмаганини, емакхонада дастурхон яхши тузалган-тузалмаганини кўздан ўтказгани барвақт туришига ҳожат ҳам қолмайди. У ҳар куни столга қишки боғидаги яхши очилган гуллардан ясалган гулдаста келтириб қўяр, буни Лестер учун қилаётганини унутмасди. Энди эса гулдасталарнинг кераги ҳам бўлмайди. Лестер уларни кўролмайди. Шағал йўлдан келаётган арава ғилдирагининг тобора яқинлашаётган таниш шалдирашига ўрганиб, кечаси соат бирда ҳам, иккида ҳам қулоқ солиб ётиб, зинадаги қадам товушларидан салга уйғониб, суюниб кетадиган бўлиб қолган бир пайтингда ҳаммасига бирдан барҳам берадиган ҳижрон одамни жуда ҳам ўртаб юборади. Шу сабабдан Женни ҳам ҳар кун, ҳар соат сайин, ана шу ҳижронга тобора яқинлаб келаётганини ўйлагани-ўйлаганди.

Лестер ҳам қийналар, бироқ бошқача қийналарди. Уни рад этилиб, поймол бўлган севги эмас, балки ўз манфаатини ўйлаб яхшилик, садоқат, севгининг юзига туфураётганини кўриб-билиб тургани қийнарди. Энди ишлари юришиб кетиши аниқ. Женнини тинчитиб, орани очиқ қилганидан кейин ўз йўли билан кетаверади, давлатмандлик зиммасига юклайдиган хилма-хил ишларга боши билан шўнғийверади. Шунга қарамай Женнининг ўзига кўп яхшиликлар қилгани, яхши, хушвақт, кўркам яшаши йўлида ўлиб-тирилгани хаёлидан кетмасди. У Женнининг ҳамма фазилатларини билар ва қадрларди. Ҳозирда у Женнининг яна бир фазилатини эътироф этишга мавжур эди— Женни нолимай изтироб чека оларди. Кейинги кунларда у Лестерга бир хилда муомала қилиб, яхши ҳам, ёмон ҳам гап айтмади. Ўрнида бошқа хотин бўлганида шаллақилик қилиши турган гап эди, бироқ Женни бундай қилмади. Изтиробдалигимни сезиб қолмасин деб ўзини амалдагидан матонатли кўрсатишга ёки хушчақчақ тутишга уринмади. Хотиржам, мулойим, сезгирлигича қолаверди, режалари ва ишлари билан аввалгидай қизиқаверди, бироқ ортиқча саволлар бериб, жиғига тегмади. Лестер унинг олижаноблигидан ҳайратга тушар, қойил бўларди. Одамлар нималар дейишмасин, Женни ажойиб аёл эди. Бунчалар бебахтлиги эса ҳам ачинарли, ҳам уятли эди. Лестер айни пайтда бошқа, кенгроқ оламнинг чорловини ҳам эшитиб турарди. Бу олам ҳар маҳал ҳам меҳмондўст бўлавермасди, Лестер унинг юҳолигини эсидан чиқармаганди. Шунинг учун ҳам ўша дунёнинг даъватига қулоқ тутмай бўлармиди?

Шундай қилиб улар қўни-қўшниларнинг баъзиларига чет элга кетяпмиз, дейишди, Лестер «Аудиториум» меҳмонхонасидан жой олди, уй жиҳозларининг ортиқчаси сақлаб қўйишга топширилди. Хайд-Парк билан хайрлашув фурсати ҳам етди. Женни Лестер билан бирга Сэндвудда бир неча марта бўлди. Лестер шаҳарчани яхшилаб кўздан кечираркан, чиройли, бироқ зерикарлироқ шаҳарча экан, деган аввалги фикрида қолди. Бироқ баҳор яқинлашиб келар, Женни эса гулларни яхши кўрарди. У боғбон ёлламоқчи эди.

— Жуда соз,— деди Лестер.— Бу ерда яхши турсанг бўлди, хоҳлаган ишингни қилавер.

Лестер бу пайтда ўзининг иши билан ҳам астойдил шуғулланарди. Ишончли вакили мистер Уотсон орқали «Найт, Китли ва О'Брайен» конторасига отасидан қолган акцияларнинг ўзига тегишли қисмини фалон куни ихтиёрига беришларини хабар қилди. У, вазият мени шундай қилишга мажбур этдими, мен ҳам аёвсизликда бундан қолишмайдиган бошқа қатор чораларни кўраман, деб аҳд қилганди. У миссис Жералдга уйланса керак. «Карета трести» бошқар-

масига ҳам аъзо бўлиб киради, ҳозирда қўлида бир даста акцияси бўлганидан кейин бунга халал беришолмайди. Миссис Жеральднинг пули ихтиёрида бўлади, Цинциннатидаги акаси жуда умидвор бўлган «Трактор компанияси»ни ҳам ўз қўлига олади. Шунингдек, «Гарбий пўлат эритиш компанияси»ни ҳам четда қолдирмайди, Роберт эса бу компаниянинг бош консультанти. Ҳа, Лестернинг мавқеи кейинги йиллардаги мавқеидан тамоман бошқача бўлади!

Жennи ёлғизлик ва зерикишдан ўзини қўярга жой тополмасди. Бу уйни жуда ҳам бошқача кўрарди-да. Унга кўчиб келганларида қўни-қўшнилар чиқишган, янги ҳаётим бошланяпти, вақти келиб Лестерга тегсам керак, деб хаёл қилганди. Кейин эса кетма-кет зарбага учради, мана энди орзулари пучга чиқди, уйидан ҳам айрилди. Отаси ўлди, Жаннет ва бошқа хизматчиларига жавоб берилди, мебеллари омборга топширилди, Лестердан ҳам бенасиб бўлди.

Жennи Лестернинг энди қайтиб келмаслигини яққол тушуниб турарди. Ҳозирда иккиланиб, изтироб билан бўлса ҳамки ташлаб кетаяпган экан, ихтиёрини қўлга олиб, узоқлашиб кетганидан кейин қайтиб келишига умид қилиб бўладими? Ўзининг зарур ишлари билан бўлиб, Жennини эсидан чиқариб юборади. Шунда тўғри қилади. Жennи унга хотинликка ярамайди. Бунга ўзи кўп марта ишонч ҳосил қилган. Бу дунёда севгининг ўзигина етарли эмас, бу ҳар бир одамга равшан. Тарбия, бойлик, кўзлаган нарсасига етиша олиш ва ғаламислик деган нарсалар ҳам керак бўлади. Жennи эса бунақа нарсаларни истамайди. Бари бир қўлидан келмасди ҳам.

Ниҳоят катта уй эшиклари тақа-тақ ёпилиб, аввалги турмуш ўтди-кетди. Лестер Жennини Сэндвудга кузатиб қўйди, коттежда бир оз бирга бўлиб, яхши уй экан, бу ердаги янгича шароитга осонгина кўникиб кетасан, деб кўнглини кўтаришга уринди. Яқин орада келаман, деб ваъда ҳам берди. Шундан кейин кетиш тараддудига тушди ва айрилиқ муқаррар турганидан гаплари ҳам маънисини йўқотди-қўйди. Жennи хайрлашаётиб уни ўпди, бахт, омад, осойишталик тилади-да, ётоғига кириб кетди. Янги костюм кийиб, пальтосини қўлига ташлаб олган, бақувват ва башанг, ўзига ва давлатмандлигига ишонган Лестернинг ғиштин йўлкадан одимлаб, уйдан олислаб бораётганини деразадан кўриб тураркан, наздида ҳозироқ жони узиладигандай туюлди. Бироқ пичадан кейин Веста ичкарига бош тиққанида Жennининг кўзлари қуруқ эди. Вужудида бир зирқираш қолганди, холос. Унинг янги, Лестерсиз, отасисиз ҳаёти шундай бошланди, энди она-бола икковларигина қолишганди.

«Тақдирим ҳар қалай ажойиб экан-да!»— дерди ичида Жennи ошхонага тушиб келаркан. У уй-рўзғор ишларининг бир қисмини ўзи бажаришга қарор қилганди. Бирор нимага чалғимаса бўлмасди. Ҳадеб ўй ўйлайверса ярамайди. Веста бўлмаганида бирорта ишга жойлашарди. Ишқилиб хаёл суришга берилмасин-да, акс ҳолда жинни бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

LV БОБ

Кейинги бир ёки икки йил ичида Чикаго, Цинциннати, Кливленд ва бўлак шаҳарлардаги ишбилармандлар ва оқсуяклар доирасига мансуб кишилар Лестер Кейн қаддини ўзига хос равишда ўнглаб олганининг гувоҳи бўлишди. Лестер Жennи билан бирга турган пайтда кўп одамлар ва талай ишлардан четлашиб, уларга қизиқмай ҳам қўйганди. Мана энди Жennи билан орани очиқ қилганидан кейин бели бақувват ҳолда яна майдонда пайдо бўлиб, ўз кучига ишонган одам сифатида ҳар қанақа ишга аралаша бошлади ва тез орада савдо-сотиқ ҳамда молиявий соҳада обрў-эътибор қозонди. Тўғри, унинг ёши ўтиброқ қолганди. Баъзи бир жиҳатларда у илгариги Лестер эмасди. У Жennига йўлиққунга қадар мағлубият нималигини билмайдиган одамларга хос бўлган томони — ўз кучига ишониши билан ажралиб турарди. Бадавлат хонадонда тарбия топиб, йирик корхоналар билан — уларни яратганинг учун эмас, балки ўзингни уларнинг бир қисми ҳис этиб, бир туғишганингдек муомала қилганингда жамиятнинг одамни алдаб қўядиган нурли томонинигина кўриб ҳар қандай каллали одам ҳам, доимо шундай кетавераман, деб талтанглаб қолади-да. Ўзимиз кўрмаган, бошимиздан кечирмаган нарсани тасаввур қилиш мушкул-ку, ахир. Биз қандай кучлар яратганини билмаганимиздан кейин олам кўзимизга абадий ва мустаҳкам кўрингандай Лестерга ҳам бу дунё абадий ва мустаҳкам туюларди. Боши узра қора булут тўпланиб, довулда қолиб, аҳли жамиятнинг ғазабига дучор бўлганидан кейингина Лестер ўзига ортиқча баҳо бериб юборганини, шахсий истакларию қарашлари жамият фикри олдида ҳеч нимага арзимаслигини, ўзининг ноҳақлигини тушунди. Назарида немислар Zeitqeist дейдиган замон руҳи ўша тузумни ёқлаётган, жамиятимиз одамнинг ақли бовар қилмайдиган даражада сирли қилиб

тузилгандек эди. Бу жамият билан якка ўзи олишолмасди. Унинг чизган чизиғидан чиқолмасди. Замондошлари бундай ижтимоий тузумни зарур санашарди, Лестер ҳам унинг қонунларини бузган одам осонгина чеккага чиқиб қолишига ишонч ҳосил қилди. Ундан ҳамма — ота-онаси ҳам, сингиллари, таниш-билишлари, дўстлари ҳам юз ўгиришди. Е парвардигори олам! Лестернинг қилмиши барчанинг ғазабини қўзғади-я! Тақдирнинг ўзи Лестерни жазолашга қарор қилгандай кўринарди. Унинг ер-мулк савдоси бобидаги уринишлари ёмон барбод бўлди. Нимага? Наҳотки худо у писанд қилмаган жамиятни ёқлаётган бўлса? Буниси аён. Ҳар қалай Лестерни таслим бўлишга мажбур этишди, мана энди у яна ўзининг аввалги жойида, ғайрат ва шижоати қайнаган, бошига тушган кўргиликлардан сал уринганига қарамай анча йирик ва гапи кесадиган одам.

Лестер узоқ олишувдан кейин ён берган бўлса ҳам бу нарса бекароҳат кетмади — қаҳри қаттиқ бўлиб қолди. Умрида биринчи марта хунук ва беўхшов ишга ундашаётганини сезиб турарди. Женни бахтли яшашга муносиб аёл эди. У билан шунча ҳаловат топиб, энди ташлаб кетиш шармандаликдан бошқа нарса эмасди. Олижанобликда Лестердан ўтиб тушганини айтмайсизми. Энг муҳими, Лестер ноилож қолдим, деб ўзини оқлаёлмасди. Йилига ўн минг даромад билан бемалол яшаса бўларди. Ҳозирда қўлга киритган бир ярим миллионнисиз ҳам очидан ўлмасди. Ҳанузгача ўз мафтункор кучини йўқотмагани маълум бўлган оқсуяклар жамиятисиз ҳам куни ўтаверарди. Шундай қилса бўларди, бироқ буни истамади ва бошқа аёл ўйида баттар гуноҳга ботди.

Унинг Женнидан нимаси яхши? Мана шу масала Лестерга доимо кўндаланг бўларди. Саховатлироқми у? Лестерни хотини санаши керак бўлган аёлдан очиқдан-очиқ тортиб олишга уринмадими, ахир? Шуниси яхшими? Кўнгли кенг одам шунақа иш қиладими? Пировардида, ўзи Лестернинг кўнглидагидай аёлми? Эҳтимол, унга уйланмаслиги керакдир? Юридик жиҳатдан бўлмаса ҳам, маънавий жиҳатдан Женнига боғлиқ бўлганидан, эҳтимол, умуман уйланмаслиги керакдир? Лестер қанақа эр ҳам бўларди? Бу фикрлар Лестерга тинчлик бермас, чатоқ ва хунук иш қиляпман, деган ўйдан сира ҳам кутулолмасди.

Лестер ўзининг моддий манфаатини ўйлаб чакки иш қилди, энди эса маънавий жиҳатларини ишга солишга тайёр эди. У иккинчи хатоси билан биринчисидан тўғрилamоқчи эди. Бироқ у Лестерни қониқтирармикин, моддий

ва маънавий нуқтаи назардан ўзини оқлармикин, руҳий осойишталик бағишлармикин? Лестер ўзини янгича ҳаётга, тўғрироғи, янгича шароитга мослаш билан овора бўларкан, шуни зўр бериб ўйлар, бироқ тинчлиги йўқ эди. Бунинг ўрнига баттар бўлар, тундлиги, қасоскорлиги ортиб борарди. Гоҳо, мабодо Леттига уйлансам ҳам белимни бақувват қилиб олиб, душманларимнинг додини бергани уйланаман, деб ўйларди-ю, бунақа хаёлга боргани учун ўзидан нафратлана бошларди. У «Аудиториум» меҳмонхонасида турар, Цинциннатига бошқарма мажлисига бориб, ўзини кибрли ва баланд тутарди. У ички парокандалик ва оламдаги барча нарсалардан ҳафсаласи пир бўлганидан қийналарди. Бироқ Женни билан аввалгидай учрашиб турмасди.

Миссис Жералд Лестер ҳаётидаги янги ўзгаришни зўр қизиқиш билан қаршилади, албатта. Одоб юзасидан пича сабр қилиб, гўё Лестер бошқа жойга кўчиб ўтганидан бехабардай Хайд-Паркдаги уйига хат йўллади. Унда: «Қаерларда яшириниб юрибсиз?»— деб сўраганди. Лестер бу пайтда ҳаётида юз берган ўзгаришга энди-энди кўникиб келаётганди. Ўзига-ўзи, бирорта аёл билан дардлашиб, кўришиб турсам ёмон бўлмасди-да, дерди. Теварак-атрофдагилар Лестер якка тургани ва молиявий ишлари жўнашиб кетганидан хабар топганларидан кейин меҳмондорчиликларга айтиша бошлашди. Лестер шаҳар атрофидаги бир неча хонадонларда меҳмонда бўлиб, ҳар сафар япон хизматкорини олиб борди. Бу ҳозирда яна бўйдоқлигининг энг яхши белгиси эди. Энди ҳеч ким Лестернинг илгариги қилмишларидан оғиз очмасди.

Лестер миссис Жералднинг мактубини олганидан кейин уни бориб кўришга қарор қилди. У миссис Жералд олдида гуноҳкор эди, чунки кейинги ойларда, то Женни жўнаб кетгунга қадар унинг уйига қадам ҳам босмаганди. Бироқ у ҳозирда ҳам шошилмасди. Миссис Жералд орадан бир оз фурсат ўтказиб телефон орқали знёфатга таклиф қилди, шундан кейин ниҳоят борди.

Миссис Жералд меҳмоннавоз бекаликни жуда ўрнига қўйди. Унинг меҳмонлари орасида пианиночи Альбони, ҳайкалтарош Адам Раскевич, инглиз олими сэр Нельсон Киз, шунингдек, мистер ва миссис Берри Дож ҳам бор эди. Лестер эр-хотин Дожлар билан, йўл-йўлакай кўзи тушиб турганини айтмаганда, кўп йиллардан бери кўришмаганди. Лестер уй бекаси билан бир-бирларини жуда яхши тушунадиган ва бирга бўлишдан суюнадиган кишилардай, қуюқ сўрашишди.

— Уялмайсизми, сэр?— деди миссис Жералд Лестер

остонада кўриниши биланоқ.— Одам эски қадрдонларини ҳам унутадими? Бунинг учун жазонгизни тортасиз.

— Жуда ҳам банд эдим,— жавоб қилди Лестер.— Хўш, қандай жазо кутаяпти мени? Тўқсон дарра егар дейман?

— Тўқсон дарра — камлик қилса керак!— эътироз билдирди миссис Жералд.— Сиз осонгина қутулмоқчисиз. Эсимдан чиқибди, Сиамда жиноятчиларни қандай жазолашарди?

— Уларни қайнаб турган ёққа ташлашса керак-да.

— Бу унчалик эмас. Мен сизга бирорта даҳшатли қатл топаман.

— Топганингиздан кейин менга хабар қилинг,— Лестер кулиб юборди.

Шундан кейин меҳмонларни кутиб олишда бекага қарашаётган миссис де Линкум уни таниқли ажнабийларга таништиргани олиб кетди.

Суҳбат қизиб кетди. Лестер бунақа пайтда ўзини сувдаги балиқдай сезганидан тобора бардам тортиб борарди. У ўгирилиб қараркан, ёнида Берри Дож ўтирганини кўриб қолди.

Дож мулойимлик билан иршайди.

— Маконинг қаерда ўзи?— деб сўради у.— Сени кўрмаганимизга қанча бўлгани ҳам эсимда йўқ. Миссис Дожнинг ёнига борайлик, у сен билан гаплашмоқчи.

— Ҳа, анчадан бери кўришмадик,— Лестер охирги марта учрашганларини ва ўшанда Дож бугунгидан бошқачароқ гаплашганини эсларкан, бамайлихотир жавоб қилди.— «Аудиториум»да турибман.

— Мен бўлсам яқиндагина сени суриштирувдим. Жексон Дюбуани танийсанми? Уни, албатта, танийсан. Хуллас у билан Канадага ов қилгани бормоқчимиз. Биз билан бирга бормайсанми?

— Ҳозир боролмайман,— жавоб қилди Лестер.— Ҳаддан ташқари бандман. Бошқа сафар жон деб бораман.

Дож ёнидан кетмасди. У яқиндагина Лестер яна бир компаниянинг бошқармасига сайланганини газетада ўқиганди. Чамаси иши яна юришиб кетган кўринади. Бироқ шу пайтда дастурхонга таом тортилганини айтиб қолишди. Лестер миссис Жералднинг ўнг томонига тушиб қолди.

— Уйимга норасмийроқ келиш ниятингиз йўқми?— дастурхон атрофидаги суҳбат анча қизиб қолганда миссис Жералд овозини пастлатиброқ сўради.

— Бор,— жавоб қилди Лестер,— жуда яқин орада. Ростини айтсам, анчадан бери келмоқчийдим. Бироқ ҳозир ишларим қандай аҳволдалигини биласизми?

— Биламан. Кўп нарсаларни эшитдим. Шунинг учун ҳам келсангиз дейман. Бир гаплашишимиз керак.

Лестер ўн кундан кейин миссис Жералдникига келди. Миссис Жералдни тусаб қолди кўнгли. Зерикканидан ўзини қайга қўйишни билмасди. Женни билан узоқ йиллар битта бошпанада турганидан меҳмонхонада энди бўлари бўлаётганди. Ким биландир дардлашгиси келар, бу ердан бошқа қаерга ҳам бора оларди? Летти ҳам унга тасалли беришни истарди, холос. Ўзига қўйиб берса борми, уни бағрига босиб, худди боладай бошини силашга тушган бўларди.

— Хўш,— деди Лестер одатлари бўйича ҳазил-ҳузул қилганларидан кейин,— мендан қанақа изоҳ кутаяпсиз?

— Лўкидонингиздан қутулдингизми?— сўради миссис Жералд.

— Оҳ, билмайман,— Лестер ўйчан жавоб қилди.— Бу ишларнинг бари мени хурсанд қилди, деб айтолмайман умуман.

— Ўзим ҳам шундай ўйловдим,— миссис Жералд хўрсиниб қўйди.— Сизни биламан-ку. Қўнглингиздан кечган нарсаларни тасаввур қила оламан. Сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатдим ва фақат бир нарсани — руҳан осойишта бўлишингизни истадим. Бунақа нарсаларга қийинчилик билан эришилади, бироқ мен буёғи яхши бўлишига ишонаман. Илгариги ҳаётингиз сизга муносиб эмасди. Сиз унга бари бир дош беролмасдингиз. Бамисли чиғаноқдай ўз қобиғингизда яшашингиз мумкин эмас. Менга ўхшаб сиз ҳам бунақа турмуш учун яратилмагансиз. Сиз қилган ишингиздан афсусланасиз, бироқ буни қилмаганингизда борми, кўпроқ афсусланардингиз. Ҳа, бунақа ҳаётни давом эттира олмасдингиз, ё гапим нотўғримми?

— Очиғини айтсам, билмайман, Летти. Мен кўпдан бери уйингизга келмоқчийдим-у, лекин ҳаққим йўқ деб ҳисоблардим. Ташқи кураш тугади — гапимни тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— деди миссис Жералд мулойим ҳолда.

— Бироқ дилимдагиси давом этяпти. Ҳали ҳаммасининг тагига етганимча йўқ. Молиявий мавқеим қанчалар қўл-оёғимни боғлаётгани менга аён эмас. Сизга очиғини айтсам, уни севиш-севмасимни ҳам билмайман. Аммо унга ачинаман, бу эса ҳазил гап эмас.

— Уни яхшилаб таъминлаб қўйгандирсиз, албатта.— Миссис Жералднинг бу гапи саволдай эмас, балки йўл-йўлакай гапдай эшитилди.

— Албатта. Бироқ Женни бўлакча одам. Унга кўп нар-

са керак эмас. Табиатан рўзғорбоп, ташқи жимжимадорликка хуши йўқ. Унга Сэндвуддан, кўл бўйида, Чикагонинг шимол томонидан ижарага коттеж олиб бердим. Лекин у хоҳлаган жойида тура олишини билади. Ихтиёрига берилган маблағ етарлича.

— Унинг ҳолини тушунаман, Лестер. Сизнинг ҳам. Дастлабки пайтларда у жуда қаттиқ алам тортади, ҳаммамиз ҳам севган кишимиздан айрилганимизда изтиробда қоламиз. Бироқ ҳаммаси ўтиб кетади, одамлар кунларини кўришаверади. Женни ҳам шундай бўлади. Аввалига унга жуда оғир бўлади, кейин эса тинчиб, сизни яниб ҳам юрмайди.

— Женни мени сира ҳам ёзғирмайди, буни биламан,— эътироз билдирди Лестер.— Ўзимдан-ўзим анча пайтгача ўпкаланиб юраман. Мен шунақа одамман. Ҳозирги нотинчлигимга эса одатимми ёки чуқур севгим, сабабчими, ўлай агар, буни билмайман. Гоҳида оламдаги энг пўнгбош одамга ўхшайман. Нуқул хаёл сураман.

— Бечора Лестер!— деди миссис Жералд мулойимгина.— Мен-ку сизни тушунаман-а. Меҳмонхонада ёлгиз ўзингиз зерикяпсизми?

— Жуда ҳам,— жавоб қилди Лестер.

— Уч-тўрт кунга Вест-Баденга кетсангиз бўлмайдими? Мен ҳам ўша ёққа бораман.

— Қачон?— сўради Лестер.

— Келаси сешанбада.

— Бирпасгина сабр қилинг,— деди у.— Ҳозир кўрамиз.— Лестер ён дафтарини варақлади.— Мен пайшанбада, бир неча кунга бора оламан.

— Жуда яхши. Сиз одамлар орасида бўлишингиз керак. У ерда айланамиз, гаплашамиз. Демак, борасиз-а?

— Бораман.

Миссис Жералд узундан-узун оч пуштиранг кўйлагининг этагини судраганича унга яқинлашди.

— Бунчалар кўп ўйлаш керак эмас, сэр,— деди у бамайлихотир.— Сиз албатта илдизигача тушунишингиз лозим. Бунинг нима кераги бор? Айтгандай, илгаридан ҳам шунақа эдингиз ўзи.

— На чора,— жавоб қилди Лестер.— Ўйламаслик қўлимдан келмайди.

— Хўш, мен битта нарсани биламан.— У Лестернинг қулоғидан салгина чимчилаб қўйди.— Яхши туйғуларингиз иккинчи бора хато қилишингизга мажбур этолмайди. Бунга йўл қўймайман,— дадил қўшимча қилди у.— Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб, нима қилишингиз борасида бир қарорга келмаганунгизгача эркин-озод бўлишингиз зарур. Бошқача иложи йўқ. Мен эса ишларимни қўлга олишингизни илтимос қилмоқчиман. Менинг ишончли вакилимдан кўра сиз анча қимматли маслаҳатлар бера оласиз.

Лестер ўрнидан туриб, дераза олдига борди-да, миссис Жералдга зимдан тикилди.

— Сизга нима кераклигини биламан,— деди у тунд ҳолда.

— Нимага ҳам буни хоҳламас эканман?— сўради миссис Жералд яна Лестерга яқин келиб. Унинг қарашида илтижо ҳам, даъват ҳам мужассам эди.— Нимага энди хоҳламай?

— Нима қилаётганингизни ўзингиз билмайсиз,— Лестер дўнғилласа ҳам ундан кўзини олиб қочмади. Миссис Жералд ҳозирда унинг қаршисида ақлли, сергак, қалби ҳамдардлик ва севгига тўлиқ ҳолда бор жозибасини кўз-кўз қилиб турарди.

— Летти,— деди Лестер,— сиз бекорга менга тегишни истаяпсиз. Мен бунга арзимайман, ишонинг. Мен совуқ, ўлгудай нўноқ одамман. Бу ишдан наф чиқмайди.

— Менимча, чиқади,— миссис Жералд бўш келмади.— Мен қанақа одамлигингизни биламан. Ҳаммаси менга бари бир. Сиз менга кераксиз.

Лестер унинг қўлидан ушлаб, ўзига тортди-да, бағрига босди.

— Бечора Летти!— деди у.— Мен бунга арзимайман. Мана кўрасиз — кейин афсус қиласиз.

— Йўқ, афсус қилмайман,— эътироз билдирди миссис Жералд.— Нима қилаётганимни биламан. Ўзингиз ҳақингизда қанақа фикрдалигингиз менга бари бир.— Миссис Жералд ёноғини унинг елкасига босди.— Сиз менга кераксиз.

— Сиз жиловимни қўлингизга оляпсиз ишқилиб,— Лестер шундай дея энгашиб уни ўпди.

— Оҳ!— миссис Жералд юзини Лестернинг кўксига босди.

«Яхши эмас,— деди ичида Лестер уни қучоқларкан,— бунақа қилмаслик керак эди».

Шундай бўлса ҳам Лестер уни бағридан бўшатмади, миссис Жералд бошини кўтариб, яна интилганида, қайта-қайта ўпди.

LVI БОБ

Лестер баъзи бир ҳолатларнинг таъсири бўлмаганида вақти келиб Жennининг ёнига қайтса ҳам ажаб эмасди. Ўзига тегишли мулкни бошқаришни қаттиқ қўлга олиб ва бошқалар тинчишини пойлаб туриб, дипломатик усталикка борса бўлишини ва Жennи билан муносабатларини у ёки бу шаклда янгилаш мумкинлигини яхши тушунарди. Бироқ бунда тубан қоидага амал қилиши — ҳатто бу ҳақда бирон жойда очиқ айтилмаган бўлса ҳам, зиммасидаги мажбуриятни бажариши лозим эди. Бунинг устига у миссис Жералд билан турмуш қуриш ўзига катта имкониятлар очиб беражагини сира ҳам хаёлидан кетказа олмасди. Жennига дилдан интилса ҳам, оқсуяклар жамиятининг энг кўркам вакилаларидан бўлмиш миссис Жералднинг мавқеи билан бойлиги катта куч эканини тушуниб турарди. Хаёлида бу икки аёлни бир-бирига қиёсларди. Бири — назокатли, ўқимишли, кўркам, зодагонча муомалани ўрнига қўядиган ва истаган нарсасига етишмоқ учун давлати етарли аёл. Иккинчиси — самимий, севадиган, меҳрибон, ўзини зодагонча тутишни билмаса ҳам ҳаёт гўзаллигини ва инсондаги барча гўзал томонларни бошқалардан зўрроқ сеза оладиган аёл. Миссис Жералд буни тушунар ва эътироф ҳам этарди. У Лестернинг Жennи билан алоқасини қоралаганда Жennини танқид қилмасди, балки Лестернинг мартабаси ошишида бу иш белга тепишини уқтирарди. Лестернинг миссис Жералд билан турмуш қуриши эса бошқа гап. Бунда Лестернинг дилидаги барча ниятлари тўла-тўкис рўёбга чиқади. Ҳа, унда ҳар жиҳатдан яхши бўлади. Лестер шунда худди Жennи билан бахтли яшагандай яшайверади, бунинг устига Ўрта Ғарбдаги киборлар ва молиячилар доирасида энг йирик шахс эканлигидан хурсанд ҳам бўлади. Шунда унинг моддий муаммолари ҳам ғоятда муваффақиятли тарзда ҳал бўлади. Лестер бу ҳақда кўп ва жиддий бош қотирди, пировардида бу ишни чўзиб, пайсалга солиб юришдан фойда йўқ, деган қарорга келди. Жennини ташлаб, унга ёмон озор етказиб бўлди. Энди бунинг устига яна бир марта озор етса бари бир эмасми? Жennи ҳар тарафлама таъминланган, Лестердан бошқа ҳамма нарсаси бор-ку. Ўзи, ажралишимиз керак, дерди-ку. Лестер шу тариқа бир изга тушмаган ва чалкаш тирикчиликдан зерикиб, ўзини оқлаш йўлини топди ва аста-секин, яна уйланишим керак, деган фикрга кўника бошлади.

Лестернинг миссис Жералд билан мунтазам равишда кўришиб туриши Жennи билан қайтадан топишишига жиддий халал берди. Ҳаммаси атайлаб бўлаётганга ўхшар, Лестерни маънавий парокандаликдан эндиликда фақат миссис Жералднинг ўзи қутқариши керак эди. Лестер ҳозирча ёлғиз турар, вақти-вақти билан меҳмонга бориш имкониятига эга эди-ю, лекин бу уни унча қизиқтирмасди, Лестер ўзига ёққан кишиларни мустақил равишда атрофига йиғиб олиш масаласида унчалар эпчил эмасди. Миссис Жералд учун эса бу арзимаган иш эди. Бу иш икковларига жуда осон бўларди. Улар қаерда туришга жазм этишмасин, уйларидан ажойиб одамлар аримаган бўларди. Лестер меҳмонлар орасида кўриниб, суҳбатлардан завқланиб ўтираверарди. Летти Лестерга қанақанги ҳаёт тарзи маъқул келишини жуда яхши билади. Унга ҳам Лестерга хуш келган одамлар ёқади. Икковларининг қарашлари кўп жиҳатдан бир бўлганидан турмуш қуришса борми, кунлари ҳам ширин ўтарди-да.

Қўйингчи, Лестер миссис Жералд билан бир неча кунни Вест-Баденда ўтказди, Чикагода эса зиёфатлар, сайрлар ва зодагонларнинг йиғинлари борасида ихтиёрини унинг измига топшириб қўйди. Унинг уйида ўзини хўжайиндай тутар, миссис Жералднинг ўзи худди шунга интиларди. У Лестерга ўзининг ишларидан батафсил гапириб берар, у ёки бу масалада маслаҳати нима учун керак эканини ҳам тушунтирарди. Миссис Жеральд Лестернинг ёлғиз ўзи хаёлга ботганича узоқ ўтиришини хоҳламасди. Лестер ҳам кўнглини ёзгани, яйрагани, ташвишлардан дам олгани миссис Жералднинг уйига йўл оларди. Миссис Жералднинг уйида кўп одамларни учратади, шу тариқа, таниш-билишлар орасида булар турмуш қуришмоқчи деган гап айланиб қолганди. Лестернинг Жennи билан алоқаси кўп миш-мишларга сабабчи бўлганидан Летти тўйни дабдабали қилмасликка жазм этди. Газетада бу ҳақда қисқагина хабар чиқса бас, пича ўтгач, ҳаммаси тинчиб, миш-мишлар барҳам топгандан кейин Лестернинг обрўси учун зиёфатлари билан шаҳардагиларнинг барини қойил қолдирадиган бўлди.

— Апрелда турмуш қуриб, ёзда чет элга кетсакмикин?— деб қолди бир куни миссис Жералд Лестерга. Никоҳдан ўтажаклари ҳал бўлганига миссис Жералд ҳам, Лестер ҳам шак-шубҳа қилишмасди.— Японияга борамиз. Кузда қайтиб, соҳилдан бирор уйни ижарага оламиз.

Лестернинг Жennи билан ажралишганига анча бўлган ва эндиликда виждони илгаригидай қийнамасди. Бироқ

Виждон садоси бутунлай тинмаган, Лестер эса уни босишга интиларди.

— На чора,— деди у ярим ҳазилдай қилиб,— фақат дабдабасиз бўлсин, илтимос.

— Розимисан, азизим, ростми шу?— деб юборди миссис Жералд Лестерга хурсанд тикиларкан. Бу гапгача улар оқшомни китоб мутолаа қилиб ва гурунглашиб, хотиржамгина ўтказишаётган эди.

— Буни етарлича узоқ ўйладим,— жавоб қилди у,— пайсалга солишнинг сабабини кўрмаяпман.

Миссис Жералд яқин келиб, унинг тиззасига ўтирди-да, қўлини елкасига қўйди.

— Буни сенинг оғзингдан эшитганимга ишонгим келмаяпти,— деди у Лестерга ҳайрат ила боқиб.

— Нима, гапимни қайтиб олайми?

— Йўқ, йўқ! Демак, апрелда. Кейин Японияга жўнаймиз. Энди фикрингдан қайтолмайсан. Ҳеч қанақа дабдаба ҳам бўлмайди. Бироқ шунақанги сеп тайёрлаттирайки, жоним!

Миссис Жералд Лестернинг сочини тўзғитди. Лестер сал малол келгандай илжайди. Унинг ҳозирги беғубор бахтиёрлигида нимадир етишмасди. Бунга ёши ўтинқираб қолгани сабабчи бўлса ҳам ажаб эмасди.

LVII БОБ

Женни бу пайтда бундан-буён кунлари кечиши лозим бўлган янгича шароитга аста-секин кўникиб борарди. Аввалига унга Лестерсиз яшаш жуда ҳам даҳшатли бўлди. Женнининг ўзи ҳам тенгги топилмас инсон эди, бироқ Лестерга бутун вужуди билан чамбарчас боғланиб кетганидан буларни боғлаб турган ришталарни узиш ҳам, чигилни ечиш ҳам мушкул эди. Женни гўё ажралишмагандай хаёлан доимо Лестер билан бирга эди. У ҳозир қаердайкин? Нима қилаётганикин? Нима деяётганикин? Ранги-рўйи қанақайкин? Женни эрталаблари Лестер ёнимда ётибди деган хаёлда уйғонарди. Кечқурунлари эса у келмагунча кўзи уйқуга кетмайдигандай туюларди. У тез орада қайтиши керак... Оҳ, йўқ, у ҳеч қачон қайтмайди... Ё худойим, буни қаранг-а! Сира ҳам қайтмайди. Женни эса уни соғиняпти.

Женни энди турмушда майда-чуйдага ҳам эътибор беришга мажбур эди. Бу иш эса осон эмас, чунки ҳаётидаги ўзгариш аламли ва оғир кўчарди. Ҳаммасидан ҳам рўй

берган ўзгаришни Вестага бир амаллаб тушунтириш лозим эди. Қизчанинг энди кўп нарсага ақли етар ва талай нарсаларни хаёлига келтирар, энди унинг шубҳалари ва тахминлари ҳам бор эди. Веста ўзи туғилганида онаси эрга тегмаганлиги ҳақидаги гапларни эслади. Ўз вақтида Женни билан Лестернинг романтик воқеаси тасвир этилган якшанбалик газетани кўрган, уни мактабдагилар қўлига тутқизишганди. Шунда ҳам у ақллилик қилиб, бу гапни уйидагиларга айтмаганди. Бу гап ойисига хуш келмаслигини сезганди. У Лестер кўринмай кетганидан бениҳоя ажабланди. Бироқ кейинги икки-уч йил ичида онаси жуда ҳам кўнгилчан аёллигига ва уни салга ранжитиб қўйиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилганди. Шу сабабдан ҳам у ҳеч нарсани суриштирмай юрарди. Женнининг ўзи қизига Лестер мабодо уларни ташлаб кетмаганида мулкидан айрилиб қолиши мумкин эканини, чунки ўзининг ижтимоий мавқеи Лестердан пастроқ туришини тушунтирди. Веста буни хотиржам ҳолда эшитса ҳам, тўғрилигига шубҳа қилди. Онасига жуда ҳам раҳми келди, унинг қанчалар эзилганини кўриб-билиб турганидан ўзини жуда бардам ва хушчақчақ тутишга ҳаракат қила бошлади. Ёлиқ мактабга боришдан мутлақо бош тортди, иложи борича онасининг ёнидан кетмасликка уринарди. Овоз чиқариб ўқиш учун жуда қизиқ китобларни танлар, ойисига театрга борайлик, деб ялинар, унга рояль чалиб берар, расмларни кўрсатиб фикрини сўрарди...

Лестер жўнаб кетгач дастлабки пайтларда Женнига хат ёзмади. Бир ой ундан дарак бўлмади, кейин унга хатида бошигача ишга кўмилганини, Чикагодан бир неча марта жўнаб кетганини (бу рост эди), келгусида у ерда ондасонда бўлишлигини хабар қилди. Вестани, Сэндвуддаги кунлари қандай ўтаётганини суриштирган ва: «Яқин орада уйларингизда бўлсам керак»,— деганди у хатида, лекин аслида Лестернинг бундай нияти йўқ эди, Женни буни дарҳол тушунди.

Бир ойдан кейин Лестер Женнига яна хат ёзди, энди унинг хати қисқагина эди. Женни унинг биринчи хатига жавоб ёзганида кунлари қандай ўтаётганини батафсил ҳикоя қилганди... «Мени бебахт деб ўйламагин,— деб ёзганди у,— бу нотўғри. Тўғри иш қилганимизга ишончим комил, бошқача бўлганида бахтли ҳам бўлмасдим. Сен ҳаётингни иложи борича ўзингга яхшироқ бўладиган қилиб қур. Сен улкан бахтга сазоворсан, Лестер. Сен нимаики қилсанг мен учун яхши бўлаверади. Мен олдиндан розиман»...

Женни бир куни эрталаб газетани кўздан кечираркан дунёвий киборлар олами ахборотлари бўлимида берилган ушбу хабарни ўқиди:

Сешанба куни миссис Мальколм Жералд ўзининг 4044-Дрексел хиёбонидаги уйида йиғилган яқин дўстларига цинциннатилик марҳум Арчибальд Кейннинг кичик ўғли Лестер Кейн билан унаштирилганини билдирди. Тўй апрелда бўлади.

Газета Женнининг қўлидан тушиб кетди. У бир неча дақиқа бир нуқтага тикилганича ўтириб қолди. «Наҳотки шундай бўлса?— деб ўйларди у.— Наҳотки шундай бўлди?» Женни шунақа бўлишини биларди, бироқ ҳар қалай... ҳар қалай умид қиларди. Нимага умид қиларди, нимага? Лестерга, мени ташлаб кетавер, деб ўзи тиқилинч қилмаганмиди, ахир? Шунда яхши бўлади деган ўзи эмасмиди? Мана энди шу иш бўлди. Женни энди нима қилсин? Шу ерда қолиб, Лестернинг пулини еб ётаверсинми? Йўқ, асло бундай бўлмайди! Лестер эса унинг ихтиёрига анчамунча маблағ бериб қўйганди. Ла-Саль-стритдаги банкда етмиш беш минг долларли темир йўл акцияси сақланар, ундан йилига келадиган тўрт ярим минг доллар миқдоридаги даромад шахсан Женнига тўланарди. Женни бу пулдан бош торта олармиди? Вестани ҳам ўйлаши керак-ку, ахир.

Женни ўзини қаттиқ таҳқирланган ҳис этди, лекин ўша заҳоти аччиғланиш тентаклик бўлишини тушунди. Унинг боши сира кулфатдан чиқмай келяпти. Умрининг охиригача шундай бўлса керак. Ўз кунини ўзи кўриб, нонини топиб ейди ҳам дейлик, хўш, бунинг Лестерга нима илиқ-иссиғи бўлади? Миссис Жералдга-чи? Женни ана шу кичкина шаҳарчада тўрт девор орасида ёлғиз ўзи ўтираверади, Лестер эса кенг-кўлам дунёда бемалол, маза қилиб юраверади. Бу яхшимас, ноинсофлик. Аммо йиғининг нима кераги бор? Нимага?

Женнининг кўзлари қуруқ бўлса-да, дили йиғларди. У шошилмай ўрнидан қўзғалди-да, газетани чамадоннинг тагига жойлаб, қулфлаб қўйди.

LVIII БОБ

Миссис Жералдга унашилганидан кейин Лестер янгича ҳаётга тез кўника бошлади. Ҳа, ишлари жўнашиб кетяпти, бу шак-шубҳасиз. У Женнига жуда ачинарди. Миссис Жералд ҳам унга ачинар, бироқ шунда Лестерга ҳам, ўша шўрлик аёлга ҳам яхши бўлади, деб ўзига тасалли берарди. Лестер анча бахтли бўлади, бу ҳозирданоқ аён. Женни эса вақти келиб ақл билан фидойилик қилганини тушуниб олади, ўзининг олижаноблигидан қувониб юради. Олдинги эридан кўнгилсиз миссис Жералднинг эса боши осмонда эди. Кечроқ бўлса ҳам қизлигидаги орзулари ушалди-да! Унинг назарида Лестер билан бирга яшашга ҳеч нима баравар бўлолмасди. Икковлари энди кўп мамлакатларга боришади, ажойиб нарсаларни тамоша қилишади! Келаси йил қишда янги миссис Лестер Кейн бутун шаҳарликларни бал ва зиёфатлари билан лол қолдиради! Япония эса... Бу мамлакатга сафарлари ажойиб бўлажагини ўйлаганида юраги арзиқиб кетарди...

Лестер билан Леттининг никоҳи ўн бешинчи апрелда миссис Жералднинг уйида бўлди. Уларнинг никоҳини католик руҳонийси ўқиди. Лестер черковга қатнайдиган художўйлардан эмасди, албатта. У дахрий бўлса ҳам черков қаноти остида ўсиб-улғайдим, шунинг учун ҳам черков никоҳидан ўтишдан бўйин товламай қўя қолай, деб аҳд қилди. Бу маросимга элликта нафар меҳмон — ҳамма яқин дўстлари йиғилди. Маросим жуда текис ўтди. Келинкуёвни табрикларга кўмиб ташлашди, бошларидан ҳовучлаб гуруч ва конфетлар сочишди. Меҳмонлар базми жамшид қилиб турганларида Лестер билан Летти ён томондаги эшикдан чиқиб кетишди, уларни ташқарида соявон арава кутарди. Чорак соатдан кейин хушчақчақ меҳмонлар тўдаси улар изидан Чикаго — Рок-Айленд—Сан-Франциско темир йўл вокзалига йўл олди. Кузатувчилар вокзалга келганларида бахтиёр келин-куёв ўз купеларида ўтиришарди. Яна ўйин-кулги, табриклар, янгради, шампан виносидан ичилди. Ниҳоят поезд қўзғалиб, келин-куёв йўлга чиқишди.

— Хуллас, менга етишдинг,— деди Лестер хушчақчақ ҳолда Леттини ёнига ўтқазаркан.— Хўш, нима бўпти?

— Мана бундай бўпти!— Летти шундай дея Лестерни маҳкам қучиб, яхшилаб ўпди.

Тўрт кундан кейин улар Тинч океан соҳилида эдилар. Яна икки кундан кейин тезюрар пароходда японлар диёрига кетиб боришарди...

Баҳор, унинг кетидан ёз ўтиб, октябрь келди. Веста совуқ, сершамол кунлардан бирида мактабдан қайтиб, боши оғриётганидан нолиди. Женни ойисининг ўгитларини эслаб, қайноқ сут берди-да, бошига сочиқни ҳўллаб қўйиб

ётишни маслаҳат берди. Веста ўзининг хонасига кириб ётди. Эртасига эрталаб иссиғи кўтарилиб кетди. Шу ерлик доктор Эмри қизча қорин терламаси бўлган деган шубҳага борди, чунки музофотда бир неча одам шунақа касалга йўлиққанди. У Женнига, қизча бақувват, дардни енгиб кетса ажаб эмас, бироқ касали оғир кечса керак, деди. Женни ўзига ишонмай, Чикагодан шафқат ҳамшираси чақиртирди, шундан кейин матонат умидсизлик, ваҳима умидворлик билан алмашиниб турадиган интизорлик кунлари бошланди.

Тез орада шак-шубҳаларга ўрин қолмади — Веста чиндан ҳам қорин терламаси бўлганди. Женни Лестерни гарчи Нью-Йоркда деб хаёл қилса ҳам, унга дарҳол хат ёзмади. Газеталардаги хабарларга қараганда Лестер қишни Нью-Йоркда ўтказмоқчи эди. Бироқ врач бир ҳафтадан кейин Вестани кўриб, касали оғирлигини аниқлагандан кейин Женни, ҳар нима бўлиши мумкин-да, деб ҳар қалай Лестерга хат ёзишга қарор қилди.

Лестер Женнининг бу хатини олмади. Хат Нью-Йоркка келганида у пароходда Вест-Индияга йўлга чиққанди. Женни энди Вестанинг ёнида ўзи ўтириб чиқарди... Гоҳо Веста тузалиб қолганга ўхшарди... Бироқ қизчанинг дармони тез қурий бошлади. Доктор Эмри касаллик қизчанинг юраги билан буйрагида асорат қолдирганини айтди... У чикаголик таниш ҳамкасабасини маслаҳатга чақирди. Бироқ, олижаноб қария бўлган чикаголик врач фақат бошини чайқади.

— Даволаш тўғри бўлган,— деди у.— Қизчанинг организми етарлича бақувват эмасга ўхшайди. Ҳамма организм ҳам бу касалликка қарши бир хилда курашолмайди.

Врачлар, уч кундан кейин қизчанинг аҳволи яхшиликка юз бермаса буёғига ноиложмиз, деб ҳукм чиқаришди.

Улар Женнидан ҳақиқатни яширишни маъқул кўришмади. Женни қизининг бошида ўтирар, рангида қон қолмаган, калласи ишламас, хаёли фақат қизида, сезгилари бамисоли таранг тортилган тордай эди...

Женнининг қўшниларидан бўлган миссис Дэвис дегап семиз, ёши ўтинқираб қолган аёл уни худди ўзининг боласидай кўрарди. Женнига азбаройи ачинганидан доктор ва ҳамширага қўшилиб унинг кўнглини кўтариб туришга ҳаракат қиларди.

— Бориб жиндай чўзилсангиз бўларди, миссис Кейн,— дерди у Женни қизидан кўз узмай ўтирганини ёки хонада на қиларини билмай юрганини кўриб.— Ўзим ҳаммасига қараб тураман. Буни уддалашда сиздан қолишмайман.

Мени эплолмайди, деяпсизми? Ўзим еттита туғиб, учтасидан айрилганман. Ақлим етмас эканми?

Бир куни Женни унинг биққи, иссиқ елкасига бошини қўйиб йиғлади. Миссис Дэвис унга қўшилиб йиғлади.

— Шўрликкинам, наҳотки аҳволингизни тушунмасам. Қани, юринг мен билан.

У Женнини ётоққа олиб кетди. Женни эса узоқ ёлғиз қололмади. Бир неча дақиқадан кейин сира дам ололмай қизининг ёнига қайтиб чиқди.

Бир куни ярим кечада, ҳамшира ишонч билан эрталабгача ҳеч нима бўлмайди деганига қарамай, хонадагилар негадир безовталаниб қолишди. Нариги уйда энди бошн ёстиққа теккан Женни буни эшитиб, ўрнидан турди. Вестанинг ёнида ҳамшира билан миссис Дэвис секингина пичирлашиб ўтиришарди.

Женни ҳамма гапни тушунди. Қизига яқинлашиб, унинг мумсифат юзига текилганича қолди. Қизча аранг нафас олар, кўзлари юмуқ эди.

— Сираям дармони йўқ,— деди ҳамшира.

Миссис Дэвис Женнининг қўлидан ушлади.

Дақиқалар ўтди, кираверишдаги соат ҳам бирга занг урди. Ҳамшира дам-бадам дорилар турган столчага яқинлашиб, латта ҳўллаб, Вестанинг лабига суртарди. Бир яримда қизча салгина қимирлади. Чуқур нафас олгани эшитилди. Женни шахт-ла олдинга эгилганди, миссис Дэвис қўлидан тортди. Ҳамшира уларга «нари туринглар» ишорасини қилди. Қизчанинг нафас олиши тўхтади.

Миссис Дэвис Женнининг елкасидан маҳкам қучоқлади.

— Бечорагинам, жоним болам,— деди у Женни титраб йиғлаётганини кўраркан.— Йиғламанг, кўз ёши билан ғамни енгиб бўлмайди.

Женни каравот олдида чўккалаб, қизининг ҳали совумаган қўлини силади.

— Веста,— ёлворди у,— мени ташлаб кетма, кетма.

Миссис Дэвиснинг овози энди худди олисдан келаётгандай эшитиларди:

— Бунчалар куяверманг, жонгинам. Ҳаммаси худонинг қўлида. Нимаики қилсаям яхшиликка буюради.

Женнининг назарида ер ёрилаётгандай бўларди. Уни ҳаёт билан боғлаб турган ҳамма ришталар узилди. Ҳозирда ўзини қуршаган зулматда йилт этган нур асари қолмаганди.

LIX БОБ

...Женни ўша кунлари худди уйқудагидай юрди ҳисоби. Ғам адойи тамом қилганидан бирор нарсани сезмас, қулоғига ҳам ҳеч нима кирмасди. Миссис Дэвис ва унинг зўри билан яна тўртта қўшни аёл Вестани дафн қилгани Чикагога боришди. Тобутни қабрга туширганларида Женни тикка турганича тикилар, гўё қотиб қолганга ўхшарди. Шундан кейин Сэндвудга қайтиб келса ҳам, у ерда кўп турмади. У Чикагода туришни, Веста билан отасига яқинроқ бўлишни истарди...

Лестер хотини билан Чикагога Веста ўлганига уч ҳафта бўлганда қайтиб келди. Шундагина у Женнининг биринчи хати, телеграммаси ва қизча вафот этганлиги айтилган қисқача хатини кўрди. Вестага жуда ҳам ўрганиб қолганидан бунга дил-дилидан ачиниб кетди. Женнига азбаройи раҳми келганидан ўша заҳоти хотинига, уни кўриб келаман, деди. Лестерни Женнининг келажаги хавотирга соларди. Уни ёлғиз қолдириб бўлмасди. Эҳтимол, унга бирор фойдали маслаҳат берар. Лестер Сэндвудга жўнади, бироқ у ерда Женнининг Чикагодаги «Тремонт» меҳмонхонасига кўчиб ўтганини билди. Уни меҳмонхонадан ҳам тополмади — Женни қизининг мозорига кетган экан. Ўша куни меҳмонхонага яна келганида Женни шу ердалигини айтишди. Меҳмонхонадагилар Женнига Лестернинг ташриф қоғозини топширганларида Женни илгари қарши олган пайтларидагидан ҳам баттар ҳаяжонланиб кетди, чунки Лестер ҳозирда унга жуда ҳам керак эди...

— Салом, Женни,— деди Лестер мулойимлик билан Женни эшикни очганида.

Женни бошига тушган азоб-уқубатлардан қанчалик ўзгариб кетибди-я! Озиб-тўзган, рангсиз ёноқлари ич-ичига ботган, кўзлари чақчайиб қолганди.

— Қанчалар даҳшатли мусибат,— Лестер хижил тортиб гап бошлади.— Бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди.

Женнининг Веста ўлиб, Лестер ташлаб кетганидан буён эшитган дастлабки тасаллиси шу бўлди. Лестер келгани уни жуда ҳам тўлқинлантириб юборди. Азбаройи ҳаяжонланганидан тили гапга келмасди. Унинг кипригларида ёши титрар, ёноқларидан оқиб тушарди.

— Йиғлама, Женни,— деди у Женнини қучиб, бошини меҳр билан елкасига босаркан.— Жуда ачинаман. Кўп

нарсадан афсусдаман, бироқ гапиришнинг вақти ўтди. Вестага жуда ҳам ачинаман. Уни қаерга кўмдинг?

— Дадамнинг ёнига,— Женни шундай деркан ҳўнграб юборди.

— Ҳа, чакки бўлди,— Лестер оҳиста шундай деди-да, жим қолди.

Женни ўзини пича босиб олганидан кейин нари борди-да, кўз ёшини артиб, ўтиришга таклиф қилди.

— Ўшанда шу ерда бўлмаганим жуда алам қиладида,— гапида давом этди Лестер.— Доимо ёнингда бўлардим-да. Сен энди Сэндвудда туришни ҳам хоҳламассан.

— Туролмайман, Лестер,— деди у.— Мажолим етмайди.

— Қаёққа кўчиб ўтмоқчисан?

— Ҳали билмайман. Қўшниларимга оғирлигим тушмаса дейман. Бирор жойдан кичикроқ уйни ижарага олиб, бола боқиб олсам ёки ишга кирсам дейман... Ҳеч ёлғиз тургим келмайди.

— Бола боқиб олиш — яхши гап,— деди Лестер.— Унчалар зерикмайсан. Бунинг учун нималар қилиш кераклигини суриштирдингми?

— Менимча, тўппа-тўғри бирорта етимхонага мурожаат қилиш керак.

— Бу иш анча мураккаброқ бўлса керак,— деди Лестер хаёлчан ҳолда.— Аниғини билмайман-у, лекин қандайдир расмиятчиликлари бор. Етимхонадагилар гўдак кўзларидан йироқ кетмаслигини ёки шунга ўхшаш бирор нарсани талаб қилишади. Уотсон билан маслаҳатлаш, ҳаммасини тушунтириб беради. Ўзингга ёқадиган болани танлаб олгин-у, уёғини унга қўйиб беравер. У билан ўзим гаплашиб, огоҳлантириб қўяман.

Лестер ёлғизлик Женнига қанчалар даҳшатли бўлишини тушунарди.

— Ўканг Жорж қаерда?— сўради у.

— Жорж Рочестрда, бироқ бу ерга келмайди. Басс унинг уйланганини ёзувди.

— Сен билан туришга рози бўладиган бошқа қариндошларингдан йўқми?

— Эҳтимол Уильям рози бўлар. Фақат унинг ҳозир қаердалигини билмайман.

— Чикагода турмоқчи бўлсанг, Жэксон-Паркнинг ғарбий томонидаги янги квартални кўргин,— маслаҳат берди Лестер.— У ерда яхшигина коттежлар борлиги эсимда.

Бир йўла сотиб олиш шарт эмас. Аввалига бирор муддатга ижарага оласан, кейин маъқул келиш-келмаслиги маълум бўлади.

Женни, бу ажойиб маслаҳат, деган қарорга келди, чунки у Лестердан чиқаётганди-да! У қанчалар яхши, Женнининг ҳамма ишлари билан қизиқаяпти-я. Бундан чиқди икковлари бир-бирларига сира ҳам бегона эмаслар...

— Сенга у-бу гапларни айтмоқчиман, Женни,— деди Лестер ўйчанликни йиғиштириб.— Бу нарса шунча ишдан кейин ҳам сенга ғалати туюлиши мумкин, бироқ менга ҳозир ҳам қадрлисан. Доимо сени ўйладим. Сендан айрилганим тўғри бўлганга ўхшовди, ўшанда хонаси шунақа эди-да. Летти менга ёққандан кейин уйланавераман-да, девдим. Маълум маънода ҳозир ҳам шуниси яхшироқ дейишга тайёрман, бироқ бундан кўп бахт тополмадим. Энди ҳеч қачон сен билан тургандагидай бахтиёр бўлолмайман. Назаримда, бунда гап менда эмас. Якка одамдан умуман кам иш чиқади. Буни тушунасанми ё йўқми, ҳар қалай, менимча, ҳаммамиз озми-кўпми, арзимас одамлармиз. Ўзимиз тоби бўлган кучлар ихтиёридамиз.

— Тушунаман, Лестер,— деди у.— Ҳеч нимадан нолимайман. Шуниси яхшироқ.

— Пировардида ҳаёт жуда ҳам майнавозчиликка ўхшайди,— Лестер алам билан гапида давом этди.— Бемаъни майнавозчилик — бошқа нарса эмас. Ўзимизнинг «мен»имизни сақлаб қолиш иложи бўлган ягона чорадир. Ҳалолликни эса, билишимча, биздан ҳеч ким талаб қилмайди.

Женни Лестернинг гапига унчалик тушунмаса ҳам, ўзидан хурсанд эмаслигини фаҳмлади ва унга ачиниб кетди. Шунинг учун ҳам юпатишга уринди:

— Мендан хавотирланаверма, Лестер. Ҳечқиси йўқ, бир куним ўтар. Олдин, ёлғиз ўзим турабошлаганимда жуда қийин бўлганди. Энди бўлса бир нави. Бир кунимни кўриб кетарман.

— Сенга муносабатим илгаригидай эканлигини унутмагин,— деди Лестер қизғинлик билан.— Сенга дахлдор нарсаларнинг бари менга яқин. Янги жойда ўрнашиб олганингдан кейин рўзғорингни кўргани келаман. Бир неча кундан кейин бу ерга ҳам кириб ўтаман. Кўнглимдан нималар кечаётганини биласанми?

— Ҳа,— деди у,— биламан.

Лестер унинг қўлини олиб, силади.

— Куйинаверма,— деди у.— Кераги йўқ. Иложим борича ҳаммасини қиламан. Истасанг-истамасанг мен учун

илгариги Женнисан. Мен ёмон одамман, лекин, ҳар қалай, яхши томонларим ҳам йўқ эмас.

— Ҳечқиси йўқ, Лестер, ҳечқиси. Шундай қилгин, деб ўзим қаттиқ туриб олдим-ку, ахир. Ҳаммаси яхшиликка. Ўзинг ҳам бахтли бўлсанг керак дейман, чунки ҳозир...

— Арзимайди, Женни,— Лестер унинг гапини бўлди. Кейин эркалаб бағрига босаркан, илжайди.— Эски қадрдонлигимиз ҳурмати юзасидан мени ўпмайсанми?

Женни қўлини унинг елкасига қўйди-да, кўзларига узоқ тикилди, кейин эса ўпди. Лаблари бирлашаркан, Женни ўзида титроқ сезди. Лестер ҳам ўзини аранг босиб турарди. Женни Лестер ҳаяжонланаётганини сезиб, ўзини гап бошлашга мажбур қилди.

— Энди бор,— деди у қатъий қилиб.— Кўча энди жуда қоронғи бўлиб қолди.

Лестер ҳозирда бир нарсани — қолишни истаётганини сезганича кетди. У шу чоққача Женнини ўзи учун оламдаги яккаю ягона аёл деб биларди. Гарчи икковлари ҳижронда яшаётган бўлсалар ҳам, Женнига ҳозирда анча енгил бўлиб қолганди. У ҳозирги жумбоқни одоб-ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилишга уриниб кўрмаганди. Женни кўп одамлардан фарқли ўлароқ чой ичиладиган чашкага океанни сиғдирмоқчи ёки ўзгарувчан дунёни қонун деб аталмиш битта арғамчи билан бойламоқчи эмасди. Лестер уни ҳанузгача сал-пал севади. Леттини ҳам севади. Буниси ёмон эмас. Женни бир вақтлари, унга мендан бошқа ҳеч ким керак бўлмайди, деб умид қиларди. Бу хато бўлиб чиқди, бироқ озроқ севади — чаккими бу? Йўқ, албатта. Лестернинг ўзи ҳам шундай фикрда эди.

LX БОБ

Кейинги беш йил ичида Лестер билан Женнининг йўллари бир-биридан янада йироқлашди. Ҳар бири ўзининг оламида маҳкамроқ ўрнашиб олиб, илгариги пайтларидагидай муносабатларини тиклашмади. Уларнинг «Тремонт» меҳмонхонасида бир неча марта учрашганлари илгариги ҳолатларига қайтарадигандай туюларди. Лестер ўзининг ишию сўсуяклар оламидаги вазифаларини бажаришга аранг улгурарди. У камтарингина Женнининг хаёлига ҳам келмаган оламдан чиқолмасди. Женни эса тинчгина яшар, кунлари бир хилда ўтарди. Жанубий тарафда, Жэксон-Парк яқинидаги ҳашамдор бўлмаса ҳамки, чиройли кўчадаги одмигина уйда Роза деган асранди қизи билан турар-

ди. Жении сочлари қоп-қора бу қизалоқни ташландиқ болаларга аталган Ғарбий етимхонадан олганди. Янги қўни-қўшнилари уни Ж. Г. Стовер деб билишар, Женни Кейн фамилиясини ташлашни маъқул кўрганди. Мистер ва миссис Кейн эса Чикагода яшаганларида соҳилдаги каттакон уйда туришар, кетма-кет зиёфату базмлар ташкил қилишар, бал беришарди...

...Женни билан Лестернинг бир-бирларидан узоқлаб кетишларига сабабчи важлардан бири марҳум Арчибалд Кейн қолдирган васиятнома ўқилгандан кейин Роберт билан Лестернинг биринчи бор учрашуви бўлганди. Роберт Лестерни кўп эслар ва унинг муваффақиятларини қизиқиш билан кузатарди. Лестер уйланганини эшитганида жуда ҳам суюнди, чунки, миссис Жералд укамга жуда муносиб хотин бўлади, деб юрарди-да...

Роберт бир куни Чикагога келганида танишлари билан коляскада кетаётиб атайлаб соҳилдан юришни сўради. У укасининг ўзи кўп эшитган ҳашаматли уйини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди.

Шунда Робертнинг димоғига ота уйининг нафаси урилгандай бўлди. Лестер бу уйни олгандан кейин ёнига қишки боғ ҳам қилганди. Цинциннатидаги уйларида шунақа боғ бор эди-да. Роберт ўшал оқшомнинг ўзида Лестерга «Юнион-клуб»да бирга овқатланайлик, деб таклифнома ёзди, шаҳарда икки-уч кун бўлишини ва уни кўрмоқчилигини ҳам айтди. Бир вақтлар орамизда гап қочганлиги ҳам эсимда, бироқ битта нарсани биргаликда ҳал қилсак дегандим, ақалли пайшанба куни бўлса ҳам келолмайсанми, деди хатининг охирида.

Лестер бу хатни олгандан кейин қоши чимрилиб, тундлашди-қолди. У ҳалигача отаси берган зарбадан ўзига келолмай юрарди-да. Робертнинг сира тап тортмай ундан қўл силтаб кетганини эсларкан, ҳанузгача жунжикиб кетарди. Тўғри, Робертнинг ўша пайтда ҳаракатга тушиб қолишига сабаб бор эди, бу ҳозирда тушунарли. Бироқ Лестер ҳар ҳолда укаси эди-ку, Лестер унинг ўрнида бўлганида бунчалар разилликка бормаган бўларди, албатта. Мана энди Роберт уни нима учундир кўргиси келиб қолибди.

Аввалига Лестер мутлақо жавоб қилмасликка аҳд этди. Кейин Робертга, учрашсам бўлади, деб ёзиб юборишга аҳд қилди. Чунки бунга қизиқсиниб қолди, Роберт ўзгардими-йўқми, унга нима кераклиги, яна нима балони бошламоқчилигини билгиси келди. Лестер шунда яна айниди. Ҳа, улар учрашишади, бу иш зарар қилмайди. Тўғри, бирор яхшилик ҳам чиқмайди. Улар бир-бирларига ўтган

нарсаларни унутишга ваъда қилишса ҳам ажаб эмас, бироқ сўз сўзлигича қолади-да. Ўтган нарса қайтиб келмайди. Синган идишни бутунлаб бўлмайди. Уни елимлаб, бутун, деса бўлади-ю, аммо бу билан у бутун бўлиб қолмайди. У акасига, бораман, деб ёзиб юборди.

Роберт пайшанба куни «Аудиториум»дан Лестерга қўнғироқ қилиб, бугун кўришажакларини эслатди. Лестер унинг овозини жон қулоғи билан тинглади. «Ҳа, ҳа, эсимда»,— деди у. Пешинда шаҳарнинг ишбилармандлар уймалашадиган қисмига борди. Ака-ука ана шу ердаги ажойиб «Юнион-клуб»да учрашиб, бир-бирларига кўз ташлади. Роберт анча озган, сочлари ҳам бироз сийраклашганди. Нигоҳи қатъий ва ўткир бўлса ҳам, кўз атрофларида ажинлар пайдо бўлганди. Ҳаракатлари тез, гайратли эди. Лестер эса бутунлай бошқача одамлиги сезилиб турар, у миқтидан келган, қўполроқ ва тепса тебранмайдиган эди...

— Сени жуда ҳам кўргим келувди, Лестер,— Роберт эски одатларича қаттиқ қўл қисишиб кўришганларидан кейин гап бошлади.— Учрашмаганимизга анча — деярли саккиз йил бўлди.

— Ҳа, шу атрофда,— жавоб қилди Лестер.— Хўш, ишларинг қалай?

— Ҳаммаси эскича. Кўринишинг зўр-ку.

— Мен ҳеч касал бўлмайман,— деди Лестер,— тумовни ҳисобга олмаганди. Касал бўлиб ётганимни эслай олмайман. Хотининг қалай?

— Раҳмат, соғ-омон юрибди.

— Болаларинг-чи?

— Ральф билан Беренисни деярли кўрмаймиз, ҳар бирининг ўз оиласи бор, бошқалари ҳозирча уйда. Хотининг ҳам соғ-саломат юргандир дейман,— Роберт нозик томонга ўтаётганини сезиб, ботинмайроқ қўшимча қилди.

Лестер унга хотиржам кўз ташлади.

— Ҳа,— жавоб қилди у.— Соғлиғи жойида. Нолийдиган ери йўқ.

Улар яна уёқ-буёқдан гаплашишди. Лестер трестнинг ишлари, сингилларини туриштирди, уларни бутунлай кўздан йўқотиб қўйганини бўйнига олди. Роберт ҳаммасидан бир чимдимдан гапириб, ниҳоят мақсадга кўчди.

— Сен билан бир нарсани гаплашмоқчийдим,— деди у.— Мени «Ғарбий Тигель компанияси» қизиқтиради. Сен шахсан унинг директорларидан бири эмаслигингни, Уотсон вакилинг эканлигини биламан, у жуда каллали одамлигини айтиб ўтиш керак. Шундай қилиб, компанияни бошқариш ёмон аҳволда, бу бизга аён. Тегишлича фойда

олиш учун унинг тепасига ишчан ва билимдон одамни қўйишимиз керак. Шу пайтгача Уотсоннинг таклифларини оқилона, деб билганимдан у билан ҳамфикр ҳолда иш тутдим. У ҳам менга ўхшаб, кўп нарсаларни ўзгартириш керак, деган фикрда. Ҳозирда Росситернинг беваси ихтиёридаги етмишта акцияни сотиб олиш имконияти туғилди. Бунда сен билан менинг ҳиссам биргаликда контроль пакетни ташкил қилган бўларди. Мен ана шу етмишта акцияни сен сотиб олишингни истардим, уларни ўз номимга бемалол сотиб олсам ҳам бўлади — қўлимиздан чиқармасак бўлди-да, ишқилиб. Ўшанда хоҳлаган одамингни президент қилаверасан, уёғи эса мойдай силлиқ кетаверади.

Лестер кулиб қўйди. Акасининг таклифи қизиқарли эди. У Уотсондан Роберт бу компаниянинг ишлари борасида доимо ўзининг томонини олишини билиб олган ва ярашмоқчи бўлиб юрганини аллақачон фаҳмлаганди.

— Бу гапинг жуда яхши,— деди Лестер жиддий ҳолда.— Сахийлик билан қилинган туҳфанинг ўзи. Бу қандай хаёлингга келди?

— На чора, Лестер, сенга очиғини айтаман,— жавоб қилди Роберт.— Менга шунча йиллардан бери ўша васиятнома воқеаси ва хазиначи-секретарлик вазифасидан айрилганинггу бошқа англашилмовчиликлар тинчлик бермай келади. Ўтган ишларни кавлаштирмоқчи эмасман, мана, ўзинг ҳам кулаяпсан, бироқ кўнглимга келган гапларни айтсам нима қилибди? Илгари анча-мунча шуҳратпараст эдим. Отам вафот этган пайтларда «Карета трести» режаси билан юрганимдан буни маъқулламайсан деб қўрққандим. Ўшандан бери нотўғри иш қилганимни кўп марта ўйладим, бироқ вақт ўтганди. Бу эски воқеани титкилаб ўтиришнинг сенга қизиғи ҳам бўлмаса керак. Бироқ мен бугун гап бошлаган нарса...

— Бир оз тап босди бўлиши мумкин,— Лестер гапни хотиржам тугатди.

— Хўш, гарчи шунга ўхшашроқ бўлса ҳам... унчалар эмас, Лестер. Ҳозир бунақа нарсалар сенга унчалик аҳамиятли эмаслигини тушунаман. Ҳозир эмас, ўшанда бирор нарса қилиш сен учун муҳим эканлигини биламан. Шундай бўлса ҳам астойдил сени ўзимнинг таклифим билан қизиқтираман деб ўйлагандим. Бу бошламаси бўлади дегандим. Виждонан айтсам, бунинг ярашувимиз томон ташланган илк қадам бўлишини истардим. Ҳар ҳолда ака-укамиз-ку.

— Ҳа,— деди Лестер,— ака-укамиз.

У ана шу сўзларда қанчалар киноя борлигини ўйларди. Лестерга илгари Робертнинг акалик меҳри қанчалар наф етказди? Очиғини айтганда, бошқа биров эмас, Роберт уни миссис Жералдга уйланишга мажбур қилди-ку. Бунда фақат Женни жабр кўрди, холос, Лестер шунинг учун ҳам шу пайтгача Робертдан хафа бўлиб юрарди. Тўғри, Роберт уни отаси мулкининг тўртдан биридан маҳрум қилмади, бироқ унн олишига ҳам кўмаклашмади, энди бўлса, ўз таклифим билан ҳаммасини тўғрилаб юбораман, деб хаёл қиляпти. Бу яхшимас. Тентаклик. Умуман ҳаёт жуда мураккаб нарса-да!

— Йўқ, Роберт,— деди Лестер ниҳоят қатъий ва кескин.— Мен сабабларингни тушунаман. Бироқ бунинг менга нимага кераклигини билолмаяпман. Сенга ўнг келиб қолибди, ўзинг фойдаланавер. Мен эсам истамайман. Мабодо бу акцияларни сотиб олсанг, мен ўзинг зарур топган барча тадбирларга розиман. Ҳозир бойлигим ўзимга етарли. Ўтган ишга салавот. Сен билан вақт-вақтида учрашиб, суҳбатлашиб туришдан бош тортмайман, Сенга кераги шу-ку, ахир. Менга таклиф қилаётган нарсанг эски ёриққа сувоқ холос. Мени ийдирмоқчи бўлсанг — бош устига. Сенга ҳеч ёмонлигим йўқ. Зарар бермоқчи ҳам эмасман.

Роберт укасига қараб, кулимсиради. Лестерни илгари қанчалар хафа қилиб, ҳозирда ҳам жиғига тегканига қарамай, у бари бир ажойиб одамлигини кўрсатмоқда эди-да.

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан, Лестер,— деди у.— Бироқ бунда майдакашлик қилмаганимни унутмагин. Мен чиндан ҳам сен билан ярашмоқчи эдим. Энди бу масалага қайтмайман. Яқин орада Цинциннитига бормайсанми?

— Бормасам керак,— жавоб қилди Лестер.

— Уйимизга тушгин, демоқчийдим. Хотининг билан бор. Ёшлигимни эслаймиз.

Лестер маъюс кулимсиради.

— На чора, жоним билан,— у мулойимгина шундай деса ҳам, ичида Женни билан турганимда бунақа таклифни қилмасди, деб ўйлади...

Ака-ука яна пича гаплашишди. Лестер шундан кейин иш юзасидан учрашуви борлигини эслаб, соатига қаради.

— Тезда сен билан хайрлашишимга тўғри келади,— деди у.

— Мен ҳам боришим керак,— деди Роберт.

Икковлари ўрниларидан қўзғалишди.

— Нимаики бўлмасин,— қўшимча қилди Роберт зинадан тушиб келишаркан,— бундан буён ҳам бир-биримизга бегона бўлмасмиз деб умид қиламан.

— Албатта,— деди Лестер.— Вақти-вақти билан учрашиб турамиз.

Улар бир-бирларининг қўлларини қисиб, дўстона ажралишди...

LXI БОБ

...Нью-Йоркка кўчиб ўтишгани Кейнлар ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Миссис Кейннинг яқин дугоналари орасида Янги Англиянинг тўрт юзта энг яхши хонадони вакилалари бўлмиш бир неча бемаъни аёллар бор эди. Уни Нью-Йоркка кўчишга ўшалар кўндиришганди. Летти шундай қарорга келгандан кейин Етмиш саккизинчи кўчадан, Мэдисан-авеню яқинидан ижарага уй олди, ҳар бир хонани бирор тарихий даврга мослаб жиҳозлади ва биринчи марта бутунлай инглизча мақомда эгнларига уқали махсус либос кийган бир тўда малайларни сақлади. Лестер унинг шуҳратпарастлиги ва дабдабаларга ўчлигидан куларди.

— Яна демократиядан гапирасан,—тўнғиллади Лестер бир куни.— Мен қанчалик тақводор христиан бўлсам, сен шунчалик демократсан!

— Ҳечам-да!— эътироз билдирди миссис Жералд.— Мен энг ҳақиқий демократман. Бироқ биз ҳаммамиз ўз синфимиз аъзоларимиз. Сен ҳам. Мен мантиқ деган нарсага итоат этаман, холос.

— Бу ерда мантиқ нима қилиб юрибди! Қирмизи бахмалга чулғанган эшик оғаси ёки малай ҳам зарурат туфайли дерсан ҳали?

— Албатта!— жавоб қилди Летти.— Хўш, мабодо заруратдан бўлмаса ҳам бари бир ҳаёт тарзимиз шуни талаб қиляпти. Нимага бунчалар жаҳлинг чиқяпти? Ўзинг ҳаммаси бекаму кўст бўлсин дейсан, озгина қусур топсанг ҳаммадан олдин жаҳлинг чиқиб кетади-ку.

— Қачон жаҳлим чиқди?

— Хўш, эҳтимол, бошқачароқ айтгандирман. Бироқ сен ҳаммаси идеал бўлишини, барида услубдан чиқилмаслигини истайсан... Буни ўзинг ҳам жуда яхши биласан.

— Шундай ҳам дейлик: бироқ бу ерда демократлик нима қилиб юрибди?

— Мен демократман. Буни мендан тортиб ололмайсан. Қалбан демократликда ҳар қандай аёлдан қолишмайман. Умуман, ҳар бир нарсага ҳушёр қараб, сенга ўхшаб иложи борича ҳеч бир нарсадан қайтмайман. Менинг шиша қасримга тош отмай қўяқолинг, муҳтарам Амирим. Сизнинг уйчангиз ҳам шишадан, ундаги ҳар бир ҳаракатингизни кўриб турибман.

— Шунда ҳам бари бир мен демократман, сен демократ эмассан,— Лестер унинг жиғига тегди.

Дарвоқе, Лестер хотини нимаики қилмасин барини маъқулларди. Гоҳо миссис ўзининг соҳасида Лестердан дурустроқ бошчилик қилаётгандай туюларди...

Бир куни Лестер билан Летти дўстлари ҳамроҳлигида яхтада Норвегиянинг шимолий соҳилларига йўл олишди. Ноябрнинг охирларида Лестер зарур ишлари важидан Чикагода бўлиши лозим эди. У хотини билан рождество байрамида Нью-Йоркда учрашишга келишишди. Лестер кутиб олиш борасида Уотсонга хабар берди-да, «Аудиториум»га келиб тушди. Чикагодаги уйи сотилиб кетганига икки йил бўлганди.

Лестер ноябрнинг охирги кунларида ишларини деярли ниҳоясига етказганида бирдан мазаси қочиб қолди. Доктор келиб, ичагининг мазаси қочганлигини, бу нарса кўпинча қон айнишига ёки бирорта муҳим аъзо ишдан чиқишига олиб келишини айтди. Лестер ниҳоятда азоб чекарди. Врач оёқни иссиқ ўраб қўйишни буюрди, горчичник ва дори ёзиб берди. Оғриқ тинса ҳам, Лестер буёғи оз қолганлигини сезарди. У Уотсондан Леттига телеграмма юборишни илтимос қилди. Унга, қўрқинчли ҳеч нарса бўлгани йўқ, шунчаки касал бўлиб қолди, деб хабар беришни тайинлади. Лестернинг бошида ҳамшира ўтирар, малайи эшик ортида ҳушёр турар, ичкарига бирорта ҳам одамни йўлатмасди. Летти Чикагога камида уч ҳафтада етиб кела оларди. Лестер энди уни сира ҳам кўра олмаслигини сезди.

Лестер, буни қарангки, ўша кунлари доим Женнини ўйларди. Бунга ҳозир Чикагодалиги сабабчи эмасди, албатта. Женни илгаригидай Лестернинг энг яқин одамидай кўнглидан кетмаганди. Лестер шу сафар келганида қўли сал бўшади дегунча Женнини бориб кўрмоқчи эди. У келган куниёқ Уотсондан Женнини суриштирди. Уотсон Женни илгаригидай хилватда яшаётганини ва ранг-рўйи яхшилигини айтганди. Лестер у билан жуда ҳам учрашгиси келарди.

Кунлар кетма-кет ўтар, Лестернинг мазаси қочиб борар, Женнини эса баттар согинарди. Лестер биров ичакчавоғини бураб тортаётгандай бўлаётганидан ёмон азоб чекар, дармони ҳам қолмасди. Врач кўп қийналмасин дегандай бир неча марта морфийдан укол қилди.

Лестер бир куни қаттиқ оғриқдан кейин Уотсонни чақиртирди-да, ҳамширани чиқариб юбориб, деди:

— Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман. Миссис Стовердан мени келиб кўриш-кўролмаслигини билсангиз, Яхшиси ўзингиз бориб кела қолинг. Ҳамшира билан Козога (малайни шундай дейишарди) ярим кунга ёки Женни шу ерда эканида жавоб бериб юборса бўлади. Женни қачон келса ҳам ёнимга киритиб юборинг.

Уотсон тушунди... Қиракаш извош уни зумда Жанубий тарафга етказди. Женни уйда экан. У гулларга сув қуяркан, Уотсонга кўзи тушганда ҳайратдан қошлари чимирилди.

— Сизга нохуш топшириқ билан келдим, миссис Стовер,— Уотсон гап бошлади.— Сизнинг... айтмоқчиманки, мистер Кейн қаттиқ оғриб қолди. У «Аудиториум»да. Хотини ҳали Европадан қайтганича йўқ. Мистер Кейн менга бу ерга келишни топширди, бориб кўришингизни илтимос қиляпти. Иложи бўлса сизни бирга олиб келишни сўради... Мен билан ҳозир кетсангиз бўладими?

— Ҳа, албатта,— жавоб қилди Женни. Унинг кўринишидан ҳозирда дилидан нималар кечаётганини билиб бўлмасди.

Болалар мактабда, яккаю ягона хизматчиси бўлган швед кампир ошхонада эди. Женнининг уйдан кетишига ҳеч нима халал бермасди...

Женни хонадан чиқди-да, тезда пальто ва шляпада қайтиб кирди. Юриши ва кўринишидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. У ҳозирда ҳам кўркам, қадди-қомати келишган, яхши кийинган, қарашлари тиниқ ва мулойим эди. Лестер ундан сира ҳам кўнгил узолмагандай Женни ҳам қалбан у билан бирга эди. Бирга турган пайтларидагидай фикри-ёди унда эди...

Извош шаҳарнинг ишбилармандлар жойлашган қисмидаги туманли узун кўчалардан учиб борарди. Лестернинг ишончли вакили одоб билан индамай борар, Женнининг хаёлини бузмасди. Кўп ўтмай «Аудиториум»га етишди. Уотсон шундан кейин Женнини Лестер ётган хонагача кузатиб қўйди. Женни анчадан бери одамларга қўшилмаганидан меҳмонхонанинг узун йўлакларидан ниҳоятда қисилиб-қимтиниб ўтиб борарди. Хонага кириб, Лестернинг каравотига яқинлашаркан, азбаройи ачинганидан мовий кўзлари бақрайганча қотиб қолди. Лестер каттакон бошини ёстиққа ташлаганича ёнбошлаброқ ётар, қопқора сочлари оқара бошлаганди. Унинг ақлли, нури сўник, ҳорғин кўзлари Женнига мулойим, қизиқиш билан боқарди. Женни рангида қони қолмаган, кўп азоб тортган Лестерни кўраркан юраги зирқираб кетди. У Лестернинг кўрпа устидаги қўлини оҳистагина сиқди. Сўнгра эгилиб лабидан ўпди.

— Мен жуда хафа бўлдим, Лестер, дилим хуфтон бўлиб кетди,— деди Женни шивирлаб.— Касалинг унча оғир эмас-а, шундайми? Сен иложи борича тезроқ тузалишинг керак.— Женни унинг қўлини оҳиста силади.

— Ҳа, Женни, бироқ ишим чатоқ,— деди у.— Аҳволим танг. Бунга чап бера оламанми, йўқми — билмайман. Яхшиси ўзингдан гапир. Ўзинг қалайсан?

— Илгаригидайман, жонгинам,— жавоб қилди Женни.— Ҳаммаси яхши. Бекорга бундай деяпсан. Кўрасан, тезда соғайиб кетасан ҳали.

Лестер ўлганининг кунидан илжайди.

— Шундай деб ўйлайсанми?— шундай дея шубҳаланиб бош чайқаб қўйди у.— Дарвоқе, бу мени ҳам қизиқтиради. Ўтир, жонгинам. Сен билан илгаригидай гаплашмоқчиман. Ёнимда бўлишингни истайман.

Лестер хўрсиниб, кўзларини юмди.

Женни стулини Лестерга яқинроқ сурди-да, қўлини қўлига олди. Одам юборгани жуда яхши бўлди-да! Ҳозирда Лестерга нисбатан қалби ачиниш, севги ва миннатдорчиликка тўлиқ эди. Шунда бирдан қўрқувдан бутун аъзойи бадани музлаб кетди: Лестер оғир касал, бу шундоққина ҳам кўриниб турибди!

— Билмайман уёғи нима бўлади,— деди Лестер.— Летти Европада. Сени анчадан бери кўргим келарди. Бу сафар келганимда албатта кўраман деб аҳд қилувдим. Ҳозир Нью-Йоркда туришимизни биласан-ку. Сен-чи, бир оз тўлишибсан, Женни.

— Қарияпман, Лестер,— Женни жилмайиб қўйди.

— Буниси муҳим эмас,— эътироф билдирди Лестер ундан кўзини узмай.— Гап ёшда эмас. Ҳамма қарийди. Гап кимнинг ҳаётга қандай қарашида.

Лестер жимиб, шифтга тикилиб қолди. Енгил оғриқ унга тортган аламларини эслатарди. Бугун эрталабки оғриқлардан яна тутса борми, чидай олмаслиги турган гап.

— Мен сени кўрмасдан ўлолмасдим,— Лестер оғриқ босилгандан кейин яна гап бошлади.— Сенга анчадан бери, бекорга ажрашдик-да, демоқчи бўлиб юрардим. Энди билсам, бундай қилмаслик керак экан. Бу бари бир менга бахт беролмади. Мени кечир. Мабодо бу ишни қилмаганимда ҳозирда қийналиб ўтирмаган бўлардим.

— Қўйсанг-чи, Лестер,— Женни эътироз билдираркан,

шу дақиқада яшаган жамики ҳаётлари хотиридан ўтди. Бу уларнинг чинакам аҳилликлари, руҳан яқинликларининг гувоҳи эди.— Узингни қийнама. Шундай ҳам ҳаммаси жойида. Сен менга жуда меҳрибон эдинг. Мени деб бутун мулкингдан айрилолмасдинг-ку, ахир. Ҳозирги аҳволимда анча хотиржамман. Қийин бўлди, албатта, бироқ ҳаётда қийинчиликлар озми, жонгинам.

У жим қолди.

— Йўқ,— деди Лестер,— бу хато бўлганди. Бошиданоқ ҳаммаси кўнгилдагидай бўлмади, бироқ бунда сенинг айбинг йўқ. Мени кечир. Буни кўпдан бери сенга айтмоқчийдим. Айтолганимдан хурсандман.

— Бунақа дема, Лестер, ўтинаман,— ялинди Женни.— Ҳаммаси жойида. Ачинадиган иш қилганинг йўқ. Менга жуда кўп яхшилик қилдинг. Буларни ўйлаганимда...—Женни гапиролмай қолди. Меҳр ва ачиниш унинг овозини чиқармай қўйганди. У унсиз Лестернинг қўлини қисди. Кливленддаги ота-онасига олиб берган уйи эсига тушди. Отасини бағрига олгани, қилган ғамхўрликларию меҳрибончиликларини эслади.

— Мана энди сенга ҳамма гапни айтиб, енгил тортдим. Сен яхши аёлсан, Женни. Келганинг учун раҳмат. Сени севардим. Ҳозир ҳам севаман. Бу гапни ҳам айтмоқчийдим сенга. Шуниси ғалати кўринадики, сендан бошқа бирорта аёлни чинакамига севмаганман. Биз ажралмаслигимиз керак эди.

Женнининг нафаси чиқмай қолди ҳисоб. У ана шу сўзларни, фақат шу сўзларни узоқ йиллар кутганди. Лестернинг жисмонан бўлмаса ҳам руҳан яқинликларини ўз тили билан айтишигина Женнига етишмай турган ягона нарса эди. Бундан буёнги ҳаёти Женни учун бахтнинг ўзгинаси бўлади. Ўлим ҳам. Ичидан гупурган фарёд томоғига келиб тиқилди.

— Оҳ, Лестер!— Женни шундай дея унинг қўлини сиқди.

Лестер бунга жавобан қўлини салгина сиқиб қўйди. Икковлари пича жим қолишди. Кейин Лестер яна гап бошлади:

— Хўш, етимчаларинг қалай?

— Ажойиб болалар,— Женни шундай дея асраб олган фарзандларини батафсил гапириб бера бошлади. Лестер мамнун ҳолда тингларди, унинг овози аллалаётгандай эди. У ёнида Женни борлигидан хурсанд эди. Женни кетмоқчи бўлиб қўзғалганида Лестернинг қошлари изтиробли чимирилди.

— Кетяпсанми, Женни?

— Шу ерда қолсам ҳам бўлади, Лестер,— деди Женни.— Ўзимга хона оламан. Миссис Свенсонга эса хат юбораман, ҳаммаси яхши бўлади.

— Йўқ, нима кераги бор,— Лестер шундай деса ҳам Женни унинг ёлғиз қолишдан қўрқаётганини тушунди.

Шундай қилиб у Лестернинг охирги нафасигача меҳмонхонадан қимирламади.

LXII БОБ

Лестернинг тўрт кундан кейин жони узилди, ўшангача Женни деярли беморнинг ёнидан жилмади. Ҳамшира ўзига шерик топилиб, ёлғиз қолмаётганидан хурсанд эди. Врач норозилик билдирмоқчи ҳам бўлди. Бироқ Лестерга тенг келиш қийин эди.

— Ўладиган мен, сиз эмас,— деди у тунд киноя билан.— Шундоқ экан, ўзим хоҳлагандай ўлишимга рухсат берсангиз.

Уотсон кулибгина қўя қолди. Бунақанги букилмас мардоналикни у биринчи кўриши эди.

Лестерга таниш-билишлари хат ёзишар, қўнғироқ қилиб соғлиғини сўрашар, ташриф қоғозларини киритишарди. Унинг хасталиги ҳақида газетада хабарлар чиқиб турди. Роберт ўша мақолалардан бирини ўқиб қолиб, Чикагога боришга жазм этди. Иможин ҳам эри билан келди. Женни ўзининг хонасига чиқиб кетганидан кейин уларни Лестер ҳузурига бир неча дақиқага киритишди. Лестер деярли индамасди. Ҳамшира уларни, кўп гаплашиш мумкин эмас, деб огоҳлантирди. Лестер кейинроқ Женнига:

— Иможин жуда ўзгариб кетибди,— деди. Бошқа гап қўшмади.

Лестер оламдан ўтган оқшомда миссис Кейн ватанига қайтаётган пароходнинг Нью-Йоркка етишига уч кун қолганди. Лестер кейинги кунлари Женнига яна нима яхшилик қилсам экан деб бош қотирса ҳам, бирор қарорга келолмади. Унга яна пул қолдирсинми? Бундан маъни йўқ, Женнига пулнинг кераги йўқ. У, ҳозир Летти қаердайкин, буёққа келишга улгурармикин, деб ўй суриб қолганида қаттиқ оғриқлар бошланди. Врач укол қилишга улгурмасиданоқ жони узилиб қўя қолди. Кейинчалик Лестер ичак касаллигидан эмас, балки миясига қон қуйилишидан ўлгани маълум бўлди.

Ташвишу хавотирчилик ва уйқусиз тунлардан адойи тамом бўлган Женнини ғам тош мисоли қотириб қўйганга ўхшарди. Хаёли ва ҳис-туйғуларини Лестер узоқ банд этиб келганидан эндиликда гўёки ўзининг ҳаёти поёнига етгандай туюларди... Лестер, унинг Лестери ҳатто ўлганида ҳам бениҳоя бақувватдай туюларди. Кўриниши хотиржам, бироқ қатъий, илгаригидай дадил эди. Миссис Кейн чоршанба куни етиб келишини хабар қилди. У келгунча дафнни тўхтатиб туришадиган бўлди. Женни мистер Уотсондан Лестернинг жасадини Цинциннатига олиб бориб, Пэйслар хонадонининг хилхонасига кўмажакларини билди. Қариндошлар келиша бошлаганда Женни уйига жўнади. Бу ерда энди қиладиган иши қолмаганди.

Кўмиш маросимларида ҳаётимизда талай беўхшовликлар мавжудлигини бемалол кўрса бўлади. Миссис Кейнга телеграф орқали Лестернинг жасади меҳмонхонадан Иможиннинг уйига олиб борилажаги хабар қилинганди. Тобутни укасининг ўлимидан бир неча соат кейин Чикагога етиб келган Роберт, Берри Дож, Иможиннинг эри мистер Мижли ва яна учта мўътабар жентльмен элтишлари лозим эди. Буффалодан Луиза билан унинг эри, Циннатидан Эми эри билан келишди. Уй марҳум билан видолашгани келганларга тиқилинч бўлиб кетган, биров бу ерга чин кўнгилдан, биров одоб юзасидан келганди. Лестер билан унинг жигарлари ўзларини католик санаганларидан жаноза ўқишга католик руҳонийси чақирилди. Лестер ўзига бегона бўлган уйнинг кираверишдаги меҳмонхонасида ётар, боши ва оёқ томонида марҳумга аталган шамлар ёқилган, кўксида қовуштирилган мумсифат бармоқларига кумуш бут қистириб қўйилганди. Буларни Лестернинг ўзи кўролганида борми, кулимсираган бўларди...

Миссис Кейн чоршанба куни Чикагога етиб келди. У ҳам Женни сингари мусибатга ботган, Лестерни жону дилидан севарди. Кечқурун, уйда ҳамма тинчиб, алламаҳал бўлганда у меҳмонхонага тушди-да, тобут узра энгашиб Лестернинг липиллаётган шамлар ёритган юзига узоқ тикилиб қолди. У Лестер билан қанчалар бахтли бўлганини эсларкан, кўз ёшлари юзини юварди. «Бечора, азиз Лестер!— деб шивирларди у.— Менинг шўрлик қаҳрамоним!» У шундан кейин Лестернинг муздек ёноқлари ва қўлларини силади. Унга Лестер Женнини олдириб келганини айтишмади. Буни Кейн хонадонидагиларнинг бирортаси ҳам билмасди.

Бу пайтда Жанубий тарафдаги мўъжазгина уйчада бошқа бир аёл ёлғиз бир ўзи ушбу оғир жудоликнинг аламларини чекарди. Женни ўтган йиллар ичида, бир кун мас-бир кун Лестер билан яна топишармиз, деб умид қилиб юрарди. Тўғри, Лестер Женни билан топишди, бироқ ўлими олдида топишиб, яна ташлаб кетди. Қаёққа кетди? Онаси, отаси, Веста кетган томонгами? Женни энди Лестерни кўришдан умид қилмасди. Газеталардан унинг жасади мистер Мижлининг уйига олиб борилганини ўқиганди. Жаноза Жанубий тарафдаги энг бадавлат черковлардан авлиё Михаил черковида ўқилиши лозим бўлиб, Иможин билан эри унинг қавмларидан эдилар. Кейин жасад тобутда Цинциннатига олиб кетилиши керак эди.

Бу Женни учун янги мусибат эди. У Лестерни Чикагода дафн этишларини жуда ҳам хоҳлар, чунки шунда гоҳо бўлса ҳам мозорини зиёрат қилиб турарди. Уни эса шундан ҳам маҳрум қилишди. Женни шу чоққача сира ҳам ўз тақдирининг соҳибаси бўлмаганди. Унга доимо бошқалар хўжайинлик қилишганди. Женни гўё ўртадаги масофа бирор нарсани ўзгартирадигандай Лестернинг Цинциннатида дафн қилинишини сўнгги, узил-кесил ҳижрондай кўриб эзиларди. Ниҳоят у черковдаги жанозага бошқаларга сездирмай боришга қарор қилди. Газеталарда маросим соат иккида бошланиши, тўртда жасад вокзалга олиб кетилиши хабар қилинганди. Лестернинг жигарлари уни Цинциннатига кузатиб боришади. Женнининг хаёлига янги фикр келиб қолди: вокзалга борса бўлади-ку.

Дафн маросими қатнашчилари черковга етиб боришидан анча олдин унга ён томондаги эшикдан қора либосли, юзига қалин тўр тутган бир аёл кириб келди-да, бир чеккадаги қоронғироқ бурчакка секингина бориб ўтирди. Черков ҳувиллаган, чироқлари ёқилмаганидан Женни жаноза ўқиладиган жой ва вақти масаласида адашмадиммикин деб хавотирга тушди. Бироқ кўп ўтмай гумонлари тарқади. Тепа томондан бир мақомдаги дафн садоси янграй бошлади. Кейин қора либос устидан оқ нарса кийган хизматчи кўринди. У меҳробга ўтиб, шамларни ёқа бошлади. Хор айтиладиган жойда босиқ қадам товушлари эшитилди — хор қатнашчилари ўз ўринларини эгалламоқда эдилар. Қандайдир кишилар ичкарига кириб, ўриндиқларга ўтиришди. Улар махсус таклифнома олмаган танишлар ёки қўнғироқ овозини эшитиб кириб қолишган тасодифий ўткинчилар бўлсалар ҳам ажаб эмасди.

Женни ҳайрон бўлганича теварак-атрофига аланглади. У шу чоққача католиклар черковида бўлмаганди. Нимқоронғилик, ранг-баранг ойнали найзасимон деразалар, оқ меҳроб, шамларнинг қизғиш алангаси — буларнинг ба-

ри унга чуқур таъсир қиларди. Унинг қалбини гўзаллик ва сирлилик туйғуси, жудолик қайғуси ва алами банд этганди. Ҳаётнинг ўзи ҳам ҳозирда бор мавҳумлиги билан намоён бўлаётгандай эди.

Қўнғироқ ҳамон даранглярди. Ана, черков ёнидаги бинодан сафланиб чиқишаётган болалар ҳам кўринди. Олдинда уларнинг энг кичиги — ўн бир ёшлардаги жуда чиройли ўғил бола ярқираган кумуш хочни кўтариб келарди. Бошқалар жуфт-жуфт бўлиб келишар, ҳар бирининг қўлида ёқилган каттакон шам бор эди. Улардан кейинда турли қора либосдаги руҳоний ёнида иккита хизматчи билан одимларди. Ҳаммалари катта эшикдан айвонга ўтишди. Орадан бир неча дақиқа ўтди, кейин иккита хор қатнашчилари лотин тилида шафқат ва руҳий осойишталик ҳақидаги қайғули нолани куйлашди.

Хор садолари янграши биланоқ черковнинг эшиклари очилди. Яна кумуш бут, шамлар, йўл-йўлакай ҳаяжон билан ибодат сўзларини айтиб келаётган виқорли руҳоний, ундан кейинда бир мақомда одимлаётган эркаклар елкасидаги кумуш бандли, зилдай қора тобут кўринди. Женни гўё қандайдир бир куч қимирлатмай қўйгандай жойида қотиб қолди. У эркаклардан бирортасини ҳам танимасди. У Робертни ҳам, мистер Мижлини ҳам шу чоққача кўрмаганди. Тобут ортидан иккита-иккита бўлиб одимлашаётганлар орасидан фақат учтасинигина таниёлди. Лестер бундан анча йиллар бурун уларни театрда ёки ресторанда кўрсатганди. Миссис Кейн олдинда қандайдир бир кишининг қўлига суянганича келарди. Ундан кейинда маъюс ва жиддий кўринган Уотсон келарди. У теварак-атрофга аланглар, чамаси Женнини қидирарди. Женнини тополмаганидан кейин яна тўғрига қараб кетаверди. Женни ҳам кўзини узолмай тураркан, борган сари вужуди баттар зирқирарди. Бу улкан маросим ўзига жуда дахлдор бўлиш билан бир қаторда ўзи мана шу одамларнинг баридан бениҳоя йироқ эди!

Тўда меҳробга яқин келгандан кейин тобутни пастга туширишди. Устига уқубат аломати бўлмиш қора бут тасвирли оқ чойшаб ёпилиб, тевараги узун шамлар қўйилди. Хор томондан текис айтилаётган хониш келарди, тобутга обизамзам сепилди, бухурдон чайқатилди, шундан кейин жаноза қатнашчилари руҳонийга эргашиб «Отче наш»ни, сўнгра католиклар удуми бўйича Биби Марям оятини такрорлашди. Женни ҳайратда ва маъюс эди, бироқ ажойиб черков ҳам, дабдабали маросим ҳам мусибатини, жудолик аламини юмшата олмади. Шамлар, бухур иси, хонишлар —

буларнинг бари вужудига таъсир қилар, баттар маъюслантирарди. Оламда гўё ана шу мунгли оҳангу ажалдан бўлак ҳеч нима қолмагандай бўларди. У ўзини босолмай йиғларди. У миссис Кейн ҳам йиғидан титраётганини кўраркан, негадир ҳайрон бўлди.

Маросим тугаб, кузатувчилар соявон араваларига ўтиришди-да, тобутни вокзалга олиб кетишди. Ҳамма — таклиф қилинганлар ҳам, бегоналар ҳам кетишганларидан кейин черков бўшаб қолди, Женни ҳам ўрнидан қўзғалди. Энди у ҳам вокзалга боради, тобутни вагонга ортишгунча кўриб қолса ажаб эмас. Уни олдин платформага қўйишлари ҳам мумкин, нега деганда Вестанинг жасадини олиб кетишаётганда шунақа бўлганди-да. Женни извошга ўтирди-да, кўп ўтмай вокзал гумбазлари остидан ўтди. Олдин ортида темир излар чўзилиб кетган баланд панжара олдида турди, сўнгра кутиш залига ўтиб, у ерда ўтирганларни синчиклаб кўздан кечирди. Э, мана улар — миссис Кейн, Роберт, мистер Мижли, Луиза, Эми, Иможин, улар билан яна кимлардир бор эди. Женни гарчи ўзини ҳеч ким булар билан таништирмаган бўлса ҳам, деярли ҳар бирининг исмини бехато айтиб бера олишини сезиб турарди.

Женни эртага байрам куни эканлигини ҳозиргина эслади. Улкан вокзал сершовқин, тинимсиз оломонга тўла эди. Теварак-атрофда говур-гувур авжига чиққан, байрамни шаҳардан ташқарида ўтказишга кетишаётган одамлар шарақлашиб кулишар, бўлажак истироҳат ва кўнгилхушликлар завқидан гурунглашишарди. Вокзалга экипажлар узлуксиз келиб турарди. Перронга поезд келиши биланоқ кимдир баланд овозда одам чиқарилишини билдириб эълон қилиб турарди. Вокзалда Лестер билан кўп марта бирга юришган маршрутни шошилмай, чўзиб эълон қилинганида Женнининг юраги эзилиб кетди. Бу: «Детройт—Толедо—Кливленд Буффало—Нью-Йорк» маршрути эди. Сўнгра: «Форт «Уэйн—Колумбус—Питтсбург—Филадельфия—Атлантик-Сити» поездини, ахири эса «Индианаполис—Колумбус—Цинциннати» поезди жўнашини эълон қилишди... Фурсат етганди.

Женни кутиш залидан ўзини севгилисидан ажратиб турган темир панжара олдига бир неча марта ўтиб—қайтганди. У ёғоч қутига жойланган тобутни поездга ортишгунча зора кўриб қолсам деб умид қиларди. Шунда у кутаётган нарсасини бирдан кўриб қолди. Юк вагони тўхташи лозим бўлган жойга бир аравачани ғилдиратиб келишди. Унда Лестер, бошқаларнинг синчков назарларидан ёғоч, мато, кумуш ёрдамида яхшилаб яширилган Лестер

нинг жасади ётарди. Аравача олдида уймалашаётган юкчининг хаёлига эса унда қанчалар мусибат ва азоб мавжудлиги сира ҳам келмасди. Шу онда бойлик ва ижтимоий мавқе Женнига ўзини севгилисидан умрбод айириб турган мустаҳкам панжара бўлиб кўринаётганини қаердан ҳам билсин у? Доимо шундай бўлиб келганди. Женнини умр бўйи бойлик ва унда жо бўлган куч тегишли чегарадан нарига ўтказмай келганди. Чамаси, туғилганидаёқ пешонасига талаб қилмай, итоат этиш ёзиб қўйилганга ўхшайди. Болалигидан бери бадавлат кишилар ёнидан қаддиларини гоз тутиб ўтишаётганларини кўриб келади. Уларнинг кетидан маъюсланиб қараб қолишдан бўлак қандай иложи қолди эндиликда? Лестер ана шу бегона оламда Женнига яқин эди. Ўша оламда Лестерга фахрли ўрин ажратишди, бироқ Женнинн назарларига ҳам илишмади. Женни панжарага ёпишганича тураркан, перронда яна «Индианаполис—Колумбус—Цинциннати...» деган овоз эшитилди. Перронга деразалари чароғон узун ва қип-қизил поезд кириб келди. Юк ташиладиган, йўловчилар тушадиган вагонлар: кумуш идишлари ярқираган ва оппоқ дастурхонлари кўзни қамаштирадиган вагон-ресторан, ётиб кетиладиган бир неча люкс-вагонлар, олдинда эса тутун ва учқунлар сачратиб турган улкан қора паровоз кўзга ташланди.

Юк вагонлардан бири аравага бараварлашди. Ундан кўк кийимли вагон юкчиси бошини чиқариб қаради-да, ўгирилиб, кўринмай турган кимнидир чақирди:

— Ҳой, Жек, қарашиб юбор! Улик ортамиз.

Женни ҳеч нимани эшитмасди.

У биргина нарсани — ҳозир кўздан йўқоладиган узун қутинигина кўрарди. Биргина нарсани — тезда поезд қўзғалиб, ҳаммаси тугашини ҳис этиб турарди. Панжара дарвозаси очилганида йўловчилар перронга ёпирилиб чиқишди. Ана Роберт, Эми, Луиза... Ҳаммалари поезднинг охиридаги ётиб кетиладиган вагонларига қараб кетишяпти. Ер-дўстлари билан хайрлашганларидан энди орқаларига қарамай кетишяпти. Учта ишчи оғир қутини ортишга «қарашиб юборишди». Яшик вагон ичкарисида кўринмай кетганида Женнининг кўксида гўё бир нима узилгандай бўлди.

Юкчилар шундан кейин талай сандиқлар ва чамадонларни ортишди. Кейин паровоз қўнғироғи чалиниб, юк вагонининг эшиги ярим ёпилди. «Жойларингни эгаллашларингни сўрайман!» деган овозлар эшитилди. Баҳайбат паровоз ҳам оҳиста жойидан жилди. Қўнғироқ чалиниб,

паровоз пишқириб буғ пуркади. Қоп-қора тутун мўрисидан баландга ўрлади. Бу тутун кейин пастлаб, вагонларни қора пардага ўрайди. Паровоз ўтёқари қандай оғир составни элтиши кераклигини гўё сезгандай, кўмир ташлаш учун ловуллаётган ўтхонанинг эшигини очди. Ўтхона тешиги бамисоли оловли кўздай ярқиради.

Женни бу манзарага маҳлиё бўлганидан қимир этмай турарди. У рангида қони қолмаган, қўлларини маҳкам сиқимлаган, кўзларини катта очганча тураркан, фақат битта нарсани — Лестерни олиб кетишаётганини ўйларди, холос. Темир излар узра ноябрнинг қўрғошин тусли осмони нақ осилиб турарди. Поезд тобора узоқлашиб борарди, ниҳоят охирги вагоннинг қизил чироғи ҳам тутунли тумандa кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳа, ҳа,— деди Женнининг ёнидан ўтиб бораётган ва чамаси шаҳардан ташқарига отланган қандайдир бир киши.— Биз бу ерда жуда маза қиламиз. Энни , эсингдами? Жим тоға ҳам, Элла хола ҳам боряпти.

Женни ҳеч нимани — бу сўзларни ҳам, вокзал шовқин-суронини ҳам эшитмасди. Кўз ўнгидан ёлғизлик ва маъюсликда кечган йиллари бирма-бир ўтарди. Буёғи нима бўлади? У ҳали қариганича йўқ. Асрандиларини тарбиялаш лозим. Озми-кўпми вақт ўтиб асрандилари улғайишади, йўлларини топиб, уни ташлаб кетишади, уёғига-чи? Бири-бирига ўхшаган кунлар тинимсиз ўтаверади, кейин нима бўлади?



МУНДАРИЖА

I боб 3
II боб 15
III боб 18
IV боб 28
V боб 36
VI боб 46
VII боб 59
VIII боб 65
IX боб 70
X боб 77
XI боб 81
XII боб 85
XIII боб 88
XIV боб 93
XV боб 96
XVI боб 100
XVII боб 105
XVIII боб 110
XIX боб 115
XX боб 120
XXI боб 122
XXII боб 128
XXIII боб 134
XXIV боб 141
XXV боб 144
XXVI боб 147
XXVII боб 152
XXVIII боб 158
XXIX боб 165
XXX боб 171
XXXI боб 174
XXXII боб 178
XXXIII боб 183
XXXIV боб 188
XXXV боб 190
XXXVI боб 194

XXXVII боб 201
XXXVIII боб 203
XXXIX боб 214
XL боб 220
XLI боб 222
XLII боб 225
XLIII боб 232
XLIV боб 236
XLV боб 239
XLVI боб 246
XLVII боб 250
XLVIII боб 254
XLIX боб 257
L боб 260
LI боб 266
LII боб 272
LIII боб 278
LIV боб 283
LV боб 289
LVI боб 296
LVII 298
LVIII боб 300
LIX боб 304
LX боб 307
LXI боб 312
LXII боб 317

Д 76

Драйзер Теодор.

Женни Герхардт. Роман /Русчадан Э. Носиров тарж./— Т. «Ёш гвардия», 1982.— 328 б.

Драйзер Т. Дженни Герхардт. Роман.

И(Амер)